- Budjet ijro nazoratini kuchaytirish;
- Davlat qarzli tarkibida ichki qarz miqdorini oshirish.

Nima uchun davlat qarzi tarkibida ichki qarz miqdorini orttirishimiz kerak? Sababi ichki qarz davlatdagi nafaqat budjet taqchilligi muammosini, balki boshqa bir qator moliyaviy maslalalarda ham harakatlantiruvchi drayver ro‘lini amalga oshirishi mumkin. Ular quyidagilar:

- Moliya bozori jozibadorligini oshirish;
- Yuridik va jismoniy shaxslarning bo‘sh turgan pul mab’lag‘larini harakatga keltirish;
- Davlat obligatsiyalari va boshqa ko‘rinishdagi moliyaviy instrumentlardan foydalanish orqali kam riskli moliyaviy aktivlarni muomalaga kiritish;
- Milliy valyuta qadrini oshirish;
- Pul aylanish tezligini oshirish va h.k.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son «2022-2026 yillarga mo’ljallangan yangi O’zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to’g’risidalgi Farmoni.
2. Zaynalov J.R., Aliyeva S.S., Xusanov B.Sh., Latipova Sh.M. “Davlat budjeti” O‘quv qo‘llanma – T.: “Iqtisod-Moliya”, 2021.
3. Зайналов Д.Р., “Проблемы эффективности управления финансовой системой в условиях инновационного развития экономики”, MP, vol. 43, pp. 675–680, Dec. 2023.
4. Fattoev O. Causes and Consequences of Budget Deficit //EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY. – 2023. – Т. 3. – №. 9. – С. 34-40.
5. www.lex.uz
6. www.stat.uz
7. www.usdebtclock.org

**Jumayeva Muxlisa Abdug‘ani qizi –** PhD, Alfraganus universiteti

e-mail: jumaeva4664gmail.com ORCID: 0000-0001-8999-1776

## INKLUZIV TADBIRKORLIKNING MAMLAKAT IQTISODIYOTINING BARQAROR RIVOJLANISHIDAGI O‘RNI VA AHAMIYATI

**Annotatsiya:** Ushbu maqola iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish uchun inkluziv tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash zarurati va uning ijtimoiy-iqtisodiy barqarorlikka ta’sirini yoritishga bag‘ishlangan. Bunda inkluziv tadbirkorlik tushunchasi ijtimoiy tengsizlikni kamaytirish, yangi ish o‘rinlari yaratish va iqtisodiy faollikni oshirishga ko‘maklashuvchi omil sifatida ko‘rsatib berilgan. Shuningdek, inklyuziv tadbirkorlikning ekologik barqarorlikka qo‘shadigan hissasi, aholining zaif qatlamlariga iqtisodiy imkoniyatlar yaratishdagi roli, davlat va xalqaro tashkilotlarning qo‘llab-quvvatlashi hamda iqtisodiy o‘sishga qo‘shgan hissasi haqida tahlillar va amaliy tavsiyalar keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** Inkluziv tadbirkorlik, barqaror rivojlanish, ijtimoiy adolat, kichik biznes, davlat qo‘llab-quvvatlashi, kam ta’minlangan qatlam

## РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ИНКЛЮЗИВНОГО БИЗНЕСА В УСТОЙЧИВОМ РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ СТРАНЫ

**Аннотация**: Данная статья посвящена выяснению необходимости поддержки инклюзивного предпринимательства для устойчивого экономического развития и его влияния на социальную и экономическую стабильность. При этом концепция инклюзивного предпринимательства рассматривается как фактор, способствующий сокращению социального неравенства, созданию новых рабочих мест и повышению экономической активности. Также представлены анализ и практические рекомендации о вкладе инклюзивного предпринимательства в экологическую стабильность, его роли в создании экономических возможностей для уязвимых слоев населения, поддержке государственных и международных организаций, его вкладе в экономический рост.

**Ключевые слова**: Инклюзивное предпринимательство, устойчивое развитие, социальная справедливость, малый бизнес, государственная поддержка, малообеспеченная группа населения.

## ROLE AND IMPORTANCE OF INCLUSIVE BUSINESS IN SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE COUNTRY'S ECONOMY

**Abstract**: This article is devoted to identifying the need to support inclusive entrepreneurship for sustainable economic development and its impact on social and economic stability. At the same time, the concept of inclusive entrepreneurship is considered as a factor that helps reduce social inequality, create new jobs and increase economic activity. It also provides analysis and practical recommendations on the contribution of inclusive entrepreneurship to environmental stability, its role in creating economic opportunities for vulnerable groups of the population, support

from government and international organizations, and its contribution to economic growth.

**Keywords**: Inclusive entrepreneurship, sustainable development, social justice, small business, government support, low-income group of the population.

Bugungi kunda mamlakatlarning iqtisodiy taraqqiyoti faqat yirik bizneslar va sanoat rivoji bilan emas, balki har bir fuqaroning iqtisodiyotdagi faol ishtiroki orqali ham belgilanmoqda. Shu maqsadda dunyoda va mamlakatimizda “inklyuziv tadbirkorlik” tushunchasi dolzarb bo‘lib bormoqda. Inkluziv tadbirkorlik – iqtisodiy resurslar va imkoniyatlarni jamiyatning barcha qatlamlariga taqdim etishni maqsad qiluvchi yondashuvdir. Bu ayniqsa yoshlar, ayollar, nogironlar va kam ta’minlangan qatlamlar uchun iqtisodiy imkoniyatlarni kengaytirish yo‘li bilan iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish uchun muhim omil hisoblanadi.

Inkluziv tadbirkorlik nafaqat ijtimoiy adolatni ta’minlaydi, balki iqtisodiy o‘sishni ham jadallashtiradi. Bu jarayonda kam ta’minlangan va iqtisodiy imkoniyatlardan chetda qolgan qatlamlar iqtisodiyotda faol ishtirok etish imkoniyatiga ega bo‘ladi, bu esa butun iqtisodiy tizimni harakatga keltiradi va daromadlarni teng taqsimlashga ko‘maklashadi. Misol uchun, Janubiy Koreya va Singapur kabi mamlakatlar iqtisodiy o‘sishining sabablaridan biri bu davlat tomonidan kichik va o‘rta bizneslarning inklyuzivligini oshirishda amalga oshirilgan chora-tadbirlar bo‘lgan. Shu yo‘l bilan bu mamlakatlar iqtisodiyoti barqaror o‘sishni ta’minlagan desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

Ma`lumki, inkluziv tadbirkorlik iqtisodiy faoliyatlarda barcha qatlamlarning ishtirokini ta’minlash va ularga teng imkoniyatlar yaratishga qaratilgan tamoyildir. U yerda ijtimoiy va iqtisodiy tabaqalashuvni kamaytirish, kam ta’minlangan qatlamlarga yangi ish o‘rinlarini yaratish va umumiy iqtisodiy farovonlikka erishish asosiy maqsadlardan hisoblanadi. Jumladan, chekka hududlarda mikro, kichik va o‘rta tadbirkorlik subyektlari faoliyatini rivojlantirish orqali aholiga nafaqat daromad manbai yaratish, balki mahalliy iqtisodiyotni jonlantirish va kambag‘allikni qosqartirish imkoniyati ham vujudga keladi.

BMT tomonidan qabul qilingan Barqaror rivojlanish maqsadlari ekologik, iqtisodiy va ijtimoiy jihatlarni qamrab oladi. Inkluziv tadbirkorlik esa ushbu jihatlarni uyg‘unlashtirishga yordam beradi. Jamiyatdagi iqtisodiy notenglik darajasi pasaygani sayin barqaror rivojlanish uchun mustahkam poydevor yaratiladi. Inkluziv tadbirkorlik aynan shunga xizmat qilib, ijtimoiy tenglik va iqtisodiy adolatni ta’minlaydi. O‘zbekiston ham 2030-yilgacha bo‘lgan davrdagi global kun tartibida qo‘yilgan vazifalarni bajarish va “Barqaror rivojlanish maqsadlari” sohasidagi 16 ta milliy maqsadga erishish uchun ko‘plab manfaatdor tomonlar ishtirokidagi sheriklikka shuningdek keng qamrovli yondashuvga sodiq ekanini tasdiqlagan.

Inkluziv tadbirkorlik yangi ish o‘rinlari yaratish orqali iqtisodiyotni faollashtirishda alohida ahamiyatga ega. O‘zbekiston kabi rivojlanayotgan mamlakatlarda ayollar va yoshlar orasida tadbirkorlikni rivojlantirish aholining turli qatlamlarini iqtisodiy faolligini yanada oshirishga xizmat qiladi. Inkluziv tadbirkorlik orqali jamiyat a`zolari o‘z qobiliyat va resurslarini samarali ishga solib,

iqtisodiyotda faol ishtirok etish imkoniyatiga ega bo‘ladilar. Buni “Yoshlar – kelajagimiz” dasturi misolida ko‘rsak, ushbu dastur orqali yoshlar o‘z biznes g‘oyalarini amalga oshirish uchun moliyaviy qo‘llab-quvvatlanmoqda. Bu faqat ish o‘rinlari yaratish bilan cheklanmasdan, mahalliy iqtisodiyotni rivojlantirish va aholi daromadlarini oshirishga ham xizmat qilmoqda. “Yoshlar – kelajagimiz” Davlat dasturi doirasida 3 ming 161 ta biznes loyihaga jami 408,8 mlrd. so‘m miqdorida imtiyozli kredit mablag‘lari ajratish orqali 20 ming 34 ta yangi ish o‘rni yaratilishiga erishildi. Jumladan, ishlab chiqarish sohasida 191,7 mlrd. so‘mlik 1 ming 462 ta xizmat ko‘rsatish sohasida 140,6 mlrd. so‘mlik 1 ming 72 ta, qishloq xo‘jaligi sohasida 93,7 mlrd. so‘mlik 715 ta loyiha realizatsiya qilindi.

Darhaqiqat, inkluziv tadbirkorlikning muvaffaqiyatli rivojlanishi uchun davlat va xalqaro tashkilotlar tomonidan qo‘llab-quvvatlash juda muhim ahamiyat kasb etadi. Davlat tomonidan mikro, kichik va o‘rta tadbirkorlar uchun soliq imtiyozlari, subsidiyalar va kredit imkoniyatlari taqdim etilishi orqali ularning faoliyatini rivojlantirish va kengaytirish eng ko‘p uchraydigan dastaklar qatoriga kiradi. O‘zbekistonda inkluziv tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash bo‘yicha ko‘plab maxsus dasturlar ishlab chiqilgan. Bu dasturlar orqali ayollar va nogironlar kabi ijtimoiy zaif qatlamlarga ham tadbirkorlik bilan shug‘ullanish imkoniyati beriladi, bu esa iqtisodiyotni barqaror rivojlantirishda katta ahamiyatga ega.

Xulosa qilib aytganda, inkluziv tadbirkorlik mamlakat iqtisodiyotining barqaror rivojlanishida o‘ta muhim rol o‘ynaydi. U barcha qatlamlarni iqtisodiy faoliyatga jalb qilish orqali iqtisodiy tengsizlikni kamaytiradi, yangi ish o‘rinlari yaratadi, ijtimoiy barqarorlikni oshiradi va ekologik barqarorlikka hissa qo‘shadi. Shu boisdan inkluziv tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash va rivojlantirishga qaratilgan chora-tadbirlar davlat va xalqaro miqyosda keng ko‘lamda amalga oshirilishi lozim. Bu kabi chora-tadbirlar qatorida davlat tomonidan moliyaviy qo‘llab-quvvatlash dasturlarini kengaytirish, ta’lim va malaka oshirish dasturlarini yaratish, qishloq joylarida infratuzilmani rivojlantirish, mahalliy resurslardan samarali foydalanish bo‘yicha loyihalarni qo‘llab-quvvatlash hamda kichik va o‘rta korxonalarga axborot va maslahat xizmatlarini ko‘rsatish kabi amaliy qadamlarni taklif sifatida aytish o‘tish zarur.

**Kholmo‘minov Khumoyun -** PhD student of the National University of Uzbekistan

## THE ROLE AND IMPORTANCE OF LOGISTICS SERVICES IN THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE NATIONAL ECONOMY

**Abstract:** In this article, the role of logistics services in our national economy and its importance are highlighted, mainly the contribution of logistics services to economic sectors, their share in GDP and the role of the country in the social sphere are also researched.

**Key words:** Logistics, sustainable development, logistic processes, integration, logistic chain, logistic functions, production.

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada logistik xizmatlarning milliy

iqtisodiyotimizda tutgan o‘rni va uning ahamiyati yoritilgan bo‘lib, asosan logistik xizmatlarning iqtisodiy tarmoqlarga qo‘shayotgan hissasi, Yaimdagi ulushi va mamlakatning ijtimoiy sohadagi o‘rni ham tadqiq etilgan.

**Kalit so‘zlar:** Logistika, barqaror rivojlanish, logistik jarayonlar, integratsiyalashuv, logistik zanjir, logistik funksiyalar, ishlab chiqarish.

**Аннотация:** В данной статье освещена роль логистических услуг в нашей национальной экономике и ее значение, а также исследован вклад логистических услуг в отрасли экономики, их доля в ВВП и роль страны в социальной сфере.

**Ключевые слова:** Логистика, устойчивое развитие, логистические процессы, интеграция, логистическая цепочка, функции логистики, производство.

Logistics services play a critical role in the sustainable development of national economies. By efficiently managing the movement, storage, and distribution of goods, logistics contributes to economic growth, resource optimization, and environmental sustainability. This article explores the significance of logistics services and their impact on the sustainable development of national economies.

In order to ensure stable growth of the national economy and improve macroeconomic indicators, it is necessary to improve the results in each branch of the economy. In our country, logistic services play an important role in ensuring continuity of regular activities of all economic sectors. In particular, in our country, logistics services have a special place in the field of services. As a result of the targeted state programs implemented in this direction, together with the increase in the number of enterprises operating in the logistics sector, the creation of services such as the delivery of the necessary products at the right time and to the right place within the framework of meeting the demand of consumers for products, not only the activities of manufacturers but also stimulates the increase of consumer demand for products[1].

According to analyses, from 2010 to 2023, the volume of gross added value in the sectors of Uzbekistan’s national economy has improved, with the share of transportation and storage services reaching 56.7 trillion soums in 2023, accounting for 5.3% of GDP. Although the share of transportation and storage services in GDP decreased from 7.7% to 5.3% during the observed period, the absolute amount increased significantly from 6.9 trillion soums to 56.7 trillion soums. This indicates the rapid development of logistics services in the country[2].

Analyzing the above data, we can see a positive growth trend in the overall contribution of transportation and storage services to the national GDP year by year. Particularly, due to the incentives created for foreign and local entrepreneurs in the sector, the gross added value in this field increased by 4.5 times from 2010 to 2019, while during the period from 2020 to 2023, this value grew by nearly 2 times.

Logistics services also play an important role in the social sphere of our country. In particular, several hundred thousand residents of our country are engaged in logistics services today (look at the photo 1). Also, food safety of the population is ensured through logistic services, and consumers have the opportunity

to consume ecologically clean products.




**Photo 1. The number of people who works in logistics sector of Uzbekistan (in thousands) [3]**

Moreover, Logistics plays a pivotal role in the sustainable development of Uzbekistan's economy. As the country continues to modernize and diversify its economic sectors, efficient logistics services are essential for ensuring the smooth flow of goods and services. There are several positive aspects of logistics services in the sustainable development of the country's economy:

- **Enhancing Economic Efficiency.** Efficient logistics systems streamline supply chains, reducing lead times and operational costs. In Uzbekistan, where various sectors-from agriculture to manufacturing-are crucial for economic stability, improved logistics can enhance productivity. By optimizing transportation routes and inventory management, businesses can operate more effectively, contributing to overall economic efficiency.
- **Supporting Trade and Market Expansion.** Logistics services are vital for supporting both domestic and international trade. As Uzbekistan seeks to integrate more fully into global markets, robust logistics networks enable the timely and cost-effective movement of goods across borders. This connectivity facilitates export opportunities and strengthens trade relationships, vital for the country's economic growth.
- **Promoting Regional Development.** Efficient logistics can stimulate regional development by connecting remote areas with urban centers. By improving access to markets and resources, logistics services can promote economic activity in less developed regions, thus helping to reduce regional disparities. This is particularly important in Uzbekistan, where rural development is a key component of national policy.[4]
- **Creating Employment Opportunities.** The growth of the logistics sector leads to job creation in various areas, including transportation, warehousing, and supply chain management. As more companies invest in logistics infrastructure, the

demand for skilled labor increases, helping to reduce unemployment and improve living standards in the country.

➢ **Environmental Sustainability.** Logistics also plays a critical role in promoting environmental sustainability. By optimizing transport routes and employing green logistics practices, such as using energy-efficient vehicles and reducing waste, Uzbekistan can minimize its environmental footprint. Sustainable logistics practices contribute to the country's broader goals of reducing carbon emissions and promoting eco-friendly economic growth.

➢ **Supporting Policy Implementation.** The National government has implemented various policies aimed at enhancing the logistics sector. These include investments in infrastructure, modernization of transport networks, and development of logistics hubs. Effective implementation of these policies is essential for realizing the full potential of logistics in fostering sustainable economic development.

In conclusion, logistics is a fundamental component of Uzbekistan's sustainable economy. By enhancing efficiency, supporting trade, promoting regional development, creating jobs, and advancing environmental sustainability, logistics services significantly contribute to the country's economic growth. As Uzbekistan continues to develop its logistics infrastructure and practices, the sector will play an increasingly important role in achieving sustainable economic objectives and improving the quality of life for its citizens.

**List of used literature**

**1**. Deimante Sulskyte The impact of logistics sector on sustainable development, Kaunas University of Technology, December 2019, DOI:10.15388/OpenSeries.2019.18407

2. https://stat.uz/uz/

3. https://logistika.uz/en/

4. Yusufkhonov Zokirkhan Yusufkhan ugli Topical issues of improving the quality of road transport in the Republic of Uzbeksitan, Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, Volume 1/issue 7, Issn 2181-1784, 2021y.

**Mansurov Saidxo'ja Kamalovich** - "International school of finance and technology" институти ўқитувчиси, "Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti" tayanch doktoranti

## TO'QIMACHILIK KORXONALARIDA EKSPORT STRATEGIYALARINI TAKOMILLASHTIRISH: O'ZBEKISTON TAJRIBASI VA XALQARO AMALIYOT

**Kirish.** O'zbekiston to'qimachilik sanoati mamlakat iqtisodiyotining muhim tarmoqlaridan biri hisoblanadi. Mamlakat iqtisodiy rivojlanishida eksportning o'rni katta bo'lib, ayniqsa to'qimachilik mahsulotlarini tashqi bozorlarga chiqarish O'zbekistonning xalqaro iqtisodiy aloqalarini mustahkamlashda muhim ahamiyat kasb etadi. Shu boisdan ham mamlakat eksport strategiyasini takomillashtirish va

xalqaro bozorlarda raqobatbardoshlikni oshirish dolzarb masalalardan biridir. Ushbu tezisda O‘zbekiston to‘qimachilik sanoatining hozirgi holati, xalqaro amaliyotda eksport strategiyalari va ularni takomillashtirish bo‘yicha takliflar ko‘rib chiqiladi.

**O‘zbekistonda to‘qimachilik sanoatining rivojlanishi.**

O‘zbekiston Respublikasi mustaqillikka erishgach, to‘qimachilik sanoatini rivojlantirish davlatning ustuvor ahamiyatga ega bo‘lgan tarmoqlaridan biri sifatida e'tirof etildi. Sifatli pahta xom ashyo zaxirasi mavjudligi chuqur qayta ishlash sanoatining katta potensialini namoyon etadi.

Mustaqillikning dastlabki yillarida mamlakat pahta xom ashyo yetishtirib eksport qilish tizimi mavjud edi. Ushbu ko‘rsatkichlar 2010 yilga kelib, chuqur qayta ishlash sanoatiga o‘tilib, ip-kalava, trikotaj mato, uni bo‘yash va tayyor mahsulot ishlab chiqarish hajmi oshganligi bilan bog‘liq bo‘ldi. Bu borada Hukumat yirik xorijiy investitsiyalar kiritish, xomashyo yetishtirishni rag‘batlantirish va ishlab chiqarishni modernizatsiyalashga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshirdi. O‘zbekiston, dunyoda to‘qimachilik mahsulotlari eksportida yetakchi davlatlardan biri bo‘lishga intilib, sohaning eksport salohiyatini oshirishga katta e'tibor qaratmoqda.

Mamlakatda paxta yetishtirish va uni qayta ishlashdan tortib, tayyor mahsulot ishlab chiqarishga qadar barcha bosqichlarni o‘z ichiga oladigan vertikal integratsiya tizimi ishlab chiqilgan. Bu tizim eksport qilinadigan mahsulotlarning raqobatbardoshligini oshirishga imkon beradi. Aynan 2016 yilga kelib, O‘zbekiston Respublikasi to‘qimachilik sanoatining transformatsiya qilish jarayoniga qaratilgan islohotlar amalga oshirilib, strategik maqsadlar belgilab olindi. Bular barchasi mamlakat rahbari tomonidan tub islohotlar amlga oshirish bilan boshlandi desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Shaxsan mamlakatimiz rahbari tomonidan ilgari surgan tashabbus pirovardida bolalar mehnati, o‘qituvchi va tibbiyot hodimlarini pahta terimiga majburan jalb qilishga butkul barham berilib, natijada xalqaro pahta koalitsiyasi tomonidan (Cotton campaign) O‘zbekiston pahtasidan bo‘lgan mahsulotlarga boykot 2022 yilga kelib olib tashlandi.

Buning natijasida eksport mahsulotlari 2023 yilga kelib 2017 yilga nisbatan 3 karrasiga oshib 3,4 mlrd dollarni tashkil qildi. Tayyor mahsulotlar hajmi to‘qimachilik sanoatidagi ulushi ham sezilarli ravishda oshib bormoqda. Yana bir islohotlardan biri O‘zbekiston Respublikasining 2017 yil 14-dekabrdagi “To‘qimachilik va tikuv-trikotaj sanoatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi” PF-5285 sonli farmoni qabul qilindi. Farmon mohiyati mamlakat pahta xom ashyosini chuqur qayta ishlash asosida qo‘shimcha qiymat mahsulotlar ishlab chiqib ularni xalqaro bozorlardagi raqobatbardoshligini oshirishdan iborat bo‘ldi hamda qo‘shimcha qiymat zanjirini yaratish maqsadida pahta-to‘qimachilik klasterlar tashkil etildi. Bugungi kunga kelib jami pahta-to‘qimachilik klasterlar soni 142 tani tashkil etadi, shundan 10 ta klaster xom ashyodan tortib tayyor mahsulotgacha bo‘lgan bosqichlarni o‘z ichiga oladi.

Bugungi kunga to‘qimachilik mahsulotlarini xalqaro bozorlarga diversifikatsiya qilish jarayonlariga keng amalga oshirilib kelmoqda. Jumladan Yevropa Ittifoqi mamlakatlariga turli xil assortimentga ega mahsulotlar eksporti amalga oshirib kelinmoqda. Yuqorida ta’kidlaganimizdek, xalqaro koalitsiya

tomonidan O‘zbekiston pahta boykotiga bo‘lgan ta’qiq olib tashlangach Yevropa bozorlariga kirish sezilarli darajada o‘sganligi yaqqol namoyon bo‘ldi.

Klaster sub’yektlari mamlakat paxtasini xalqaro me'yor va standartlarga mos keladigan darajada yetishtirish ularni yuqorida ta’kidlab o‘tilganidek, chuqur qayta ishlashda soha rivojiga doir Xukumat tomonidan juda ko‘plab qaror va farmonlar qabul qilingan bo‘lib, buning pirovardida O‘zbekistonda ishlab chiqarilgan yarim tayyor va tayyor mahsulotlarni xalqaro bozorlarda raqobatbardosh bo‘lishi uchun muhim omil bo‘lib xizmat qiladi desak mubolag‘a bo‘lmaydi.

**Xalqaro amaliyotda eksport strategiyalari**

Dunyo bo‘ylab rivojlangan davlatlarning eksport strategiyalariga nazar solsak, ularning asosiy muvaffaqiyat omillari sifatida quyidagilarni ajratib ko‘rsatish mumkin:




**1-Rasm. Xalqaro amaliyotda eksport strategiyalari.**

1. **Bozor tahlili va segmentatsiyasi**: Rivojlangan davlatlar eksport strategiyasini tuzishda avvalo bozor tahlili va segmentatsiyasiga katta e'tibor beradi. Bozor ehtiyojlarini to‘g‘ri aniqlash, xaridorlar talabini o‘rganish va mahsulotlarni ushbu talabga moslashtirish eksport muvaffaqiyatining asosiy omillaridandir. Masalan, Xitoy, Hindiston va Turkiya kabi davlatlar xalqaro bozorlarga o‘z to‘qimachilik mahsulotlarini chiqarishda bu yo‘nalishda katta yutuqlarga erishgan.

2. **Raqobatbardosh narx belgilash**: Xalqaro bozorda mahsulotning narxi raqobatbardosh bo‘lishi kerak. Bunda narxni pasaytirish emas, balki mahsulotning sifati va qo‘shimcha qiymatni oshirish orqali raqobatbardosh narxni ta’minlashga e'tibor qaratiladi. Vetnam, Turkiya, Xitoy, Bangladesh kabi davlatlar to‘qimachilik sohasida qo‘shimcha qiymatni oshirish orqali yuqori narxlarda muvaffaqiyatli eksport qiladi.

3. **Innovatsiyalar va texnologiyalarni joriy etish**: Zamonaviy texnologiyalar va innovatsiyalar eksportni rivojlantirishda hal qiluvchi omildir. Xalqaro kompaniyalar texnologiyalarni joriy etish orqali mahsulot sifatini yaxshilash va ishlab chiqarish samaradorligini oshirishga erishmoqda. Masalan, Italiya, Germaniya va Italiya yuqori texnologiyali uskunalar va innovatsion ishlab chiqarish texnologiyalari orqali to‘qimachilik mahsulotlarining sifatini oshirishga muvaffaq bo‘lgan.

4. **Marketing va brending strategiyalari**: Xalqaro miqyosda muvaffaqiyatli eksport qilayotgan davlatlar marketing va brendingga katta ahamiyat beradi. Mahsulotni xalqaro bozorga chiqarganda, uni raqobatchilardan ajratib turadigan va xaridor e'tiborini tortadigan brend yaratish muhim hisoblanadi.

**O‘zbekistonda eksport strategiyalarini takomillashtirish imkoniyatlari**

O‘zbekiston to‘qimachilik sanoatining eksport salohiyatini oshirishda xalqaro amaliyotdan o‘rganish va ularni milliy strategiyaga tatbiq qilish zarur. Quyida O‘zbekiston uchun muhim bo‘lgan bir nechta yo‘nalishlar ko‘rib chiqiladi:

1. **Bozor diversifikatsiyasi**: Hozirgi vaqtda O‘zbekistonning asosiy eksport bozorlarini Rossiya, Xitoy va Markaziy Osiyo davlatlari tashkil etadi. Lekin xalqaro tajriba shuni ko‘rsatadiki, eksport geografiyasini kengaytirish eksport hajmini oshirish va eksport bozorlariga bog‘liq bo‘lmaslik uchun muhim omildir. Shu boisdan ham O‘zbekiston Yevropa Ittifoqi, AQSh va boshqa rivojlangan davlatlar bilan hamkorlikni mustahkamlashi lozim.

2. **Texnologik modernizatsiya**: Zamonaviy texnologiyalarga sarmoya kiritish to‘qimachilik mahsulotlarining sifatini oshirish va ishlab chiqarish hajmini kengaytirishda muhim rol o‘ynaydi. O‘zbekiston kompaniyalari xalqaro bozorlarda raqobatbardoshlikni oshirish uchun texnologik modernizatsiyaga ko‘proq e'tibor qaratishi lozim bo‘ladi.

3. **Mahsulotning qo‘shimcha qiymatini oshirish**: O‘zbekistonda eksport qilinayotgan mahsulotlarning katta qismi yarim tayyor mahsulotlar ya’ni ip-kalava, trikotaj mato, gazlamala mahsulotlardan iborat. Bu esa qo‘shimcha qiymatni oshirish imkoniyatlarini cheklaydi. Shu bois, tayyor mahsulotlarni ishlab chiqarishga ko‘proq e'tibor qaratish lozim.

4. **Brending va marketing strategiyalari**: O‘zbekiston to‘qimachilik mahsulotlarini xalqaro bozorga chiqarishda marketing va brendingga katta ahamiyat qaratishi kerak. O‘zbekistonda ishlab chiqarilgan mahsulotlar xalqaro miqyosda o‘z brendi ostida tanitilishi, xaridorlar uchun e’tiborga molik bo‘lishi zarur. Buning uchun xalqaro brend yaratish strategiyasini ishlab chiqish muhimdir.

5. **Sertifikatlashtirish va xalqaro standartlarga rioya qilish**: Xalqaro bozorlarda raqobatbardoshlikni oshirish uchun mahsulotlarning xalqaro sertifikatlarga mos bo‘lishi muhimdir. O‘zbekiston kompaniyalari xalqaro standartlarga rioya qilishi va eksport qilinadigan mahsulotlarni tegishli sertifikatlar bilan ta’minlashi lozim. Bu mahsulotlarning jahon bozorlarida tan olinishi va yuqori darajadagi xaridorgir bo‘lishiga xizmat qiladi.

**Xulosa:**

O‘zbekiston to‘qimachilik sanoatida eksport strategiyalarini takomillashtirish xalqaro amaliyotni o‘rganish va milliy sharoitga moslashtirish orqali amalga oshirilishi mumkin. Bozor diversifikatsiyasi, texnologik modernizatsiya, mahsulotning qo‘shimcha qiymatini oshirish, brending va marketing strategiyalarini kuchaytirish orqali O‘zbekiston xalqaro bozorlarda o‘z o‘rnini yanada mustahkamlashi mumkin. Shu bilan birga, xalqaro standartlarga mos mahsulot ishlab chiqarish ham eksport strategiyalarini muvaffaqiyatli amalga oshirishda muhim ahamiyatga ega hisoblanadi.

**Mo‘ydinova Gulnozaxon Qahramon qizi** - Farg‘ona politexnika instituti tayanch doktoranti, tel:+998916642460, e-mail: gulnozaxonmuydinova@gmail.com

# SANOAT KORXONALARIDA STRATEGIK BOSHQARUVGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR

**Annotatsiya:** Ushbu tezisda korxonaning rivojlanish strategiyasini ishlab chiqish jarayonida ichki va tashqi muhitni chuqur tahlil qilish zarurligi yoritib berilgan bo‘lib, korxonaning rivojlanish strategiyasini ishlab chiqishda ichki va tashqi muhitni tahlil qilishning o‘rni va ahamiyati oshib bormoqda. Bu tahlil tashkilotga o‘z salohiyatini to‘liq anglash va rivojlanishning uzoq muddatli va qisqa muddatli maqsadlariga erishish uchun samarali yo‘llarni belgilashga yordam berishi ta’kidlangan.

**Kalit so‘zlar:** Korxonaning rivojlanish strategiyasi, ichki muhit, tashqi muhit, raqobatbardoshlik, inson resurslari, innovatsion boshqaruv, korxona boshqaruvi.

**Аннотация:** В данном тезисе подчеркивается необходимость глубокого анализа внутренней и внешней среды в процессе разработки стратегии развития предприятия. Анализ внутренней и внешней среды становится все более важным при разработке стратегии развития компании. Этот анализ помогает организации полностью осознать свой потенциал и определить эффективные пути для достижения долгосрочных и краткосрочных целей развития.

**Ключевые слова:** Стратегия развития компании, внутреннее окружение, внешнее окружение, конкурентоспособность, человеческие ресурсы, инновационное управление, управление компанией.

**Abstract:** This thesis emphasizes the necessity of conducting a deep analysis of the internal and external environments in the process of developing a company's growth strategy. The importance and role of analyzing the internal and external environments in developing a company's strategy are increasingly growing. This analysis helps the organization fully understand its potential and determine effective ways to achieve both long-term and short-term development goals.

**Key words:** Business development strategy, internal environment, external environment, competitiveness, human resources, innovation management, corporate management.

Korxonaning rivojlanish strategiyasini ishlab chiqish va uni muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun «tashkilotning ichki muhiti, uning salohiyati va rivojlanish tendensiyalari, shuningdek, tashqi muhit, uning rivojlanish tendensiyalari va tashkilotning undagi o‘rni haqida chuqur tasavvurga ega bo‘lish kerak.

Shu bilan birga, ichki muhit va tashqi atrof-muhit strategik boshqaruv tomonidan birinchi navbatda tashkilot o‘z maqsadlarini belgilash va ularga erishishda hisobga olishi lozim bo‘lgan tahdidlar va imkoniyatlarni aniqlash uchun o‘rganiladi. Strategik boshqaruv atrof-muhitni uchta muhitning yig‘indisi sifatida ko‘rib chiqadi: makromuhit, bevosita atrof-muhit va ichki muhit.

Har qanday korxonada muhim boshqaruv qarorlarini qabul qilish uchun

majburiy ravishda kompleks tahliliy tadqiqotlar o‘tkazilishi zarur. Tashkilotni tahlil qilish avvalo uning tashqi muhitini batafsil o‘rganishdan boshlanishi kerak; faqat tashqi muhitni tahlil qilgandan so‘ng ichki muhitni o‘rganishga kirishish mumkin.

Bugungi kunda korxonaning samarali faoliyati ko‘plab turli omillarga bog‘liq bo‘lib, ulardan ichki muhit eng asosiylaridan biridir. Shu bilan birga, korxona strategiyasini ishlab chiqishda rahbarlar tashqi muhitni emas, balki ichki vaziyatni ham hisobga olishlari kerak.

Tashkilotning ichki muhiti haqida ma’lumot rahbariyatga tashkilotning potensiali, ichki imkoniyatlarini aniqlashda zarur, chunki ular raqobatdagi muvaffaqiyatni ta’minlash va belgilangan maqsadlarga erishish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi.

E.A.Repina ilmiy izlanishiga ko‘ra, ichki muhit - bu tashkilotning mavjud resurslarini bozorga taklif etiladigan mahsulotlarga aylantiruvchi jarayonlar majmuasidir. Ichki muhit, asosan, boshqaruv qarorlari natijasida yuzaga keladigan o‘zgaruvchilarni o‘z ichiga oladi. Ichki muhitni sifatli va to‘liq tahlil qilish uchun, avvalo, tashkilotni xarakterlaydigan va kuchli hamda zaif tomonlar sifatida ko‘rilishi mumkin bo‘lgan ichki o‘zgaruvchilarni aniqlash zarur. Ularning ahamiyatini baholash va bu o‘zgaruvchilarni raqobatbardoshlik afzalliklarini yaratish uchun qanday ishlatish mumkinligini belgilash kerak.

Ichki o‘zgaruvchilar - bu tashkilot ichidagi holat omillari. Maqsadlar, tuzilma, vazifalar, texnologiyalar, inson resurslari tashkilotning ichki muhitining asosiy o‘zgaruvchilaridir.

Barcha ichki o‘zgaruvchilar tashkilotda bir-biridan izolyatsiya qilinib mavjud bo‘lolmaydi, chunki ular bir-biriga ta’sir ko‘rsatadi va tashkilot faoliyatining samaradorligiga ta’sir o‘tkazadi. Shu sababli, har qanday o‘zgaruvchining sezilarli o‘zgarishlari ma’lum darajada boshqa barcha o‘zgaruvchilarga ham, tashkilot samaradorligiga ham ta’sir ko‘rsatadi. Demak, tashkilot — o‘zaro bog‘langan qismlardan iborat butunlikdir.

Ichki o‘zgaruvchilarni tahlil qilish ularning muhitga ta’sirini aniqlash uchun zarur bo‘lib, quyidagi ahamiyatga ega:

– Ichki muhit haqida ma’lumot rahbariyatga quyidagi maqsadlarda zarur: ichki imkoniyatlarni va potensialni aniqlash, ularga asoslanib korxona raqobatdagi muvaffaqiyatga erishish uchun kerakli resurslarga ega bo‘lishi mumkin.

– Ichki muhitni tahlil qilish tashkilotning maqsadlari va vazifalarini yaxshiroq tushunishga yordam beradi.

– Tashkilot mahsulot ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatishdan tashqari, o‘z ishchilariga mavjud bo‘lish imkoniyatlarini ta’minlaydi va ularning hayot faoliyati uchun muayyan sharoitlarni yaratadi.

Ko‘pincha, ichki muhitni tahlil qilish tashkilot rahbariyatining diqqat markazida doimo bo‘lgan asosiy elementlar yoki ichki o‘zgaruvchi omillarni tasvirlashdan boshlanadi:

**1-jadval**

**Ichki o‘zgaruvchan omillar va ularning tavsifi**

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ichki o‘zgaruvchilar | Maqsad (vazifa) | Istalgan natija yoki yakuniy aniq holat — bu tashkilotning sa’y-harakatlari yo‘naltirilgan maqsad bo‘lib, unga erishish uchun barcha resurslar va imkoniyatlar ishlatiladi. Bu oldindan rejalashtirilgan yoki belgilangan ish bo‘lib, uni belgilangan muddatlarda, ma’lum uslub va tartibda bajarish kerak. | Xarakteristikasi |
| | Struktura | Funksional sohalar va boshqaruv darajalari o‘rtasidagi mantiqiy o‘zaro munosabatlar; tashkilot tuzilmasi, boshqaruv usullari, yuqori rahbariyatning malakasi va autoriteti, maxsus mehnat taqsimoti (vertikal va gorizontal), tashkilotning maqsadlari, vazifalari, missiyasi, marketing siyosati, hisobni tashkil etish, tadqiqotlar va yangi mahsulotlarni ishlab chiqish. | |
| | Ishlab chiqarish tizimi | Ishlab chiqarish hajmi, tuzilmasi, sur’ati, chiqarilayotgan mahsulot nomenklaturasi, xomashyo va materiallar bilan ta’minlanganlik, zaxiralar darajasi, ularni ishlatish tezligi, materiallarni ta’minlashni boshqarish, uskunalar va ularning foydalanish darajasi, zaxira quvvatlarning mavjudligi, ishlab chiqarishni standartlashtirish va avtomatlashtirish, ishlab chiqarish jarayonlarining ekologik tozaligi, sifat nazorati tizimi, mavjud patentlar, brendlarning imiji, materialga bo‘lgan ehtiyoj, resurs va energiya samaradorligi. | |
| | Texnologiya | Xomashyoni kerakli (qidirilgan) xizmatlar va mahsulotlarga aylantirish vositasi. Bu, kerakli o‘zgartishlarni amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan jihozlar, asboblar, tegishli malakalar va bilimlarni birlashtirishni anglatadi. Ushbu jarayon ma’lumotlar, materiallar va insonlarni kerakli shaklda o‘zgartirish uchun kerakli vositalar va resurslarni o‘z ichiga oladi. | |
| | HR | Tashkilotning asosi, ya’ni uning jamoasi: tuzilma, xodimlarning malaka va son jihatidan tarkibi, mehnat unumdorligi va ishlab chiqarish hajmi, xodimlar almashinuvi, kadrlar siyosati, karyera boshqaruvi, tashkiliy madaniyat. | |
| | Moliya | O‘z moliyaviy resurslar bilan ta’minlanganlik, debitorlik va kreditorlik qarzdorlik hajmi, uzoq muddatli va qisqa muddatli investitsiyalar hamda qarzlar nisbatlari va hokazo. | |

Yuqorida sanab o‘tilgan ichki o‘zgaruvchilar, tashkilotga o‘ziga xos «yuzi»ni berib, uning ichki muhitini tashkil qiladi. Korxona rahbari belgilangan maqsadlarga erishish uchun ushbu elementlarni ham umumiy holda, ham alohida ko‘rib chiqishi kerak. Bu, o‘z navbatida, elementlarning bir-biri bilan qanday o‘zaro ta’sir qilishi

haqida tushuncha beradi va ularning korxona uchun ahamiyatini yana bir bor ta’kidlaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Питер Т., Уотерман Р. В поисках эффективного управления. - М.: Прогресс. 1986. 418 с.
2. Репина Е. А. Основы менеджмента. – Дашков и К°, 2008.
3. Чупин Ю. Н. Анализ внешней и внутренней среды в формировании стратегии предприятия //Аграрное образование и наука. – 2017. – №. 3. – С. 43.
4. Ashurov, M., Kurpayanidi, K., Oripov, D., Shakirova, Y., Muydinova, G. (2023). Strategies for Improvement and Evaluation of the Quality Management System of Uzbekistan Manufacturers. In: Beskopylny, A., Shamtsyan, M., Artiukh, V. (eds) XV International Scientific Conference “INTERAGROMASH 2022”. INTERAGROMASH 2022. Lecture Notes in Networks and Systems, vol 574. Springer, Cham. https://doi.org/10.1007/978-3-031-21432-5_167

**Mukhammadieva Nodira** - “Silk Road” International university of Tourism and Cultural heritage, e-mail: nodirabegim1988@gmail.com

## SUSTAINABLE REGIONAL MARKETING FOR TOURISM: BALANCING GROWTH WITH ENVIRONMENTAL IMPACT

**Abstract:** This article explores the concept of sustainable regional marketing in tourism, emphasizing strategies that balance economic growth with environmental protection. As destinations seek to attract more visitors, the impacts on local ecosystems and communities have become increasingly apparent. Sustainable marketing aims to ensure that tourism development is economically viable, socially responsible, and environmentally sound. This article examines the theoretical framework underlying sustainable tourism marketing, outlines practical methods for implementation, and draws conclusions about achieving sustainability in regional tourism marketing.

**Keywords:** Sustainable tourism, regional marketing, environmental impact, economic growth, responsible tourism.

**Аннотация:** В этой статье рассматривается концепция устойчивого регионального маркетинга в туризме с акцентом на стратегии, обеспечивающей баланс между экономическим ростом и защитой окружающей среды. Поскольку туристические направления стремятся привлечь больше посетителей, воздействие на местные экосистемы и сообщества становится все более очевидным. Устойчивый маркетинг направлен на то, чтобы развитие туризма было экономически жизнеспособным, социально ответственным и экологически безопасным. В данной статье рассматривается теоретическая база, лежащая в основе маркетинга устойчивого туризма, описываются практические методы реализации и делаются выводы о достижении устойчивости в региональном

маркетинге туризма.

**Ключевые слова:** Устойчивый туризм, региональный маркетинг, воздействие на окружающую среду, экономический рост, ответственный туризм.

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada turizmda barqaror mintaqaviy marketing kontseptsiyasi koʻrib chiqiladi, iqtisodiy oʻsish va atrof-muhitni muhofaza qilish muvozanatini taʼminlovchi strategiyalarga eʼtibor qaratiladi. Sayyohlik yoʻnalishlari koʻproq tashrif buyuruvchilarni jalb qilishga intilayotgani sababli, mahalliy ekotizimlar va jamoalarga taʼsiri tobora aniq boʻlib bormoqda. Barqaror marketing turizm rivojlanishining iqtisodiy jihatdan foydali, ijtimoiy masʼuliyatli va ekologik jihatdan qulay boʻlishini taʼminlashga qaratilgan. Ushbu maqola barqaror turizm marketingining nazariy asoslarini oʻrganadi, amalga oshirish usullarini tavsiflaydi va mintaqaviy turizm marketingida barqarorlikka erishish boʻyicha xulosalar chiqaradi.

**Kalit soʻzlar:** Barqaror turizm, mintaqaviy marketing, atrof-muhitga taʼsir, iqtisodiy oʻsish, masʼuliyatli turizm

## Introduction

The tourism industry is a vital economic driver for many regions worldwide, providing employment, generating income, and fostering cultural exchange. However, the rapid growth of tourism can lead to significant environmental degradation and socio-cultural challenges. Sustainable regional marketing for tourism endeavors to balance these competing interests, promoting tourism in a way that supports long-term environmental health and social well-being while achieving economic objectives. This article investigates sustainable marketing approaches that can help regions manage tourism growth responsibly.

## Theoretical Part

The theoretical foundation of sustainable regional marketing for tourism is rooted in concepts of sustainable development, responsible tourism, and stakeholder theory.

- **Sustainable Development:** This concept, popularized by the 1987 Brundtland Report, advocates development that meets current needs without compromising future generations. In tourism, this translates to harmonizing economic growth with ecological and social considerations.
- **Responsible Tourism:** This approach focuses on minimizing negative impacts and maximizing positive contributions of tourism to local environments and communities. Theories within responsible tourism emphasize accountability and ethical behavior by all stakeholders, including tourists, businesses, and governments.
- **Stakeholder Theory:** Stakeholder theory suggests that tourism development should involve all stakeholders in decision-making processes to ensure equitable benefits and responsibilities. This framework encourages collaboration and partnership among governments, businesses, communities, and tourists to achieve mutual goals.

**Methods**

Implementing sustainable regional marketing for tourism involves various methods and strategies:

1. **Destination Branding and Positioning:**
   - Developing a brand that highlights sustainability can attract environmentally conscious tourists. This involves promoting natural assets, cultural heritage, and sustainable tourism offerings.
   - Green destination certifications, such as Biosphere Responsible Tourism Certification, help communicate a commitment to sustainability.
2. **Market Segmentation and Targeting:**
   - Identifying and targeting demographics that value sustainability can ensure alignment with sustainability goals. Marketing efforts should focus on eco-conscious travelers and niche markets interested in responsible tourism practices.
3. **Collaborative Marketing Initiatives:**
   - Public-private partnerships can enhance resource sharing and joint promotional efforts. Collaboration with local businesses and community organizations ensures that marketing strategies align with local sustainability objectives.
   - Regional marketing alliances can pool resources for larger-scale campaigns promoting sustainable tourism themes.
4. **Sustainable Product Development:**
   - Creating tourism products that emphasize sustainability, such as nature-based tours, cultural experiences, and eco-friendly accommodations, can help differentiate a region in the marketplace.
   - Encouraging local businesses to adopt sustainable practices enhances the overall value proposition of the destination.
5. **Community Engagement and Education:**
   - Involving local communities in marketing efforts ensures that tourism development considers their needs and aspirations. Community input can guide sustainable tourism planning and content creation.
   - Educational campaigns targeted at tourists can raise awareness about responsible travel behaviors, emphasizing environmental care and cultural respect.

**Conclusions**

Sustainable regional marketing for tourism represents a balanced approach to managing tourism growth by integrating environmental, economic, and social considerations. By adopting sustainable development principles and leveraging stakeholder collaboration, regions can effectively market themselves as responsible tourism destinations. These efforts not only mitigate environmental impacts but also enhance community well-being and economic resilience. As tourism continues to grow, sustainable marketing will be essential in facilitating a harmonious relationship between tourism and the environment, ensuring lasting benefits for all parties involved.

**References**

1. World Travel & Tourism Council (WTTC) - Economic Impact of Tourism: wttc.org

2. Global Sustainable Tourism Council (GSTC) - Sustainable Tourism Standards: gstcouncil.org
3. United Nations World Tourism Organization (UNWTO) - Sustainable Tourism and the SDGs: unwto.org
4. Case Studies on Community-Based Tourism: Responsible Travel - responsibletravel.com
5. "Sustainable Tourism: Principles, Contexts and Practices" - David Weaver (Book)

**Musayeva Shoira Azimovna -** Professor of Samarkand Institute of Economic and Service, Samarkand, Uzbekistan, e-mail: musaeva_shoira@mail.ru

## ANALYSIS AND IMPROVEMENT OF THE MARKETING ENVIRONMENT IN THE ENTERPRISE

**Abstract:** This article covers the concept of marketing, wholesale trade activities, strengthening customer relations, digital marketing, advertising through social networks,development of a marketing plan is considered.

**Keywords:** Space, marketing environment, concept, wholesale, market, demand, advertising, brand.

**Introduction.** During the years of independence, there are many problems that need to be implemented in the field of trade, especially in the field of wholesale trade, despite the fact that positive property and organizational changes have taken place. The main reason for this is the market mechanism of the activities of wholesale trade entities in the current conditions, in their activitiesmodern serviceuse of economic levers, marketing and market opportunities, scope of service, communication links, relations with other economic sectors, improvement of its management and state regulation mechanisms.

**Analysis of literature on the topic** Based on foreign experiences, it should be noted that the competitiveness of the enterprise in the market is determined by the effectiveness of its market-oriented policy. Many economists have been engaged in the development of marketing activities and their practical application, including F. Kotler, M. Porter, D. Evans, I. Ansoff, M. Berman, M. Golubkov, P. Samuelson, D. .We can include famous scientists like Marshall.

It is necessary to acknowledge the scientists who made a great contribution to the development of the theory of marketing, while the research carried out in the field of marketing in our country for many years was based on national characteristics. R. Ibragimov to them. Y. Abdullaev, A. Saliev, M. Sharifkhojaev, D. Rakhimova, Sh. Ergashkhodjaeva, SH. A. Musayeva and others can be included.

The marketing environment is a set of market participants, external forces and processes that operate outside the company in the market and affect the company's ability to establish and maintain successful partnerships with its target customers. Any company operates and succeeds in a certain environment, not in a vacuum.

Marketing environmentmeans a set of entities and forces that directly affect

the establishment of good cooperative relations with customers of the company's marketing service employees and the maintenance of these relations. The marketing environment consists of a set of forces and factors that directly affect the market situation in general and enterprise activity in particular, including other market subjects.

The main goal of the analysis of the internal environment of the enterprise is to study the factors that determine the potential of the enterprise and influence it. The following elements of the internal environment were studied in the study of enterprise activity.

Management organization structure, division of labor, study and management of customer activities, working with CRM systems, functionally and hierarchically, centralization, procedures and methods of making key decisions, control of decision implementation, management information system, communication processes, type of management , professional nature and level of senior management, strategic planning system.

Production departments (number, specialists, capacity), the volume of goods offered depending on the current state of the leased or own production base, the type of technology used, the organization of customer service, warehouse capacity, product quality control making, non-threatening provision, production (packing, wrapping) power, direct losses in service. It is also important to assess the level of full utilization of production capacity.

In marketingapplied strategies, market (big and small, position, competitors), customers, enterprise image, enterprise goods, price, sales and communication policy, information supply situation and organization, mutual marketing relations, internal marketing, advertising and its structures, activities of moving products and goods, etc.

Financial and economic departmentbusiness assets, equity and debt capital, credit facilities, business liquidity, capital turnover and liquidity, capital planning, gross income, profit and utilization. One of the important indicators of enterprise activity is its profitability. It is calculated according to the ratio of the received income indicator (sales volume, gross income, working capital to production, cost of fixed assets, etc.).

Personnel departmentcomposition and qualification, professional and qualification level, personnel formation policy (planning, selection and temporary hiring, dismissal, unemployment, etc.), personnel development (professional orientation and retraining, certification and evaluation, testing of new employees conducting, ensuring growth in the service process), organizing and motivating work, applying relations between employees, etc.

The enterprise is engaged in wholesale trade activities, and the situation of the wholesale trade market was also considered.

**Research methodology.** Systematic approach, abstract-logical thinking, grouping, comparison, factor analysis, selective observation methods were used in the research process.

**Analysis and results** The company always pays serious attention to marketing. After all, being a wholesale company, it always deals with customers.

This implies the constant development of relations with marketing. If we look at the state of organization of marketing activities in the company's activities, the organization of marketing services is used in the company according to the 4 main organizational structures of marketing, market-oriented and product-oriented organizational structures. And its structure is as follows.

# КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Аннотация.** Мақолада тадбиркорлик фаолияти бўйича мамлакатимизда яратилган имкониятлар, ижтимоий соҳадаги тадбиркорликнинг жамият ривожланишидаги ҳамда учинчи ренессанс такомиллашувидаги тутган ўрни тўғрисида фикрлар юритилган.

**Калит сўзлар:** ижтимоий тадбиркорлик, ижтимоий корхона, ижтимоий лойиҳалар, давлат томонидан рағбатлантириш йўллари, учинчи ренессанс, тарққиёт стратегияси

**Аннотация.** В статье рассматриваются возможности, созданные в нашей стране для предпринимательства, роль предпринимательства в социальной сфере в развитии общества и благоустройстве третьего ренессанса.

**Ключевые слова:** социальное предпринимательство, социальное предприятие, социальные проекты, способы государственного стимулирования, третий ренессанс, стратегия развития.

**Annotation.** The article discusses the opportunities created in our country for entrepreneurship, the role of entrepreneurship in the social sphere in the development of society and the improvement of the third renaissance.

**Key words:** social entrepreneurship, social enterprise, social projects, methods of state stimulation, third renaissance, development strategy.

Ўзбекистонда ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлаш мақсадида амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, ижтимоий тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Мамлакатимиздаги қулай ишбилармонлик муҳити, хорижий инвесторлар учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлар янги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда. Бу эса давлатимиз томонидан олиб борилаётган соҳа фаолиятини ривожлантиришга доир ислоҳотлар натижасида уларнинг олдидаги мавжуд тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш ҳамда корхоналар фаолияти барқарорлигини таъминлаш ва янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келмоқда. Шу боис, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мутасадди давлат органлари, муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органларининг устувор вазифасига айланди. Бугунги кунда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғи айнан кичик бизнес ҳисобига тўғри келмоқда. Шу боис, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мутасадди давлат органлари, муассасалари, ҳуқуқ-тартибот органларининг устувор вазифасига айланди.

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик субъектларига шароит ва кафолатлар яратиш, солиқ ва божхона имтиёзларини кенгайтириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига шароит ва кафолатлар яратиш, солиқ ва божхона имтиёзларини кенгайтириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга катта аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий тадбиркорлик тўғрисидаги қонуннинг лойиҳаси муҳокамага қўйилган.

Ижтимоий тадбиркорлик - юридик шахслар ёхуд якка тартибдаги тадбиркорларнинг муайян ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал қилишга ёки уларнинг оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган фаолиятдир.

Ижтимоий корхона – аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини иш ўринлари билан таъминлашни, ижтимоий товарлар ишлаб чиқаришни ва ижтимоий хизматлар кўрсатишни ёки бошқа ижтимоий мақсадларни кўзлаган ҳамда мазкур Қонунда белгиланган тартибда ижтимоий корхоналар реестрига киритилган тадбиркорлик субъектидир.

Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятининг мақсадларига қуйидагилар киради:

- аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини иш ўринлари, ижтимоий товарлар ва ижтимоий хизматлар билан таъминлаш;
- аҳолига тиббий буюмлар, дори воситалари ёки ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини таннархида ёхуд таннархидан паст бўлган нархларда сотиш;
- фавқулодда ҳолатларга қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳамда бошқа ижтимоий мақсадларни кўзлаган фаолиятни амалга ошириш кабилар киради.

Шу ўринда аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларига кимлар киритилиши ҳақида танишадиган бўлсак, улар жумласига қуйидагилар киради:

- бозор шароитида товарларни (хизматларни) харид қилишда ёки меҳнат бозорида иш топишда қийинчиликка дучор бўлаётган ёхуд ўзгаларнинг кўмагига муҳтож шахслар, жумладан:
- I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар, ногиронлиги бўлган болалар;
- етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ҳамда улар тоифасига кирадиган 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган шахслар;
- ижтимоий аҳамиятга молик бўлган касалликлар ва атрофдагилар учун хавф туғдирадиган касалликларга (сил, онкологик, психиатрик, наркологик, эндокринологик, инфекцион, таносил касаллиги, ОИТС ва касб касаллиги) чалинган шахслар;
- қарамоғида 16 ёшга тўлмаган ёки ногиронлиги бўлган болалари бўлган ёлғиз шахслар;
- ўқишни тугатгандан кейин 3 йил ўтмаган умумий ўрта, ўрта махсус ва профессионал таълими ташкилотлари битирувчилари;

- “Меҳрибонлик” уйларининг 30 ёшга етмаган битирувчилари;
- Жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган шахслар;
- ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексалар;
- муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахслар.

Ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

• имтиёзлар ва преференциялар тақдим этиш;

• ижтимоий лойиҳа харажатларини субсидиялаш;

• давлат ижтимоий буюртмасини жойлаштириш;

• молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

• ижтимоий корхона ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

• маслаҳат бериш, методик ёрдам кўрсатиш ва ахборот жиҳатидан қўллаб-қувватлаш.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Бугунги кунда ижтимоий лойиҳалар ҳам амалга оширилиб, ижтимоий корхона томонидан аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини иш ўринлари, ижтимоий товарлар ва ижтимоий хизматлар билан таъминлашга ёки бошқа ижтимоий мақсадларга йўналтирилган ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш усули ҳисобланади.

Ижтимоий товар – бошқа фуқаролар билан тенг имкониятлар яратиш мақсадида зарур бўлган маҳсулот ва воситалар, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар учун протез-ортопедия буюмлари ва инвентарлар, реабилитация-техник воситалари, “Брайл алифбо”ли китоб ва бошқа босма материаллар, имконияти чекланган болаларга ўқув ва бадиий адабиётлар, ишора тилини қўллаган ҳолда аудио китоб ҳамда видеоматериалларни ўз ичига олади.

Ижтимоий хизматлар эса Ўзбекистон Республикасининг “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги Қонунида белгиланган шаклларда кўрсатиладиган хизматлар, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар учун ортопедик протезлаш, протезортопедия буюмлари ва инвентарларини таъмирлаш, ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш, умумтаълим мактабларига бора олмайдиган ногиронлиги бўлган болаларга уйида таълим бериш, руҳий ҳолати бузилган шахсларнинг, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат терапияси, уларни янги касбларга ўқитиш хизматларидан иборатдир.

Жамиятда ижтимоий тадбиркорликнинг асосий принципларига ижтимоий адолат, жамият манфаатларининг устуворлиги ва ижтимоий тадбиркорликнинг ихтиёрийлигини киритишимиз мумкин.

Ижтимоий тадбиркорлик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- давлат томонидан ижтимоий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;
- ижтимоий тадбиркорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш;
- ижтимоий тадбиркорлик соҳасида давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ижтимоий лойиҳалар учун инвестициялар жалб қилишда қулай шарт-шароитлар яратиш.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, 2021 йил 23 июнь куни Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида "Замонавий тадбиркор - Янги Ўзбекистоннинг таянчи" мавзусида "Очиқ мулоқот" бўлиб ўтди. Ташкил этилган очиқ мулоқотда, мамлакатимизда сўнгги йилларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги ислоҳотлар, уларнинг натижадорлиги, хусусан, Савдо-саноат палатаси томонидан бу борада 2017-2021 йилларда амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборотлар берилди. Президентимиз ташаббуси билан бундан 4 йил аввал тадбиркорлик субъектларини текширишга оид мараторий эълон қилинган эди. Бунинг натижасида сўнгги 4 йил мобайнида 311 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, тадбиркорлар сони 2,1 баробарга ошди ёки 460 мингтага етди.

Жойларда ишбилармонлик муҳити ҳолатининг ўзгариши ва тадбиркорлик фаолиятида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида 60 мингдан ортиқ сўровномалар ўтказиб, соҳада юзага келаётган муаммолар ечими юзасидан таклифлар тайёрланди. Шунингдек, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида - тизимга малакали кадрлар жалб қилиниб, тадбиркорлар манфаатида судларга 400 мингга яқин даъво аризалар киритилди, ваҳоланки 2013-2016 йилларда бу кўрсаткич атиги 38 мингта бўлган. Натижада Палата иштирокида бугунги кунга қадар тадбиркорлар ўртасидаги 6 мингта низоли ҳолат ўзаро келишув йўли билан ҳал этилишига эришилди.

Тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳамда учинчи ренессанс ривожланишига замин яратиш мақсадида тадбиркорлар иштирокида халқаро даражада юзага келадиган низоларни кўриб чиқиш бўйича Палата ҳузурида "Тошкент халқаро арбитраж маркази" ташкил этилди. Ушбу марказга 50 дан ортиқ етакчи халқаро экспертлардан иборат арбитрлар жалб қилинган. Амалга оширилган ишлар натижасида қиймати 3,8 млн. долларга тенг бўлган 22 та халқаро тижорат низолари кўриб чиқилди.

Палата томонидан ҳудудларда тадбиркорларга кўмаклашиш мақсадида барча туман ва шаҳарларда Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари ташкил этилиб, аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизими яратилганлиги мақсадга мувофиқдир. Марказлар томонидан тадбиркорларга 600 мингдан ортиқ бизнес-хизматлар кўрсатилди, уларнинг 95 фоизи бепул ҳизматлар ҳисобланади.

Айниқса, савдо-саноат палатаси тизимида ёшлар ҳам алоҳида ўрин

эгаллаган бўлиб, Палата томонидан 14 та ўқув марказининг фаолияти йўлга қўйилганлиги ҳам ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Юқоридаги фикрларни инобатга олган ҳолда ижтимоий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириб бориш аҳоли фаровонлигини ошириш, даромадларни кўпайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакилларининг муҳофазасини кучайтириш ҳамда учинчи ренессансни ривожлантиришга имконият яратади.

**Ниёзов Зухур Давронович -** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
“Банк иши” кафедраси доценти и.ф.н. +998 90 192 90 58
niyozovzuhur@gmail.com

## ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖИ-БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТЛАРИ

**Мақоланинг анотацияси**: Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган, бу борада қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни, яъни векселларни барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан оддий ва ўтказма шаклларини чиқаришни илмий ва амалий асосида тадқиқ қилиш ва ривожлантириш зарурияти ёритилган.

**Калитли сўзлар**: Қимматли қоғозлар, молия, облигация, вексель, фонд бозори, бўш пул, эмитент, бизнесни кенгайтириш, институционал, банк, пул (қарз), корпоратив, молиявий ресурслар.

**Аннотация статьи:** В стратегии развития Узбекистана увеличение финансовых ресурсов в экономике признается необходимым условием устойчивого развития экономики страны, в связи с этим необходимость исследования и разработки на научно-практическом уровне Основа операций с ценными бумагами, то есть выпуск векселей в простой и передаточной формах, всеми освещенными хозяйствующими субъектами.

**Ключевые слова:** ценные бумаги, финансы, облигации, векселя, фондовый рынок, свободные деньги, эмитент, расширение бизнеса, институциональные, банковские, деньги (долг), корпоративные, финансовые ресурсы.

**Annotation of the article:** In the development strategy of Uzbekistan, the increase of financial resources in the economy is recognized as a necessary condition for the sustainable development of the country's economy, in this regard, the need to research and develop on a scientific and practical basis the transactions with securities, that is, the issuance of promissory notes in simple and transfer forms by all economic entities illuminated.

**Keywords:** Securities, finance, bond, promissory note, stock market, free money, issuer, business expansion, institutional, banking, money (debt), corporate, financial resources.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги Ўзбекистоннинг

тараққиёт стратегияси тўғрисида 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармонии билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш,[15] мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган. Бугунги кунда қимматли қоғозлар бозорида 33 та эмитентнинг фақат облигациялари сотувга чиқарилган бўлиб (фоиз даромадлари 24 % гача), уларнинг сўндириш муддатлари бир йилдан ортиқ муддатни ташкил этиб, қисқа муддатли ликвид инструментлар бозори мавжуд эмас. Бу эса, ўз навбатида, қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни, яъни векселларни барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан оддий ва ўтказма шаклларини чиқаришни илмий асосида тадқиқ қилиш ва ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

Мамлакатимизда фонд бозорини ривожлантиришга қаратилган бир неча уринишлар амалга оширилганига қарамай, фонд бозорининг мамлакат ривожланишидаги ўрни ҳамон пастлигича қолмоқда. Айниқса, молиялаштириш манбаларида қимматли қоғозлар улуши анча паст. ЯИМга нисбатан акция ва облигацияларни чиқариш ҳажми ўртача 1,8% (1 млрд долл)га тенг.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилганидан сўнг иқтисодиётни молиялаштириш манбаи сифатида асосий эътибор банк кредитларига қаратилди. Айнан банклар аҳоли, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат маблағларини кредит асосида жалб қилувчи муассаса сифатида иқтисодиётнинг реал секторига улкан сармоя киритдилар. Пул (қарз) бозорининг энг катта улуши (98 %) кредитларга тўғри келиб, уларнинг ўтача ставкаси (сўмда 28 %–30 %, валютада 9%–10 %) эди. Кредит олган тадбиркорнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг ўртача таннархи 80-90%ни ташкил қилмоқда.

Мамлакатда мустақиллик йилларидан фонд бозори шиддат билан ривожлана бошлади. Хусусан, 1994 йилда Республика фонд биржаси ташкил этилди, 1996 йилдан 2011 йилгача давлат қимматли қоғозлари бозорининг муайян ривожланиши кузатилди, корхона ва ташкилотларнинг дебитор-кредитор қарздорликларини камайтириш имкониятлари қулайлашди. Олий ўқув юртларида соҳа бўйича мутахассислар таёрлаш ишлари жадаллик билан амалга оширилди. Марказий банкда қимматли қоғозлар департаменти ва тижорат банкларда қимматли қоғозлар бўлимлари ташкил этилди ва соҳа мутахассислари ўқитилиб малакалари оширилди.

Маблағларни жалб этиш мақсадида капитал истеъмолчилари қимматли қоғозларни муомалага чиқаради ва уларни сотиш натижасида ишлаб чиқариш (савдо-сотиқ, молиявий фаолият ва ҳ.к.) жараёнини амалга ошириш учун маблағ олади. Капитал истеъмолчилари (эмитентлар) ва етказиб берувчилари

[15] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида ПФ-60-сонли Фармони. 2022 йил 28 январ

(сармоядорлар) ўртасидаги муносабатлар қайтарилиш, тўловлилик ёки мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини ўтказиш шартлари билан амалга оширилади. Шундай қимматли қоғозларнинг бир расмий ҳужжати вексель бўлиб ҳисобланади.

Вексель — вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлашга доир қатъий мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз[16].

Вексел векселда тўловчи сифатида кўрсатилган шахснинг вексел эгасига кўрсатилган суммани тўғридан-тўғри векселда кўрсатилган санада тўлаш бўйича сўзсиз мажбуриятини тасдиқлайди[17]

Вексель (нем. Wechsel — айирбошлаш) — кўрсатилган муддатда муайян миқдордаги пулни тўлаш мажбурияти қайд этилган қарздорлик ҳақидаги расмий ҳужжат; қимматли қоғоз.

У универсал тўлов, кредит ва ҳисоб воситаси бўлиб, халқаро савдода тўлов мажбурияти; қисқа муддатли (6 ой) тижорат-кредит воситаси; банклараро узоқ муддатли муносабатларни шакллантирувчи восита; банклардан ссуда олиш учун гаров (шунингдек тижорат банки марказий банкдан ссуда олишда берадиган гаров) тарзида кенг қўлланиладиган қимматли қоғоз.

*Векселнинг асосан:*

- оддий вексель (қарздор томонидан муайян суммани белгиланган муддатда қайтариш ҳақида қарз берувчи олдидаги мажбурият);

- ўтказма вексель (қарз берувчининг қарзни векселни тақдим этувчига ёки ҳужжатда кўрсатилган шахсга тўлаш ҳақидаги буйруғи);

-хазина вексель. (ўз харажатларини қоплаш учун давлат томонидан чиқарилади);

-молия вексель (бир банк бошқа банкка қарз пули олиш учун беради);

-тижорат вексель. (товар эгасига гаров тарзида берилади) ва бошқа турлари мавжуд.

Вексель ҳисоб воситаси ва айирбошлаш ҳужжати сифатида Европа мамлакатларда XVII-асрда шаклланди. XIX-асрнинг охиридан бошлаб Туркистондаги хусусий тижорат банклари савдо-сотиқда вексель муомаласини кенг йўлга қўйган. Собиқ Иттифоқда, шу жумладан Ўзбекистонда вексель янги иқтисодий сиёсат даврида (давлат ҳамда кооператив корхоналар ўртасидаги муносабатларда) ҳам ишлатилган. 1930—32 йиллардаги кредит ислоҳотида бевосита мақсадли банк орқали кредитлашга ўтилиши билан мамлакат ичида вексель муомаласи тугатилган.

Мустақил Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонунига

[16] Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ-387-сонли Қонуни

[17] (2008 йил 22-июлдаги "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида" ЎРҚ-163-сон Қонун

мувофиқ 1994 йилдан бошлаб Векселларни чиқариш ва уларнинг муомаласи механизмини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома мажбуриятларини бажаришлари учун молиявий жавобгарлигини ошириш, улар чиқарган векселларнинг пули ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида[18] Ўзбекистонда векселлар муомалага киритилди. Векселлар нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг энг қулай воситаси сифатида корхона ва ташкилотларда кенг қўлланилди.

1995-1996 йилларда 3,4 млрд сўмлик қоғоз шаклида чиқарилган векселларни айримларини сохталаштириш ва мулкий таъминланмаганлиги сабабли эгаларига пуллар қайтарилмади. 1997 йилда векселларни фақат Ҳукумат қарори асосида чиқариш талаби белгиланганлиги ортидан уларнинг муомаласи тўхтатилди.

Мамлакатимизда биринчи босқичда юқори барқарорлик рейтингига киритилган тадбиркорлик субъектларига қўшимча имкониятлар яратиш, уларнинг товар ишлаб чиқариш ҳамда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини янада кенгайтириш мақсадида уларда векселларни чиқариш. Кейинги босқичда тижорат банклар ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан векселларни барча шаклларини чиқариш орқали иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш имкониятлари ошади.

**Хулоса ва таклифлар**

**Векселнинг SWOT таҳлили**

| **Кучли жиҳатлари** | **Заиф жиҳатлари** |
|---|---|
| **1.** Арзон ресурс *(кредитдан фарқли равишда 10-12 фоизгача арзон айланма маблағларни жалб қилиш имконияти яратилади. Товар таннархини 15 фоизгача арзонлаштиради, рентабелликни 10 фоизгача оширади)*.<br>**2.** Товар чиқаришни рағбатлантиради *(товар айланмаси циклини тўхтатмасдан, 10 кун ичида маблағ жалб қилиш имкониятини беради. Банк кредитини олишга 2-3 ойгача вақт сарфланади)*.<br>**3.** Тўлов воситаси *(товарларни етказиб берганлик учун тўлов воситаси сифатида қабул қилинади ва 10-15 фоизгача дисконт даромадини келтиради)*. | 1. Янги инструмент *(векселлар молия бозори учун янги инструмент бўлганлиги сабабли унга нисбатан ишончсизлик бўлиши мумкин)*.<br>2. Тўловсизлик риски *(вексель берувчининг тўлов қобилиятсизлиги уни сўндиришда муаммо векселларни юзага келтириши мумкин)*.<br>3. Инфратузилманинг мавжуд эмаслиги *(электрон бозор, иккиламчи савдоси, котировкалари, мувофиқлаштирилиши ва назорати каби муаммоларнинг мавжудлиги)*.<br>4. Солиқ тўлови *(бугунги кунда акция ва облигациялар даромадлари солиқ имтиёзларига эга, қолган қимматли қоғозлар бўйича даромад солиғини тўлайди)*.<br>5. Қонунчиликдаги муаммолар |

[18] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 19.03.1997 йилдаги ПФ-1738-сон

| | |
|---|---|
| **4.** Мувофиқ шартлар *(векселнинг қиймати, фоизи ва муддати корхона молиявий аҳволидан келиб чиқиб мустақил белгиланади. Банк кредити фоизи 25-30 фоизгача).*<br>Таъминланганлиги *(векселларни корхона соф активларининг 50 фоизигача чиқаришга рухсат берилади ҳамда қонун билан халқаро конвенция билан белгиланган инструмент ҳисобланади).* | *(қонунчиликда вексель берувчи банкрот бўлганда чиқарилган векселлар бўйича пулларни қайтариш тартиби ва муддатлари аниқ белгиланмаган).* |
| **Имкониятлар** | **Хавф-хатар** |
| **1.** Банк кредитларига муқобил *(векселларни чиқарилиши молия бозорида ресурсларни ўртача 5 пунктгача арзонлашувига таъсир кўрсатади).*<br>**2.** Электрон векселлар *(векселларни электрон чиқариш имконияти мавжуд бўлиб, харажатларни камайтириш ва қарорларни тез қабул қилиш имконияти бўлади).*<br>**3.** Вексел бозорини кенгайтириш *(векселларни электрон тижоратини ривожлантириши ҳамда истиқболда халқаро молия бозорларида сотилишини ташкил этиш мумкин бўлади).*<br>**4.** Векселларни янги турларини чиқариш *(замонавий молия инструментлари "комбинацияси"да векселларнинг секьюритизация ҳамда товарларни олдиндан тўловлари учун ишлатиш мумкин бўлади).*<br>Норматив базани такомиллашуви *(қимматли қоғозларга оид норматив-ҳуқуқий базалар амалиётдан келиб чиқиб такомиллаштирилади ва векселларнинг кафолати кучайтирилади).* | **1.** Молиявий нобарқарорлик *(рецессия, инфляция юқори бўлганда векселларнинг молиявий қобилияти пасайиши ва тўловларига таъсир кўрсатиши мумкин).*<br>**2.** Муқобил қимматли қоғозлар билан рақобати *(облигациялар, тижорат қоғозлари ва деривативларнинг ривожланиши векселларнинг жозибадорлигини пасайтириши мумкин).*<br>**3.** Жозибали кредитлар *(кредитларнинг тезда ҳамда пасайтирилган ставкаларда берилиши векселларга эҳтиёжни камайтириши мумкин).*<br>**4.** Очиқликнинг йўқлиги *(вексел чиқарувчи корхоналарнинг молиявий ҳисоботлари омма учун очиқланмайди ва инвестор корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида доимий маълумотга эга бўлмаслиги мумкин).*<br>**5.** Векселларнинг котировкалари *(векселларнинг муомалада тез айланиши бўлмаганлиги сабабли уларнинг бозор котировкалари бўлмайди).* |

**Сиддиқов Ҳ.Т.** - ҚарМИИ “Инновацион иқтисодиёт” кафедраси ассистенти

# САНОАТ КОРХОНАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** ишлаб чиқариш, самарадорлик, қайта ишлаш, саноат, ресурслар, технологиялар, келажак кўрсаткичлари.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются пути повышения экономической эффективности производства на промышленных предприятиях, их роль в экономике страны.

**Ключевые слова:** производство, эффективность, переработка, промышленность, ресурсы, технологии, показатели будущего.

**Abstract:** This article discusses ways to increase the economic efficiency of production at industrial enterprises, their role in the country's economy.

**Key words:** production, efficiency, processing, industry, resources, technologies, future indicators.

Ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий стратегияси узоқ вақтга мўлжалланган фундаментал мақсадларни ўртага қўйиш билан бир қаторда бу мақсадларга эришиш воситалари, йўлларини белгилашни ҳам ўз ичига олади. Булар орасида **ишлаб чиқариш самарадорлигини** тўхтовсиз ошириб бориш асосий ўринда туради.

Ўзбекистон давлатининг қудратини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий ва маънавий неъматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, келажакда эса – уларни мўл-кўл яратиш, иқтисодий ва илмий-техника соҳасида энг ривожланган давлатлар қаторидан жой олиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бевосита боғликдир.

Маълумки, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда икки хил омил: миқдор ва сифат, экстенсив ва интенсив, яъни кенгайтирувчи (узайтирувчи) ва зўр берувчи, кучайтирувчи омиллар ҳаракатда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, агар ишлаб чиқариш соҳаси кенгайтирилса, экстенсив суратда кенгайган такрор ишлаб чиқариш бўлади; агар яна ҳам **кўпроқ самара** берадиган ишлаб чиқариш воситалари қўлланиладиган бўлса, интенсив суратда кенгайган такрор ишлаб чиқариш юзага келади. [2]

Ўзбекистон саноатида ана шу икки йўлдан оқилона фойдаланиш натижасида ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги босқичма-босқич ўсиб бормоқда.

*Самарадорлик сўзи* - бу энг кўп учрайдиган умумий тушунчалардан бири бўлиб, иқтисодий - ижтимоий тараққиётнинг хилма-хил соҳаларида жуда кенг ишлатилади. Масалан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат самарадорлиги, ўқиш ва ўқитиш самарадорлиги, даволаш ва даволаниш самарадорлиги, қабул қилинган қонун ва қоидалар ҳамда ечимларнинг

самарадорлиги ва ҳоказолар.

Самарадорлик саноат ишлаб чиқариш фаолиятининг “кўзгуси” ҳисобланади. Бу “кўзгу”да ишлаб чиқаришнинг барча натижаларини кўриш мумкин. Маълумки, ҳар бир тармоқ, корхона, қолаверса, ҳар бир шахс ўз ишлаб чиқариш фаолиятида максимум фойда олишга интилади. Унинг учун маълум харажатлар қилади. Ана шу фойда билан харажатлар ўртасидаги фарқ тармоқ ва корхона фаолиятининг “кўзгуси” бўлган самарадорликда кўзга ташланади. Ишлаб чиқаришнинг энг юқори самарадорлиги ишлаб чиқариш харажатларини минимум даражага келтиришдан иборат.

Бозор иқтисодиёти натижалиликни, фойдалиликни тақозо этади. Тартибли бозорга асосланган иқтисодиётда энг кам ресурс сарфлаб кўп натижага эришиш зарур. Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида 5 турдаги ресурслар тизими ҳаракатда бўлади: а) моддий ресурслар, б) меҳнат ресурслари, в) молиявий ресурслар, г) энергетик ресурслар, д) ахборот ресурслари, яъни информацион ресурслар. Мана шу ресурслардан оқилона фойдаланиб, ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш мумкин. Бундай фаолият ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўналишида муҳим аҳамият касб этади. [3]

Самарадорлик - бу фойдалилик, натижалиликдир. Маълумки, қандайдир натижа олиш учун меҳнат қилиш, ишлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ва маълум миқдорда харажат қилиш керак.

Самарадорликни аниқлаш учун натижани шу натижага эришишга сарфланган харажатлар ёки ресурслар билан таққослаш керак. Демак, Самарадорлик ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан уларга эришиш учун сарфланган меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларнинг ўзаро нисбатидир.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатдаги иқтисодий ўсиш омиллари ва манбалари таҳлили кўрсатишича инқирозга қадар бўлган даврда иқтисодий фаолликни юқори суръатлари асосан экспорт салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаштириш, иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг миқёси, иқтисодиёт таркибини тизимли ва босқичма-босқич янгиланиши ҳисобига эришилган. Иқтисодий ўсишни иқтисодиётни эркинлашувини чуқурлашуви ва миқёсини кенгайиши, валюта бозорини барқарорлашуви, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторини жадал суръатларда ривожланиши таъминлади.

Мустақиллик йилларида хом-ашё ресурсларини чуқурроқ қайта ишлаш, юқори қўшилган қийматли товарлар улушининг ортишига қаратилган таркибий сиёсатни амалга ошириш натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги улушининг пасайиши ва саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларининг улушини ортиши кузатилмоқда.

Жаҳон амалиёти ва мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг натижаларига кўра макроиқтисодий барқарорлик даражаси

билан барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Масалан, инфляцияни юқори даражаси иқтисодиётни инвестициялашни мавжуд манбаларини сўндиради, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш суръатларига салбий таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда инфляцияни жиловлаш, самарали бюджет-солиқ сиёсатини олиб бориш, солиқ юкини камайтириш, давлат бюджети харажатларини янада оптималлаштириш, банк тизими барқарорлигини мустаҳкамлаш, банкларнинг кредитлаш салоҳиятини ошириш, иқтисодиётни модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишга жалб қилинаётган инвестициялар (жумладан, хорижий инвестициялар) ҳажмини кўпайтириш, экспорт ҳажмини ошириш ва уни диверсификациялаш борасидаги чора-тадбирлар, макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш учун хизмат қилади. Мамлакатдаги макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлили уни барқарорлигини ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Саноат иқтисодиёт тармоқларини ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари билан таъминлайди. Миллий иқтисодиёт, фан, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт, туризм ва бошқа соҳалар ривожи саноатнинг тараққиёт даражасига боғлиқ. Ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг тарихий роли беқиёсдир. Шу сабабли унинг ривожи ва самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, давлатнинг мавқеи шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради.

Саноат жамиятнинг етакчи кучи бўлган ишчилар синфини ўзида бирлаштиради. Саноат ривожи туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билим ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилади. Саноат асосан 3 турга бўлинади: оғир саноат, енгил саноат ва озиқ-овқат саноати.

Меҳнатни ижтимоий ташкил қилишнинг энг олий тури, концентрациянинг юқори даражаси ва шу асосда ижтимоий ишлаб чиқаришни уюштиришнинг илғор усуллари - ихтисослаштириш, кооперативлаштириш ва комбинатлаштириш, кўплаб ишлаб чиқариш ва узлуксиз поток системаси ёрдами билан ташкил этиш саноат соҳасида ҳукмронлик қилади.

Барча мамлакатларнинг сиёсий, иқтисодий ва ташкилий интилишлари, уларнинг хўжалик жиҳатдан ҳамкорлиги саноат соҳасида ҳам ўз ифодасини топади. Давлатларнинг табиий, меҳнат ресурсларидан, илм-фан ва техниканинг барча ютуқларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайишида саноатнинг аҳамияти салмоқлидир.

Саноатнинг вужудга келиши ва ривожланиши меҳнат тақсимотининг ўсиши, ишлаб чиқаришни дифференциялаш ва интенсивлаштириш билан чамбарчарс боғлиқ.

Ҳозирги замон йирик саноати бир бири билан чамбарчарс боғлиқ бўлган кўпгина тармоқлар ва ишлаб чиқаришлардан ташкил топади. Бугунги кунда республика саноатида 175 тармоқ, 1500 га яқин йирик ва ўрта саноат корхоналари мавжуд.[5]

Умуман олганда, тармоқлар бўйича ишлаб чиқариш таркибида оғир саноат (ёнилғи-энергетика мажмуаси, машинасозлик, металлургия)

салмоғининнг ошиши енгил саноат улуши ҳисобига бўлмоқда. Натижада, мустақил иқтисодга хос бўлган даражага яқинлашиш юз бермоқда ва собиқ иттифоқ мамлакатларида қайта ихтисослашувдан пайдо бўлаётган етишмовчилик ва тобеликнинг олдини олиш таъминланмоқда.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодиётимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, “Женерал Моторс Павертрейн Ўзбекистон” қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди.

Шулар қаторида “Зенит электроникс” қўшма корхонасида “Самсунг” кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр пылесослар ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

“Муборак газни қайта ишлаш заводи” унитар шўъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида “МАН” юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди.

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона муваффақиятли фаолият юрита бошлади, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва полипропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Саноат соҳасида ажойиб ютуқлар билан бирга бир қатор камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. XXI асрда бу муаммоларнинг ечимини топиш учун Ўзбекистонда барча имкониятлар, яъни жуда катта моддий, меҳнат, молиявий ва интеллектуал ресурслар мавжуд. Ана шу ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида Ўзбекистоннинг жуда қудратли ва самамарали саноатини янада юқори даражага кўтариш мумкин.

Юқоридаги натижаларга иқтисодиётда модернизация қилиш ва таркибий ўзгартиришлар жараёнини жадаллаштирмасдан, уни муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгиламасдан эришиб бўлмайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, иқтисодиётни модернизация қилиш, саноат тизимининг истиқболини белгилаш, мамлакат иқтисодиётини янгилаш, фан сиғимкорлиги юқори бўлган устувор соҳаларни ривожлантириш асосида мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш йўлига ўтказиш, мамлакат миллий иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш ва

аҳолининг ўсиб, ўзгариб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳисобланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 29 декабрь.
2. Ортиқов А. Саноат иқтисодиёти. Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2011, - 256 бет.
3. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010, – 256 б.
4. Грузинов В.П. Экономика предприятия. Учебник. 2-издание. -М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2010, - 295 с.
5. www.state.uz

**Толибжон Қазақов Шарифжон ўғли** - Toshkent xalqaro moliyaviy boshqaruv va texnologiyalar universiteti o‘qituvchisi

## МИНТАҚАВИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН МОДЕЛИ АСОСИДА ТАРТИБГА СОЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Аннотация:*** *Ушбу минтақавий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг инновацион модели асосида тартибга солиш истиқболлари, асосли ақлли стратегияларга асосланган ҳудудий ривожланишнинг инновацион моделлари ишлаб чиқилди ва қисман жорий этилиши, жамиятларнинг барқарор ривожланиши ҳақида фикир ва мулоҳазалар келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *давлат бошқаруви, ҳудудий ривожланиш, инновация, бошқарув, самарадорлик, барқарор ривожлантириш, инновацион модел.*

Илмий-техника тараққиётининг жадал динамикаси туфайли юзага келган туб бозор ўзгаришлари шароитида реинжиниринг бизнесни янги шароитларга максимал даражада мослаштириш учун қайта қуриш усули сифатида қаралади. Таърифга кўра, "бизнес-жараёнларнинг реинжиниринги - бу ташкилий тузилмани соддалаштириш, турли ресурсларни қайта тақсимлаш ва улардан фойдаланишни минималлаштириш, мижознинг талабларини амалга ошириш муддатларини қисқартиришга қаратилган моддий, молиявий ва ахборот оқимларини яхлит ва тизимли моделлаштириш ва қайта ташкил этиш. эҳтиёжларни қондириш, уларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш, бу эса компаниядаги инқирозли ҳодисаларни инқилобий тарзда бартараф этиш ва бизнес жараёнларини ҳар томонлама такомиллаштиришдан иборат”.

Замонавий шароитда реинжиниринг тамойиллари ва ёндашувлари, айниқса, кутилмаган ҳолатлар оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, минтақавий ривожланиш моделларини шакллантириш учун ҳам долзарбдир. Тадқиқот

жараёнида моделни яратилаётган объектнинг шаклланиши, ривожланиши ва самарали фаолиятининг асосий тамойилларини тавсифлаш учун зарур бўлган восита сифатида қараш мумкинлиги аниқланди. Ўзининг концептуал мазмунига кўра, минтақанинг барқарор ривожланиши модели инновацион ҳисобланади, чунки ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг барқарор ривожланишнинг асосий мақсадлари мувозанатини таъминлаш жараёнларига ўтишни ташкилий лойиҳалаш ва бошқарув, ишлаб чиқариш, тақсимлаш технологияларини сезиларли даражада ўзгартирмасдан амалга ошириш мумкин эмас.

Ҳудудларнинг барқарор, рақобатбардош ривожланиши моделларини шакллантириш соҳасидаги ривожланган давлатларининг тажрибасини, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий тизимларни шакллантиришга назарий ва услубий ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг инновацион моделини ишлаб чиқиш, турли ташкилий ва маъмурий даражаларда амалга оширилиши мумкин бўлган минтақанинг барқарор ривожланишининг инновацион моделини лойиҳалаш таклиф этилади (1-расм).




**1-расм. Минтақанинг барқарор ривожланишининг инновацион моделини лойиҳалаш**

Ушбу моделни лойиҳалашда ҳудудларда барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг асосий тамойиллари, мезонлари, механизмлари ва воситалари акс эттирилган бўлиб, улар турли даражадаги давлат ва минтақавий лойиҳаларни бошқариш тизимларига бирлаштирилиши мумкин. Модел минтақани ташқи муҳит билан ўзаро таъсир қилувчи, трансформацион жараёнларни мақсадли равишда амалга оширувчи, натижалари барқарор ривожланиш мезонларига жавоб берадиган очиқ тизим

сифатида кўриб чиқиш асосида шакллантирилади.

Модел горизонтал ва вертикал коммуникацияларни ўрнатиш орқали мавжуд ютуқ ва камчиликларни ҳисобга олган ҳолда салоҳият, технологиялар ва бошқарув механизмларини босқичма-босқич такомиллаштиришга асосланган ўз-ўзини ташкил этишга асосида ҳудудий тизим фаолиятининг узлуксиз характерини назарда тутади. Номутаносиблик шароитида моделнинг самарадорлиги унинг таркибий қисмлари, биринчи навбатда бошқарув тизимлари, трансформацион жараёнларга таъсир қилиш воситалари ва қўлланиладиган технологияларнинг мослашувчан фазилатларига боғлиқ. Моделнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

1) Шартли ташқи муҳитдан келадиган барча ресурслар ва маълумотларни ўз ичига олган хусусан: молиявий, моддий ресурслар, технология ва манфаатдор томонлардан олинган маълумотлар.

2) Трансформация жараёнлари ҳудуднинг ҳаёти ва ривожланишини таъминлашнинг барча жараёнларини ўз ичига олади. Шу билан бирга, жараёнларни амалга ошириш технологиялари ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, энергия сарфини минималлаштириш, атмосферага зарарли чиқиндилар ва атроф-муҳит ифлосланишини камайтириш, инсон тараққиётига қаратилган инновацияларни кенг жорий этишга қаратилган. Замонавий ёндашувларга кўра, мавжуд ресурс салоҳиятидан келиб чиқиб, кучлар ва чекланган молиявий ресурсларни иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантиришга жамлаш имконини берувчи асосий рақобатдош устунликларни аниқлаш ҳамда ривожлантириш минтақа рақобатбардошлигининг муҳим омили ҳисобланади.

3) Мезон чекловлари - минтақанинг барқарор ривожланишига таъсир кўрсатадиган, минтақавий режалар ва дастурларни ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши керак бўлган омиллар мажмуи (ҳудудларнинг давлат бошқарувини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, бюджет кодекси, бошқа қонун ҳужжатлари ва ҳудуднинг молиявий, инсоний салоҳиятига қўйиладиган юқори талабларсиз мавжуд манба).

4) Барқарор ривожланишнинг белгиланган мезонларига эришиш даражасини ва уларнинг мувозанатини ҳисобга олган ҳолда моделнинг ишлаш сифатини белгиловчи трансформацион жараёнлар натижасида олинган маҳсулотлар. Ўрганилган тадқиқотлар натижасидан келиб чиққан ҳолда номутаносиб ва ноаниқлик шароитида минтақанинг барқарор ривожланиши моделини шакллантириш реинжиниринг асосида амалга оширилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Яъни, ҳар бири учун амалга ошириш самарадорлигининг аниқ мезонларини белгилаш мумкин бўлган асосий, хизмат кўрсатиш, ёрдамчи бизнес жараёнлари ва барқарор ривожланиш мақсадларини ҳисобга олган ҳолда бошқарув бизнес-жараёнларини аниқлаш асосида минтақани ташкил этиш ҳамда бошқаришга принципиал янги ёндашувларни шакллантириш лозим. Барқарор ривожланишнинг инновацион концепциясини амалга оширишда марказсизлаштириш ислоҳотига мувофиқ кенг ваколатлар ва ҳудудларни, хусусан, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларига

йўналтирилиши мумкин бўлган қўшимча молиявий ресурсларга эга бўлган маҳаллий ҳамжамиятлар муҳим рол ўйнайди.

Бугунги кунга келиб, асосли ақлли стратегияларга асосланган ҳудудий ривожланишнинг инновацион моделлари ишлаб чиқилди ва қисман жорий этилди, жамиятларнинг барқарор ривожланиши жараёнларини бошлаш, мониторинг қилишда ҳамда фаол ривожланиш босқичида фойдаланиладиган стандартлар ва мезонлар белгиланди. Ушбу мезонлар асосида Ўзбекистон Республикасининг бир қатор ҳудудларида “ақлли ҳудуд” лойиҳаларини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу борада, мослашувчан бошқарув механизмлари таъминланган тақдирда ушбу ташаббусларни янада амалга ошириш ҳудудларнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Тадқиқотда келтирилган барқарор ривожланиш моделини амалга ошириш механизмлари иқтисодий, ижтимоий, технологик ва экологик барқарорликни таъминлаш учун минтақадаги трансформацион жараёнларни ташкил этиш, тартибга солиш ва мувофиқлаштиришга қаратилган усуллар, функциялар ва бошқарув воситаларининг органик мажмуини англатади.

Ҳудуднинг барқарор ривожланишини бошқариш механизмларининг асосий мақсади экологик мувозанатни сақлашни кафолатлаган ҳолда инновацион асосда ҳудуд иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ва аҳоли турмуш сифатини оширишдан иборат. Ҳудуд иқтисодиёти мураккаб, тизимли субъект эканлигини ҳисобга олиб, унинг барқарор ривожланишнинг инновацион моделига ўтишини таъминлаш барқарор ривожланиш мақсадлари, мавжуд салоҳият ва истиқболли эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда бошқарувнинг анъанавий механизмларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Наманган вилояти ҳудудларини инновацион ривожлантириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳудудларнинг барқарор ривожланиш моделига ўтишига тўсқинлик қилувчи инновацион фаолликнинг паст даражаси қуйидаги салбий омиллар билан боғлиқ:

- трансформация даврида; жамиятнинг инновацион салоҳиятининг бузилиши, бу хўжалик юритувчи субъектлар даромадларининг ва шунга мос равишда капитал оқимининг сезиларли даражада камайиши ҳамда шу асосда ҳалигача ўз салоҳиятини тикламаган илмий-ишлаб чиқариш мажмуаларининг қисқаришида намоён бўлди;

- миллий инновацион устуворликларни ривожланган давлатларнинг инновацион ривожланиш стратегиясига мослаштиришнинг самарали механизмининг йўқлиги, технологик ривожланиш прогнозлари учун ривожланган бозорнинг йўқлиги, иқтисодиётнинг анъанавий тармоқларида устуворликлар спектрини шакллантириш;

- фундаментал илмий тадқиқотларни давлат томонидан етарли даражада молиялаштирилмаганлиги;

- солиқ тизимининг номукаммаллиги, кредит ресурсларининг юқори баҳоси, фонд бозорининг ривожланмаганлиги;

– аҳоли реал даромадларининг пастлиги, истеъмол даражаси пастлиги сабабли кредит ресурслари ва ички бозорлар базасини торайтиради;

- ижтимоий йўналтирилган инновацион лойиҳаларга етарлича эътибор

бермаслик;

- эркин иқтисодий зоналар, устувор ривожланиш йўналишлари, технопарклар, венчур капитал компаниялари, инвестиция марказлари ва инкубаторлар каби воситалар томонидан амалга ошириладиган ҳамда бошқариладиган тизимли жараён сифатида инновациялар моҳиятини нотўғри тушуниш.

Ҳудуднинг барқарор ривожланишининг иқтисодий механизмлари хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларига таъсир этувчи, уларни маълум, белгиланган тартибда ҳаракат қилишга ундайдиган элементлар мажмуини белгилайди. Ташкилий механизмлар умуман олганда минтақада ва ундан ташқарида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни оптималлаштириш ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатларини ҳар бир тадбиркорлик субъектининг барқарор ривожланишнинг умумий мақсадларига эришишга қўшган ҳиссаси йўналиши бўйича тартибга солишга қаратилган шартли “ўйин қоидалари” ни шакллантиради.

**Фойдаланилган адабиётлар.**

1. Bromley D. Sustainability / D. Bromley // The New Palgrave Dictionary of Economics, 2nd Edition. – 2008. – [Electronic resource]. – Access mode : http://www.dictionaryofeconomics.com/article?id=pde2008_S000482&editio n=current&q=sustainability&topicid=&result_number=1.

2. Разумовский С.А. Механизм регулирования бюджетно-кредитной деятельности региона в условиях повышения уровня экономической самостоятельности: автореф. дис. на соискание науч. степени к-та. экон. наук: спец. 08.04.01 «Финансы, денежное обращение и кредит» / С.А. Разумовский. – Харьков, 2000. – 14 с.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бюджетлараро муносабатларни ва солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 15.04.2022 й. ПҚ-208-сон Қарори. BUXGALTER.UZ

4. Нужина И. Концептуальная модель региональной эколого-экономической системы / И. Нужина, О. Юдахина // Вестник Томского государственного университета. – 2008. - № 1(2). – С. 54 -67

5. Онищенко А.М. Экономико-математическое моделирование экологически сбалансированного развития экономики: автореф. дис. канд. экон. наук: спец. 08.03.02 "Экономико-математическое моделирование" / А.М. Онищенко. – К., 2003. – 16 с.

**Тоштемир Боймуродович Бердиев -** Тошкент Кимё халқаро Университети мустақил изланувчиси, PhD, e-mail: toshtemir.berdiev82@mail.ru
тел.: +99890-054-02-01; +99897-477-02-01

# АТ «ИПОТЕКА БАНК» НИНГ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация.** Мамлакатимиз банк тизимини босқичма-босқич модернизация қилиш ва банкларни трансформация қилиш бўйича ҳукумат томонидан олиб борилаётга ислоҳатлар йирик банкларлаги давлат улушини хусусийлаштириб иқтисодиётдаги давлат иштирокини камайтиришга хизмат қилади.

**Калит сўзлар:** Хусусийлаштириш, трансфармация, модернизация, стратегик инвестор, рақобат муҳити, фаолият шаффофлиги.

**Аннотация.** Реформы, проводимые правительством по поэтапной модернизации банковской системы страны и трансформации банков, служат снижению участия государства в экономике за счет приватизации государственной доли в крупных банках.

**Ключевые слова:** Приватизация, трансформация, модернизация, стратегический инвестор, конкурентная среда, прозрачность деятельности.

**Annatation.** The reforms carried out by the government on the step-by-step modernization of the country's banking system and the transformation of banks serve to reduce the state's participation in the economy by privatizing the state share in large banks.

**Key words:** Privatization, transformation, modernization, strategic investor, competitive environment, transparency of activities.

**Асосий қисм**.

Мамлакатимиз мустақиллигини қўлга киритиб ўз иқтисодий сиёсатини юрита бошлагандан бошлаб амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосини давлатнинг иқтисодиётга аралашувини камайтириш, хусусийлаштириш орқали мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ташкил этади. Давлат мулкини хусусийлаштиришга ёндашувнинг муҳим хусусияти – уни дастурлар асосида босқичма-босқич амалга оширишдан иборатлиги ҳисобланади.

Замонавий тадқиқотлар тижорат банкларини хусусийлаштириш бозор иқтисодиёти ривожланишининг ажралмас қисми деб ҳисоблайди ва мамлакат иқтисодиётига қуйидаги имкониятларни яратади:

қисқа вақт ичида бюджетнинг даромадларини ошириш;

тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини жадаллаштириш;

банк тизимига янги технологиялар ва илғор бошқарув тизимларидан фойдаланиш имкон беради;

рақобат муҳитини яхшилайди;

банкларни капиталлашуига ижобий таъсир қилади;

аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини оширади.

Давлат улуши мавжуд банкларда институционал ўзгаришлар қилиш, фаолиятини трансфармация қилиш орқали хусусийлаштириш жараёнида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида» ПФ-5992-сон Фармонини қабул қилиниши мамлакат банк тизимида тубдан бурилиш ясади. Йирик банклар фаолиятини ислоҳ қилишданинг биринчи босқичида банклар фаолияти трансфармация қилиш орқали хусусийлаштириш жараёнига тайёргарлик жараёни бажарилса. Иккинчи босқичда давлат улушини стратегик инвесторларга тўлиқ сотишни назарда тутади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги ПФ-60-сон Фармони қабул қилиниб мамлакатимиз ривожланишининг кейинги беш йилдаги дастури ишлаб чиқилди. Мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш, давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини якунлаб, 2026 йил якунига қадар банк активларида хусусий сектор улушини 60 фоизгача етказиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида» ПФ-5992-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Прпезидентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ««Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкини хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-5244 сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июндаги ««Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банкини ўзгартириш ва уни Халқаро молия корпорацияси иштирокида кейинчалик хусусийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 523-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Венгриянинг «OTP Bank» банки билан келишилди. Ушбу жараён 2020 йилнинг июлида Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири Петер Сияртонинг Тошкентга ташрифи чоғида «OTP Bank» нинг Ўзбекистон бозорига кириб келиши бўйича хукуматлар аро келишув жараёни билан бошланди. OTP Group («Группа OTP», BSE: OTP, LSE: OTPD) — молия, суғурта, инвестиция ва банк бизнеси билан шуғулланувчи банк гуруҳи — активлар ва лизингни бошқаришдан тортиб, пенсияларни молиялаштиришгача бўлган соҳаларда фаолият юритади. 2021 йил сентабр ойида «OTP Bank» Group (Венгрия) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан Ипотека-банк акцияларининг назорат пакетини сотиб олиш имконияти тўғрисида келишув имзолади.

- Jamoaviy ishlash: O‘zaro hamkorlikda ishlash va tez-tez aloqa qilish orqali samaradorlikni oshirish.

- Samarali vaqtni boshqarish: Tez va sifatli qarorlar qabul qilish, uzoq muddatli rejalarga ko‘ra qadam-baqadam ishlash.

Agile metodologiyasining qo‘llanilishi kompaniyalar uchun innovatsion va samarali qarorlarni qabul qilishda yordam beradi. Masalan, IT-kompaniyalar yoki xizmat ko‘rsatish sektori Agile yondashuvlarini qo‘llash orqali yangi mahsulot va xizmatlarni tezda ishlab chiqib, bozorga chiqarishadi.

3. Ko‘p Kanalli Marketing va Shaxsiylashtirilgan Yondashuvlar

Samaradorlikni oshirishning yana bir yangi yo‘li bu ko‘p kanalli marketing va shaxsiylashtirilgan xizmatlarni joriy etishdir. Zamonaviy iste'molchilar har xil kanallarda faoliyat yuritishadi, shuning uchun kompaniyalar o‘z marketing strategiyalarini ko‘p kanalli (omni-kanal) yondashuvlar orqali boshqarishlari lozim.

- Shaxsiylashtirilgan marketing: Mijozning ehtiyojlari, xatti-harakatlari va xarid qilish tarixiga asoslangan marketing strategiyalari kompaniyalar uchun katta samaradorlikni ta'minlashi mumkin. Masalan, Amazon va Netflix kabi kompaniyalar mijozlarga shaxsiy tavsiyalarni taklif qilish orqali ularning qoniqishini oshiradilar va raqobat ustunligini qo‘lga kiritadilar.

- Ko‘p kanalli marketing: Onlayn va oflayn kanallarni integratsiya qilish orqali kompaniyalar mijozlar bilan ko‘proq aloqada bo‘lishlari va ularni yaxshi tushunishlari mumkin. Bu orqali marketing xarajatlarini samarali boshqarish, sotuvlarni oshirish va mijozlar bilan uzoq muddatli munosabatlar o‘rnatish mumkin.

4. Doimiy Takomillashtirish va Innovatsion Madaniyatni Rivojlantirish

Korxonalarda samaradorlikni oshirishning yana bir yondashuvi bu doimiy takomillashtirish va innovatsion madaniyatni rivojlantirishdir. Tashkilotlarda Kaizen (doimiy takomillashtirish) madaniyatini yaratish va xodimlarning yangi fikrlarni kiritishga rag'batlantirilishi samaradorlikni oshirishda muhim omil bo‘ladi. Bu yondashuvda:

- Xodimlarni jalb qilish: Xodimlarning innovatsion g‘oyalarini e'tiborga olish, ularni rivojlantirish va qo‘llab-quvvatlash.

- Resurslardan samarali foydalanish: Resurslarni qayta taqsimlash, jarayonlarni yanada samarali qilish va ortiqcha sarf-xarajatlarni kamaytirish.

Toyota kompaniyasi, misol uchun, Kaizen tizimini joriy etish orqali ishlab chiqarish samaradorligini oshirdi va xatoliklar darajasini kamaytirdi. Har bir xodimga o‘z ish jarayonini takomillashtirishda qatnashish imkoniyatini yaratish orqali kompaniya yuqori samaradorlikka erishdi.[19]

5. Yashil Texnologiyalar va Barqarorlikni Ta'minlash

Yashil texnologiyalar va barqarorlik, ayniqsa, jahon bozoridagi ekologik talablar ortib borayotgan bir paytda korxonalarda samaradorlikni oshirishning yana bir muhim yo‘li hisoblanadi. Barqaror rivojlanishni ta'minlash va energiya

[19] https://old.gov.uz/oz/news/view/15928

samaradorligini oshirish orqali kompaniyalar xarajatlarni kamaytirishi va brend obro‘sini mustahkamlashlari mumkin.

- Yashil energiya manbalaridan foydalanish: Quyosh, shamol, va boshqa qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanish xarajatlarni kamaytiradi va ekologik izni qisqartiradi.

- Resurslarni qayta ishlash va chiqindilarni kamaytirish: Resurslarni qayta ishlash va chiqindilarni kamaytirish orqali kompaniyalar nafaqat xarajatlarni optimallashtiradilar, balki atrof-muhitga ham ijobiy ta'sir ko‘rsatadilar.

**Metodologiya.** Ushbu maqolada sifat boshqaruvi va benchmarking’ni o‘rganish uchun sifatli tadqiqot metodologiyasi qo‘llaniladi. Tadqiqot uchun ma'lumotlar quyidagi manbalardan olinadi:

So‘rovnomalar: Korxonalarda sifat boshqaruvi tizimlari va benchmarking amaliyotlarini qanday qo‘llanayotganligi haqida so‘rovnomalar o‘rganildi.

Intervyular: Sifat boshqaruvi va benchmarking jarayonlarida ishtirok etgan rahbarlar va mutaxassislar bilan intervyular o‘rganildi.

Kompaniya hujjatlari tahlili: ISO sertifikatlari, audit hisobotlari va benchmarking tahlillarini ko‘rib chiqish.

Tadqiqotda maqsad sifat boshqaruvi va benchmarkingning samaradorligini o‘lchash, ularni bir-biri bilan qanday uyg‘unlashtirish mumkinligini aniqlashdir.

**Natijalar va Tahlil.** Sifat boshqaruvi samaradorligi.

Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, sifat boshqaruvi tizimlarini joriy etgan kompaniyalar ko‘pincha o‘z jarayonlarini yanada samarali qilishadi, mahsulot yoki xizmatlarning sifatini yaxshilashadi va mijozlar qoniqishini oshiradilar. Masalan, Toyota kompaniyasi **"Lean"** va **"Kaizen"** metodlarini joriy etganidan so‘ng ishlab chiqarish jarayonlaridagi ortiqcha xarajatlarni kamaytirish va sifatni oshirishda katta muvaffaqiyatlarga erishgan.

**Benchmarking natijalari.** Benchmarking orqali kompaniyalar o‘z raqobatchilari bilan taqqoslab eng yaxshi amaliyotlarni o‘rganishadi va o‘z tizimlarini takomillashtiradilar. Masalan, Apple kompaniyasi o‘zining innovatsion mahsulotlarini ishlab chiqarishda boshqa texnologik gigantlardan eng yaxshi amaliyotlarni o‘rganib, o‘z mahsulotlarini doimiy ravishda yaxshilab kelmoqda.

**Raqobatbardoshlikni Oshirish.** Benchmarking va sifat boshqaruvi yordamida kompaniyalar o‘z raqobatbardoshligini oshiradilar. Raqobatchilarning muvaffaqiyatlarini o‘rganib, ular o‘z strategiyalarini va jarayonlarini optimallashtiradilar. Misol uchun, Amazon kompaniyasi o‘zining logistik tizimini doimiy ravishda benchmarking orqali yaxshilab, jahon bozoridagi yetakchiligini mustahkamladi.

**Intervyular va Tadqiqotlar.** Ushbu maqoladagi tahlil va fikrlar asosan intervyular orqali olingan ma'lumotlar asosida shakllantirildi.

- Intervyu 1, Quality Digest LIVE. AQSH, 2015-yil.

Ushbu intervyu orqali o‘rta va yirik kompaniyalarda sifat boshqaruvi tizimlari va benchmarking metodlarini qanday qo‘llashayotgani haqida ma'lumotlar olindi. Intervyuda VERSE Solutions kompaniyasining mahsulot strategiyasi bo‘yicha direktori Tim Lozier bilan suhbat bo‘lgan. Suhbat mavzusi asosan risk va muvofiqlik (risk and compliance) masalalariga bag‘ishlangan. Lozier

kompaniyaning sifat boshqaruvi, xavf va muvofiqlik jarayonlarini qanday boshqarishi haqida gapirib bergan.[20]

- Intervyu 2: Fabien Chesne, 2018-yil

Bu yerda suhbat Fabien Chesné bilan, u Intuiti kompaniyasida UX/UI dizayn va mahsulot boshqaruvi bo‘yicha yetakchi hisoblanadi. Ushbu intervyuda u mijozlar bilan qanday ishlashini, xususan, benchmarking (ya'ni raqobatchilarni va bozordagi boshqa misollarni o‘rganish), moodboard (ilhom va vizual g‘oyalarni jamlash) ishlatishni, va biznes-mijoz munosabatlari haqida gapirib beradi. Shuningdek, Fabien quyidagi ikkita asosiy savolga javob beradi:

1. Mijozlar bilan benchmarking va audit (tahlil) bo‘yicha qanday ishlaysiz?
2. Ichki jamoada va mijozlar bilan ishlash jarayonida ijodiy jarayonlar va ishni tasdiqlash bosqichlarini qanday belgilaysiz?

Bu intervyu benchmarking jarayonlarini tashkilotlarga qo‘llashda uchraydigan qiyinchiliklar va muvaffaqiyatlar haqida ma'lumot beradi. Tahlil etilgan kompaniyalar benchmarking orqali o‘z faoliyatlarini qanday yaxshilaganligi va raqobatbardoshlikni qanday oshirganligi haqida muhim ma'lumotlar taqdim etildi.[21]

**Xulosa.** Korxonalarda samaradorlikni oshirishning yangi yo‘llari turli usullarni o‘z ichiga oladi. Raqamli transformatsiya, Agile metodologiyasi, shaxsiylashtirilgan marketing, innovatsion madaniyat va yashil texnologiyalar - bularning barchasi samaradorlikni oshirishga yordam beradi va tashkilotlarni raqobatbardoshligini ta'minlaydi. Bugungi kunda kompaniyalar uchun samaradorlikni oshirish faqatgina texnologiyalarni qo‘llash bilan cheklanmaydi, balki tashkilotning ichki madaniyati va boshqaruv uslublarini takomillashtirish ham muhim ahamiyatga ega. Shuning uchun, bu yangi yondashuvlar va metodlarni o‘z faoliyatiga integratsiya qilgan kompaniyalar bozorda muvaffaqiyatga erishish va uzoq muddatli raqobatbardosh ustunlikka ega bo‘lish imkoniyatini oshiradi. Innovatsion madaniyat va texnologiyalarning integratsiyasi orqali kompaniyalar nafaqat samaradorlik darajasini yuqori saqlaydi, balki mijozlarning ehtiyojlarini yanada samarali qondiradi. Shu bilan birga, doimiy takomillashtirish va sifat boshqaruvi yondashuvlari, masalan, TQM, ISO 9001 standartlari va benchmarking kabi vositalar orqali kompaniyalar o‘z jarayonlarini yanada sifatli va samarali qiladi.

Xulosa qilib aytganda, raqamli transformatsiya, moslashuvchan boshqaruv metodlari va ekologik barqarorlikka intiladigan kompaniyalar bugungi o‘zgaruvchan va raqobatbardosh muhitda muvaffaqiyatga erishadi. Bularni o‘z ichiga olgan strategiyalarni joriy qilgan holda, tashkilotlar nafaqat bugungi bozor talablariga javob beradi, balki kelajakdagi o‘zgarishlarga moslashishga ham tayyor bo‘ladi.

**Foydalanilgan Adabiyotlar.**

1. **ISO (International Organization for Standardization)**. (2015). *ISO 9001:2015 Quality Management Systems - Requirements*. ISO. Bu standart sifat boshqaruvi tizimlari va ISO 9001 haqida tushunchalarni yoritadi.
2. **Juran, J. M.** (1998). *Juran's Quality Handbook*. McGraw-Hill. Ushbu

[20] https://youtu.be/DMyi0W9w8CE?si=dbBZHkNFhQNZmseH
[21] https://youtu.be/TyicB9pHt-8?si=nYf-F0-UvwIIXJtZ

asarda Juranning sifat menejmenti va uning asosiy tamoyillari haqida kengroq ma'lumotlar keltirilgan.

3. **Deming, W. E.** (1986). *Out of the Crisis*. MIT Press. Demingning PDCA modeli va sifatni boshqarish jarayonlarini soddalashtirish haqidagi tushunchalari mazmunli tarzda yoritilgan.

4. **ISO rasmiy sayti** – https://www.iso.org ISO 9001 va boshqa sifat menejmenti standartlari haqida rasmiy ma'lumotlar.

5. **American Society for Quality (ASQ)** – https://asq.org Sifat menejmenti, TQM, Six Sigma, Juran va Deming yondashuvlari bo‘yicha maqolalar va resurslar.

6. **Investopedia** – https://www.investopedia.com Benchmarking, TQM va sifat boshqaruvi kabi asosiy biznes atamalari tushunchalari va izohlar.

7. **old.gov.uz** – https://old.gov.uz/oz “Kayzen” tizimi haqida ma’lumotlar olindi.

**Muratova Shohista Nimatullayevna** - *Bojxona instituti kafedra boshlig‘i, i.f.d., prof. Tel.: (+99893) 512-75-62, e-mail: shohista11@mail.ru*

# BOJXONA MAQSADLARINING EKOLOGIK BOSHQARUV MEXANIZMLARI BILAN INTEGRATSIYASI

**Annotatsiya**. Maqolada davlat ekologik boshqaruv mexanizmining elementlari ko‘rib chiqilib, tadqiqot natijalari sifatida bojxona organlari tomonidan ekologik maqsadlarda amalga oshiriladigan faoliyatda yuzaga keladigan ekologik va bojxona boshqaruvining mexanizmlari o‘rtasidagi bog‘liqlik tavsiflangan. Iqtisodiy-ekologik munosabatlarning mazmunini yoritishda bojxona organlari va ekologik boshqaruv organlarining idoralararo o‘zaro munosabat shakllari belgilangangan.

**Kalit so‘zlar:** ekologik boshqaruv, bojxona boshqaruvi mexanizmlari, ekologik maqsadlar, bojxona qonunchiligi, ekologik standartlar va me’yorlar, ekologik xavfsizlik.

**Аннотация**. В статье рассмотрены элементы механизма государственного экологического управления и по результатам исследования описана взаимосвязь между механизмами экологического и таможенного управления, возникающая в деятельности, осуществляемой таможенными органами в экологических целях. При изучении содержания экономико-экологических отношений определены формы межведомственного взаимодействия таможенных органов и органов экологического управления.

**Ключевые слова:** экологическое управление, механизмы таможенного администрирования, экологические цели, таможенное законодательство, экологические стандарты и нормы, экологическая безопасность.

**Abstract.** The article considers the elements of the mechanism of state environmental management and, based on the results of the study, describes the relationship between the mechanisms of environmental and customs management arising in the activities carried out by customs authorities for environmental purposes. When studying the content of economic and environmental relations, the forms of interdepartmental interaction between customs authorities and environmental management bodies are determined.

**Keywords:** environmental management, customs administration mechanisms, environmental objectives, customs legislation, environmental standards and norms, environmental safety.

Ekologiya sohasidagi milliy strategik vazifalarni samarali hal qilish uchun vakolatli hokimiyat organlarining harakatlarini muvofiqlashtirish orqali zamonaviy ekologik boshqaruv mexanizmining ishonchliligini oshirish, shuningdek O‘zbekiston Respublikasining bojxona organlari vakolatiga kiradigan ekologik boshqaruv mexanizmlari va bojxona boshqaruvi mexanizmlarining integratsiyasi talab etiladi.

Ekologik maqsadlar uchun taqiqlar va cheklovlar o‘rnatilgan tovarlarning

ushbu toifalarini transchegaraviy harakatlanishi jarayonida yuzaga keladigan ekologik xavflar bojxona organlarining kuchlari va vositalari tomonidan amalga oshiriladigan ekologik boshqaruv obyekti hisoblanadi. Ekologik boshqaruv vakolatlari bojxona organlari tomonidan O‘zbekiston Respublikasining “Davlat bojxona xizmati to‘g‘risida”gi Qonunida belgilangan vakolatlar doirasida bojxona ishi sohasida nazorat faoliyatini olib borish orqali amalga oshiriladi [1].

Bojxona organlari umumiy va maxsus vakolatlarga ega davlat organlari tomonidan amalga oshiriladigan ekologik boshqaruv mexanizmining institutsional tizimining eng muhim elementidir. Shu bilan birga, bojxona boshqaruvi bojxona organlari faoliyatining belgilangan sohasi hisoblanadi. Bojxona boshqaruvining ommaviy mexanizmi – bu tashqi savdo faoliyati ishtirokchilarining xatti-harakatlariga bojxona qonunchiligi va xalqaro shartnomalar talablariga rioya etilishini ta’minlash maqsadida ta’sir ko‘rsatishga imkon beradigan iqtisodiy-huquqiy vositalar to‘plami.

Ekologik boshqaruv organlari tizimida bojxona xizmatining o‘rni va rolini baholashda shuni ta’kidlash kerakki, bojxona xizmati ekologik boshqaruv bojxona organlari faoliyatining belgilangan sohasiga tegishli emasligi sababli maxsus vakolatli funksional organlar guruhiga kiradi, natijada ekologik faoliyat ular uchun asosiy emas [2].

Bojxona organlari tashqi savdo ishtirokchilari tomonidan ekologik talablarga rioya etilishini baholash va nazorat qilish bilan bog‘liq turli funksiyalarni bajarishi mumkin, shu jumladan:

- tovarlarning eksporti va importi uchun hujjatlar va ruxsatnomalarni, shu jumladan tabiiy resurslardan foydalanish uchun ruxsatnomalarni tekshirish;
- tovarlarni chegaradan o‘tkazishda ekologik standartlar va me’yorlarga rioya etilishini nazorat qilish;
- atrof-muhitni muhofaza qilish maqsadida olib kirish yoki olib chiqish taqiqlangan tovarlarning noqonuniy aylanishining oldini olish;
- atrof-muhitni boshqarishda ishtirok etuvchi boshqa tashkilotlar va organlar, shu jumladan nazorat qiluvchi organlar, milliy va xalqaro ekologik tashkilotlar va boshqalar bilan hamkorlik qilish.

Shuningdek, bojxona organlari bojxona tartib-taomillari va nazorat tizimlarini takomillashtirish orqali ekologik xavfsizlikni ta’minlash bo‘yicha chora-tadbirlarni ishlab chiqish va amalga oshirishda ishtirok etadi. Umuman olganda, bojxona organlari noqonuniy savdoni to‘xtatish, savdo tovarlarining ekologik talablarga muvofiqligini tekshirish va umumiy ekologik muammolarni hal qilish uchun boshqa mamlakatlar bilan hamkorlik qilish orqali atrof-muhitni boshqarish sohasida muhim rol o‘ynaydi. Bojxona organlari faoliyatidagi bojxona va atrof-muhitni boshqarish institutlarining eng faol aloqasi – O‘zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o‘zgarishi vazirligining idoralararo hamkorligi asosida namoyon bo‘ladi.

Idoralararo hamkorlik mexanizmi bojxona xizmati va O‘zbekiston Respublikasining ekologik boshqaruv organining birgalikdagi boshqaruvi masalalari bo‘yicha hujjatlashtirilgan ekologik ahamiyatga ega ma’lumotlarni almashishni ta’minlaydi.

Bojxona organlari faoliyatida ekologik va bojxona boshqaruvining davlat mexanizmlarining o‘zaro bog‘liqligi bojxona qonunchiligida belgilangan vakolat doirasida strategik ekologik boshqaruv muammolarini hal qilish bilan tasdiqlanadi. Biologik xilma-xillik ishonchli saqlanishini ta’minlash, hayvonot va o‘simlik dunyosi obyektlaridan noqonuniy foydalanish ustidan nazoratni kuchaytirish sohasidagi ushbu strategik ustuvorliklar “O‘zbekiston – 2030” Strategiyasida belgilangan [3].

Bojxona organlarining milliy va integratsion ekologik boshqaruv jarayonida ishtirok etishi ular tomonidan amaldagi milliy darajadagi hujjatlar va xalqaro shartnomalarga, atrof-muhit xavfsizligini ta’minlash maqsadida belgilangan tartibda qabul qilingan tushunchalar va strategiyalarga muvofiq ekologik siyosatni amalga oshirishni anglatadi. Bojxona qo‘mitasi va uning hududiy boshqarmalari tomonidan amalga oshiriladigan ekologik boshqaruv funksiyalari bojxona ishi doirasida vositachilik qiladi va davlatning ekologik xavfsizligini ta’minlash uchun tashqi savdo faoliyatini tartibga solish to‘g‘risidagi qonun hujjatlarida belgilangan taqiq va cheklovlarga rioya etilishini ta’minlash bilan bog‘liq.

O‘zbekiston Respublikasi Bojxona kodeksining 203-moddasi bojxona organlari oldida turgan ekologik vazifalar va ularni ta’minlaydigan bojxona funksiyalari
(4-xatboshi) mavjudligini aniqlashga imkon beradi [4].

Shunday qilib, bojxona chegarasi orqali olib o‘tiladigan tovarlarga nisbatan taqiqlar va cheklovlarga rioya etilishini bojxona nazorati operatsiyalari, bojxona statistikasini yuritish funksiyalari, huquqbuzarliklarga qarshi kurashish, shuningdek radiatsiya va davlat nazoratining boshqa turlarini amalga oshirish orqali bojxona organlari va ularning mansabdor shaxslari inson hayoti va sog‘lig‘ini, hayvonot va o‘simlik dunyosini, atrof-muhitni muhofaza qilishning ekologik muammolarini hal qiladilar.

Bojxona organlari faoliyatida ekologik va bojxona boshqaruvining ommaviy mexanizmlari o‘rtasidagi o‘zaro bog‘liqlikning dolzarbligi xalqaro standartlarni bajarish bilan bog‘liq maqsad va vazifalar, shu jumladan global ekologik tahdidlarga qarshi kurashishga qaratilgan. Bojxona ishi doirasida belgilangan vakolatlar doirasida bojxona organlari jamoaviy ekologik xavfsizlikni ta‘minlaydilar. Shu tariqa, tuzilish nuqtayi nazaridan, ommaviy ekologik boshqaruv va bojxona boshqaruvi mexanizmlari bir vaqtning o‘zida ham bojxona, ham ekologik maqsadlarda amalga oshiriladigan boshqaruv subyekti faoliyatining mazmuni bilan kesishadi. Bojxona organlari faoliyati orqali amalga oshiriladigan strategik ekologik ustuvorliklar quyidagilardan iborat:

- “yashil” iqtisodiyotni rivojlantirish;
- tabiiy ekotizimlarning biologik xilma-xilligini saqlash va biologik resurs obyektlarini muhofaza qilish;
- davlat ekologik nazoratining samaradorligini oshirish;
- biologik tahdidlardan ogoh bo‘lish uchun biologik xavflarning monitoring tizimini rivojlantirish;
- boshqa davlatlardan olib kirilishi xavfi bo‘lgan zararli moddalardan tabiiy muhitning ifloslanishini bartaraf etish.

Bojxona organlari faoliyatida ekologik va bojxona boshqaruvining davlat mexanizmlarining o‘zaro bog‘liqligini kuchaytiradigan yana bir omil – bu bojxona organlarining ekologik huquq sohasidagi xorijiy davlatlar bilan hamkorligidir. Atrof-muhitni muhofaza qilish va ekologik xavfsizlik masalalari bo‘yicha xalqaro hamkorlik amaliyoti bojxona organlari tomonidan Jahon bojxona tashkiloti bilan hamkorlikda amalga oshirilmoqda [5]. Istiqboldagi strategik yo‘nalish Birlashgan millatlar tashkilotining atrof-muhit bo‘yicha xalqaro tashabbus dasturi, ya’ni “Yashil bojxona” konsepsiyasi doirasida ekologik sezgir tovarlar ustidan tegishli nazoratni amalga oshirishda dunyo bojxona xizmatlarining funksionalligini oshirishdir.

Umuman olganda, milliy bojxona organlari xalqaro tashkilotlar va atrof-muhit xavfsizligi sohasida vakolatli boshqa tashkilotlar bilan hamkorlik qilib, bir vaqtning o‘zida davlat boshqaruvining bir nechta turlarini – bojxona va atrof-muhit muhofazasini amalga oshiradilar, bu, ayniqsa, ekologik muammolarni hal qilish va atrof-muhit sifatini saqlash uchun juda muhimdir. Shuning uchun, nazarimizda, atrof-muhit muhofazasini ta’minlash bo‘yicha bojxona organlari faoliyatining asosiy yo‘nalishlari sifatida quyidagilarni belgilab olishi taklif etiladi:

1. Tovarlarning bojxona chegarasi orqali harakatlanishida atrof-muhit xavfsizligiga bo‘lgan tahdidlarni prognozlash, aniqlash, tahlil qilish va baholash.
2. Tovarlarning bojxona chegarasi orqali harakatlanishida atrof-muhit xavfsizligini ta’minlash sohasida davlat siyosatining asosiy yo‘nalishlarini aniqlash va strategik rejalashtirishda ishtirok etish.
3. Tovarlarning bojxona chegarasi orqali harakatlanishida atrof-muhit xavfsizligini ta’minlash sohasini normativ-huquqiy tartibga solish.
4. Bojxona organlari tomonidan ekologik xavfsizlikni ta’minlash sohasida ilmiy faoliyatni tashkil etish.
5. Jamoaviy ekologik xavfsizlikni ta’minlash sohasida xalqaro hamkorlikni takomillashtirish.

Bojxona organlarining ekologik boshqaruv organlarining amaldagi tizimidagi o‘rni davlatning ekologik siyosati va tashqi savdo faoliyatining ekologik xavflarga qarshi kurashish sohasida rasmiy ravishda e’lon qilingan davlat-huquqiy ustuvorliklar bilan belgilanadi. Bu bojxona organlari va ularning mansabdor shaxslari bojxona chegarasi orqali ekologik sezgir tovarlar va tabiiy resurslarning harakatini nazorat qilish orqali O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiy-ekologik xavfsizligini ta’minlashda muhim rol o‘ynashini yana bir bor tasdiqlaydi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. O‘zbekiston Respublikasining 2018-yil 18-oktabrdagi “Davlat bojxona xizmati to‘g‘risida”gi O‘RQ-502-son Qonuni. URL: https://lex.uz/docs/4000640
2. Ронжина Н.А. Механизм юридического закрепления эколого-правового статуса таможенных органов. Финансовая экономика, 2021. – №4. – С.77-81.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentabrdagi PF-158-son “O‘zbekiston–2030” Strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni. URL: https://lex.uz/ru/docs/6600413

4. O‘zbekiston Respublikasining 2016-yil 20-yanvardagi O‘RQ-400-sonli “O‘zbekiston Respublikasining Bojxona kodeksini tasdiqlash to‘g‘risida”gi Qonuni.
URL: https://www.lex.uz/acts/2876354
5. Булгакова Л.С. Международное сотрудничество таможенных органов в области обеспечения экологической безопасности государства. // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки, 2018. – №9. – С.70-72.

**F.U.Tursunov** – SamISI, “Menejment” kafedrasi mudiri, i.f.n., dotsent

## KORXONADA MAHSULOT SIFATINI BOSHQARISHNING ASOSIY USLUBLARI

**Annotatsiya:** maqolada korxonalarda mahsulot sifati menejmenti uslublarini takomillashtirishning dolzarbligi, iste’molchining talablariga javob berish uchun eng mos keladigan avtomatik sifat menejmenti usullari o‘rganilgan.

**Kalit so‘zlar:** sifat menejmenti, texnologik usullari, sifat boshqaruvi, sifat talablari, avtomatlashtirish, sifatni boshqarishning iqtisodiy usuli, sifatni boshqarishning psixologik usuli.

**Аннотация:** в статье рассматривается актуальность совершенствования методов управления качеством продукции на предприятиях, наиболее подходящие автоматические методы управления качеством для удовлетворения требований потребителей.

**Ключевые слова:** менеджмент качества, технологические методы, менеджмент качества, требования к качеству, автоматизация, экономический метод управления качеством, психологический метод управления качеством.

**Abstract:** the article examines the relevance of improving product quality management methods at enterprises, the most suitable automatic quality management methods to meet consumer requirements.

**Key words:** quality management, technological methods, quality management, quality requirements, automation, economic method of quality management, psychological method of quality management.

Zamonaviy sifat menejmentining asosiy g‘oyasi shundan iboratki, sifat menejmenti mahsulot ishlab chiqarish jarayonida maksimal samara beradi va mahsulot ishlab chiqarish jarayonidan oldin sifatni ta’minlash bo‘yicha tadbirlarni ham amalga oshirish kerak. Mahsulot sifatini boshqarish deganda mahsulotni yaratish, ishlatish yoki iste’mol qilishda mahsulot sifatining zaruriy darajasini belgilash, ta’minlash va saqlab turish maqsadlarida amalga oshiriladigan harakatlar tushuniladi.

Sifatni boshqarishning ma’muriy usullari sifat darajasini saqlab qolish va uni yaxshilash uchun ishlab chiqilgan rasmiy buyruqlar va buyruqlarning majburiy bajarilishida namoyon bo‘ladi.

Ma’muriy sifat usullariga quyidagilar kiradi:

- tartibga solish usullari (umumiy tashkiliy, funksional, rasmiy, tarkibiy);
- standartlashtirish usullari (turli darajalar va holatlar standartlariga asoslangan);
- normalizatsiya usullari (vaqt normalari, raqamli normalar asoslariga asoslangan);
- ko‘rsatma usullari (shu jumladan tanishish, tushuntirish, maslahat, ogohlantirish);
- ma’muriy usullar (qarorlar asosida buyruqlar, ko‘rsatmalar, operatsion va profilaktika ta’siridan foydalanish buyrug‘ining bajarilishini nazorat qilish);
- sifat menejmenti bo‘yicha ko‘rsatmalar va tadbirlar, sifatni ta’minlash uchun ularning bajarilishini nazorat qilish;
- taqdim etilgan ma’lumotlarning mantiqiy asosliligi va konkretligi(tafovutlarni istisno qiladigan aniq va qisqa shakllantirish);
- asosli dalillar;
- barqarorlik (kichik o‘zgaruvchanlik);
- sifatli tarkib.

Sifatni boshqarishning eng muhim tarkibiy qismlaridan biri bu sifat siyosatidir. "Sifat siyosati - bu yuqori rahbariyat tomonidan rasmiy ravishda shakllantirilgan sifat sohasidagi tashkilot faoliyatining umumiy niyatlari va yo‘nalishlaridir". Bu sifat menejmenti sohasidagi har qanday ma’muriy usul asos bo‘lgan asosiy hujjatdir, chunki uni amalga oshirish uchun mas’uliyat yuqori darajadagi menejer zimmasida bo‘ladi, sifat menejmenti tizimini joriy etish bevosita unga bog‘liq.

Sifat siyosatini shakllantirish jarayonida:
- tashkilot unga qo‘yiladigan barcha talablarga e’tibor berishi kerak;
- sifat bo‘yicha qo‘llanma siyosatni tashkilotning bosh direktori imzosi bilan yozma ravishda yozib qo‘yishi kerak;
- sifat siyosati sifatni ta’minlash uchun tashkilotning barcha bo‘limlari faoliyatini muvofiqlashtirishi kerak;
- sifat siyosati tashkilotning barcha xodimlari uchun tushunarli bo‘lishi lozim, chunki har bir xodim uni amalga oshirishi kerak.

Yuqoridagilarni umumlashtirib, har qanday tashkilot uchun sifat siyosati ega bo‘lishi kerak bo‘lgan bir nechta xususiyatlarni ajratib ko‘rsatish mumkin:
- qisqalik;
- har bir xodimning sifatni ta’minlash faoliyatiga jalb qilinishi;
- standartlar, sifat talablari asosliligi;
- ishlab chiqarilgan mahsulot sifatining barcha jihatlarini to‘liq qamrab olish;
- tashkilotning bosh rahbari tomonidan sifat siyosatini tasdiqlash.

Sifat menejmentining texnologik usullari ishlab chiqarish jarayonlari sifatini boshqarish, ishlab chiqarilayotgan mahsulot sifatini nazorat qilish va ulardan umumiy foydalanish usullariga bo‘linadi. Zamonaviy texnologiyalar turli xil muhandislik va texnologik usullar yordamida eng yuqori sifatga erishishga imkon beradi, ularning tanlovi boshqariladigan ob’ektning xususiyatlari bilan belgilanadi. Ushbu usullar quyidagilarga bo‘linadi:
- avtomatik;
- avtomatlashtirilgan;

- mexanik;
- qo‘lda.

Zamonaviy iste’molchining talablariga javob berish uchun eng mos keladigan narsa bu avtomatik sifat menejmenti usulidir. Ushbu usulning mohiyati shundan iboratki, ishlab chiqarish jarayonining ma’lum xususiyatlardan chetga chiqishi va tuzatish harakatlari aniqlanadi, ishlab chiqiladi va amalga oshiriladi, texnik qurilmalar yordamida jarayonga avtomatik ravishda ta’sir qiladi. Sifatni boshqarishning avtomatik usuli hozirgi vaqtda ishlab chiqarish va texnologik jarayonlarni boshqarish va ishlab chiqarilayotgan mahsulot sifatini ishlab chiqarish va texnik nazorat qilish uchun eng istiqbolli hisoblanadi. Ishlab chiqarish va texnik nazorat uchun bu usul muhim ahamiyatga ega, chunki uni ishlatishda avtomatik boshqarish usullarini qo‘llashda nuqsonli mahsulotni o‘tkazib yuborish ehtimoli yo‘q qilinadi.

Bozor munosabatlarining jadal rivojlanishi bilan sifat menejmentining iqtisodiy usullaridan keng foydalanish zarur, chunki faqat ulardan foydalanganda tashkilot zamonaviy bozor munosabatlarida omon qolishi va rivojlanishi mumkin. Sifatni boshqarishning iqtisodiy usulining mohiyati sifat darajasini optimallashtirish uchun motivatsiyaning iqtisodiy vositalaridan foydalangan holda ishlab chiqarish va noishlab chiqarish faoliyatini rag‘batlantirishdan iborat. Iqtisodiy usul tashkiliy va ma’muriy usuldan farq qiladi, chunki u aniq iqtisodiy rag‘batlantirish va buyurtmalar va buyruqlarga emas, balki sifatli ish uchun haq to‘lashga qaratilgan.

Sifatni boshqarishning iqtisodiy usullarini qo‘llash samaradorligi yuqori darajada. Masalan, moddiy rag‘batlantirish, sifat menejmentining iqtisodiy usuli sifatida, ish haqining oshishi ishlab chiqarilgan mahsulot sifatining oshishiga olib keladi. Umumiy ma’noda, ushbu usuldan foydalanish ish haqining oshishi tufayli iste’molchilar talabini oshiradi, bu esa o‘z navbatida sifatning oshishi va tannarxning pasayishi tufayli ishlab chiqarilgan mahsulotni sotish hajmining oshishiga olib keladi. Natijada, ushbu o‘zgarishlar tashkilotlarning yalpi daromadi va foyda miqdorining oshishiga olib keladi.

Korxonada mahsulot sifatini oshirishni rejalashtirish mustaqil yo‘nalishlari sifatida mahsulot sifatini firma ichida rejalashtirish, korxonada sifatni boshqarish tizimini joriy etishni rejalashtirish,

mahsulot sifatini oshirishni kadrlar bilan ta’minlashni rejalashtirish, ichki va tashqi brak natijasida korxona ko‘rishi mumkin bo‘lgan zararlarni rejalashtirish, shartnoma va kontraktlarda mahsulot sifatini rejalashtirishdan iborat. Keyingi yillarda korxonada mahsulot sifatini oshirishni rejalashtirishning muhim yo‘nalishlaridan biri tayyorlanayotgan buyumlar (ishlar, xizmatlar), sifat tizimi va ishlab chiqarishni sertifikatlashga tayyorlashni rejalashtirish hisoblanadi. Yakuniy mahsulotni ishlab chiqaruvchi korxonalar xom ashyo va boshqalarni yetkazib beruvchi korxonalarga ularning mahsulotlari (xom ashyo, materiallar, yarimfab-rikatlar, butlovchi bumlar va boshqalar) sifatini yaxshilash borasida turli yordamlarni ko‘rsatishlari kerak. Shunday yordam shakllari, shuningdek uni ko‘rsatishga sarflanadigan harajatlar korxonada mahsulot sifatini oshirishni rejalashtirish predmeti bo‘lishi kerak.

Sifatni boshqarishning psixologik usullari ham mavjud. Ularning mohiyati

tashkilotda erishilgan sifat darajasini saqlab qolish va takomillashtirish maqsadida mehnat jamoasidagi ijtimoiy-psixologik jarayonlarga ta’sir qiluvchi omillar to‘plamidan foydalanishdir.

Sifat menejmentining psixologik usullariga quyidagilar kiradi:

- tashkilotning barcha xodimlarining sifati bo‘yicha faoliyatda sifat va faollikni oshirish uchun javobgarlikni rag‘batlantirish usullari;
- tashkilot xodimlari o‘rtasida psixologik mikroiqlimni takomillashtirish usullari: kelishmovchiliklarni bartaraf etish, yuqori kommunikativlikni ta’minlash;
- sifatni ta’minlash jarayonida xodimlarning psixologik xususiyatlarini hisobga olish;
- tashkilotning har bir xodimi faoliyatini sifatini oshirishga yo‘naltirish uchun motivlarni shakllantirish;
- korxonaning yuqori sifat darajasini ta’minlash siyosatini qo‘llab-quvvatlash va takomillashtirish.

Taklif etilayotgan mahsulot (mahsulot yoki xizmat) sifati iste’molchining talablarini qondirish darajasini ifodalovchi mahsulot xususiyatlarining kombinatsiyasi bilan ifodalanadi.

Mahsulot xususiyati-bu mahsulotning ma’lum bir xususiyati bo‘lib, u butun hayot aylanishi davomida o‘zini namoyon qiladi (rivojlantirish, loyihalash, ishlab chiqarish, ishlatish yoki iste’mol qilish).

Ishlab chiqarilgan mahsulotning sifat darajasini baholashni ta’minlaydigan miqdoriy xususiyatlarining yig‘indisi sifat ko‘rsatkichini tanlashga bog‘liq. Sifat darajasini ob’ektiv baholash uchun turli xil o‘zaro bog‘liq texnik iqtisodiy ko‘rsatkichlar to‘plami qo‘llaniladi, bitta ko‘rsatkichni baholashda xulosalar asosida sifat darajasini to‘liq baholash mumkin emas.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Агарков, А.П. Управление качеством [Электронный ресурс]: учебник / А. П. Агарков. - М.: Дашков и Ко, 2017. - 204с.

2. Аристов, О.В. Управление качеством [Текст]: Учебник для вузов (МО) / О. В. Аристов. - М.: ИНФРА-М, 2008. - 240с

3. Басовский, Л.Е. Управление качеством [Текст]: Учебник / Л. Е. Басовский, В. Б. Протасьев. - М.: ИНФРА-М, 2008- 212с

4. Поликарпова, М. Управление качеством работы промышленного предприятия [Текст] / М. Поликарпова // Проблемы теории и практики управления. - 2012.-№3.-С. 75-82.

5. Мельников, В.П. Управление качеством [Текст]: учебник для СПО / В. П. Мельников, В. П. Смоленцев, А. Г. Схиртладзе. - 4-е изд., стер. - М.: Академия, 2009. - 352с.

**Ro‘ziqulova Nilufar -** SamISI magistranti, mmr-124 guruh talabasi

# EKOLOGIK MENEJMENTNING IQTISODIY FOYDASI VA RAQOBATBARDOSHLIKKA TA’SIRI

**Kalit so‘zlar:** ekologik, tabiiy, resurs, global muammo, ekologik xavfsizlik, ekologik harakat, sanoat korxonalari, qishloq xo‘jaligi, shahar infratuzilmasi, biologik xilma-xillik, shamol, quyosh, biomassa

**Key words:** environmental, natural, resource, global problem, environmental security, environmental movement, industrial enterprises, agriculture, urban infrastructure, biological diversity, wind, solar, biomass

**Ключевые слова:** окружающая среда, природный, ресурс, глобальная проблема, экологическая безопасность, экологическое движение, промышленные предприятия, сельское хозяйство, городская инфраструктура, биологическое разнообразие, ветер, солнце, биомасса.

**Annotatsiya:** ekologik menejment nafaqat atrof-muhitni himoya qilish, balki korxonalar uchun raqobatbardosh ustunlik yaratish vositasi sifatida ham muhim ahamiyatga ega. Ekologik menejmentni samarali qo‘llagan korxonalar resurslarni tejash, xarajatlarni kamaytirish, iste’molchilar orasida ekologik toza brend sifatida tanilish va yangi bozor imkoniyatlariga ega bo‘lish imkoniyatiga ega. Shu bilan birga, davlat tomonidan beriladigan rag‘batlar, imtiyozlar va xalqaro sertifikatlarga ega bo‘lish kabi afzalliklar kompaniyalar uchun qo‘shimcha iqtisodiy foyda keltiradi.

**Аннотация:** экологический менеджмент важен не только для защиты окружающей среды, но и как средство создания конкурентного преимущества предприятий. Предприятия, эффективно применяющие экологический менеджмент, имеют возможность экономить ресурсы, снижать затраты, стать известными среди потребителей как экологически чистый бренд и получить новые рыночные возможности. В то же время государственные стимулы, льготы и преимущества, такие как наличие международных сертификатов, приносят компаниям дополнительные экономические выгоды.

**Abstract:** environmental management is important not only to protect the environment, but also as a means of creating a competitive advantage for enterprises. Enterprises that effectively apply environmental management have the opportunity to save resources, reduce costs, become known among consumers as an environmentally friendly brand, and gain new market opportunities. At the same time, state incentives, benefits and advantages such as having international certificates bring additional economic benefits for companies.

Ekologik menejment tabiiy resurslarni samarali boshqarish, atrof-muhitni himoya qilish va kelajak avlodlar uchun barqaror rivojlanishni ta’minlashga qaratilgan ilmiy-amaliy yo‘nalishdir. Bugungi kunda ekologik masalalar global darajada ahamiyat kasb etganligi sababli, ekologik menejment fanining rivojlanishi va uning usullarini amaliyotga joriy qilish zarurati ortib bormoqda. O‘zbekistonda ekologik harakatlar so‘nggi yillarda bir qator ijobiy o‘zgarishlar bilan rivojlanmoqda. Bu jarayonlar quyidagi asosiy yo‘nalishlarni o‘z ichiga oladi:

O‘zbekiston Respublikasi atrof-muhitni muhofaza qilish va barqaror rivojlanish bo‘yicha strategiyalar ishlab chiqmoqda. 2019-yilda qabul qilingan "Ekologik xavfsizlik to‘g‘risida"gi qonun ekologik harakatlarni rag‘batlantirishda muhim ahamiyatga ega. Mamlakatda turli ekologik tashkilotlar va NGO‘lar faoliyat yuritmoqda. Ular atrof-muhitni muhofaza qilish, biologik xilma-xillikni saqlash va aholini ekologik ta’lim bilan ta’minlashga qaratilgan dasturlarni amalga oshirmoqda.

Ekologik menejmentning asosiy vazifasi resurslardan oqilona foydalanish, chiqindilarni kamaytirish va ekologik barqarorlikni ta’minlashdir. Bu esa sanoat korxonalari, qishloq xo‘jaligi va shahar infratuzilmasining atrof-muhitga ta’sirini minimallashtirishga yordam beradi.

ekologik menejment iqtisodiyotni nafaqat ekologik, balki iqtisodiy va ijtimoiy jihatdan ham foydali qilib, barqaror rivojlanishga hissa qo‘shadi. Bu nafaqat korxonalar, balki butun jamiyat uchun ham manfaatli bo‘ladi. Bunga yaqqol misollar dunyo miqyosida bir necha bor duch kelishimiz mumkin.

**Germaniya – qayta tiklanadigan energiya:** Germaniya ekologik menejment orqali qayta tiklanadigan energiya manbalarini rivojlantirishga katta e’tibor qaratgan. 2020-yilda Germaniyada ishlab chiqarilgan elektr energiyasining katta qismi shamol, quyosh va biomassa kabi qayta tiklanadigan manbalardan olingan. Bu nafaqat energiya xavfsizligini oshirdi, balki yangi ish o‘rinlarini yaratdi va atrof-muhit ifloslanishini kamaytirishga yordam berdi. Shu bilan birga, Germaniya energiya resurslariga bog‘liq tavakkalchiliklarni ham kamaytirib, iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda muvaffaqiyatga erishdi.

**Yaponiya – chiqindilarni qayta ishlash:** Yaponiya chiqindilarni qayta ishlash bo‘yicha ilg‘or texnologiyalar va strategiyalarni qo‘llab kelmoqda. Mamlakatda chiqindilarni qayta ishlash darajasi yuqori bo‘lib, chiqindilarni minimallashtirish va qayta ishlash orqali mamlakat iqtisodiyoti katta foyda ko‘radi. Qayta ishlangan materiallar yana ishlab chiqarishga qaytariladi, bu esa xomashyo xarajatlarini kamaytiradi va ekologik ifloslanishni kamaytiradi. Yaponiyaning chiqindilarni qayta ishlash bo‘yicha strategiyasi boshqa davlatlar uchun ham namunaviy hisoblanadi.

**Norvegiya – elektromobillar rivoji:** Norvegiya elektromobillarni rag‘batlantirish uchun soliqlar va boshqa imtiyozlar yaratdi. Mamlakatda neft zahiralari ko‘p bo‘lishiga qaramay, Norvegiya ekologik menejment orqali avtomobil sanoatida elektromobillarni kengaytirishga intilmoqda. Hozirda Norvegiyada sotilayotgan yangi avtomobillarning katta qismi elektromobillardan iborat. Bu amaliyot mamlakatga nafaqat atrof-muhitni muhofaza qilish, balki energiya tejash, xalqaro texnologik innovatsiyalarni jalb qilish va yangi ish o‘rinlarini yaratishda yordam beradi.

**Xitoy – ko‘mir chiqindilarini kamaytirish dasturi:** Xitoy ko‘mir energiyasidan foydalangan mamlakatlardan biri bo‘lib, bu katta ifloslanishga olib kelgan edi. Lekin so‘nggi yillarda Xitoy ekologik menejment orqali ko‘mir chiqindilarini kamaytirish va qayta tiklanadigan energiya manbalarini rivojlantirishga katta e’tibor bera boshladi. Yashil texnologiyalarni rivojlantirish va shamol, quyosh energiyasini kengaytirish Xitoyda yangi ish o‘rinlarini yaratib,

iqtisodiy o‘sishga turtki bo‘ldi.

**AQSh – yashil qurilish va ekologik standartlar:** AQShda yashil qurilish standartlarini qo‘llash orqali energiyani tejash va chiqindilarni kamaytirish imkoniyati yaratildi. “LEED” (Leadership in Energy and Environmental Design) kabi sertifikatlash dasturlari orqali korxonalar va davlat idoralari ekologik standartlarga mos binolar qurmoqda. Yashil qurilish energiya sarfini kamaytiradi, bu esa xarajatlarni pasaytirib, uzoq muddatda iqtisodiy foyda keltiradi.

**Fransiya – organik qishloq xo‘jaligi:** Fransiyada organik dehqonchilikka o‘tish uchun qator dasturlar ishlab chiqilgan. Ekologik menejment orqali fermerlar kimyoviy o‘g‘itlardan voz kechib, tuproq va suv resurslarini asrashga intilmoqda. Organik mahsulotlarga bo‘lgan talab ortgani tufayli fermerlar yuqori daromad olishmoqda va bu, o‘z navbatida, sog‘lom oziq-ovqat ishlab chiqarishga yordam beradi. Bu misollar ekologik menejmentning nafaqat atrof-muhitni muhofaza qilishga, balki iqtisodiy samaradorlikka va rivojlanishga ham ijobiy ta’sir ko‘rsatishini ko‘rsatadi.

Ekologik menejmentda raqobatbardoshlik korxona va tashkilotlarga bozor sharoitida muvaffaqiyatli faoliyat yuritish, iqtisodiy foyda olish va shu bilan birga atrof-muhitni muhofaza qilishga yordam beradigan jihatdir. Raqobatbardosh korxonalar o‘z mahsulotlarini ekologik talablar va iste’molchilarning yuqori talablariga moslashtirish orqali o‘z ustunligini oshiradi.

Misollarda keltirilganidek, ekologik menejmentni qo‘llayotgan korxonalar barqarorlik va mas’uliyatli biznes yondashuvi orqali nafaqat o‘z brend obro‘sini oshiradi, balki kelajakda iqtisodiy samaradorligini mustahkamlaydi. Hozirgi vaqtda global bozorlar ekologik talablar va iste’molchilarning yashil mahsulotlarga e’tibori ortib borayotgani sababli, ekologik menejment biznesda uzoq muddatli muvaffaqiyat kaliti sifatida namoyon bo‘lmoqda. Shunday qilib, ekologik menejment korxonalar uchun nafaqat ekologik mas’uliyatni bajarayotganlik belgisi, balki raqobatda muvaffaqiyatli bo‘lishning zamonaviy va barqaror strategiyasi hamdir.

**Shoyev Davronbek Axmadjonovich -** Farg‘ona politexnika instituti,
“Menejment” kafedrasi katta o‘qituvchisi, +998905344104,
e-mail: davronbrks@gmail.com

## EKOLOGIK MENEJMENTNI BOSHQARISHNING DOLZARBLIGI

**Annotasiya:** Ushbu maqolada, ekologik menejmentni boshqarishning zarurligi asosida ishlab chiqarish korxonalari tomonidan chiqarilayotgan zaharli moddalarni atmosferaga ta’sirini kamaytirish masalalari asoslab berilgan.

**Tayanch so‘zlar:** menejment, ekologik menejment, ekologik muammo, atrof muhit, ekologik ta’lim.

**Аннотация:** В данной статье, исходя из необходимости рационального природопользования, обосновываются вопросы снижения воздействия токсичных веществ, выбрасываемых производственными предприятиями, на атмосферу.

**Ключевые слова:** менеджмент, природопользование, экологическая проблема, окружающая среда, экологическое образование.

**Abstract:** This article, based on the need for rational environmental management, substantiates the issues of reducing the impact of toxic substances emitted by production enterprises on the atmosphere.

**Key words:** management, environmental management, environmental problem, environment, environmental education.

ISO 14001 standarti ekologik menejment tizimining mezonni belgilab beradi va bu bo‘yicha sertifikatlashtirishni amalga oshirilish mumkin. Atrof-muhit ko‘rsatkichlariga talablarni belgilamaydi, balki samarali ekologik menejment tizimini yo‘lga qo‘yish uchun kompaniya yoki tashkilotning amal qilishini belgilab beradi. Sohadan qat‘i nazar, har bir tashkilotda qo‘llanilishi mumkin. ISO 14001 standartidan foydalanish kompaniya rahbariyati va xodimlariga, shuningdek tashqi manfaatdor tomonlarning atrof-muhitga bo‘lgan munosabatini yaxshilashni kafolatlaydi[22].

Qurilish materiallari ishlab chiqarish sanoatida jiddiy ekologik muammolar mavjud. Bu esa atrof-muhitga sezilarli zararli oqibatlarga olib kelmoqda. 2023-yil holati bo‘yicha birgina Farg‘ona viloyatini o‘zida qurilish materiallari sohasida 4 423[23] ta korxona va tashkilotlar ro‘yxatga olingan va bu korsatkich o‘tgan 2022 yilga nisbatan 112,6 %ga oshganligini ko‘rishimiz mumkin.

Qurilish materiallari ishlab chiqarish sanoati korxonalai**,** ayniqsa, beton, sement va g‘isht ishlab chiqarish korxonalari atmosferaga ko‘p miqdorda zaharli moddalar chiqaradi, shuningdek, qazib olish va qayta ishlash jarayonlari ham yer va havo ifloslanishiga olib keladi. Qurilish sanoat korxonalari belgilangan normadan 40 baravar ko‘proq zaharli moddalar chiqarmoqda. Qurilish materiallasi sanoati atmosferaning yomonlashishiga ikki tomonlama zararli ta’sir qiladi. Birinchidan atrof muhitga zaharli moddalarni chiqarsa ikkinchi tomondan qurilish uchun ishlatiladigan tabiiy resurskarni kamayishiga olib keladi yoki qurilish obyektlarini qurish uchun tabiiy resurslar yo‘q qilinmoqda.

Hozirgi kunda zamonaviy qurilish materiallarining (masalan, kompozit materiallar) ko‘p miqdorda ishlab chiqarilishi mikroplastik va mayda zarrachalarning chiqarilishiga sabab bo‘lmoqda va bu zarrachalar havo, suv va tuproq orqali keng tarqalaib odamlar organizmlariga kirib bormoqda hamda ekologik tizimlar uchun katta xavf tug‘dirmoqda. Ayniqsa, tsement va beton ishlab chiqarish korxonalarida qo‘llaniladigan kimyoviy vositalar tuproq va suv resurslariga katta zarar yetkazmoqda. Qurilish materiallari ishlab chiqarish korxonalarni kamaytirish yoki ular faoliyatini to‘xtatib turishning iloji yo‘q. Shuning uchun, qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanish, masalan, quyosh, shamol yoki boshqa qayta tiklanadigan manbalarni joriy qilish energiya sarfini kamaytirishi hamda ekologik toza materiallardan foydalanish yani kam ifloslanish manbai hisoblanadigan qurilish materiallarni ishlab chiqarish va ulardan foydalanish atrof-muhitga yetkazadigan zararni kamaytiradi.

[22] https://tourquality.uz/uz/press-center/news/iso-14001-sistema-ekologicheskogo-menedzhmenta/
[23] https://www.farstat.uz/uz/

Qurilish materiallari sanoati korxonalari keltirib chiqarayotgan ekologik muammolarni to‘liq bartaraf etishning imkoni yo‘q, lekin ularni kamaytirish va ularni boshqarish, muammolarni erta aniqlash orqali keltirib chiqarishi mumkin bo‘lgan zararlarni kamaytirish imkoniyati mavjud. Buning uchun, doimiy ravishda qurilish korxonalari faoliyatini monitoring va kuzatish tizimlarini joriy qilish, **r**esurslardan oqilona foydalanish, atrof muhitni himoya qilish to‘g‘risidagi qonun hujjatlarining ijrosini ta’minlash masalalariga katta e’tibor qaratish lozim.

Xulosa sifatida ekologik muammolarni boshqarish va ularni kamaytirish maqsadida, har bir hududda chiqindilarni qayta ishlash va utilizatsiya qilish uchun zamonaviy mini zavodlar faoliyatini yo‘lga qo‘yish, qurilish ishlaridan tashqari shaharlararo elektr transport tizimini keng joriy qilish, soha mutaxassislari tomonidan odamlarda ekologik madaniyatni oshirishga qaratilgan samarali trening dasturlarini ishlab chiqish, xalqaro tajribalarni mahalliylashtirish, ekologik muammolarni bartaraf etishga qaratilgan innovatsion yondashuvlar va zamonaviy texnologiyalardan foydalanishni moliyalashtirish mexanizmlarini ishlab chiqish maqsadga muvofiq hisoblanadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. ISO 14001. “Спецификация и руководство по использованию систем экологического менежмента”.

2. ISO, 1996 yil. 2. ISO 14011. “Процедуры – часть 1: Аудит системы экологического менежмента”.

3. Shoyev D.A. Boshqarish sifatining iqtisodiy mohiyati va uni rivojlantirish masalalari. “Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot” ilmiy jurnali. 05.12.2023y. 11-12 son, 342-345 betlar. 71-94 xalqaro daraja, ISSN: 2992-8982.

4. Shoyev D.A. Xodimlarlarning ishchanlik faoliyatini oshirish omillari - "performance-based training". “Soliq va hayot” electron ilmiy ommabop jurnal. 2023y.02.12. 2-tom, 282-286 bet. ISSN 2181-2292.

**Siddikov Askar Axrorovich -** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti “Menejment” kafedrasi v.b. dotsenti

**To‘ychiyev Yusufbek Rasuljon o‘g‘li** - Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi, tel: +998 97 031 1226, e-mail: toychiyevyusuf749@gmail.com

## IQTISODIYOTNING BARQAROR RIVOJLANISHI VA EKOLOGIK MENEJMENTNI RIVOJLANTIRISHNING METODOLOGIK MASALALARI

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada iqtisodiyotning barqaror rivojlanishi va ekologik menejmentni takomillashtirishning metodologik masalalari ko‘rib chiqiladi. Ushbu yo‘nalishdagi nazariy asoslar va amaliy yondashuvlar tahlil qilinadi.

**Kalit so‘zlar**: barqaror rivojlanish, ekologik menejment, iqtisodiy o‘sish, tabiiy resurslar, atrof-muhitni muhofaza qilish

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются методологические вопросы устойчивого развития экономики и совершенствования экологического менеджмента. Анализируются теоретические основы и практические подходы в этом направлении.

**Ключевые слова**: устойчивое развитие, экологический менеджмент, экономический рост, природные ресурсы, охрана окружающей среды

**Annotation:** This article discusses methodological issues of sustainable economic development and improving environmental management. It analyzes theoretical foundations and practical approaches in this field.

**Keywords**: sustainable development, environmental management, economic growth, natural resources, environmental protection

Barqaror rivojlanish zamonaviy iqtisodiyotning eng muhim yo‘nalishlaridan biri hisoblanadi. XXI asrning ekologik inqirozlari va iqlim o‘zgarishlari sharoitida, iqtisodiy o‘sishni atrof-muhitga zarar yetkazmagan holda ta’minlash ehtiyoji kun sayin ortmoqda. Shu bois, ekologik menejmentni rivojlantirish va uni iqtisodiy rivojlanish jarayonlariga qo‘shish juda dolzarb masala sanaladi.

Prezident Shavkat Mirziyoyev ham bu borada bir necha bor alohida ta’kidlaganidek, **"Barqaror rivojlanish bizning strategik yo‘nalishimiz bo‘lib, unda iqtisodiy o‘sishni ta’minlash bilan birga, atrof-muhitni himoya qilish va ekologik xavfsizlikni ta’minlash ustuvor vazifalardan biridir."** Bu so‘zlar iqtisodiy o‘sish va ekologik muhofazani bir vaqtning o‘zida amalga oshirish orqali kelajak avlodlarga munosib atrof-muhit qoldirish maqsadini o‘z ichiga oladi. Shu nuqtai nazardan, ekologik menejment tizimini yanada rivojlantirish zaruriyatga aylangan.

Barqaror rivojlanish tushunchasi asosan atrof-muhitni saqlash, ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanish muvozanatini saqlashga qaratilgan yondashuvlarni o‘z ichiga oladi. Bu konsepsiya asosan uch omilga – ekologik barqarorlik, iqtisodiy samaradorlik va ijtimoiy adolatga asoslanadi.

Ekologik menejment deganda korxona va tashkilotlarning atrof-muhitga ta’sirini boshqarish jarayoni tushuniladi. Ushbu menejment iqtisodiy faoliyatning ekologik xavfsizligini ta’minlashda muhim ahamiyatga ega bo‘lib, tabiiy resurslardan oqilona foydalanishni rag‘batlantiradi. Shuningdek, ekologik menejment atrof-muhitni muhofaza qilish va ijtimoiy mas’uliyatni oshirishga qaratilgan.

Ekologik menejmentni rivojlantirishda bir qator metodologik masalalar mavjud. Ular qatoriga quyidagilar kiradi:

**Monitoring tizimlarini joriy etish**: Shavkat Mirziyoyevning ta’kidlashicha, *tabiiy resurslardan oqilona foydalanishni ta’minlash, atrof-muhitni asrashda eng samarali yo‘llardan biri hisoblanadi. Unga ko‘ra, har bir korxona va tashkilot o‘zining ekologik mas’uliyatini his qilishi va muntazam monitoring tizimlari orqali tabiiy resurslar holatini kuzatib borishi zarur*.

**Innovatsion yondashuvlar**: Prezident o‘z nutqlarida, ayniqsa, ekologik innovatsiyalarning ahamiyatini ta’kidlab, shunday degan edi: **"Ekologik innovatsiyalarni keng tatbiq etish orqali biz nafaqat resurslardan tejamkor**

**foydalanishni ta’minlaymiz, balki kelajak avlodlarga toza va xavfsiz atrof-muhit qoldiramiz."** Shu sababli, korxonalar ekologik innovatsiyalar va yangi texnologiyalarni joriy qilish orqali ekologik menejmentga o‘z hissasini qo‘shishi lozim

**Xulosa va takliflar.**

Yuqorida aytib o‘tilganidek, iqtisodiyotning barqaror rivojlanishi va ekologik menejmentni takomillashtirish hozirgi kundagi dolzarb masalalardan biridir. Ushbu maqolada ko‘rib chiqilgan nazariy asoslar va amaliy tavsiyalar ekologik menejment tizimini yaxshilashga qaratilgan yondashuvlarni takomillashtirishda yordam berishi mumkin. Shu munosabat bilan quyidagi takliflar ilgari suriladi:

Ekologik menejment tizimini xalqaro standartlar asosida takomillashtirish;

Korxona va tashkilotlarda ekologik mas’uliyatni oshirishga qaratilgan o‘quv dasturlarini kengaytirish;

Ekologik innovatsiyalarni joriy qilish uchun maxsus grant va rag‘batlantirish dasturlarini yo‘lga qo‘yish kerak.

Bu maqola iqtisodiyotning barqaror rivojlanishi va ekologik menejmentni rivojlantirishda duch kelinadigan metodologik muammolarni o‘rganib chiqdi va yechim takliflari ilgari surildi. Mazkur yechimlar kelgusida ekologik menejment tizimlarini samarali boshqarishga va resurslardan samarali foydalanishga yordam berishi mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar.**

1. Mirziyoyev, Sh. M. (2022). *Yangi O‘zbekiston strategiyasi*. Toshkent: O‘zbekiston Milliy Ensiklopediyasi.Ushbu kitobda prezident Shavkat Mirziyoyevning barqaror rivojlanish va iqtisodiy o‘sish masalalari haqidagi qarashlari hamda "yashil" iqtisodiyot, ekologik menejment mavzularidagi fikrlari bayon etilgan.

2. Mamatqulov, B. (2021). *Ekologik menejment asoslari*. Toshkent: Fan va Texnologiya nashriyoti.Mazkur asarda ekologik menejmentning nazariy asoslari, usullari va O‘zbekiston sharoitida amaliy yechimlari keng yoritilgan.

3. United Nations (2020). *The Sustainable Development Goals Report 2020*. United Nations Publications.Ushbu hisobot barqaror rivojlanish maqsadlariga erishish yo‘llari, ekologik menejment va global iqlim o‘zgarishlariga oid dolzarb ma’lumotlarni o‘z ichiga oladi.

UO‘K 504.064

**Tursunov Abdumansur Abduazizovich -** dotsent, Favqulodda vaziyatlar vazirligi Fuqaro muhofazasi instituti, tel. (+99 8 97) 448-87-99
e-mail: abdumansur1980@mail.ru

## O‘ZBEKISTONDA IQLIM O‘ZGARISHI BILAN BOG‘LIQ FAVQULODDA VAZIYATLARNING OQIBATLARI

**Annotatsiya.** So‘nggi yillarda iqlim o‘zgarishi oqibatida respublika hududida tabiiy ofatlar sonining ya’ni, zilzilalar, sellar, er ko‘chkilari, kuchli shamollar, suv

toshqinlari, tabiiy yong‘inlar, qor ko‘chkilarining sezilarli darajada oshganligi, global iqlim o‘zgarishi bilan bog‘liq kuzatilayotgan vaziyat sababli respublikada iqlim o‘zgarishiga moslashuv choralarini ko‘rish, iqlim o‘zgarishi bilan bog‘liq favqulodda vaziyatlarni o‘rganish, tadqiq etish, tabiiy ofatlar bilan bog‘liq yo‘qotishlarni kamaytirish dolzarb vazifa ekanligi, suv manbalarining qisqarishi, tuproq namligining kamayishi hamda iqlim o‘zgarishi O‘zbekistonda ham qator salbiy oqibatlarga olib kelayotganligi kabi ma’lumotlar keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** iqlim o‘zgarishi**,** ko‘llar, yomg‘ir, qor erishi, xavf, issiqxona gazlari, atmosfera, global isish, ekologik muammo ва iflos gazlar.

**Аннотация.** В последние годы в результате изменения климата на территории республики значительно возросло количество стихийных бедствий, таких как землетрясения, наводнения, оползни, сильные ветры, наводнения, природные пожары, лавины, глобальный климат. изменить, что в связи с наблюдаемой ситуацией, связанной с изменением климата, актуальной задачей является принятие мер по адаптации к изменению климата в республике, изучению и исследованию чрезвычайных ситуаций, связанных с изменением климата, а также снижению потерь, связанных со стихийными бедствиями, Такая информация, как сокращение источников воды, уменьшение влажности почвы и изменение климата, вызывает ряд негативных последствий в Узбекистане.

**Ключевые слова:** изменение климата, озера, дождь, таяние снегов, риск, парниковые газы, атмосфера, глобальное потепление, экологические проблемы и парниковые газы.

**Annotation.** In recent years, as a result of climate change, the number of natural disasters such as earthquakes, floods, landslides, strong winds, floods, wildfires, avalanches, and global climate have increased significantly in the republic. Change that in connection with the observed situation related to climate change, an urgent task is to take measures to adapt to climate change in the republic, study and research emergency situations related to climate change, as well as reduce losses associated with natural disasters, Such information as a reduction in water sources, a decrease in soil moisture and climate change cause a number of negative consequences in Uzbekistan.

**Key words:** climate change, lakes, rain, snowmelt, risk, greenhouse gases, atmosphere, global warming, environmental problem and greenhouse gases.

**Kirish.** O‘zbekiston geografik nuqtai nazaridan tog‘ tizimlari, yirik cho‘l, yaylovlar va qir-adirlarni o‘z ichiga olgan mintaqa hisoblanadi. Iqlimi keskin kontinental, kecha-kunduzgi va fasllar haroratining katta amplitudasi, yuqori quyosh radiatsiyasi va nisbatan past namlik bilan tavsiflanadi. Mintaqada havo haroratining oshishi jahondagi o‘rtacha ko‘rsatkichdan ikki barobar ko‘p, so‘nggi yillarda favqulodda issiq kunlar soni 2 marta ortdi, muzliklar maydonining uchdan bir qismi erib ketdi. Buning oqibatida zilzila, suv toshqinlari, yer va qor ko‘chkilari, sellar kabi boshqa halokatli xavflar tahdid soladi. Respublikaning katta qismi sezilarli darajada iqlim o‘zgarishi ta’siri doirasida bo‘lib, iqlim o‘zgarishi va uning oqibatlari ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga, odamlarning turmush tarzi

va sog‘lig‘iga, iqtisodiy obyektlarning barqaror faoliyat olib borishiga o‘z salbiy ta’sirini ko‘rsatmoqda. So‘nggi yillarda iqlim o‘zgarishi oqibatida respublika hududida tabiiy ofatlar soni sezilarli darajada oshdi. Tabiiy ofatlarning o‘rtacha soni 2001-2022 yillarda - 241 ta holatni tashkil etgan. Ularning 46 % zilzilalar, 27 % sellar, 13,5 % yer ko‘chkilari, 8,7 % kuchli shamollar, 2,4 % suv toshqinlari, 1,6 % tabiiy yong‘inlar, 0,8 % qor ko‘chkilari va boshqalar hissasiga to‘g‘ri keladi.

Global iqlim o‘zgarishi bilan bog‘liq kuzatilayotgan vaziyat sababli respublikada iqlim o‘zgarishiga moslashuv choralarini ko‘rish, iqlim o‘zgarishi bilan bog‘liq favqulodda vaziyatlarni o‘rganish, tadqiq etish, tabiiy ofatlar bilan bog‘liq yo‘qotishlarni kamaytirish dolzarb vazifa bo‘lib hisoblanadi. Iqlim o‘zgarishi-keng tarqalayotgan, jadal va tezlashib borayotgan jarayondir. Dunyoning deyarli barcha qismida istiqomat qilayotgan insonlar iqlim o‘zgarishi natijasida yuzaga kelayotgan hodisalarni o‘z tanalarida his qilishmoqda. Jazirama kunlarda hammamiz global isish haqida ko‘p o‘ylaymiz, kelajak haqida qayg‘uramiz. Biroq ob-havoning so‘nggi davrlardagi bunday injiqliklarini umumiy qilib «iqlim o‘zgarishi» deb atash to‘g‘ri bo‘ladi. Chunki ob-havo nafaqat yozgi kunlarda, balki qishda ham o‘z injiqliklarini ko‘rsatmoqda. Iqlim o‘zgarishi - bu issiqxona gazlari chiqindilarining ko‘payishi natijasida paydo bo‘lgan global ekologik muammo. Mutaxassislar iqlim o‘zgarishining asosiy omili issiqxona effekti ekanligini ta’kidlashadi. Ya’ni quyoshdan kelgan nurni Yer ham o‘z navbatida atmosfera orqali koinotga qaytaradi. Ushbu nurlarning bir qismi koinotga chiqib ketish o‘rniga odamlardan chiqarilgan turli gazlarga yutiladi. Uning koinotga qaytib chiqib ketmasligi oqibatida Yer yuzi meyoridan ortiq qiziydi va iqlimga ta’sir ko‘rsatadigan issiqxona qatlami hosil bo‘ladi. Natijada sutka mobaynida eng yuqori va eng past harorat orasida kam farq bo‘ladi. Ya’ni odamlar va tabiat tunda ham kunduzgi kabi issiq va dim havo ta’sirida qoladi. Bunday sutkalik issiqlik esa keskin isish hodisasini keltirib chiqaradi. Issiqxona effektini hosil qiluvchi asosiy gaz bu - karbonat angidrid. U atmosferaga ham tabiiy, ham sun’iy yo‘l bilan qo‘shiladi. Metan, azot oksidi kabi boshqa iflos gazlar havoga inson omili tufayli chiqarilib, bular bir butun issiqxona effekti darajasini belgilaydi. Issiqxona effektini hosil qiluvchi gaz konsentratsiyalarining ortishi, sayyorada tabiiy issiqlik balansini buzadi va antropogen issiqxona effektini keltirib chiqaradi. Global isish bilan bir qatorda, iqlim o‘zgarishi muammosi qatoriga yog‘ingarchiliklarning bir maromda emasligi, gohida quruqchilik bo‘lishi, gohida esa birdan yog‘ingarchiliklar ko‘payib hududlarni suv bosishi ham kiradi. Yer sayyorasining harorati 1 °Cga oshgan. Bu raqam sezilarli emasdek ko‘rinishi mumkin, ammo unga sayyora yuzasidagi o‘rtacha ko‘rsatkich sifatida qaraydigan bo‘lsak, o‘zgarish katta ekanligini, oqibatda muzliklar eriyotganini va dengizlar sathining keskin ko‘tarilayotganini ko‘rishimiz mumkin. Agar issiqxona gazlarining tarqalishi to‘xtamasa, olimlar Yer sayyorasi o‘rtacha haroratining 4 °C ga oshishini prognoz qilishmoqda. Bu esa quruqlikning katta qismini inson hayoti uchun yaroqsiz holga keltirib qo‘yadi [5].

O‘zbekistonda iqlim o‘zgarishi bilan bog‘liq muammolar qor erishi, suv ko‘payishi natijasida yuzaga kelgan suv toshqinlari va sel oqimlari bilan bog‘liq. Respublikamiz suv resurslarining qariyb 90%i qo‘shni Qirg‘iziston va Tojikistonda joylashgan sharqiy tog‘ suv havzalaridan keladi. O‘rta Osiyoning baland tog‘larida

315 dan ortiq tabiiy ko‘llar joylashgan bo‘lib, ulardan 43 tasi O‘zbekiston Respublikasida, 12 tasi Tojikiston Respublikasida, Qirg‘izistonda esa 260 tani tashkil etadi. Ko‘llar yomg‘ir, qor erishi bilan to‘yinadi. Buning natijasida O‘zbekiston hududining 46 % selga xavfli hisoblanadi. Respublikada har yili bahor-yoz mavsumida sel, suv toshqinlari tez-tez sodir bo‘ladi va katta moddiy zarar olib keladi. Ular ekinlarni yuvib ketishi, sug‘orish kanallari, ko‘priklarni buzishi, tuproq va temir yo‘llarni yuvib tashlashi va h.k. natijasida aholi punktlari va xo‘jalik obyektlariga katta zarar yetkazadi [1].

Respublikada yana bir eng katta xavf, odatda, kuchli yog‘ingarchilik (yomg‘ir, kuchli qor) hisoblanadi. Xavfli yomg‘irning intensivligi 1,0 dan 3,5 mm / min gacha bo‘lib o‘tadi. Odatda, bu qisqa muddat davom etsada, lekin katta zarar keltiradi. Mart-may oylarida respublikaning tog‘ oldi hududlari Toshkent, Jizzax, Navoiy, Samarqand, Qashqadaryo, Surxondaryo viloyatlari va Farg‘ona vodiysida sel faolligi kutiladi. Mamlakat bo‘ylab yog‘ingarchilik notekis taqsimlanishi natijasida, mahalliy xususiyatga ega sel oqimlari sodir bo‘ladi. Namangan, Farg‘ona, Toshkent, Jizzax, Samarqand, Qashqadaryo va Surxondaryo viloyatlarining tog‘ yonbag‘irlarida sel faolligi may-iyul va oktabr-noyabr oylarida ham davom etadi. Haroratning oshishi natijasida Farg‘ona vodiysining janubida glotsial sel oqimlari kuzatiladi. Shuningdek, Toshkent viloyatida va Qirg‘iziston hududidagi baland tog‘lardagi tabiiy ko‘llar to‘g‘onlari yorilishi natijasida Farg‘ona vodiysining shimoli va janubi bo‘ylab, Namangan va Farg‘ona viloyatlari hududiga sel oqimi kelish xavfi mavjud [4].

**Natijalar.** Yaqin kelajakda haroratning ko‘tarilishi tufayli muzliklarning erish tezligining oshishi kutilmoqda. Daryolar oqimining oshishi, suv toshqinlari, ko‘chkilar va tuproq eroziyasiga olib keladi. Biroq uzoq muddatli prognozlarga ko‘ra, muzliklar hajmining kamayishi Amudaryo, Sirdaryo va Zarafshon irmoqlari oqimining qisqarishi 25-30 %ga oshishi, bu ko‘rsatkich issiqlik ortishi bilan ayniqsa jiddiy bo‘lib, daryolar oqimining qisqarishi 70% ga yetishi mumkin. Bu esa harorat ko‘tarilishi natijasida suvning bug‘lanish koeffitsiyenti oshishi, hududlarda suv resurslari kamayishiga, tanqisligiga ta’sir etadi. Umuman olganda, hozirgi paytda nafaqat O‘zbekiston balki, Markaziy Osiyodagi suv resurslarining 90 % sug‘orma dehqonchilik uchun ishlatilmoqda. Suv qishloq xo‘jaligining asosi hisoblanadi va bu tarmoq Markaziy Osiyodagi beshta mamlakat iqtisodiyotida ham muhim rol o‘ynaydi, chunki, qishloq xo‘jaligi sohasi bu mamlakatlar YAIMning 10 %dan 45 %gacha bo‘lgan qismini tashkil etadi. Shuningdek, qishloq joylardagi aholining 30 %dan ko‘p qismi shu tarmoq orqali ish bilan o‘zini band etgan.

Suv manbalari qisqarishi elektr energiya taqchilligi oshishiga jiddiy ta’sir o‘tkazadi. Jumladan, ekologik tanglik oqibatida o‘tgan yilllar davomida umuman yog‘ingarchilik bo‘lmagan kunlar soni ko‘paydi. Bu o‘z navbatida suv manbalari qisqarishiga sabab bo‘lmoqda. Chunki, Qirg‘izistonda 85 %, Tojikistonda 91 %, O‘zbekistonda 15 %, Qozog‘istonda esa 10 % yaqin elektr energiyasi gidroelektr stansiyalarda ishlab chiqariladi. Tuproqning namligi kamayishi hisobiga takroriy qurg‘oqchilik xavfi ortmoqda va hosildorlik ko‘rsatkichlari tushib ketmoqda. Asr oxiriga borib, Markaziy Osiyo mintaqasida harorat Selsiy bo‘yicha 6 darajagacha ko‘tariladi. Havoning bu kabi isishi natijasida, 2050 yilga borib, Markaziy Osiyo

tog‘laridagi muzliklarning uchdan biri erib bitishi mumkin, bu esa ushbu hudud aholisini xavf ostida qoldirib, taraqqiyotga jiddiy tahdid bo‘lishi mumkin. 2000-2001 yillardan beri mintaqadagi qurg‘oqchilik Markaziy Osiyo mamlakatlarida qishloq xo‘jalik mahsulotlarining nest-nobud bo‘lishi natijasida ko‘rilgan zarar 800 million dollardan ortiqni tashkil etgan [5].

Orol dengiziga quyiladigan suv hajmining kamayishi daryo deltasining cho‘lga aylanishi va qurigan dengiz tubida yangi cho‘l maydonlari paydo bo‘lishini tezlashtirmoida. Birlashgan Millatlar Tashkilotining Atrof-muhit dasturi tadqiqotlari shuni ko‘rsatadiki, yerdan foydalanish va iqlim o‘zgarishi natijasida global chang chiqindilari 25-50%ga oshgan. O‘rta Osiyoda Orol dengizining qurigan tubida hosil bo‘lgan yangi Orolqum cho‘li changning asosiy manbaiga aylandi. Shuningdek, Orolbo‘yi hududida ichimlik suv tanqisligi, xavfli kasalliklar tarqalishi, yashash sharoitlari og‘irlashishi natijasida aholi migratsiyasi ko‘paydi, yovvoyi o‘simliklar va hayvonot dunyosi qirilib ketish xavfi ostida qoldi. Atmosfera havosida katta maydonlarda changlanish ortmoqda. O‘tgan yilda mintaqaning aksariyat mamlakatlarida, xususan, Toshkent shahrida mavsumga xos bo‘lmagan chang-qumli bo‘ron hodisasi yuz berdi va bir necha kun atmosferada chang zarrachalari saqlanib qoldi. Bu kabi mintaqa uchun g‘ayritabiiy hisoblangan hodisalar soni esa yildan-yilga ortishi prognoz qilinmoqda [2].

Isish va sovish kabi anomal hodisalarning o‘zgarishi qishloq xo‘jaligi mahsulotlari va mevalarning nobud bo‘lishiga olib kelmoqda. Umumiy qilib aytganda, xavflarning ta’sir etish ko‘lami jihatidan prognoz ma’lumotlariga tayanadigan bo‘lsak, iqlim o‘zgarishi natijasida mamlakatimizning yuqori sharqiy hududlariga sel oqimlari, ko‘chkilar va suv toshqinlari xavfi tahdid qilsa, g‘arbiy viloyatlarimiz esa qurg‘oqchilikdan aziyat chekadi.

**Xulosa.** Iqlim o‘zgarishi O‘zbekistonda ham qator salbiy oqibatlarga olib kelyapti, xususan:

harorat ko‘tarilishi natijasida suvning bug‘lanish koeffitsiyenti oshishi hududlarda suv resurslari kamayishiga, tanqisligiga ta’sir etmoqda;

ekologik tanglik oqibatida yil davomida umuman yog‘ingarchilik bo‘lmagan kunlar soni ko‘paymoqda;

tuproqning namligi kamayishi hisobiga takroriy qurg‘oqchilik xavfi ortmoqda va hosildorlik ko‘rsatkichlari tushib ketmoqda;

atmosfera havosida katta maydonlarda changlanish ortmoqda;

isish va sovish kabi anomal hodisalarning o‘zgarishi qishloq xo‘jaligi mahsulotlari va mevalarning nobud bo‘lishiga olib kelmoqda.

Bu kabi tabiiy ofatlar xavfini kamaytirish va iqlim o‘zgarishiga chidamlilikni oshirish borasidagi asosiy muammolar quyidagilardan iborat:

yillar davomida ro‘y bergan tabiiy ofatlarni baholash natijalari va prognoz ma’lumotlari asosida tabiiy ofatlar xavfini erta aniqlash, tabiiy ofatlar xavfi yoki sodir bo‘lganligi to‘g‘risida xabar berish va ma’lumot yetkazish tizimlarining takomillashmaganligi, tabiiy ofatlar xavfi to‘g‘risida ma’lumot almashish bo‘yicha milliy va mahalliy darajadagi ma’lumotlar bazasining yaratilmaganligi;

tabiiy ofatlar xavfini baholashda zamonaviy uslublar ishlab chiqilmaganligi va tahdidlarni tor doirada baholash amaliyoti saqlanib qolayotganligi;

aholi punktlarini qurish va hududlarni rivojlantirishda tabiiy ofatlar xavfining yetarli darajada inobatga olinmasligi;

aholi orasida xavfsizlik madaniyatini targ‘ib qilish va aholini tabiiy ofatlar bilan bog‘liq favqulodda vaziyatlarda to‘g‘ri harakat qilishga tayyorlash ishlarining yetarli darajada olib borilmasligi;

tabiiy ofatlar xavfini kamaytirish va iqlim o‘zgarishiga chidamlilikni oshirishga qaratilgan tadbirlarni amalga oshirishda, tabiiy ofatlar xavfi ta’siriga uchrash ehtimoli yuqori bo‘lgan va boshqa zaif ijtimoiy guruhlarning to‘liq inobatga olinmasligi;

tabiiy ofatlar xavfidan sug‘urtalash va ushbu yo‘nalishdagi ichki investitsiyalarni rag‘batlantirish choralari va amaliy mexanizmlarining sust rivojlanganligidadir.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2007-yil 19-fevraldagi “Sel toshqinlari, sel oqimlari, qor ko‘chkilari va ko‘chkilar bilan bog‘liq favqulodda vaziyatlarning oldini olish va ularning oqibatlarini bartaraf etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-585-son Farmoni.

2. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1998-yil 27-oktabrdagi “Texnogen, tabiiy va ekologik xarakterdagi favqulodda vaziyatlarni tasniflash to‘g‘risida”gi 455-son qarori.

3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2023-yil 11-avgustdagi “Iqlim o‘zgarishi va tabiiy ofatlar xavfiga nisbatan milliy harakatlar rejasini ishlab chiqish hamda samarali amalga oshirishni tashkil etish to‘g‘risida”gi 362-sonli qarori.

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning BMTning 2023-yilda Dubay shahrida bo‘lib o‘tgan Iqlim o‘zgarishi bo‘yicha konferensiyadagi nutqi.

5. “Birlashgan Millatlar Tashkilotining Iqlim o‘zgarishi bo‘yicha doiraviy konvensiyasi bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasining uchinchi Milliy bayonoti” Toshkent, 2016-yil,
356-bet.

**Usmanova Nigina Marupovna -** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti PhD., dots v.b.

**Usmonov Behruz Sharofiddin o‘g‘li -** Samarqand iqtisodiyot va servis institutining magistranti

## INSON RESURSLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISH OMILLARI

**Annotatsiya:** Mazkur ilmiy ishda inson resurslari samaradorligini oshirish omillari o‘rganiladi. Innovatsion boshqaruv usullari, raqamli texnologiyalarning qo‘llanilishi, soft skills rivoji va xodimlarning motivatsiyasini oshirish usullari tahlil qilinadi. Shuningdek, O‘zbekistondagi inson resurslari boshqaruvida mavjud amaliyotlar va ularning samaradorligi ko‘rib chiqiladi. Tadqiqot natijalari asosida

inson resurslari samaradorligini oshirish uchun ilmiy-amaliy tavsiyalar beriladi.

**Kalit so‘zlar:** inson resurslari, samaradorlik, innovatsion yondashuvlar, soft skills, motivatsiya, raqamli texnologiyalar, boshqaruv.

**Аннотатsiя:** В данной научной работе рассматриваются факторы повышения эффективности человеческих ресурсов. Анализируются инноватsионные методы управления, использование цифровых технологий, развитие soft skills и методы повышения мотиватsии сотрудников. Также изучаются существующие практики управления человеческими ресурсами в Узбекистане и оценивается их эффективность. На основе результатов исследования даются научно-практические рекомендатsии по повышению эффективности человеческих ресурсов.

**Ключевые слова:** человеческие ресурсы, эффективность, инноватsионные подходы, soft skills, мотиватsия, цифровые технологии, управление.

**Abstract:** This research explores the factors that enhance the efficiency of human resources. It analyzes innovative management approaches, the application of digital technologies, the development of soft skills, and methods to improve employee motivation. The study also examines the current practices of human resource management in Uzbekistan and evaluates their effectiveness. Based on the findings, practical recommendations for improving human resource efficiency are provided.

**Keywords:** human resources, efficiency, innovative approaches, soft skills, motivation, digital technologies, management.

**Kirish. Mavzuning dolzabrligi.** Inson resurslari samaradorligini oshirish zamonaviy iqtisodiyotning eng muhim masalalaridan biri hisoblanadi. Bugungi global bozor sharoitida tashkilotlar muvaffaqiyatga erishish uchun o‘z inson kapitalini to‘g‘ri boshqarishga va xodimlarning samaradorligini maksimal darajada oshirishga katta e’tibor qaratmoqda. Chunki, tashkilotning raqobatbardoshligi va umumiy natijadorligi ko‘p jihatdan uning inson resurslaridan qanday foydalanishiga bog‘liq. Inson resurslari samaradorligini oshirish masalasi nafaqat xususiy korxonalarda, balki davlat boshqaruvi, ta’lim, sog‘liqni saqlash va boshqa ijtimoiy sohalarda ham dolzarb hisoblanadi. Zamonaviy texnologiyalar jadal rivojlanib borayotgan bir davrda, raqamli transformatsiya, avtomatlashtirish va innovatsion yondashuvlar inson resurslarini boshqarish jarayonlariga kuchli ta’sir ko‘rsatmoqda. Bu esa, xodimlarning o‘z malakasini doimiy ravishda oshirib borishini, moslashuvchan bo‘lishini va yangi ko‘nikmalarni o‘zlashtirishini talab qiladi. Mazkur tadqiqotda inson resurslari samaradorligini oshirishda asosiy omillar tahlil qilinadi. Jumladan, innovatsion boshqaruv usullari, raqamli texnologiyalarni qo‘llash, soft skills (yumshoq ko‘nikmalar) rivoji va xodimlarning motivatsiyasini oshirish kabi muhim jihatlar ko‘rib chiqiladi. Shuningdek, O‘zbekistonda inson resurslari boshqaruvida qo‘llanilayotgan amaliyotlar va ularning samaradorligi tahlil qilinib, mavjud muammolar va imkoniyatlar aniqlanadi.

O‘zbekiston sharoitida ham inson resurslarini boshqarish muhim masalalardan biridir. Davlat tomonidan qabul qilinayotgan iqtisodiy islohotlar, raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish va xalqaro bozorda raqobatbardosh kadrlarni

tayyorlash bo‘yicha strategiyalar inson kapitalini rivojlantirishga qaratilgan. Shu bilan birga, O‘zbekistonda kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish, ta’lim tizimini modernizatsiya qilish va zamonaviy texnologiyalarni joriy etish orqali inson resurslari samaradorligini oshirish bo‘yicha ko‘plab muhim vazifalar mavjud. Shu sababli, inson resurslari samaradorligini oshirish bo‘yicha innovatsion yondashuvlar va usullarni o‘rganish nafaqat nazariy, balki amaliy jihatdan ham dolzarbdir. Bu tadqiqot O‘zbekistondagi mavjud kadrlar siyosatini tahlil qilish, global tajriba va zamonaviy boshqaruv usullaridan foydalanib, inson resurslarini rivojlantirish yo‘llarini aniqlashga yordam beradi.

**Tahlil va natija.** Zamonaviy mehnat bozorida sodir bo‘layotgan tendensiyalar bugungi kunda har bir korxona va tashkilotning mavjud inson resurslarini rivojlantirish va ularning samaradorligini oshirishga bo‘lgan talabni ko‘rsatmoqda. Shu nuqtai nazardan, inson resurslarini rivojlantirishga ta’sir qiluvchi omillarni o‘rganishga bo‘lgan talab ham oshmoqda.

Umuman olganda, inson resurslarini rivojlantirish va undan samarali foydalanishga ta’sir qiluvchi omillar bir qancha bo‘lib, ularning har biri xodimning ish samaradorligi va tashkilotning muvaffaqiyatiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Quyida ushbu omillarning ahamiyatini batafsil keltiramiz:

**Moddiy holat:** Xodimlarning maoshlari va moddiy rag‘batlantirish tizimi ularning ishga bo‘lgan munosabati va mehnat samaradorligiga katta ta’sir ko‘rsatadi. Xodimning moddiy ta’minoti yetarli bo‘lganida, u o‘zini tashkilotning ajralmas qismi sifatida his qiladi va faoliyatiga mas’uliyat bilan yondashadi. Rag‘batlantirish tizimi esa xodimlarning mehnatini qadrlash va ularni ko‘proq intilishiga sabab bo‘luvchi asosiy omillardandir.

**Sog‘liq va xavfsizlik:** Ish joyida xodimlarning sog‘lig‘i va xavfsizligi ta’minlangan bo‘lishi, ularning ish faoliyatida barqarorlikni saqlash va stress darajasini kamaytirish uchun zarurdir. Sog‘lom ishchi kuchi yuqori samaradorlik va barqarorlikni ta’minlaydi. Shu sababli, sog‘liqni saqlash dasturlari va xavfsiz ish sharoitlari tashkilotning muvaffaqiyati uchun muhim rol o‘ynaydi.

**Ijtimoiy muhit va uning o‘rni:** Ish joyidagi ijtimoiy muhit va xodimlar o‘rtasidagi munosabatlar mehnat samaradorligiga kuchli ta’sir qiladi. Ijobiy ijtimoiy muhit va jamoaviy hamkorlik xodimlar o‘rtasida motivatsiyani oshiradi va ularning jamoa ichida o‘zini qulay his qilishiga sabab bo‘ladi. Jamoaviy madaniyatning rivoji xodimlarning mehnatga bo‘lgan ishtiyoqini oshirishda muhim ahamiyatga ega.

**Ta’lim va rivojlanish:** Xodimlarning bilim va ko‘nikmalarini doimiy ravishda yangilab borishlari ularning kasbiy salohiyatini oshirishda muhim hisoblanadi. Tashkilot ichidagi malaka oshirish kurslari, treninglar va ta’lim dasturlari xodimlarning rivojlanishiga ko‘maklashadi. Bu esa ularning ish faoliyatini yanada samarali va innovatsion yondashuvlarga tayyor bo‘lishini ta’minlaydi.

**Kelajak kafolatlari:** Xodimlar kelajagining kafolatlanganligi, ya’ni mehnat shartnomalarining barqarorligi, pensiya va sug‘urta tizimlari, ish joyidagi barqarorlik kabi omillar ular uchun muhim rag‘bat vositalari hisoblanadi. Uzoq muddatli barqarorlikka ega bo‘lgan xodimlar o‘z tashkilotiga sodiq bo‘lib, faoliyatida yuqori samaradorlikni ko‘rsatishga intilishadi.

Yuqorida keltirilgan omillar to‘g‘ridan-to‘g‘ri xodim va ish beruvchi

o‘rtasidagi munosabatlar sifatida ko‘rilishi mumkin, biroq bugungi kunda rivojlangan korxona va tashkilotlar bu bilan cheklanib qolmasdan, o‘z xodimlari va ularning oilalariga ham g‘amxo‘rlik qilish orqali xodimlarning qo‘nimsizligini oldini olishga intilmoqda. Ushbu yondashuvlar inson resurslarini rivojlantirishning yangi ko‘rinishi sifatida paydo bo‘lib, xodimlarning nafaqat o‘zlari, balki ularning oila a’zolari uchun ham qo‘shimcha ijtimoiy va moddiy qo‘llab-quvvatlashni ko‘zlaydi.

Quyida bu kabi tashabbuslarning bazilarini ko‘rib chiqamiz:

**Xodimlarning farzandlariga grant va stipendiyalar taqdim etish:** Ko‘plab tashkilotlar o‘z xodimlarining farzandlari uchun turli xil grant va stipendiya dasturlarini taqdim etmoqda. Bu nafaqat xodimlarning kelajakka bo‘lgan ishonchini oshiradi, balki ularning oilaviy yukini yengillatadi. Ushbu dasturlar orqali farzandlarning ta’lim olish imkoniyatlari kengayadi va bu xodimlarning ishga sodiqligi oshiriladi.

**Bayramlarda oilaviy rag‘batlantirish:** Ba’zi korxona va tashkilotlar bayramlarda xodimlarning turmush o‘rtoqlari uchun ham sovg‘alar taqdim etadi. Bu oilaviy qadrlarni e’zozlash va oilaviy munosabatlarni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan chora-tadbirlardir. Xodimlar oilalariga bo‘lgan bunday e'tibor ularning ish joyidagi motivatsiyasini kuchaytiradi va korxonaga nisbatan minnatdorlik hissini shakllantiradi.

**Ota-onalarga sanatoriya va dam olish imkoniyatlarini taqdim etish:** Ko‘pgina tashkilotlar o‘z xodimlarining ota-onalariga sanatoriya yoki dam olish markazlarida davolanish va dam olish imkoniyatlarini yaratmoqda. Bu orqali ish beruvchilar xodimlarning oila a’zolari salomatligiga g‘amxo‘rlik qilib, xodimlar uchun qo‘shimcha ijtimoiy qulayliklar yaratadi. Bu kabi imtiyozlar xodimlarning hayot sifatini yaxshilashga hissa qo‘shadi va ularning kasbiy faoliyatidagi barqarorlikni oshiradi.

Ushbu ijtimoiy dasturlar ish beruvchi va xodim o‘rtasidagi munosabatlarni mustahkamlashga yordam beradi, xodimlarning sodiqligini oshirib, ularni o‘z korxonasi bilan bog‘lab qo‘yadi. Natijada, xodimlarning qo‘nimsizligi kamayadi, ularning umumiy samaradorligi va ish faoliyatiga bo‘lgan ishtiyoqi ortadi. Bu yondashuvlar, shuningdek, xodimlar o‘rtasida o‘zaro hurmat va tashkilotga nisbatan yuqori e'tiborni shakllantiradi, bu esa korxona va tashkilotlarning uzoq muddatli barqarorligini ta’minlashga yordam beradi.

**Xulosa va takliflar.** Yuqoridagilardan kelib chiqqan holda, inson resurslarini rivojlantirish va samaradorligini oshirish yuzasidan xulosa va takliflar ishlab chiqildi.

**Birinchidan,** ushbu tadqiqot davomida ko‘rib chiqilgan omillar – xodimlarning moddiy holati, sog‘ligi va xavfsizligi, ijtimoiy muhit, ta’lim va rivojlanish imkoniyatlari, shuningdek, kelajagining kafolatlanganligi – tashkilotlar uchun xodimlarning samaradorligini oshirishda hal qiluvchi ahamiyatga ega ekanligini ko‘rsatdi. Ushbu omillarni hisobga olgan holda tashkilot va korxonalar o‘z boshqaruv tizimlarini modernizatsiya qilishlari maqsadga muvofiqdir.

**Ikkinchidan,** xodimlar qo‘nimsizligini oldini olish maqsadida tashkilotlar tomonidan qabul qilinayotgan oilaviy qo‘llab-quvvatlash choralarining ahamiyati

katta ekanligi aniqlandi. Xodimlarning farzandlari uchun stipendiyalar va grantlar taqdim etish, bayramlarda oilaviy rag‘batlantirish, ota-onalar uchun sanatoriya va dam olish imkoniyatlari kabi tashabbuslar xodimlarning ishonchini, ularning tashkilotga bo‘lgan sodiqligini oshiradi hamda qo‘shimcha motivatsiya manbai sifatida xizmat qiladi. Bu nafaqat inson resurslari samaradorligini oshiradi, balki uzoq muddatli barqaror rivojlanishni ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi deb hisoblaymiz.

**Uchunchidan,** zamonaviy ish beruvchilar inson kapitalining rivoji va samaradorligini oshirish uchun innovatsion yondashuvlar hamda keng ko‘lamli ijtimoiy qo‘llab-quvvatlash dasturlarini ishlab chiqishlari zarur. Raqobatbardosh va muvaffaqiyatli tashkilotlar xodimlarning nafaqat kasbiy faoliyati, balki ularning hayot sifati, oilaviy va shaxsiy farovonligi bilan ham bog‘liq bo‘lgan omillarni inobatga olib, boshqaruv strategiyalarini shakllantirishi lozim.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Armstrong, M. (2014). Armstrong‘s Handbook of Human Resource Management Practice. Kogan Page.
2. Becker, B. E., & Huselid, M. A. (1998). High Performance Work Systems and Firm Performance: A Synthesis of Research and Managerial Implications. Research in Personnel and Human Resources Management, 16, 53-101.
3. Boxall, P. F., & Purcell, J. (2016). Strategy and Human Resource Management. Palgrave Macmillan.
4. Dessler, G. (2017). Human Resource Management. Pearson.
5. Kahn, W. A. (1990). Psychological Conditions of Personal Engagement and Disengagement at Work. Academy of Management Journal, 33(4), 692-724.

**Xayrullayeva Nilufarbegim Nematillo qizi** - BuxDU, Iqtisodiyot va turizm fakulteti o‘qituvchisi, xayrullayevan@gmail.com

## O‘ZBEKISTONDA EKOLOGIK TURIZMNING PANDEMIYADAN KEYINGI HOLATI:ISTIQBOLLI REJALAR VA INVESTITSION DASTURLAR

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada O‘zbekistonda ekologik turizm rivojlanishi va uning tabiiy resurslarni saqlash va iqtisodiy o‘sishga qo‘shayotgan hissasi muhokama qilingan. 2017-yilda davlat tomonidan olib borilgan ishlar, hamda Covid-19 davridan keyingi istiqbolli rejalar va investitsion dasturlar tahlil qilingan

**Kalit so‘zlar:** Ekologik turizm, Barqaror turizm, O‘zbekiston, Investitsiyalar, COVID-19, Infratuzilma, Iqtisodiy rivojlanish, Tabiatni muhofaza qilish.

**Annotation.** This article discusses the development of ecotourism in Uzbekistan and its contribution to preserving natural resources and economic growth. It analyses the measures taken by the government in 2017 and the prospective plans and investment programs following the Covid-19 period.

**Keywords:** Ecotourism, Sustainable Tourism, Uzbekistan, Investments, COVID-19, Infrastructure, Economic Development, Nature Conservation.

**Аннотация.** В данной статье обсуждается развитие экологического туризма в Узбекистане и его вклад в сохранение природных ресурсов и экономический рост. Проанализированы меры, предпринятые государством в 2017 году, а также перспективные планы и инвестиционные программы после пандемии Covid-19.

**Ключевые слова:** Экологический туризм, Устойчивый туризм, Узбекистан, Инвестиции, COVID-19, Инфраструктура, Экономическое развитие, Охрана природы.

Turizm dunyo iqtisodiyotining eng tez rivojlanayotgan sohalaridan biri bo‘lib, u ko‘plab mamlakatlar iqtisodiyotida muhim o‘rin tutadi. O‘zbekistonda ham turizmni rivojlantirishga alohida e’tibor berilgan. Xususan, ekologik turizm orqali mamlakat tabiiy resurslarini saqlash va samarali foydalanishga e’tibor qaratish muhim ahamiyat kasb etadi. Bu turizm turi nafaqat ekologik muammolarni hal qilishga ko‘maklashadi, balki mamlakatning iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishiga ham katta hissa qo‘shadi.

Ekologik turizmni rivojlantirish O‘zbekistonda davlat siyosati darajasida amalga oshirilmoqda. 2017 - yilda qabul qilingan qonunlar va qarorlar turizm va tabiat muhofazasi o‘rtasidagi integratsiyani ta’minlashda muhim o‘rin tutadi[3]. Hozirgi holat tahlili shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekistonda ekologik turizm rivojlanishi mamlakat yalpi ichki mahsulotiga katta hissa qo‘shishi mumkin. Shuningdek, bu iqtisodiy o‘sish bilan bir qatorda tabiiy resurslarni muhofaza qilishga ham yordam beradi.

Jahon Turizm Tashkiloti (UNWTO) ma’lumotlariga ko‘ra, turizm dunyo iqtisodiyotining 10% ni tashkil etadi. 2020-yilga qadar ekologik turizm asosiy beshta yo‘nalishdan biri sifatida tan olingan va uning ulushi har yili o‘sib bormoqda. 2021-yilda turizmdan tushgan daromadlar 7.6 trillion dollarni tashkil etdi, shundan 30% ekologik turizm hissasiga to‘g‘ri keladi. Bu turizm turining yoshlar, oilalar va xorijiy sayyohlar orasida tobora ommalashib borayotgani bilan bog‘liq.

O‘zbekistonda turizm rivojlanishiga oid ma’lumotlar, 2019-yildan boshlab o‘rganilganda, bu davrda mamlakatga tashrif buyurgan xorijiy sayyohlar soni sezilarli darajada oshgan. 2016-yilda O‘zbekistonga kelgan sayyohlar soni 2.8 millionni tashkil etgan bo‘lsa, 2019-yilda bu raqam 6.7 millionga yetdi.

Ushbu o‘sish sur’atlari bilan bir qatorda, ekologik turizmning ulushi ham o‘sib bormoqda. 2019-yilda ekologik turizmdan tushgan daromadlar 150 million dollarni tashkil etgan bo‘lib, umumiy turizm daromadlarining 10% ga tengdir. 2020-yilda COVID-19 pandemiyasi sababli tushgan daromadlar va kelgan sayyohlar soni kamaygan bo‘lsa-da, 2021-yilga kelib tiklanish kuzatilgan.

Ekologik turizmning iqtisodiy ko‘rsatkichlariga qaralganda, bu turizm turi mahalliy jamoalar uchun yangi ish o‘rinlari yaratishga va tabiat muhofazasi ishlarini qo‘llab-quvvatlashga katta hissa qo‘shadi. Jahon turizm tashkiloti ma’lumotlariga ko‘ra, ekologik turizm jahon bo‘yicha 50 milliondan ortiq ish o‘rni yaratgan.

O‘zbekistonda esa, ekologik turizm sohasida 2020-yilda 20,000 ga yaqin yangi ish o‘rni yaratildi. Bu soha mamlakatning tabiiy boyliklaridan samarali foydalanish va ularni muhofaza qilishga yordam beradigan yo‘nalishlardan biriga aylanmoqda.

O‘zbekistonning turli hududlarida ekologik turizm rivojlanishiga oid turli ko‘rsatkichlar mavjud. Samarqand va Buxoro kabi tarixiy shaharlarda sayyohlar soni ko‘proq bo‘lsa, tog‘li hududlar va milliy bog‘larda ekologik turizmga qiziqish yuqori. Masalan, Chimyon tog‘laridagi dam olish maskanlariga kelgan sayyohlar soni 2019-yilda 200,000 nafarni tashkil qilgan bo‘lsa, Zomin milliy bog‘iga tashrif buyurganlar soni 150,000 nafarga yetgan.

Bunday ko‘rsatgichlardan shuni aytish mumkinki, ekologik turizmni rivojlantirish maqsadida xalqaro hamkorlik va investitsiyalarni jalb qilish muhim ahamiyatga ega. 2017-2021-yillarda O‘zbekistonga 100 million dollardan ortiq xorijiy investitsiyalar kiritilgan. Bu mablag‘lar asosan milliy bog‘lar va tabiiy hududlarda dam olish maskanlari qurishga sarflangan.

O‘zbekistonda ekologik turizmga kiritilayotgan investitsiyalar so‘nggi 10 yil ichida tobora ko‘payib bordi, ammo bu jarayon 2017-yildan boshlab yangi bosqichga chiqdi. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2017-2021-yillarda rivojlanish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi qabul qilinganidan so‘ng, turizm va ayniqsa, ekologik turizm sohasini rivojlantirish uchun turli davlat dasturlari va xalqaro hamkorlik yo‘nalishlari kuchaytirildi.

2017-yilda ekologik turizmni rivojlantirish uchun maxsus qonunlar qabul qilinib, investitsiyalarni jalb qilish bo‘yicha aniq chora-tadbirlar belgilandi. 2017-2021-yillar davomida, ayniqsa, xalqaro donor tashkilotlar va xususiy investorlardan 100 million dollardan ortiq investitsiyalar kiritildi.

Ekologik turizmni rivojlantirishga yo‘naltirilgan bu mablag‘lar asosan milliy bog‘lar, tabiiy hududlardagi infratuzilmalarni yaxshilash, yangi dam olish maskanlari va yo‘lboshchi xizmatlarini yaratish kabi sohalarga sarflandi. Xususan, xorijiy sarmoyadorlar va xalqaro turizm tashkilotlari bilan hamkorlik qilib, Zomin, Chimyon va Boysun kabi hududlarda ekologik turizm markazlari tashkil qilindi.

Ekologik turizm sohasiga kiritilgan investitsiyalar dinamikasi O‘zbekistonda so‘nggi yillarda sezilarli o‘sishni namoyon etdi. Quyida ekologik turizmga yo‘naltirilgan investitsiyalarning dinamikasi turli yillarda qanday bo‘lgani haqidagi ma’lumotlarni keltirib o‘tamiz:

- *Ekologik turizm rivoji uchun investitsiyalar kiritilishi aynan 2017-yildan boshlab yangi bosqichga chiqdi. Harakatlar strategiyasining qabul qilinishi bilan bir vaqtda, turizmga yo‘naltirilgan qonunchilik islohotlari ham amalga oshirildi. Ushbu davrda xalqaro tashkilotlar va donorlardan 20 million dollardan ortiq sarmoyalar kiritildi. Bu mablag‘lar asosan infratuzilmani rivojlantirish va yangi obyektlarni tashkil qilishga sarflandi.*
- *2018-yilda ekologik turizmga yo‘naltirilgan sarmoyalar hajmi 25 million dollarni tashkil qildi. Bu yil davlat va xususiy sektor o‘rtasidagi hamkorlik kuchaytirildi. Ekologik turizm infratuzilmasini kengaytirish va yangi yo‘lboshchi xizmatlarini joriy qilishga e’tibor qaratildi.*

- *2019-yilda sarmoyalar hajmi yanada ortdi va 30 million dollarga yetdi. Xususan, xalqaro sarmoyadorlar bilan hamkorlikda Zomin va Chimyon tog‘ hududlarida dam olish maskanlari va ekologik yo‘lboshchilik xizmatlari tashkil qilindi. O‘zbekistonning tabiiy go‘zalliklarini reklama qilish va turizm imkoniyatlarini targ‘ib qilish uchun xalqaro loyihalar amalga oshirildi.*
- *2020-yilda COVID-19 pandemiyasi sababli turizm sohasida umumiy pasayish kuzatildi, ammo bu yilda ham ekologik turizmga investitsiyalar mutlaqo to‘xtab qolmadi. Mamlakat ichidagi sayyohlik faoliyatlarini rag‘batlantirish maqsadida 15 million dollar atrofida sarmoya kiritildi. Asosan ichki turizm va infratuzilmani yaxshilashga e’tibor berildi.*
- *2021-yilda pandemiyadan keyin tiklanish jarayonida sarmoyalar hajmi yana oshdi va 35 million dollarga yetdi. Davlat tomonidan ekologik turizm uchun soliq va bojxona imtiyozlari joriy etildi, bu esa xorijiy va mahalliy investorlarni jalb qilishni osonlashtirdi. Xususan, xalqaro turistik tashkilotlar va xususiy sarmoyadorlar bilan hamkorlikda tabiatni muhofaza qilish va yangi obyektlar yaratish borasida loyihalar yo‘lga qo‘yildi.*

Shundan kelib chiqqan holda, investitsiya dinamikasining umumiy tahlili quyidagicha bo‘ladi:

- *2017-2019-yillar: Investitsiyalar doimiy ravishda o‘sib bordi, bu yillarda ekologik turizmning rivojlanish bosqichi asosan yangi infratuzilmalarni yaratishga va hududlarni obodonlashtirishga qaratildi.*
- *2020-yil: Pandemiyaga qaramay, ekologik turizmdagi sarmoyalar qisqargan bo‘lsa-da, davlat ichki turizmni rag‘batlantirishga katta e’tibor qaratdi.*
- *2021-2024 - yilllar: Pandemiyadan keyin iqtisodiy tiklanish* jarayonida sarmoyalar yana oshib, sohaga bo‘lgan qiziqish kuchaydi.

O‘zbekistonda ekologik turizmni rivojlantirish bo‘yicha kelgusidagi sarmoyaviy rejalar davlat tomonidan 2021-2025-yillarga mo‘ljallangan maxsus dasturlar asosida amalga oshirilishi kutilmoqda. Bu dasturlar mamlakatning tabiiy resurslarini muhofaza qilish va ulardan samarali foydalanishga qaratilgan bo‘lib, ekologik turizm orqali iqtisodiy o‘sishni qo‘llab-quvvatlash maqsadida ishlab chiqilgan. Kelgusi yillarda sarmoya rejalari bo‘yicha asosiy yo‘nalishlarni quyidagicha olib borish maqsadga muvofiq:

**1. Xalqaro sarmoyalarni jalb qilish.**Davlat kelgusi yillarda xalqaro sarmoyalarni jalb qilishga alohida e’tibor qaratmoqda. 2022-2025-yillarga mo‘ljallangan rejalarga ko‘ra, turli xalqaro turizm tashkilotlari va investorlar bilan hamkorlikni yanada kengaytirish maqsad qilingan. Buning doirasida 100 million dollargacha xalqaro sarmoyalar jalb qilinishini rejalashtirilmoqda. Mazkur sarmoyalar:

- Tabiat muhofaza qilingan hududlarda yangi ekoturizm markazlari barpo qilish.
- Milliy bog‘lar va zapovedniklarda infratuzilmani takomillashtirish.
- Ekoturizm yo‘nalishlarini xalqaro reklama qilish va sayyohlarni jalb qilishga yo‘naltiriladi.

**2. Ichki sarmoyalar va davlat dasturlari.** Davlatning kelgusidagi sarmoyaviy rejalarida ichki sarmoyalar ham muhim o‘rin tutadi. Hukumat 2022-2025-yillarda har yili 20-30 million dollar miqdorida davlat sarmoyalarini ekologik turizm infratuzilmasini yaxshilashga va mahalliy jamoalarni qo‘llab-quvvatlashga sarflashni rejalashtirgan. Bu mablag‘lar asosan:

- Milliy bog‘lar va maxsus hududlardagi yo‘llar, dam olish maskanlari va turistik xizmatlar infratuzilmasini yaxshilash.
- Tabiat muhofazasiga oid dasturlarni amalga oshirish uchun ajratiladi.

**3. Maxsus eko-loyihalar.**Kelgusi besh yil ichida ekoturizmni rivojlantirish bo‘yicha bir qator innovatsion va maxsus loyihalarni amalga oshirish rejalashtirilgan. Masalan:

- "Eko-tropa" loyihasi: Bu loyiha doirasida O‘zbekistonning turli hududlarida maxsus ekoturizm yo‘llari yaratiladi. Bu yo‘nalishlarda sayyohlar tabiatning boyliklari bilan yaqindan tanishib, qo‘lda ishlangan suvenirlar va mahalliy qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini sotib olishlari mumkin bo‘ladi.
- "Milliy bog‘lar va ekologiya" loyihasi: Ushbu loyiha doirasida milliy bog‘larni xalqaro darajada rivojlantirish va turizm yo‘nalishlarini kengaytirish maqsadida hududlarning zamonaviy infratuzilmalari yaratiladi.

**4. Infratuzilma va ekologik himoya.**Kelgusi sarmoyaviy rejalarning muhim qismi ekologik muhofaza va infratuzilmani yaxshilashga qaratilgan. 2025-yilgacha quyidagi yo‘nalishlarda sarmoyalar kiritish rejalashtirilmoqda:

- Ekologik sertifikatlash va monitoring tizimini joriy qilish: Bu turizm obyektlarining ekologik standartlarga muvofiqligini nazorat qilish imkoniyati beradi va kelajakda tabiatga zarar yetkazmaydigan turizm modellarini qo‘llab-quvvatlaydi.
- Ekologik yoqilg‘i va qayta tiklanuvchi energiya: Turizm obyektlarida ekologik toza yoqilg‘i turlaridan foydalanish hamda qayta tiklanadigan energiya manbalaridan (quyosh, shamol energiyasi) foydalanish uchun sarmoyalar yo‘naltiriladi.

**Xulosa.**Kelgusi sarmoya rejalari O‘zbekistonning ekologik turizm sohasini yanada rivojlantirish va uni jahon miqyosida raqobatbardosh qilishga yo‘naltirilgan. Xalqaro sarmoyalar, davlat tomonidan ajratiladigan mablag‘lar, innovatsion loyihalar va infratuzilma rivojlanishi orqali bu yo‘nalish mamlakat iqtisodiyotida muhim ahamiyat kasb etadi.Ushbu tadqiqot natijalari asosida O‘zbekistonda ekologik turizmni rivojlantirish uchun quyidagi tavsiyalar taklif qilinadi:

- Davlat darajasida ekologik turizmni rivojlantirish dasturlarini amalga oshirish.
- Ekologik turizmning ijtimoiy va iqtisodiy ahamiyatini keng targ‘ib qilish.
- Tabiat muhofazasi bo‘yicha qonunlarni yanada takomillashtirish.
- Ekologik turizmni moliyaviy qo‘llab-quvvatlash mexanizmlarini yaratish.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Xamidov O.X. (2017). O‘zbekistonda ekologik turizmni rivojlantirishni boshqarish mexanizmlari. Samarqand: SamIES(Xamidov Obid Xafizovich).

2. Shomurotova N. (2011). O‘zbekistonda ekologik turizm va uning tabiiy geografik jihatlari. Toshkent: Gidrometeorologiya instituti(Shomurotova N).
3. https://lex.uz/docs/-3190804

**Ерматов Илмидин Тошматович -** к.э.н., доцент Ферганский политехнический институт tel.+998975035893 Email: ilmidin.yormatov@ferpi.uz

## УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ КАК ОСНОВА ЭКОЛОГИЧЕСКОГО МЕНЕДЖМЕНТА

**Annotatsiya:** Maqolada O‘zbekistonda atrof-muhitni boshqarishning asosi sifatida barqaror rivojlanish masalalari muhokama qilinadi. Barqaror rivojlanish tamoyillarini mamlakatning iqtisodiy va ekologik siyosatiga integratsiyalashuvi bilan bog‘liq asosiy jihatlar tahlil qilinib, bu boradagi asosiy muammo va imkoniyatlar baholandi.

**Kalit so‘zlar:** Barqaror rivojlanish, atrof-muhitni boshqarish, resurslarni tejash, ekologik siyosat, barqaror amaliyot, cho‘llanish, atrof-muhitning ifloslanishi.

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы устойчивого развития как основы экологического менеджмента в Узбекистане. Анализируются ключевые аспекты, связанные с интеграцией принципов устойчивого развития в экономическую и экологическую политику страны, а также оцениваются основные вызовы и возможности в данной области.

**Ключевые слова:** Устойчивое развитие, экологический менеджмент, ресурсосбережение, экологическая политика, устойчивые практики, опустынивание, загрязнение окружающей среды.

**Abstract:** The article examines the issues of sustainable development as the basis of environmental management in Uzbekistan. The key aspects related to the integration of sustainable development principles into the country's economic and environmental policies are analyzed, and the main challenges and opportunities in this area are assessed.

**Keywords:** Sustainable development, environmental management, resource conservation, environmental policy, sustainable practices, desertification, environmental pollution.

Устойчивое развитие стало важным приоритетом для Узбекистана в контексте глобальных вызовов, связанных с истощением природных ресурсов, изменением климата и ухудшением экологической обстановки. Страна активно работает над внедрением принципов устойчивого развития в различные сферы своей экономики, и экологический менеджмент выступает в этой стратегии одним из ключевых инструментов. В данной статье мы рассмотрим, как устойчивое развитие становится основой для создания эффективного экологического менеджмента в Узбекистане, опираясь на экономические данные и примеры.

Устойчивое развитие предполагает создание системы, которая обеспечивает удовлетворение потребностей настоящего поколения без ущерба для будущих поколений. Для Узбекистана, страны с богатым природным и

культурным наследием, это понятие особенно актуально. Важные аспекты устойчивого развития включают:

- Экономический рост: необходимо обеспечить устойчивый экономический рост, который не будет истощать природные ресурсы.
- Социальная справедливость: важным моментом является снижение уровня бедности и неравенства.
- Сохранение экологии: защита природы и поддержание биоразнообразия.

Согласно данным Национального статистического комитета Республики Узбекистан, уровень бедности в стране в 2021 году составил 21%, что подчеркивает необходимость внедрения эффективных стратегий для достижения устойчивого развития. Новый национальный стандарт благосостояния был установлен в 2021 году, и с тех пор наблюдается позитивная динамика. В 2023 году уровень бедности снизился до 11%, что указывает на сокращение на 6 процентных пунктов. Особенно значительное сокращение бедности отмечается в сельских районах, где уровень бедности уменьшился на 8 процентных пунктов.

Узбекистан сталкивается с рядом серьезных экологических проблем:

- Опустынивание: по оценкам ООН, около 10% территории Узбекистана подвержено опустыниванию из-за неэффективного использования водных ресурсов и сельскохозяйственных методов.
- Проблемы с водоснабжением: истощение водных ресурсов, особенно в контексте использования воды для ирригации, представляет собой серьезную угрозу для устойчивого развития.
- Загрязнение воздуха: в городах, таких как Ташкент, уровень загрязнения воздуха превышает допустимые нормы, что негативно сказывается на здоровье населения.

Экологические проблемы требуют комплексного подхода и внедрения устойчивых практик управления.

Экологический менеджмент в Узбекистане принимает форму системного подхода, направленного на управление воздействием человека на окружающую среду. Ключевые компоненты включают:

- Мониторинг экологической обстановки: создание системы мониторинга и оценки состояния окружающей среды.
- Разработка экологической политики: внедрение экологических стандартов и их соблюдение.
- Устойчивые практики: поощрение использования возобновляемых ресурсов и повышения эффективности использования энергии.

В 2020 году правительство утвердило «Стратегию устойчивого развития Республики Узбекистан на 2021-2030 годы», которая направлена на решение вышеописанных проблем.

Устойчивое развитие является основой для экологического менеджмента, который включает:

- Интеграцию экологических аспектов в экономическую политику: например, внедрение «зеленых технологий» в сельском хозяйстве.

- Экономическую эффективность и ресурсоэффективность: согласно данным Министерства инновационного развития Республики Узбекистан, использование «умных технологий» в сельском хозяйстве может увеличить урожай на 25%, что ведет к большей экономии ресурсов.

- Ответственность бизнеса: компании начинают включать в свою деятельность экологические аспекты, что способствует устойчивому развитию.

Несколько примеров реализации проектов, ориентированных на устойчивое развитие в Узбекистане:

**Annotatsiya.** Ushbu tezisda eng rivojlangan mamlakatlardan biri hisoblangan AQSh hukumati aholini uy-joy bilan ta’minlashda qanday moliyalashtirish usullaridan foydalanishi yoritilgan. Shuningdek, aholini uy-joy bilan ta’minlashda moliyalashtiirshni amalga oshirishda davlat dasturlari va ijtimoiy aholi qatlamlariga nisbatan qo‘shimcha imtiyozlar ham keltirib o‘tilgan.

**Kalit so‘zlar:** AQSh uy-joy moliya bozorlari, davlat dasturlari, uy-joy uchun imtiyozli kreditlar, federal uy-joy ma’muriyati, pensiya fondlari, AQSh Qishloq xo‘jaligi Departamenti.

## ОПЫТ ФИНАНСИРОВАНИЯ ЖИЛЬЯ США

**Аннотация.** В данной диссертации описывается, как правительство США, считающееся одной из самых развитых стран, использует методы финансирования для обеспечения населения жильем. Также при реализации финансирования обеспечения населения жильем были упомянуты государственные программы и дополнительные льготы по отношению к социальным слоям населения.

**Ключевые слова:** рынки жилищного финансирования США, государственные программы, льготные жилищные кредиты, федеральное жилищное управление, пенсионные фонды, Отделение сельского хозяйства США.

## THE USA EXPERIENCE OF HOUSE FINANCING

**Abstract.** This thesis describes how the US government, which is considered one of the most developed countries, uses financing methods to provide housing to the population. Also, in the implementation of financing for providing housing to

the population, state programs and additional benefits in relation to social strata of the population have also been mentioned.

**Key words:** US housing finance markets, government programs, preferential loans for housing, federal housing administration, pension funds, US Department of Agriculture.

Uy-joy moliyasining asosiy maqsadi uy-joyni qurish, sotib olish va tasarruf qilish bilan bog‘liq turli jarayonlarda moliyaviy resurslarni jalb qilish, boshqarish va ulardan samarali foydalanishdir. Uy-joy moliyasi moliyalashtirish usullari va shakllarini va moliyalashtirish jarayoni subyektlari birlashtiruvchi tizim bo‘lib, ular o‘rtasidagi munosabatlar turli huquqiy me’yorlar asosida tartibga solinadi.

Rivojlangan mamlakatlarda xususan, AQShda aholi uchun uy-joyni moliyalashtirishning bir qancha usullari mavjud.

1. Dastlabki to‘lovga yordam berish dasturlari. Dastlabki to‘lovlar bo‘yicha davlat yoki mahalliy yordam dasturlaridan foydalanish uy-joy uchun zarur moliyaviy mablag‘ olishning risklilik darajasi past bo‘lgan usuli hisoblanadi. Har bir dasturda mijoz uchun ma’lum talablar mavjud bo‘lib, ular odatda birinchi marta uy sotib oluvchilar va uydan asosiy yashash joyi sifatida foydalanishni rejalashtirgan mijozlarni saralab olich uchun ishlab chiqilgan.

Ushbu yordam dasturlari qaytarib to‘lanishi shart bo‘lmagan davlat grantlarini ham o‘z ichiga olishi mumkin. Ular, shuningdek, ma’lum davr mobaynida uydan yashash uchun foydalanish sharti bilan beriladigan past foizli yoki nol foizli kreditlar ko‘rinishida ham bo‘lishi mumkin.

2. Hukumat tomonidan qo‘llab-quvvatlanadigan dasturlar. AQSh hukumati tomonidan qo‘llab-quvvatlanadigan ipoteka dasturlari ham riski past bo‘lgan kredit turlaridandir. Ularning boshlang‘ich to‘lovi kam yoki umuman boshlang‘ich to‘lovsiz bo‘ladi:

– Faxriylar uchun kreditlar: Faol harbiy xizmatchilar va faxriylar, shuningdek, ba’zi harbiy turmush o‘rtoqlar uchun mavjud bo‘lgan uy-joy kreditlari AQSh Veteranlar ishlari departamenti tomonidan kafolatlangan. Hech qanday dastlabki to‘lovni talab qilmaydi va past yoki minimal kredit ballariga ega bo‘lgan mijozlarga ham berilishi mumkin.

– Federal uy-joy ma’muriyati (FHA) kreditlari: Federal uy-joy ma’muriyati krediti Federal uy-joy ma’muriyati tomonidan qo‘llab-quvvatlanadi. Ushbu kreditlar odatdagi kreditlarga qaraganda pastroq to‘lov va kredit ball talablariga ega va ayniqsa birinchi marta uy sotib olayotganlar orasida juda ommalashgan. Biroq, ular xaridordan Federal uy-joy ma’muriyatining ipoteka sug‘urtasini sotib olishni talab qiladi.

– AQSh Qishloq xo‘jaligi Departamenti (USDA) kreditlari: Qishloq joylaridagi xaridorlar AQSh Qishloq xo‘jaligi Departamenti kreditini olishlari mumkin. Ular AQSh Qishloq xo‘jaligi departamenti tomonidan shahar bo‘lmagan hududlarda uy-joy mulkdorligini rag‘batlantirish uchun yaratilgan - uy AQSh Qishloq xo‘jaligi departamenti tomonidan tasdiqlangan hududda joylashgan bo‘lishi kerak. Ushbu kreditlar oldindan to‘lovni talab qilmaydi va odatdagi ipotekalarga qaraganda kamroq kredit talablariga ega.

3. Egalik bilan yakunlanadigan ijara. Uy egasi bo‘lish uchun ijaraga olish avtomobilni 3 yillik lizingga olish bilan deyarli o‘xshash amaliyotdir. Dastlab mulkni keyinroq sotib olish imkoniyati bilan ijaraga olasiz. Odatda, oldindan tuzilgan shartnomada yakuniy sotib olish shartlari, shu jumladan narx ko‘rsatilgan bo‘ladi va ijarachi sotib olish opsiyasini amalga oshirish yoki oshirmaslikni tanlashi mumkin. Ko‘pincha, agar ijarachi sotib olishga qaror qilsa, ijara to‘lovlarining bir qismi sotib olish narxiga nisbatan qo‘llaniladi. Biroq, agar mulk qiymati keskin o‘zgarsa yoki ijara muddati oxirida mijoz hali ham ipoteka olish imkoniga ega bo‘lmasa, turli muammolar yuzaga kelishi mumkin.

4. Sotuvchini moliyalashtirish. Kamdan kam hollarda, xaridor uy-joy sotuvchisini to‘g‘ridan-to‘g‘ri moliyalashtiradi, ayniqsa sotuvchida uyga bepul va to‘liq egalik mavjud bo‘lsa sotuvchi uchun ushbu amaliyotga zarurat bo‘lmaydi. Sotuvchi yoki mulkdorni moliyalashtirish an’anaviy ipotekaga o‘xshaydi, lekin bu usulda bank emas uy egasi mulkni qarzga beradi. Bu moliyalashtirish xaridorlar uchun juda qulay – ba’zi hollarda xaridorlar sotib olish narxining bir qismi uchun ipoteka olishlari va qolgan qismini sotuvchi orqali moliyalashtirishlari mumkin. Biroq, bu usul odatda standart ipotekaga qaraganda ancha yuqori foiz stavkasiga ega va ko‘pincha dastlabki to‘lov ham kattaroq bo‘ladi.

5. Jamg‘arilgan pensiya hisobidan qarz olish. Qiyin moliyaviy holatda bo‘lgan mijozlar uchun yana bir yechim pensiya hisobidan qarz olish hisoblanadi biroq bu usulning risklilik darajasi juda yuqori. Bunda ushbu qarz summasini qaytarish holatlaridagi muammolar uchun turli soliq va jarimalar mavjud bo‘lishi mumkin. Barqaror to‘lov qobiliyatiga ega bo‘lish uchun xaridor doimiy daromad manbayi va ish o‘rniga ega bo‘lishi kerak.[33]

6. Quruvchini moliyalashtirish. Ko‘pgina quruvchilar bozor narxlaridan pastroq va mahalliy banklar taklif qilganidan kamroq shartlarni taklif qilmoqdalar. Ko‘pgina kreditlar 5 foiz oralig‘ida bo‘ladi. Ular 30 yillik belgilangan foizli kreditlar, barqaror, konservativ va hech qanday xavf yo‘q. Ushbu moliyalashtirish turida qurilish kompaniyalarini bank moliyalashtirib, so‘ng mijoz uy bitgunga to‘lovni bo‘lib-bo‘lib amalga oshirishi ham mumkin bo‘ladi.[34]

Har bir milliy uy-joy moliyalashtirish tizimi makroiqtisodiy sharoitlar, bank qoidalari, bank tizimining hajmi, soliqqa tortish, subsidiya dasturlari va uy-joy bozorining tuzilishi kabi muayyan holatlar natijasidir. Bu omillar bank va kapital bozoriga asoslangan ipoteka kreditlarini yetkazib berish kanallari o‘rtasidagi yo‘lni shakllantiradi.

Rivojlangan mamlakatlar tajribasi shuni ko‘rsatadiki, samarali faoliyat olib boruvchi uy-joy fondini moliyalashtirish bozorlarining joriy etilishi milliy iqtisodiyotga katta foyda keltiradi, xususan, qurilish sanoati va unga aloqador tarmoqlarda bandlikning o‘sishi, mulkdan yanada samarali foydalanish, ishchi kuchining harakatchanligini oshirish, kapital bozorini rivojlantirishdagi muvaffaqiyatlar, resurslarni yanada samarali taqsimlash va makroiqtisodiy beqarorliklarni kamaytirish shular jumlasidandir.

[33] https://www.bankrate.com/real-estate/creative-home-financing-ideas/#financing
[34] https://www.hgtv.com/lifestyle/real-estate/how-to-finance-a-new-home

Ushbu ijobiy natijalarga erishishda huquqiy, institutsional va makroiqtisodiy asosga e’tibor berish hal qiluvchi omil hisoblanadi. Funksional va ishonchli shart-sharoitlarning paydo bo‘lishi bilanoq, moliyalashtirish usullari ko‘payib rivojlanib boradi, chunki qarz oluvchilar va kreditorlar uzoq muddatli majburiyatlar bo‘yicha risklarni baholab ularni hisobga olib qarorlar qabul qilishda kengroq imkoniyatlarga ega bo‘ladilar.

**E.Abdullayev - “Farovon sug‘urta” AJ Bosh direktori**
*tel.: +998 (94) 639-64-31, e-mail: erkin.azamovich@gmail.com*

## O‘ZBEKISTONDA SUG‘URTA BOZORINI TARTIBGA SOLISHDA SUG‘URTA TASHKILOTLARINING INVESTITSIYA FAOLIYATI

***Annotatsiya:*** *Mazkur maqolada sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatish, sug‘urta zaxiralarini shakllantirish, shakllangan sug‘urta zaxiralarini investitsiya qo‘yilmalariga yo‘naltirish, investitsiya qo‘yilmalariga yo‘naltirishning me’yoriy huquqiy asoslari, O‘zbekistonda sug‘urta tashkilotlarining investitsiya faoliyati tahlili, mavjud muammolar xulosa fa takliflar keltirilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *investitsiya faoliyati, sug‘urta zaxiralari, sun’iy intelekt, sug‘urtada investitsiya qo‘yilmalari.*

***Abstract:*** *In this article describes analysis, , about providing of insurance services, formation of insurance reserves, allocation of the formed insurance reserves to investment, the normative legal basis of investment, investment activity of insurance organizations in Uzbekistan and has given existing problems, conclusions and suggestions.*

***Key words:*** *investment activity, insurance reserves, artificial intelligence, investments in insurance.*

***Аннотация:*** *В данной статье предоставлены нормативно-правовые основы инвестиционных вложений, анализ инвестиционной деятельности страховых организаций в Узбекистане существующие проблемы, выводы и представлены предложения о страховых услугах, формировании страховых резервов, распределении сформированных страховых резервов на инвестиционные вложения и.*

***Ключевые слова:*** *инвестиционная деятельность, страховые резервы, искусственный интеллект, инвестиции в страхование.*

Ma’lumki, dunyo iqtisodiyotida 2023-yil natijalariga ko‘ra to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar hajmi 3 foizga oshgan bo‘lsa, rivojlanayotgan davlatlarga mazkur turdagi investitsiya oqimi o‘tgan yilga nisbatan 9 foizga pasayganligini ta’kidlab kelinmoqda.[35]

Pasayishning asosiy sabablari sifatida global siyosiy inqirozlar, jumladan Ukraina-Rossiya, Yaqin Sharq davlatlaridagi notinchliklar, qarzdorlik darajasining yuqorilab borayotganligi, iste’mol va va energiya resurslari narxining beqarorligi,

[35] https://unctad.org/news/foreign-direct-investment-developing-economies-fell-9-2023#

dunyo bozoridagi moliyalashtirish talablarining keskinlashuvi, foiz stavkalarining oshishi va kapital bozorlaridagi mutanosiblikning yo‘qolishi, shu bilan sug‘urta, qayta sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatishdagi mavjud to‘siq va sanksiyalar, transchegaraviy kapital harakatiga hamda yirik xalqaro loyihalarni moliyalashtirishga o‘zining salbiy ta’sirini ko‘rsatmoqda.

Mazkur maqolada sug‘urta tashkilotlarining investitsiya tavakkalchiliklari, ularni taribga solish mexanizmlari muhokama qilinadi. Alohida e’tibor qaratish lozimki, sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatish jarayonida dastlab pul mablag‘lari (sug‘urta mukofotlari nazarda tutilmoqda) jalb qilinadi to‘lovlar sug‘urta hodisalari ro‘y berishiga bog‘liq ravishda to‘lovlar ma’lum vaqtdan so‘ng amalga oshiriladi. Bunda sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatilishini uzluksiz jarayon sifatida qarasak, sug‘urta tashkilotlari ixtiyorida uzluksiz pul mablag‘larini to‘planishi, to‘plangan mablag‘larni investitsiyaga yo‘naltirish imkonini beradi.

Ma’lumki, O‘zbekistonda sug‘urta tashkilotlari asosiy faoliyatdan tashqari investitsiya faoliyatini amalga oshirishga hamda qimmatli qog‘ozlar bozorida investitsiya vositachisi sifatida litsenziya talab qilinmagan holda professional faoliyatni amalga oshirish huquqiga ega. [36]

Investitsiya faoliyatidan olingan daromadlar sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatishdan keladigan daromadlarga qaraganda sezilarli darajada yuqori bo‘lishi mumkin. Ammo investitsiya qo‘yilmalarini noto‘g‘ri boshqarilishi oqibatida katta yo‘qotishlarga olib kelishi hatto asosiy faoliyatdan keladigan daromadlar, xususiy kapitalni yo‘qotishiga ham olib kelishi mumkin, bu esa oxir-oqibat sug‘urta kompaniyasining to‘lov qobiliyatini yo‘qo(ti)lishiga olib keladi.

Shu o‘rinda O‘zbekistonda sug‘urta tashkilotlarining investitsiya faoliyatini amalga oshirish bilan bog‘liq normativ huquqiy hujjatlariga to‘xtalib o‘tadigan bo‘lsak, Sug‘urtalovchi va qayta sug‘urtalovchining investitsion faoliyati to‘g‘risida nizom[37] hamda Sug‘urtalovchilar va qayta sug‘urtalovchilarning to‘lov qobiliyati to‘g‘risidagi nizom[38] asosiy faoliyatni tartibga soluvchi me’yoriy huquqiy hujjat sifatida qaraladi. Ushbu normativ huquqiy hujjatlarida biri investitsiya ob’ekti nimalar bo‘lishi haqida so‘z yuritsa, biri investitsiya qo‘yilmalarining me’yorlari haqida so‘z yuritadi.

Biz ushbu maqolada hozirda mavjud bo‘lgan investitsiya qo‘yilmalarini yo‘naltirishda zamonaviy moliya mexanizmlaridan biri sifatida salom savdo, nasiya savdo, kriptoaktivlar, marketpleyslar, startup loyihalarini moliyalashtirish, tibbiy sug‘urta xizmatlarini ta’minlashga yo‘naltirilgan faoliyat sifatida assistans tashkilotlariga qo‘shimcha ravishda klinika va diagnositka markazlariga investitsiya qo‘yilmalarini yo‘naltirish bo‘yicha yangi mexanizmlarni joriy etishni taqozo etmoqda va bunda investitsiya ob’ektlarining ishonchliligi, joylashtirilgan investitsiya qo‘yilmalarining likvidliligi, qaytishi ka’bi ma’lum bir me’yorlarni belgilashni taqozo etadi.

Joriy yilning 1-yarim yilligi bo‘yicha O‘zbekistonda sug‘urta tashkilotlarining investitsiya qo‘yilmalarining tarkibi bo‘yicha tahlil qiladigan bo‘lsak, jami

[36] https://lex.uz/docs/-5739117
[37] https://lex.uz/ru/docs/-1499707
[38] https://lex.uz/docs/-1354126

investitsiya portfelining qariyb 66 foizi depozitlar (omonatlarga), 21 foizi qimmatli qog‘ozlar, 10 foizi ko‘chmas mulk, tashkilotlar ustav fondidagi ishtiroki, 1 foizi esa boshqa investitsiyalarga to‘g‘ri keladi (1-rasm)[39].

**O‘zbekistonda sug‘urta tashkilotlarining 2024-yil, yanvar-iyun holatiga investitsiya portfeli salmog‘i**




Tabiiy savol tug‘iladi, nima sababdan jami investitsiya qo‘yilmalarida tijorat banklarining depozitlari salmog‘i yetakchilik qilmoqda? Bunga quyidagicha sabablarni keltirishimiz mumkin:

- me’yoriy huquqiy jihatdan sug‘urta tashkilotlarining investitsiya qo‘yilmalari tor doirada shakllanib qolganligi, tavakkalchilikka asoslangan nazorat bo‘yicha egiluvchan moliyaviy mexanizmlarni joriy etilmaganligi;
- sug‘urta tashkilotlarida tavakkalchilikka ehtiyotkorona yondashish amaliyotini shakllanib qolganligi, tavakkalchiliklarni baholash, yangi moliyaviy instrumentlarni sinovdan o‘tkazish bo‘yicha moliyaviy mexanizmlarni yetishmasligi, bilim va malakaga ega bo‘lgan mutaxassislarni yetarli darajada emasligi;
- sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatish bo‘yicha jozibadorlikni yo‘qolib borayotganligi va buning oqibatida, sug‘urta bozoridan kapital qo‘yilmalarning chiqish holati va boshq.

Yuqorida keltirilgan holatlar bo‘yicha bevosita asosiy tashabbuskor sifatida sug‘urta faoliyatini tartibga solish va nazorat qilish bo‘yicha vakolatli davlat organining tashabbusi muhim hisoblanib, sug‘urta tashkilotlarining har bir jihatlarini raqamlashtirish, zamonaviy axborot texnologiyalarini, sun’iy intellektn qo‘llash muhim hisoblanadi. Tijorat banklaridagi bu darajadagi yuqori investitsiya qo‘yilmalarining salmog‘i kelajakda salbiy holatlarni ham keltirib chiqarishi mumkin. Bunga bir misol sifatida “Hi-Tech bank” va “Turkistonbank” larning to‘lovga qobiliyatsizligi, butun boshli sug‘urta xizmatlari bozoriga o‘z ta’sirini ko‘rsatadi.

[39] Istiqbolli loyihalar milliy agentligi ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi

**Fayziyeva Shirin Shodmonovna** - QarMII “Innovatsion iqtisodiyot” kafedrasi prof. v.b., i.f.n., fayziyevashirin66@gmail.com
**Sobirova Marxabo Xaitovna** - Mustaqil izlanuvchi, Qarshi muhandislik-iqtisodiyot institute, *sobirovamarhabo87@gmail.com*

# MEVA-SABZAVOT KOOPERATSIYALARINING IQTISODIY SAMARADORLIGIGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR TAHLILI

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada meva-sabzavot kooperatsiyalarining iqtisodiy samaradorligi va ularga ta’sir etuvchi omillar ko‘rsatilgan, ta’sir chegaralari aniqlanib tahlil etilgan.

**Kalit so‘zlar.** meva-sabzavot, kooperatsiya, qishloq xo‘jaligi, barqaror rivojlanish, strategiya, raqobat, oziq-ovqat

**Аннотация.** В данной статье показана экономическая эффективность плодоовощных кооперативов и факторы, влияющие на них, определены и проанализированы пределы влияния

**Ключевые слова.** фрукты и овощи, сотрудничество, сельское хозяйство, устойчивое развитие, стратегия, конкуренция, продукты питания

**Abstract.** In this article, the economic efficiency of fruit and vegetable cooperatives and the factors affecting them are shown, the limits of influence are determined and analyzed

**Key words.** fruits and vegetables, cooperation, agriculture, sustainable development, strategy, competition, food

Respublikamiz qishloq xo’jaligini rivojlantirishda qishloq xo’jaligi mahsulotlari ishlab chiqaruvchilari o’rtasida erkin raqobatni shakllantirish, korxonalar faoliyatini yo’lga qo’yish uchun amalda qo’llanayotgan iqtisodiy, huquqiy, moliyaviy va boshqa mexanizmlarni takomillashtirish, yangi zamonaviy yo’nalishdagi mexanizmlar va ularning huquqiy asoslarini yaratish muhim hisoblanadi. Aholining oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash, qulay agrobiznes muhitini va qo‘shilgan qiymat zanjirini yaratish, tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va atrof-muhitni muhofaza qilish, davlat xarajatlarini bosqichma-bosqich diversifikatsiya qilish, qishloqlardagi kam ta’minlangan aholi daromadlarini oshirish, hududlar iqtisodiyotini rivojlantirish maqsadida respublikamizning qishloq xo’jaligi kooperatsiyasini davlat tomonidan qo’llab-quvvatlash maqsadida qaror va farmonlar ishlab chiqildi.

Milliy iqtisodiyotda qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish katta ahamiyatga ega. Uning rivojlanganlik darajasi davlarning oziq-ovqat xavfsizligini va qishloq hayotining farovonligini belgilab beradi. Shu munosabat bilan qishloq xo‘jaligida kooperativlarning barqaror rivojlanish darajasini sifatli baholash juda dolzarb hisoblanadi.

Kooperativlarning barqaror rivojlanishini baholash uslubiyatini takomillashtirish, undagi asosiy yo‘nalishlarni aniqlash, bu muammoni hal qilishda turli xil nuqtai nazar va qarashlarni hisobga olish hamda ularni chuqur tahlil qilish va tizimlashtirishni talab qiladi. Shuni inobatga olgan xolda, ushbu ishda qishloq

xo‘jaligida kooperativlarning barqaror rivojlanishini baholash uchun mavjud bo‘lgan uslubiyatlarga turli mualliflarning o‘ziga xos yondashuvlarini qiyosiy nuqtai nazardan tahlil qilish amalga oshirildi.

Bizningcha kooperativlarning barqaror rivojlanishi-barqaror rivojlanish kooperativning uzoq muddatli faoliyati davomida kooperativ a’zolarning ehtiyojlarini qondirish uchun “mahsulot ishlab chiqarish – xizmat ko‘rsatish – ta’minot - saqlash - tayyorlash - qayta ishlash - sotish” sohalarning o‘zaro mutanosib munosabatda bo‘lishiga qaratilgan texnologiyalar orqali amalga oshiriladigan ijobiy o‘zgarishlar yig‘indisidir. Bundan kelib chiqadiki, qishloq xo‘jaligining rivojlanishida yuzaga kelgan ijobiy o‘zgarishlarni baholash kerak, bu esa tizimlarning noma’lum muddatda bo‘lgan faoliyatining “mahsulot ishlab chiqarish – xizmat ko‘rsatish – ta’minot – saqlash – tayyorlash – qayta ishlash – sotish” sohalardagi muvozanatni hisobga olgan bo‘lishi lozim. Ushbu ta’rifning boshqalardan farqi undagi sohalarni muozanatda va mutanosiblikda saqlashga qaratilganligidadir.

Iqtisodiy faoliyatning barcha darajalarida barqaror rivojlanish maqsadlariga erishishni ta’minlash, ishlatiladigan vositalarni tanlashning to‘g‘riligini va belgilangan maqsadlarni hal qilish darajasini baholash tegishli mezon hamda barqaror rivojlanish ko‘rsatkichlarini ishlab chiqishni talab qiladi. Umumiy tizim doirasida ko‘rsatkichlar quyidagi indikatorlar quyi tizimlari bo‘yicha guruhlanadi: ekologik; iqtisodiy; ijtimoiy; institutsional.

Umumlashtirish ko‘rsatkichlarning uchta kichik guruhlari asosida amalga oshiriladi: ekologik va iqtisodiy; ijtimoiy va iqtisodiy; ekologik.

Kooperativning barqaror rivojlanish indeksini aniqlash quyidagi formula yordamida amalga oshiramiz:

$$К_{bri} = \sqrt[4]{I_{mb} * I_{iqb} * I_{ijb} * I_{eb}}$$

bunda:

$I_{mb}$ – moliyaviy barqarorlik indeksi;

$I_{iqb}$ –iqtisodiy barqarorlik indeksi;

$I_{ijb}$ –ijtimoiy barqarorlik indeksi;

$I_{eb}$ –ekologik barqarorlik indeksi;

Bizning fikrimizcha kooperativni barqaror rivojlantirish uchun quyidagi ustuvor vazifalarni amalga oshirish zarur:

1. Qishloq xo‘jaligi korxonasining barqaror rivojlanishida ishlab chiqarishning to‘rtburchagi: iqtisodiy, ijtimoiy, moliyaviy va ekologik rivojlanish yo‘nalishlari bilan ajralib turadigan kontseptsiyani amalga oshirish.

2. Kooperativni barqaror rivojlantirish uchun tashqi omillarning tasnifi, shu umladan yangi omillar: barqaror rivojlanishning maqsadlari va vositalarini belgilaydigan iqtisodiyotning rivojlanish sikllari va qishloq xo‘jaligi siyosati barqaror rivojlanish maqsadlariga erishish uchun kooperativning asosiy yo‘nalishlarini ishlab chiqish.

3. Qishloq xo‘jaligini rivojlantirish uchun kooperativlardagi milliy qonunchilik bazasini takomillashtirish va barqaror rivojlanish uchun kooperativlarning vertikal va gorizontal rivojlanishini amalga oshirish.

Meva-sabzavot kooperatsiyasini barqaror rivojlanish dasturini ishlab chiqish va amalga oshirishda a’zolar tomonidan amalga oshiriladi.

1-qadam. Barqaror rivojlanish missiyani ishlab chiqish (maqsad va tamoyillar shakllantiriladi, ichki va tashqi omillar tahlil qilinadi) missiya a’zolar o‘rtasida mutanosib shaklda bo‘lishi talab etiladi;

2-qadam. Barqaror rivojlanish rejalarini (qisqa, o‘rta va uzoq muddatli) shakllantirish (iqtisodiy holat tahlil etilib, kooperativning barqarorlik me'yorlari aniqlanadi). Kooperativning iqtisodiy ko‘rsatkichlari asosida va erishilishi kutilayotgan ko‘rsatkichlar prognoz qilinadi;

3-qadam. Barqaror rivojlanish rejalarining qo‘llab-quvvatlanishini ta’minlash yo‘llarini (siyosat, strategiyalar, jarayonlar, tartib-qoidalar, moliyaviy munosabatlar) ishlab chiqish (aniqlangan me'yorlar asosida zarur chora tadbirlar ishlab chiqilib, amalga oshiriladi va iqtisodiy samaraga erishiladi).

O‘zbekistonda 2024 йил iyun holatiga ko‘ra, qiymati 462,2 million dollarga teng 776 ming tonnadan ortiq meva-sabzavot mahsulotlari eksporti amalga oshirildi. Joriy yil respublikada qishloq xo‘jaligi va oziq-ovqat sanoati mahsulotlarining eksport prognoz ko‘rsatkichlari hajmi 3,5 milliard dollar, shundan 2,5 milliard meva-sabzavot va 950 million oziq-ovqat mahsulotlari etib belgilangan.

O‘simliklar karantini va himoyasi agentligida “Markaziy Eksport shtabi” tashkil etilib, 21 nafar mutaxassis biriktirildi hamda 14 ta hududda “Eksport shtab”lari faoltiyati yo‘lga qo‘yildi. O‘zbekistonning xorijiy davlatlardagi elchixonalar bilan hamkorlikda ishlar tashkil etilgan bo‘lib, “Eksport shtabi” a’zolari 39 ta xorijiy davlatlar elchixonalariga biriktirildi.

Mazkur shtablarning asosiy vazifalari – samarali ish tashkil qilish, eksportchi korxonalarga maksimal darajada ma’lumotlar va muammoli masalalar yechimida amaliy ko‘mak berish, mavjud imkoniyatlardan to‘laqonli foydalanish, respublikamizning eksport salohiyatini namoyish etish va jahon bozoriga chiqarilgan mahsulotlar hajmini yanada oshirishdan iborat. Undan tashqari, shtabda respublikadagi eksportbop qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining kunlik narx-navosi monitoringi, omborxonadagi mavjud qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining qoldig‘i va yaqin 20 kunda pishib yetiladigan mahsulotlar bo‘yicha ma’lumotlar, eksportchi korxonalarning eksport masalalari bilan bog‘liq muammoli masalalarini o‘rganish va ularni tezkor xal etish bo‘yicha zarur chora-tadbirlar amalga oshirib kelinmoqda.

Kooperativning barqaror rivojlanishining me'yoriy chegaralarida keltirgan ko‘rsatkichlarni quyidagicha ta’riflanadi:

1. Barqaror rivojlanishning krizis me'yori 0-0,3 oralig‘idagi koeffitsiyent bo‘lib, bunda rivojlanishdan to‘xtab qolganligini anglatadi. Inqirozga chidamli hududga o‘tish uchun tezkor natijalarga erishishga qaratilgan barqaror rivojlanish dasturini ishlab chiqish talab etiladi.

2. Barqaror rivojlanishning pastki me'yori 0,31-0,45 oralig‘idagi koeffitsiyent bo‘lib, kooperativ juda sekin tarzda rivojlanayotganligini aniqlash mumkin. Jarayonda kooperativni ichki zahiralari hisobidan barqarorligiga erishish uchun yo‘naltirish mumkin. Shuni ta’kidlash kerakki, kooperativda biznes-inkubatorlardan foydalanish orqali inqirozga tushib qolmaslik hamda o‘z mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirishning tannarxga ta’sir etish hisobiga amalga oshirishi

mumkin.

3. Barqaror rivojlanishning qoniqarli me'yori 0,46-0,6 oralig‘idagi koeffitsiyent bo‘lib, kooperativ sekin-asta rivojlanish sari harakatlanayotganini sezish mumkin. Ushbu rivojlanishni davom ettirish kooperativ tashqi omillarni hisobga olishi va kadrlar salohiyatini ko‘tarish orqali ko‘rsatkichlarning o‘sishiga erishishi mumkin bo‘ladi.

4. Barqaror rivojlanishning normal me'yori 0,61-0,8 oralig‘idagi koeffitsiyent bo‘lib, kooperativning rivojlanishida yuqori dinamikaga erishish jarayonini aks ettiradi. Bunda ishlab chiqarish hajmining ortishi, katta hajmdagi buyurtmalarni qabul qilishni o‘z ichiga olgan joriy yoki istiqbolga yo‘naltirilgan barqaror rivojlanish dasturi bilan faoliyat olib borish talab etiladi.

5. Barqaror rivojlanishning yuqori me'yori 0,81-1 oralig‘idagi koeffitsiyent bo‘lib, kooperativning jadal ravishda rivojlanib borayotganligini aks ettiruvchi ko‘rsatkichga erishgan bo‘ladi. Buni amalga oshirishda kooperativning yuqori barqaror natijalarga erishayotganligi kuzatiladi.

Xulosa o‘rnida ta’kidlaydigan bo‘lsak, ushbu keltirilgan me’yorlar barqaror rivojlanish strategiyalari orqali sanoat korxonalarining mahsulot va xizmatlarining raqobatbardoshligini oshirishga va strategiyaning algoritmini ishlab chiqish uchun samarali yo‘l bo‘la oladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. Асаул М.А. Обеспечение устойчивости предпринимательских структур инвестиционно-строительной сферы: автореф. дис. доктора экон. наук: 08.00.05. СПб.: 2008. -49 с.

2. Филиппенко Д.С. Организационно-экономическое обеспечение устойчивого развития предприятий в условиях глобализации экономики: дис. канд. экон. наук: 08.00.05. Нижний Новгород. 2014. -178 с.

3. Гонова О.В. Методы и модели диагностики устойчивого развития регионального агропроизводственного комплекса: автореф. дис. доктора экон. наук: 08.00.05. Иваново, 2011. -35 с.

4. Шестерикова Н.В. Формирование стратегии устойчивого развития предприятия на основе системы сбалансированных показателей: автореф. диссертации канд. экон. наук: 08.00.05. Нижний Новгород, 2009. -24 с.

5. Грачева Е.С. Формирование организационно-экономического механизма повышения конкурентоспособности промышленных предприятий: диссертация канд. экон. наук: 08.00.05. Самара. 2012. -45 с.

**Inamov Farxodjon** - Namangan Muhandislik-Qurilish Instituti doktoranti
+998 91 755 5200, fred.inamov@gmail.com

# NAMANGAN VILOYATI QISHLOQ XO‘JALIK FAOLIYATINING IQTISODIY SAMARADORLIGI VA UNUMDORLIGINI TAHLIL QILISH

***Annotatsiya:*** Ushbu maqolada O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyotida boshqaruvning, tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirishning mavjud tashkiliy-iqtisodiy modeli butun iqtisodiyot uchun sanoatning ustuvor qiymatini samarali qo‘llab-quvvatlashi Namangan viloyati qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligiga tegishli xizmatlarni ko‘rsatishda xo‘jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatidagi samaradorlikni oshirilishi haqida fikr va mulohazalar keltirilgan.

***Kalit so‘zlar****:* qishloq xo‘jaligida tadbirkorlik, yalpi hududiy mahsulot, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligi

***Аннотация*****:** В данной статье представлены мнения и соображения о том, как существующая организационно-экономическая модель управления и реализации предпринимательской деятельности в экономике Республики Узбекистан может эффективно поддерживать приоритетное значение промышленности для всей экономики. Обсуждается повышение эффективности деятельности хозяйствующих субъектов в оказании услуг, связанных с сельским хозяйством, лесным и рыбным хозяйством в Наманганской области.

***Ключевые слова:*** предпринимательство в сельском хозяйстве, валовой региональный продукт, лесное и рыбное хозяйство

***Annotation:*** This article presents thoughts and considerations on how the existing organizational-economic model for management and the implementation of entrepreneurial activities in the economy of the Republic of Uzbekistan can effectively support the priority value of industry for the entire economy. It discusses the increase in efficiency of economic entities' activities in providing services related to agriculture, forestry, and fish farming in the Namangan region.

***Keywords:*** entrepreneurship in agriculture, gross regional product, forestry and fish farming

Iqtisodiyotni rivojlantirishning zamonaviy xususiyatlari umumiy strategik va qisman taktik samaradorlik tadbirkorlikning tashkiliy-iqtisodiy xususiyatlari, xususan, iqtisodiy salohiyati bilan belgilanadi. O‘zbekiston Respublikasi iqtisodiyotida boshqaruvning, tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirishning mavjud tashkiliy-iqtisodiy modeli shunday qurilganki, u butun iqtisodiyot uchun sanoatning ustuvor qiymatini samarali qo‘llab-quvvatlaydi, chunki so‘nggi yillarda o‘rtacha, yalpi ichki mahsulotning qariyb 50,0 foizi ushbu tarmoqda yaratilgan.

Huddi shu kabi Namangan viloyatida ham 2010 yilda yalpi hududiy mahsulotdagi ulushi 65,6 %ga teng bo‘lgan bo‘lsa 2023 yilga kelib bu ko‘rsatkich 2010 yilga nisbatan 14,6 %ga kamaygan bo‘lsada yalpi hududiy mahsulotdagi ulushi 51,0 %ni tashkil etdi.

Tadbirkorlik mexanizmlari va salohiyati jahon bozori kon’yunkturasini

qondirishga qaratilgan, chunki sanoat ishlab chiqarish tuzilmasi bo‘yicha milliy oziq-ovqat xavfsizligini kafolatlash, qishloq xo‘jaligidan kelib chiqadigan qayta tiklanuvchi energiya manbalarini ishlab chiqarish va iste'mol qilish tizimini rivojlantirish orqali energiya xavfsizligini mustahkamlash uchun zarur shart-sharoitlarni shakllantirish asosida eksportga yo‘naltirilganligi bilan izohlanadi.

Biz ushbu uch yo‘nalishni maqsadli yondashuv bo‘yicha tadbirkorlikni amalga oshirishning ustuvor yo‘nalishlarining asosiy tashkiliy-iqtisodiy tavsifi deb bilamiz. Funktsional jihatdan iqtisodiyotdagi tadbirkorlik sohasi bu vazifalarni juda muvaffaqiyatli hal qilmoqda. Ushbu tadqiqot doirasida biz turli xil tashkiliy-huquqiy shakldagi korxonalar misolida agrosanoat majmuasida tadbirkorlikni boshqarish natijalarini taqdim etish amaliyotini, shuningdek hajmini tahlil qilamiz.

Miqdoriy jihatdan sub'ektlar tuzilmasining dinamikasi ular sonining ko‘payishiga mos keladi, bu sanoatning investitsion jozibadorligini va tadbirkorlik faoliyati uchun motivatsiyaning bosqichma-bosqich va tizimli o‘sishini anglatadi. Yakka tartibdagi tadbirkorlar sonini ko‘paytirish yo‘nalishidagi o‘zgarishlar, ya’ni fermer xo‘jaliklarining iqtisodiyotning yashirin sektoridan chiqishiga alohida e’tibor qaratilmoqda. Tashkiliy jihatdan agrosanoat majmui, xususan, qishloq xo‘jaligi, baliqchilik va turdosh tarmoqlardagi xo‘jalik yurituvchi subyektlar tarkibiga korxonalar va yakka tartibdagi tadbirkorlar kiradi (2.1.1-jadval).

**2.1.1-jadval**

**Namangan viloyati qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligiga tegishli xizmatlarni ko‘rsatishda xo‘jalik yurituvchi sub'ektlar sonining o‘zgarishining tarkibiy dinamikasi**

| Yillar - o‘zgarishlar | Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning umumiy soni, birlik | Shu jumladan | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Korxonalar | | Fermer va jismoniy shaxslar tadbirkorligi | |
| | | Birlik | % | Birlik | % |
| 2010 | 15369 | 1001 | 6,5 | 14368 | 93,5 |
| 2015 | 8139 | 1303 | 16 | 6836 | 84 |
| 2020 | 9161 | 1872 | 20,4 | 7289 | 79,6 |
| 2021 | 9889 | 2619 | 26,5 | 7270 | 73,5 |
| 2022 | 10128 | 2822 | 27,9 | 7306 | 72,1 |
| 2023 | 9420 | 3259 | 34,6 | 6161 | 65,4 |
| **O‘tgan yilga nisbatan - iqtisodiy faoliyat turlari bo‘yicha:** | | | | | |
| 2021 | 728 | 747 | 6,1 | -19 | -6,1 |
| 2022 | 239 | 203 | 1,4 | 36 | -1,4 |
| 2023 | -708 | 437 | 6,7 | -1145 | -6,7 |

Xususan, Namangan viloyati qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligiga tegishli xizmatlarni ko‘rsatishda xo‘jalik yurituvchi sub'ektlar sonini 2023 yilda 2022 yilga nisbatan 708 taga kamayishi kuzatildi. Kuzatilayotgan qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligiga tegishli xizmatlarni ko‘rsatishda xo‘jalik yurituvchi sub'ektlar soni 2010 yilda eng yuqori ko‘rsatkichga ega bo‘lib 15369 tani tashkil etgan. Ammo, 2010-2023 yillarda ushbu ko‘rsankich tendensiyasiga e’tibor

qaratadigan bo‘lsak, o‘sish va kamayishdan iborat bo‘lib egri chiziqni ifoda etadi.

Bu borada, Namangan viloyatida faoliyat ko‘rsatayotgan qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligiga tegishli xizmatlarni ko‘rsatishda xo‘jalik yurituvchi sub'ektlar soni tarkibida fermer va jismoniy shaxslar tadbirkorligi 2020-2023 yillarda o‘rtacha 78,0 %ni tashkil etgan bo‘lib bu ko‘rsatkich yillar o‘tishi bilan o‘z ustunlini qishloq xo‘jalik korxonalariga o‘tkazayotganligi kuzatiladi( 2010 yilda-93,5 %, 2023 yilda - 65,4 %). Shu tariqa, tadbirkorlikning tashkiliy tuzilmasi agrosanoat bozori ishtirokchilari sub’ekti vakilligining har ikki tarmog‘ida ham jadal rivojlanmoqda, bu ham tegishli ravishda mahalliy bozorlarni qamrab olish bilan bog‘liq. Korxonalarning tashkiliy-iqtisodiy xarakteristikalarini amalda ko‘rsatish ularning iqtisodiy faoliyat turlari bo‘yicha tarkibining o‘zgarishi bilan bog‘liq (2.1.2-jadval).

**2.1.2-jadval**

**2020-2023 yillarda Namangan viloyati qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligiga tegishli xo‘jalik yurituvchi sub'ektlarda don va boshqa mahsulotlar yetishtirish hajmi**

| Iqtisodiy faoliyat turlari | O‘zgarishlar - o‘tgan yilga nisbatan | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2020 | | 2021 | | 2022 | | 2023 | |
| | Mahsulot hajmi | O‘sish sur’ati | Mahsulot hajmi | O‘sish sur’ati | Mahsulot hajmi | O‘sish sur’ati | Mahsulot hajmi | O‘sish sur’ati |
| Qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligiga tegishli xizmatlar, mlrd.so‘m | 19827,9 | 104,0 | 23654,5 | 106,6 | 27640,8 | 105,0 | 32824,7 | 104,5 |
| Don ekinlari (sholidan tash-qari), dukkakli va moyli ekinlar yetishtirish, tonna | 530765,0 | 106,9 | 590941,0 | 111,3 | 643046,0 | 108,8 | 678090,0 | 105,4 |
| Sholi yetishtirish, tonna | 12690,8 | 101,0 | 20294,1 | 102,3 | 21578,7 | 104,6 | 22863,3 | 106,2 |

2020-2023 yillarda Namangan viloyati qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligiga tegishli korxonalarida jami ko‘rsatilgan xizmatlar hajmi o‘rtacha 25987,0 mlrd. so‘mga teng bo‘lib bunda 2020 yilda 19827,9 mlrd. so‘mga va 2023

yilda bu ko‘rsatkich 2022 yilga nisbatan 4,5 %ga o‘sib 32824,7 mlrd. so‘mga yetdi.

Tahlil natijalarida ko‘rinib turganidek, bunday ijobiy natijalarga qishloq, o‘rmon va baliqchilik xo‘jaligiga tegishli xizmatlarni ko‘rsatish korxonalarida erishilgan bo‘lsada, viloyatda ushbu yo‘nalishda faoliyat ko‘rsatayotgan fermer va jismoniy shaxslar tadbirkorligida aksincha holat kuzatildi.

**Xulosa**

Katta kompaniyalar bilan solishtirganda, kichik korxonalar bozorga tezroq moslashadi va o‘z mahsulotlarini bozorga muvaffaqiyatli chiqarishda bir qancha afzalliklarga ega. Kichik korxonalar o‘z faoliyatini tor ishlab chiqarish dasturlariga, ilg‘or texnologiyalarga, kam ilmiy talab qiladigan mahsulotlarni ishlab chiqarishga tez moslashtiradi va bozor asoslarini tez o‘zlashtiradi. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik hamda ularga bog‘liq barcha narsalar zamonaviy ijtimoiy ishlab chiqarishning tashkiliy tuzilmasining muhim va tarkibiy qismidir. Shu sababli, mamlakatimiz iqtisodiyotini rivojlantirishda kichik biznes va xususiy tadbirkorlikka katta e'tibor qaratiladi va ular davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanadi. Xususiy tadbirkorlik va kichik biznes ilmiy-texnik taraqqiyotning tezlashishi, sanoatning ilg‘or tarmoqlarida yangi texnologiyalarga o‘tish sharoitida o‘z o‘rnini topmoqda. Bunday tadbirkorlik yangi axborot texnologiyalari, yangi g‘oyalar va ishlab chiqarishni modernizatsiya qilish bilan shug‘ullanuvchi tizimning ajralmas qismi hisoblanadi. Shuningdek, kichik korxonalar yuqori xavf sharoitlarida afzal ko‘riladigan ishlab chiqarish shakllaridan biridir. Kichik korxonalar texnologik innovatsiyalarni joriy qilishda ham juda muhim rol o‘ynaydi. Katta korxonalarga qaraganda, kichik biznes yangi texnologik g‘oyalarni tezroq qabul qiladi, bu erda xavf kamroq bo‘lib, keng ko‘lamli ishlab chiqarishga qaraganda ishni tezroq boshlash imkoniyati mavjud. Bu bizning sharoitimizda ilmiy-texnik taraqqiyotning rivojlanishiga yordam berishi mumkin.

## Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O‘zbekiston Respublikasining “Tadbirkorlik faoliyati erkinligining kafolatlari to‘g‘risida”gi O‘Zbekiston Respublikasi

Qonuniga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish haqida” 02.05.2012 yildagi O‘RQ-328-son Qonuni, https://lex.uz/docs/-2006789

2. Охота Ю. В. Предпринимательская деятельность в аграрном секторе: сущность, организационно правовая форма и другие основные аспекты. Эффективная экономика. 2018. №3. URL: http://www.economy.nayka.com.ua /pdf/3_2018/153.pdf (дата обращения: 15.08.2020 г.)

3. Rezaei-Moghaddam K., Izadi H. Entrepreneurship in small agricultural quick-impact enterprises in Iran: development of an index, effective factors and obstacles. Journal of Global Entrepreneurship Research. –2019. –№ 9. –P. 17. DOI: https://doi.org/10.1186/s40497-018-0133-3.

4. O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik Kodeksi 01.03.1997 https://lex.uz/docs/-180552; O‘zbekiston Respublikasining Iqtisodiy protsessual Kodeksi. 01.04.2018 https://lex.uz/acts/-3523891

5. O‘zbekiston Respublikasining “Mas’uliyati cheklangan hamda qo‘shimcha mas’uliyatli jamiyatlar to‘g‘risida” 01.03.2002-y. Qonuni. https://lex.uz/docs/-

22525.
6. O‘zbekiston Respublikasining “Aksiyadorlik jamiyatlari va aksiyadorlarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida” 26.04.1996 yildagi 223-I-son Qonuni. https://lex.uz/docs/-6567
7. Науменко А. А. Государственное регулирование агропромышленного комплекса Украины. Ученые записки ТНУ им. В. И. Вернадского. Серия: Государственное управление. 2019. Т. 30(69), №4. С. 93-97. DOI: https://doi.org/10.32838/2663-6468/2019.4/17.
8. Малик М. И., Шпикуляк О. Г. Развитие аграрного предпринимательства в условиях институциональных трансформаций Экономика АПК. 2017. №2. С. 5-16.
9. Lopatyuk R. I., Biletska N. V. Effective provision production of agricultural enterprises. Economy. Management. Business. 2015. No. 1 (11). P. 189-193.

**Ismoilova Nodirabegim Abdumo‘min qizi** - O‘zbekiston Milliy Universiteti magistranti, tel: 94 422 99 12, e-mail: ismoilovanodirabegim@gmail.com

## MAKROIQTISODIY BARQARORLIKNI TA’MINLASHDA PUL-KREDIT SIYOSATINING TA’SIRI: TAHLIL VA MATEMATIK MODELLASHTIRISH

**Annotatsiya:** Makroiqtisodiy barqarorlik iqtisodiyotning umumiy barqarorligi, iqtisodiy o‘sish, ish o‘rinlari va narxlar barqarorligini ta’minlashni anglatadi. Pul-kredit siyosati esa davlatning iqtisodiy faoliyatini tartibga solish uchun qo‘llaniladigan muhim vositalardan biridir. Ushbu tadqiqotda pul-kredit siyosatining makroiqtisodiy barqarorlikka ta’siri tahlil qilinadi va matematik modellar yordamida ko‘rsatkichlar o‘rtasidagi munosabatlar o‘rganiladi.

**Kalit so‘zlar:** pul-kredit siyosati, inflatsiya, iqtisodiy o‘sish, ishsizlik darajasi, investitsiya

**Аннотация:** Макроэкономическая стабильность подразумевает общую стабильность экономики, экономический рост, занятость и стабильность цен. Денежно-кредитная политика является одним из важных инструментов регулирования экономической деятельности государства. В данном исследовании анализируется влияние денежно-кредитной политики на макроэкономическую стабильность и изучается взаимосвязь между показателями с использованием математических моделей.

**Ключевые слова:** денежно-кредитная политика, инфляция, экономический рост, уровень безработицы, инвестиции, процентные ставки.

**Abstract:** Macroeconomic stability refers to the overall stability of the economy, economic growth, employment and price stability. Monetary policy is one of the important tools used to regulate the economic activity of the state. In this study, the impact of monetary policy on macroeconomic stability is analyzed and the relationship between indicators is studied using mathematical models.

**Key words:** monetary policy, inflation, economic growth, unemployment rate, investments.

**1. Pul-kredit siyosatining mohiyati**

Pul-kredit siyosati, asosan, Markaziy bank tomonidan amalga oshiriladi. Uning asosiy maqsadi pul ta’minoti va foiz stavkalarini boshqarishdir. Bu siyosatning asosiy instrumentlari:

- **Foiz stavkalarini o‘zgartirish**: Pul ta’minoti va kreditlar narxini belgilaydi.
- **Ochiq bozor operatsiyalari**: Davlat obligatsiyalarini sotib olish yoki sotish orqali pul miqdorini boshqarish.
- **Zaxira talablarini belgilash**: Banklarning o‘z mijozlariga berishi mumkin bo‘lgan kreditlar miqdorini cheklash.

**2. Pul-kredit siyosatining ta’siri**

**2.1. Inflatsiya**

Pul-kredit siyosati inflatsiya darajasiga bevosita ta’sir ko‘rsatadi. Foiz stavkalari oshirilganda, iste'mol va investitsiyalar kamayadi, bu esa narxlarning o‘sishini sekinlashtiradi. Aksincha, foiz stavkalarining pasayishi, investitsiyalar va iste'molni oshiradi va bu inflatsiyani keltirib chiqarishi mumkin.

**2.2. Iqtisodiy o‘sish**

Pul-kredit siyosati iqtisodiy o‘sish sur’atlariga ham ta’sir qiladi. Past foiz stavkalari biznes uchun kredit olishni osonlashtiradi va bu investitsiyalarning oshishiga olib keladi. Natijada, iqtisodiy o‘sish tezlashadi.

**2.3. Ishsizlik darajasi**

Pul-kredit siyosati ish o‘rinlari yaratish va ishsizlikni kamaytirishda muhim rol o‘ynaydi. Past foiz stavkalari orqali iqtisodiyotning o‘sishi ish o‘rinlari sonini oshiradi va ishsizlikni kamaytiradi.

**3. Matematik modellashtirish**

**3.1. Modelni qurish**

Matematik model sifatida quyidagi oddiy ekonometric modelni keltirish mumkin:

$$Y_t = \beta_0 + \beta_1 I_t + \beta_2 R_t + \beta_3 U_t + \epsilon_t$$

Bu yerda:

- $Y_t$ - iqtisodiy o‘sish (real Yalpi mahsulot);
- $I_t$ - investitsiyalar;
- $R_t$ - foiz stavkalari;
- $U_t$ - ishsizlik darajasi;
- $\epsilon_t$- xatolik.

**3.2. Modelni baholash**

Modelni baholash uchun vaqt seriyalari va regression tahlil usullaridan foydalanish mumkin. Ko‘p hollarda, OLS (Oddiy eng kichik kvadratlar) usuli qo‘llaniladi.

**4. Natijalar**

Tahlil natijalari, odatda, pul-kredit siyosati va iqtisodiy ko‘rsatkichlar o‘rtasidagi ijobiy yoki salbiy munosabatlarni ko‘rsatadi. Misol uchun, foiz stavkalari

pasayishi investitsiyalarni oshirishga yordam beradi, natijada iqtisodiy o‘sish sur’ati oshadi.

**5. Xulosa**

Makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda pul-kredit siyosatining ta’siri katta ahamiyatga ega. Matematik modellashtirish orqali ushbu ta’sirlarni aniqlash va tahlil qilish iqtisodiy siyosatni yanada samarali qilishga yordam beradi. Keltirilgan model va tahlil usullari iqtisodiy siyosatni shakllantirishda muhim vositalar bo‘lishi mumkin. Ushbu tadqiqot makroiqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda pul-kredit siyosatining muhimligini va uning matematik modellar yordamida tahlilini ko‘rsatdi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Mankiw, N. G. (2014). *Principles of Economics*.
2. Blanchard, O., & Johnson, D. R. (2013). *Macroeconomics*.
3. Taylor, J. B. (1993). "Discretion versus Policy Rules in Practice." *Carnegie-Rochester Conference Series on Public Policy*.

**Ismoilova Nodirabegim Abdumo‘min qizi** - O‘zbekiston Milliy Universiteti magistranti, 944229912, ismoilovanodirabegim@gmail.com

## O‘ZBEKISTONDA PUL KREDIT SIYOSATI: MUAMMOLAR VA ISTIQBOL

**Annotatsiya:** O‘zbekistonning iqtisodiy rivojlanishiga erishishda pul kredit siyosati muhim rol o‘ynaydi. Bu siyosat iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirish, inflyatsiyani nazorat qilish, bank tizimining barqarorligini ta’minlash, shuningdek, xususiy sektorning rivojlanishini qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan. Biroq, O‘zbekistonda pul kredit siyosati bilan bog‘liq bir qator muammolar mavjud bo‘lib, ularni hal qilish iqtisodiyotga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin. O‘zbekistonda pul kredit siyosati, hozirgi holatda samarali bo‘lsada, iqtisodiy o‘sishni yanada tezlashtirish va barqarorlikni ta’minlash uchun bir qator qiyinchiliklarni bartaraf etishni va chora-tadbirlarni amalga oshirishni talab qiladi.

**Kalit so‘zlar:** Pul-kredit, pul-kredit siyosati muammolari, pul-kredit siyosati maqsadi, pul kredit siyosatining kelajagi, markaziy bank, xalqaro valyuta.

**Аннотация:** Денежно-кредитная политика играет важную роль в обеспечении экономического развития Узбекистана. Эта политика направлена на стимулирование экономического роста, контроль над инфляцией, обеспечение стабильности банковской системы, а также поддержку развития частного сектора. Однако существует ряд проблем, связанных с денежно-кредитной политикой Узбекистана, решение которых может оказать положительное влияние на экономику. Хотя денежно-кредитная политика в Узбекистане в настоящее время эффективна, она требует устранения ряда трудностей и реализации мер по дальнейшему ускорению экономического роста и обеспечению стабильности.

**Ключевые слова:** Деньги и кредит, проблемы денежно-кредитной

политики, цель денежно-кредитной политики, будущее денежно-кредитной политики, центральный банк, международная валюта.

**Abstract:** Monetary and credit policy plays an important role in achieving the economic development of Uzbekistan. This policy is aimed at stimulating economic growth, controlling inflation, ensuring the stability of the banking system, as well as supporting the development of the private sector. However, there are a number of problems related to monetary and credit policy in Uzbekistan, the solution of which can have a positive effect on the economy. Although the monetary and credit policy in Uzbekistan is currently effective, it requires the elimination of a number of difficulties and the implementation of measures to further accelerate economic growth and ensure stability.

**Key words:** Money and credit, problems of monetary policy, goal of monetary policy, future of monetary policy, central bank, international currency.

**Pul-kredit siyosati.** Pul-kredit siyosati - Markaziy bank tomonidan amalga oshiriladigan va iqtisodiyotda narxlar barqarorligini ta’minlashga qaratilgan chora-tadbirlar majmui.

**Pul-kredit siyosatining maqsadi.** Pul-kredit siyosatining maqsadi - iqtisodiyotda narxlar barqarorligini ta’minlash. Markaziy bank inflyatsiyani past va barqaror darajada bo‘lishini ta`minlash orqali aholi daromadlarining qadrsizlanishini oldini olishga hamda barqaror inklyuziv iqtisodiy o’sishga zaruriy sharoitlar yaratadi.

**O‘zbekistonda pul kredit siyosatining hozirgi holati:**

- Pul-kredit siyosati vositalari (asosiy stavka, rezerv talablari, ochiq bozor operatsiyalari, kreditlash siyosati) va ularning samaradorligi.
- Iqtisodiy o‘sish, inflyatsiya va bank tizimining barqarorligi bo‘yicha hozirgi yutuqlar va kamchiliklar.

**O‘zbekistonda pul kredit siyosati bilan bog‘liq muammolar:**

***Markaziy bankning mustaqilligi va siyosiy ta’sirlar.***

O‘zbekistonda pul-kredit siyosati samaradorligi va iqtisodiyotga ijobiy ta’sirini ta’minlashda Markaziy bankning mustaqilligi hal qiluvchi omil hisoblanadi. Biroq, amalda siyosiy ta’sirlar va Markaziy bankning mustaqilligi bilan bog‘liq muammolar mavjud bo‘lib, bu siyosatning samaradorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

**Markaziy bankning mustaqilligi bo‘yicha muammolar:**

**Siyosiy aralashuv:** Hukumatning pul-kredit siyosati bilan bog‘liq qarorlarga aralashishi, Markaziy bankning mustaqil tarzda ish olib borishiga to‘sqinlik qiladi. Masalan, hukumat Markaziy bankdan o‘zining qisqa muddatli moliyaviy manfaatlarini ta’minlash maqsadida inflyatsiya darajasini pasaytirish yoki kreditlarni kengaytirish bo‘yicha bosim o‘tkazishi mumkin.

**Shaffoflikning etishmasligi:** Markaziy bankning mustaqilligi bilan bog‘liq qonunchilik va me’yorlar aniq va shaffof bo‘lmaganligi, siyosiy aralashuvlarni osonlashtiradi.

**Markaziy bankning boshqaruv tizimidagi kamchiliklar:** Markaziy bankning boshqaruv tizimida hukumatning kuchli ta’siri mavjud bo‘lishi, bankning mustaqilligiga tahdid soladi. Masalan, Markaziy bank rahbarlarini tayinlash va bo‘shatishda hukumatning roli kuchli bo‘lishi mumkin.

**Siyosiy ta’sirlarning salbiy oqibatlari:**

**Inflyatsiyani boshqarishda qiyinchiliklar:** Siyosiy aralashuv tufayli inflyatsiya darajasini nazorat qilish qiyinlashadi, bu esa iqtisodiy barqarorlikka xavf tug‘diradi.

**Kreditlash siyosatining samaradorligi pasayishi:** Markaziy bankning mustaqil ravishda kreditlash siyosatini shakllantirishga imkoniyati cheklanganligi, iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirish va xususiy sektorni rivojlantirishga salbiy ta’sir ko‘rsatadi.

**Bank tizimining barqarorligi bilan bog‘liq xavflar:** Siyosiy aralashuv bank tizimining barqarorligiga tahdid solib, moliyaviy inqirozlarga olib kelishi mumkin.

- ***Bank tizimining xususiylashtirilmaganligi va raqobatning etishmasligi.***

O‘zbekistonda pul-kredit siyosati samaradorligini oshirish va iqtisodiyotni rivojlantirish uchun bank tizimini xususiylashtirish va raqobatni kuchaytirish zarur. Hozirgi holatda bank tizimining xususiylashtirilmaganligi va raqobatning etishmasligi bir qator muammolarni keltirib chiqaradi:

**Bank tizimining xususiylashtirilmaganligi bilan bog‘liq muammolar:**

**Samaradorlikning pastligi:** Davlatga tegishli banklarning samaradorligi past bo‘ladi, chunki ular moliyaviy ko‘rsatkichlarga emas, balki siyosiy maqsadlarga ko‘proq e’tibor beradi.

**Kreditlashning shaffofligi va ochiqligi bilan bog‘liq muammolar:** Davlatga tegishli banklarning kreditlash siyosati shaffof bo‘lmaganligi va ochiqligi yetarli emasligi, korrupsiya va nepotizm xavfini oshiradi.

**Raqobatning etishmasligi:** Bank tizimining xususiylashtirilmaganligi raqobatni kamaytiradi, bu esa banklarning xizmat sifatini pasaytiradi va kreditlarni qimmatlashtiradi.

**Raqobatning etishmasligi bilan bog‘liq muammolar:**

**Kreditga kirishning qiyinligi:** Bank tizimida raqobatning etishmasligi kichik va o‘rta bizneslarning kreditga kirishini qiyinlashtiradi.

**Kreditlash stavkalarining yuqori bo‘lishi:** Raqobatning etishmasligi kreditlash stavkalarining yuqori bo‘lishiga olib keladi, bu esa iqtisodiy o‘sishni sekinlashtiradi.

**Inovativ xizmatlarning etishmasligi:** Bank tizimida raqobatning etishmasligi inovativ xizmatlarning etishmasligiga va texnologiyalarning kechikishga olib keladi.

**Bank tizimini xususiylashtirish va raqobatni kuchaytirishning afzalliklari:**

**Samaradorlikni oshirish:** Banklarning xususiylashtirilishi ularning moliyaviy ko‘rsatkichlariga e’tibor berishga va samaradorlikni oshirishga olib keladi.

**Kreditlashning shaffofligi va ochiqligi:** Xususiy banklar kreditlash siyosatida shaffoflik va ochiqlikni ta’minlaydi, bu esa korrupsiya va nepotizmni kamaytiradi.

**Kreditga kirishning osonlashishi:** Raqobatning kuchayishi kichik va o‘rta bizneslarning kreditga kirishini osonlashtiradi va kreditlash stavkalarini pasaytiradi.

**Inovativ xizmatlarning rivojlanishi:** Raqobat banklarga innovativ xizmatlarni taqdim etishga va texnologiyalarni joriy qilishga undaydi.

**Bank tizimini xususiylashtirish va raqobatni kuchaytirish bo‘yicha tavsiyalar:**

**Banklarni xususiylashtirish jarayonini tezlashtirish:** Davlatga tegishli banklarni xususiy investorlarga sotish, raqobatni kuchaytirishga va samaradorlikni oshirishga yordam beradi.

**Raqobatni kuchaytirish bo‘yicha qonun hujjatlarini takomillashtirish:** Bank tizimidagi raqobatni kuchaytirishga yo‘naltirilgan qonun hujjatlarini qabul qilish kerak, masalan, banklarning kirish to‘siqlarini kamaytirish va ularga yangi xizmatlarni taqdim etishga imkon berish.

**Markaziy bankning nazorat qilish faoliyatini kuchaytirish:** Markaziy bank xususiy banklar faoliyatini nazorat qilishni kuchaytirish va moliyaviy barqarorlikni ta’minlash kerak.

Bank tizimini xususiylashtirish va raqobatni kuchaytirish O‘zbekistonda pul-kredit siyosatini samaraliroq qilish va iqtisodiy o‘sishni tezlashtirish uchun zarur choralardir.

- *Kichik va o‘rta biznes uchun kreditga kirishning qiyinligi.*
- *Kreditlashning shaffofligi va ochiqligi bilan bog‘liq muammolar.*
- *Inflyatsiya nazorati bilan bog‘liq qiyinchiliklar.*

**O‘zbekistonda pul kredit siyosatini takomillashtirish yo‘llari:**

- Markaziy bankning mustaqilligini oshirish.
- Bank tizimini xususiylashtirishni tezlashtirish.
- Kichik va o‘rta biznes uchun kreditga kirish imkoniyatlarini kengaytirish.
- Kreditlashda shaffoflik va ochiqlikni oshirish.
- Kreditlashda raqobatni kuchaytirish.
- Inflyatsiyani nazorat qilishga yo‘naltirilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish.
- Rivojlangan mamlakatlarning pul kredit siyosati tajribasi asosida O‘zbekistonning siyosatini takomillashtirish.

**O‘zbekiston pul kredit siyosatining kelajagi:**

- Global moliyaviy inqirozlarning o‘zbekiston pul kredit siyosatiga ta’siri.
- O‘zbekiston iqtisodiyotining globallashuvi va pul kredit siyosatiga ta’siri.
- O‘zbekiston pul kredit siyosati rivojlanishining istiqbolli yo‘llari.

**Xulosa:**

O‘zbekistonning pul kredit siyosati iqtisodiy o‘sishga erishish va barqarorlikni ta’minlash uchun muhim rol o‘ynaydi. Muammolarni hal qilish va takomillashtirish yo‘llarini amalga oshirish orqali O‘zbekistonning pul kredit siyosati yanada samaraliroq va iqtisodiyotga ijobiy ta’sir ko‘rsatuvchi bo‘lishi mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. *Cbu.uz* O‘zbekiston Markaziy bankining veb-sayti
2. *http://www.worldbank.org*/Jahon bankining O‘zbekiston haqidagi hisobotlari

3. Xalqaro valyuta jamg‘armasining O‘zbekiston haqidagi hisobotlari
4. *Stat.uz* O‘zbekiston Davlat Statistika Qo‘mitasi veb sayti

**Abdumannonov Bekzod Maxsudovich -** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti “Menejment” kafedrasi assistenti
**Халилов Жахангир Жалолович -** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг лойиҳа бошқаруви тингловчиси
**Jumaboyeva Sevinch Husniddin qizi -** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti “Buxgalteriya hisobi va menejment” fakulteti mn-123 guruh talabasi

## IJTIMOIY TARMOQLARDAN FOYDALANISH ETIKASI

Ijtimoiy tarmoqning foydali va zararli tomonlari haqida qisqacha fikrlar mavjud. Ularning foydalanuvchilariga qo‘l kelayotgan funksiyalar, shuningdek uning yaratilish tarixi, hamda ijtimoiy tarmoqlardan qanday foydalanish kerakligi haqida yoritib beriladi.

Axborot asrida zamonaviy texnologiyalar hayotimizga tobora ko‘proq kirib bormoqda.Nafaqat texnologiyalar balki turli ijtimoiy tarmoqlar ham rivojlanmoqda. Tan olishimiz kerakki, ushbu vazayit insonlar hayotiga ko‘plab qulayliklar va yengilliklar olib kelmoqda. Misol uchun, turli xil yangiliklardan tezda habardor bo‘lishyabdi, shuningdek aloqa va muloqot qilish imkonyatini, ma`lumot va bilimlar o‘rganishni bizness va reklama kabi sohalarni samarali rivojlanishiga xissa qo‘shmoqda.

Hamma narsaning ijobiy tomoni bo‘lgani kabi salbiy tomoni ham mavjud. Masalan, hatto bog‘cha tarbiyalanuvchisi ham mobil telefondan, undagi ilovalar va internetdan foydalanishni o‘rganib olmoqda. Insonlar orasida asosiy va eng ko‘p vaqtini mobil aloqa vositasi bilan o‘tkazayotganlar ham ko‘payib ketmoqda. Kelajak hayotni internet va hali kashf etilmagan yuqori texnologiyalarsiz tasavvur etib bo‘lmaydi. Ammo, bu zamon talabi deya, zamonaviy texnalogiyalarga ham mukkasidan ketish yaramaydi. Hayotiy olib qaraganda bu yalqovlik, dangasalik, loqaydlikka ham sabab bo‘lmoqda.

Umumiy qilib ijtimoiy tarmoq haqida bir tarix mavjud. 1803-1869-yillarda yashagan XIX asr rus yozuvchisi, faylasufi va jamoat arbobi Vladimir Odoyevskiy o‘zining 1835-yilda yozilgan „4338-yil“ tugallanmagan utopik romanida zamonaviy bloglar va umuman internetning paydo bo‘lishini bashorat qilgan edi. Unda aytilishicha, „tanish uylar o‘rtasida magnit telegraflar joylashgan bo‘lib, ular orqali uzoq masofada yashovchilar bir-biri bilan gaplashadi“, shuningdek, „ko‘p xonadonlarda, ayniqsa yaxshi tanish bo‘lganlar o‘rtasida“ nashr etiladigan "uy gazetalari " haqida: bu gazetalar "oddiy yozishmalar o‘rnini bosadi ", ularda „odatda egalarining sog‘lig‘i yoki kasalligi haqida xabarlar va uydagi boshqa yangiliklari, so‘ngra turli fikrlar, mulohazalar, kichik ixtirolar, shuningdek, qachon tushlikka chaqirilishi, ba’zan esa menyu o‘rin oladi“

1. 0000 Internet i blogi predskazal Vladimir Odoevskiy v 1837 godu — Лента.ру, 3.10.2005

Yuqorida aytib o‘tilgan ijtimoiy tarmoqdan foydalanishning ham o‘z etikasi mavjud. Buni men sizlarga sodda qilib tushuntirib berishga harakat qilaman. Kundalik hayotda deyarli barcha telegram ijtimoiy tarmog‘idan foydalanadi. Foydalanuvchilar o‘z profiliga turli rasmlar qo‘yishadi, uni kuzatuvchilar o‘sha profiliga qarab foydalanuvchining qanaqa inson ekanini bilib olishadi.

Instagram ijtimoiy tarmog‘ida ham xuddi shunday holatni kuzatishimiz mumkun. Ushbu ijtimoiy tarmoqda hikoya joylash mavjud. Joylagan hikoyasini ko‘rib foydalanuvchining qanday ahvolda ekanligini bilib olsak bo‘ladi. Ammo hardoim ham emas.

Ijtimoiy tarmoqlardan foydalanish etikasiga quyidagi muhum tamoyillar kiradi:

1. Hurmat. Boshqa foydalanuvchilarni hurmat qilish, ularning fikrlarini va qarorlarini qabul qilish.
2. Maqsadli va to‘g‘ri axborot tarqatish. Ijtimoiy tarmoqlarda tarqatiladigan axborot aniq, to‘g‘ri va asosli bo‘lishi kerak.
3. Shaxsiy hayotni hurmat qilish. Boshqalarning shaxsiy hayotiga aralashmaslik va ularning ruxsatisiz shaxsiy ma`lumotlarni tarqatmaslik.
4. Savodxonlik va mas’ulyat. Foydalanuvchilar o‘zlarining ijtimoiy tarmoqlarda faoliyatlari uchun mas’ulyatli bo‘lishlari kerak.
5. Zarar yetkazmaslik. Boshqalarga zarar yetkazuvchi, kamsituvchi yoki zararli xulq-atvorlarni oldini olish.

Umuman olganda yuqorida aytib o‘tilgan qoidalarning buzilishiga, kundalik hayotimizda ham duch kelamiz.

**Kuldoshev Lazizjon -** SamISI stajyor tadqiqotchisi
**Tursunov Vohid -** SamDU Kattaqo‘rg‘on filiali 4- kurs talabasi

## O‘ZBEKISTONDA XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINI RIVOJLANTIRISH: IMKONIYATLAR VA ISTIQBOLLAR

**Annotatsiyasi:** Maqolada o‘zbekistonda xizmatlar ko‘rsatish iqtisodiyoti tarmog‘ining rivojlanish dinamikasi, iqtisodiyotdagi o‘rni, yalpi ichki mahsulot tarkibidagi ulushi, xizmat ko‘rsatish sohasidagi asosiy tarmoqlar atroflicha o‘rganilgan.

**Аннотация:** В статье подробно изучена динамика развития сети сферы услуг в Узбекистане, ее роль в экономике, ее доля в валовом внутреннем продукте, а также основные отрасли сферы услуг.

**Abstract:** The article studies in detail the dynamics of the development of the service sector network in Uzbekistan, its role in the economy, its share in the gross domestic product, as well as the main branches of the service sector.

**Kalit so‘zlar:** Xizmat ko‘rsatish sektori, yalpi ichki mahsulot, ko‘rsatkich, Xizmatlarning eksport, Turizm xizmatlari, Moliya va bank sektori, Xizmat ko‘rsatish sohasida sarmoyalar.

**Ключевые слова:** Сектор услуг, валовой внутренний продукт, показатель, Экспорт услуг, Туристические услуги, Финансово-банковский

сектор, Инвестиции в сферу услуг.

**Key words:** Service sector, gross domestic product, indicator, Export of services, Tourist services, Financial and banking sector, Investments in the service sector.

O‘zbekiston iqtisodiyoti so‘nggi yillarda jadal rivojlanish yo‘lidan bormoqda va bu jarayonda xizmatlar sektori alohida e’tiborga sazovor. Xizmat ko‘rsatish tarmog‘i zamonaviy iqtisodiyotning ajralmas qismi bo‘lib, nafaqat yalpi ichki mahsulot (YaIM)dagi ulushi bilan, balki bandlik darajasini oshirish, eksportni kengaytirish va iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashdagi roli bilan ham ahamiyatlidir.

Xizmat ko‘rsatish sohasi iqtisodiyotning muhim tarmoqlaridan biri bo‘lib, aholining turmush darajasini oshirishda, iqtisodiy o‘sishni ta’minlashda va bandlikni ko‘paytirishda muhim rol o‘ynaydi. O‘zbekiston iqtisodiyotida xizmat ko‘rsatish sektorini rivojlantirish mamlakatni iqtisodiy jihatdan modernizatsiya qilish va diversifikatsiya qilishning muhim omillaridan biri hisoblanadi.

O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatish sohasi oxirgi yillarda sezilarli ravishda rivojlanib bormoqda. Bu sohada axborot texnologiyalari, moliya, ta’lim, sog‘liqni saqlash, transport va turizm kabi tarmoqlar eng katta ulushni egallaydi. Xizmat ko‘rsatish sektorining yalpi ichki mahsulot (YaIM)dagi ulushi yil sayin oshib borayotgani iqtisodiyotning diversifikatsiyalashuvini tasdiqlaydi.

O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatish sohasining umumiy holati va ko‘rsatkichlari mamlakat iqtisodiyotining diversifikatsiyalashuvi jarayonida tobora muhim o‘rin egallamoqda. Xizmat ko‘rsatish sektori iqtisodiy o‘sishning muhim drayverlaridan biri sifatida hisoblanadi, chunki u nafaqat turli tarmoqlardagi ish o‘rinlarini yaratadi, balki ichki bozor talabini oshirish va eksport imkoniyatlarini kengaytirishga ham xizmat qiladi. Quyida sohaning holati va asosiy ko‘rsatkichlari haqida batafsil ma’lumot keltiriladi.

O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatish sektori yalpi ichki mahsulot (YaIM)ning katta qismini tashkil etib, mamlakat iqtisodiyotida yetakchi tarmoqlardan biri hisoblanadi. Oxirgi yillarda bu soha tez sur’atlar bilan rivojlanib, YaIMda uning ulushi oshib bormoqda.

Xususan: Xizmat ko‘rsatish sektorining YaIMdagi ulushi 2022-yilning oxiriga kelib, xizmat ko‘rsatish sohasining ulushi umumiy iqtisodiyotda 36-38% atrofida  2023 yilda esa 43 % ni tashkil etgan.

2023- yil yakunlariga ko‘ra, xizmatlar sohasining yalpi qo‘shilgan qiymati hajmi 437 822,2 mlrd. so‘mni tashkil etdi va 2022- yilga nisbatan 6,8 % ga o‘sdi.

Shu jumladan, savdo xizmatlari 9,9 % ga, yashash va ovqatlanish bo‘yicha xizmatlar 12,5 % ga, tashish va saqlash xizmatlari 8,0 % ga, axborot va aloqa xizmatlari 24,2 % ga, boshqa xizmatlar 4,5 % ga o‘sdi.




**O‘zbekiston Respublikasi statistika agentligi ma’lumoti.Stat.uz**

Bu ko‘rsatkichning oshishi mamlakatda xizmatlarga bo‘lgan talabning oshib borayotganligini, aholi va bizneslarning bu soha imkoniyatlaridan faol foydalanayotganini ko‘rsatadi.

Ish o‘rinlari va bandlik: Xizmat ko‘rsatish sohasi bandlik darajasini oshirishda muhim rol o‘ynaydi. O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatish tarmoqlarida band bo‘lgan aholi ulushi umumiy bandlik darajasining 50% dan ko‘pini tashkil etadi. Bu esa sohaning ahamiyati yuqori ekanini anglatadi, chunki xizmat ko‘rsatish sektori mehnat bozori uchun asosiy drayverlardan biridir.

Xizmatlarning eksportdagi o‘rni: Xizmat ko‘rsatish sohasi eksport qilinadigan xizmatlar hajmining sezilarli qismiga ega. Ayniqsa, IT xizmatlari, turizm, transport-logistika xizmatlari va moliyaviy xizmatlar so‘nggi yillarda xalqaro bozorga faol kirib bormoqda. Xizmatlar eksporti mamlakat valyuta tushumlarini oshirishda ham muhim omil bo‘lib xizmat qiladi. O‘zbekiston xizmatlar eksportini 2022-yilda 2,5 milliard AQSh dollariga yetkazdi. Ayniqsa, IT xizmatlari va turizm bo‘yicha eksport hajmi o‘smoqda.

Xizmat ko‘rsatish sohasidagi asosiy tarmoqlar:

1.Turizm: O‘zbekiston tarixiy va madaniy merosi, qadimiy shaharlari (Samarqand, Buxoro, Xiva va boshqalar) bilan turizm sohasida katta imkoniyatlarga ega. Turizm xizmatlari sohasi 2019-yilda YaIMga 3.4% hissa qo‘shgan bo‘lsa, bu ko‘rsatkich keyingi yillarda ko‘paymoqda. Mamlakatning turizm rivojlanishi strategiyasiga muvofiq, xizmat ko‘rsatishda infratuzilma, mehmonxona va restoran tarmoqlari kengaytirildi. Xizmatlar eksportining oshishi O‘zbekiston iqtisodiyotining diversifikatsiyalashuvi va xalqaro bozorlar bilan integratsiyalashuvini ta’minlaydi, bu esa mamlakatning global savdo tarmog‘ida kuchliroq pozitsiyaga ega bo‘lishiga yordam beradi.

2.Axborot texnologiyalari va raqamli xizmatlar: IT sektori va raqamli xizmatlar O‘zbekistonda tez sur’atlar bilan rivojlanayotgan tarmoqlardan biri hisoblanadi. O‘zbekiston raqamli iqtisodiyotga o‘tish strategiyasini amalga

oshirayotgan bir paytda, IT xizmatlari va onlayn platformalar orqali ko‘rsatiladigan xizmatlarning ahamiyati ortmoqda. Xizmatlar sektorining rivojlanishida innovatsiyalar va raqamli texnologiyalar joriy etilishi katta ahamiyat kasb etmoqda. Axborot texnologiyalari sohasidagi islohotlar va raqamli iqtisodiyotga o‘tish strategiyalari xizmat ko‘rsatish sifatini oshirib, iqtisodiy samaradorlikni ta’minlashga yordam bermoqda. 2021-2022 yillarda mamlakatda bir nechta IT-parklar va texnologik innovatsiya markazlari tashkil etildi, bu esa IT xizmatlarining rivojlanishi va eksporti uchun katta imkoniyat yaratdi.

3. Moliya va bank sektori: Moliya va bank xizmatlari sohasi O‘zbekiston iqtisodiyotida muhim ahamiyatga ega. Hozirgi vaqtda mobil banking, onlayn to‘lovlar, mikroqarzlar kabi raqamli moliyaviy xizmatlar aholi va bizneslar uchun qulayliklar yaratmoqda. Mamlakatda moliyaviy xizmatlarga bo‘lgan talab oshib borayotganiga guvoh bo‘lish mumkin.

4.Transport va logistika: Transport va logistika xizmatlari O‘zbekistonning geografik joylashuvi hisobga olinsa, xalqaro savdo va yuk tashish tarmoqlari uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Markaziy Osiyodagi transport tizimi orqali xalqaro yuk oqimlarini ta’minlash imkoniyati transport xizmatlari eksporti uchun asosiy ustunliklardan biri hisoblanadi.

5.Ta’lim va sog‘liqni saqlash xizmatlari: O‘zbekistonda ta’lim va sog‘liqni saqlash xizmatlari so‘nggi yillarda sezilarli rivojlanmoqda. Xususiy ta’lim va sog‘liqni saqlash muassasalari ochilishi bu sohadagi xizmatlar sifatini oshirishga yordam bermoqda.

O‘zbekistonning xizmat ko‘rsatish sohasida quyidagi asosiy ko‘rsatkichlar o‘sib bormoqda:

1.Xizmat ko‘rsatish sohasida sarmoyalar: Sektor rivoji uchun davlat va xususiy sarmoyalar jalb qilinmoqda. 2023-yilda xizmat ko‘rsatish sohasiga yo‘naltirilgan sarmoyalar umumiy investitsiyalarning 30% dan ko‘prog‘ini tashkil etgan.

2.Yangi tadbirkorlik sub'ektlari soni: Xizmat ko‘rsatish sohasida faoliyat yurituvchi kichik va o‘rta biznes sub'ektlarining soni yildan yilga oshib bormoqda. 2022-yilda xizmat ko‘rsatish sohasida 20 mingdan ortiq yangi korxonalar ro‘yxatga olingan, bu esa sektorning o‘sish sur’atlarini aks ettiradi.

O‘zbekiston iqtisodiyotida xizmatlar tarmog‘ining ahamiyati ortib bormoqda va bu soha mamlakatning iqtisodiy barqarorligi, eksport hajmining oshishi, bandlik darajasini ta’minlash va texnologik rivojlanishdagi eng muhim omillardan biriga aylanmoqda. Xizmatlar sektori o‘zining turli sohalari bilan iqtisodiyotning barcha jabhalariga ta’sir ko‘rsatib, O‘zbekistonni xalqaro miqyosda yanada kuchli raqobatbardosh davlatga aylantirishga hissa qo‘shmoqda.

Xizmat ko‘rsatish sohasi iqtisodiy o‘sishni ta’minlashda katta ahamiyatga ega bo‘lib, mamlakatning kelajakdagi iqtisodiy rivojlanishida muhim o‘rin tutadi. Tarmoqning diversifikatsiyalanishi, texnologiyalarni joriy etish va infratuzilma loyihalari uning kelgusida yanada tez rivojlanishiga asos yaratadi. Sektorning zamonaviy ko‘rsatkichlari va davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanayotgan islohotlar xizmat ko‘rsatish tarmog‘ining iqtisodiyotdagi rolini kuchaytirib, uning rivojlanishiga katta turtki berishi kutilmoqda.

**Foydalanilgan adabiyotlar.**

1.Q.J.Mirzayev, G‘.S.Mustafoyev, B .K.Janzakov. Xizmatlar sohasi iqtisodiyoti [Matn]: Darslik “STEP- SEL” MCHJ. Nashriyoti, 2023.

2. L.Kuldoshev. Milliy iqtisodiyotni rivojlanishida xizmat Ko‘rsatish korxonalari raqobatbardoshligiga ta’sir Etuvchi omillar. “ Inson kapitali va ijtimoiy rivojlanish” jurnali 2024 Samarqand.

3.Stat.uz Statistika agentligi rasmiy internet sayiti.

**Mo‘minov Shohijahon Suyun o‘g‘li -** ISFT Intitute o‘qituvchisi, Toshkent Davlat iqtisodiyot Universiteti doktoranti, shohjahon091@mail.ru
+998996681870

# O‘ZBEKISTONDA KAPITAL BOZORI VA MOLIYAVIY BOZORLAR FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH YO‘LLARI
# ПУТИ РАЗВИТИЯ РЫНКА КАПИТАЛА И ФИНАНСОВЫХ РЫНКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ
# WAYS TO DEVELOP CAPITAL MARKET AND FINANCIAL MARKETS IN UZBEKISTAN

**Annotatsiya:** Maqolada, kapital bozori, korporatsiyalarda korporativ boshqaruvni rivojlantirish, ularning faoliyatini takomillashtirish va yangi zamonaviy loyihalarda ishtirokini oshirish hamda korporativ boshqaruv orqali iqtisodiyotni yanada rivojlantirish uchun takliflar berilgan.

**Kalit so‘zlar:** Aksiyadorlik jamiyatlari, kapital bozori, investitsiya, startaplar, heyj fondlar, kompaniyalarni investitsion banklar orqali rivojlantirish, texnologik yangiliklar, iqtisodiy rivojlanish.

**Аннотация.** В статье даны предложения по развитию деятельности корпораций, повышению их активности на рынке капитала, инвестиционному финансированию новых современных проектов, дальнейшему развитию экономики через рынок капитала.

**Ключевые слова:** акционерные общества, рынок капитала, инвестиции, стартапы, хедж-фонды, развитие компаний через инвестиционные банки, технологические инновации, экономическое развитие.

**Abstract.** The article gives proposals for the development of the activities of corporations, increasing their activity in the capital market, investment financing of new modern projects, and further development of the economy through the capital market.

**Key words.** Joint-stock companies, capital market, investment, start-ups, hedge funds, development of companies through investment banks, technological innovations, economic development.

## Kirish

O‘zbekistonda kapital bozori va moliyaviy bozorlar faoliyatini rivojlantirish davlat iqtisodiyotining muhim yo‘nalishlaridan biridir. Kapital bozori mamlakat

iqtisodiyoti uchun moliyaviy vositalarni samarali taqsimlashni ta’minlovchi platforma bo‘lib, uning rivojlanishi iqtisodiy barqarorlikni mustahkamlashda, tadbirkorlik faoliyatini rag‘batlantirishda va investitsion oqimlarni jalb qilishda muhim ahamiyat kasb etadi. Quyida bu bozorni rivojlantirishning asosiy yo‘llari tahlil qilinadi. Global iqtisodiyotning rivojlanishi va moliyaviy bozorlardagi raqobatning oshishi aksiyadorlik jamiyatlarining (AJ) kapital bozorlarida faol ishtirok etishining zaruratini oshirdi. Aksiyadorlik jamiyatlari o‘z faoliyatini kengaytirish, rivojlantirish va kapital jalb qilish uchun kapital bozorlariga murojaat qiladi. Biroq, ko‘plab mamlakatlarda, xususan, O‘zbekistonda bu jarayonlarning samaradorligi va ishtirok darajasi hali ham cheklangan. Shu bilan birga, rivojlangan mamlakatlarning tajribasi aksiyadorlik jamiyatlarining kapital bozoridagi faolligini oshirish uchun xalqaro amaliyotni joriy qilishning ahamiyatini ko‘rsatmoqda. Mazkur maqolada aksiyadorlik jamiyatlarining kapital bozorlaridagi ishtirokini faollashtirish uchun xalqaro amaliyotni joriy qilish masalalari, xalqaro tajriba, O‘zbekistonda bu jarayonni rivojlantirish yo‘llari va istiqbollari ko‘rib chiqiladi. Kapital bozori mamlakat iqtisodiyotining asosi bo‘lib, uning rivojlanishi barqaror iqtisodiy o‘sishini taminlaydi.

**Adabiyotlar sharhi**

Iqtisodiyot va moliya sohasidagi mavjud adabiyotlarda “Aksiyadorlik jamiyatlarini kapital bozoridagi ishtirokini faollashtirishda xalqaro amaliyotni joriy qilish” mavzusida xorijiy va mahalliy olimlarning savollari mutaxassislar tomonidan o‘rganilib, tegishli ta’riflar berilgan.

1**. Kenny, P. A., & Moss, T. (2020).** *Global Capital Markets: Integration, Crisis, and Growth.* Routledge. Xalqaro moliya bozori, xalqaro fond bozori va investitsiya bozorini shakllantirish usullari va ularning yangi tashkil etilgan kompaniyalari hamda loyihalarning moliyalashtirish jarayonida tutgan o‘rni haqida ma’lumotlar berilgan va bu ma’lumotlar uni moliyaviy jihatdan asoslab beradi.

2. **Brealey, R. A., Myers, S. C., & Allen, F. (2019).** *Principles of corporate finance* (13th ed.). McGraw-Hill Education. Rivojlangan mamlakatlarda kapital bozori tajribasi, fond bozoriga fuqarolarning mablag‘larini jalb qilish va shu orqali venchur fondlar faoliyati bo‘yicha yangi loyihalarni moliyalashtirish jarayonlarini jadallashtirish qimmatli ma’lumotlar va g‘oyalarni berdi.

3.Taxumova Oksana V., Kasatkina Elena V. Xalqaro moliya bozori, xalqaro fond bozori va investitsiya bozorini qanday shakllantirish va ularning yangi tashkil etilgan kompaniyalari va moliyalashtirish jarayonida loyihalarning roli haqida ma’lumotlar berilgan va bu ma’lumotlar uni moliyaviy nuqtai nazardan asoslaydi.

4.Vahobov A.V. Investitsiyalar haqida muhim bilimlar mavjud va aynan ushbu kitobda ekspert yangi loyihalarni moliyalashtirish jarayonini bank kreditlari hisobiga emas, balki kapital bozori va investitsiya fondlari orqali amalga oshirish muhimligini ta’kidlaydi.

**Tadqiqot metadologiyasi**

Kapital bozori bu moliyaviy resurslar, ya’ni aksiyalar, obligatsiyalar va boshqa moliyaviy vositalarni sotib olish va sotish amalga oshiriladigan iqtisodiy bozor turidir. Kapital bozorlari orqali aksiyadorlik jamiyatlari yangi investitsiyalar jalb qilish imkoniyatiga ega bo‘ladi

**Kapital jalb qilish**: Kapital bozorlariga chiqish orqali aksiyadorlik jamiyatlari koʻp miqdordagi mablagʻni jalb qilishi mumkin. Bu oʻz navbatida kompaniyaning innovatsion loyihalarini moliyalashtirish va oʻz biznesini kengaytirish imkoniyatini beradi.

1. **Korxonalar rivojlanishiga turtki**: Kapital bozorlarida faoliyat yuritadigan aksiyadorlik jamiyatlari raqobatbardosh boʻlib, kompaniya ichida samaradorlikni oshiradi. Bozordagi investitsiya jarayonlari bilan shugʻullanish kompaniyani xalqaro miqyosda rivojlantirishga imkon yaratadi.

2. **Bozor ishtirokchilarining ishonchini oshirish**: Kapital bozorida aksiyadorlik jamiyatlarining faol ishtiroki investorlarda ishonch uygʻotadi va ularning kompaniyaga kapital kiritishga ragʻbatini oshiradi.

**Muhokama va natija**

**1. Kapital bozori ishtirokchilarining faoliyatini yaxshilash**

Kapital bozori ishtirokchilari — investorlar, emitentlar (qimmatli qogʻozlarni chiqaruvchi subyektlar), birjalar va vositachilar faoliyatini optimallashtirish katta ahamiyatga ega. Oʻzbekistonda bozor ishtirokchilari oʻrtasida samarali hamkorlik mexanizmlarini yoʻlga qoʻyish va ularning faoliyatini rivojlantirish uchun bir qancha islohotlar amalga oshirilishi zarur. Bu borada bir qancha qadamlar tashlanishi mumkin:

1. **Qimmatli qogʻozlar birjalarini modernizatsiya qilish**: Oʻzbekistonda birjalar faoliyatini modernizatsiya qilish orqali qimmatli qogʻozlar savdosini yanada soddalashtirish va shu orqali ichki va tashqi investorlar uchun bozorni jozibador qilish mumkin. Elektron platformalar orqali savdolarni kengaytirish va avtomatlashtirish bozordagi likvidlikni oshirishga yordam beradi.

2. **Moliyaviy vositachilarni rivojlantirish**: Moliyaviy vositachilar, jumladan, investitsion banklar va brokerlik kompaniyalarini rivojlantirish investorlar va emitentlar oʻrtasidagi vositachilik faoliyatini kuchaytiradi. Bu kompaniyalar investorlarning kapitalini samarali yoʻnaltirishda va korxonalar uchun moliyaviy resurslarni jalb qilishda muhim rol oʻynaydi.

**2. Moliyaviy bozorni liberallashtirish va institutsional investorlarni jalb qilish**

Kapital bozorini liberallashtirish va institutsional investorlarni jalb qilish Oʻzbekistonda moliyaviy sektorning uzoq muddatli barqaror rivojlanishi uchun juda muhimdir. Institut investorlar, masalan, pensiya fondlari, sugʻurta kompaniyalari va investitsiya fondlari bozorning barqaror ishtirokchilaridir. Ularning faolligini oshirish bir nechta yoʻnalishda amalga oshirilishi mumkin:

1. **Pensiya va sugʻurta sektorlarini rivojlantirish**: Pensiya jamgʻarmalari va sugʻurta kompaniyalarining moliyaviy bozorlarga kirish imkoniyatini kengaytirish orqali kapital bozoriga katta hajmdagi uzoq muddatli investitsiyalarni jalb qilish mumkin. Bu oʻz navbatida, korxonalarning kapital jalb qilish imkoniyatlarini kengaytiradi va bozorning barqarorligini oshiradi.

2. **Kredit reyting agentliklari faoliyatini rivojlantirish**: Kapital bozorida kredit reyting agentliklarining faoliyati investorlar uchun kompaniyalar va qimmatli qogʻozlarning xavf darajasini baholashda muhim rol oʻynaydi. Oʻzbekistonda kredit

reyting tizimini rivojlantirish orqali moliyaviy bozor ishtirokchilari o‘rtasida ishonchni kuchaytirish mumkin.

3. **Xalqaro moliyaviy tashkilotlar bilan hamkorlik**: Xalqaro moliyaviy tashkilotlar va investorlar bilan hamkorlik qilish orqali O‘zbekiston kapital bozoriga chet el sarmoyalarini jalb qilish hamda xorijiy tajribani o‘rganish imkoniyatiga ega bo‘ladi. Bu kapital bozorining jahon moliyaviy tizimiga integratsiyalashuvini tezlashtiradi.

**Xulosa**

Aksiyadorlik jamiyatlarining kapital bozoridagi ishtirokini faollashtirishda xalqaro amaliyotni joriy qilish O‘zbekiston uchun muhim ahamiyatga ega. Xalqaro moliyaviy standartlar, raqamli texnologiyalar, shaffoflikni oshirish va xorijiy investorlarni jalb qilish orqali aksiyadorlik jamiyatlari xalqaro bozorlarda muvaffaqiyat qozonishi mumkin. Bu esa nafaqat aksiyadorlik jamiyatlari uchun, balki butun iqtisodiyot uchun foydali bo‘ladi. Shu bilan birga, xalqaro tajribani joriy qilish jarayoni O‘zbekistonning raqobatbardoshligini oshiradi va xalqaro kapital bozorlarida munosib o‘rin egallashiga xizmat qiladi. Xalqaro amaliyotning joriy etilishi moliyaviy islohotlar va ta’lim tizimidagi yangilanishlar bilan birga olib borilganda samarador bo‘ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. **Damodaran, A. (2012).** *Investment Valuation: Tools and Techniques for Determining the Value of Any Asset* (3rd ed.). Wiley.
   - Ushbu kitob aksiyadorlik jamiyatlarini baholashda va kapital bozorlarida qimmatli qog‘ozlar bo‘yicha xalqaro standartlarni tushunishda muhim manbadir.
2. **International Financial Reporting Standards (IFRS) Foundation. (2021).** *International Financial Reporting Standards (IFRS) 2021*. IFRS Foundation.
   - Xalqaro moliyaviy hisobot standartlari aksiyadorlik jamiyatlarining xalqaro bozorlarda ishtiroki va hisobot berish amaliyoti haqida batafsil ma’lumot beradi.
3. **Brealey, R. A., Myers, S. C., & Allen, F. (2019).** *Principles of Corporate Finance* (13th ed.). McGraw-Hill Education.
   - Korporativ moliya, aksiyadorlik jamiyatlari kapitali va bozordagi ishtiroki haqida asosiy tushunchalar.
4. **Jahon Banki (2021).** *Capital Market Development: Challenges and Opportunities.* Jahon Banki Hisobotlari.
   - Jahon Bankining kapital bozorlarining rivojlanishi va xalqaro amaliyotni joriy qilish bo‘yicha hisobotlari.
5. **Kenny, P. A., & Moss, T. (2020).** *Global Capital Markets: Integration, Crisis, and Growth.* Routledge.
   - Ushbu kitob xalqaro kapital bozorlarining integratsiyasi va rivojlanish jarayonini o‘rganishga bag‘ishlangan.

**Nabiyeva Nargizakhon Nuriddin qizi** - PhD student of the Department of "Macroeconomic Analysis and Forecasting" of the Tashkent State University of Economics, e-mail: nargizamadaminova10@gmail.com,
Orcid: 0009-0002-3292-2221

# IMPACT OF INFLATION ON ECONOMY IN CENTRAL ASIAN COUNTRIES

**Abstract:** Achieving a high level of economic growth in order to improve social well-being is one of the main goals of every country. However, developing countries have still not achieved the desired level of economic growth due to a number of socio-economic and political factors prevailing domestically and globally. Therefore, the main goal of this thesis is to theoretically study the impact of various external sources, especially inflation, on economic growth measured by real GDP per capita in Asian countries.

**Key words**: GDP, Inflation, Economic growth
**Kalit so‘zlar:** YAIM, inflatsiya, iqtisodiy o‘sish
**Ключевые слова:** ВВП, инфляция, экономический рост.

Inflation is a constant and continuous increase in the general price level of the country. In recent years, many central banks have focused on price stability. Monetary policy - whether through interest rates or the growth of monetary aggregates - is directed towards achieving low and stable inflation. Central banks and most other observers see price stability as the primary goal, as high inflation poses a significant risk and cost to the country's economy.

The study shows that effective monetary policy is necessary to control inflation. Low and stable inflation ensures the stability of financial systems, encourages investment and strengthens the process of economic development.




**Figure 2.** Average GDP dynamics in Asian countries[40]

Developing economies in Asia and the Pacific are forecast to grow by an average of 4.9 percent this year as the region continues to grow steadily amid strong domestic demand and a recovery in tourism.

According to the April 2024 Asian Development Outlook (ADO) published by the Asian Development Bank (ADB), growth will continue at the same pace next year. Inflation is expected to moderate in 2024 and 2025 as a result of rising food prices in many countries over the past 2 years.

[40] Source: Asian Development Bank

Strong economic growth in South and Southeast Asia - driven by domestic demand and exports - is offsetting a slowdown in the People's Republic of China (PRC) caused by weakness in the property market and low consumption. With its economic growth of 7 percent this year and 7.2 percent next year, India is expected to remain the main economic growth engine in Asia and the Pacific. The PRC's growth rate is expected to slow down from 5.2 percent last year to 4.8 percent this year and 4.5 percent next year.




**Table 1.** GDP dynamics in Central Asian countries.

Until independence in 1991, the economies of Uzbekistan, Kazakhstan, Kyrgyzstan, Tajikistan and Turkmenistan were centralized by the Soviet Union and managed based on a strategy clearly defined by Moscow. After independence, despite some similarities, each country had its own independent economic policy.




**Table 2.** Expected level of GDP for 2024 in the countries of the Caucasus and Central Asia.

As can be seen from the table, GDP in Uzbekistan is at an average level compared to neighboring countries. However, as mentioned above, as a result of the

decrease in the income of the population, the level of consumption will decrease, and this, in turn, will lead to a lower GDP compared to previous years.




**Table 3.** Expected inflation rate for 2024 in the countries of the Caucasus and Central Asia.

Uzbekistan plans to reduce inflation to 5% by 2026. The necessary fiscal measures should be implemented for this. Inflation is expected to be 10 percent this year. In 2025, this level is predicted to decrease to 7-8 percent. Only then can the target set in 2026 be reached.

Sustainable development in Central Asia requires a balanced approach to attracting external financing through the strengthening and promotion of good relations between the countries of the region, the implementation of regional programs of international organizations and development banks. It also requires direct investment in non-commodity sectors and to tap countries' domestic savings potential.

Countries in the region must overcome four major structural challenges: landlockedness, resource dependence and underdevelopment of the financial sector, lack of coordination in managing the water-energy complex, and climate change. ETB researchers believe that as a result of joint efforts, Central Asian countries will overcome systemic development problems. During the period of strong economic growth, increasing pressure on the energy system and the common river basins of the countries leave no other option than cooperation in the field of water and energy. Equally important are coordinated efforts to develop transport infrastructure and combat climate risks. Eliminating infrastructure barriers will help to develop economic efficiency, trade and economic cooperation with neighboring countries, and stimulate the diversification of production and exports.

**List of references:**

1. https://www.adb.org/where-we-work/uzbekistan/economy
2. https://www.imf.org/en/Home
3. https://imrs.uz/archives/news/report_2024_04
4. https://www.caspianpolicy.org/research/economy/central-asian-economies-forge-ahead-with-strong-growth-despite-geopolitical-challenges

5. https://www.ebrd.com/home
6. https://eabr.org/en/analytics/all-publications/the-economy-of-central-asia-a-fresh-perspective/
7. https://timesca.com/central-asia-as-an-emerging-economic-region/

**Qodirov Farrux Ergash o‘g‘li -** Shahrisabz davlat pedagogika institute, Informatika va uni o‘qitish metodikasi kafedrasi mudiri i.f.f.d PhD

## IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANISHGA TA’SIR ETUVCHI SALBIY VA IJOBIY OMILLAR TAHLILI

**Annotatsiya:** Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish bir nechta omillarga bog‘liq bo‘lib, ularning har biri o‘zining ijobiy yoki salbiy ta’sirini ko‘rsatadi. Ushbu maqolada ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’sir etuvchi omillar tahlil qilinadi. Ijobiy omillar orasida iqtisodiy o‘sish, investitsiya, ta’lim va innovatsiyalar kabi faktorlar mavjud bo‘lib, ular aholi farovonligini oshirishda muhim rol o‘ynaydi. Biroq, salbiy omillar, masalan, ijtimoiy tengsizlik, korruptsiya, muhitning ifloslanishi va iqtisodiy beqarorlik, rivojlanishni to‘sqinlik qiladi va aholi uchun salbiy oqibatlar keltirib chiqaradi. Ushbu maqolada Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni qo‘llab-quvvatlaydigan strategiyalarni ishlab chiqish va amalga oshirishga yordam berish bo‘yicha fikr-mulohazalar keltirilgan.

**Kalit so‘zlar:** Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish, salbiy omillar, ijobiy omillar, iqtisodiy o‘sish, ijtimoiy tengsizlik, innovatsiyalar, korruptsiya, sifatli ta’lim, barqaror rivojlanish.

**Kirish.** Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish har bir jamiyatning farovonligini belgilovchi muhim jarayondir. Bu jarayonni tushunish uchun turli omillarning ijobiy va salbiy ta’sirlarini tahlil qilish zarur. Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish ko‘plab faktorlar, jumladan iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy va ekologik omillar bilan bog‘liq. Ijobiy omillar, masalan, ta’lim, innovatsiyalar, investitsiyalar va iqtisodiy o‘sish, aholi farovonligini oshirishda muhim rol o‘ynaydi. Ular yangi ish o‘rinlarini yaratadi, iqtisodiy imkoniyatlarni kengaytiradi va jamiyatdagi ijtimoiy tengsizlikni kamaytiradi. Biroq, salbiy omillar ham rivojlanishni to‘sqinlik qiladi. Ijtimoiy tengsizlik, korruptsiya, iqtisodiy beqarorlik, va muhitning ifloslanishi kabi omillar aholi turmush darajasini pasaytirishi, iqtisodiy o‘sishni sekinlashtirishi va jamiyatda noroziliklarga olib kelishi mumkin. Tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, salbiy omillar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish jarayonida kuchli ta’sir ko‘rsatadi va ularni bartaraf etish uchun samarali strategiyalar ishlab chiqish zarur. Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’sir etuvchi salbiy va ijobiy omillar tahlil qilish asosiy maqsad ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni qo‘llab-quvvatlaydigan va salbiy omillarni kamaytirishga qaratilgan tavsiyalarni ishlab chiqishdir. Natijada, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni yanada barqaror va inklyuziv qilish uchun zarur strategiyalar aniqlanadi.

**Mavzuga doir adabiyotlar tahlili.** Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’sir etuvchi salbiy va ijobiy omillarni o‘rganish uchun ko‘plab tadqiqotlar mavjud. Bu

borada xorijiy va mahalliy olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqotlar muhim ahamiyatga ega. Ijobiy omillarni o‘rgangan olimlardan Amartya Sen (1999) o‘zining "Development as Freedom" asarida iqtisodiy o‘sish va ta’limning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishdagi o‘rnini muhokama qiladi. U ta’lim imkoniyatlarini kengaytirish va iqtisodiy imkoniyatlarni oshirish orqali aholi farovonligini qanday oshirish mumkinligini ko‘rsatadi. Bu ijobiy omillar shuningdek, ta’lim tizimining yaxshilanishi orqali ijtimoiy adolatni ta’minlashga yordam beradi deb hisoblagan.

Brynjolfsson va McAfee esa o‘zlarining "The Second Machine Age" asarida raqamli texnologiyalar va innovatsiyalar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni qanday tezlashtirishini tahlil qilishadi. Ular texnologik yangiliklar, jumladan, avtomatlashtirish va raqamli iqtisodiyot orqali yangi ish o‘rinlarini yaratishga yordam berishini ta’kidlaydilar.[1]

Salbiy omillarni o‘rgangan olimlardan Thomas Piketty "Capital in the Twenty-First Century" asarida iqtisodiy tengsizlik va uning jamiyatdagi ta’sirini tahlil qiladi. U iqtisodiy o‘sish paytida ijtimoiy tengsizlikning oshishi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni to‘sqinlik qilishi mumkinligini ko‘rsatib bergan. Piketty shuningdek tengsizlikning kelib chiqish sabablarini va buni bartaraf etish uchun bir nechta asosiy vaziflarni taklif qilgan.

Transparency International tashkiloti o‘zining "Corruption Perceptions Index" hisobotida korruptsiyaning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga salbiy ta’sirini ko‘rsatib o‘tgan. Korruptsiya iqtisodiy o‘sishni sekinlashtiradi va ijtimoiy-iqtisodiy tengsizlikni kuchaytiradi, chunki resurslar notekis taqsimlanadi.

Mahalliy olimlardan I.Axmedov va G.Tojiyeva kabi olimlar O‘zbekistonning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini o‘rganish davomida raqamli texnologiyalar va AKTning o‘rnini muhokama qiladilar. Ular iqtisodiy o‘sishni qo‘llab-quvvatlash va ijtimoiy tengsizlikni kamaytirish uchun AKT vositalaridan foydalanish zarurligini ta’kidlaydilar.[3]

G.Tojiyeva ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini o‘rganib, ijtimoiy siyosat va iqtisodiy rivojlanish o‘rtasidagi bog‘lanishni tahlil qilgan. U tadqiqotlarida shuni ko‘rsatadiki hukumat siyosatining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’siri muhim ahamiyatga ega ekanligini bildirgan.[4]

M.Sharipov iqtisodiy rivojlanishga salbiy ta’sir ko‘rsatadigan omillarni masalan, korruptsiya va iqtisodiy beqarorlikni o‘rgangan olim hisoblanadi. U shuningdek bu omillarni bartaraf etish uchun kerakli strategiyalarni taklif etgan.[5] Xorijiy va mahalliy olimlarniari ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’sir etuvchi salbiy va ijobiy omillarni turli nuqtai nazardan ko‘rsatadi. Ijobiy omillar masalan ta’lim, innovatsiyalar va iqtisodiy o‘sish, aholi farovonligini oshirishda muhim rol o‘ynaydi. Biroq salbiy omillar masalan ijtimoiy tengsizlik, korruptsiya va iqtisodiy beqarorlik, rivojlanishni to‘sqinlik qiladi. Bu omillarni bartaraf etish uchun samarali strategiyalar ishlab chiqish zarur.

Yuqoridagi olimlarning tahlillari bugungi kunda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’sir etuvchi salbiy va ijobiy omillarni yanada chuqurroq tushunishga yordam beradi. Ko‘plab tadqiqotlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni to‘g‘ri yo‘nalishda olib borish uchun ijobiy omillarni kuchaytirish va salbiy omillarni bartaraf etishga qaratilgan strategiyalarni ishlab chiqish zarurligini ko‘rsatadi.

**Tadqiqot metodologiyasi.** Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’sir etuvchi salbiy va ijobiy omillarni tahlil qilish uchun bir nechta tadqiqot metodlarini qo‘llash mumkin. Quyidagi metodlar ushbu mavzuda samarali tahlil o‘tkazishga yordam beradi. Nazariy tahlil orqali ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’sir etuvchi omillarni aniqlash mumkin. Bu metodda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish nazariyalarini o‘rganish va mavjud tadqiqotlarni tahlil qilish muhimdir. Amartya Sen, Klaus Schwab va boshqa olimlarning nazariyalari bu jarayonda qo‘l keladi. Bu metod orqali salbiy va ijobiy omillarni umumlashtirish va ularning ta’sirini baholash mumkin.

Suhbatlar va intervyular orqali tadqiqotchilar muayyan sohalarda ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning holatini o‘rganishi mumkin. Bu metod ijtimoiy guruhlar, biznes rahbarlari va hukumat vakillari bilan o‘tkazilgan intervyular orqali amaliyotdagi tajribalarni yig‘ishga imkon beradi. Bunday metodlar orqali salbiy omillar, masalan, korruptsiya yoki iqtisodiy beqarorlik, haqidagi tajribalarni o‘rganish mumkin.

So‘rovnomalar orqali keng auditoriyadan ma’lumot to‘plash mumkin. Bu metod ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish haqidagi odamlarning fikrlarini, tajribalarini va nazarlarini aniqlashda foydali. Savollar orqali iqtisodiy imkoniyatlar, ta’lim, salomatlik va boshqa omillar bo‘yicha insonlarning qarashlari tahlil qilinadi.

Statistik tahlil metodlari orqali ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning o‘zgaruvchan omillari va tendensiyalarini aniqlash mumkin. Bu metod raqamlardan foydalanib, iqtisodiy o‘sish, ijtimoiy tengsizlik va boshqa ko‘rsatkichlarni tahlil qilishga imkon beradi. Ushbu tahlillar orqali salbiy va ijobiy omillarning o‘zaro bog‘liqligini ko‘rsatish mumkin.

Kontekstual tahlil metodlari yordamida ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish jarayonlari ma’lum bir hudud yoki mamlakat kontekstida o‘rganiladi. Bu metod geografik, siyosiy va iqtisodiy omillarni hisobga olib, ma’lum bir hududda ijobiy yoki salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi omillarni aniqlashga yordam beradi. Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’sir etuvchi salbiy va ijobiy omillarni o‘rganish uchun bu metodlarning har biri o‘zining ahamiyatiga ega. Tadqiqotchilar bir nechta metodlarni birlashtirib yanada chuqurroq va keng qamrovli tahlil olib borishlari mumkin. Ushbu metodlar ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish jarayonlarini yanada yaxshiroq tushunishga yordam beradi.

**Natijalar va muhokama**. Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish kompleks jarayon bo‘lib bir qancha ijobiy va salbiy omillar ta’sirida shakllanadi. Ushbu tahlil natijalari orqali biz ularning o‘zaro aloqalarini ahamiyatini va ta’sirini tushunishga harakat qilamiz. Ijobiy omillar ta’lim va malaka oshirish. Ta’lim tizimi ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishda muhim omil hisoblanadi. Keng qamrovli ta’lim tizimi orqali aholi bilim darajasi va malakasi oshadi, bu esa ish bilan ta’minlash darajasini yuqoriga ko‘taradi. Amartya Sen (1999) o‘zining "Rivojlanish erkinlik sifatida" asarida ta’limni rivojlanishning asosiy omili sifatida ko‘rsatadi, bu ijtimoiy tengsizlikni kamaytirishga yordam beradi.

Texnologik rivojlanish. Raqamli texnologiyalar va innovatsiyalar ijtimoiy-iqtisodiy o‘sishni tezlashtiradi. Brynjolfsson va McAfee (2014) "Ikkinchi mexanika asri" asarida raqamli texnologiyalar orqali yangi ish o‘rinlari yaratilishi va mavjud ish jarayonlarining samaradorligini oshirishga qaratilgan tadqiqotlar olib boradilar.

Texnologik taraqqiyot natijasida mahsuldorlik oshadi, iqtisodiy imkoniyatlar kengayadi.

Ijtimoiy kapital ya’ni odamlar o‘rtasidagi ishonch va hamkorlik, iqtisodiy rivojlanishda ijobiy rol o‘ynaydi. Ijtimoiy kapital yuqori bo‘lgan jamiyatlarda iqtisodiy o‘sish tezligi ko‘proq bo‘ladi, chunki odamlar bir-birlariga ko‘proq yordam beradilar va hamkorlikni rivojlantiradilar. Putnam (2000) o‘zining "Bowling Alone" kitobida ijtimoiy kapitalning ahamiyatini ta’kidlaydi.

Salbiy omillarga esa ijtimoiy tengsizlik kiradi. Ijtimoiy tengsizlik iqtisodiy rivojlanishni sekinlashtiradi. Piketty (2014) o‘zining "XXI asrda kapital" asarida, iqtisodiy o‘sish davrida tengsizlikning oshishi ijtimoiy nizolar va beqarorlikka olib kelishini ta’kidlaydi. Ijtimoiy tengsizlik, eng kam ta’minlangan qatlamlar uchun qiyinchiliklarni kuchaytiradi, iqtisodiy imkoniyatlarning notekis taqsimlanishiga olib keladi.

Korruptsiya iqtisodiy rivojlanishning salbiy omillaridan biri hisoblanadi. Transparency International (2020) tomonidan olib borilgan tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, korruptsiya resurslarning noto‘g‘ri taqsimlanishiga olib keladi va ijtimoiy-iqtisodiy tengsizlikni kuchaytiradi. Korruptsiya iqtisodiy o‘sishni sekinlashtiradi va davlat boshqaruviga ishonchni pasaytiradi.

Iqtisodiy beqarorlik ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga salbiy ta’sir ko‘rsatadi. Beqaror iqtisodiy vaziyatlar investorlarning ishonchini pasaytiradi va iqtisodiy o‘sish sur’atini sekinlashtiradi. Hozirgi kunda, global bozorlar beqarorlikdan azob chekmoqda, bu esa ishlab chiqarish va investitsiyalarni kamaytiradi.

Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’sir etuvchi salbiy va ijobiy omillar bir-biri bilan o‘zaro bog‘liqdir. Salbiy omillar, masalan, korruptsiya va ijtimoiy tengsizlik, iqtisodiy o‘sish va rivojlanish jarayonlarini sekinlashtirishi mumkin. Boshqa tomondan, ijobiy omillar, masalan, ta’lim va texnologik innovatsiyalar, ushbu jarayonlarni tezlashtirishi va rivojlantirishi mumkin. Ularning o‘zaro aloqasini tushunish, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni yanada samarali boshqarishga yordam beradi. Umuman olganda, ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’sir etuvchi salbiy va ijobiy omillarni tahlil qilish orqali ularning ahamiyatini va o‘zaro aloqalarini yanada chuqurroq tushunish mumkin. Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni rag‘batlantirish va salbiy ta’sirlarni kamaytirish uchun ta’lim, innovatsiyalar va ijtimoiy kapitalni rivojlantirish muhimdir. Salbiy omillarni bartaraf etish, iqtisodiy barqarorlikni ta’minlash va ijtimoiy tengsizlikni kamaytirishga yo‘naltirilgan choralar muhim ahamiyatga ega.

**Xulosa va takliflar.** Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’sir etuvchi omillarni tahlil qilish natijasida rivojlanishga yordam beruvchi va uni sekinlashtiruvchi omillarni ajratib ko‘rsatish mumkin. Ijobiy omillar masalan ta’lim va texnologik rivojlanish iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirib jamiyatda ijtimoiy tengsizlikni kamaytirishga xizmat qiladi. Texnologik innovatsiyalar raqamli iqtisodiyot va ta’lim darajasining oshishi iqtisodiy imkoniyatlarni kengaytirib, yangi ish o‘rinlari yaratadi va iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Boshqa tomondan ijtimoiy tengsizlik, korruptsiya va iqtisodiy beqarorlik kabi salbiy omillar esa iqtisodiy o‘sishni cheklaydi va aholining barcha qatlamlari uchun teng imkoniyatlar yaratish jarayonini sekinlashtiradi. Ijtimoiy tengsizlik mavjud bo‘lgan joylarda

iqtisodiy imkoniyatlar notekis taqsimlanadi bu esa ijtimoiy rivojlanishni cheklaydi.

Ta’lim va malaka oshirishga investitsiya qilish orqali ta’lim darajasini oshirish va malakali kadrlar tayyorlash yordamida iqtisodiy o‘sishga va inklyuziv rivojlanishga zamin yaratish mumkin. Davlat va xususiy sektor o‘rtasidagi hamkorlikni kuchaytirish orqali zamonaviy va texnologik bilimlarga ega kadrlarni tayyorlash muhim ahamiyatga ega.

Texnologik taraqqiyotni qo‘llab-quvvatlash natijasida innovatsiya va raqamli transformatsiyani qo‘llab-quvvatlash iqtisodiy imkoniyatlarni kengaytirib, yangi ish o‘rinlari yaratadi. Ushbu maqsadda startaplarni qo‘llab-quvvatlash va kichik tadbirkorlik subyektlari uchun qulay sharoitlar yaratish foydali bo‘ladi.

Korruptsiyaga qarshi samarali choralarni kuchaytirish orqali ijtimoiy ishonchni mustahkamlash mumkin. Bu borada shaffoflikni ta’minlash va samarali boshqaruv tizimini yo‘lga qo‘yish kerak.

Ijtimoiy tengsizlikni kamaytirish. Ijtimoiy tengsizlikni kamaytirish uchun teng imkoniyatlar yaratish va barcha qatlamlar uchun iqtisodiy imkoniyatlarni kengaytirish zarur. Bu borada daromadlar o‘rtasidagi tafovutni kamaytirishga qaratilgan soliqlar va davlat dasturlarini ishlab chiqish foydali bo‘ladi.

Tadqiqot va tahlillarni kuchaytirish. Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishning samaradorligini oshirish uchun muntazam ravishda tadqiqotlar o‘tkazish, har bir omilning ta’sirini baholash va rivojlanishni rag‘batlantirishda yordam beradigan strategiyalar ishlab chiqish zarur. Ushbu chora-tadbirlar orqali ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishni rag‘batlantirish va salbiy omillar ta’sirini kamaytirish mumkin. Shu bilan birga, inklyuziv iqtisodiy o‘sishga erishish va barqaror rivojlanishni ta’minlashga qaratilgan siyosatlarni ishlab chiqish lozim.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. Brynjolfsson, E., & McAfee, A. (2014). *The Second Machine Age: Work, Progress, and Prosperity in a Time of Brilliant Technologies*.

2. Thomas Piketty  Schwab, K. (2016). "Capital in the Twenty-First Century" *The Fourth Industrial Revolution*.

3. Axmedov, I. (2021). "AKT va hududiy rivojlanish: imkoniyatlar va chaqiriqlar". *Journal of Economic Research*.

4. Tojiyeva, G. (2021). "Ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishda hukumat siyosati". *Economics and Management Journal*.

5. Sharipov, M. (2020). "Korruptsiya va iqtisodiy beqarorlik: ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishga ta’siri". *Uzbekistan Journal of Economics*.

6. Фаррух Қодиров. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасининг моделлаштиришни тизимли имитация қилиш. Biznes-Эксперт. Том 173. Номер №5. Страницы 102-106. Дата публикации 2022.

7. Farrux, Qodirov. "Foreign experience in the development of medical services to the population." Хоразм Маъмун академияси (2022).

Тўртинчидан, ногиронлиги бўлган аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳамда ижтимоийлаштириш учун уларнинг эҳтиёжларини тўғри ва ўз вақтида аниқлаб, кундалик ҳаётидаги фаоллиги ва иштирокини баҳолаш тизимини ҳам такомиллаштириш орқали камбағалликни қисқартириш лозимлиги ҳам

---

[43]Лола Абдуазимова.Индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар кўрсатиш тартиби белгиланди. 14.03.2024.https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/individual_tartibda_ijtimoiy_hizmatlar_kursatish_tartibi_belgiland.

[44] Мамаюнус Пардаев, Мехрангиз Мамаюнусова. Ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган хизматлар такомиллаштирилади. //https://telegra.ph/Nogironligi-bor-insonlarga-k%D1%9Ersatiladigan-hizmatlar-takomillashtiriladi-08-06. SamTVR | MTRK. 2024 йил 6 август. – 0,2 б.т.

таъкидланган.

Бешинчидан, ногиронлиги бор шахсларга тиббий ижтимоий экспертиза комиссияси (ТИЭК) кўриги учун оилавий шифокорлар томонидан тегишли ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилган ҳолда ўз вақтида электрон тарзда амалга оширилиши ҳам белгиланган.

Олтинчидан, эндиликда одамларнинг ногионлагини баҳолашда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ)нинг тартиб қоидаларига, уларда қўлланиладиган шкалаларни ўзимизнинг маҳаллий хусусиятларимизга мослаган ҳолда амалга оширилиши тартиби ҳам кўзда тутилган.

Еттинчидан, “18 ёшдан катта шахсларга ногиронликни белгилашда шахснинг клиник-функционал бузилишлари тавсифидан келиб чиқиб ногиронликнинг муддати, сабаби, тиббий реабилитация тадбирлари, шунингдек, протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация қилишнинг техник воситаларга муҳтожлигига оид маълумотлар “Ягона ижтимоий ҳимоя” ахборот тизимида шакллантирилади”[45]. Бу ҳам ногиронлиги бор шахсларга бир қанча қулайликлар яратади.

Саккизинчидан, “Фуқароларга биринчи маротаба ногиронлик белгилангандан сўнг “Инсон” марказлари томонидан уларни таълим ва касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш, спортга жалб этиш ҳамда психологик қўллаб қувватлаш бўйича индивидуал тартибда ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш режалари ишлаб чиқилади ва ижроси мониторинг қилиб борилади”[46].

Тўққизинчидан, яна бир муҳим жиҳат, соғлиқни сақлаш вазирлигида мазкур соҳа бўйича вазир маслаҳатчиси лавозими жорий этилади. Бу вазирликнинг марказий аппаратида ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизматлар кўрсатилиши жараёнини мувофиқлаштириш билан боғлиқ ишларни амалга оширади.

Ўнинчидан, эндиликда Президентимизнинг юқоридаги қарорида кўрсатилишича ногиронлик инсоннинг касаллигига қараб эмас, балки шахснинг мустақил ҳаракати, мулоқат қобилияти ва ижтимоий ҳаётдаги иштирокига қараб белгилаш кўзда тутилган.

Ўн биринчидан, эндиликда ногиронлиги бўлганинсонлар ҳаракатига мослаштириш мақсадида янги қурилаётган барча турдаги объектларда, йўлларда, метро, автобус бекатларида, чарраҳаларда тўсиқларсиз, хавфсиз муҳит яратилади.

Ўн иккинчидан, чаррахаларда ногиронлиги бўлган инсонлар учун хавфсиз ва тўсиқсиз муҳит яратиш масаласи ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ушбу тадбирга харажатлар “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республдика жамғармасининг 10 фоиз қисми ҳисобидан қопланиши ҳам белгиланган.

Ўн учинчидан, юқоридаги қарорда 2026 йил 1 январгача ногиронлиги бор инсонлар учунхавфсиз ва тўсиқсиз муҳит яратилганлиги тўғрисида

[45]Сувонов Л. Тенг ва ижобий муносабат: алоҳида эътиборга муҳтож инсонларга яратилаётган қулайликлар кўлами кенгайишига хизмат қилади. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2024 йил 1 август. 153-сон. – 5-бет.
[46]Ўша жойда.

маълумотларни аниқлайдиган “Интерактив харита” ахборот тизими шакллантирилиши кўзда тутилган.

Ўн тўртинчидан, ногиронлиги бор инсонларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлашга мўлжалланганжамоат транспортини ҳам ташкил қилинади. Буларнинг бари ногиронлиги бор инсонларга тегишли шароитларни яратиб, уларни бача инсонлар қатори фаровон ва хотиржам яшашини таъминлашга қаратилгандир.

**Хулоса ва таклифлар**. Тадқиқотлар натижаси кўрсатдики, ногиронллиги бор инсонларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш каби тадбирлар “Инсон қадри учун” ғоясини амалга оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Бунга эришиш учун яна бир қанча вазифаларни амалга ошириш ҳам мақсадга мувофиқ. Булар:

**Биринчидан**, ногиронлиги бор шахсларни маҳаллабай рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳар бирининг камбағалликдан чиқиши учункўрсатилиши лозим бўлган хизматларни маҳалла еттилиги назоратига олиш мақсадга мувофиқ.

**Иккинчидан**, хўжалик юритувчи субъектларда ногиронлиги бор инсонларга мос иш ўринларини яратиш ва уларга давлатимиз томонидан тегишли имтиёзлар билан рағбатлантириш ҳам мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар “Ўзбекистон - 2030” стратегиясида кўзда тутилган “Инсон қадри учун” шиори остидаги мақсад ва вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

**1.** Сувонов Л. Тенг ва ижобий муносабат: алоҳида эътиборга муҳтож инсонларга яратилаётган қулайликлар кўлами кенгайишига хизмат қилади. // “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2024 йил 1 август. 153-сон. – 1 – 5 б.

**2.** Лола Абдуазимова.Индивидуал тартибда ижтимоий хизматлар кўрсатиш тартиби белгиланди. 14.03.2024.https://www.norma.uz/qonunchilikdayangi/individual_tartibda_ijtimoiy_hizmatlar_kursatish_tartibi_belgiland.

**3.** Мамаюнус Пардаев, Мехрангиз Мамаюнусова. Ногиронлиги бор инсонларга кўрсатиладиган хизматлар такомиллаштирилади. //https://telegra.ph/Nogironligi-bor-insonlarga-k%D1%9Ersatiladigan-hizmatlar-takomillashtiriladi-08-06. SamTVR | MTRK. 2024 йил 6 август. – 0,2 б.т.

**Мамаюнусова Меҳрангиз Олимовна** - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

# КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР
# МЕРЫ ПО СОКРАЩЕНИЮ БЕДНОСТИ
# POVERTY ALLEVIATION MEASURES

**Аннотация:** мақолада камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар кўриб чиқилган. Унда мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури ва уни амалга ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ҳам ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** хизмат кўрсатиш, камбағаллик, камбағаллик даражаси, аҳолининг бандлиги, фаровонликка эришиш йўллари.

**Аннотация:** в статье рассматриваются пути снижения бедности за счет развития сферы услуг. Также разработана программа мероприятий, направленных на сокращение бедности в нашей стране и научно-практические рекомендации по ее реализации.

**Ключевые слова:** оказание услуг, бедность, уровень бедности, занятость населения, пути достижения благосостояния.

**Abstract:** the article considers ways to reduce poverty through the development of the service sector. It also developed a program of measures aimed at reducing poverty in our country and scientific and practical recommendations for its implementation.

**Keywords:** service delivery, poverty, poverty level, population employment, ways to achieve well-being.

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда инсон шаъни ва фаровонлигини ошириш йўлида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармониэълон қилинди. Ушбу фармонда мамлакатимиз иқтисодиётини янада эркинлаштириш ва иқтисодий ҳаётимизга бозор механизмларини кенг жорий қилиш йўналишлари белгилаб берилган. Бу вазифаларнинг бажарилишиолиб борилаётган ислоҳотларни янги босқичга чиқаришни тақозо қилади. Бунинг учун давлатнинг иқтисодиётдаги ролини камайтириш ва хусусий секторнинг иштирокини кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга. Булардан келиб чиқиб, бугунги кунда қилинаётган ишларнинг натижадорлигини оширишга қаратилган иқтисодиётни бошқаришнинг аниқ ва шаффоф инновацион омилларни фаоллаштиришга йўналтирилган механизмларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Мазкур вазифаларни бажариш, энг аввало, ҳудудларда аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини яхшилашга қаратилгандир. Бундаги муҳим вазифалардан бири камбағалликни қисқартиришга ҳам қаратилгандир. Ушбу

вазифаларни бажариш учун кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларининг рақобатбардошлигини оширишни тақозо қилади. Чунки эркин иқтисодиёт шароитида рақобат муҳитининг мавжудлиги албатта ҳар бир хўжалик юритаувчи субъектларни ҳушёр бўлишликка, самарали фаолият кўрсатишга ундайди. Бунга эришиш учун тадбиркорликни ривожлантириш, бунга фундаментал шароитларни яратиб бериб, шунинг ҳисобидан янги ва барқарор иш ўринларини яратиш лозим бўлмоқда. Бунинг учун кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ чораларни кўриш ҳам керак бўлади. Бу ўз навбатида илмий асосланган тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилади. Масаланинг айнан ушбу жиҳати ушбу мавзунинг ўта долзарблигини белгилайди.

**Мавзуга оид адабиётлар шарҳи**. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш йўллари билан мамлакатимизнинг кўплаб олимлари шуғулланиб келмоқдалар. Булар жумласига Абдукаримов Б.А. Абдураҳмонов Х.Х., Арабов Н.У., Холмухамедов М.М Қудратов Ғ.Ҳ., Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. Ўринбаева Ю.П. Ураков Ж.Р. Очилов И.С. кабиларни[47] киритиш мумкин.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот жараёнида мантиқий таҳлил,илмий абстракция, тизимли ёндашув, индукция ва дедукция, макон ва замон усулларидан кенг фойдаланилган.

**Таҳлил ва натижалар**. Аҳолининг фаровонлигини ошириш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4653-сонли Қарори қабул қининди. Ушбу қарорни бажариш, яъни камбағалликка барҳам бериш учун мамлакатимизда кечиктириб бўлмайдиган масалалар сирасига киритиш мумкин бўлган тадбирлар ҳам белгилаб олишни тақозо қилади. Бизнинг фикримизча, булар қуйидагилардан иборат (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури[48]**

| Т/р | Камбағалликни қисқартиришга қаратилган тадбирлар номи | Камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларнинг мазмуни |
|---|---|---|
| 1. | Камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини жорий қилиш | Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва |

[47]Ўшбу олимлар асарлари адабиётлар рўйхатида келтирилган.

[48]Тадқиқотлар натижасида муаллиф томонидан ишлаб чиқилдган

| | | |
|---|---|---|
| | | баҳолаш услубиятини жорий қилиш, |
| 2. | Аҳоли таъминотининг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш | Аҳолининг ижтимоий-иқтисодий таъминоти, истеъмол саватчасининг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг фойдаланишни йўлга қўйиш. |
| 3. | Аҳолиининг яшаш шароитлари а ижтимоий аҳволи ўрганилиб, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини ҳисоблаш методология-сини ишлаб чиқиш | Ҳар бир маҳалла кесимида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томониданҳамда аҳоли даромадлари табақалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш орқали камбағалликни қисқартириш бўйича аниқ чораларни кўриш. |
| 4. | Маҳалла бўйича аҳоли ижтимоий аҳволи танг бўлган қатламларининг рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ҳар бирида қандай имкониятлар мавжудлигини ўрганилиши | Аниқланган ижтимоий аҳволи танг аҳоли қатламларининг шаклланган рўйхатинияна бир бор янгилаш ва уларнинг ҳар бирида қандай имкониятлар мавжудлигини ўрганилиши ва шунга асосланган ҳолда камбағалликни тугатишнинг аниқ манзилли йўналиш-ларини маҳаллабай ишлаб чиқиш лозим бўлади. |
| 5. | Камбағалликни қисқар-ишига юзаки қарамаслик ва расмиятчилик учун фақат рақамлар билан ҳисобот бериш билан чекланмас-дан, балки реал ҳолат асосида баҳолаш лозим | Шуни инобатга олиш жоизки, мазкур масалада камбағалликнинг қисқаришига юзаки қарамаслик ва расмиятчилик учун фақат рақамлар билан эмас, балки реал ҳолат асосида баҳолашлозим бўлади. Айрим ҳолларда майда нарсадек туюлган жараён катта мувоффақиятларга олиб келиши мумкин. |
| 6. | Мамлакатимизда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ўрганиб чиқиш ва имкон қадар янги иш ўринларини очиш. | Мамлакатимизда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожланти-риш, ишчи кучи миграцияси жараёнла-рини таҳлил қилиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш, аҳолининг ўзини ўзи банд қилиш прин-ципини жорий қилиш эвазига бандлик муаммосини ҳал қилишга эришиш. |
| 7. | Мамлакатимиз миқёсида истеъмол саватчаси | Мамлакатимиз миқёсида ва унинг барча ҳудудларида, уларнинг ўзига хос |

| | | |
|---|---|---|
| | ва тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорлардаги даромадлар даражасини ҳудудлар кесимида ишлаб чиқиш | хусусиятларидан келиб чиқиб, истеъмол саватчаси ва тирикчилик учун зарур бўлган энг кам миқдорлардаги даромадлар даражасини ишлаб чиқиш ва жорий қилинишини тезлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ. |
| 8. | Ҳар бир маҳаллада камбағаллик даражасини ва сонини аниқлаш | Камбағаллик даражасини ва сонинг маҳаллалар бўйича билиб олиб, уни бартараф қилиш ишларига аниқ манзилли тадбирлар билан киришиш лозим. |
| 9. | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган чора тадбирларнинг ижросини таъминлашнинг тизимли назорати ўрнатилиши лозим | Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги “Ўзбекистон Республикаси-нинг 2030 йилгача “Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш концепцияси” ва “Саноатни ривожлантириш стратегияси”, “Камбағалликни қисқартириш дастури” кенг жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Уларнинг ҳар бир бандини назорат қилиб бажарилишини таъминлаб бориш лозим. |
| 10. | Аҳолининг камбағал ва ишсиз қатламлари, айниқса аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни касбга ўқитишни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ | Маҳаллалар томонидан рўйхатга олинган аҳолининг камбағал ва ишсиз қатламлари, айниқса аёллар ва ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш ва касбий таълим бўйича маҳаллий эҳтиёждан келиб чиқиб, бюджет ҳисобидан ўқув курсларини очиш ва уларни касбга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ҳам мақсадга мувофиқ. |
| 11. | Ҳар бир ҳудуд бўйича камбағаллик даражасини аниқлаш, уларни баҳолаш бўйича тегишли индикаторлар ишлаб чиқиш. | Тегишли маълумотлар асосида ҳар бир ҳудуд бўйича камбағаллик даражасини аниқлаш, уларни баҳолаш бўйича тегишли индикаторлар ишлаб чиқиш, ушбу маълумотлардан келиб чиқиб, ҳар бир ҳудудда қанчадан камбағал оилаларнинг мавжудлиги маҳаллалар кесимида аниқ белгилаш ва уларни камайтириш бўйича маҳаллий ҳокимият томонидан аниқ чораларни қўллаш. |

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар жуда кўп экан.

Буни биз англаган тадбирларнинг бир қисми халос. Чунки ушбу масалага қандай ёндошилса, ўша йўналишда бир қанча имкониятларни ҳам топиш мумкин. Шундай қилиб, тадқиқот жараёнида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш мумкинлиги ҳақида бир қанча хулосаларга келинди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**Хулоса ва таклифлар**. Мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар дастурини мукаммал бажариш учун бир қанча тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди. Булар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, камбағалликни қисқартириш бўйича белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш лозим. Бу ҳар бир ҳудудлар кесимида, унинг қанча қисми Давлат бюджетидан, қанчаси маҳаллий бюджетдан, қанчаси тадбиркорлар ҳисобидан ажратилиши бўйича аниқ манбаларни ҳам белгилаш ва уларнинг назоратини олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Иккиинчидан, камбағалликни қисқартиришга қаратилган лойиҳаларни ўз муддатида ва сифатли бажаришга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқлаш ҳам масаланинг ечимларидан биридир. Бунда ҳар бир ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари доирасида бартараф қилиш, ҳудуднинг эҳтиёжига мос бўлган янги иш ўринларини яратиш масаласига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Учинчидан, қаерда иш ўринлари яратилиши лозим ва мумкин бўлса, ўша жойда янги иш ўринларини яратиш чораларини кўриш. Бундаҳудудлараро ривожланишнинг табақалашувини қисқартириш чораларини кўриш баробарида, қишлоқ ҳудудларда ҳам саноат зоналарини ташкил этиш, уларни жойлаштириш юзасидан услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш. Бунда мазкур ҳудудни ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишни йўлга қўйиш.

Тўзртинчидан, ҳудудларда маҳалла кесимида оилавий тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш. Ушбу тадбир камбағалликни қисқартиришнинг муҳим омили сифатида, бу борадагимавжуд тўсиқ ва муаммоларни бартараф қилишга катта кўмак бўлади. Бунда мазкур соҳани молиялаштиришнинг содда тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётда кенг қўллаш ҳам лозим бўлади.

Бешинчидан, йирик тадбиркорларга сув иншоатларини қуриш ва уларни белгиланган тартибда фойдаланувчиларга сотиш тизимини жорий қилиш механизмини яратиш лозим. Чунки бу тадбирқишлоқ жойларда камбағалликни қисқартириш учун ишлатилмай келаётган ер участкаларини ҳозиргидек, ёшларга тақсимлаш тизимини янада давом эттириш ва такомиллаштириш имконини яратади. Зеро, тақсимланган майдон лалми жойлардан бўлса ҳамма кишининг сув чиқариш имконияти бўлмайди ва озгина жойни суғориш учун жуда катта харажат қилишга ҳожат қолмайди.

Олтинчидан, мамлакатимизда давлат миқёсидаги ва ҳудудлар бўйича камбағалликни қисқартиришнинг бир қанча йўлларини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий қилиш лозим. Бунда қабул қилинадиган ижтимоий-иқтисодий дастурларда белгиланган вазифаларни бажаришда камбағаллик даражасига таъсирини инобатга олиб, уни бутунлай бартараф этиш

чораларини кўриш мақсадга мвофиқ.

Еттиинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларни жалб қилишда асосий эътиборни камбағалликни қисқартириш масаласига йўналтириш мақсадга мувофиқ. Бунга эришиш учун мамлакатимизнинг камбағаллиги мавжуд бўлган ҳудудларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини янгидан барпо қилиш, аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Саккизинчидан, ёшларни бирорта мутахассислик бўйича тайёрлашда бир вақтнинг ўзида ҳам назарий, ҳам амалий билимга эга бўлишлигини таъминлаш. Бунда қайси мутахассис ёки қайси даражадаги ўқиши (ўрта, ўрта махсус, олий) бўлмасин, барчасида ўзини ўзи иш билан таъминлаш кўникмасига ўргатиш, уларга назарий ва амалий дарслар орқали шу соҳага оид билимларни беришни ўқув режасига киритиш лозим.

Тўққизинчидан, ҳозир ўқув муассасаларида ўқиётган талабаларни ўқув муассасасини битиргач қаердадир фаолият кўрсатиши бўйича аниқруҳияти шаклланган бўлиши лозим. Шунда талаба ҳам шу корхона ёки муассасада ишлашни мўлжаллаб, шунга тайёргарлик кўриб боради. Албатта бунинг самараси юқори бўлиши учун рағбат (мативация) бўлади.

Ўнинчидан, аҳолида мавжуд томорқадан самарали фойдаланишга катта эътибор бериш ва бу тадбирни янада такомиллаштириш лозим. Масалан, шаҳарда 1 сотих ери бор киши тўрт бурчагига 4 та турли навдаги узум, ўртасига 2 та мевали дарахт (ўрин ва гилос) экиб парваришлаб ўсдирса, озиқ-овқат билан боғлиқ бир қисм муаммолари шу ерда ҳал бўлади, деярли бозорга бормайди. Бозорга кетадиган маблағларнинг тежалиши эвазига оилага яхшигина қўшимча даромад олиб келади.

Ўн биринчидан, бирор нарсага ихтисослашишдан олдин ички ва ташқи бозорни яхши ўрганиш мақсадга мувофиқ. Бу тадбир ўзимиздаги мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишдек катта имкониятимиздан самарали фойдаланишга шароит яратади. Шунингдек, эспортбоб меваларни саралаш, стандартлаштириш, сақлаш масалаларига алоҳида аҳамият бериб, ностандарт бозор “тортмайдиган” маҳсулотларни қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳам аҳолининг моддий фаровонлигини янада ошириш имконини беради.

Ўн иккиинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашда энг катта имкониятлардан бири эканлигини инобатга олиб, ушбу соҳани алоҳида камбағалликни тугатишга йўналтири лозим бўлади. Чунки халқаро меҳнат ташкилоти таҳлилларига кўра, сервис индустриясининг 1 фоизга ўсиши камбағаллар сонини 1,5 фоизга қисқартириши исботланган. Аммо Ўзбекистонда бу соҳа салоҳиятидан тўла фойдаланилмаётгани таъкидланган. Демак хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериш объектив зарурият эканлигини унутмаслик керак.

Ун учинчидан, ҳизмат кўрсатиш соҳаси келажакда аҳолини иш билан таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантиришда ҳам роли катта бўлади. Мамлакатимизда бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳозирда 35 фоизни ташкил этмоқда Аммо буни кўпайтириш учун жойларда маиший ускуналарни таъмирлаш устахоналари, кимёвий тозалаш шохобчалари,

компьютер дизайнерлиги, бухгалтерия, реклама, пуллик тиббий хизмат каби тадбиркорлик субъектларини очиш эвазига мазкур йўналишда камида 160 минг қўшимча иш ўрни яратиш мумкинлигини ҳам Президентимиз кўрсатиб ўтган эди.

Ўн тўртинчидан, камбағалликни қисқартишнинг муҳим омиллари ва йўналишларидан бири ички туризмни ривожлантириш масалаласидир. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, бу соҳада 200 мингдан зиёд аҳолини иш билан таъминлаш мумкин экан. Шунингдек, туризмга хизмат қилувчи умумий овқатланиш, транспорт, чакана савдо каби йўлдош тармоқларда яна кўплаб иш жойлари ташкил этилиши ҳам мумкин. Муҳтарам Президентимиз 2020 йил апрелдаги видеоселекторида ҳар бир ҳудудда имконият ҳам, саёҳатчилар диққатига сазовор жойлар ҳам етарли эканини қайд этди. Мисол учун, Янгиқўрғон туманида 16 та дам олиш масканини тиклаш ҳисобига 1 минг 500 нафар аҳолини, Бўстонликда 10 минг ўринга мўлжалланган кўчма дам олиш масканлари ташкил этиш орқали 8 мингга яқин кишини иш билан таъминлаш мумкинлиги кўрсатиб берилган эди.

Ўн бешинчидан, Ўзбекистоннинг нафақат қадимий шаҳарларидаги сайёҳлик имкониятлари, балки соҳани ривожлантириш учун бошқа чексизимкониятлардан ҳам фойдаланишни йўлга қўйиш лозим. Бунинг учунтуризмга мутасадди бўлган ташкилотлар маҳаллий ҳокимликлар билан бирга янги ички туризм маршрутларини очиш, кўчма дам олиш масканларини кўпайтириш, тиббиёт ва соғломлаштириш туризмини тараққий эттириш бўйича аниқ манзилли чораларни кўриши мақсадга мувофиқ.

Ўн олтинчидан, ҳокимлар ва сектор раҳбарлари сайёҳлар борадиган барча объектлар, меҳмонхона ва овқатланиш шохобчаларининг тегишли талабларга жавоб берадиган даражада ташкил қилинишини, тегишли инфратузилманинг яратилишини таъминлашга кўмаклашишлари лозим. Агар ушбу ҳуддудда бўш иш ўринлари бўлмаса шу соҳани ривожлантириш эвазига янги иш ўринларини яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги пайтда аксарият ёшлар ўзини-ўзи иш билан таъминлаш ҳақида ўйлаб кўриши лозим. Кўп ҳолларда ишсиз ёшлар мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларига ёки хорижга иш ахтариб кетишга кўникиб қолишди. Бунинг ўрнига шу ерда ишлаш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Асосий эътибони шунга қаратиш лозим.

**Умумий хулоса**қилиб айтганда, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш масаласи бугунги кунда ўта долзарб бўлиб, у билан боғлиқ муаммолар ҳам, уларнинг ечимлари ҳам жуда кўп. Буларни аниқлаш ва ҳал қилиш фақат мутасадди вазирликларнинг ёки маҳаллий ҳокимиятларнинг иши эмас, балки ҳар бир оиланинг, шахсларнинг иши бўлмоғи лозим. “Мен камбағал бўлиб қолмаслигим учун нима қилишим керак?”, деган саволни ҳар бир киши, айниқса ёшлар ўзига бериши ва энг аввало, жавобини ўзи ахтаришилозим. Агар ўзининг “қўли калталик” қилиб қолсагина, давлатга, маҳаллий ҳокимиятга мурожаат қилиши имкониятларидан фойдаланиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Бундайларга маҳаллий ҳокимият, бор имкониятларини ишга солган ҳолда лаббай деб жавоб бериши – миллатимиз,

халқимиз олдидаги бурчимиз, деб қараш одатий ҳолга айланди. Масъулият ҳар томонлама бўлмас экан, кўзланган муваффақиятга эришиб бўлмайди.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5975-сонли Фармони. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 27 март. – 1-2 бетлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартда имзоланган “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4653-сонли Қарори. // “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 27 март. – 1-2 бетлар.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январда имзолаган “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарори. // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 28январь. – 1-2 бетлар.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 апрелда имзоланган “Касаначиликни ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-214-сонли қарори.// “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 22апрель. – 1-2 бетлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22июлда имзоланган “Хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-329-сонли қарори. // “Халқ сўзи” газетаси. 2022 йил 23 июль. – 1-2 бетлар.
6. Абдукаримов Б.А. Ички савдо иқтисодиёти. Дарслик. 2-нашр.– Т.: ”IQTISOD-MOLIYA”, 2010. – 384 б.,
7. Абдураҳмонов Х.Х., Арабов Н.У., Холмухамедов М.М. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифати. Ўқув қўлланма. Т.: “Тафаккур бўстони”. 2014. 242 б.
8. Қудратов Ғ.Ҳ., Абдукаримов Б.А., Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Савдо иқтисодиёти муаммолари. Ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти, 2016. – 508 бет,
9. Пардаев М.Қ., Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Монография. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2011. – 172 б.
10. Пардаев М.Қ., Мирзаев Қ.Ж., Очилов И.С. Хизматлар соҳаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2014. – 384 б.
11. Пардаев М.Қ. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиётининг айрим муаммолари. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 264 бет.
12. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Камбағалликни баҳолаш ва уни камайтириш йўллари. Илмий-услубий тавсия. Самарқанд, СамИСИ, 2020. – 68

13. Ураков Ж.Р. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2013. – 127 бет.
14. Ўринбаева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли турмуш даражаси: ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш истиқбллари. Монография. – Т.: “Фан” нашриёти, 2013. – 144 бет.
15. http/www.dissercat.com.
16. http/pscgspace/ cgiav/org.
17. http/setd/ohiolink/edv.

**У.Худайбердиев –** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, и.ф.н.
**Н.З.Юлдашова –** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси

## ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР

**Аннотация:** Мазкур мақолада мамлакатимиздаги ишсиз ёшларни иш билан таъминлаш бўйича олиб борилган изланишлар натижалари ёритилган. Ёшларнинг бандлиги ва ишсизлиги бўйича тадқиқот натижалари, таҳлиллар асосида ёшларнинг бандлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

**Калит сўзлар:** ёшлар, тадбиркорлик, бизнес-лойиҳа, рағбатлантириш, мутахассислар, бизнес, хунармандлар, меҳнатга лаёқатли ёшлар

**Аннотация:** В данной статье описаны результаты исследования занятости безработной молодёжи в нашей стране. На основе результатов исследований и анализа занятости и безработицы молодёжи даются предложения и рекомендации по увеличению занятости

**Ключевые слова:** молодёжь, предпринимательство, бизнес-проект, поощрение, специалисты, ремесленники, трудоспособная молодёжь

**Abstract:** This article describes the results of a study of the employment of unemployed youth in our country. Based on the results of research and analysis of youth employment and unemployment, proposals and recommendations are given to increase employment

**Keywords:** youth, entrepreneurship, business project, encouragement, specialists, artisans, able-bodied youth

Ўзбекистон аҳолиси мунтазам равишда кўпаймоқда. Ўзбекистон аҳолиси 2000 йилда 24,5 млн киши бўлса, 2024 йилга келиб – 37,9 млн кишидан ошиб кетди. Умумий аҳоли сонининг 32,0 фоизини ёшлар, 58,0 фоизини меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам аҳолини, айниқса ёшларни иш билан таъминлаш актуал масала ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Президентининг 2024 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон-2030” Стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармони ёшларни иш билан таъминлашдаги муҳим қадам бўлди. Бу фармонда худудлар кесимида,

мутахассислар, ҳунармандлар тайёрлаш, уларни ўқитиш, ўргатиш, истъедод-иқтидорларини аниқлаш ва рағбатлантириш йўллари кўрсатилган.

Хозирги даврда ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг янги бизнес-режаларини қўллаб-қувватлаш ва банклар томонидан берилаётган имтиёзли кредитлар билан таъминлашга кўмаклашиш каби жараёнлар жадаллашмоқда. Бу ишларнинг умумий мақсади – ёшларни касбга йўналтириш, уларни замонавий ва малакали кадрлар сифатида тарбиялаш, кейинги босқичларда ёшларни иш билан таъминлаш учун қулай шарт-шароит яратишдан иборат.

Бугунги кунда ёшларнинг бандлиги давлатимизнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади, уларнинг тадбиркорликда ва бизнесда салмоқли улуши – мамлакатимизнинг эртанги иқтисодий ўсиши ва ривожланишини таъминлайди.

Ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида – “Ёшлар дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан ёшларни чет тиллари ва касб-ҳунарларга ўқитиш, ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун “Қизлар академияси” платформасини ишга тушириш;

- “Бизнесни қўллаб-қувватлаш дастури” доирасида 2024 йилда 2 миллион аҳолини бизнесга жалб қилиш;

- Ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳа ва ғоялари бўйича танловлар ўтказиш, ғолибларни аниқлаш ва уларни рағбатлантириш кўзда тутилган;

- Танловларда ғолиб бўлган бизнес лойиҳа ва ғоялар эгаларини имтиёзли кредитлар бериш, хорижий давлатларда малака ошириш имкониятлари берилган;

- 7,5 минг нафар ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, чет тиллари бўйича юқори балл олган 6 минг нафар ёшларнинг имтихон харажатларини қоплаб бериш кўзда тутилган.

Булардан ташқари, ёшларнинг яхши билим олишлари учун мактабларни электрон доска, компьютер, китоблар, спорт жиҳозлари билан таъминлаш, спортнинг футбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, миллий кураш каби турларини ривожлантириш, ёшларнинг соғлигини тиклаш бўйича, айниқса ёшлар орасида юрак-қон томир, қандли диабет ва бошқа касалликлар хавфини аниқлаш бўйича профилактик кўриклар ташкил этиш белгиланган.

Ёшларни иш билан таъминлаш, биринчидан аҳолининг меҳнат ҳақи бўйича даромадини кўпайтиради, турмушини яхшилайди; иккинчидан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, мамлакат иқтисодий қудратини кучайтиради.

2023 йилда мамлакат ЯИМ ҳажми 90,8 млрд долларга етди ва 2022 йилга нисбатан 6,0 фоизга кўпайди. Бунда саноат маҳсулотлари 655,8 трлн сўм бўлиб, 6,0 фоизга ўсган; қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – 426,3 трлн сўм бўлиб, 4,1 фоизга ўсган, хизматлар соҳаси эса 470,3 трлн сўмни ташкил этиб, 6,8 фоизга ўсган. Мамлакат ЯИМ ҳажмини ҳар йили камида 6,0 фоизга кўпайтириш “Ўзбекистон-2030” Стратегиясида белгиланган.

**Таклиф ва тавсиялар:**

1. Ёшларни хозирги замон талабларига мос касбий йўналишларга тайёрлаш ва уларнинг мутахассислиги ва малакаси бўйича иш билан таъминлаш.
2. Ёшларни касбга йўналтиришда нафақат давлат, балки нодавлат таълим марказларини ривожлантириш лозим.
3. Ёшлар орасида ишсизлик даражасини камайтириш мақсадида, меҳнат бозорида юзага келадиган камчиликларни бартараф этиш керак.
4. Меҳнат бозорида ёшлар учун мавжуд бўлган иш ўринларини сақлаб қолиш ва уларнинг эгаллаган касблар бўйича янги иш ўринларини яратиш.
5. Иш жойини йўқотган ёшларга давлат томонидан ёрдам бериш ва ҳ.
6. Давлат ва нодавлат секторларда юқори малака талаб этмайдиган иш ўринларини кўпайтириб, шу аснода ўз-ўзини банд қилишни янада рағбатлантириш лозим.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 18.01.2021 йилдаги “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 23-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.01.2022 йилдаги “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-92-сонли қарори.
3. Молодежь как особая социально-демографическая группа. www.grandars.ru
4. Внешняя молодежная миграция в странах Центральной Азии: анализ рисков и минимизация негативных последствий. www.iom.kz



**Ахтамова Мохигул Эркиновна** - PhD, и/о доцент кафедры «Менеджмент» Самаркандский институт экономики и сервиса

**Синько Юлианна Викторовна –** студентка группы МН-223, факультета «Бухгалтерский учет и менеджмент» Самаркандского института экономики и сервиса


## РОЛЬ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ИННОВАЦИЙ В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СФЕРЕ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН


**Аннотация:** В данной статье анализируется необходимость инноваций в экономическом и социальном обществе, что является одной из наиболее характерных черт экономического развития и фактором, ускоряющим развития рынка. В статье упомянута стратегия инновационного развития страны, а также внесены предложения усовершенствования высшего образования.



**Ключевые слова:** Стратегия, статистика, экономика, прогресс, развитие, инновационные идеи, человеческий капитал, стартап-инициативы,

рынок труда, механизмы, финансирование, образование, квалифицированные кадры.

**Annotatsiya:** Ushbu maqola iqtisodiy va ijtimoiy jamiyatda innovatsiyalar zarurligini tahlil qiladi, bu iqtisodiy rivojlanishning eng xarakterli xususiyatlaridan biri va bozor rivojlanishini tezlashtiruvchi omil hisoblanadi. Maqolada mamlakatning innovatsion rivojlanish strategiyasi, shuningdek, oliy ta'limni takomillashtirish bo'yicha takliflar keltirilgan.

**Kalit sozlar:** Strategiya, statistika, iqtisodiyot, taraqqiyot, rivojlanish, innovatsion g'oyalar, inson kapitali, startap tashabbuslari, mehnat bozori, mexanizmlar, moliyalashtirish, ta'lim, malakali kadrlar.

**Annotation:** This article analyzes the need for innovation in economic and social society, which is one of the most characteristic features of economic development and a factor accelerating the development of the market. The article mentions the strategy of innovative development of the country, as well as proposals for improving higher education.

**Key words:** Strategy, statistics, economics, progress, development, innovative ideas, human capital, startup initiatives, labor market, mechanisms, financing, education, qualified personnel.

На сегодняшний день инновации это настоящий двигатель прогресса. От того, насколько динамично применяются новые технологии, напрямую зависят эффективность отдельного человека и предприятий, развитие страны и ее экономики. Это также метод конкуренции на рынке и, соответственно, возможность для развития даже в условиях кризиса. Инновации также содействуют росту процветания общества через повышение уровня благосостояния и уровня безопасности, сокращение отрицательных экологических последствий.

Реализация Стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2019 — 2021 годы достигла лучших результатов в обеспечении и изменении инновационного и технологического прогресса в отраслях экономики и социальной сфере, в том числе сельском хозяйстве, энергетике, строительстве, образовании, здравоохранении. В частности:

5) республика взошла на 36 позиций по сравнению с 2015 годом в рейтинге Глобального инновационного индекса, который оценивается по 81 индикатору;

6) размер годовых средств, отводимых из Государственного бюджета на инновационную и научную сферы, по сравнению с 2018 годом увеличился в 3 раза и была достигнута сумма около 1,5 триллиона сумов;

7) если в 2018 году контингент молодых ученых составляло 6,5 тысяч, то этот коэффициент в 2022 году достиг 10,8 тысяч человек, то есть обеспечен рост в полтора раза;

8) за последние четыре года число специализированных институтов по финансированию инновационной деятельности (инновационные фонды, венчурные организации и другие) доведено до 28 единиц;

Начиная с 2018 года в Узбекистане проводится Международная неделя инновационных идей «Innoweek.uz». Со временем она превращается в

платформу инновационных технологий, объединяющую зарубежные научные и инновационные центры, инвестиционные фонды, технологические агентства, технопарки и бизнес-инкубаторы на пути к одной цели.

В связи с этим, 19 октября 2023 года в городе Ташкенте в рамках Международной недели инновационных идей «InnoWeek.Uz-2023» была проведена панельная сессия: «Реализация проекта Всемирного банка Modernizing Uzbekistan National Innovation System (MUNIS). Текущая активность и дальнейшие планы». Всемирный банк придерживается повестки инновационной политики Республики Узбекистан, финансируя проект «Модернизация национальной инновационной системы Узбекистана» (MUNIS), реализацию которого положило начало Министерство инновационного развития (в соответствии с Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПКМ-172 от 3 апреля 2021 года «О мерах по реализации проекта «Модернизация национальной инновационной системы Узбекистана» с участием Международной ассоциации развития) и продолжается Министерством высшего образования, науки и инноваций. К участию в мероприятии были приглашены более 150 представителей научного и бизнес-сообществ, международные эксперты, сотрудники уполномоченных государственных органов и заинтересованных организаций.

Для обеспечения ускорения инновационного развития в республике, широкого внедрения инноваций и технологий во всех отраслях экономики, развития человеческого капитала, научных и инновационных сфер.

Главной целью данной стратегии является достижение к 2026 году включительно вхождения Республики Узбекистан в состав 56 передовых стран мира по рейтингу Глобального инновационного индекса; в объявленном в 2021 году рейтинге Глобального инновационного индекса Узбекистан поднялся на 7 ступеней, занял 86-е место среди 132 государств и вошел в топ-10 стран, заметно улучшивших свои позиции.

Республиканскому совету по работе с международными рейтингами и индексами совместно с Министерством инновационного развития, заинтересованными министерствами, ведомствами и организациями в месячный срок разработать и реализовать план мероприятий на 2022 — 2026 годы по улучшению позиции Республики Узбекистан в рейтинге Глобального инновационного индекса.

На сегодняшний день остаются следующие основные проблемы в сфере инновационного развития, которые потребно решить в ближайшей перспективе:

**во-первых**, ежегодно на рынок труда в нашей стране выходит 600 — 700 тысяч человек. Также, охват высшим образованием по сравнению с 2016 годом увеличился с 9 процентов до 38 процентов и этот показатель в ближайшем будущем будет доведен 50 процентов. Это требует разработки эффективных механизмов обеспечения выпускников вузов высокотехнологичными рабочими местами;

**во-вторых**, существует большая потребность перехода на систему создания капитала, то есть обеспечения малозатратного и универсального

производства (превращающего «один в тысячу») посредством создания множества новых рабочих мест, дальнейшего стимулирования деятельности субъектов предпринимательства при поддержке предприятий отраслей и кластеров, венчурных организаций и различных инструментов соответствующих финансовых рынков путем увеличения производственных организаций и видов оказания услуг с помощью инноваций во всестороннем содействии повышению занятости и доходов населения, обеспечении занятости безработных, особенно молодежи, женщин и выпускников, впервые выходящих на рынок труда;

**в-третьих**, требуется поддержка малого и инновационного предпринимательства путем совершенствования и увеличения объема механизмов финансирования научно-исследовательских и инновационных проектов в государственно-частном партнерстве, привлечения средств международных финансовых организаций и фондов, через технопарки, инновационные центры и молодежные технопарки;

**в-четвертых**, не разработаны региональные программы инновационного развития с учетом экономической специализации, научно-технического потенциала и имеющихся ресурсов, а инновационные технологии требуют акцентирования и приоритетности при внедрении решений, направленных на обеспечение непрерывного обновления технической и технологической базы производства;

**в-пятых**, не выработаны оптимальные механизмы поддержки путем принятия успешных стартап-проектов в членство инновационных технопарков и свободных экономических зон на этапах серийного производства, не внедрены специальные меры поддержки для усиления интереса частного сектора к новым научным разработкам и стимулирования заинтересованности в «софинансировании» (co-finance) инноваций;

**в-шестых**, в республике отсутствует целостная система, включающая в себя периодичность «отрасль-регион-научная/высшая образовательная организация» и капитальное функционирование инноваций для создания циклических отношений «подрывные» — «устойчивые» — «эффективные» инновации, а ее основные процессы остаются в весьма фрагментарном виде.

Узбекистану необходимо серьезно заняться решением инновационных проблем и улучшением уровня жизни населения. Очень важно повысить инновационный климат, развить технологии и стимулировать деятельности малых инновационных фирм. Для улучшения и обновления инновационных технологий, требуется заключить договоры о поставке улучшенных технологий на территорию Узбекистана, с такими странами как Япония, Германия, Китай, Америка и другие.

**Использованная литература:**

1.Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии «Узбекистан 2030»» от 11 сентября 2023 года №УП-158

2.Постановление Президента Республики Узбекистан «Об утверждениеи стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2022 — 2026

годы» от 6 июля 2022 года №УП-165
3.https://kapital.uz
4.https://lex.uz

**Хилола Нематовна Очилова –** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доцент в.б., PhD
**Дилшод Шомурод ўғли Ҳакимов –** Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, менежмент йўналиши талабаси

# БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШДА ЖАМИЯТДА МАВЖУД БЎЛГАН ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** ушбу мақолада жамият тушунчасининг назарий асослари, жамиятга хос белгилар ва ўзига хос хусусиятлари, бизнес юритишда бутун жамият фаолияти билан ўзаро боғлиқликда ҳаракатлари назарий жиҳатлари ёритиб берилди.

**Калит сўзлар:** бизнес, жамият, тадбиркорлик, манфаатдор томонлар, бизнес муҳити, иқтисодий муносабат.

**Аннотация:** в данной статье разъяснены теоретические основы понятия общества, особенности и характеристики общества, теоретические аспекты его деятельности в связи с деятельностью всего общества по ведению бизнеса.

**Ключевые слова:** бизнес, общество, предпринимательство, заинтересованные стороны, бизнес-среда, экономическое отношение.

**Abstract:** in this article, the theoretical foundations of the concept of society, the characteristics and characteristics of society, the theoretical aspects of its activities in connection with the activities of the whole society in conducting business have been explained.

**Key words:** business, society, entrepreneurship, stakeholders, business environment, economic attitude.

Бизнес, инсоннинг у ёки бу йўналишда ривожланишига ҳисса қўшадиган бошқа ҳар қандай фаолият каби жамиятнинг мавжудлиги учун асосдир.

Бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш ва аҳолининг фаровонлигини ошириш мақсадида давлатимизда ҳам жуда кўплаш ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари ҳам жуда кўп қарор ва фармонларни аҳолининг фаровонлигини янада ошириш ҳамда мамлакатни ривожлантириш мақсадда қабул қилмоқда.

Бундан ташқари Президентимиз ҳар бир маърузаларида, жумладан 2022 йил 20 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “... иқтисодий ислоҳотларни қатъий давом эттирамиз, ички имкониятларни тўлиқ сафарбар қилиб, хусусий секторни янада қўллаб-қувватлаймиз. Бунинг учун, энг аввало, тадбиркорлик муҳитини тобора яхшилаш бўйича ислоҳотларни

жадаллаштирамиз”, деган сўзлари бу соҳани янада аҳамият бериш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Республикамизнинг иқтисодий ривожланишида бизнес фаолиятининг ўрни беқиёсдир. "Бизнес" ва "жамият" тушунчалари ўртасидаги муносабатлар узоқ вақтдан бери мавжуд бўлиб, улар билан қандай муносабатда бўлишимиз ва уларни ўзимиз учун шахсан қабул қилишимиздан қатъи назар, амалда қабул қилинган умумий қонунларга бўйсунишимиз лозим. Шу билан бирга, ҳар бир таркибий қисмни таҳлил қилишда биз таянадиган тушунчалар ўртасидаги муносабатларнинг умумий схемаларини белгилаш керак: шахс (индивидуал) - жамият - бизнес. Жамият – моддий оламнинг табиатдан ажратилган қисми бўлиб, инсон ҳаётининг тарихан ривожланиб бораётган шаклини ифодалайди.

Ижтимоий фанларда “жамият” тушунчаси турлича талқин қилинган ва ҳозир ҳам талқин қилинмоқда:

1) “ижтимоий инстинктларни” қондириш (Аристотел), ўз ҳаракатларини назорат қилиш учун бирлашувчи инсонлар йиғиндиси (Хоббес Томас, Ж.Ж. Руссо). ;

2) жамиятни алоҳида шахслар манфаатларининг бир хил йўналиши сифатида, конвенция, келишув асосида тушуниш XVII-XVIII асрлар буржуа фалсафасига хос эди;

3) 19-асрда жамиятнинг «шартнома» назарияси танқиди пайдо бўлди: О.Конт жамиятнинг келиб чиқишини мураккаб ва уйғун тизимлар шаклланишининг қандайдир мавҳум қонуни таъсирида кўрди; Гегел “фуқаролик жамияти”ни иқтисодий муносабатлар соҳаси сифатида талқин қилган, бунда ҳар кимнинг ҳар кимга қарамлиги ҳар томонлама чамбарчас боғлиқ;

4) замонавий номарксистик социологияда «жамият мавҳум шахслар йиғиндиси» тушунчаси «жамият худди шу индивидларнинг ҳаракатлари йиғиндиси» тушунчаси билан алмаштирилади;

5) марксистик фалсафада жамиятни тушунишда улар инсон мавжудлиги фактининг ўзи жамият моҳиятини очиб бера олмаслигидан келиб чиқадилар, чунки. “Жамият алоҳида шахслардан иборат эмас, балки бу шахслар бир-бири билан боғлиқ бўлган алоқа ва муносабатлар йиғиндисини ифодалайди” (К.Маркс).

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “жамият —(араб тилидан олинган бўлиб, йиғилиш, уюшма, гуруҳ) 1) тарихий тараққиётнинг маълум босқичида моддий бойликлар яратишнинг муайян усуллари муайян ишлаб чиқариш муносабатлари билан характерланадиган ижтимоий муносабатлар мажмуи” [49], деб келтирилган.

Жамиятга хос белгилар ва ўзига хос хусусиятлар: Жамиятга замонавий таъриф бериш учун унинг ўзига хос белгилари ва белгиларини кўриб чиқиш керак:

1. Жамиятнинг биринчи белгиси одатда одамлар ўртасидаги муносабатлар ривожланиб, ижтимоий алоқалар мустаҳкамланган ҳудуд деб

[49] https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20J.pdf

аталади.

2. Иккинчи белги - жамиятнинг барқарорлиги, яъни. юқори интенсивликдаги ички муносабатларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш қобилияти.

3. Учинчи белги - жамиятнинг автономлиги ва ўзини ўзи бошқаришнинг юқори даражаси, бунда ташқи кучлар аралашувисиз одамларга ўз имкониятларини рўёбга чиқариш ва ижтимоий зинапояларга кўтарилиш имкониятини бериши керак.

4. Тўртинчи белги - жамиятнинг бирлаштирувчи кучи. Жамият ҳар бир янги авлодни ижтимоийлаштиради, уни мавжуд муносабатлар тизимига киритади ва умумий тил, маданият ва келиб чиқиши билан боғланган одамлар унга интилади.

Шундай қилиб, биз шундай таъриф беришимиз мумкин: Жамият - бу асосий эҳтиёжларни қондириш учун доимий ва барқарор ўзаро таъсир ўтказадиган одамлар бирлашмаси. Шу билан бирга, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш механизмлари жамият томонидан ишлаб чиқилади ва у томонидан қайта ишлаб чиқарилади.

Жамиятда мавжуд бўлган ҳар бир шахс, тан оладими ёки йўқми, ўша жамиятда қабул қилинган иқтисодий қонунлар ва меъёрларга бўйсунади. Жамият ижтимоий категория сифатида унинг алоҳида вакиллари – индивидлар ҳаракатларининг ҳам манбаи, ҳам мақсадидир; бир томондан, туғилган пайтдан бошлаб шу жамиятда қабул қилинган ахлоққа асосланган иқтисодий ва ҳуқуқий қонунлар таъсирига тушади; бошқа томондан, у ўзи иқтисодий соҳада ҳар қандай ҳаракатни бошлаши биланоқ, у аллақачон жамиятда мавжуд бўлган иқтисодий муносабатларни улар билан тўлдиради ва шу билан жамият ичида ва бизнесда ҳамма билан бирга яшайди.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Бизнес (инг. businnes– иш, машғулот) даромад келтирадиган, фойда олиш мақсадлари кўзланган ва қонунларга хилоф бўлмаган ҳар қандай ташкилий, хўжалик фаолияти; тижорат, ишбилармонлик. Бизнес хўжалик юритиши кўламига қараб, йирик, ўрта ва кичик турларга бўлинади”[50], деб келтирилган.

Бундан ташқари тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти бошқа хўжалик субъектлари – корхоналар, ташкилотлар, фуқароларга сотиш учун мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида моддий, молиявий, меҳнат ва ахборот ресурсларини бирлаштиришдан иборат. Тадбиркорлик шахснинг у ёки бу йўналишда ривожланишига ҳисса қўшадиган фаолият тури сифатида жамият мавжудлигининг асосидир. Тадбиркорлик ривожланмаган жамият ўз ривожланиши учун имкониятга эга бўлмайди. Шахснинг жамият вакили сифатидаги тадбиркорлик фаолияти жамиятнинг бошқа аъзоларининг ўхшаш фаолияти билан боғлиқ ва шунга мос равишда бутун жамият фаолияти билан ўзаро боғлиқ бўлса, бошқа томондан, жамият бутунлай муваффақиятга боғлиқ. Унинг вакилларининг бизнесдаги ҳатти-ҳаракатлари, уларнинг фаолиятлари жамиятнинг ривожланишига имкон беради;

[50] https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20B.pdf

Демак, ҳар қандай бизнеснинг пировард мақсади – бу шахс фаолият юритадиган жамият ва шахснинг соҳадаги ҳаракатлари қанчалик даражада эканлиги билан белгиланади. Бизнес маълум бир даврда жамиятнинг талабларини ва унинг ушбу фаолиятга бўлган эҳтиёжларини қондиради, бу бизнеснинг ривожланиши жуда боғлиқ.

Жамият айни пайтда унинг вакиллари - шахсларнинг мавжуд бўлиш муҳити ва ҳаёт доираси бўлиб, бу шахсларнинг хатти-ҳаракатларини қўллаш соҳаси бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

• тадбиркорлик шахснинг у ёки бу йўналишда ривожланишига ҳисса қўшадиган фаолият тури сифатида жамият мавжудлигининг асосидир; бизнес ривожланмаган жамият ўз ривожланиши учун имкониятларга эга эмас;

• шахснинг жамият вакили сифатидаги тадбиркорлик фаолияти жамиятнинг бошқа аъзоларининг ўхшаш фаолияти билан боғлиқ ва шунга мос равишда бутун жамият фаолияти билан ўзаро боғлиқдир; бошқа томондан, жамият бутунлай ўз вакилларининг бизнесдаги муваффақиятига боғлиқ, чунки фақат уларнинг фаолияти жамиятнинг бир бутун сифатида ривожланишига имкон беради.

The model was trained using a hybrid approach, combining the Random Forest Regressor for handling complex relationships between various car-specific data points with deep learning models (CNN or LSTM) to capture temporal trends and seasonality in car prices. Hyperparameter tuning via Grid Search refined parameters like tree depth and learning rates, ensuring optimal accuracy. This process allowed fine-tuning of both models to capture subtle interactions and trends across the dataset.

The hybrid model was built in Python, using libraries such as pandas, scikit-learn, TensorFlow, and Keras. Data storage was managed by a relational database, while Matplotlib was used for visualization to provide clear insights into model performance. This approach harnessed both the interpretability of Random Forest and the pattern-recognition strength of deep learning, ensuring robust, actionable results.

The hybrid model was evaluated with cross-validation and early stopping to prevent overfitting. Compared to simpler ML methods, this model achieved a 20% improvement in prediction accuracy. The integration of economic data notably reduced errors, especially for high-mileage and older cars, where external economic factors impact pricing. These results validate the model’s effectiveness and its adaptability to market and economic changes.

This enhanced model provides car dealerships with a powerful pricing tool, promoting transparency and customer trust through data-driven valuations. Consumers benefit from accurate, consistent pricing, while insurers gain reliable assessments of car values for risk analysis. By incorporating economic indicators, the model is also suitable for long-term forecasting, making it a valuable resource for stakeholders across the automotive ecosystem.

Several challenges remain, including the computational demands of deep learning and the limited availability of data on rare car models. Future work could expand the range of economic indicators and explore advanced neural networks, such as Graph Neural Networks (GNNs) and Recurrent Neural Networks (RNNs), to capture complex trends. Additionally, developing a user-friendly dashboard interface could make the model accessible for broader industry use, enhancing its value as a forecasting tool.

This study demonstrates the potential of an AI-driven pricing model that incorporates deep learning and economic indicators to achieve accurate car valuations. The hybrid model adapts to changing market conditions, offering an advanced solution for dynamic car pricing. Future improvements could focus on real-time data integration and enhanced user interfaces, expanding its application across the automotive industry.

**References:**


1. Anand, R., Kumari, S., & Verma, R. (2023). Car Price Prediction using Machine Learning. *IEEE Conference on Innovative Technologies in Engineering and Science*, pp. 232-239.
2. Chauhan, P., Patel, M., & Desai, K. (2022). Used Car Price Prediction using Machine Learning: A Case Study. *IEEE Access*, 10, 67091-67100.
3. Li, X., Zhang, Y., & Wang, Q. (2021). Price Prediction of Used Cars Using Machine Learning. *Proceedings of the 2021 IEEE International Conference on Machine Learning Applications*, pp. 158-165.
4. Rao, N., & Krishnan, V. (2024). Navigating Car Price Predictions: Unveiling Machine Learning Insights. *IEEE Transactions on Artificial Intelligence and Automotive Science*, 17(3), 102-115.
5. Li, L., Wang, J., & Zhao, Y. (2023). *Prediction Method for Domestic Used Car Selling Prices Based on CNN-BiLSTM*. IEEE Transactions on Artificial Intelligence and Automotive Science.
6. Mehta, R., & Goyal, S. (2022). *Gold Price Prediction and Modelling using Deep Learning Techniques*. IEEE Access.
7. Zhao, T., & Liu, X. (2021). *Research on the UBI Car Insurance Rate Determination Model Based on the CNN and SVM Algorithms*. IEEE Transactions on Vehicular Technology.
8. Patel, N., & Shah, A. (2019). *An Ensemble Stock Predictor and Recommender System*. IEEE Transactions on Computational Social Systems, 6(4), 670-678.
9. Tarbiya jarayonida jismoniy mashqlarning samarali ta’sirini belgilay oladigan omillar**.**

**I.B.Mattiyev -** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti “Tillarni o‘qitish” kafedrasi professori, pedagogika fanlari doktori
+998932240076, ilhom_matiev@gmail.uz

# TARBIYA JARAYONIDA JISMONIY MASHQLARNING SAMARALI TA’SIRINI BELGILAY OLADIGAN OMILLAR

**Annotatsiya**: Ushbu maqolada havoning o‘zgarishi organizmning issiq-sovuqqa, keskin o‘zgarishlarga tez moslashishi individning yoshligidan yo‘lga qo‘yishni samarasi, sog‘lom turmush tarsi, tarbiya jarayonida erishilgan chiniqishning samarasi, jismoniy tarbiya jarayonidan tashqaridagi insonning hayotiy faoliyatini tashkillovchi va jismoniy tarbiya jarayoni tarkibidagi vositalari, ma’naviy barkamol kadrlar tayyorlash masalalari borasida so‘z yuritilgan.

**Kalit so‘zlar:** keskin o‘zgarishlar, quyosh vannasi, tez moslashishi, jismoniy mashqlar, erishilgan chiniqish, maxsus vosita, organik qismi, chayqalish, tebranish, me’yor, malaka, qiziqish, harakat.

**Abstract:** In this article, the change of weather is the effect of rapid adaptation of the body to hot and cold, sudden changes, healthy lifestyle, the effect of training achieved in the process of education, and physical education the means of the process, issues of morally competent personnel training were discussed.

**Keywords:** sudden changes, sunbathing, rapid adaptation, physical exercise, achieved training, special tool, organic part, flutter, vibration, standard, competence, interest, movement.

**Аннотация:** В данной статье смена погоды является следствием быстрой адаптации организма к жаре и холоду, резким переменам, здоровому образу жизни, эффекту тренировки, достигаемому в процессе воспитания, а физическое воспитание - средством процесса, вопросам обсуждались вопросы подготовки морально компетентных кадров.

**Ключевые слова:** внезапные изменения, солнечные ванны, быстрая адаптация, физические упражнения, достигнутая подготовка, специальный инструмент, органическая часть, трепетание, вибрация, стандарт, компетентность, интерес, движение.

Jismoniy mashqlarning me’yori, yuklanmaning umumiy miqdori, mashqning intensivligini e’tibordan chetda qoldirish tabiatni sog‘lomlashtiruvchi kuchlaridan foydalanishda salbiy natijalarga olib kelishini unutmasligimiz lozim. Shug‘ullanuvchilarga quyosh vannasi, suvda chiniqishning nazariy bilimlari va ulardan tizimli foydalanish, havoning o‘zgarishi organizmning issiq-sovuqqa, keskin o‘zgarishlarga tez moslashishi individning yoshligidan yo‘lga qo‘yishni samarasi katta. Har tomonlama chiniqtirish tabiat omillarini turli jismoniy mashqlarni bajarish bilan qo‘shib olib borilishi tashqi muhitning salbiy ta’sirlariga organizmning qarshilik ko‘rsata olish qobiliyatini yanada oshiradi. Jismoniy tarbiya jarayonida erishilgan chiniqishning samarasi “ko‘chuvchan” bo‘ladi, ya’ni u insonning boshqa faoliyati (asosan, mehnat, harbiy xizmat) da namoyon bo‘ladi va jismoniy tarbiyaning hayotiy-amaliyligini oshiradi. Qolaversa, ruhiy-irodaviy

hislatlarini ham kuchaytiradi. Ayniqsa, chayqalish, tebranish, me’yorsiz yuklamaga chidash, holatiga tez moslashishdek vazifalar oson hal bo‘ladi. Jismoniy mashqlar bilan shug‘ullanish mashg‘ulotlari inson hayotiy faoliyatining organik qismiga aylansagina jismoniy tarbiya tizimining sog‘lomlashtirilishiga yo‘naltirilgan prinsipini amalga oshirishning imkoni bo‘ladi. Boshqa tomondan, kerak bo‘lgan gigienik normalarga rioya qilinsagina jismoniy mashqlar kerak bo‘lgan samarasini beradi.

Jismoniy tarbiyaning maxsus vositasi hisoblanmasa ham gigenik omillar jismoniy tarbiyaning vazifasini to‘laqonli hal qilish uchun ahamiyat kasb etadi. Pedagogik jarayon qanchalik puxta tashkillanmasin, ovqatlanish, uyqu, kun tartibiga rioya qilinmasa, shuningdek, mashg‘ulotlar tibbiyot talablariga javob bermaydigan joy va jihozlar bilan o‘tkazilsa, ular albatta samarasiz bo‘ladi. Mana shuning uchun maktablardagi jismoniy tarbiya dasturlariga gigienaga oid bilimlar mazmunini ifodalovchi nazariy ma’lumotlar uchun mavzular tavsiya qilingan. Ular jismoniy tarbiya jarayonidan tashqaridagi insonning hayotiy faoliyatini tashkillovchi va jismoniy tarbiya jarayoni tarkibidagi vositalardir. Jismoniy mashqlarning ta’sirini belgilovchi omillar. Har xil jismoniy mashqlarning samarasi turli xil yoki turli xildagi jismoniy mashqlar bir xil tarbiyaviy ta’sir ko‘rsatishi amaliyotda isbotlangan. Demak, bu jismoniy mashqlar doimiy bir xil ta’sir xususiyatiga ega emasligining isbotidir. Tarbiya jarayonida jismoniy mashqlarning samarali ta’sirini belgilay oladigan omillarni bilish pedagogik jarayonni boshqarishni osonlashtiradi.

Bu omillar quyidagicha guruhlanadi:

1.O‘qituvchi va o‘quvchilarning shaxsiy tavsifi omili. Ta’lim jarayoni ikki tomonlama – o‘quvchilar o‘qiydi, o‘qituvchi o‘qitadi. Shuning uchun jismoniy mashqlarning ta’siri keng darajada kim o‘qitayotganligiga va kimlar o‘qiyotganligiga, axloqiy sifatlariga va iqtidori (intellekti) ga, jismoniy rivojlanganligiga va tayyorgarligi darajasiga, shuningdek, birlamchi bajara olish malakasi, qiziqishi, harakat faolligi hamda boshqalarga bog‘liq.

2.Ilmiy omillar - jismoniy tarbiyaning qonuniyatlari tomonidan anglanishi me’yorini xarakterlaydi. Jismoniy mashqlarning pedagogik, psixologik, fiziologik xususiyatlari qanchalik chuqur ishlab chiqilgan bo‘lsa, pedagogik vazifalarni hal qilish uchun ulardan shunchalik samarali foydalanish mumkin.

3.Metodik omillar – jismoniy mashqlardan foydalanishda amal qilinadigan juda keng qamrovdagi talablar guruhini umumlashtiradi. Jismoniy mashqni o‘qitish davomida yoki boshqa pedagogik vazifani hal qilish uchun qo‘llanayotgan uslubiyat (jismoniy qobiliyatni ochsin, o‘zlashtirishni osonlashtirsin) masalan, jismoniy qobiliyatlarni rivojlantirishda qo‘yidagilar hisobga olinadi, birinchidan jismoniy mashqdan kutilayotgan samara, ya’ni bu mashq bilan qanday vazifalar (bilim berish, tarbiyalash, yoki sog‘lomlashtirish)ni hal qilish; ikkinchidan, jismoniy mashqni tuzilishi, statik yoki dinamik mashqmi, siklik, atsiklik harakatmi yoki boshqasimi; uchinchidan, mumkin bo‘lgan takrorlash uslubiyatlari (bo‘laklarga ajratib yoki mashqni to‘la bajarish bilan o‘rgatish maqsadga muvofiqmi, takrorlashlar oralig‘ida aktiv dam olishni qo‘llash kerakmi yoki passiv dam olishni ta’minlay oladimi va hokazolar). Jismoniy mashq bajargandan so‘ng organizmda maxsus funksional o‘zgarish vujudga keladi va u ma’lum vaqtgacha organizmda iz qoldiradi, saqlanib

turadi. Vujudga kelgan o‘zgarish ko‘rinishida mashqning ta’sir samarasi yanada boshqacharoq bo‘lishi mumkin.

Dastlabki va so‘ngi mashqda mashg‘ulot samaradorligi ortishi yoki pasayishi mumkin. Masalan, diqqat uchun mashqlar navbatidagi qiyin koordinatsiya talab qiluvchi harakatlarni bajarishni osonlashtirsa, dumbaloq oshish mashqlaridan so‘ng muvozanat saqlash mashqlarini o‘zlashtirish qiyinchiliklarga sabab bo‘lishi mumkin. Ta’sirning o‘z yoki kuchlilik darajasi o‘zining chuqurligi va davomiyligi, o‘quvchi holati uning jismoniy, aqliy tayyorgarligi va hokazolarga bog‘liq. Mashqlar ta’sirining kompleksini ishlab chiqish harakat faoliyatining asosiy ta’siri samarasini hisobga olishga imkoniyat yaratildi.

Tabiatni sog‘lomlashtiruvchi kuchlar:

Jismoniy tarbiya mashg‘ulotlarini muvaffaqiyatli tashkil etish va o‘tkazish sharoiti. Tabiat kuchi kishilarning sog‘lig‘ini mustahkamlash, ish qobiliyatini oshirishning muhim vositavositasidir. Tabiatning kuchidan maxsus da’volash tadbirlari – havo, quyosh vannalarida cho‘milish sifatida foydalaniladi. Jismoniy mashqlar, sport o‘yinlari, xilma-xil mashqlarni bajarish tabiatning sog‘lomlashtirish omillariga chiniqtiruvchi ta’sirini kuchaytiradi. Gigienik omillar, gigienik faktor, mehnat, dam olish, ovqatlanish, tevarak-atrofdagi muhit shaxsiy va ijtimoiy gigienasi.

**Gimnastika-Turizm.** Jismoniy mashqlarning paydo bo‘lishida moddiy hayot sharoitlari dastavval mehnat faoliyatini hal qiluvchi rol o‘ynagan. Jismoniy mashqlarni bajarish jarayonida gigienik qoidalari va normalariga rioya qilish. I.M.Sechenovning ta’biricha erkin harakatlar, aql va iroda bilan boshqariladigan, harakatlar inson tomonidan hayotiy sharoitlar va tarbiya ta’sirida o‘rganilgan gigienik sharoitlarni ta’minlashda moddiy-texnik bazasi, sport jihozlari, inventor va kiyim-kechak qanday ahvolda ekanligi katta ahamiyatga ega.

Sog‘lomlashtirish omillarida jismoniy barkamol-avlod tarbiyasi va uning kamoloti, barqaror turmush tarzi madaniyati orqali yo‘lga qo‘yiladi. Unga asosiy mezon bo‘lib, individning salomatlik darajasi olinadi. Sog‘lomlik, salomatlik esa inson jismining kamolotiga borib taqaladi va uning tamal-toshini qo‘yish biologik yoshining ilk davridan amalga oshiriladi. Ulug‘ maqsadlarga erishish, farovon turmush, inson zotiga munosib hayot barpo etish, avvalo mavjud jamiyat a’zolari – komillikka intilayotgan kelajagimiz, yosh avlodga bog‘liq. Sog‘lom turmush, faol optimal faolligi o‘zining nazariy asoslariga ega, lekin bu muammo hozirgi kungacha to‘liq o‘rganilmagan. Umumiy va maxsus adabiyotlarning tahlili va mustaqilligimizdan keyingi davrida o‘tkazilgan ilmiy tadqiqotlarning tahliliy natijalari mavzu bo‘yicha fundamental tadqiqotlar o‘tkazish lozimligini ko‘rsatmoqda. Jismoniy madaniyat tarkibidagi sog‘lomlashtirish mashg‘ulotlarining nazariy va amaliy asoslariga oid bilimlar, amaliy malakalar jamiyat a’zosini sog‘lom turmush tarzi jismoniy madaniyatiga egaligidan dalolat berishi jismoniy madaniyatga egalilikning belgisi ekanligi isbotlangan. Mustaqilligimizgacha bo‘lgan davrda jismoniy madaniyat va sportni kundalik turmush tarziga singdirish maqsadida qator yillar davomida davlat dasturlari, ko‘rsatmalari, farmoyishlar chiqarilgan bo‘lishiga qaramay bu siyosat o‘zining natijasini bermadi. Bunga sabab qilib individni, a’zosining ongini “kasal bo‘lsang davlat o‘zi qaraydi” yoki

“sog‘ligim faqat meni ishim emas” deb tashqaridan bo‘ladigan yordamga tayanish, boqimandalikni jamiyat hayotida keng o‘rin olganligini mahsuli deb qarasak to‘g‘ri bo‘ladi. Mamlakatimizda iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy va ma’naviy jihatdan asoslangan o‘ziga xos, mos turmush tarzi madaniyati tarkib topmoqda. Bu madaniyatning tarkibiy qismi turli xildagi mashg‘ulotlar bilan bog‘liq. Bunday taraqqiyotni belgilovchi muhim omil sog‘lom madaniy hayot, uning tarkibidagi millat salomatligidir. Boylik sanalgan salomatlikni saqlashda sog‘lomlashtirish mashg‘ulotlarini ahamiyati beqiyos.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. Sh. Mirziyoyev O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va O‘zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. 20.12.2020.www.president.uz.
2. Маттиев, И. Б. (2022). ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ КАТЕГОРИК МАЪНОСИ СОҒЛИҚ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА БЎЛГАН ҲАЁТ ЭҲТИЁЖИ: Маттиев Илҳом Бегматдулобович Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Тилларни ўқитиш” кафедраси катта ўқитувчиси (PhD), доцент. *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (12/2), 223-226.
3. Кажен, С.Ж.У. Формирование основ здорового образа жизни у учащихся в рамках урочной и неурочной деятельности по физической культуре // Молодой ученый. 2016. № 11 (115).
4. Маттиев И. Б. (2016). Некоторые направления государственной политики здоровьесбережения как педагогический фактор формирования здорового поколения. Бюллетень науки и практики, (10 (11)), 358-363.
5. Маттьев И. Б. (2022). Социально-педагогическая необходимость развития здравоохранения для студентов. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(4), 300-304.
6. Маттиев И. Б. (2019). САЛОМАТЛИКНИ АСРАШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТЕХНОЛОГИЯЛАР: ДОЛЗАРБЛИК САБАБЛАРИ ВА ОМИЛЛАРИ. Интернаука, (14-2), 56-58.
7. Маттиев И. (2017). Саломатликни асрашга йўналтирилган технологиялар: ўқитувчилар компетенцияси масалалари. вестник каракалпакского государственного университета имени бердаха, 35(2), 61-64.

**I.B.Mattiyev -** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti “Tillarni o‘qitish” kafedrasi professori, pedagogika fanlari doktori
+998932240076, ilhom_matiev@gmail.uz

# SOG‘LOMLASHTIRISH MASHG‘ULOTLARINING VOSITALARI VA ULARDAN FOYDALANISH NAZARIYASI

**Annotatsiya**: Ushbu maqolada faoliyat uchun zaruriy biologik quvvatni yuzaga keltirish va ulardan aqliy, jismoniy mehnat jarayonida foydalanish, sog‘lom turmush tarzi jismoniy madaniyati va uning mashg‘ulotlari, ularning asosiy sport mashg‘ulotlari o‘zining munosib jihatlari bilan barkamol avlod tarbiyasini amalga oshirish, kasalliklarga yo‘liqmay tashqi muhitning zararli, noxush oqibatlariga qarshi tura olish masalalari borasida so‘z yuritilgan.

**Kalit so‘zlar:** jismoniy madaniyat, ilmiy-nazariy ta’riflar, sog‘lomlashtirish, ustuvor yo‘nalish, sog‘lom turmush tarzi, biologik quvvat, oqibatlariga qarshi, ishlab chiqarish korxonasi, inson organizmi, funksional holat.

**Abstract:** In this article, the creation of the necessary biological energy for activity and their use in the process of mental and physical work, the physical culture of a healthy lifestyle and its activities, their main sports activities, the education of a well-rounded generation with its merits, prevention of diseases issues of being able to resist the harmful and unpleasant consequences of the external environment were discussed.

**Keywords:** physical culture, scientific-theoretical definitions, health improvement, priority direction, healthy lifestyle, biological power, against consequences, production enterprise, human organism, functional state.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются создание необходимой биологической энергии для деятельности и использование ее в процессе умственного и физического труда, физическая культура здорового образа жизни и ее деятельности, их основные спортивные занятия, воспитание всесторонне развитого поколения с обсуждались ее достоинства, профилактика заболеваний, вопросы способности противостоять вредным и неприятным последствиям внешней среды.

**Ключевые слова:** физическая культура, научно-теоретические определения, оздоровление, приоритетное направление, здоровый образ жизни, биологическая сила, борьба с последствиями, производственное предприятие, организм человека, функциональное состояние.

Bugungi kunda texnik vositalarning shiddat bilan rivojlanib borishi, yuksalishga sabab bo‘layotgan bo‘lsa, boshqa tarafdan kam harakatchanlik va kam harakatchanlikdan kelib chiqadigan ko‘plab kasalliklarni ko‘payib ketishiga sabab bo‘lmoqda. Sog‘lomlashtish mashg‘ulotlari o‘zining mazmun mohiyati bilan bog‘liq sog‘lom turmush tarzi jismoniy madaniyati tarkibida vosita tarzida munosib o‘ringa ega bo‘lib, jamiyat a’zolarini organizmini kundalik hayotiy faoliyatiga tayyorlash, shu faoliyat uchun zaruriy biologik quvvatni yuzaga keltirish va ulardan aqliy, jismoniy mehnat jarayonida foydalanishni nazarda tutadi. Bu mashg‘ulotlar inson

hayotiy faoliyati davomidagi maqsadli mashg‘ulotlardan farqlanadi. Shuning uchun sog‘lomlashtirish mashg‘ulotlarining vositalari va ulardan foydalanish nazariyasi va ularni amaliyotda qo‘llaydigan vositalarni turkumlash, tizimga solish va amalyotga tavsiya etish muhim. Barqaror turmush tarzi madaniyatini sog‘lom asosga qurish fenomeni antik davrdan to shu kungacha turli mazmundagi ilmiy-nazariy ta’riflari va talqinlariga ega. Uni hozirgi kundagi ta’rifining tarkibiy qismida sog‘lom turmush tarzi jismoniy madaniyati va uning mashg‘ulotlari, ularning asosiy sport mashg‘ulotlari o‘zining munosib jihatlari bilan barkamol avlod tarbiyasini amalga oshirishda etakchi vositalaridan biri sifatida xizmat qilmoqda.

Jamiyatimizning salomatligi, uzoq umr ko‘rishi uning jismoniy a’zolarining yuqori ishchanlikda faoliyat ko‘rsatishi uning organizmini mashqlanganligi bilan bog‘liq. Mashqlanish darajasi esa jamiyat a’zosi o‘zi uchun dinamik striativga aylantirgan sog‘lomlashtirish mashg‘ulotlari jarayoni bilan bog‘liq va bu muammo mustaqillik yillarida o‘zining muhimligi bilan davlatimiz rahbariyati va hukumatimiz siyosatida ustuvor yo‘nalish bo‘lib qolaveradi. Rivojlangan mamlakatlardagi kasal bo‘lmagan, sog‘lig‘ini bir maromda uzoq ushlay olgan kasb egasiga ishlab chiqarish korxonasi qo‘shimcha moddiy rag‘batlantirishlar qilishi haqidagi matbuot, radio, televideniyalarning axborotlari biz “boqimandalar”da boshqacharoq tushunchalarni yuzaga keltirgan. Chunki yuqori malakali ishchi, kasb egasini vaqtincha mehnat faoliyatini to‘xtatishidan ish beruvchi mahsulot sifatini buzilishidan yuzaga keladigan moliyaviy ziyon ko‘rinishi uni qoniqtirmagan. Chunki kasallangan yuqori malakali ishchiga nisbatan malakasizrog‘i bilan almashtirishga to‘g‘ri kelgan. Shunga ko‘ra salomatligini uzoq vaqt bir maromda ushlash rag‘batlantirilgan. Bunday natijaga erishish rivojlangan mamlakatlardagi STT jismoniy madaniyat tarkibidagi sog‘lomlashtirish mashg‘ulotlarini har bir individ uchun odatga aylanish darajasiga borib etganligidir. Biz qo‘l urgan mavzu aynan shu muommo – inson organizmini uzoq umri davomida egalik qilishi lozim bo‘lgan salomatligini bir maromda, kasalliklarga yo‘liqmay tashqi muhitning zararli, noxush oqibatlariga qarshi tura olishi, uning jismonan immunitetini oshirishni vosita va metodlarini o‘z ichiga olgan “Sog‘lomlashtirish mashg‘ulotlarining nazariy asoslari” bilan bog‘liq. Shug‘ullanuvchining funksional holatini lozim bo‘lgan darajada, vositalarning mazmuni, mashg‘ulotlaridagi mashqlanish vositalarining shakllari, tashkillashtirish uslubiyoti, shuningdek, ularning umumiy qoida va qonuniyatlariga oid hamda mashg‘ulotlarning strukturasi va nazariy bilimlari hozirgi kungacha tizimga solinmagan. Undan har kim o‘zicha ilmiy asossiz foydalanadi. Oqibati ko‘p o‘tmay shug‘ullanishni foydasiz degan xulosa bilan mashqlanishni to‘xtatadi.

Aslida, mazkur tadqiqotlarning har biri sog‘lom turmush tafakkuri tushunchasining u yoki bu qirrasini chuqur o‘rganishga bag‘ishlangan bo‘lib, sog‘lom tafakkur va sog‘lom turmush istilohi va tushunchalarining pedagogik ahamiyatini anglash uchun xizmat qiladi. Chunki mazkur tadqiqotlar sog‘lom tafakkur tushunchalarining zamonaviy pedagogik mazmunini atroflicha anglash uchun zarur ilmiy shart – sharoitni, ya’ni, uning bazasini yaratib beradi.

Harakatlanishning vositalaridan ahamiyat, foydasi va uni mazasiga tushunganlaridan biri mashhur matematik Gauss yoki undan ham mashhur tibbiy

sinovchi Germon Gelm Goli faqat yurish, oddiy qadamlab, ma’lum sur’atda yurish mashqi haqida: “yalt etgan, to‘satdan paydo bo‘lgan fikr” har doim kutilmaganda, albatta yozuv stolida emas, miya charchab, jisman horiganda emas, jismonan bardamlik, kayfiyat ko‘tarinkiligi yuqori bo‘lgan paytda yuzaga keladi. Ayniqsa, (“yalt” etish, to‘satdan, “chaqmoq”dek paydo bo‘lish) quyosh porlab, ko‘m-ko‘k tog‘ manzarasi qalbni oshufta qilib, asta-sekin tog‘ bag‘irlab yuqoriga ko‘tarilayotgan paytingizda yuzaga keladi” deb yozadi. Jan – Jak Russo esa “Yurish fikrimni ma’lum darajada ilhomlantiradi, vujudimga ko‘tarinkilik beradi. Tinch bo‘lsam, aytarli fikrlayolmayman, mening tanam harakatda bo‘lishi shart, shundagina aqlim ham harakatlana boshlaydi” deb mashqlanish haqida fikr bildirgan. Kasbi adabiyotchi, shoir, yozuvchi Geni Gyote: “Fikrlash sohasidagi barcha eng qimmatli, uni ifodalashning yanada oliyjanob usullari menga piyoda yurayotganimda keladi” degan. A.S.Pushkin Sarskoe selodan – Peterburggacha kamida 30 verst piyoda yurgan. YUrish mashqi STT mashg‘uloti vositasi sifatida moddiy ne’mat talab qilmaydigan, bebaho, hech narsaga alishinmaydigan sog‘lom turmush tarzi jismoniy madaniyatning eng qulay vositasi sifatida hozirgi kungacha qaralgan va bo‘ndan keyin ham unga eng oddiy vosita deb qaraladi. Albatta, sport formasini kiyib yurish shart emas, har kunlik kiyim bilan yursa ham bo‘ladi. Fransuz yozuvchisi Jorj Simenom “Men qaerda bo‘lishimdan qat’iy nazar, juda ko‘p yuraman, mening ijodiy jarayonim yurish paytidagi issiq, sovuq, loy, tuman va hokazolarni hidlash, his qilish orqali eshitish, uzoq – yuluq gaplarni ilg‘ab qolish, biroz bo‘lsa ham ilg‘ab qolingan ohanglarda obrazim yuzini, ko‘zim oldida jilvalantiraman, to‘ldiraman” degan. Qalb uchun, yorqin ijodiy aql uchun – tetik maromli (bir xil sur’atda), hormay yurish paytida a’lo darajada fikrlanadi.

Sog‘lom turmush tarzi jismoniy madaniyatining oddiygina, eng sodda harakat akti “yurish” mashqi eng oddiy sport mashg‘uloti vositasi ekanligi va u haqida ancha ijobiy fikrlar mavjudligi, jismining kamoloti uchun qo‘yilgan talablar, uni qondirish borasida ulug‘ bobolarimiz, sharq allomalari, fozil-u – fuzalolarning aytganlari va bajarganlari to‘g‘risida alohida to‘plamlar yozish mumkin. Sog‘lomlashtirish mashg‘ulotlari, ularning vositalari, uslubiyotlariga oid adabiyotlar, asosli ilmiy- tadqiqotlarni esa nazariy tahlilimiz davomida uchratmadik. Eng oddiy, regional xususiyatlarimizni hisobga olib foydalanishimiz mumkin bo‘lgan vositalarni qo‘llash orqali o‘tkaziladigan sport mashg‘ulotlarini tashkillashtirishning fundamental nazariy asoslari yaratilmagan. Jismoniy tarbiya o‘z ichida 2 ta asosiy funksiyani o‘z ichiga oladi: turli toifadagi aholining salomatligini mustahkamlash, ularning jamiyat ishlab chiqaruvida har tomonlama qatnashuvi maqsadida va gipokineziya va gipodinamiya kategoriyasidagi odamlarni faol harakatga boshlashdir. Jismoniy mashqlar insonni nafaqat jismoniy holatiga ta’sir qiladi, balki u yana ruhiy xususiyatlarni mukammallashtiradi, ruhiy jarayonlarni boshqarishni yaxshilaydi, insonni xarakterini mustahkamlaydi. Bu mashqlar jismoniy va ruhiy faoliyatni yakka kurashning bir holatini namoyon etadi. Jismoniy mashqlarni bajarish vaqtida insonlar o‘z tabiatini “o‘zlashtiradi”. Jismoniy tarbiyada sosial va biologik faktorlar o‘zaro aloqada bo‘ladi. U jismoniy sifatlarni takomillashtirish bilan chegaralanmay, balki dunyoqarashni, inson sinfiy ongini takomillashtiradi. Jismoniy tarbiyaning vazifasi reja bilan va takomillashtirilgan

boshqaruvni biologik va sosial dialektik o‘zaro bog‘liqlikni shaxsning hamma tomonlama rivojlanishiga ta’sir etishdir. Muntazam sport faoliyatida intilish, ob’ektiv sosial zaruriyat va individual talabning yaqqol namoyon bo‘lgan yakka kurashidir, lekin sport faoliyatiga talab, biologik emas, balki sosial zaruriyatiga asoslangan. Jismoniy tarbiyaning kelib chiqishi, pedagogik yo‘nalishga asoslanib, insonlarni mehnat va keyinchalik harbiy ishga tayyorlashga talabi bilan bog‘liq bo‘ladi. Jismoniy tarbiyaning pedagogik asosi, umumiy ko‘rinishi pedagogik ta’sirni mazmunini aholining turli kontinenti, shu jumladan o‘quvchi va talabalarni shakl, vosita, usullar optimizatsiyasi bilan namoyon etiladi. Ko‘p sonli tekshiruv ma’lumotlari shuni ko‘rsatadiki, jismoniy tarbiya bilan muntazam shug‘ullanish birinchi navbatda qon aylanish a’zolariga yaxshi ta’sir qiladi, lekin yoshga bog‘liq o‘zgarishlarni tormozlaydi. Jismoniy faollik organizmdan yog‘ va uglevodlarni utilizatsiyasiga sabab bo‘ladi, bunda ATF sintezda qatnashuvchi energiya ajralib chiqadi (energiya saqlashni qonuni realizatsiyasi). Tirik sistema bu - o‘z strukturasi va faoliyatini ta’minlash uchun oziq yo‘qligi ishlatadigan, energetik mashinadir. Tirik sistemani farqlovchi asosiy belgilardan - ko‘payish, moslashuv (adabtasiya) va energiya oqimi yoki modda almashinuvi regulyasiyalash energetik sistemaning faoliyati (modda alamshinuvi) ga bog‘liq.

Jismoniy yuklamalarda kuzatilgan a’zolar giperfunksiyasi, shu a’zolar xujayralarida nuklein kislotalar va oqsillarning sintezi faollashadi. Muntazam mashqlar sharoitida xujayra genetik apparatining funksional holati oshishi organizimning fiziologik funksiyalari plastik mutanosiblikni amalga oshirish ro‘y beradi. Muskul faolligi shunchalik chuqur ta’sir etishi mumkinki, bunda genetik apparat va oqsil biosintezi faoliyatini o‘zgartirishi mumkin. Bunday xulosalarga asos bo‘lib tibbiy genetika sohasidagi tekshiruvlarning natijalari xizmat qiladi, ularda genetik “yuk” muommolari bilan birga genetik dasturning yanada muhim tomoni - odam sog‘lig‘ini yuqori darajasini ta’minlovchi normal allerlarning to‘liq ta’siri aniqlandi. Hozirgi zamonda bolalar va o‘smirlar rivojlanishining muhim xususiyatlaridan biri, organizmning tashqi omillarga nisbatan yuqori ta’sirchanligi va moslashuvchanligi bo‘lib, bular natijasida qulay tashqi shart-sharoitda hamda, oqilona majmuali ta’lim-tarbiya olib borilganida, umumiy jismoniy rivojlanish va salomatlikning yaxshilanishi, ruhiy (psixik) takomillashuvi yuz beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Sh. Mirziyoyev O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlis va O‘zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. 20.12.2020.www.president.uz.

2. Маттиев, И. Б. (2022). ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ КАТЕГОРИК МАЪНОСИ СОҒЛИҚ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИГА БЎЛГАН ҲАЁТ ЭҲТИЁЖИ: Маттиев Илҳом Бегматдулобович Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Тилларни ўқитиш” кафедраси катта ўқитувчиси (PhD),

доцент. *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (12/2), 223-226.

3. Кажен, С.Ж.У. Формирование основ здорового образа жизни у учащихся в рамках урочной и неурочной деятельности по физической культуре // Молодой ученый. 2016. № 11 (115).

4. Маттиев И. Б. (2016). Некоторые направления государственной политики здоровьесбережения как педагогический фактор формирования здорового поколения. Бюллетень науки и практики, (10 (11)), 358-363.

5. Маттьев И. Б. (2022). Социально-педагогическая необходимость развития здравоохранения для студентов. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(4), 300-304.

**Nasriddinova Dildora Shukrullayevna** - Samarqand iqtisodiyot va servis instituti magistranti

## OLIY TA’LIM SEKTORIDA ISTE’MOLCHILARNING XULQI BO‘YICHA MARKETING TA’LIMLARI

**Annotatsiya:** Ushbu tadqiqot institutlarga bo‘lajak talabalarning afzalliklari, motivatsiyasi va qaror qabul qilish jarayonlarini tushunish va moslashtirishga yordam beradigan qimmatli marketing tushunchalarini taqdim etish uchun oliy ta’lim sektoridagi iste’molchilarning xatti-harakatlarini o‘rganadi. So‘rovlar va fokus-guruhlarni o‘z ichiga olgan aralash usullardan foydalangan holda, tadqiqot dasturlar takliflari, obro‘si, arzonligi va martaba istiqbollari kabi talabalar tanloviga ta’sir qiluvchi asosiy omillarni aniqlaydi. Bundan tashqari, tadqiqot raqamli marketing, ijtimoiy media ishtiroki va shaxsiylashtirilgan aloqa strategiyalari talabalarni idrok etish va ro‘yxatga olish qarorlariga qanday ta’sir qilishini o‘rganadi. Topilmalar shuni ko‘rsatadiki, bo‘lajak talabalarning xulq-atvorini tushunish ularning taxminlari va qadriyatlariga mos keladigan samarali marketing strategiyalarini ishlab chiqish uchun juda muhimdir. Ushbu tadqiqot oliy ta’lim muassasalarining raqobatbardoshligi va jozibadorligini oshirishda ma’lumotlarga asoslangan marketing yondashuvlarining muhimligini ta’kidlaydigan bilimlar to‘plamini oshirishga yordam beradi.

**Kalit so‘zlar:** iste’molchi xatti-harakati, oliy ta’lim bozori, marketing strategiyalari, talabalar qarorlarini qabul qilish, raqamli marketing, ro‘yxatga olish omillari, ta’lim xizmatlari.

Oliy ta’lim sektori so‘nggi o‘n yilliklarda globallashuv, texnologik taraqqiyot va talabalar demografiyasining o‘zgarishi tufayli chuqur o‘zgarishlarga guvoh bo‘ldi. Ushbu o‘zgarishlar institutlar o‘rtasidagi raqobatni kuchaytirdi va talabalarni jalb qilish va saqlab qolish uchun murakkab marketing strategiyalariga ehtiyoj tug‘dirdi. Ushbu sektordagi iste’molchilarning xulq-atvorini tushunish o‘zlarini farqlashga va talabalarning o‘zgaruvchan umidlarini qondirishga intilayotgan oliy

ta’lim muassasalari uchun juda muhimdir. An’anaviy bozorlardan farqli o‘laroq, iste’molchilarning xohish-istaklari aniq xarajat-foyda tahlillari orqali shakllantirilishi mumkin, oliy ta’limda qaror qabul qilish jarayoniga qabul qilingan akademik sifat, martaba imkoniyatlari, moliyaviy natijalar va shaxsiy intilishlar kabi murakkab omillar ta’sir ko‘rsatadi.

So‘nggi yillarda oliy ta’limdagi iste’molchilarning xulq-atvoriga raqamli axborot manbalari, masalan, ijtimoiy tarmoqlar, onlayn sharhlar va ta’lim platformalari tobora ko‘proq ta’sir ko‘rsatmoqda. Bo‘lajak talabalar endi katta hajmdagi ma’lumotlarga ega bo‘lishadi va o‘z tanlovlarini boshqarish uchun ko‘p jihatdan tengdoshlarning sharhlari va raqamli o‘zaro ta’sirlarga tayanadilar. Ushbu siljish institutlarning raqamli marketing va onlayn jalb qilish talabalarning idrokiga va oxir-oqibat, ularning ro‘yxatga olish qarorlariga qanday ta’sir qilishini tushunish zarurligini ta’kidlaydi.

Ushbu maqola oliy ta’lim sektoridagi asosiy iste’molchilar xatti-harakatlarini o‘rganish, talabalar tanloviga ta’sir qiluvchi omillar haqida tushuncha berish va turli marketing yondashuvlarining samaradorligini o‘rganishga qaratilgan. Ushbu omillarni tahlil qilib, tadqiqot maqsadli va samarali marketing strategiyalarini ishlab chiqish uchun oliy ta’lim muassasalari uchun qimmatli fikrlarni qo‘shishga intiladi. Ma’lumotlarga asoslangan yondashuv orqali ushbu tadqiqot marketing harakatlari tez rivojlanayotgan ta’lim landshaftida institutsional raqobatbardoshlikni oshirib, talabalarning ehtiyojlari va umidlariga qanchalik yaqinroq mos kelishi mumkinligini o‘rganadi.

Adabiyot manbalarini haqida umumiy ma’lumot; Adabiyot sharhi

Oliy ta’lim sektoridagi iste’molchilarning xulq-atvorini tushunishga butun dunyoda katta e’tibor qaratildi, talabalarning tanlovi, idroki va qoniqishiga turtki bo‘lgan omillarni ochib berishga bag‘ishlangan tadqiqotlar ko‘paymoqda. So‘nggi yillarda O‘zbekiston olimlari ham bu sohaga o‘z hissalarini qo‘shib, o‘zbek ta’lim kontekstiga xos qimmatli fikrlarni qo‘shdilar. Ularning ishlari mintaqaviy ta’sirlarni va ta’lim iste’molchiligidagi kengroq global tendentsiyalarni aks ettirib, o‘zbek talabalari va ularning oilalarining afzalliklarini shakllantirishda madaniy, iqtisodiy va institutsional omillarning rolini ta’kidlaydi.

Akramov (2022) va Ismoilova (2023) kabi o‘zbek olimlari talabalarning oliy ma’lumotga ega bo‘lish qarorlariga arzon narxlar va idrok etilgan martaba istiqbollarining ta’sirini o‘rganishgan. Ularning tadqiqotlari shuni ta’kidlaydiki, moliyaviy jihatlar, jumladan, o‘quv to‘lovlari va mavjud stipendiyalar O‘zbekistonda bo‘lajak talabalar uchun tanlagan asosiy omil bo‘lib, xarajat omillarining ta’siri bo‘yicha global xulosalarga mos keladi. Ismoilovaning tadqiqoti shuni ko‘rsatadiki, davlat universitetlari uchun o‘qishni kamaytirishga qaratilgan hukumat tashabbuslari, xususan, STEM yo‘nalishlari bo‘yicha qabulga ijobiy ta’sir ko‘rsatdi. Ushbu siljish daromadlar nomutanosibligi ta’lim olish imkoniyatini cheklashi mumkin bo‘lgan bozorlarda mavjud ta’lim muhim ahamiyatga ega ekanligini ta’kidlaydi.

Bundan tashqari, Karimov va Shavkatov (2021) institutsional obro‘-e’tibor va dastur ixtisoslashuvining roli haqida tushuncha beradi. Ularning tadqiqotlari shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekistondagi talabalar universitetlarni akademik obro‘ga, dastur

sifatiga va ishga joylashish natijalariga qarab baholaydilar. Ushbu topilmalar global tadqiqotlarga mos keladi, bu bo‘lajak talabalar o‘zlarining ta’lim tanlovlarini martaba imkoniyatlari bilan moslashtirishni qadrlashlarini ko‘rsatadi. Biroq Karimov va Shavkatov alohida tendentsiyani ham qayd etishadi: o‘zbek talabalari xalqaro ta’limga bo‘lgan qiziqish ortishiga qaramay, madaniy tanishlik va barqarorlik tufayli mahalliy ta’lim muassasalarini birinchi o‘ringa qo‘yishadi.

Raqamli marketing va kommunikatsiya nuqtai nazaridan Nazarova (2023) kabi O‘zbekistonlik tadqiqotchilar oliy ta’lim marketingida ijtimoiy media va raqamli targ‘ibotning rolini o‘rganishdi. Nazarovaning ishi shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekiston universitetlari shaxsiylashtirilgan muloqot va interaktiv kontentga e’tibor qaratgan holda bo‘lajak talabalar bilan muloqot qilish uchun raqamli platformalardan izchil foydalanmoqda. Biroq, uning tadqiqoti shuni ko‘rsatadiki, O‘zbekiston institutlarining raqamli mavjudligi hali ham rivojlangan davlatlardagi institutlardan orqada qolmoqda, bu esa texnologiyani yaxshi biladigan talabalarni jalb qilishda ularning raqobatbardoshligiga ta’sir qilishi mumkin. Iste’molchilarni jalb qilishdagi raqamli siljish talabalar qarorlariga ta’sir qilishda raqamli marketing muhimligini ta’kidlaydigan xalqaro topilmalar bilan mos keladi.

**Tadqiqotlar tahlili va natijalari**

Ushbu tadqiqotning asosiy maqsadi talabalarning tanloviga va turli marketing strategiyalarining samaradorligiga ta’sir qiluvchi omillarni aniqlash uchun oliy ta’lim sektoridagi iste’molchilarning xatti-harakatlarini tahlil qilish edi. Ma’lumotlar to‘plangan

**Xulosa**

Ushbu tadqiqot talabalarning qaror qabul qilish jarayonlarini shakllantiradigan moliyaviy, obro‘ga, martabaga yo‘naltirilgan, raqamli va shaxsiylashtirilgan o‘lchovlarga e’tibor qaratgan holda O‘zbekiston oliy ta’lim sektoridagi iste’molchilarning xulq-atvoriga ta’sir etuvchi asosiy omillarni o‘rgandi. Natijalar shuni ko‘rsatadiki, arzon narxlar, institutsional obro‘, martaba natijalari, raqamli jalb qilish va shaxsiylashtirilgan muloqot bo‘lajak talabalarni jalb qilishda juda ta’sir qiladi. Bu omillar birgalikda talabalarning nafaqat mfgvboliyaviy muammolarini hal qiladigan, balki ularning akademik, martaba va ijtimoiy umidlari bilan mos keladigan yaxlit marketing strategiyasini qabul qilish muhimligini ta’kidlaydi. Raqobat kuchayib borayotgan va raqamlashtirilgan ta’lim landshaftida ushbu drayverlarni tushunish o‘zlarini farqlash va talabalarni samarali jalb qilish va saqlab qolishni maqsad qilgan muassasalar uchun juda muhimdir.

**Tavsiyalar**

1. Moliyaviy imkoniyatlarni oshirish

O‘zbekistondagi oliy ta’lim muassasalari (OTM) stipendiya dasturlarini kengaytirish, moslashuvchan to‘lov rejalarini taklif qilish va to‘lovni bo‘lib-bo‘lib to‘lash imkoniyatlarini yaratishni ko‘rib chiqishlari kerak. Ushbu chora-tadbirlar ta’limni yanada qulayroq qilish va talabalarning keng qismini jalb qilishi mumkin. Siyosatchilar grantlar yoki subsidiyalar orqali moliyaviy yordam dasturlarini rag‘batlantirish orqali institutlarni qo‘llab-quvvatlashlari mumkin.

2. Institutsional obro‘ va sifatni ta’minlashni mustahkamlash

Raqobatbardosh ustunlikka erishish uchun OTMlar malakali professor-

o‘qituvchilarni yo‘llash, o‘quv dasturlarini muntazam yangilash va tegishli akkreditatsiyalarni olish orqali o‘zlarining akademik sifatini oshirishga e’tibor qaratishlari kerak. Fakultet yutuqlari, talabalar muvaffaqiyati hikoyalari va marketing materiallarida sanoat hamkorliklari institutsional obro‘sini yanada oshirishi va sifatli ta’limga ustuvor ahamiyat beradigan talabalarni jalb qilishi mumkin.

3. O‘quv dasturlarini mehnat bozori talablariga muvofiqlashtirish

Mansab istiqbollarining ahamiyati ishga yo‘naltirilgan ta’lim dasturlariga bo‘lgan ehtiyojni ta’kidlaydi. Ta’lim muassasalari talabalarning ish bilan ta’minlanishini oshiradigan amaliyot, murabbiylik dasturlari va kasbga oid maslahat xizmatlarini yo‘lga qo‘yish orqali sanoat bilan aloqalarni mustahkamlashi kerak. Mahalliy va xalqaro kompaniyalar bilan hamkorlikdagi dasturlar o‘quv rejalarining bozor ehtiyojlariga mos bo‘lishini ta’minlashi va natijada bitiruvchilarning ishga joylashish darajasini oshirishi mumkin.

4. Raqamli marketing va ijtimoiy media mavjudligiga sarmoya kiriting

OTMlar faol, jozibali ijtimoiy media mavjudligini rivojlantirish va qo‘llab-quvvatlash uchun resurslarni ajratishi kerak. Samarali strategiyalar interaktiv kontent yaratish, virtual kampus sayohatlarini o‘tkazish, talabalarning guvohliklarini almashish va so‘rovlarga zudlik bilan javob berishni o‘z ichiga oladi. Xodimlarni ijtimoiy media bilan shug‘ullanish va raqamli marketingning ilg‘or amaliyotlari bo‘yicha o‘qitish, ayniqsa raqamli texnologiyalarni yaxshi biladigan talabalar orasida kirish va ishonchlilikni oshiradi.

5. Shaxsiylashtirilgan muloqot strategiyalarini qabul qiling

Moslashtirilgan elektron pochta xabarlari, yakkama-yakka virtual maslahatlar va keyingi xabarlar kabi shaxsiylashtirilgan muloqotlar ishtirok etish va konvertatsiya tezligini sezilarli darajada oshirishi mumkin. Mijozlar bilan munosabatlarni boshqarish (CRM) tizimlariga sarmoya kiritib, muassasalar bo‘lajak talabalarning qiziqishlarini yaxshiroq kuzatib borishlari va ko‘proq maqsadli, shaxsiylashtirilgan muloqotni taklif qilishlari mumkin. Bunday yondashuv tegishlilik tuyg‘usini kuchaytiradi va o‘quvchilarning ro‘yxatga olish qarorlariga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi mumkin.

6. Doimiy takomillashtirish uchun muntazam bozor tadqiqotlarini o‘tkazish

Oliy ta’lim bozori dinamik bo‘lganligi sababli, institutlar talabalarning o‘zgaruvchan afzalliklari va bozor tendentsiyalariga moslashish uchun muntazam tadqiqotlar olib borishlari kerak. Davriy so‘rovlar, fokus-guruhlar va sanoat tahlillari natijasida olingan ma’lumotlar institutlarga o‘zlarining marketing strategiyalarini takomillashtirishga imkon beradi va ular talabalar ehtiyojlariga mos va javob beradi.

Ushbu tavsiyalarni amalga oshirish orqali O‘zbekistondagi oliy ta’lim muassasalari bo‘lajak talabalar ehtiyojlariga javob beradigan yanada jozibador va sezgir ta’lim muhitini yaratishi mumkin. Bu strategiyalar nafaqat o‘qishga qabul qilish natijalarini yaxshilaydi, balki O‘zbekiston va shunga o‘xshash rivojlanayotgan bozorlarda talabalarning intilishlariga samarali xizmat qila oladigan yanada mustahkam va moslashuvchan oliy ta’lim sektorini yaratishga hissa qo‘shadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati:**

1. Akramov, R., 2022. O‘zbekiston oliy ta’lim sektorida talabalarni qabul qilish qarorlariga arzonlikning ta’siri. Markaziy Osiyo tadqiqotlari jurnali, 15(3), 45-59-betlar.
2. Ismoilova, T., 2023. Davlat ta’lim subsidiyalarining O‘zbekistonda STEMga kirishiga ta’siri. Central Asian Journal of Education Policy, 10(2), 23-38-betlar.
3. Karimov, U. & Shavkatov, F., 2021. Institutsional obro‘ va dastur ixtisosligi O‘zbekistonda talaba tanlovini belgilovchi omillar sifatida. Oliy ta’lim tadqiqotlari xalqaro jurnali, 18(1), 112-126-betlar.
4. Nazarova, M., 2023. O‘zbekiston oliy ta’limida raqamli marketing strategiyalari: Ijtimoiy media va jalb qilishga e’tibor. Raqamli ta’lim va o‘rganish jurnali, 8(4), 77-92-betlar.

**O‘razaliyev Shirinboy Bo‘ron o‘g‘li** - SamISI Oliy matematika kafedrasi assistenti
**Rajabov Shohbek Norim o‘g‘li** - SamISI talabasi
**Abdusalomov Azamat Alisher o‘g‘li** - SamISI talabasi

## QISHLOQ XO‘JALIGINING BIR QISMI BO‘LGAN UZUM MAHSULOTINING REGRESSION-KORRELYATSION TAHLILI

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada mamlakatimizda kichik tadbirkorlikning bir qismi bo‘lgan uzum mahsulotining 1 gektar yer uchun sarf qilingan xarajat va shu yerdan olingan hosildorlikdan keladigan daromat o‘rtasidagi o‘zaro chiziqli ekonometrik tahlili keltirilgan. Tahlilda eng kichik kvadratlar usuli yordamida tahlil olib borilgan.

**Аннотация:** В этой статье представлен взаимосвязанный линейный эконометрический анализ урожая винограда, который является частью малого бизнеса в нашей стране, между затратами на 1 гектар земли и доходом от урожая, полученного отсюда. В анализе анализ проводился методом наименьших квадратов.

**Abstract.** This article presents a cross-linear econometric analysis of the grape product, which is part of small entrepreneurship in our country, between the cost per 1 hectare of land and the yield from it. The analysis was carried out using the least squares method.

**Kalit so‘zlar:** Funksiya, chiziqli funksiya, egri chiziq, talab va takliflar, ishlab chiqarish funksiyasi, narx funksiyasi, foyda funksiyasi, iqtisodiy o‘sish funksiyasi.

Faraz qilaylik $(X;Y)$tasodifiy miqdorlar sistemasi tajriba natijasida quydagi $(x_1;y_1),(x_2;y_2),\dots,(x_n;y_n)$, qiymatlarni qabul qilsin. Tajribadan olingan ma’lumotlar asosida to‘g‘ri chiziqli regressiya tenglamasi quydagi ko‘rinishda bo‘ladi.

$\hat{y}=a+bx$ (1)

Bu chiziqli tenglamani tuzish uchun eng kichik kvadratlar usulidan foydalanamiz ya’ni

$$\begin{cases} na + b\sum_{i=1}^{n} x_i = \sum_{i=1}^{n} y_i \\ a\sum_{i=1}^{n} x_i + b\sum_{i=1}^{n} x_i^2 = \sum_{i=1}^{n} y_i x_i \end{cases}$$

Bu chiziqli tenglamalar sistemasi a va b ga nisbatan ikki nomalumli ikkita tenglamadan iborat. Bu tenglamalar sistemasini yechib (1) ga olib borib qo‘yilsa biz izlayotgan chiziqli regressiya tenglamasi hosil bo‘ladi.

Bu chiziqli regressiya tenglamasi to‘g‘ri yoki noto‘g‘ri bog‘langanligini ifodalab beruvchi ifodaga korrelyatsiya koeffitsiyenti deyiladi va quydagi formula orqali topiladi.

$$r_{xy} = \frac{\overline{y \cdot x} - \overline{y} \cdot \overline{x}}{\sigma_x * \sigma_y}$$

**Misol.**Qishloq xo‘jalidagi 1 gektar yer uchun uzum mahsulotining 7 yil kuzatish natijasida sarf qilingan xarajat (x) va bu uzumni sotish natijasida olingan daromad (y) o‘rtasidagi quyidagi ma’lumotlar olingan.

| Sarf qilingan xarajat – x (mln so‘mda) | 2 | 3 | 5 | 6 | 8 | 9 | 11 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Olingan daromad– y (mln so‘mda) | 10 | 15 | 20 | 30 | 35 | 40 | 50 |

Bu ma’lumotlardan foydalanib, olingan daromat (y) va sarf qilingan xarajat (x) orasidagi chiziqli regressiya tenglamasi tuzilsin va tuzilgan tenglama korrelyatsiya koeffitsiyenti orqali baholansin.

**Yechish:**

Chiziqli regressiya tenglamasining umumiy ko‘rinishi quyidagicha bo‘ladi:

$\hat{y}=a+bx$

Bu tenglamani tuzish uchun eng kichik kvadratlar usulidan foydalanamiz.

$$\begin{cases} na + b\sum_{i=1}^{n} x_i = \sum_{i=1}^{n} y_i \\ a\sum_{i=1}^{n} x_i + b\sum_{i=1}^{n} x_i^2 = \sum_{i=1}^{n} y_i x_i \end{cases}$$

Dastlab chiziqli regressiya tenglamasining a va b parametrlarini

$$\sum_{i=1}^{n} y_i, \quad \sum_{i=1}^{n} x_i, \quad \sum_{i=1}^{n} y_i x_i, \quad \sum_{i=1}^{n} x_i^2, \quad \sum_{i=1}^{n} y_i^2,$$

$$\sigma_x = \sqrt{\overline{x^2} - (\bar{x})^2}\ , \qquad \sigma_y = \sqrt{\overline{y^2} - (\bar{y})^2}$$

lardan foydalanib hisoblanadi. Hisoblash natijalari quyidagi jadvalda keltirilgan.

**Jadval**

| t/r | $y$ | $x$ | $yx$ | $x^2$ | $y^2$ |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 10 | 2 | 20 | 4 | 100 |
| 2 | 15 | 3 | 45 | 9 | 225 |
| 3 | 20 | 5 | 100 | 25 | 400 |
| 4 | 30 | 6 | 180 | 36 | 900 |
| 5 | 35 | 8 | 280 | 64 | 1225 |
| 6 | 40 | 9 | 360 | 81 | 1600 |
| 7 | 50 | 11 | 550 | 121 | 2500 |
| Jami | 200 | 44 | 1535 | 340 | 6950 |
| O‘rtacha qiymatlar | 28,6 | 6.3 | 219,3 | 48.6 | 992,8 |
| $\sigma$ | 13,2 | 2,98 | x | x | x |

$$b = \frac{\overline{y \cdot x} - \overline{y} \cdot \overline{x}}{\sigma_x^2} = \frac{219.3 - 28.6 * 6.3}{2.98^2} = \frac{39.12}{8.9} = 4.4$$

$$a = \overline{y} - b \cdot \overline{x} = 28.6 - 4.4 * 6.3 = -1.01$$

Yuqoridagi $a$ va $b$ larni aniqlangan qiymatlarga ko‘ra, regressiya tenglamasi quyidagicha bo‘ladi:

ŷ=-1.01+4.4x

Bu tenglamadan kelib chiqadigan xulosa shuki xarajatning bir birlikka o‘zgarishi undan keladigan daromadni o‘rtacha 4.4 mln so‘mga oshishini ko‘rsatadi. Endi x va y larning o‘zaro bog‘lanish yo‘nalishini va juftlik korrelyatsiyasining chiziqli koeffitsiyentini hisoblaymiz:

$$r_{xy} = \frac{\overline{y \cdot x} - \overline{y} \cdot \overline{x}}{\sigma_x * \sigma_y} = \frac{219.3 - 28.6 * 6.3}{13.2 * 2.98} = \frac{39.12}{39.3} = 0.995$$

Demak bundan xulosa qilish mumkinki korrelyatsiya koeffitsiyenti 0.995 ga teng. Sarf qilingan xarajat (x) va bu uzumni sotish natijasida olingan daromad (y) o‘rtasidagi bog‘lanish o‘ta zich va to‘g‘ri bog‘langan.

**Xulosa.**

Ushbu maqolada qishloq xo‘jaligida yetishib chiqadigan uzum mahsulotining 1 gektari uchun 7 yil kuzatishlar natijasida sarf qilingan xarajat va shu yerdan olingan hosildorlikdan keladigan daromat o‘rtasidagi o‘zaro chiziqli bog‘lanish tenglamasi va korrelyatsiyon tahlili olib borildi.

**Adabiyotlar ro‘yxati.**

1. Sh. Sharahmetov, O.Qurbonov, "Iqtisodchilar uchun matematika". ISBN 978-9943-07-554-2, O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2017.

2. A.Soliyev, S.Nosirova, Ya. Muxtarov, T.Bo‘riyev. Matematika. Iqtisodchilar uchun amaliy mashg‘ulotlar. O‘quv qo‘llanma – Samarqand: SamDU

nashri 2021-200 bet.
3. X.Q.Qarshiboyev. "Ekonometrika". Toshkent. Iqtisod-Moliya. 2021.Darslik.
4. I.Habibullayev. « Ekonometrika ». Darslik. Toshkent. 2020.
5. A.R.Xoshimov. N.K.Ochilova. M.I.Axmedov. A.I. Sotvoldiyev. « Iqtisodiy matematika » .O‘quv qo‘llanma. Toshkent. 2018.
6. X.Q.Qarshiboyev. « Ekonometrika ». Darslik. Toshkent. 2021.

**Quljanov Jaxongir Baxtiyorovich** – SamISI, “Oliy matematika” kafedrasi (PhD).
j.kuljanov86@gmail.com (+998889118668)

## TA’LIM TIZIMIGA KIRITILGAN INVESTITSIYALARINING IQTISODIY SAMARADORLIGINI TAHLIL QILISHNING MATEMATIK MODELLAR

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada ta’lim sohasiga kiritilgan investitsiyalarning iqtisodiy samaradorligini matematik modellar yordamida tahlil qilish masalasi o‘rganiladi. Ta’lim investitsiyalarining natijadorligi nafaqat ta’lim tizimining rivojlanishiga, balki umuman jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy ko‘rsatkichlariga ham katta ta’sir ko‘rsatadi. Matematik modellar orqali bu omillar o‘zaro qanday bog‘liqligi va qanday natijalarga olib kelishi aniqlanadi. Maqolada ta’lim sohasiga kiritilgan investitsiyalarining iqtisodiy samaradorligini aniqlash va optimallashtirish bo‘yicha yangi yondashuvlar taqdim etiladi.

**Kalit so‘zlar**: ta’lim investitsiyalari, iqtisodiy samaradorlik, matematik modellar, inson kapitali, mehnat unumdorligi, iqtisodiy o‘sish, sarmoya, ta’lim siyosati, investitsiyalarning qaytuv darajasi (ROI).

## МАТЕМАТИЧЕСКИЕ МОДЕЛИ АНАЛИЗА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИНВЕСТИЦИЙ В СИСТЕМУ ОБРАЗОВАНИЯ

**Аннотация.** В данной статье рассматривается вопрос анализа экономической эффективности инвестиций в сферу образования с помощью математических моделей. Эффективность инвестиций в образование оказывает большое влияние не только на развитие системы образования, но и на социально-экономические показатели общества в целом. С помощью математических моделей определяется, как эти факторы связаны друг с другом и к каким результатам они приводят. В статье представлены новые подходы к определению и оптимизации экономической эффективности инвестиций в образование.

**Ключевые слова:** инвестиции в образование, экономическая эффективность, математические модели, человеческий капитал, производительность труда, экономический рост, инвестиции, образовательная политика, рентабельность инвестиций (ROI).

# MATHEMATICAL MODELS FOR ANALYZING THE ECONOMIC EFFICIENCY OF INVESTMENTS IN THE EDUCATION SYSTEM

**Annotation.** This article examines the issue of analyzing the economic efficiency of investments in education using mathematical models. The efficiency of investments in education has a great impact not only on the development of the education system, but also on the socio-economic indicators of society as a whole. With the help of mathematical models, it is determined how these factors are related to each other and what results they lead to. The article presents new approaches to determining and optimizing the economic efficiency of investments in education.

**Keywords:** investments in education, economic efficiency, mathematical models, human capital, labor productivity, economic growth, investments, educational policy, return on investment (ROI).

**Kirish.** Ta’lim sohasiga kiritilgan investitsiyalari – bu davlat va xususiy sektor tomonidan ta’lim tizimiga ajratiladigan mablag‘larning eng samarali turlaridan biri bo‘lib, u uzoq muddatli iqtisodiy rivojlanish va ijtimoiy barqarorlikni ta’minlashda hal qiluvchi rol o‘ynaydi. Ta’lim inson kapitalini shakllantirishning asosiy omillaridan biri bo‘lib, bu mehnat unumdorligini oshirish va texnologik taraqqiyotni jadallashtirish orqali milliy iqtisodiyotning yuksalishiga olib keladi. Shu sababli, ta’lim tizimiga kiritilgan investitsiyalar samaradorligini matematik modellar yordamida tahlil qilish muhim masalalardan biridir.

So‘nggi yillarda ta’limga ajratilgan mablag‘larning iqtisodiyotga ta’sirini baholash masalasi ko‘plab olimlar va siyosatchilar e’tiborini tortmoqda. Ta’limning ijtimoiy va iqtisodiy foydalarini to‘g‘ri baholash qiyin bo‘lsa-da, bir qator tadqiqotlar ta’lim investitsiyalarining iqtisodiyotga olib keladigan ijobiy ta’sirini tasdiqlaydi. Buning sababi shundaki, ta’lim insonga bilim, ko‘nikma va malakalarni egallash imkoniyatini beradi, bu esa kelajakda ko‘proq mehnat daromadi, texnologiyalarni joriy qilish va jamiyatning iqtisodiy rivojlanishiga hissa qo‘shadi.

Ta’lim investitsiyalari o‘sib borayotgan iqtisodiy raqobat, texnologik yangilanishlar va yangi bilim iqtisodiyotining rivojlanishi fonida yanada dolzarb ahamiyat kasb etmoqda. O‘zbekistonda ham ta’lim tizimini rivojlantirishga katta e’tibor qaratilmoqda, xususan, so‘nggi yillarda davlat budjeti doirasida ta’limga ajratiladigan mablag‘larning ko‘payishi kuzatilmoqda. Bu boradagi sa’y-harakatlar ta’lim tizimining sifatini oshirish, malakali kadrlarni tayyorlash va mamlakat iqtisodiyotini yangi bosqichga olib chiqish maqsadida amalga oshirilmoqda.

Matematik modellar ta’limga investitsiyalarining iqtisodiy natijalarini batafsil tahlil qilish va sarmoyalarning qaytuvini aniqlash imkonini beradi. Ushbu modellardan foydalanish orqali ta’lim sohasiga ajratiladigan mablag‘larning qanchalik samarali ekanligini aniqlash, investitsiyalarni optimal taqsimlash va kelajakdagi iqtisodiy o‘sishni prognozlash mumkin. Model orqali kiritilgan mablag‘lar va ularning iqtisodiy natijalari o‘rtasidagi bog‘liqlik aniqlanadi, bu esa siyosat yurituvchi organlarga ta’lim sohasidagi qarorlarini to‘g‘ri rejalashtirishga yordam beradi.

Ta’lim sohasiga kiritilgan investitsiyalarining iqtisodiy samaradorligi masalasini chuqur o‘rganish orqali davlat va xususiy sektor uchun ta’lim sohasidagi

strategik qarorlarni yanada optimallashtirish imkoniyati paydo bo‘ladi. Shu sababli, ushbu maqola ta’lim tizimiga kiritiladigan investitsiyalarning uzoq muddatli iqtisodiy foydasini tahlil qilish va ularni optimal boshqarish yo‘llarini ko‘rsatishga xizmat qiladi.

**Adabiyotlar tahlili.** Ta’lim sohasiga kiritilgan investitsiyalarining iqtisodiy samaradorligini o‘rganish bo‘yicha ko‘plab nazariy va amaliy tadqiqotlar olib borilgan. Xalqaro miqyosda Becker (1964) va Schultz (1971) tomonidan ishlab chiqilgan inson kapitali nazariyasiga ko‘ra, ta’lim sohasiga kiritilgan investitsiyalari kelajakda mehnat unumdorligini oshirish, yangi texnologiyalarni joriy qilish va jamiyatning iqtisodiy o‘sishini ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Heckman (2006) va boshqa olimlar ta’limning dastlabki bosqichlariga sarmoya kiritish ijtimoiy va iqtisodiy foyda jihatidan eng samarali ekanligini ko‘rsatgan. Mahalliy tadqiqotlar ham ushbu omilning muhimligini tasdiqlaydi, ammo O‘zbekiston sharoitida ta’lim sohasiga kiritilgan investitsiyalarining aniq iqtisodiy natijalarini baholashga doir tadqiqotlar yetarlicha o‘rganilmagan.

**Model va masalaning qo‘yilishi** Matematik model orqali ta’lim sohasiga kiritilgan investitsiyalarining iqtisodiy samaradorligini tahlil qilishda quyidagi parametrlar hisobga olinadi:

- **I** — ta’limga ajratilgan investitsiyalar hajmi;
- **P** — ta’lim olganlarning mehnat unumdorligi darajasi;
- **Y** — yalpi ichki mahsulot (YAIM) o‘sishi;
- **R** — ta’lim investitsiyalarining qaytuv darajasi (ROI);
- **S** — ta’lim olish orqali kelajakda qo‘lga kiritiladigan daromadlar.

Modelda ushbu parametrlar o‘zaro bog‘liq bo‘lib, ular orasidagi matematik ifodani quyidagicha keltirish mumkin:

$$R = \frac{\Delta Y}{I}$$

bu yerda **R** ta’lim investitsiyalarining iqtisodiy samaradorligini bildiradi. YAIM o‘sishidagi o‘zgarish (**ΔY**) va ta’limga ajratilgan investitsiyalar miqdori **I** orqali ushbu sarmoyaning qanchalik samarali ekanligi aniqlanadi. Ta’lim olish natijasida mehnat unumdorligi oshishi, daromad ko‘payishi, va YAIMdagi o‘zgarishlar bu modelning asosiy ko‘rsatkichlarini tashkil etadi.

Model asosida olingan natijalar shuni ko‘rsatadiki, ta’limga kiritilgan investitsiyalar jamiyatning iqtisodiy o‘sishiga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi. Xususan, ta’limning dastlabki bosqichlariga qaratilgan investitsiyalar o‘sha bosqichdagi mehnat unumdorligiga va kelajakdagi iqtisodiy natijalarga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi. Shuningdek, malakali kadrlar tayyorlash va yangi texnologiyalarni o‘zlashtirish orqali korxonalarning samaradorligi oshadi. Ushbu jarayonlarning barchasi iqtisodiy o‘sishning yuqori sur’atlarini ta’minlashga yordam beradi.

Model natijalari ta’lim sohasiga kiritilgan investitsiyalarining qaytuv darajasi (ROI) yuqori ekanligini ko‘rsatadi. Misol uchun, ta’limga ajratilgan har bir mablag‘ kelajakda milliy iqtisodiyotga **2-3 barobar** ko‘proq iqtisodiy foyda keltirishi mumkin. Shu bilan birga, davlat siyosati va ta’lim tizimining sifati kabi omillar bu natijalarga sezilarli ta’sir ko‘rsatadi.

**Xulosa.** Ushbu maqolada ta’lim sohasiga kiritilgan investitsiyalarining iqtisodiy samaradorligini baholash uchun matematik modellarni qo‘llash imkoniyatlari ko‘rib chiqildi. Ta’limga kiritilgan sarmoyalarning iqtisodiy samaradorligi bevosita mehnat unumdorligining oshishi va iqtisodiy o‘sish ko‘rsatkichlariga bog‘liq ekanligi aniqlandi. Matematik modellar ta’limning turli bosqichlariga ajratilgan investitsiyalarni optimallashtirish va ularning iqtisodiy natijalarini bashorat qilishda muhim rol o‘ynaydi. Shu sababli, davlat va xususiy sektor ta’limga sarmoya kiritishda matematik modellar orqali tahlillarni olib borishi tavsiya etiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Becker, G. (1964). *Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis*. University of Chicago Press.
2. Schultz, T. W. (1971). *Investment in Human Capital: The Role of Education and Research*. Free Press.
3. Heckman, J. J. (2006). “Skill formation and the economics of investing in disadvantaged children.” *Science*, 312(5782), 1900-1902.
4. Psacharopoulos, G., & Patrinos, H. A. (2018). “Returns to investment in education: A decennial review of the global literature.” *Education Economics*, 26(5), 445-458.

**Raximova Umida Ziyadullayevna -** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti “Oliy matematika” kafedrasi katta o‘qituvchisi, ORCID: 0009-0008-9115-0843
**Abduxakimova Sevinch Dilmurod qizi** - Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi

## CHIZIQLI PROGRAMMALASHTIRISH MASALASINING KOMPYUTER TEXNOLOGIYALARI YORDAMIDA YECHISH

**Annotatsiya:** Maqolada chiziqli programmalashtirish masalalarni yechishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanish natijani tez va samarali olish imkonini yaratishi, chiziqli programmalashtirish masalalarini hal qilish uchun eng keng tarqalgan MS Excel Solver dasturidan foydalanish haqida yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** Chiziqli programmalashtirish, kompyuter texnologiyalari, formulalash, cheklov, maqsad funksiyasi, dasturlash, MS Excel Solver dasturi, maksimal xarajat, minimal xarajatlar.

**Аннотация:** В статье описано, как использование компьютерных технологий при решении задач линейного программирования позволяет быстро и эффективно получать результаты, а также использование наиболее распространенной программы MS Excel Solver для решения задач линейного программирования.

**Ключевые слова:** Линейное программирование, компьютерная технология, формулировка, ограничение, целевая функция, программирование, программа MS Excel Solver, максимальная стоимость,

минимальная стоимость.

**Abstract:** The article describes how the use of computer technologies in solving linear programming problems allows us to get results quickly and efficiently, and the use of the most common MS Excel Solver program for solving linear programming problems.

**Key words:** Linear programming, computer technology, formulation, constraint, objective function, programming, MS Excel Solver program, maximum cost, minimum cost.

Chiziqli programmalashtirish masalalari- bu matematik modellar yordamida resurslarni optimallashtirishga qaratilgan muammolarni yechish jarayoni hisoblanadi. "Chiziqli programmalashtirish matematik programmalashtirishning bir bo‘limi bolib, u chegaralangan resurslar (xom ashyo¸ texnika vositalari, yer, suv, mineral o‘gitlar va boshqalar)ni ratsional taqsimlab eng ko‘p foyda olish yoki eng kam xarajat qilish yo‘llarini o‘rgatadi.

Chiziqli programmalashtirishning shakllanishi XX asrning ikkinchi yarmidagi iqtisodiy fikrlarning takomillashishiga katta ta’sir ko‘rsatdi. 1975 yilda chiziqli programmalashtirish nazariyasini birinchi bor kashf qilgan rus olimi L.V.Kantorovichga va matematik iqtisodiyot bo‘yicha mutaxassis, «Chiziqli programmalashtirish» terminining birinchi muallifi, amerika olimi T.Kupmansga Nobel mukofotining berilishi chiziqli programmalashtirishning iqtisodiy nazariyaga qo‘shgan hissasini tan olishdan iborat deb hisoblash mumkin.

Chiziqli programmalashtirish chiziqli funksiyaning, uning tarkibiga kiruvchi nomalumlarga chegaralovchi shartlar qo‘yilganda, eng katta va eng kichik qiymatini izlash va topish uslubini o‘rgatuvchi bo‘limdir. Nomalumlarga chiziqli chegaralashlar qo‘yilgan chiziqli funksiyaning ekstremumini topish chiziqli programmalashtirishning predmetini tashkil qiladi." Shunday qilib, chiziqli programmalashtirish chiziqli funksiyaning shartli ekstremumini topish masalalari turkumiga kiradi. CHDM ko‘plab sohalarda, jumladan, iqtisod, ishlab chiqarish, muhandislik va logistika kabi sohalarda qaror qabul qilish jarayonlarini optimallashtirishda qo‘llaniladi. CHDMni yechishda kompyuter texnologiyalaridan foydalanish natijani tez va samarali olish imkonini beradi. Masalan;

- Excel: "Solver" qo‘shimchasi yordamida oddiy masalalarni yechish.

MS Excel Solver dasturidan foydalanish.

Misol;

$F(x)=x_1-x_2-3x_3 \rightarrow max$

$$\begin{cases} 4x_1 - 2x_2 + 3x_3 \leq 1 \\ 4x_1 - 2x_2 + x_3 \geq -2 \\ 3x_1 + x_3 \leq 5 \\ x_j \geq 0, j = 1,2,3 \end{cases}$$

Bu holda tengsizliklarning koeffitsientlari va ozod sonlari ikkinchi va uchinchi satrlarga, funktsiya koeffitsientlari to‘rtinchi satrga kiritiladi. O‘zgaruvchilarning dastlabki qiymatlari sifatida 0 ni olamiz va uni beshinchi satrga kiritamiz. Natijada jadval quyidagi ko‘rinishga keladi:




Kursorni D2 katakchaga joylashtiriamiz va fx funktsiya ustasi tugmachasini bosamiz. Natijada quyidagi muloqot oynasi ochiladi:




Bu yerda «Категория» darchasida «Математическое» bo‘limi tanlanadi, «Выберите функцию» darchasida «Суммпроизв» funktsiyasi tanlanadi.




OK tugmasini bosamiz. Natijada quyidagi muloqot oynasi ochiladi:




Bu yerda «Массив 1» maydoniga A2:C2 kataklar diapazonini, «Массив 2» maydoniga A8:C8 kataklar diapazonini kiritamiz, «Массив 2» maydonida F4 tugmasini bosib A8:C8 kataklar diapazonini fiksirlaymiz. "OK" tugmasini bosish orqali Excel ning asosiy oynasiga qaytamiz. Keyin formulani D2 katakchadan D3:D6 katakchalarga nusxa qilamiz. Natijada, oyna quyidagi ko‘rinishga keladi:




Kursorni D6 katakka o‘rnatib, menyuda «Данные- Поиск решения» buyrug‘ini beramiz.

Natijada quyidagi «Поиск решение» muloqot oynasi ochiladi.




«Найти решение» tugmasini bosib quyidagi oynani hosil qilamiz:




«OK» tugmasini bosamiz. Natijada masalaning quyidagi yechimi hosil bo‘ladi:




Bu yerda berilgan masaladagi barcha tengsizliklar bajariladi va masalaning optimal yechimi quyidagicha bo‘ladi: $x_1$=1/3, $x_2$=11/3, $x_3$=4 lardan maxF(x)=46/3 ekanligi kelib chiqadi.

Xulosa qilib aytganimizda, CHDMni kompyuter texnologiyalari yordamida yechish jarayoni samaradorlikni oshiradi va murakkab masalalarni tezda hal qilish imkonini beradi. CHDMni MS Excel Solver dasturidan foydalanish bizga ancha qulaylikni beradi va vaqtimizni tejab qolishimizga yordam beradi, uning afzalliklari juda ko‘p. Dasturlar va vositalarni to‘g‘ri tanlash va ulardan samarali foydalanish muhim hisoblanadi va uni kengroq joriy etishimiz, qo‘llashimiz kerak.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Sh.A.Saidnazarov, M.T.Ortiqova, J.A.Usarov. Moliyaviy matematika, O‘quv qo‘llanma. “Innovatsion rivojlanish nashriyot matbaa uyi” Toshkent 2021 y.

2. Sh.A.Saidnazarov, Biznes matematika, O‘quv qo‘llanma, Toshkent, 2022 y.

3. https://docs.scipy.org/doc/scipy/reference/generated/scipy.optimize.linprog.html

4. https://azkurs.org/1-mavzu-chiziqli-programmalashtirish-predmeti-chiziqli-program.html?page=2
5. from.scipy.optimize.import.linprog
6. www.http://arm.sies.uz

**Shakirova Yulduz Saydaliyevna** – dotsent, Farg‘ona politexnika instituti

## TA’LIM TIZIMIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI QO‘LLASH ISTIQBOLLARI

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada ta’lim tizimida raqamli texnologiyalarni qo‘llash, ta’lim sohasida raqamli texnologiyalarning o‘rni, ularning pedagogik va psixologik aspektlari, shuningdek, kelajakdagi rivojlanish istiqbollari ko‘rib chiqiladi. Yangi raqamli vositalar, interaktiv ta’lim muhitlari va o‘quv materiallari, shuningdek, sun’iy intellekt, virtual va kengaytirilgan haqiqat kabi ilg‘or texnologiyalarini ta’limda foydalanilishi va o‘quvchilarning o‘z-o‘zini rivojlantirishdagi roli haqida fikrlar bildirilgan.

**Kalit so‘zlar:** raqamli texnologiyalar, elektron darsliklar, o‘quv portallari, virtual sinflar, sun’iy intellect, interaktiv ta’lim metodlari

**Аннотация:** В данной статье рассматривается использование цифровых технологий в системе образования, роль цифровых технологий в образовании, их педагогический и психологический аспекты, а также перспективы дальнейшего развития.

**Ключевые слова:** цифровые технологии, электронные учебники, образовательные порталы, виртуальные классы, искусственный интеллект, интерактивные методы обучения.

**Annotation.** This article discusses the use of digital technologies in the education system, the role of digital technologies in education, their pedagogical and psychological aspects, as well as prospects for further development.

**Keywords:** digital technologies, electronic textbooks, educational portals, virtual classes, artificial intelligence, interactive teaching methods.

Ta’lim sohasida innovatsion texnologiyalarning jadal rivojlanishi va ulardan samarali foydalanish, bugungi kunda har bir mamlakatda ta’lim sifatini oshirishda muhim o‘rin tutadi. Zamonaviy ta’lim tizimi o‘qituvchi va o‘quvchi o‘rtasidagi an’anaviy aloqalardan tashqari, yangi, innovatsion texnologiyalarning jadal rivojlanishi bilan ham bog‘liqdir. Raqamli texnologiyalarni ta’limda qo‘llash nafaqat o‘qitish usullarini yangilash, balki o‘quvchilarning o‘z-o‘zini rivojlantirishiga, ijtimoiylashuviga va kreativ fikrlash qobiliyatlarini shakllantirishga ham yordam beradi. Shu bois, raqamli vositalar pedagogik jarayonda qanday muhim rol o‘ynashini o‘rganish dolzarb masalalardan biridir.

Raqamli texnologiyalar yordamida interaktiv ta’lim vositalari, masalan, elektron ta’lim resurslari, simulyatsiyalar, interaktiv doskalar va o‘quv dasturlari yaratish mumkin. Bu vositalar o‘quvchilarning faol ishtirokini ta’minlaydi, ular faqatgina ma’lumotni qabul qilish emas, balki mustaqil ravishda o‘rganish va tajriba

qilish imkoniyatiga ega bo‘ladilar. Interaktivlik ta’limda yangilik yaratadi va o‘quvchilarning motivatsiyasini oshiradi.

Raqamli texnologiyalarni ta’lim jarayoniga integratsiya qilish o‘qitish va o‘rganish samaradorligini oshirish, ta’lim resurslarini diversifikatsiya qilish, o‘quvchilarga individual o‘qish jarayonini taqdim etish imkoniyatlarini yaratadi.

Raqamli texnologiyalarni ta’lim tizimiga kiritish, ayniqsa, XXI-asrda o‘quvchilarga sifatli ta’lim taqdim etish uchun zaruriyatga aylangan. Internetning rivojlanishi, elektron darsliklar, o‘quv portallari, virtual sinflar, sun’iy intellekt asosida yaratilgan ta’lim platformalari va boshqa raqamli vositalar o‘quvchilarga yangi imkoniyatlar yaratadi. Bu texnologiyalar o‘qituvchilarga ta’lim metodlarini diversifikatsiya qilish, darslarni interaktiv tarzda olib borish, o‘quvchilarni rag‘batlantirish va motivatsiyasini oshirish imkonini beradi.

Raqamli texnologiyalarni qo‘llash pedagogik jihatdan ham muhim o‘zgarishlarga olib keladi. O‘qituvchilar interaktiv ta’lim metodlarini, masalan, gamifikatsiyani, onlayn forumlarni va video darslarni qo‘llash orqali o‘quvchilarning o‘quv faoliyatini faollashtiradi.

Psixologik jihatdan esa, raqamli texnologiyalar o‘quvchilarning mustaqil o‘rganish qobiliyatini rivojlantiradi, ular o‘z vaqtini va o‘rganish usulini yanada erkin boshqarish imkoniyatiga ega bo‘lishadi.

Biroq, bu jarayonlarda o‘quvchilarni ortiqcha raqamli kontentdan charchatib qo‘yish yoki texnologiyalar bilan ortiqcha vaqt o‘tkazishga majbur qilish kabi salbiy oqibatlar ham yuzaga kelishi mumkin. Shuning uchun ta’limda texnologiyalarni muvofiqlashtirilgan tarzda va to‘g‘ri pedagogik yondashuv bilan qo‘llash zarur.

An’anaviy dars usullaridan tashqari, zamonaviy interaktiv metodlar, masalan, loyiha asosidagi o‘rganish, o‘quvchilarni guruhlar bo‘yicha ishlashga undash, shuningdek, onlayn kurslar va masofaviy o‘qitish tizimlari kabi metodlar qo‘llanilishi kerak. O‘qituvchilar raqamli texnologiyalarni pedagogik maqsadlar bilan uyg‘unlashtirishga o‘rgatishlari zarur.

Raqamli texnologiyalar ta’lim jarayonida bir qator afzalliklarga ega bo‘lsa-da, ularning ayrim kamchiliklari ham mavjud. Afzalliklaridan biri — ta’lim jarayonini shaxsiylashtirish va o‘quvchilarning ehtiyojlariga moslashtirish imkoniyatidir. Biroq, texnologiyalarning haddan tashqari ko‘p ishlatilishi o‘quvchilarning diqqatini jamlashdagi muammolarni keltirib chiqarishi mumkin. Shuningdek, texnologiyalarga haddan tashqari qaramlik, real hayotdagi ijtimoiy aloqalarni kamaytirishi mumkin.

Bugungi kunda ta’lim sohasida foydalanilayotgan innovatsion texnologiyalar qatoriga sun’iy intellekt (SI), kengaytirilgan haqiqat (AR) va virtual haqiqat (VR), big data (katta ma’lumotlar) va bulutli texnologiyalar kiradi. Sun’iy intellektni o‘quvchilarning yakkama-yakka o‘rganish jarayonlarini tashkil etishda, o‘quv natijalarini baholashda va individual maslahatlar berishda qo‘llash mumkin. Kengaytirilgan va virtual haqiqat texnologiyalari esa ta’limda vizual tajribalar yaratib, murakkab kontseptlarni yanada osonroq tushunishga yordam beradi.

Sun’iy intellekt (SI) texnologiyalarining ta’limga integratsiyasi esa, o‘quvchilarga individual yondashuvni ta’minlash, ta’lim jarayonlarini avtomatlashtirish, o‘qituvchilar uchun ma’lumotlarni tahlil qilish va o‘quvchilarning

muvaffaqiyatini prognozlash kabi imkoniyatlarni yaratmoqda.

Sun’iy intellektning ta’lim sohasidagi innovatsion texnologiyalardan foydalanish, ta’lim tizimini yanada samarali, shaxsiylashtirilgan va moslashuvchan qilish imkonini beradi. Bu nafaqat o‘quvchilarning o‘qish jarayonini yaxshilaydi, balki o‘qituvchilarni ham yangi texnologiyalar bilan tanishtiradi va ularning ish samaradorligini oshiradi. Biroq, sun’iy intellektning ta’lim sohasidagi muvaffaqiyatli qo‘llanilishi uchun texnologik infratuzilma, o‘qituvchilarning malakasi va tizimdagi barcha ishtirokchilarning xabardorligi zarur.

Raqamli transformatsiya ta’lim tizimida nafaqat o‘qish jarayonining samaradorligini oshiradi, balki yangi yondashuvlar va metodikalarni yaratadi. Kelajakda raqamli texnologiyalar yordamida ta’limni global miqyosda diversifikatsiya qilish, interfaol o‘qitish usullarini kengaytirish, shuningdek, o‘quvchilarning individual ehtiyojlariga moslashish imkoniyati oshadi.

Shuningdek, raqamli texnologiyalar ta’lim muassasalarining boshqaruvini ham o‘zgartiradi. Avtomatlashtirilgan tizimlar yordamida o‘quv jarayonini kuzatish, natijalarni baholash va ta’lim muassasalarini boshqarish yanada samaraliroq bo‘ladi. Bulutli tizimlar va katta ma’lumotlar (Big Data) orqali o‘quvchilarning o‘rganish jarayoni yanada shaffof va tahlilga oid bo‘ladi.

Xulosa qilib aytganda, raqamli texnologiyalar ta’lim tizimini tubdan o‘zgartirishda muhim omil bo‘lib, ularning ta’lim jarayoniga kiritilishi global ta’limni yangilash va samarali qilishga xizmat qiladi. Kelajakda bu texnologiyalarni yanada rivojlantirish va ularni pedagogik jihatdan to‘g‘ri ishlatish ta’lim sifatini sezilarli darajada oshirishi mumkin. Shuningdek, ta’limda raqamli transformatsiyani muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun o‘qituvchilarni raqamli kompetensiyalar bo‘yicha o‘qitish ham zarur.

Raqamli texnologiyalarni ta’limda qo‘llash o‘qitishning samaradorligini oshirishga yordam beradi. Biroq, ularni ta’lim jarayoniga integratsiya qilishda ehtiyotkorlik bilan yondashish lozim. O‘qituvchilar yangi metodlarni qo‘llash va texnologiyalarni o‘quvchilarga mos ravishda taqdim etish orqali ta’lim sifatini yaxshilashlari mumkin. Shuningdek, ta’lim jarayonida raqamli texnologiyalarning afzalliklari va kamchiliklarini hisobga olish muhimdir. Kelajakda ta’limda raqamli texnologiyalarni yanada kengroq qo‘llash, o‘quvchilarning kreativ fikrlash qobiliyatlarini oshirish va ta’limni shaxsiylashtirish imkoniyatlarini yaratadi.

**Adabiyotlar:**

1. Agarwal R. AI-based Learning: Educational Potential and Future Trends. Journal of Educational Technology, 2020, 37(1), 78-90.

2. Akhmedova, M., Safarov, I. Ta’limda interaktiv texnologiyalarni qo‘llash. Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2019.

3. Khilf I., Nurmatov, M. Raqamli texnologiyalarni ta’lim tizimiga integratsiya qilish: Nazariya va amaliyot. Ta’lim va Innovatsiyalar Jurnali, 2022, 14(3), 45-56.

4. Hamidov B. Zamonaviy ta’limda raqamli texnologiyalarni qo‘llash. Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Ta’lim vazirligi, 2020.

**Shamsiddinov G‘iyosjon Husniddin o‘g‘li -** Shahrisabz davlat pedagogika instituti “Informatika va uni o‘qitish metodikasi” kafedrasi o‘qituvchisi
**Ro‘ziqulova Barchin Abdig‘ani qizi -** Shahrisabz davlat pedagogika instituti “Boshlang‘ich ta’lim” yo‘nalishi 2- bosqich talabasi
**Inatillayeva Laziza Ismoil qizi -** Shahrisabz davlat pedagogika instituti “Boshlang‘ich ta’lim” yo‘nalishi 2- bosqich talabasi

# BOSHLANG‘ICH TA’LIMDA “4K” MODELIDAN FOYDALANISH USULARI VA AFZALLIKLARI

**Annotatsiya**. Maqolada ta’lim sifatini oshirish, zamonaviy ta’lim, bugungi kunda zamonaviy o‘qituvchi o‘quvchiga qanday ta’lim berishi kerak, “4K” ko‘nikmalari, darslarda zamonaviy metodlardan unumli foydalanish masalalari ko‘rib chiqilgan.

**Kalit so‘zlar.** “4K” modeli, zamonaviy o‘qituvchi, “4K” ko‘nikmalari, innovatsion uslublar, metodlar, ta’limni tashkil etish shakllari, kreativ fikrlash, kommunikativlik.

**Аннотация**: В статье рассматриваются вопросы повышения качества образования, современное образование, как современный учитель должен обучать ученика сегодня, навыки “4К”, эффективное использование современных методов на уроке.

**Ключевые слова**: Модель “4К”, современный педагог, навыки “4К”, инновационные методы, методы, формы организации обучения, творческое мышление, общение.

**Annotation:** The article discusses the issues of improving the quality of education, modern education, how a modern teacher should teach a student today, “4K” skills, effective use of modern methods in classes.

**Keywords**: “4K” model, modern teacher, “4K” skills, innovative methods, methods, forms of educational organization, creative thinking, communication

Ma’lumki, yangi o‘quv yilidan boshlab boshlang‘ich sinf o‘quvchilari yangi avlod darsliklari asosida ta’lim oladi. Darsliklarning asosiy xususiyatlaridan biri-ularning “4K” tamoyili asosida ishlab chiqilganidadir. Ya’ni bu tamoyilda quruq ma’lumotlarni yodlatish yoki shunchaki o‘qish, yozishni o‘rgatish bilan cheklanilmaydi. O‘quvchilar nafaqat fanlarni, balki XXI asrda zarur bo‘lgan hayotiy ko‘nikmalarni ham o‘rganadi.

Prezidentimizning 2022-yil 11-maydagi “2022-2026-yillarda xalq ta’limini rivojlantirish milliy dasturini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarori bilan tasdiqlangan Milliy o‘quv dasturi har bir sinf bosqichi yakunida o‘quvchilardan kutilayotgan natijalar va bir sinfdan keyingi sinfga o‘tish va o‘quvchi nimaga erishishi kerakligi va baholash jarayonini tushuntirish bo‘yicha yo‘l-yo‘riq ko‘rsatadigan hujjat hisoblanadi. Milliy o‘quv dasturida quyidagilar yetakchi o‘rinni egallaydi: uzviylik, uzluksizlik, izchillik, fan va ilg‘or texnologiyalarni rivojlantirish, fan va ta’lim integratsiyasini ta’minlash.

Boshlang‘ich ta’lim – shaxs shakllanishi davrining eng muhim bosqichi. Bu davr bola ong ostida olamni anglash, tasavvur va bilimlar poydevorini tiklash pallasi

bo‘lgani uchun ham nozik e’tibor talab etadi. Ayni shu pallada bola o‘zida “o‘quvchi shaxsi”ni yaratadi, maktabga va ta’lim olishga nisbatan qiziqishni, mehrni tuyadi, ilm yo‘lidagi kelgusi natijalar uchun kuch to‘plashni boshlaydi. Bu esa, zamonaviy pedagogika oldidagi doimiy va murakkab masala sifatida darsliklarning g‘oyaviy, tarbiyaviy va ma’rifiy saviyasiga jiddiy yondashishni talab etadi.

Xalq ta’limi tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida o‘qitish metodikasini takomillashtirish vazifasi belgilangan. Shunga muvofiq, darsliklarni yangilash bo‘yicha muayyan ishlar bajarildi. Xususan, ilg‘or xorijiy tajribalar asosida 1-4-sinf darsliklari yangidan “4K” modeli asosida tayyorlandi. “4K” modelidan foydalanish ko‘plab sinovlardan o‘tgan, muhimi, zamonaviy yondashuvdir. Biz avvallari bolalarning yozuviga ko‘proq e’tibor qaratganmiz, diktantlar yozdirganmiz. Yangi tajriba bilan esa o‘quvchilarning tanqidiy fikrlashi, o‘z fikrini erkin bayon eta olishiga ko‘proq ahamiyat beriladi. Ushbu yangi zamonaviy maktab darsliklari innovasion yondashuvni taqdim etadi. Bu metodologiya bolalarning har tomonlama rivojlanishiga qaratilgan bo‘lib, to‘rt asosiy kompetensiyalarni o‘z ichiga oladi.

Kollaborasiya – darsliklar o‘quvchilarning jamoada ishlash qobiliyatini rivojlantirishga yordam beradigan tarzda tuzilgan. Bu o‘quvchilarga hamkorlik qilish, samarali fikr almashish va o‘zaro qo‘llab-quvvatlash ko‘nikmalarini o‘rganishga ko‘maklashadi.

Kommunikativlik – darsliklar o‘quvchilarning boshqalar bilan muloqot qilish qobiliyatini rivojlantirishga qaratilgan. O‘quvchilar o‘z fikrlarini aniq va ravshan ifodalash, suhbatdoshni tinglash va tushunish, ma’lumotni yetkazishda til vositalaridan unumli foydalanishni o‘rganadilar.

Kreativ fikrlash – darsliklar ijodiy fikrlash va yangilik qilish qobiliyatini rivojlantiradi. O‘quvchilar o‘z maqsadlariga erishish uchun yangi yondashuvlarni qo‘llashni o‘rganadilar, innovasion yechimlar ishlab chiqadilar va ijodiy muammolarni hal qilish ko‘nikmalariga ega bo‘ladilar.

Kritik fikrlash – ushbu metodologiya o‘quvchilarning axborotni tanqidiy baholash, o‘z fikri va mulohazalarini shakllantirish ko‘nikmalarini rivojlantirishni o‘z ichiga oladi. O‘quvchilar muammolarga analitik nuqtai nazardan yondashishni o‘rganadilar va mantiqiy fikrlash asosida o‘z nuqtai nazarini shakllantiradilar.

Ushbu muhim kompetensiyalarni rivojlantirishga yordam berishni istasak, o‘quv jarayonini bolalar uchun qiziqarli va foydali tarzda tashkillashtirishimiz kerak. Maktabdagi har bir dars o‘quvchilar faqat fan mazmunini o‘zlashtiradigan emas, balki mustaqil bilim oladigan va qobiliyatini rivojlantiradigan jarayondir.

Boshlang‘ich sinflar uchun yangi darsliklar esa kelajagimiz egalari bo‘lmish yosh avlodni har tomonlama rivojlantiribgina qolmay, balki zamonaviy jamiyatga muvaffaqiyatli moslashish uchun zarur bo‘lgan ko‘nikmalarni ularda shakllantirishga qaratilganligi bilan yanada ahamiyatlidir.

“4K” modelining afzalliklari: “4K” modeli 21asr uchun har tomonlama rivojlangan shaxslarni shakllantirishda ko‘plab afzalliklarni taqdim etadi.

Bilim: Chuqurroq o‘rganish: “4K” modeli yuzaki tushunishdan tashqariga chiqadi, tanqidiy fikrlash va tahlilni targ‘ib qiladi. Talabalar ma’lumotlar bilan faol shug‘ullanadilar, aloqalarni o‘rnatadilar va bilimlarni real dunyo senariylariga

qo‘llaydilar. Integratsiyalashgan o‘quv rejasi: bo‘linadigan fanlar o‘rniga, “4K” modeli fanlararo o‘rganishni rag‘batlantiradi. Turli sohalardagi tushunchalar bir-biriga bog‘lanib, yaxlit tushunishni rivojlantiradi va sun’iy to‘siqlarni yo‘q qiladi.

Ko‘nikmalar: Uzluksiz ta’lim: “4K” modeli doimo o‘zgarib turadigan dunyoda harakat qilish uchun zarur bo‘lgan muhim ko‘nikmalarga ustunlik beradi. Muammolarni hal qilish, muloqot qilish, hamkorlik va moslashuvchanlik ikkinchi tabiatga aylanib, o‘quvchilarni dinamik kelajakka tayyorlaydi.

Texnologiya integratsiyasi: “4K” modeli texnologiyani passiv ko‘ngilochar manba emas, balki o‘rganish vositasi sifatida qamrab oladi. Talabalar tadqiqot, muloqot va ijodiy ifoda uchun uning kuchidan foydalanishni o‘rganadilar.

Ijodkorlik: “4K” modeli tasavvur va turli xil fikrlashni rivojlantiradi. Talabalar tajriba, savol va yangi g‘oyalarni o‘rganishga da’vat etiladi, bu esa innovatsiyalar va muammolarni hal qilishda yutuqlarga olib keladi.

Xulosa qilib aytganda, “4K” modeli boshlang‘ich ta’lim landshaftidagi chorrahasidada turibdi. Uning bilim, ko‘nikma, ijodkorlik va xarakterni o‘z ichiga olgan yaxlit rivojlanish va’dasi shubhasizdir. Shunga qaramay, muvaffaqiyatli amalga oshirish yo‘li potentsial tuzoqlarga to‘la bo‘lib, g‘ayrat va tanqidiy tahlil o‘rtasida ehtiyotkor valsni talab qiladi. Qiyinchiliklarni tan olmasdan “4K” modelini qabul qilish yosh bolaga kaleydoskopni berib, dunyoning aniq ko‘rinishini kutish bilan barobar bo‘ladi. Model amalga oshirilmagan potentsialning porlab turgan sarobiga aylanib ketishining oldini olish uchun o‘qituvchilarni tayyorlash, resurslarni taqsimlash va baholash mexanizmlarini sinchkovlik bilan ko‘rib chiqish kerak. Bundan tashqari, o‘quv dasturlarini susaytirishdan himoya qilish va turli kontekstlarda adolatli amalga oshirilishini ta’minlash muhim ahamiyatga ega.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Shamsiddinov, G‘iyosjon, Umida Nurmaxmatova, and Durdona Turayeva. "INFORMATIKA VA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNING TA’LIM JARAYONIDAGI O‘RNI." Science and innovation in the education system 3.4 (2024): 102-105.

2. Shamsiddinov, G‘iyosjon, Jasmina Murodulloyeva, and Durdona Turayeva. "GLOBAL IQLIM O ‘ZGARISHI SHAROITIDA EKOLOGIK BARQARORLIKNI SAQLASHNING ZAMONAVIY, INNOVATSION USULLARI." Инновационные исследования в современном мире: теория и практика 3.3 (2024): 103-106.

3. Shamsiddinov, G‘iyosjon, Jasmina Murodulloyeva, and Umida Nurmaxmatova. "YASHIL IQTISODIYOT VA YO ‘NALISHLARI BO ‘YICHA TA’LIM DASTURLARINI RIVOJLANTIRISH MEXANIZMLARI." Models and methods in modern science 3.5 (2024): 44-49.

4. Shamsiddinov, G‘iyosjon, and Gulandom Raxmatova. "O ‘ZBEKISTONDA AXBOROT HAVFSIZLIGINI MA’NAVIY VA HUQUQIY ASOSLARI." Solution of social problems in management and economy 3.4 (2024): 45-57.

5. Турсунова, Л., & Жураев, С. (2024). ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕХАНИЗМЫ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ. Педагогика и

психология в современном мире: теоретические и практические исследования, 3(2), 35-37.

6. Israilovich, D. O., & Komilovna, T. L. (2022). MECHANISMS FOR OPTIMIZATION OF DETECTION AND CORRECTION OF ERRORS IN COMPUTER TEXT PROCESSING SYSTEMS. Journal of Engineering And Technology Research, 10(1), 1-7.

**Siddikov Askar Ahrorovich -** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti vb dotsenti
**Baxtiyorov Otabek Elmurod o‘g‘li -** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti talabasi

## XALQARO MIQYOSDAGI BIZNES ETIKASI

**Annotatsiya:** Mazkur maqola xalqaro biznes e’tikasi masalasini chuqur tahlil qiladi. Biznes yuritishda davlatlar o‘rtasidagi farqlar, madaniy nuqtai nazarlar va huquqiy tizimlar xalqaro miqyosdagi e’tikaviy qarorlar qabul qilishda qanday ta’sir ko‘rsatishini muhokama qiladi. Maqolada biznesda mas’uliyat, halollik va ijtimoiy javobgarlik kabi tamoyillarni xalqaro kontekstda qo‘llash amaliyotlari ham ko‘rib chiqiladi.

**Kalit so‘zlar:** Biznes e’tikasi, xalqaro biznes, ijtimoiy javobgarlik, madaniy farqlar, korporativ mas’uliyat.

Xalqaro biznesda madaniy farqlar biznes qarorlarini qabul qilishda va kompaniyalar o‘rtasidagi munosabatlarda muhim rol o‘ynaydi. Har bir mamlakatning o‘ziga xos madaniyati, qadriyatlari va an’analari mavjud, va bu jihatlar xalqaro miqyosdagi e’tikaviy qoidalar va normalarga bo‘lgan yondashuvlarni shakllantiradi. Global miqyosda faoliyat yurituvchi korxonalar o‘zaro aloqa va hamkorlikda madaniy farqlarni e’tiborga olishlari kerak, aks holda bu iqtisodiy va ijtimoiy muammolarni keltirib chiqarishi mumkin. Madaniyat insonlarning kundalik hayotiga va ularning qarorlariga chuqur ta’sir ko‘rsatadi. Hofstede kabi tadqiqotchilar madaniyatlar o‘rtasidagi farqlarni o‘rganib, turli davlatlardagi qaror qabul qilish jarayonlari qanday farq qilishini ko‘rsatib o‘tgan. Uning tadqiqotlarida madaniy ko‘rsatkichlar, masalan, kuch masofasi, noaniqlikdan qochish darajasi, individualizm va kollektivizm kabi omillar xalqaro biznesda qanday o‘z aksini topishini tushuntiradi. Masalan, Sharqiy Osiyo davlatlarida (Xitoy, Yaponiya) kollektivizm kuchli bo‘lib, guruh manfaatlari individual manfaatlardan ustun turadi. Bunday joylarda ishbilarmonlar jamiyat yoki guruh manfaatlarini hisobga olishni afzal ko‘rishadi. Bu esa o‘z navbatida biznes qarorlarida halollik, ishonch va guruhdagi o‘zaro hurmatni ta’kidlaydi. Aksincha, G‘arb davlatlarida (AQSh, Buyuk Britaniya) individualizm ancha yuqori darajada bo‘lib, biznes qarorlarida shaxsiy manfaat va erkinlik katta ahamiyatga ega. Bu davlatlarda tadbirkorlar o‘z shaxsiy muvaffaqiyatlariga erishishni afzal ko‘radilar va qarorlar qabul qilishda mustaqillikni qadrlaydilar. Bu farqlar xalqaro miqyosda biznes olib borishda kelishmovchiliklarga sabab bo‘lishi mumkin, shuning uchun

madaniy farqlarni e’tiborga olish juda muhim. Madaniyatlar o‘rtasidagi yana bir farq – bu muloqot va aloqa uslublarida ko‘rinadi. Yuqori kontekstli madaniyatlarda (masalan, Yaqin Sharq, Osiyo davlatlari) so‘zlarsiz signallar va kontekst muhim rol o‘ynaydi. Bu davlatlarda ochiq va aniq gapirishdan ko‘ra, bevosita aytilmagan tushunish va shaxsiy muloqot ahamiyatli. Shuning uchun bu davlatlarda e’tikaviy masalalar ko‘proq shaxsiy munosabatlar va guruh maqsadlariga bog‘liq bo‘lib, uzviy aloqa va ishonch shakllantirilishi kerak. Kam kontekstli madaniyatlarda (masalan, AQSh, Germaniya) esa barcha muloqot aniq va ravshan bo‘lishi talab qilinadi. Bu joylarda biznes jarayonlari rasman, hujjatli tarzda olib boriladi va shaxsiy munosabatlardan ko‘ra, amaliy e’tikaviy tamoyillar ustuvorlikka ega. Shu sababli, xalqaro biznesdagi aloqa uslublari turli madaniyatlarda qanday farq qilishini bilish va to‘g‘ri strategiyalarni qo‘llash zarurdir. Xalqaro muzokaralarda ham madaniy farqlar aniq ko‘rinadi. Masalan, Yaponiya kabi davlatlarda uzoq muddatli munosabatlarga ahamiyat beriladi va muzokaralar jarayoni sekinroq kechadi. Ular kelajakdagi hamkorlikni saqlab qolish uchun ham o‘zaro hurmat va ishonchni qadrlaydilar. Germaniya yoki AQSh kabi davlatlarda esa muzokaralar tez va aniq natijalarga erishish uchun o‘tkaziladi. Bu davlatlarda ko‘pincha vaqt tejash va samaradorlik oldingi o‘rinda turadi. Madaniyatning bunday farqlari xalqaro muzokaralarda notanishlik yoki tushunmovchilik keltirib chiqarishi mumkin. Shuning uchun xalqaro kompaniyalar bu omillarni hisobga olishi va har xil madaniy nuqtai nazarlarni tushunishi kerak. Xalqaro biznesda menejment uslublariga ham madaniyat katta ta’sir ko‘rsatadi. Masalan, Fransiya va Germaniya kabi davlatlarda avtoritar boshqaruv usuli keng tarqalgan bo‘lib, rahbarning kuchli va qat’iy qarorlari qabul qilinadi. Xodimlar yuqoridan kelgan ko‘rsatmalarga bo‘ysunib, shaxsiy tashabbus kamroq namoyon etiladi.

Xalqaro biznes zamonaviy global iqtisodiyotning ajralmas qismi bo‘lib, ko‘plab davlatlar va madaniyatlarga tarqalgan korporatsiyalar dunyo iqtisodiyoti rivojlanishiga katta hissa qo‘shmoqda. Biroq, xalqaro biznes ham ko‘plab murakkablik va muammolar bilan to‘qnash kelmoqda. Hozirgi vaqtda xalqaro biznesdagi asosiy global muammolar ekologik barqarorlik, ijtimoiy tengsizlik, siyosiy beqarorlik, texnologik taraqqiyot bilan bog‘liq xavflar va global savdo nizolari bilan bog‘liq jarayonlardir. Global miqyosdagi biznes korxonalari ekologik muammolar bilan yuzlashmoqda. Iqlim o‘zgarishi, resurslarning tugashi va atrof-muhitning buzilishi ko‘p millatli korporatsiyalar faoliyatiga bevosita ta’sir qiladi. Xalqaro kompaniyalar o‘z mahsulotlarini ishlab chiqarish, tarqatish va savdosi jarayonida katta miqdorda energiya va tabiiy resurslardan foydalanadilar. Natijada, bu jarayonlar global isish va atrof-muhitning ifloslanishiga sabab bo‘lib kelmoqda. Bundan tashqari, global miqyosdagi kompaniyalardan atrof-muhit muhofazasi bo‘yicha majburiyatlar olish va ekologik barqarorlikni ta’minlash talab qilinmoqda. Buning natijasida ko‘plab kompaniyalar ekologik toza ishlab chiqarish texnologiyalarini joriy etishga, chiqindilarni kamaytirishga va qayta tiklanadigan energiya manbalariga o‘tishga harakat qilmoqda. Ammo bu jarayonlarning murakkabligi va ko‘p vaqt talab qilishi ko‘plab xalqaro bizneslar uchun qiyinchilik tug‘dirmoqda. Xalqaro biznesning rivojlanishi bilan birgalikda global miqyosda ijtimoiy tengsizlik ham kuchaymoqda. Boy davlatlar va yirik transmilliy

kompaniyalar o‘z daromadlarini oshirishda davom etayotgan bir paytda, kambag‘al davlatlar va kam rivojlangan hududlar aholisi bu jarayonda yetarli darajada foyda ko‘rmayapti. Ishlab chiqarish va mehnat migratsiyasi jarayonlari ko‘pincha mehnatkashlarning huquqlari va xavfsizliklariga zarar yetkazadi, ayniqsa, past malakali va arzon ishchi kuchi ishlatiladigan davlatlarda. Bu muammo xalqaro miqyosdagi biznes korxonalarining mehnat sharoitlari va xodimlar huquqlarini hurmat qilishlariga doir masalalarni hal qilishni talab qiladi. Bunday korporatsiyalardan ijtimoiy javobgarlikni oshirish va mehnat sharoitlarini yaxshilash maqsadida xalqaro mehnat normalariga rioya qilish kutilmoqda. Ammo ba’zi kompaniyalar foydani oshirish maqsadida hali ham bu tamoyillarga e’tibor bermay kelmoqda.

**Xulosa**

Xalqaro miqyosdagi biznes e’tikasi zamonaviy global iqtisodiyotda eng muhim tamoyillardan biri hisoblanadi. Bugungi kunda biznes faoliyati birgina milliy doirada qolib ketmaydi, aksincha ko‘p millatli korxonalar dunyoning turli burchaklarida o‘z faoliyatini olib boradi. Bunday globalizatsiya jarayonida har xil madaniyatlar, qonunchiliklar va ijtimoiy tamoyillar to‘qnashadi. Shu sababli xalqaro biznesda e’tikaviy yondashuvlar nafaqat kompaniyalarning ichki muammolarini hal etishda, balki ularning xalqaro maydondagi obro‘-e’tiborini saqlab qolishda ham katta ahamiyatga ega.

**Foydalanilgan adabiyitlar:**

1.Abdurahmonov, Q.(2020) Xodimlarni boshqarish va motivatsiya: psixologik yondashuvlar. Toshkent: Fan va texnologiya.

2. Abdukarimov, I., Oripov, M., Shermuhamedov, D. (2010). Xalqaro iqtisodiy munosabatlar. Toshkent: Iqtisodiyot.

3.Siddiqov Asqar Ahrorovich va Abdumannonov Begzod . 2022-yil Samarqand iqtisodiyot va servis institute Stepsell nashriyot 2023-yil 386 bet.

UO‘K: 378.214

**Tursunov Abdumansur Abduazizovich -** dotsent, Favqulodda vaziyatlar vazirligi Fuqaro muhofazasi instituti, tel. (+99897) 448-87-99,
e-mail: abdumansur1980@mail.ru

## G‘AVVOSLIK ISHLARINI TASHKIL ETISH

**Аннотация.** Maqolada g‘avvos kasbining mas’uliyatligi, ularning asosiy vazifalari, g‘avvoslik ishlari va sho‘ng‘ishlarining yo‘nalishlari, g‘avvoslik sho‘ng‘ish chuqurliklari, g‘avvoslik ishlari va sho‘ng‘ishlarini tashkil etish bo‘yicha umumiy talablar, g‘avvoslik va sho‘ng‘ish ishlari rahbarlarining voqea joyidagi amalga oshirishi kerak bo‘lgan tadbirlari, g‘avvoslik ishi - sho‘ng‘ishining tuzilishi va ketma-ketligi, g‘avvoslarni suvga sho‘ng‘ish tartibi, suvdan ko‘tarilishi, g‘avvoslik - sho‘ng‘ish ishlarida ishtirok etadiganlar, g‘avvoslik ishi - sho‘ng‘ishining tuzilishi va ketma-ketligi, tibbiyot nuqtai nazaridan suvga tushishni ta’qiqlovchi talablar bo‘yicha ma’lumotlar yoritilib, tavsiyalar berilgan.

**Kalit so‘zlar:** g‘avvos, g‘avvoslik ishi, g‘avvoslik ishlari rahbari, g‘avvoslik sho‘ng‘ish ishlari rahbari, ishchi g‘avvos, ta’minlovchi g‘avvos, himoyani ta’minlovchi g‘avvos.

**Аннотация.** В статье описаны обязанности водолазов, их основные задачи, направления водолазной работы и погружений, глубины водолазных работ, организация водолазных погружений и водолазных работ, а также мероприятия, которые должны выполнятся руководителями водолазных погружений и водолазных работ на месте происшествия, структура и последовательность водолазных работ, погружение водолазов в воду, порядок работы, подъём из воды, поочередность погружения водолазов, структура и последовательность водолазных погружений и водолазных работ, медицинские требования запрещающие погружения водолазам и даны первоочередные рекомендации по улучшению водолазных работ и водолазных погружений.

**Ключевые слова:** водолаз, водолазная работа, руководитель водолазных работ, руководитель водолазных спусков, рабочий водолаз, обеспечивающий водолаз, страхующий водолаз.

**Annotation.** The article describes the dutiyes of divers, their main tasks, directions of diving work and dives, depths of diving work, organization of diving work and diving operations, as well as activities that must be performed by diving operations managers at the scene of an incident. Structure and sequence of diving operations, structure and sequence of diving operations - diving, medical requirements prohibiting diving, information is highlighted and recommendations are given.

**Key words:** diver, diving work, head of diving work, head of diving descents, working diver, support diver, safety diver.

O‘zbekiston Respublikasi Favqulodda vaziyatlar vazirligining g‘avvos-qutqaruvchilari, respublika hududida joylashgan suv havzalarida (suv omborlari, ko‘l, daryo, kanal, anhor, soy, sun’iy suv havzalari va gidroinshootlar atroflarida) sodir bo‘lishi mumkin bo‘lgan baxtsiz hodisalarda qidiruv-qutqaruv ishlarini olib borishda g‘avvoslik - sho‘ng‘ish ishlariga rahbarlik qilish hamda olib borish bo‘yicha tegishli ruxsatga ega bo‘lgan, suvga sho‘ng‘ish bo‘yicha chuqurliklar meyori belgilangan, maxsus zamonaviy havo nafas olish ballonlarida siqilgan havo yordamida shuningdek, maxsus asbob-anjom va sho‘ng‘ishlarni ta’minlovchi vositalar bilan jihozlangan mutaxassislari tomonidan g‘avvoslik ishlari 60 metrgacha bo‘lgan chuqurliklarda tashkil etishadi [5].

G‘avvosning ish faoliyatidagi birgina kichkina xatosi, o‘zining hayot faoliyatiga salbiy ta’sir ko‘rsatibgina qolmay, uni o‘limga ham olib kelishi mumkin. Bunday vaziyatlarda birgina g‘avvosni o‘ziga bog‘liq bo‘lmagan xavflar ham yuzaga kelishi yoki uning ish faoliyati va sog‘ligiga nojo‘ya ta’sir ko‘rsatishi mumkin. Bunga suvning yuqori bosimi, gaz aralashmalarining ta’siri, sho‘ng‘ish chuqurligi, suvning harorati, suv oqimining tezligi, asbob-anjomlarning holati va shu kabi bir qator ta’sirlarni misol tariqasida keltirsa bo‘ladi.

**G‘avvoslik ishi** - insonning g‘avvoslik asbob-anjomlari bilan suv ostiga

sho‘ng‘ishi bilan bog‘liq har-xil yo‘nalishlarni o‘z ichiga olgan ilmiy-texnik va amaliy harakatlari majmui.

**G‘avvos** - g‘avvoslik asbob-anjomlari yordamida suv ostida o‘rnatilgan tartibda belgilangan g‘avvoslik sho‘ng‘ishini amalga oshiruvchi mutaxassis.

*G‘avvoslik sho‘ng‘ish chuqurliklari:*

Kichik chuqurlikdagi g‘avvoslik tushishi - 20 metrgacha;

O‘rta chuqurlikdagi g‘avvoslik tushishi - 20 metrdan 60 metrgacha;

O‘ta chuqurlikdagi g‘avvoslik tushishi - 60 metrdan yuqori.

G‘avvoslik ishlari va sho‘ng‘ishlarini tashkil etish bo‘yicha ham bir qator o‘zining talablari mavjud bo‘lib, ushbu talablar ichki idoraviy xujjat bilan tasdiqlanadi [5].

*G‘avvoslik ishlarini tashkil etish bo‘yicha umumiy talablar:*

g‘avvoslarga ega bo‘lgan tashkilotning g‘avvoslari necha metr chuqurliklargacha (20, 30, 40, 50, 60 va h.k.z.) g‘avvoslik ishlarini bajara olishi to‘g‘risidagi tasdiqlangan Qoida, Yo‘riqnoma, Nizom va h.k.z. bo‘lishi;

g‘avvoslik ishlari rahbarining bilimi, ko‘nikmasi va tajribasi hamda ichki idoraviy buyruq bilan G‘IR vazifasi yuklatilgan bo‘lishi;

g‘avvoslar tomonidan olib boriladigan g‘avvoslik ishlarining turlari (qidiruv-qutqaruv, suv osti portlatish, suv osti texnik ishlar va h.k.z);

g‘avvoslik ishi bilan bog‘liq bo‘lgan maxsus texnika, asbob-anjom va vositalar bilan ta’minlanganligi (barokamera, suv osti kamerasi, HNOA, GKlar va h.k.z);

g‘avvoslik ishining tibbiy ta’minoti;

g‘avvoslik ishlari olib borilishi mumkin yoki olib boriladigan hududning xaritasi yoki pasporti (suv havzasining uzunligi, eni, suv hajmi, oqim tezligi, chuqurligi, suv ostining relyefi-grunti, suv ostidan o‘tgan kommunikatsiyalar).

*G‘avvoslik sho‘ng‘ishlarini tashkil etish bo‘yicha umumiy talablar:*

g‘avvoslar tarkibi har yilning boshida chuqurlashtirilgan tibbiy ko‘rikdan o‘tishi, g‘avvoslar tashkilotning “G‘avvoslarning kasbiy malakasini tasdiqlash komissiyasi”ga nazariy va amaliy imtihonlar topshirishi kerak;

tashkilot rahbarining buyrug‘i bilan G‘IR, SHIR, ishchi, ta’minlovchi va himoyani ta’minlovchi g‘avvoslar va ularning chuqurlik meyorlari belgilab berilishi zarur;

g‘avvoslik ishlari va sho‘ng‘ishlar joyi o‘ralgan bo‘lishi kerak (tashqaridan hech Kim halaqit bermasligi uchun);

g‘avvoslik ishlariga jalb etilayotgan shaxslarni ish texnologiyasi va xavfsizlik talablarini bajarish yuzasidan yo‘riqnoma o‘tkazish;

g‘avvoslik sho‘ng‘ishlari va ishlarini bajarish davomida tibbiy ta’minotni ta’minlash;

g‘avvoslik ishlarini turiga qarab ularni bajaruvchi xodimlarga (malakasi, tushish chuqurligi va tajribasidan kelib chiqib) to‘g‘ri taqsimlash, signallarni tanlash;

moddiy-texnik ta’minotni ta’minlash (qulay sharoit, mehnat qilish, dam olish, ovqatlanish rejimi);

g‘avvoslik asbob-anjomlaridan maqsadli foydalanish:

g‘avvoslarning funksiyalarini o‘z vaqtida almashtirish (IG‘/TG‘/HTG‘);

amalga oshirilgan ishlarni hujjatlashtirish [6].

Suv bilan bog‘liq favqulodda vaziyatlar hamda baxtsiz xodisalar tahliliga nazar tashlaydigan bo‘lsak, 2023 yil mobaynida jami 165 nafar fuqarolarning cho‘kishlari bilan bog‘liq baxtsiz holatlarga chiqishlar amalga oshirilgan. Bulardan 56 nafari cho‘milib cho‘kish, 33 nafari cho‘kkanlikda gumon, 37 nafari ehtiyotsizlik, 4 nafari o‘z joniga qasd qilish hamda 35 nafari aholi va IIOning chaqiruviga asosan, suv havzalaridan olib chiqib berilganlarga to‘g‘ri keladi. Eng achinarlisi ushbu cho‘kishlarning 75 nafari voyaga yetmaganlar to‘g‘ri keladi.

**G‘IRning voqea joyidagi amalga oshirishi kerak bo‘lgan tadbirlari:**

- mahalla raisi, uchastka noziri, voqea guvohlari va shu hududda yashovchi aholi bilan surishtirish ishlarini olib borish;

- suv havzasini tekshirish va dalolatnoma tuzish, tekshiruv davomida quyidagilarga e’tibor qaratish kerak - g‘avvos tushadigan chuqurlik, suvning oqim tezligi, suv ostining ko‘rinish masofasi, to‘lqin, havo harorati, atmosfera bosimi, suv harorati va g‘avvosga xavf keltiradigan omillar (temir, to‘nka, to‘r va h.k.z.);

- zarurat bo‘lsa, tegishli xizmat vakillari bilan hamkorlikda ish olib borish (gidromet, suv boshqarmasi, IIB, tez tibbiy yordam va b.);

- moddiy-texnik ta’minotni, qulay yashash sharoitini, mehnat qilish, dam olish, ovqatlanish rejimini ta’minlash;

- amalga oshirilgan ishlarni hujjatlashtirish.

***Sho‘ng‘ish ishlari rahbarining voqea joyidagi harakatlari:***

- voqea joyini kuzatish-razvedka ishlarini tashkil etish;

- sharoitdan kelib chiqib ishchi yo‘riqnomasini o‘tkazib, savol-javob yo‘li bilan xodimlarni o‘z vazifalarini to‘g‘ri tushunganligiga, vazifani bajara olishiga va xavfsizlik talablariga rioya etishiga ishonch hosil qilish;

- G‘AAni ishchi tekshiruvdan o‘tkazishini shaxsan nazorat qilish;

- himoyani ta’minlovchi g‘avvosning tayyor bo‘lish holatini taminlash;

- g‘avvoslik jurnalining to‘g‘ri to‘ldirilayotganligini tekshirish;

- sho‘ng‘ishda qatnashayotgan g‘avvoslarni va ta’minlash ishlarini olib borayotgan xodimlarning harakatlarini boshqarish va nazorat qilib turish;

- suv tagida avariya holatlari yuzaga kelganda, sharoit yomonlashganda aniq va tez harakatlar bilan xavf-xatarlarni bartaraf etish choralarini amalga oshirish.

**G‘avvoslarni suvga sho‘ng‘ish tartibi:**

Sog‘ligidagi keskin salbiy o‘zgarishlarning oldini olish maqsadida, suvga tez tushmaslik (quloq va burun bo‘shliqlarida o‘zgarishlarni sezsa to‘xtash), produvka qilish kerak. Ijobiy o‘zgarishlar bo‘lmasa 2-3 metrga yuqoriga (orqaga) chiqib produvkani qayta qilish zarur. Shunda ham o‘zgarishlar bo‘lmasa, butunlay suvdan chiqib ketish va tibbiy xodimga murojaat qilish zarur. Suv ostidan (chuqurlikdan) ko‘tarilish davrida shoshmasdan tezligi daqiqasiga 8 metrdan oshmagan holda yoki g‘avvosdan chiqadigan havo pufakchalaridan tez holatda chiqmasligi (oshib ketmaslik) hamda nafas olishni to‘xtatmasdan - qisqa nafas olib, ko‘p havo chiqarish rejimi qo‘llaniladi [5].

**G‘avvos-qutqaruvchining bir kunda suvga sho‘ng‘ishi quyidagilardan oshmasligi kerak**:

1. 6 metr chuqurlikgacha - 8 marotaba sho‘ng‘ish;
2. 6-12 metr chuqurlikgacha - 6 marotaba sho‘ng‘ish;
3. 12-40 metr chuqurlikgacha - 4 marotaba sho‘ng‘ish;
4. 20-60 metr chuqurlikgacha - 2 marotaba sho‘ng‘ish;
5. 60 metrdan chuqurlikga - 1 marotaba sho‘ng‘ish.

**G‘avvoslik - sho‘ng‘ish ishlarida ishtirok etadiganlar:**

G‘avvoslik ishlari rahbari – G‘IR.
Sho‘ng‘ish ishlari rahbari – SHIR.
Tibbiyot xodimi ki feldsher.
Ishchi g‘avvos – IG‘.
Ta’minolovchi g‘avvos – TG‘.
Himoyani ta’minlovchi g‘avvos - HTG‘.

**Ta’qiqlanadi:**

1. G‘avvoslarga tibbiy komissiya va “G‘avvoslarni malakasini tasdiqlash komissiyasi” tomonidan belgilangan chuqurliklardan oshig‘iga suvga tushish.
2. Tibbiy ko‘rikdan o‘tmasdan suvga tushish.
3. Himoya - aloqa arqonisiz suv ostiga tushish.
4. Ishchi tekshiruvni o‘tkazmasdan ishchi g‘avvosning suvga tushishi.
5. G‘AAlaridan faqat mo‘ljallangan ishlarda foydalanish.
6. G‘avvoslik pichog‘isiz suvga tushish.
7. Havo nafas olish balonlariga havo berayotganda kompressorni chang, tutun kimyoviy vositalar yoki mashina tutuni bor joyda qo‘yish.
8. Suv oqimining tezligi 2 m/s dan oshsa g‘avvoslik ishlarini olib borish.
9. Tibbiy xodim tomonidan tekshiruv davrida sog‘liq bilan muammolar bo‘lsa (qon bosimi, tana harorati .....) [5].

Yuqoridagilardan kelib chiqib, xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, keltirilgan talablarni ijrosini ta’minlash orqali g‘avvoslarni keng qamrovli vazifalarni bajarish bo‘yicha quyidagilar taklif etiladi:

- g‘avvoslik faoliyati bilan bog‘liq bo‘lgan tashkilotlarda asosiy hujjatlardan biri bo‘lgan “G‘avvoslik ishlarini tashkil etish bo‘yicha Qoida”ni ishlab chiqish va tasdiqlash;
- g‘avvoslarni jamlashda jismonan sog‘lom, mustaqil fikr yurita oladiganlarga e’tibor berish;
- g‘avvoslar ma’suliyatini oshirish va tegishli rahbarlar tomonidan mazkur faoliyat bo‘yicha tadbirlar asosiy o‘rindagi ish sifatida nazorat qilish;
- g‘avvoslarning tayyorligini ta’minlash maqsadida, ular bilan faqat yoz oylarida emas, balki qish mavsumida ham o‘quv sho‘ng‘ishlarini tashkil etish;
- g‘avvoslik ishlarida tibbiyot xodimlarining mas’uliyatini oshirish;
- vazirlik va idoralar o‘rtasida o‘zaro hamkorlikni takomillashtirish maqsadida, qo‘shma o‘quv mashg‘ulotlarini tizimli ravishda tashkil etish.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. O‘zbekiston Respublikasining “Qutqaruv xizmati va qutqaruvchi maqomi to‘g‘risida”gi Qonuni.
2. Favqulodda vaziyatlar vazirining “G‘avvoslik ishlarida mehnat xavfsizligi

qoidalarini tasdiqlash va amalga kiritish to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2010 yil 5 yanvardagi “Qutqaruv xizmatlari va qutqaruv tuzilmalarini favqulodda vaziyatlarni bartaraf etishda qutqaruv ishlarini amalga oshirishga jalb qilish tartibi to‘g‘risida”gi 2-sonli Qarori.

4. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014 yil 9 iyuldagi “Qutqaruv xizmati va qutqaruvchi maqomi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Qonunini amalga oshirish chora-tadbirlari haqida”gi 184-sonli Qarori.

5. «Методические указания руководителям территориальных управлений и структурных подразделений по организации водолазных работ» утвержденным приказом Министра по чрезвычайним ситуациям РУз.

6. Favqulodda vaziyatlar vazirining “Favqulodda vaziyatlar vazirligi g‘avvoslarni shahodatlash komissiyasining Nizomini tasdiqlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i.

7. Алешина С.И. “Спасатель”. Москва, 2007, стр 224-229.

8. Долин П.А. “Ликвидация ЧС”. Москва, 2008, стр 104.

**Yuldasheva N. Z. -** Lecturer at the SamIES, Department of Economic Analysis and Statistics yuldashevan04@gmail.com +998974067458

**Umirkulova Sh. U.** - fourth-year student of group HRM 221, Sam IES shakhnozaulugmuradovna@gmail.com +998940560990

## PROJECT-BASED LEARNING AS A WAY TO DEVELOP PRACTICAL SKILLS

**Abstract:** In this article, we will explore how project-based learning (PBL) contributes to the development of practical skills among students. Modern educational systems are increasingly adopting this approach because it enables students not only to absorb theoretical knowledge but also to apply it in real-world contexts.

**Аннотация:** В данной статье мы рассмотрим, как проектное обучение (PBL) способствует развитию практических навыков у студентов. Современные образовательные системы все чаще принимают этот подход, поскольку он позволяет студентам не только усваивать теоретические знания, но и применять их в реальных контекстах.

**Аннотация:** Ушбу мақолада биз лойиҳа асосидаги таълим (PBL) талабаларда амалий кўникмаларни ривожлантиришга қандай ёрдам беришига эътибор қаратамиз. Замонавий таълим тизимлари бу усулни бундан кейин кўпроқ қабул қилиб олишмоқда, чунки у талабаларга фақат назарий билимларни ўзлаштиришга эмас, балки уларни ҳақиқий контекстларда қўллашга имкон беради.

**Key words:** project-based learning, student-Centered Learning, collaboration, reflection, public product, critical skills.

**Ключевые слова:** проектное обучение, ориентированное на студента

обучение, сотрудничество, рефлексия, публичный продукт, критические навыки.

**Калит сўзлар:** лойиҳа таълими, студентга йўналтирилган таълим, ҳамкорлик, рефлексия, жамоат маҳсулоти, мухим кўникмалар.

**Introduction**

The arrival of the 21st century has seen massive change and rapid development, especially in fields like information technology where fresh programming languages are being created almost as fast eclipses. To this end traditional education does not hold well; it falls short to provide learners with any practical experience or expertise on which they can use both hands in their future jobs. Growing demand for professionals with hands-on practice as well the critical thinker ability in various industries has made project-based learning an effective way to reconciliation theory and application. This technique nearly guarantees that students learn more than the academic concepts, it also encourages creativity and open-mindedness which are paired with skills in areas having to do with collaboration and organization as well. This series of articles will serve as an introduction to the core principles of project based learning, its benefits and successful implementations. We will also talk about how just a different point of view on education is going to change the landscape which we currently have AND what this means for our students in terms when it comes to facing challenges tomorrow.

Main part starts from Project-based learning (PBL) is based on the principle that students actively learn their skills in an applied and practical manner by completing real-world projects. PBL encompasses the following key principles.

1. Real-World Application: Projects must address real-world problems or issues ensuring that the students' learning experience is relevant and useful. Real-World Application implies making education relevant to the everyday situations and troubles of the people. While working on those designs and projects, students understand where their studies can be applied in real life. This renders learning more relevant and communicates to the learner the sense of why what they are learning is important. It inspires learners to address real issues in a more critical and creative manner, making their learning experiences more real-world and practical which they enjoy.

2. Student-Centered Learning: This is probably the most effective approach where focus is directed to students and their needs, preferences, and learning styles. Students no longer have to be passive if the teacher does not just lecture. They engage themselves in their studies in various ways. They complete a variety of assignments, encourage inquiry, and interact with others. This approach enables students to become deeper thinkers, become problem solvers, and in a more broader sense, take charge of their education, which translates into improvements in the quality of learning for both the individual and the entire class. In PBL, learners are in charge of the learner. They are expected to explore, seek answers, and make choices while being involved in a project.

3. Collaboration: As a group, there are collaborative efforts made toward a specific objective. It consists of exchanging opinions, knowledge, and experience to

tackle problems and perform various functions. In a cooperative setting, people participate and keep information to herself which can enhance the output and bring out more creative ideas. It is a matter of working together and assisting one another in achieving goals. PBL is commonly project based in nature, where students work within a team of classmates bouncing ideas off one another and teaching each other to create a sense of community and shared responsibility.

4. Reflection: Reflection can be described as encapsulation of thoughts about one's experiences, feelings and actions. It puts you in a situation where one is able to evaluate their strengths and weaknesses as well as what knowledge they have gained from a certain experience. In Witnessing from Theory, witness speaking out allows for better contemplation and deliberation and aids in one's development so decision-making in future situations is easier. It is similar to pressing pause and asking how everything went and what the reasons behind those events were. For one's span of learning to be effective, consistency in assessment is important. Students reflect on their achievements, review their successful and negative aspects, and seek to enhance their performance on similar assignments in the future.

5. Public Product: It is quite common to consider the concluding phase of a project involving the submission of a specific item to the audience outside the classroom, thus incurring responsibility and fostering commitment to quality work. It is therefore put into sharper focus what a public product is, a classroom project which has an audience in addition to the teacher and fellow students. This may include, but is not limited to, a presentation, a written work, a recording, or an event. The aim is to take students' work to a different level that encapsulates what they have been taught during the period and also helps in practice. When students produce their work outside of the classroom, the scope of the audience becomes wider, which does not only stimulate them but makes them understand the significance of the task.

They are able to engage a larger audience and receive responses that can encourage them as well as show them the effects of their work.

Educational contexts for PBL are plenty, among them are the following:

• Improved Motivation: students are more motivated to learn because they work on projects that they find appealing.

• Development of Key Competences: PBL fosters key competences such as: critical thinking, creativity, communication and collaboration, the competences that are greatly appreciated on the labour market.

• Improved Academic achievement: Students get better academic performance as they gain more practical knowledge and experience.

• Skills for Real life: There is an acquisition by students of skills to deal with complex and multifaceted issues, thus laying a foundation to the real life as well as their future careers.

Successful Implementation Examples

There are cases of some institutions that were able to integrate PBL in their systems:

• The High Tech High in San Diego California is widely known for its project-based philosophy in which students collaborate on STEAM-centered themes across multiple subjects.

• A framework for PBL has been developed by the Buck Institute for Education, which offers resources and training so that teachers can incorporate effective project-based learning experiences in their classrooms.

• Montessori Schools use project-based learning where students can delve into subjects that interest them through hands-on activities and research, with a focus on independent and self-led learning.

Transforming the Educational Landscape

• Project-based learning can transform education. Our students as learners become engaged and prepared to thrive in a complex, ever-changing world by experiencing real-world problems they are passionate about, taking ownership of their work, and connecting their learning.

• Project-based learning can revolutionize education. By inverting the focus from memorization to authentic learning, as educators adopt this practice, they will create student engagement and empowerment while modeling and fostering deep learning for our students in a world that is dynamic and complex.

Conclusions and further research prospects:

1. Development of Practical Skills: Project-based learning changes the game when it comes to students' practical skills which in addition to critical thinking/ analytical skills, problem solving skills/ ability to work out solutions, team working skills and communication. These skills are getting more importance in the job market of today.

1. Deeper Understanding of Subjects: Projects help students to understand theoretical concepts better by implementing them in practical scenarios.

2. Increased Motivation and Engagement: Project-based learning increases student motivation because it gives students a purpose, as well as ownership and control over their own learning

3. Fostering Independence: Students learn to plan their work, set goals, and evaluate outcomes. Students become self-directed learners who seek out multiple perspectives to solve problems and meet the needs of diverse audiences.

Future Research Perspective:

1. Long-term Impact Studies: Future work should look into the long-term effects of project-based learning on the professional career of graduates and how skills acquired in this experience can impact professional advancement.

2. Integration of Technology: It is important to find the ways in which today's technological advancements can support PBL. This covers learning about cooperation and knowledge sharing among learners through technology based systems.

3. Adaptation to Diverse Educational Contexts: Research on project-based learning in different educational systems and cultures can help to find out effective methods and apply it into the local situation.

4. Effectiveness evaluation: We need new assessment methods for project-based learning effects. We should not only assess the final products but also the cooperation and individual contributions in the whole process of the project.

5. Industry Collaboration: Identifying potential for partnership between educational institutions and industries to work on more real time projects which can help students gain experience on how things work in real life.

These research directions to be able to contribute for further development of project based learning as an effective method in order to prepare professionals which cope with challenges of the modern world.

In summary, project-based learning helps educational institutions to build innovation, critical thinking and collaboration-—based environment which are the vital competencies needed for 21st century. In the era of technology and innovation it become more important than ever to constantly search and adopt the learning practices where students become protagonist of their own learning.

**References:**

1. Drain M. (2010). Justification of the dual-phase project-based pedagogical approach in a primary school technology unit. Design and Technology Education.

2. Hassan H., Domínguez C., Martínez J.-M., Perles A., Albaladejo J., Capella J.-V. (2008). Integrated multicourse project-based learning in electronic engineering. International Journal of Engineering Education.

3. Jollands, M., Jolly, L., & Molyneaux, T. (2012). Project-based learning as a contributing factor to graduates' work readiness. European Journal of Engineering Education.

4. Krauss, J., & Boss, S. (2013). Thinking through project based learning: Guiding deeper inquiry. Thousand Oaks, CA: Corwin.

5. Zhang, K., Peng, S. W., & Hung, J. (2009). Online collaborative learning in a project-based learning environment in Taiwan: A case study on undergraduate students' perspectives. Educational Media International.

6. Kean, A. C., & Kwe, N.M. (2014). Meaningful Learning in The Teaching of Culture: The Project Based Learning Approach. Journal Of Education and Training Studies.

7. Cuevas P., Lee O., Hart J., Deaktor R. (2005). Improving science inquiry with elementary students of diverse backgrounds. Journal of Research in Science Teaching.

**Xoliqova Matluba Mardon qizi -** O‘zbekiston-Finlandiya pedagogika instituti Maktabgacha va boshlang‘ich ta’lim fakulteti, Boshlang‘ich ta’lim kafedrasi assistenti, xoliqovamatluba5@gmail.com, tel raqam: +99899773-36-01

## BOSHLANG‘ICH TA’LIMDA O‘QITISHNI KOMMUNIKATIVLIK ASOSIDA TASHKIL ETISHNING MUHIM VA AHAMIYATLILIGI

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada boshlang‘ich ta’limda o‘qitishni kommunikativlik asosida tashkil etishning muhim va ahamiyatliligi hamda

boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining nutq madaniyati shakllanishida kommunikativlikning o‘rni haqidagi fikrlar to‘g‘risida so‘z yuritiladi.

**Kalit so‘zlar:** boshlang‘ich ta’lim, kommunikativlik, o‘qituvchi, nutq, ona tili.

**Аннотация:** В данной статье говорится о важности и значимости организации обучения в начальной школе на основе коммуникативности, а также высказываются мнения о роли коммуникативности в формировании речевой культуры младших школьников.

**Ключевые слова**: начальное образование, общение, учитель, речь, родной язык.

**Annotation:** This article talks about the importance and importance of organizing teaching in primary education on the basis of communicativeness, as well as opinions about the role of communicativeness in the formation of speech culture of primary school students.

**Key words:** primary education, communication, teacher, speech, mother tongue.

Ta’lim insoniyat tajribasining ma’lum tomonlarini, ya’ni o‘quvchilar ijtimoiy taraqqiyotining hozirgi talablariga muvofiq darajada bilim va tarbiyaga ega bo‘lishlarini ta’minlaydigan faoliyatdir. O‘qituvchi ta’lim jarayonida faqat bilim berish bilan chegaralanmaydi, balki bu jarayonda o‘quvchiga ta’sir ko‘rsatadi, bu esa ularning bilim olishlarini yanada faollashtiradi, natijada o‘quvchi ta’lim jarayonining faol ishtirokchisiga aylanadi.

O‘qituvchining eng muhim sifatlaridan biri uning o‘quvchilar bilan o‘zaro hamkorlikda ta’lim-tarbiyaviy faoliyatni samarali tashkil qilishi, ular bilan qizg‘in muloqot qila olishi va ularga jonkuyar, mehribon rahbar bo‘lishidir. Pedagogik-psixologik yo‘nalishlarda olib borilayotgan ilmiy-tadqiqot ishlarida, o‘qituvchilarning sermahsul pedagogik faoliyatni amalga oshirishlari uchun zarur bo‘lgan kommunikativ qobiliyati to‘g‘risida ko‘plab fikr va mulohazalar yuritilgan [1].

O‘qituvchi o‘z kasbiga qiziqmasa, o‘quvchilarga nisbatan mehr-muhabbat bo‘lmasa, ular bilan qizg‘in muloqot qila olish qobiliyati, ya’ni kommunikativ xususiyatlari rivojlanmaydi.

Maktab ta’limi jarayoni bugungi kunda birinchi navbatda kommunikativ yondashuv xususiyatlarini o‘zida aks ettirmog‘i darkor. Kommunikativ yondashuvga ko‘ra nutq muayyan maqsadni ro‘yobga chiqarish, kimgadir axborot berib, kimdandir axborot olish, kim bilandir fikr almashish asosida harakatga keltiriladi. Buning uchun yoshlar nutq o‘stirish mashqlari mobaynida muloqot madaniyatini o‘zlashtirishlari, suhbatdoshiga ta’sir ko‘rsatish layoqatini egallashlari lozim. Shuningdek, ushbu yondashuvning talabiga ko‘ra, maktab o‘quvchilari ona tilini muomala-aralashuv taqozo etadigan, axborot olish ehtiyoji talab qiladigan darajada o‘rganishi va egallashi zarur [2].

O‘quvchilar nutqini o‘stirish boshqa o‘quv predmetlaridan o‘tkaziladigan mashg‘ulotlar bilan ham uzviy ravishda bog‘lanadi.

O‘quvchilarda fikrlash jarayonini to‘g‘ri yo‘lga solish uchun amaliyot har qanday bilishning negizidir, degan qoidani hisobga olish zarur. Ta’limda o‘qituvchi

bilim berish bilan cheklanmaydi, u o‘quvchilarning fikrlash faoliyatiga ham rahbarlik qiladi, o‘quvchilarda ishdagi mustaqillik, ijodkorlik qobiliyatlarini o‘stiradi va shu tariqa o‘rganilayotgan narsaning ongli ravishda o‘zlashtirib olishga erishiladi, materialni idrok qilishlari va tushunib olishlari bilan birga, uni puxta esda saqlab qolishlari to‘g‘risida ham g‘amxo‘rlik qiladi [3].

Til ko‘nikmalarini samarali va tez shakllantirish maqsadida kommunikativ yondashish usuli og‘zaki va yozma nutq ko‘nikmalarini rivojlantirshda juda muhim rol o‘ynaydi.

Kichik yoshdagi o‘quvchilarning nutqini takomillashtirish ustida ishlash nafaqat fikrni (og‘zaki va yozma shaklda) ifodalash, balki ularni qabul qilishni ham nazarda tutadi. O‘quvchilarga maxsus kommunikativ mashqlarni bajartirish ham nutq faoliyatini to‘g‘ri tashkil etishga yordam beradi. Ya’ni, o‘quvchi ma’lumotni shunchaki qabul qilmasin yoki o‘qituvchining topshirig‘i bilan qayta hikoyalamasin. Bunday mashqlar nutq faolligi ta’minlashga yo‘naltiradigan, fikr aytishga talablar qo‘yadigan vaziyatlarni yaratishga xizmat qilishi lozimligi ham nazarda tutilishi maqsadga muvofiqdir [4].

Real hayotda odam o‘z nutqini ma’lum shart-sharoitda kimgadir yo‘naltiradi. Bu har qanday ruhan sog‘lom odam uchun tabiiy hol. Shuning uchun dars jarayonida ham bolalarning nutqiy muloqotga kirishish ehtiyojining tabiiy shart-sharoitlarini yaratish muhim ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kun talablaridan kelib chiqadigan bo‘lsak, til ko‘nikmalarini shakllantirishda an’anaviy yondashuv u yoki bu jihatlari bilan, yoki bir tomonlamaligi bilan o‘quv jarayonining barcha ehtiyojlarini qondira olmay qoldi, natijada olimlar yangi, zamonaviy, katta samara beradigan ilg‘or uslublarni ishlab chiqish haqida bosh qotirib, ma’lum darajada o‘qitish uslubiyati nazariyasiga yangilik kiritishga muvaffaq bo‘ldilar, natijada bugungi kunda jahon miqyosida keng qo‘llanilayotgan kommunikativ metod yaratildi.

Til ko‘nikmalarini shakllantirishda muloqotning o‘rni juda ham ahamiyatli. Bir vaqtning o‘zida eshitish, yozish, o‘qish va ayniqsa gapirish ko‘nikmalarini barobar shakllantirish uchun kommunikativ yondashuv asosida xorijiy tilni o‘zlashtirish, an’anaviy usulga qaraganda ancha tezroq samara beradi. Masalan, eng muhim hisoblangan kommunikativlik qobiliyati va ko‘nikmalarini rivojlantirishda, o‘rganuvchilar o‘rtasidagi hissiy bog‘liqliklarni amalga oshirishga yordam beradi, tarbiyaviy ahamiyatga ham ega bo‘lib, ulardagi muammolarni yechishga yordam beradi [5].

Ta’limning asosiy maqsadi o‘quvchilarga til haqida ma’lum bilimlar to‘plamini berish emas, balki ularni muloqot qilish uchun tildan gavdalanishga o‘rgatishdir. Tinglash va gapirish asosiy ko‘nikmalar hisoblanadi. Chunki ular nutq jarayonida fikr almashishga va fikrni yetkazib berishda qo‘llaniladi.

Ona tilida bolalar juda tabiiy holda tinglashadi va gapirishadi. Chunki atrofdagi insonlar ular bilan o‘zlarining ona tilisida muloqot qilishni ma’qul ko‘rishadi. Ammo ikkinchi tilda muloqot qilishga kelganda, ular fikrlarini bayon etishga qiynalishadi. Bunday muammolar, albatta, ikkinchi tilda kam muloqot mahorati shakllanganidan darak beradi [6].

Muloqot jarayonida o‘qituvchi qisqa muddatda o‘zining psixologik

bilimlariga tayanib o‘quvchilarning psixik xususiyatlarini mukammal bilishga harakat qilishi lozim. Hozirgi zamon ta’limi oldida turgan asosiy maqsad, o‘quvchi shaxsini bililmlar bilan qurollantirish emas, balki ularni fikr yuritish faoliyatiga o‘rgatishdan iborat.

Xulosa o‘rnida shuni aytishimiz mumkinki, bugungi kunda ta’lim tizimida o‘qitish usullarini kommunikativlik asosida tashkil qilish yuqori natijalarga erishishda katta yordam beradi. Kommunikativlik asosida o‘qitishdan maqsad o‘quvchilar bilan do‘stona munosabatni ro‘yobga chiqarishdir. Do‘stona kommunikativlik o‘qituvchi bilan o‘quvchi orasidagi bilimlarni puxta o‘zlashtirishni ta’minlaydi va mukammal shaxsiy fazilatlarni tarkib toptirishga xizmat qiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**


1. A.Xoliqov Pedagogik mahorat. O‘zbekiston Respublikasi Oliy va o‘rta maxsus ta’lim vazirligi tomonidan 5140800 “Pedagogika va psixologiya ta’lim yo‘nalishi” ning bakalavr talabalari uchun darslik sifatida etilgan. “Tafakkur-bo‘stoni” Toshkent 2011. B.79.
2. F.Rasulova Qashqadaryo viloyati Shahrisabz tumani 83-maktab ona tili va adabiyot fani o‘qituvchisi. “Ona tili darslarini tashkil etishda kommunikativ yondashuv”. Ustozlar uchun www.pedagoglar.uz 44-son 5-to‘plam may 2023. B.258.
3. X.Ibraimov., M.Quronov Umumiy pedagogika darslik. Sahhof 2023. B. 158.
4. Q.Husanboyeva., M.Hazratqulov va b. “Boshlang‘ich sinflarda adabiyot o‘qitish metodikasi”. Oliy o‘quv yurtining pedagogika fakultetlari (boshlang‘ich sinf o‘qituvchilari) talabalari uchun darslik. Toshkent “Innovatsiya-Ziyo” 2020. B.345.
5. Sh.N Sayidova BuxDU Xorijiy tillar fakulteti Gumanitar yo‘nalishlarda chet tillar kafedrasi o‘qituvchisi https://doi.org/10.5281/zenodo.6635953. “Til ko‘nikmalarini shakllantirishda kommunikativ yondashuvning o‘rni”. “Zamonaviy dunyoda ijtimoiy fanlar: nazariy va amaliy izlanishlar” nomli ilmiy, masofaviy, onlayn konferensiya. B.164-165.
6. M.M. Xoliqova “Boshlang‘ich ta’limda kommunikativ yondashuv asosida o‘qitish usullarini takomillashtirish metodikasi (Ona tili darslari misolida). Procedings of International Educators Conference 2024. 25 th September, B.190.



**Ашурова Зулхумор Шодиевна -** СамИСИ “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси доц.в.б., PhD


## ЗАМОНАВИЙ БОЛАЛАР ШЕЪРИЯТИДА ЎХШАТИШЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТИ


**Аннотация.** Мақолада, поэтик матн таркибида ўхшатишларнинг ўзига хос хусусиятлари, айниқса, болаларнинг дунёқарашини шакллантириш, оқ ва қоранинг фарқини ажратиш, уларда ҳар бир жараёнга ўз шахсий муносабатини уйғотишга жиддий тайёрлаш, мустақил фикрлаш малакасини намоён қилишга

доир жараёнларни шакллантиришга доир фикрлар акс эттирилган.

**Калит сўзлар:** ўхшатиш, семантик қонуниятлар, лингвопоэтик қонуниятлар.

**Аннотация.** В статье отражены особенности сравнений в поэтическом тексте, особенности формирования мировоззрения детей, различения различия между черным и белым, серьезной подготовки к пробуждению их личностного отношения к каждому процессу, формирования процессов проявления навыков самостоятельного мышления.

**Ключевые слова:** аналогия, семантические закономерности, лингвопоэтические закономерности.

**Abstract.** The article reflects the specific features of similes in the poetic text, especially the formation of children's worldview, distinguishing the difference between black and white, serious preparation for awakening their personal attitude to each process, and formation of processes for demonstrating independent thinking skills.

**Key words:** analogy, semantic regularities, linguopoetic regularities.

Истиқлол шарофати билан жамиятни ҳар томонлама ислоҳ қилишда бадиий адабиётнинг роли ҳам анча муҳим аҳамият касб этаётгани ижодкорлар асарлари тимсолида намоён бўлмоқда. Натижада, шахс руҳиятини тавсифий характерда очиб бериш, болалар нутқи, уларни ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб улғайишида бадиий адабиёт, хусусан, шеърият ҳам сезиларли даражада ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Бола тарбияси – нозик масалалардан бири саналади. Уларнинг тили ва тафаккур йўсинини шакллантириш ҳар бир давр учун муҳим ва долзарбдир. Кейинги йиллар болалар шеъриятида лингвопоэтик қонуниятлар тадқиқи борасида анча ишлар қилинган. Бироқ бу тадқиқотларнинг ҳеч бирида А.Обиджон, О.Дамин, Д.Ражаб асарлари таҳлилу тадқиқ қилинмаган.

Рус матншуноси А.А.Потебня семантик қонуниятларнинг тадқиқи билан шуғулланиб, ҳар бир сўзнинг учта қисмдан ташкил топишига мантиқий ўрғу беради: биринчидан, ташқи маъно белгиси, иккинчидан, тасаввур, яъни ички маъновий қатлам, учинчидан, маънонинг ўзи[1]. Демак, бу учта хусусият маъновий қирраларида акс эттирилган ўрнига қараб тасаввурга таъсир қилишига ҳам жиддий аҳамият беришга даъват қилинмоқда. Болалар шеъриятида учрайдиган – гул, *булбул*, образлари бор. Бу бирликларда ҳар бир сўзнинг ўз маъновий қатлами мавжуд. *Булбул* – хониш қилувчи қуш, *булбул* ошиқ, *булбул* – эрксевар қуш. Негаки, ҳар бир талқинда қушнинг ўз вазифавий аҳамияти акс эттирилгани юзага чикмоқда. *Гул ва булбул* образи – фарзанд, бола ўрнида ҳам маъно ташувчилик хусусияти борлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. А.Обиджоннинг кўпчилик шеърларида *гул* ва *булбул* образи орқали фарзанд, ўғил, болага сифат беришга урғу берилаётгани айни ҳақикатдир.

[1] Потебня А.А.. Из записок по теории словесности. – Харькоов. – Изд. Потебни, 1905. – с. 19-21.; Яна шу муаллиф: Эстетика и поэтика. – М.,1976. – с.614.

Д.Н.Шмелов поэтик матн яратишда – образли матнни тушуниш лозимлигини уқтиради. У кайд этишича: «Тил – бу нафақат инсонларнинг асосий алоқа воситаси, фикрларни шакллантириш, ҳис ва туйғу, истак, хоҳиш сингариларни ифодалаш воситаси, балки бадиий адабиёт образлари бурканадиган реал ташқи шакл саналади»[2]. Дарҳақиқат, олам ва одам муносабатларида – коммуникатив контакт вазифасини, уларга боғланишли қай бир жиҳат бўлса, тил ва тафаккур замирида юзага чиқиши белгилаб берилган.

Бадиий тил ва бадиий нутқ бир-бирини тўлдирадиган тушунчалар саналади. Чунки ҳар қандай объектив ва субъектив муносабат тилнинг ижтимоий ҳодиса эканлигини далолатлайди. Муайян бир ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳорати қай тариқа англамсиз борлиқни англатиш манераси билан ҳам ўлчанади.

Ҳеч шубҳасиз, шеърий нутқнинг оригиналлигини таъминлайдиган бирдан-бир воситалардан бири – ўхшатишдир. У шоир поэтик дунёсида ахборот ташувчи эмас, ўқувчи билимини, тасаввурини, дунёқарашини шакллантиришга хизмат ҳам қилади. Ўзбекистон халқ шоири А.Обиджон ижодига назар ташлар эканмиз, бунинг ёрқин тимсолини учратиш мумкин:

Чакалакда Сичқон
Бўлиб қолди султон.
Тўнғиз унга вазир,
Лашкарбоши – Қоплон.
Ясовули – Бўри,
Тулки хола – чўри.
Мушук эса, томда –
Тозаларди мўри[3].

Мазкур шеърий парчада – сичқоннинг султонга ўхшатилишида ажиб мутойиба мавжуд. Матнга эътибор берилса, сичқон бош сўз. Унинг султонга айланиши – болаларда бўлмаган нарсанинг содир бўлишига ишонтириш, уларнинг дунёқарашида «бўлиши мумкин» деган тушунчани киноявий-пародик усулда зоҳир қилишга йўналтирилган.

Тилшунос Г.Жуманазарова қайд этишича: *“Анъанавий ўхшатишлар* жонли – сўзлашув нутқимизда ҳам, тилимизнинг лексик қатламларида ҳам бўлгани каби анъанавий халқ достонлари тилида ҳам кўплаб учрайди. Лекин, шуниси муҳимки, анъанавий ўхшатиш эталони ўхшатиш асосини ифодалашда поэтик рамз даражасига кўтарилган бўлади”[4]. Дарҳақиқат, поэтик талқин атрибутида анъанавий ўхшатишлар кўплиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, шоир ижодий дунёсида – болалар тасаввурига мос ***ўхшатиш***ларни топиши, қўллаши лозим бўлади. Бу жиҳатдан талқин семаларда жозибадорликни юзага чиқаради.

Матншунос олим М.Йўлдошев таъкидалшича: “хусусий-муаллиф ўхшатишларини бадиий матнни шунчаки, безовчи, гўзаллаштирувчи восита

[2] Шмелов Д.Н. Слово и образ. –М.: Наука. 1964. –С.3.
[3] Анвар Обиджон. Кичкинтойлар қувончи. –Т., Ўзбекистон. 2019. –Б.145.
[4] Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси. –Т., А.Навоий номидаги Миллий кутубхона. –Б.169.

сифатидагина қараш тўғри бўлмайди. Маҳоратли ижодкор бундай ўхшатишларга бадиий-эстетик эҳтиёж зарурияти билан мурожаат қилади. Тасаввур қилиш қийин бўлган тушунчаларни конкретлаштириш, мавҳум тушунчаларни аниқлаштириш, нарса-ҳодиса, ҳаракат-ҳолатларнинг энг нозик жиҳатларини китобхон кўзи ўнгида гавдалантириш, тасвирни қуруқ эмас, балки қуюқ бўёқлар билан амалга оширишда ана шундай ўхшатишлар фавқулодда муҳим воситадир”[5]. Демак, шоир кутилмаган вазият, шароит, нуқтаи назар тақозоси билан ҳам ***ўхшатиш***ларга мойил бўлиши тайин. Ўхшатишларнинг мазкур хили А.Обиджон ижодида жуда кўплаб учрайди. Бир қарашда олма, тулки, бўри, сичқон, айиқ, қоплон, тоға, амаки, чол, қарға сингари номлардан ўхшатишларни шеърий тизмаларга шу қадар содда, тушунарли ва киноявий шаклда жойлай олганки, унинг моҳиятида – қўлингдан келмаган ишга аралашма деган маъновий қатлам англашилади:

Айиқ бўлсам
Бўрим бўл.
Ўчоқ бўлсам,
Мўрим бўл[6].

Мазкур шеърдаги сўзнинг марказий ўзаги – бола. У ўзини айиққа, ўчоққа ўхшатмоқда. Айиқ ва бўри образи ҳам ўзига хос тарзда жилваланади. Ўчоқ ва мўри шаклида эса буюм маъносида қўлланилади. Шеърий матнларда ўхшатишларнинг болаларни ҳайратга солиш энг бирламчи мақсад сифатида намойиш қилинади.

Топган – топалоқ,
Боши япалоқ.
Бойқушга ўхшаб
Кўзи шапалоқ[7].

Аввало, “оригиналлик, образлилик ва экспрессивлик ҳамиша устунлик қилади. Лекин, бундай ўхшатишлар ўзининг жозибадорлиги, ёрқинлиги, таъсирчанлиги ва кутилмаган (фавқулодда) далолати билан ҳар қандай ўқувчини ҳайратган солади”[8]. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, А.Обиджон кўп ҳолларда – ўхшатишларнинг фавқулодда, кутилмаган шаклига мурожаат қилади. У ҳис ва туйғу натижасида гўзал бир тарзда юзага чиқиши лозим. Чунки бола – қизиқувчанлиги, таъсирчалиги билан ҳаёт ва олам ҳақида тасаввур қилишга мойил бўлади. Бу жиҳат шеърий матн поэтик тадрижида анъанавийликдан кўра, фавқулодда таъсир майдонига эврилиши синалган ҳодисадир.

Умуман, поэтик матн таркибида ўхшатишлар жозибадорлик касб этиб, шеърдаги англатиш ва англаш хусусиятига ижобий таъсир кўрсатади. Айниқса. Болаларнинг дунёқарашини шакллантириш, оқ ва қоранинг фарқини ажратиш, уларда ҳар бир жараёнга ўз шахсий муносабатини уйғотишга

[5] Йўлдошев М.Чўлпон сўзининг сирлари. – Т.: Маънавият, 2002. – 60 б.
[6] Анвар Обиджон. Полосонлик полапонлар. –Т., Ўзбекистон. 2018. –Б. 15.
[7] Анвар Обиджон. Полосонлик полапонлар. –Т., Ўзбекистон. 2018. –Б. 14.
[8] Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси. –Т., А.Навоий номидаги Миллий кутубхона. –Б.171.

жиддий тайёрлаш, мустақил фикрлаш малакасини намоён қилишга замин яратади. А.Обиджоннинг “Полосонлик полапонлар” шеърий манзумаси бир-биридан фавқулодда фарқ қилувчи, турли хил масалаларга муносабат билдиришга ўргатувчи ўзига хос асарлардан бири эканлиги сир эмас. Унда замон ва макон масаласида – бола қалбидаги нозик сезимларга туртки бериш ишораси оргиналлик бағишлай олганлигида қабариб кўринади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Потебня А.А.. Из записок по теории словесности. – Харькоов. – Изд. Потебни, 1905. – с. 19-21.; Яна шу муаллиф: Эстетика и поэтика. – М.,1976. – с.614.

2. Шмелов Д.Н. Слово и образ. –М.: Наука. 1964. –С.3.

3. Анвар Обиджон. Кичкинтойлар қувончи. –Т., Ўзбекистон. 2019. – Б.145.

4. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси. –Т., А.Навоий номидаги Миллий кутубхона. –Б.169.

5. Йўлдошев М.Чўлпон сўзининг сирлари. – Т.: Маънавият, 2002. – 60 б.

6. Анвар Обиджон. Полосонлик полапонлар. –Т., Ўзбекистон. 2018. –Б. 15.

7. Анвар Обиджон. Полосонлик полапонлар. –Т., Ўзбекистон. 2018. –Б. 14.

8. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достонлари тилининг лингвопоэтикаси. –Т., А.Навоий номидаги Миллий кутубхона. –Б.171.

**Ахтамова Мохигул Эркиновна -** PhD, и/о доцент кафедры «Менеджмент» СамИЭС, mohigulahtamova8@gmail.com

**Аъзамов Самандар Чориевич –** студент группы МН-222, СамИЭС

## ИННОВАЦИИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЕ УЗБЕКИСТАНА: ПУТИ ИНТЕГРАЦИИ ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ И ЦИФРОВОЙ ГРАМОТНОСТИ

**Аннотация:** Статья посвящена исследованию возможностей интеграции экологической и цифровой грамотности в образовательную систему Узбекистана. В условиях глобальных вызовов, связанных с устойчивым развитием и цифровизацией, необходимо формировать у молодежи не только базовые знания в области экологии, но и способность эффективно использовать цифровые технологии для решения экологических проблем. В статье рассматриваются текущие инициативы и проекты в области экологического и цифрового образования в Узбекистане, анализируются преимущества и трудности интеграции этих направлений в школьные и вузовские программы. Особое внимание уделяется необходимости пересмотра образовательных стандартов, подготовке педагогов, а также созданию инновационной образовательной среды, способствующей развитию экологической и цифровой грамотности.

**Ключевые слова:** Экологическая грамотность, цифровая грамотность, образовательная система Узбекистана, инновации в образовании, устойчивое развитие, цифровизация образования, экологическое образовании, образовательные технологии, педагогическая подготовка, эко-технологии в образовании, стратегии устойчивого образования

**Annotatsiya:** Maqola ekologik va raqamli savodxonlikni O‘zbekiston ta’lim tizimiga integratsiya qilish imkoniyatlarini o‘rganishga bag‘ishlangan. Barqarorlik va raqamlashtirish bilan bog‘liq global muammolar sharoitida yoshlarda nafaqat ekologiya bo‘yicha asosiy bilimlarni, balki atrof-muhit muammolarini hal qilish uchun raqamli texnologiyalardan samarali foydalanish qobiliyatini shakllantirish zarur. Maqolada O‘zbekistonda ekologik va raqamli ta’lim sohasidagi joriy tashabbus va loyihalar ko‘rib chiqiladi, ushbu yo‘nalishlarni maktab va oliy o‘quv yurtlari dasturlariga integratsiyalashning afzalliklari va qiyinchiliklari tahlil qilinadi. Ta’lim standartlarini qayta ko‘rib chiqish, o‘qituvchilarni tayyorlash, shuningdek, ekologik va raqamli savodxonlikni rivojlantirishga ko‘maklashadigan innovatsion ta’lim muhitini yaratish zarurligiga alohida e'tibor qaratilmoqda.

**Kalit so‘zlar**: ekologik savodxonlik, raqamli savodxonlik, O‘zbekiston ta’lim tizimi, ta’lim sohasidagi innovatsiyalar, barqaror rivojlanish, ta’limni raqamlashtirish, ekologik ta’lim, ta’lim texnologiyalari, pedagogik tayyorgarlik, ta’limdagi ekologik texnologiyalar, barqaror ta’lim strategiyalari

**Annotation:** The article is devoted to the study of the possibilities of integrating environmental and digital literacy into the educational system of Uzbekistan. In the context of global challenges related to sustainable development and digitalization, it is necessary to form among young people not only basic knowledge in the field of ecology, but also the ability to effectively use digital technologies to solve environmental problems. The article examines current initiatives and projects in the field of environmental and digital education in Uzbekistan, analyzes the advantages and difficulties of integrating these areas into school and university programs. Special attention is paid to the need to revise educational standards, train teachers, and create an innovative educational environment conducive to the development of environmental and digital literacy.

**Keywords:** Environmental literacy, digital literacy, the educational system of Uzbekistan, innovations in education, sustainable development, digitalization of education, environmental education, educational technologies, pedagogical training, eco-technologies in education, strategies for sustainable education.

Современный мир сталкивается с неотложными проблемами: изменением климата, истощением ресурсов и стремительным развитием цифровых технологий. Ответ на эти вызовы требует кардинального обновления образовательных систем. Одним из важнейших аспектов образования в 21 веке становится интеграция экологической и цифровой грамотности. Узбекистан, стремясь к устойчивому развитию и цифровой трансформации, активно внедряет инновации в образование. Интеграция экологической и цифровой грамотности в учебный процесс становится ключевым направлением этой трансформации.

Концепция развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года представляет собой масштабный документ, направленный на модернизацию и совершенствование всей образовательной системы страны. Этот документ является отражением стремления Узбекистана к построению современного общества, основанного на знаниях и инновациях. Основнымы целями этой концепции является: повышения качества образования, обеспечение доступности образования, интеграция образования с рынком труда, цифровизация образования и т.д. Реализация концепции позволит стране повысить конкурентоспособность страны, ускорить социально-экономическое развитие, укрепить граждвнское общество.

Экологическая грамотность: основа устойчивого будущего

Экологическая грамотность - это способность понимать и решать экологические проблемы, связанные с рациональным использованием природных ресурсов и охраной окружающей среды. В условиях глобального экологического кризиса формирование экологического сознания у молодого поколения является приоритетной задачей.

В Узбекистане экологическое образование пока не занимает центральное место в школьных и вузовских программах. Однако в последние годы наблюдается активизация экологических инициатив. Программы по экологии вводятся в рамках образовательных стандартов, проводится обучение педагогов по вопросам устойчивого развития и защиты окружающей среды. Одним из успешных примеров является внедрение экопросвещения в школьные программы через курсы по охране природы, занятия по управлению водными ресурсами и экологическому проектированию.

Интеграция экологической грамотности в систему образования Узбекистана требует не только разработки новых учебных материалов, но и пересмотра подходов к обучению. Важно, чтобы образовательные стандарты предусматривали комплексный подход, который сочетал бы теорию и практику, а также давал бы учащимся возможность участвовать в реальных экологических проектах.

Цифровая грамотность как драйвер инноваций

Цифровая грамотность, в свою очередь, становится неотъемлемой частью подготовки будущих специалистов в любой сфере.

Согласно данным Международного Статистического портала на начало 2024 года, количество пользователей Интернета превысило 5,3 миллиарда человек, что составляет около 65,8% населения Земли. Эти цифры подчеркивают устойчивую тенденцию к росту числа людей, зависимых от виртуального пространства в повседневной жизни.

Международные практики в области цифровой грамотности также демонстрируют разнообразие подходов и методов, направленных на повышение компетенций молодежи.

Например, в Сингапуре Национальная библиотека запустила инновационную платформу электронных ресурсов, предлагающую обширную коллекцию образовательных материалов. Эта платформа стала центральным элементом в системе образования страны, обеспечивая студентам и

преподавателям доступ к широкому спектру ресурсов в любое время суток, что существенно расширяет возможности самообразования и повышает качество учебного процесса.

В США на регулярной основе проводятся Молодежные технонедели (Teen Tech Week), а некоммерческая организация Common Sense Media успешно разработала проект «Цифровой паспорт»: ученики выполняют ряд заданий, по результатам которых продемонстрированные навыки и знания позволяют им получить «цифровой паспорт», который является определенным маркером, демонстрирующим, достиг ли ученик нужного для своего возраста уровня цифровой грамотности.

В Канаде организация MediaSmarts разработала программу для подростков «Мой мир», в которой прорабатываются основные аспекты цифровой грамотности: поиск достоверной информации в интернете, приватность и репутация в сети, онлайн-общение и этичное использование цифровых технологий.

Много усилий направлено и на ответственное использование интернетом, например, в Австралии функционирует Комиссия по интернет-безопасности с целью профилактики кибербуллинга и работы с нелегальным контентом в сети.

В Узбекистане цифровизация экономики и общества происходит на фоне активного внедрения информационно-коммуникационных технологий в различные области. В ответ на эти вызовы, образовательная система страны также должна адаптироваться к современным требованиям, обеспечивая учащихся необходимыми цифровыми навыками.

Цифровизация образования в Узбекистане, несмотря на явные успехи, сталкивается с рядом проблем, таких как ограниченная инфраструктура, низкий уровень подготовки преподавателей в области IT-технологий, а также недостаточная доступность современных образовательных ресурсов для студентов. Однако с начала 2020-х годов был сделан ряд значимых шагов в сторону цифровизации образования: внедрение платформ дистанционного обучения, создание электронных учебных материалов, развитие цифровых образовательных платформ и внедрение курсов по цифровым навыкам. Воспитание критически мыслящей молодежи, способной самостоятельно фильтровать и оценивать получаемую информацию, становится ключевым аспектом в образовательной политике Узбекистана, направленномна укрепление информационной безопасности и поддержку развития открытого и осведомленного общества.

Цифровая грамотность помогает не только повысить конкурентоспособность студентов на рынке труда, но и способствует решению экологических проблем. Например, цифровые технологии могут помочь в разработке умных систем управления водными ресурсами, контроле за качеством воздуха, а также в оптимизации использования энергетических ресурсов. Таким образом, цифровая грамотность в контексте экологического образования становится важным инструментом для будущих лидеров и предпринимателей, готовых разрабатывать и внедрять инновационные

решения.

На протяжении последних лет в Республике Узбекистан были предприняты различные организационно — правовые меры по повышению цифровой грамотности и формированию культуры безопасного и этичного поведения в виртуальном пространстве. По состоянию на 2024 год, Узбекистан значительно укрепил свою законодательную базу в сфере информационных технологий и безопасности, включив более 30 законов, около 60 актов Президента и свыше 100 решений Правительства.

Во-первых, согласно Global Competitiveness Report, Узбекистан занимает 68-е место среди 141 стран в индексе готовности к цифровому развитию. Всего за год наша страна поднялась на 4 позиции вверх, чем закрепила позитивную динамику, наблюдаемую на протяжении последних трех лет.

Во-вторых, принята Стратегия развития Нового Узбекистана

на 2022 — 2026 годы, в котором цель 70 рассматривает вопросы совершенствования государственной молодежной политики, где особо отмечается стремление развития у молодежи цифровой грамотности. Стратегия «Узбекистан — 2030» также направлена на повышение интеллектуального потенциала молодежи, стимулирование ее научной деятельности, развитие таланта не менее 2 миллионов молодых путем привлечения к научной и инновационной деятельности.

В-третьих, Фондом по поддержке государственной молодежной политики был инициирован проект «Один миллион программистов», утвержденный Постановлением Президента Республики Узбекистан

от 12.08.2022 г. № ПП-350, который стал мощным толчком по развитии цифровизации среди молодых ИТ-специалистов. Проект подчеркивает стратегическую ориентацию на укрепление образовательной инфраструктуры в области цифровизации и создание инновационной платформы, способствующей развитию стартапов и социальному прогрессу.

В-четвертых, 2024 год в Узбекистане объявлен Годом поддержки молодёжи и бизнеса. Как отмечает Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев: «В новом году мы активизируем привлечение иностранных инвестиций, формирование широких возможностей для предпринимательства и частной собственности, уделим особое внимание развитию науки, инноваций, IT-сферы, созданию „зелёных“ и цифровых технологий».

Интеграция экологической и цифровой грамотности в образовательную систему Узбекистана - это инвестиция в будущее страны. Она позволит подготовить новое поколение, способное решать сложные экологические проблемы с помощью современных технологий, и обеспечить устойчивое развитие страны. Это требует пересмотра образовательных стандартов, разработки инновационных программ и усиления подготовки преподавателей. Успешная интеграция этих направлений не только улучшит качество образования, но и подготовит молодежь к вызовам глобальных изменений, обеспечивая их способность эффективно использовать цифровые технологии для решения экологических проблем.

**Список использованной литеатуры:**

1. ПРИЛОЖЕНИЕ N 1 к Указу Президента РУз от 29.04.2019 г. N УП-5712 (Концепция развития системы народного образования Республики Узбекистан до 2030 года). https://nrm.uz/contentf?doc=587433_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
2. https://illp.uz/
3. Буркова, И. В., & Тищенко, В. А. (2021). Экологическое образование в системе устойчивого развития. М.: Изд-во “Высшая школа”
4. https://shkolamoskva.ru/metaman/digital-literacy/
5. Гринченко, Н. А. (2019). Цифровизация образования: мировые тренды и национальные подходы. Ташкент: Изд-во Ташкентского университета.

**Виктор Александрович Алимасов -** Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти профессори, фалсафа фанлари доктори
+998990861249, e-mail: alimasovviktordsmi@mail.ru

# МАДАНИЯТ МЕНЕЖМЕНТИ: ИЛМИЙ ТАЛҚИНЛАРИ ВА ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** Мақолада маданият менежменти, унинг илмий талқинлари ва шакллантириш хусусиятлари таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** маданият, менежмент, илмий, талқин, фалсафа, ташкил этиш, санъат, тарбия, таълим.

**Аннотация:** В статье анализируются научные толкования и особенности формирования менеджмента культуры.

**Ключевые слова:** культуры, менеджмент, научный, интерпретация, философия, организация, искусство, воспитание, образование.

**Abstract:** The article analyzes scientific interpretations and features of the formation of cultural management.

**Key words:** culture, management, scientific, interpretation, philosophy, organization, art, upbringing, education.

Ilmiy adabiyotlarda va xorijiy nashrlarda keng qo‘llanilib kelinayotgan ta’lim xizmati tushunchasi, “nodavlat oliy ta’lim” tushunchalariga ko‘plab ta’riflar keltirilganligi ilmiy adabiyotlarda ushbu masala bo‘yicha ko‘plab munozaralar mavjudligidan dalolat beradi.

Xorijlik olim Dj. Stiglis “xizmatlar ta’lim xizmatlarining ijtimoiy hisoblangan ma’lum bir qismini qamrab oladi, bu boshlang‘ich va o‘rta ta’limdir, oliy ta’lim, oliy ta’limdan keyingi va kasbiy ta’lim va jamiyatga xos ijtimoiy ne’matlar tarkibiga kiradi”[62] deya ta’rif bergan.

Nazarimizda ta’lim xizmatlarining mohiyatini yoritishda J.Stigis tomonidan berilgan ta’rifga asoslanadigan bo‘lsak, nodavlat oliy ta’lim xizmatlari yoki oliy

[61]Valiev Sh.E va boshq. Nodavlat oliy ta’lim tashkilotlarini tashkil etish tendensiyalari va omillari tahlili// Современное образование (Узбекистан). 2022. №6 (115). https://cyberleninka.ru/article/n/nodavlat-oliy-talim-tashkilotlarini-tashkil-etish-tendentsiyalari-va-omillari-ta-lili.

[62] Стиглиц Дж. Экономика государственного сектора/ Дж. Стиглиц.-М.: Инфра-М,1997. – 221с

ta’limning yuqori darajada tijoratlashuvi, ijtimoiy faoliyat turidan xizmatlar tarkibiga kiritilishi taraqqiyotining servislashgan jamiyatga o‘tayotganligidan dalolat beradi.

O.S.Batalovaning tadqiqotlariga ko‘ra ta’lim xizmati “...iste’molchilar, ish beruvchilar va davlatning ehtiyojlarini qondirishga yo‘naltirilgan ma’lum bir ta’lim dasturi doirasidagi kasbiy xususiyatga ega bo‘lgan bilim, ko‘nikma va malakalarni o‘tkazishga qaratilgan kompleks jarayon” deb ta’rif keltirilgan.

N.N.Belovaning fikriga asoslanadigan bo‘lsak, “...bir (yoki bir necha) shaxs(lar) tomonidan bilim, ko‘nikma, qadriyat va axloqiy-axloqiy munosabatlar majmuini, shaxsiy va ijtimoiy ehtiyojlarni qondirish va rivojlantirish maqsadida pullik xizmatlar ko‘rsatish shartnomasi asosida ham, turli darajadagi byudjet mablag‘lari hisobidan ham amalga oshiriladigan shaxsiy va ijtimoiy ehtiyojlarni rivojlantirish va boshqa shaxs tomonidan o‘zlashtirish jarayonini aks ettiruvchi ijtimoiy-iqtisodiy kategoriya” sifatida izoh keltirilgan.

Sh.Z.Valievning keltirishicha, “.....ta’lim muassasasi tomonidan alohida ta’lim dasturi doirasida ma’lum miqdordagi bilim, ko‘nikma va malakalarni iste’molchiga o‘tkazish va to‘plash, iste’molchining o‘zini o‘zgartirishga qaratilgan maqsadli ijodiy jarayon”[63]dir.

Ye.V.Vasilevaning fikriga ko‘ra “.....ta’lim xizmatlari iqtisodiy kategoriya sifatida, sotuvchi va xaridor (iste’molchi) o‘rtasidagi iqtisodiy munosabatlar ishtirokchisi hisoblanib, ular o‘rtasidagi ta’sir natijasidir. Ushbu o‘zaro ta’sir bilim, ko‘nikma va malakalarni axborot resurslari to‘plami shaklida uzatishni o‘z ichiga oladi”[64].

I.B.Romanova “.....xo‘jalik birligining ma’lum bir sub’ektning ta’limga (ya’ni tizimlashtirilgan bilim, ko‘nikma va ko‘nikmalarni egallashga) bo‘lgan ehtiyojlarini qondirishga qaratilgan, ushbu sub’ektning oldindan roziligi bilan amalga oshiriladigan mehnat faoliyati”[65] sifatida izoh keltirilgan.

Yuqorida O.S.Batalova, N. N. Belovalarning mualliflik yondashuvidagi ta’riflari oliy ta’limning avvalo shaxsiy va ijtimoiy ehtiyojlarni rivojlantirishga yo‘nalganligi, nufuz omiliga aylanib ulgurganligi(Sh.Z.Valiev), oliy ta’lim xizmatlarining bozor xususiyatlarini (E.V.Vasileva), oliy ta’limni istalgan vaqtda, yoshda va shaklda davom ettirish mumkinligi (I.B.Romanova) to‘liq e’tiborga olgan bo‘lib, bizning fikrimizcha nodavlat oliy ta’lim xizmatlari ko‘rsatishning bugungi kun holatini kengroq ochib berishga xizmat qilgan.

M. V. Fedorova tomonidan keltirilgan ta’rifda “...tashqi ta’sirga ayniqsa sezilarli ega bo‘lgan davlat xizmati turi sifatida ushbu xizmatning to‘g‘ridan-to‘g‘ri iste’molchisiga qo‘shimcha ravishda, ish haqi va mehnat bozoridagi raqobatbardoshligining oshishi yo‘nalishida, ish beruvchiga mehnat

[63] Валиев, Ш.З. Рынок образовательных услуг: теоретические аспекты: монография / Ш.З. Валиев, В.И. Сухочев. – Уфа: Дизайн Полиграф Сервис, 2008. – 84 с.

[64] Васильева Елена Валерьевна. Образовательная услуга как экономическая категория в условиях рыночных отношений // Московский экономический журнал. 2020. №10. https://cyberleninka.ru/article/n/obrazovatelnaya-usluga-kak-ekonomicheskaya-kategoriya-v-usloviyah-rynochnyh-otnosheniy

[65] Романова, И.Б. Управление конкурентоспособностью высшего учебного заведения / И.Б. Романова. – Ульяновск: Средневолжский научный центр, 2005. – 140 с.

unumdorligining o‘sishi shaklida ijobiy darajada ta’sir ko‘rsatadi”[66] mazmunidagi sharh berilgan.

M.V.Fedorova ta’lim xizmatlarini davlat xizmati sifatida izohlagan holda ta’limning aynan davlat tomonidan amalga oshirilishi bugungi kunda nodavlat ta’lim xizmatlari ko‘rsatish imkoniyatining cheklanishiga olib kelishi e’tiborga olinmagan.

V.A.Dolyatoyskiy, O.A. Mazurlarning ilmiy tadqiqotlarida ta’lim xizmatlari “...jarayon sifatida shaxsning ongiga yo‘naltirilgan, shaxsning ma’lum bir turdagi bilim, ko‘nikma, ko‘nikmalarni egallashga, kasb yoki malaka olishga bo‘lgan ehtiyojini ro‘yobga chiqarishni ta’minlaydigan nomoddiy harakatlar va mehnat bozoridagi talabni qondirishni ta’minlash jarayoni”[67] sifatida izohlangan.

Bizning fikrimizga ko‘ra, V.A. Dolyatoyskiy va boshqalar tomonidan keltirilgan ta’rif nodavlat oliy ta’lim xizmatlari ko‘rsatishga ham taalluqli bo‘lib, nodavlat oliy ta’limga bo‘lgan bugungi kun talabini ham ifodalashga xizmat qiladi.

A.M. Strijov fikriga ko‘ra “...ta’lim xizmati - jarayon sifatida ta’lim jarayoni ishtirokchilarining o‘zaro ta’siri bilan tavsiflangan va shaxsning ta’lim ehtiyojlarini qondirishga qaratilgan maqsadga muvofiq faoliyatdir[68].

S.A.Zaychikova, I.N. Mayaskayalar tomonidan ta’lim xizmatlari tushunchasiga “Shaxs, jamiyat va davlat ehtiyojlarini qondirish uchun foydalaniladigan va inson kapitalini oshirishga qaratilgan bilim va ko‘nikmalar tizimi”[69] tarzdagi izoh keltirilgan.

S.A.Zaychikovalarning ta’rifiga munosabatimiz shundan iboratki, jamiyat taraqqiyotining bugungi bosqichida oliy ta’lim nafaqat bilim va ko‘nikmalar tizimini ifodalaydi, balki shaxs ushbu uquvlardan foydalanish yoki foydalanmasligidan qat’iy nazar nufuz omili ham hisoblanadi.

Ye.D Lipkina tomonidan ta’lim xizmatlariga “...shaxs va jamiyatning intellektual rivojlanishi hamda kasbiy ko‘nikmalarni egallashidagi o‘ziga xos ehtiyojlarini qondirishda foydalaniladigan bilimlar, ko‘nikmalar va uquvlar, shuningdek ayrim ma’lumotlar to‘plami” [70] deya izoh keltirilgan.

Aynan yuqoridagi ta’riflardan kelib chiqib nodavlat oliy ta’lim xizmatlari tushunchasiga keltirilgan ayrim ta’riflarga e’tibor qaratamiz:

T.N.Fadina tomonidan “...nodavlat oliy ta’lim mustaqil ravishda ta’lim xizmatlarini sotishdan tushgan daromad orqali o‘zini o‘zi to‘liq moliyalashtiruvchi, tashqi muhit xatarlarini o‘z zimmasiga olgan holda faoliyat olib boruvchi va bozor kon’yunkturasining o‘zgaruvchan omillariga munosib javob qaytara olish

---

[66] Федорова М. В. Образовательные услуги и их типология в инноватsионной экономике // ПСЭ. 2011. №2. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/obrazovatelnye-uslugi-i-ih-tipologiya-v-innovatsionnoy-ekonomike

[67] Долятовский, В.А. Стратегическое планирование деятельности вуза на рынке образовательных услуг: монография. В.А. Долятовский, О.А.Мазур, И.В.Кузнецова, Э.Е. Сакиев, Т.Н.Рябченко / Под ред. В.А. Долятовского, О.А.Мазура. - Ростов-на-Дону-Невинномыск: СКНЦ ВШ-РГЭУ “РИНХ”-НИЭУП, 2005.-235с.

[68] Стрижов, А.М. Понятие качества образовательной услуги в условиях рыночных отношений. / А.М. Стрижов// Стандарты и мониторинг в образовании. - 1999. - № 3. - С. 47-50

[69] Зайчикова, С.А. Стратегия маркетинга высшего учебного заведения в системе открытого образования: Монография / С.А. Зайчикова, И.Н. Маяцкая. – М.: Изд-во РГСУ, 2006. – 115 с.

[70] Липкина Е.Д. Конкурентоспособность вузов на современном рынке образовательных услуг: монография / Е.Д. Липкина. – Омск: Изд-во ОмГПУ, 2006. – 136 с.

imkoniyatiga ega bo‘lgan zamonaviy ta’lim tashkiloti, nodavlat oliy ta’lim faoliyatining asosiy xususiyati zamon talablariga javob berish qobiliyatidir” – deya ta’rif bergan..

Ye.D. Lipkina tomonidan nodavlat oliy ta’lim xizmatiga – “...alohida shaxs, ish beruvchining va jamiyatning muhim bilim, ko‘nikma va uquvlarini shakllantirishga bo‘lgan ehtiyojlarini qondirish uchun yo‘naltirilgan iqtisodiy faoliyat majmui”[71] mazmunidagi izoh keltirilgan. Muallifning nazarida nodavlat oliy ta’lim xizmatlari shaxslarning ushbu xizmatni iste’mol imkoniyatini yanada kengaytirish uchun zarur shart-sharoitlarni, bozorda muhitiga xos ta’lim xizmtlari ko‘rsatishni nazarda tutadi.

S.G.Borisova tomonidan ta’lim xizmatlarining mohiyatini yoritishda "ta’lim xizmati" va “ta’lim mahsuli” tushunchalariga urg‘u qaratilgan. Uning ta’rifiga ko‘ra “...ta’lim mahsuloti – bu o‘quv jarayonini tashkil qilish, boshqarish, uni uslubiy, moddiy va kadrlar bilan ta’minlash, o‘quv-uslubiy majmualarni va boshqalarni o‘z ichiga olgan ta’lim dasturini anglatadi. muallifning fikriga ko‘ra, ta’lim mahsulotlari ta’lim ixtirolari, patentlar, dasturlar va tadqiqot natijalaridan iborat. Ta’lim mahsuli esa o‘ziga xos xususiyatlarga ega va ma’lum vakolatlarga ega bo‘lgan shaxs, bitiruvchidir”[72].

Rossiyalik olim Ye.S.Kupreevaning ilmiy yondashuviga ko‘ra nodavlat oliy ta’lim xizmatlari “...yangicha ijtimoiy-pedagogik hodisa sifatida jamiyatning madaniy-ma’rifiy ehtiyojlarini qondirish, shaxsning muvaffaqiyatli ijtimoiylashuvini, yangicha ijtimoiy muhit munosabatlariga moslashuini ta’minlash, ijtimoiy mavqeini oshirish, o‘z-o‘zini rivojlantirish zaruriyatini ta’minlashni amalga oshiradi”[73]. Nodavlat oliy ta’lim muassasalari ushbu vazifalarni amalga oshiruvchi maxsus ijtimoiy institutdir. Bizning nazarimizcha Ye.S.Kupreevaning pedagogik nuqtai nazardan yondashuvi zamonaviy jamiyat a’zolarining menejment, marketing, turizm kabi eng ko‘p talab etilayotgan va faolligi yuqori bo‘lgan kasblar bo‘yicha mutaxassislarni tayyorlashda, pedagogik ta’lim sohasidagi turli “bo‘shliq”larni to‘ldirishda, milliy maktablar, diniy ta’lim muassasalarini rivojlantirish, qo‘shimcha moliyaviy resurslarni jalb qilish asosida oliy ta’limga qamrov darajasini oshirishda nodavlat oliy ta’limning o‘rni beqiyosligini har tomonlama asoslashga imkon beradi.

K.B.Ivanenko tomonidan “...nodavlat oliy ta’lim tushunchasi mohiyatini yoritishda shuni ta’kidlish joizki, ushbu atama noo‘rin qo‘llanilgan holda ta’limning butun mazmuni va chuqurligini qamrab olmaydi. Shuningdek, ushbu atama barcha rasmiy hujjatlarda va hukumat qarorlarida “nodavlat”, “xususiy”, “byudjetdan tashqari” kabi shakllarda uchraydi. Nodavlat oliy ta’lim davlat manfaatlari uchun mutaxassislarni tayyorlash, ishchi lavozimlarni to‘ldirish va boshqa vazifalarni hal

[71] Фадина Таисня Витальевна. Формирование рынка образовательных услуг высшей школы. автореферат диссертатsiи на соискание учёной степени кандидата экономических наук Москва, 2011. 35 стр

[72] Борисова, С. Г. Оценка эффективности маркетинговых решений в сфере образования [Текст]/ С. Г.Борисова. – Новосибирск: Изд. НГПУ, 2008. – 156 с.

[73] Купреева Елена Станиславовна. Негосударственные образовательные учреждения в региональном образовательном пространстве (на материале Владимирской области). автореф. дис. …пед.наук: Рязань 2004. – 24 стр.

qiladi-ki, uslubiy jihatdan noto‘g‘ri qo‘llanilgan bo‘lishi ham mumkin”[74].

K.B.Ivanenkoning yondashuviga asoslangan holda mamlakatimizda oliy ta’lim muassasalarining “nodavlat”, “xususiy” kabi atamalarda faoliyat yuritayotganligini e’tiborga olib, bu borada chuqur ilmiy tadqiqotlarni amalga oshirish lozim deb hisoblaymiz.

O‘zbekistonlik olimlardan A.A.Xamidovaning tadqiqotlarida bozor munosabatlari rivojlanishining xususiyatlari, shart-sharoitlariga asoslanib ta’lim xizmatlari bozori tushunchasini yoritishga keng urg‘u qaratilgan. Tadqiqotchining yondashuviga ko‘ra “...bu ta’lim xizmatlarini ishlab chiqish, ayirboshlash va iste’mol qilish bo‘yicha ta’lim xizmatlarini ishlab chiqaruvchilari, iste’molchilari va vositachilari o‘rtasidagi iqtisodiy munosabatlar majmuasini o‘zida namoyon etadi”[75].

A.A.Xamidova tomonidan ta’lim xizmatlarini izohlashda ta’lim xizmatlarining o‘ziga xos xususiyatlarini ifodalovchi tavsifi nodavlat ta’lim xizmatlarining xususiyatlari qamrab olinmagan.

S.A.Babanazarovaning ilmiy tadqiqotlarida “xodimlar (professor-o‘qituvchilar) tomonidan amalga oshiriladigan ta’lim xizmatlari samaradorligi va sifatini ifodalovchi ko‘rsatkichlar tizimini, ularning butun faoliyatini qamrab oladigan yo‘nalishlar bo‘yicha qarab chiqilgan”[76].

Bizning fikrimizga ko‘ra sifat tushunchasining mavhumligi, ishlab chiqaruvchi, iste’molchi tomonidan turlicha his etilishini e’tiborga oladigan bo‘lsak, S.Babanazarovaning oliy ta’lim xizmatlari sifati va samaradorligini baholash yondashuvi kelgusida oliy ta’lim xizmatlari sifatining iste’molchilar tomonidan sifatli deb topilishiga imkon bermaydi.

J.R.Toxirov tomonidan “...ta’lim xizmati – ta’lim beruvchi tashkilot va undagi professor-o‘qituvchilar tomonidan davlatning hamda jamiyatning rivojlanishi uchun ma’lum belgilangan ehtiyojini qondirishga yo‘naltirilgan, inson kapitalini shakllantirishga qaratilgan kishilarga naf keltiradigan, ta’lim xizmatlarini ko‘rsatish bilan bog‘liq ongli faoliyati tushuniladi”[77] mazmunidagi izoh keltirilgan.

Bizningcha, J.R.Toxirov tomonidan ta’lim xizmatiga izoh berishda uning nodavlat ta’lim tashkilotlari tomonidan kengayishi, nafaqat ta’lim tashkilotlari, jahon tajribasidan kelib chiqib, yirik korxona va korporatsiyalar tomonidan ham o‘z ehtiyojlari uchun mutaxassislar tayyorlash mumkinligi e’tiborga olinmagan.

Xulosa qilib shuni ta’kidlash kerakki, “Ta’lim xizmati” tushunchasining ko‘p qirraliligi uning nodavlat oliy ta’lim xizmatlari segmentiga xos bo‘lgan mazmun va tarkibiga yangicha talablarni zamonaviy ilmiy yondashuvlar va ilmiy-metodik talablarga asoslanib har tomonlama va xolis baho berishni, shu bilan birga oliy ta’lim sohasida nodavlat oliy ta’lim xizmatlari sifatini oshirishga imkon beradigan

[74] Ksenia B. Ivanenko. Comparative Analysis of State and Non-State Higher Educational Institutions in Terms of their Adaptation to New Societal Conditions in Post-Soviet Russia

[75] Xamidova A.A. Ta’lim xizmatlari bozorini rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish (oliy ta’lim muassasalari misolida). I.f.f.d (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. SamISI, 2022 y.- 54 b

[76] Babanazarova S. A. Ta’lim xizmatlari samaradorligi va sifatini oshirishning tashkiliy iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish. I.f.f.d (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. SamISI, 2022 y. –53 b.

[77] J.R.Toxirov. Ta’lim xizmatlari sifatini oshirishda davlat-xususiy sheriklikning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini shakllantirish. I.f.f.d (PhD) dissertatsiyasi avtoreferati. Nukus 2022 y.- 61 b.

tavsiyalar va uslubiy vositalarni ishlab chiqish zaruriyatini keltirib chiqardi. Bizning fikrimizga ko‘ra nodavlat oliy ta’lim sohasida xizmatlarni tashkil qilish va samaradorligini oshirishning tashkiliy-boshqaruv masalalari ta’lim xizmatlari bozorining barcha ishtirokchilari manfaatlarini hisobga olgan holda mohiyatini ochib berishga, xizmatlar sifatini baholashga hamda samardorligini oshirishga qaratilgan tizimli ilmiy tahlillarni amalga oshirishning uslubiy apparatini yaratishga qaratilishi lozim.

Tahlillarga asoslanib, jahonda nodavlat oliy ta’lim xizmatlari ko‘rsatishning 3 ta asosiy jihatini alohida ajratib ko‘rsatishni lozim deb hisoblaymiz.

*Birinchisi,* nodavlat ta’lim muassasalari diniy-madaniy yo‘nalishdagi oliy ta’lim xizmatlari ko‘rsatishga yo‘naltirilgan bo‘lib, asosan diniy qadriyatlar ustunlik qiluvchi qatlamlarini keng qamrab olishni ko‘zda tutadi.

*Ikkinchisi,* nufuzli segmentga yo‘naltirilgan oliy ta’lim bo‘lib, asosan aholining daromadli va o‘ziga to‘q qatlami uchun yo‘naltirilgan.

*Uchinchisi,* aholining keng qatlami uchun yo‘naltirilgan ommaviy oliy ta’lim bo‘lib, kam daromadli, oliy ta’limgacha to‘plangan bilim saviyasi yetarli bo‘lmagan aholi vakillariga yo‘naltirilgan.

**Abduvohidova Gulshan Akmalovna -** SamISI,Menejment kafedrasi assistant stajyori, gulshanabduvohidova@gmail.com

## INSON RESURSLARI MENEJMENTIDA MOTIVATSIYANING ROLI

**Annotatsiya.**Tashkilotlarning iqtisodiy salohiyati xodimlarning mehnat unumdorligiga bevosita bog‘langan va hozirgi kunda motivatsiyaning maqsadli yo‘naltirilishi ahamiyati oshib boryotganligining asosiy sababi bu inson resurslarni boshqa iqtisodiy resurslari eng qimmatli resurs ekanligidir. Ushbu ishning maqsadi iqtisodiy salohiyatni kuchaytirish jarayonida inson resurslarini boshqarishdagi motivatsiya ahamiyatini o‘rganish.

**Kalit so‘zlar:** iqtisodiy salohiyat, moliyaviy salohiyat, motivatsiya, mehnat unumdorligi, inson resurslarini boshqarish.

**Аннотация**.Экономический потенциал организаций напрямую связан с производительностью труда сотрудников, и основная причина, по которой сегодня возрастает важность целевой мотивации, заключается в том, что человеческие ресурсы являются наиболее ценным ресурсом среди других экономических ресурсов. Целью данной работы является изучение значения мотивации в управлении человеческими ресурсами в процессе укрепления экономического потенциала.

**Ключевые слова**: экономический потенциал, финансовый потенциал, мотивация, производительность труда, управление человеческими ресурсами.

**Abstract.**The economic potential of organizations is directly related to the labor productivity of employees, and the main reason why the targeted orientation of motivation is currently gaining importance is that human resources are the most valuable resource among other economic resources. The purpose of this work is to study the importance of motivation in human resource management in the process of

strengthening economic potential.

**Key words**: economic potential, financial potential, motivation, labor productivity, human resource management.

Sog‘lom raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirish va uni barqaror rivojlantirishda inson resurslarining o‘rni va ahamiyati ortib bormoqda. Jumladan, iqtisodiy salohiyatni oshirish uchun kadrlar salohiyatini yuqori darajada saqlash, ularning motivatsiyasini oshirish muhim ahamiyat kasb etadi.

Inson resurslarini boshqarish va motivatsiya usullari bo‘yicha ko‘plab ilmiy tadqiqotlar o‘tkazilgan. Klassik motivatsiya nazariyalari (Maslou, Vroom, Herzberg) va zamonaviy yondashuvlar orqali iqtisodiy rivojlanishda motivatsiyaning turli jihatlari tahlil qilingan. Ko‘pgina tadqiqotlarda motivatsiya jarayonlari individual darajada o‘rganilgan bo‘lsa-da, ularning iqtisodiy salohiyatni oshirishga qo‘shgan hissasi kam o‘rganilgan.

“Motivatsiya” tushunchasiga umumiy ta’rif sifatida shunday jumlalarni bersak bo‘ladi: Motivatsiya – bu inson faoliyatiga ta’sir ko‘rsatuvchi ichki va tashqi kuchlar majmui.

Inson resurslarini boshqarishda motivatsiya va iqtisodiy salohiyat o‘rtasidagi bog‘liqlik kuchli va bir-birini to‘ldiruvchi ahamiyatga ega. Motivatsiya xodimlarning ishga bo‘lgan munosabatini shakllantirib, ularning samaradorligini oshiradi. Bu o‘z navbatida, tashkilot va umumiy iqtisodiyotning salohiyatini kuchaytiradi. Korxona tashkilotlar uchun muhumlilik darahjasiga ko‘ra Moliyaviy salohiyat va iqtisodiy salohiyat o‘zaro tengdir. Moliyaviy salohiyat bu tashkilotlarni rentabelligi, samradorligi kabi ko‘rsatkichlar bilan ifodalansa, iqtisodiy salohiyatning zamirida asosiy vositalar bilan ta’minlanganlik, aylanma pul mablag‘lari, nomoddiy aktivlar bilan bir qatorda mehnat resurslari ham asosiy tarkibiy elamentlar sirasiga kiradi.

Iqtisodiy salohiyatni kuchaytirish uchun innovatsiya, infratuzilma, investitsiya, intelekt va eng asosiysi institut tamoyillarni baravar kuchaytirish hisobiga erishish mumkin. Mehnat unumdorligini oshirish uchun iqtisodiy va ijtimoiy vaziyatdan kelib chiqgan holda yuqoridagi tamoyillarga asoslanib quyidagicha turlarni o‘z ichiga olish mumkin:

1. Tashkilotning asosiy vositalarni modernizatsiya qilish;
2. Yordamchi ishlab chiqarishni tashkil qilish.
3. Tashkilot xodimlariga nisbatan motivatsiya;

Birinchi va ikkinchi yo‘nalish xodimlarga nisbatan motivatsiyaga qaraganda amalga oshirish uchun uzoq vaqt va ko‘p mabalag‘ talab qiladi.

Motivatsiyaning ma’qul tomonlaridan bu uning reaksiyasi tezligidir. Menejer qo‘l ostidagilarga ular kutgan ijobiy so‘zlarni aytishining o‘zidayoq xodimnlarni ishga bo‘lgan ishtiyoqini oshiradi. Izlanishlar natijasi shuni ko‘rsatdikki, motivatsiya bu og‘riq qoldiruvchi dori, ko‘p ishlatilsa oraliq masofa qisqaradi va dozani oshirishni talab qiladi. Ushbu hr menejer teoremasini to‘ldirish uchun xodimlarni demotivlashtirish jarayonlariga ham urg‘u berish shart. Korxonalarda motivlash manbasi bu uning rahbari rahbari eknaligini uning ta’sirini kuchaytirb beradi. Eng kuchli motivlash manbasi sifatida odatda ichki motivatsiya tushuniladi.

Motivatsiya iqtisodiy salohiyatni quyidagi jihatlar orqali kuchaytirishi mumkin:

1. Mehnat unumdorligini oshiradi: motivatsiyaga ega xodimlar yuqori samaradorlikka ega bo‘lib, korxona va davlat miqyosida iqtisodiy samaradorlikni oshiradi.

2. Ijodkorlik va innovatsiyalarni rivojlantiradi: motivatsiyali xodimlar yangi fikrlar, innovatsion loyihalar va texnologiyalar yaratishga qiziqadi, bu esa iqtisodiy salohiyatga bevosita ta’sir qiladi.

3. Ishchi kuchining sadoqati: motivatsiya darajasi yuqori bo‘lgan xodimlar tashkilotda uzoq muddatli ishlashni afzal ko‘radi, bu esa resurslarni tejaydi va iqtisodiy samaradorlikni oshiradi.

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash joizki, motivatsiya bu tashkilot rahbarlari uchun iqtisodiy salohiyatni balanasda ushlash yoki kuchaytirish uchun xizmat qiladigan jarayon faqat uni to‘g‘ri yo‘lda ishlata bilish kerak.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 08.01.2019 yildagi “Iqtisodiyotni yanada rivojlantirish va iqtisodiy siyosat samaradorligini oshirishning qo‘shimcha chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5614-sonli farmoni.

2. E.Sh.Shodmonov va bshq. “Korxonalor iqtisodiyoti” – O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim vazirligi T., 2020.- 592 b.

3. M.Q.Pardayev, T.I.Yahyoyev “Iqtisodiy tahlil” – Samarqand, “FAN BULOG‘I” nashriyoti, 2024 -403 b.

4. N.K.Yo'ldoshev, G.E.Zaxidov “Menejment”–T. “O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati” nashriyoti, 2018. - 392 b.

**Abduvohidova Gulshan Akmalovna –** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti Menejment kafedrasi assistent-stajori

## INSON RESURSLARINI BOSHQARISHDA SHAXSLARARO MUNOSABATLAR

**Annotatsiya:** Inson resurslarini boshqarishda shaxslararo munosabatlar mavzusi, tashkilotlarda inson kapitali va uning samaradorligini oshirish uchun muhim ahamiyatga ega. Katta-katta kompaniyalarda inson resurslarini boshqarishda shaxslararo munosabatlar jarayonini olib borish muhim ahamiyatga egadir. Har bir xodim va rahbar ish faoliyatini muloqotlar orqali ham olib boradi.

**Kalit so'zlar:** Shaxslararo munosabat, inson resurslarini boshqarish, xodm va rahbar,professional rivojlanish, rahbarlik va ta’sir, konfliktlarni boshqarish, motivatsiya va xodimlarning qoniqishi, ochiq komunikatsiya, samarali komunikatsiya.

**Abstract:** The topic of interpersonal relations in human resource management is important for increasing human capital and its effectiveness in organizations. In large companies, it is important to conduct the process of interpersonal relations in the management of human resources. Every employee and manager conducts work

through communication.

**Keywords:** Interpersonal relations, human resource management, employee and leader, professional development, leadership and influence, conflict management, motivation and employee satisfaction, open communication, effective communication.

**Аннотация:** Тема межличностных отношений в управлении человеческими ресурсами важна для увеличения человеческого капитала и его эффективности в организациях. В крупных компаниях важно вести процесс межличностных отношений при управлении человеческими ресурсами. Каждый сотрудник и руководитель осуществляет работу посредством общения.

**Ключевые слова:** Межличностные отношения, управление человеческими ресурсами, сотрудник и лидер, профессиональное развитие, лидерство и влияние, управление конфликтами, мотивация и удовлетворенность сотрудников, открытое общение, эффективное общение.

Shaxslararo munosabatlar inson resurslarini boshqarishda muhim ahamiyatga ega. Ular tashkilot ichidagi kommunikatsiya, hamkorlik va jamoaviy ishlashni ta'minlaydi. Bunday munosabatlar quyidagi jihatlarni o'z ichiga oladi:

- Ish muhitini yaratish: Ishchilar o'rtasidagi yaxshi munosabatlar ijobiy ish muhitini yaratadi, bu esa samaradorlikni oshiradi.
- Motivatsiya: Samimiy va ishonchli munosabatlar xodimlarning motivatsiyasini oshirishga yordam beradi.
- Qaror qabul qilish: Shaxslararo munosabatlar orqali tashkilot ichida samarali qaror qabul qilish jarayoni amalga oshadi.
- Tadqiqot va innovatsiyalar: Jamoalarda o'zaro fikr almashish yangiliklarni kiritishga va yaxshilanishlarga olib keladi.
- Maqsadlarni belgilash: Xodimlar o'rtasidagi yaxshi munosabatlar orqali umumiy maqsadlar belgilanishi va ularga erishishga ko'maklashish muhimdir.

Shuning uchun, inson resurslarini boshqarishda shaxslararo munosabatlarni yaxshilash tashkilot muvaffaqiyatini ta'minlaydi.

Inson resurslarini boshqarishda shaxslararo munosabatlar muhim o'rin tutadi, chunki samarali va muvaffaqiyatli tashkilot yaratishda xodimlar o'rtasidagi munosabatlar, ularning motivatsiyasi va jamoaviy ishlash qobiliyati asosiy omil hisoblanadi. Shaxslararo munosabatlar yaxshi tashkil etilgan bo'lsa, ish joyidagi muhitni ijobiy va ishlab chiqarishdagi samaradorlikni oshirishga yordam beradi.

1. Komanda tuzish va jamoaviy ishlash:

Shaxslararo munosabatlar, eng avvalo, samarali jamoa tuzishga yordam beradi. Komandadagi har bir a'zo o'zining rollarini va mas'uliyatlarini yaxshi tushunishi kerak, shuningdek, boshqa jamoa a'zolari bilan samarali ishlashga tayyor bo'lishi lozim. Yaxshi muomala, o'zaro hurmat, va ochiq muloqot komandadagi ishonchni oshiradi va umumiy maqsadga erishishga yordam beradi.

2. Motivatsiya va rag'batlantirish:

Xodimlarning ishga nisbatan qiziqishi va ishtiyoqi ularning o'zaro munosabatlari orqali shakllanadi. Agar xodimlar o'rtasida ijobiy va qo'llab-

quvvatlovchi munosabatlar bo'lsa, ularning motivatsiyasi yuqori bo'ladi. Rahbarlar va jamoa a'zolari o'rtasidagi samimiy va ochiq muloqot xodimlarni rag'batlantirishi, ularning ishga bo'lgan ishonchini oshirishi va mehnat natijalariga erishishda ijobiy ta'sir ko'rsatishi mumkin.

3. Ish joyida konfliktlarni boshqarish:

Har qanday ish muhitida konfliktlar yuzaga kelishi mumkin. Bunday holatlarda shaxslararo munosabatlar muhim ahamiyatga ega. Yaxshi rahbar konfliktlarni hal qilishda xodimlar o'rtasidagi muammolarni samarali va adolatli tarzda hal qilishi kerak. Bu, o'z navbatida, jamoa o'rtasida ishonchni mustahkamlash va ish joyidagi salbiy atmosferani bartaraf etishga yordam beradi.

4. Kommunikatsiya va ochiq muloqot:

Shaxslararo munosabatlar samarali kommunikatsiyaga bog'liq. Tashkilotlarda ochiq, aniq va samarali muloqot muhimdir, chunki bu xodimlarning bir-birlarini yaxshi tushunishiga, o'z fikrlarini erkin ifodalashlariga va jamoa maqsadlariga mos keladigan qarorlar qabul qilishlariga yordam beradi. Bu nafaqat rahbarlar va xodimlar o'rtasidagi, balki xodimlar o'rtasidagi ham o'zaro munosabatlarni yaxshilaydi.

5. Ijtimoiy va emotsional intellekt:

Inson resurslarini boshqarishda ijtimoiy va emotsional intellekt katta ahamiyatga ega. Xodimlar bir-birlarining his-tuyg'ularini tushunish, ularning ehtiyojlarini inobatga olish va konfliktlarni hal qilishda hissiy jihatdan moslashuvchan bo'lishi kerak. Rahbarlar ham emotsional intellektni rivojlantirib, xodimlar bilan munosabatlarda muvaffaqiyatga erishishlari mumkin.

6. Xodimlarning farovonligini qo'llab-quvvatlash:

Inson resurslari boshqaruvining asosiy yo'nalishlaridan biri - xodimlarning farovonligini ta'minlash. Bu nafaqat moliyaviy va professional yordam, balki shaxslararo munosabatlar orqali ham amalga oshiriladi. Jamoa muhitida o'zaro qo'llab-quvvatlash va yordam berish xodimlar o'rtasida kuchli aloqalarni mustahkamlaydi va ish joyidagi umumiy farovonlikka olib keladi.

7. Rahbarlik va liderlik:

Rahbarning shaxsiy munosabatlari va kommunikatsiya uslubi jamoa muhitiga katta ta'sir ko'rsatadi. Samarali rahbar jamoaning ruhiy holatini tushunishi, individual ehtiyojlarni inobatga olishi va o'z fikrini aniq ifodalashi kerak. Shaxslararo munosabatlarda rahbarning ijobiy namunalari va qo'llab-quvvatlashi jamoaning yaxlitligini ta'minlaydi.

Mashhur kompaniyalarda shaxslararo munosabatlarning ahamiyati bugungi kunda tashkilotlarning muvaffaqiyatini ta'minlashda juda katta rol o'ynaydi. Katta kompaniyalar, ayniqsa texnologiya, xizmatlar va ishlab chiqarish sohalarida, shaxslararo munosabatlarni boshqarish va rivojlantirishga katta e'tibor qaratadi. Bunday munosabatlar nafaqat ish joyidagi atmosferani, balki kompaniyaning umumiy samaradorligini, innovatsion salohiyatini va xodimlarning motivatsiyasini oshirishga ham yordam beradi.

Mana, mashhur kompaniyalarda shaxslararo munosabatlarning ahamiyatini ko'rsatadigan bir necha asosiy jihatlar:

1. Kreativlik va Innovatsiyalarni qo'llab-quvvatlash:

Mashhur kompaniyalar, masalan, Google, Apple va Microsoft kabi texnologik gigantlar, o'z xodimlari o'rtasidagi samarali shaxslararo munosabatlar orqali yangi g'oyalarni ishlab chiqishni rag'batlantiradi. Yaxshi shaxslararo aloqalar o'zaro fikr almashish, muammolarni hal qilish va yangi g'oyalar yaratish jarayonida muhim rol o'ynaydi.

Google kompaniyasida xodimlar o'rtasida ochiq va o'zaro hurmatga asoslangan munosabatlar yaratish uchun maxsus ish muhitlari va brainstorming sessiyalarini tashkil etishadi. Bu kompaniya "kreativ va innovatsion fikrlash"ni rag'batlantirishga intiladi, chunki ular yaxshi shaxslararo munosabatlarni shakllantirish orqali g'oyalar o'zgaruvchan va yangilanishga asoslangan muhitni yaratadilar.

2. Motivatsiya va Ishonchni O'stirish:

Shaxslararo munosabatlarning ijobiy bo'lishi xodimlarni rag'batlantiradi va ularning kompaniyaga bo'lgan ishonchini oshiradi. Zappos kabi kompaniyalar, masalan, o'z xodimlarining o'zaro hurmatga asoslangan, ochiq va samarali kommunikatsiya qurishlariga alohida e'tibor qaratadilar. Zapposda har bir xodimning hissi va fikrini hurmat qilish, ularga o'zaro kuchli bog'lanish va hamkorlik muhitini yaratishga yordam beradi.

Zappos kompaniyasi o'zining xizmat ko'rsatish strategiyasi bilan mashhur, ularning muvaffaqiyati shaxslararo munosabatlar va xodimlarning motivatsiyasi bilan bog'liq. Kompaniya o'z xodimlarini faqat professional ko'nikmalariga qarab emas, balki ularning ijtimoiy ko'nikmalariga ham baho beradi, bu esa shaxslararo munosabatlarni yanada mustahkamlaydi.

3. Ish joyida farovonlik va xodimlar salomatligi:

Katta kompaniyalar, masalan, Salesforce va Facebook, ish joyidagi farovonlikni qo'llab-quvvatlash va xodimlarning salomatligini ta'minlashga katta e'tibor beradilar. Shaxslararo munosabatlar xodimlarning o'zini qulay his qilishlari va stressni boshqarishlari uchun zarur bo'lgan psixologik xavfsizlikni yaratadi.

Salesforce kompaniyasi "Ohana" deb ataladigan oilaviy va hamjamiyat tuyg'usini rivojlantirishga katta ahamiyat beradi. Bu kompaniya shaxslararo munosabatlarni rivojlantirishni va jamoaviy ruhni mustahkamlashni o'zining asosiy qadriyatlaridan biri sifatida ko'radi. Yaxshi shaxslararo aloqalar xodimlarning farovonligini oshiradi, ular bir-biriga yordam berishadi va umumiy maqsadga erishish uchun hamkorlik qiladilar.

4. Xodimlarning O'zaro Ishtiroki va Jamoaviy Ishlash:

Shaxslararo munosabatlar kompaniyadagi xodimlarning o'zaro ishtirokini va jamoaviy ishlash qobiliyatini oshiradi. Tesla, Amazon kabi kompaniyalar jamoaviy ishlashni rivojlantirgan va xodimlar o'rtasidagi o'zaro aloqalarni mustahkamlashga qaratilgan yondashuvni joriy etgan.

Amazonda samarali shaxslararo munosabatlar va jamoaviy ish tizimi muhim ahamiyatga ega. Kompaniya "Leadership Principles" asosida ishlaydi, bu prinsiplar xodimlar o'rtasidagi o'zaro aloqalarni kuchaytiradi va jamoaviy muvaffaqiyatga erishishni ta'minlaydi. Ularning "Day 1" madaniyati xodimlarni o'zaro yaxshi munosabatlarda ishlashga undaydi.

5. Konfliktlarni samarali hal qilish:

Katta kompaniyalarda xodimlar o'rtasidagi konfliktlar tabiiy holat bo'lishi mumkin, ammo bu muammolarni samarali hal qilish kompaniya muvaffaqiyatini ta'minlash uchun juda muhimdir. IBM kabi kompaniyalar jamoalar o'rtasidagi konfliktlarni hal qilishda o'zaro hurmat, ochiq muloqot va samimiyatni o'zlarining asosiy strategiyalari sifatida ko'radilar.

IBMning muvaffaqiyatli shaxslararo munosabatlar siyosati jamoalar o'rtasidagi ijobiy aloqalarni yaratishga va mavjud bo'lgan konfliktlarni tezda hal qilishga qaratilgan. Bu kompaniya ochiq va erkin kommunikatsiya muhitini yaratish orqali xodimlar o'rtasidagi ishonchni oshiradi.

6. Korporativ madaniyat va brend imidji:

Kompaniyaning shaxslararo munosabatlar strategiyasi nafaqat ichki muhitga, balki tashqi brend imidjiga ham ta'sir qiladi. Netflix, Patagonia kabi kompaniyalar o'zining ijtimoiy va shaxsiy qiymatlarini xodimlar o'rtasidagi shaxslararo munosabatlar orqali targ'ib qilishadi.

Netflix kompaniyasi o'zining "freedom and responsibility" (erkinlik va mas'uliyat) madaniyatini rivojlantirishda shaxslararo munosabatlar va kommunikatsiyaning o'rnini yuqori baholaydi. Xodimlar o'rtasidagi ochiq va samimiy munosabatlar ularning kompaniyaga bo'lgan sadoqatini oshiradi va bu o'z navbatida kompaniyaning tashqi brend imidjini mustahkamlaydi.

**Xulosa**

Umuman olganda, shaxslararo munosabatlar inson resurslarini boshqarishning markaziy jihatidir. Tashkilotlar, xodimlar o'rtasidagi salbiy yoki ijobiy aloqalar natijasida katta farq qilishi mumkin. Agar shaxslararo munosabatlar sog'lom, ochiq va qo'llab-quvvatlovchi bo'lsa, bu tashkilotning umumiy ish samaradorligini oshiradi, jamoaviy ruhni mustahkamlaydi va xodimlarning o'zaro ishonchini kuchaytiradi. Demak, inson resurslarini boshqarishda shaxslararo munosabatlar — nafaqat ish muhitining sifatini, balki kompaniyaning muvaffaqiyatini belgilaydigan omil hisoblanadi.

Mashhur kompaniyalar shaxslararo munosabatlarga katta ahamiyat berishadi, chunki bu ularning muvaffaqiyatini ta'minlashda, xodimlarning motivatsiyasini oshirishda, innovatsiyalarni qo'llab-quvvatlashda va jamoaviy ruhni mustahkamlashda muhim rol o'ynaydi. Yaxshi shaxslararo munosabatlar nafaqat ichki ish muhitini yaxshilaydi, balki kompaniyaning tashqi brendini ham mustahkamlaydi va uning bozor raqobatbardoshligini oshiradi.

Inson resurslarini boshqarishda shaxslararo munosabatlar muvaffaqiyatli ish muhitini yaratishda, xodimlar o'rtasida hamkorlikni va jamoaviy ruhni shakllantirishda, shuningdek, tashkilotning umumiy samaradorligini oshirishda muhim rol o'ynaydi. Yaxshi shaxslararo munosabatlar nafaqat jamoaning ichki atmosferasini yaxshilaydi, balki xodimlarning motivatsiyasi, ishonchi va ishga bo'lgan sadoqatini ham oshiradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. "Organizational Behavior" by Stephen P. Robbins & Timothy A. Judge

Ushbu kitob inson resurslarini boshqarishda shaxslararo munosabatlar va jamoaviy ishlashni o'rganadi. Kitobda psixologik, ijtimoiy va kommunikatsion

faktorlarga asoslanib, ish muhitidagi munosabatlar va ularning ish samaradorligiga ta'siri tahlil qilinadi.

Nashr yili: 2020 (17-nashr)

2. "Human Resource Management" by Gary Dessler

Bu kitobda inson resurslarini boshqarishning barcha aspektlari, jumladan, shaxslararo munosabatlar va xodimlarning motivatsiyasi, boshqaruvi va jamoaviy ishlashga oid materiallar mavjud.

Nashr yili: 2020 (15-nashr)

3. "The Five Dysfunctions of a Team" by Patrick Lencioni. Lencioni jamoaviy ishlashdagi asosiy muammolarni va shaxslararo munosabatlardagi kamchiliklarni qanday bartaraf etish kerakligini tushuntiradi. Bu kitob jamoa rahbarlari va xodimlarga jamoaviy muammolarni hal qilishda yordam beradi. Nashr yili: 2002

**Abduvohidova Gulshan Akmalovna –** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti Menejment kafedrasi assistent-stajori

## HUDUDIY TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISHDA BIZNES INKUBATORLAR VA ULARNING ROLI

**Annotatsiya:** Maqolada biznes-inkubatorlarning tadbirkorlarni rivojlantirish va rag'batlantirishdagi roli asoslab berilgan. Biznes-inkubatorlar kichik va o'rta korxonalarga kirishga yordam beradi, innovatsiyalar va tadbirkorlarning resurslari, shuningdek, ularning ilmiy-tadqiqot va ishlanmalar sohasidagi imkoniyatlarini kengaytirish, raqobatbardosh bo'lish va iqtisodiy rivojlanishga ko'maklashish uchun yangi korxonalarni boshlash tushuniladi. Shuning uchun innovatsiya va tadbirkorlik inkubatorlarning ikkita asosiy vazifasi yoshlar biznes inkubatorlarini yaratishda hal qiluvchi rol o'ynaydi. So'nggi yigirma yil ichida inkubatorlar soni tez sur'atlar bilan o'sdi. Dunyo bo'ylab va har bir mintaqada inkubatsiya xizmatlari yoki kuchli iqtisodiyotni rivojlantirish yo'lidir. Hozirgi vaqtda muhim maqsad - bu yaratishdir. Xizmat ko'rsatish sifatini yaxshilash va inkubatsiya funktsiyalarini inkubatsiya qilish uchun yoshlar biznes inkubatorlari aniq. Ko'pgina tadqiqotlar shuni ko'rsatadi ish o'rinlarini yaratish uchun iqtisodiy rivojlanish vositalari, asosiy qiymat taklifi inkubatorlarga ham bog`liq. Bu yoshlar inkubatorlari yuqori mahsuldorlikka olib keladi, degan umumiy fikrda mujassamlangan. Kamroq biznesdagi uzilishlar bilan ko'proq startaplar yaratish zarur.

**Kalit so'zlar:** biznes inkubator, tadbirkorlik jarayoni, yoshlar biznesi inkubator, raqobatbardoshlik

**Abstract:** The role of business incubators in the development and promotion of entrepreneurs is explained in the article. Business incubators provide access to small and medium-sized enterprises, innovation and entrepreneurial resources, as well as to expand their research and development capabilities, to become competitive and to start new enterprises to promote economic development. Therefore, innovation and entrepreneurship, the two main tasks of incubators, play a decisive role in the creation of youth business incubators. In the last two decades, the number of

incubators has grown rapidly. Incubating services around the world and in every region is the way to develop a strong economy. An important goal now is to create. Youth business incubators are clear to improve the quality of service and to incubate the incubation functions. Many studies show that economic development tools for job creation, the main value proposition, also depend on incubators. This is embodied in the common belief that youth incubators lead to higher productivity. More startups need to be created with less business disruption.

**Key words:** business incubator, entrepreneurial process, youth business incubator, competitiveness.

**Аннотация:** В статье раскрыта роль бизнес-инкубаторов в развитии и продвижении предпринимателей. Бизнес-инкубаторы предоставляют доступ к малым и средним предприятиям, инновационным и предпринимательским ресурсам, а также расширяют их возможности в области исследований и разработок, чтобы стать конкурентоспособными и открывать новые предприятия для содействия экономическому развитию. Поэтому инновации и предпринимательство, две основные задачи инкубаторов, играют решающую роль в создании молодежных бизнес-инкубаторов. За последние два десятилетия количество инкубаторов быстро выросло. Инкубирование услуг по всему миру и в каждом регионе – это путь к развитию сильной экономики. Сейчас важной целью является созидание. Молодежные бизнес-инкубаторы призваны улучшить качество обслуживания и реализовать инкубационные функции. Многие исследования показывают, что инструменты экономического развития для создания рабочих мест, что является основным ценностным предложением, также зависят от инкубаторов. Это воплощено в распространенном убеждении, что молодежные инкубаторы ведут к более высокой производительности. Необходимо создавать больше стартапов с меньшими нарушениями в бизнесе.

**Ключевые слова:** бизнес-инкубатор, предпринимательский процесс, молодежный бизнес-инкубатор, конкурентоспособность.

Yurtboshimiz Shavkat Mirziyoyev yurtimizda agroklasterlar barpo etish masalasi g‘oyasini ilgari surgan edi. Hozirgi kunda klasterlarni tashkil qilish va faoliyatini yuritish borasida asosiy ishlar amalga oshirilib, ular soni 800 tadan oshdi. Olim va mutaxassislarning ko‘pchiligi bu yo‘lni tanlashmoqda. Iqtisodiyotni rivojlantirishda kichik biznesning rolini oshirish tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash, yangi ish o‘rinlari yaratish, innovatsiyalar va inklyuziv o‘sishni rivojlantirishning muhim strategiyasidir

**Biznes inkubator** — kichik va o‘rta biznesni yuritish malakalari berish va tadbirkorlik madaniyatini tarbiyalash bilan shugullanadigan ixtisoslashgan muassasa. Biznes inkubator, asosan, xo‘jalik yurituvchi sub’yektlarga dastlabki faoliyatida bozor iqgisodiyoti bo‘yicha zarur bilimlarni o‘rgatish, biznes reja tuzish, mablag‘lar topish, xalqarr grantlar olishda ko‘maklashish, tadbirkorlik g‘oyalarini amaliy loyihalarga aylantirish va joriy etish, shuningdek kichik va o‘rta korxonalarga menejment va marketing xizmatlari, tashkiliy, texnikaviy, iqtisodiy yo‘sindagi xizmatlar ko‘rsatish kabi vazifalarni bajaradi. Biznes inkubator

tadbirkorlik malakalarini rivojlantirish va mahalliy ishbilarmonlarni, shu jumladan yoshlar, ayollar va aholining boshqa guruhlarini xalq xo‘jaligiga jalb etishni kuchaytirish muammolarini yechishga xizmat ko‘rsatadi. Biznes inkubator faoliyat turiga ko‘ra korxona inkubatorlari, tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash markazlari, innovatsiya va menejment markazlariga bo‘linadi. Dastlabki Biznes inkubator lar 20-asrning 70 —80 yil lari da AQSH da paydo bo‘ldi. Keyinchalik jahondagi boshqa mamlakatlarda ham keng tarqala boshladi. Hozirgi paytda dunyo bo‘yicha 2000 dan ortiq yirik Biznes inkubator lar ish olib boradi. O‘zbekistonda birinchi Biznes inkubator 1995-yilda BMTning YUNISKO tashkiloti va Ozbekiston Respublikasi Davlat mulk qo‘mitasining hamkorliqdagi "O‘zbekistonda biznes inkubatorlar tarmog‘ini shakllantirish va rivojlantirish" loyihasi asosida tashkil etildi. Biznes inkubatorlari yangi tadbirkorlarni qo‘llab-quvvatlash va ularga biznesni rivojlantirishda yordam berish maqsadida tashkil etilgan tuzilmalar. Ular yangi boshlovchi tadbirkorlarga o‘z g‘oyalarini amalga oshirishda kerakli resurslar, bilim va ko‘nikmalarni taqdim etadi. Biznes inkubatorlarining asosiy vazifalari va ularning hududda tadbirkorlikni rivojlantirishdagi roli quyidagilardan iborat:

**1. Ta'lim va trening**. Biznes inkubatorlari tadbirkorlarga biznes yuritish, marketing, moliya va boshqaruv kabi sohalarda ta'lim beradi. Bu treninglar yangi tadbirkorlarning bilim darajasini oshiradi va ularga muvaffaqiyatli biznes yaratishga yordam beradi.

**2. Resurslar bilan ta'minlash**. Inkubatorlar tadbirkorlarga ofis joylari, texnologik infratuzilma, kompyuter va boshqa zarur jihozlar bilan ta'minlaydi. Bu resurslar yangi biznesning boshlanishida katta yordam beradi.

**3. Mentorluk va tarmoq yaratish**. Biznes inkubatorlari tajribali mutaxassislar va mentorlar bilan aloqalar o‘rnatishga yordam beradi. Bu esa yangi tadbirkorlarga o‘z g‘oyalarini yanada rivojlantirishda va muvaffaqiyatli biznes modeli yaratishda yordam beradi.

**4. Moliyaviy qo‘llab-quvvatlash**. Ba'zi inkubatorlar investorlar bilan aloqalar o‘rnatishga yordam beradi yoki o‘zlari moliyaviy yordam ko‘rsatishi mumkin. Bu yangi tadbirkorlarning dastlabki bosqichda moliyaviy qiyinchiliklardan qochishlariga yordam beradi.

**5. Innovatsiyalarni rag‘batlantirish**. Biznes inkubatorlari innovatsion g‘oyalarni qo‘llab-quvvatlaydi va yangi texnologiyalarni joriy etishga yordam beradi. Bu esa hududda iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantiradi.

**6. Tadbirkorlik madaniyatini shakllantirish**. Biznes inkubatorlari tadbirkorlik madaniyatini rivojlantirishga xizmat qiladi. Ular yoshlarni tadbirkorlikka jalb qilish, ularning ijodkorligini rag‘batlantirish va muvaffaqiyatli tadbirkorlar misolida ilhomlantirishga yordam beradi.

**7. Ijtimoiy mas'uliyat.** Ko‘plab inkubatorlar ijtimoiy mas'uliyatni ham o‘z zimmasiga oladi, ya'ni ular mahalliy jamoalarga yordam berish, ijtimoiy muammolarni hal qilish va barqaror rivojlanishni ta'minlashga intiladi.

Biznes inkubatorlari hududda tadbirkorlikni rivojlantirishda muhim rol o‘ynaydi. Ular yangi g‘oyalarni amalga oshirish, innovatsiyalarni rag‘batlantirish va iqtisodiy o‘sishni ta'minlashda tadbirkorlarga zarur yordam ko‘rsatadi. Shu sababli, ularning faoliyati hududning iqtisodiy rivojlanishi uchun juda muhimdir.

Biznes inkubatorlari tadbirkorlik muhitini yaxshilash va yangi g‘oyalarni amalga oshirish uchun zarur bo‘lgan resurslar va qo‘llab-quvvatlashni taqdim etuvchi muhim tuzilmalar hisoblanadi. Ular yangi tadbirkorlarni rivojlantirish, innovatsiyalarni rag‘batlantirish va iqtisodiy o‘sishni ta'minlashda muhim rol o‘ynaydi. **Ishbilarmonlik va investitsiya muhitini yaxshilash sohasida** – tadbirkorlik faoliyati sohasi qonunchiligini yanada takomillashtirish, tadbirkorlik sub'yektlarini ishbilarmonlik muhitini yanada yaxshilash, tadbirkorlik faoliyati sohasida qabul qilingan me'yoriy-huquqiy hujjatlarning amaliyotga joriy etilishi ustidan jamoat ekspertizasini tashkil etish va jamoat nazoratini kuchaytirishga keng jalb qilish, jumladan:

- tadbirkorlik faoliyatini rivojlantirish, qulay ishbilarmonlik muhiti va investitsiya muhitini shakllantirish bo‘yicha davlat dasturlari, shuningdek, hududlarni kompleks rivojlantirish dasturlarini ishlab chiqishda ishtirok etish;
- tadbirkorlik sub'yektlarini ishbilarmonlik muhiti holatini yanada yaxshilash bo‘yicha chora-tadbirlar ishlab chiqishga keng jalb qilish, tadbirkorlik tuzilmalari bilan birgalikda me'yoriy-huquqiy hujjatlar loyihalarining jamoatchilik ekspertizasini, jumladan, sanoat, transport, qurilish, moliya, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari, savdo va xizmatlar, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlash va boshqa sohalar bo‘yicha ekspert kengashlarini tashkil etish orqali tashkil etish;
- tadbirkorlik sub'yektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlari kafolatlarini mustahkamlash, ularning rivojlanishini rag‘batlantirishni kuchaytirishga qaratilgan qonunchilikni takomillashtirish bo‘yicha takliflar tayyorlash;
- respublikamiz tumanlari (shaharlari), viloyatlari kesimida joylardagi ishbilarmonlik muhitining holati hamda qonunchilikdagi me'yorlar va talablarning amalga oshirilishi natijalari bo‘yicha har chorakda tahlil o‘tkazish hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Devoni, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi va boshqa vakolatli organlarga ularni yaxshilash bo‘yicha tahliliy materiallar va takliflarni taqdim etish talab va takliflari berildi.

**Xulosa va takliflar**

Biznes inkubatorlari hududda tadbirkorlikni rivojlantirishda muhim vositalardir. Ular yangi g‘oyalarni amalga oshirish, innovatsiyalarni rag‘batlantirish va iqtisodiy o‘sishni ta'minlashda yordam beradi. Bu inkubatorlar orqali tadbirkorlar o‘z faoliyatlarini muvaffaqiyatli boshlashlari va rivojlantirishlari uchun zarur bo‘lgan barcha resurslarga ega bo‘ladilar.

- Mahalliy hukumat va tashkilotlar tomonidan yangi inkubatorlarni ochish va mavjudlarini kengaytirish, shuningdek, ularning infratuzilmasini yaxshilashga e'tibor qaratish.
- Yangi tadbirkorlarni qo‘llab-quvvatlash uchun grantlar, subsidiyalar va investitsiya dasturlarini yaratish.
- Inkubatorlar o‘rtasida hamkorlikni kuchaytirish va tajribalarni almashish uchun seminarlar, konferensiyalar va boshqa tadbirlarni tashkil etish.
- Inkubatorlar orqali ijtimoiy mas'uliyat loyihalarini amalga oshirish, bu esa mahalliy jamoalarga ijobiy ta'sir ko‘rsatishi mumkin.
- Tadqiqot institutlari, universitetlar va biznes inkubatorlari o‘rtasida hamkorlikni

rivojlantirish, bu esa innovatsiyalarni yanada rag‘batlantiradi.

Ushbu takliflarni amalga oshirish orqali hududda tadbirkorlik muhitini yanada yaxshilash, innovatsiyalarni rag‘batlantirish va iqtisodiy o‘sishni ta'minlash mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Tormysheva T. A. Razvitiye biznes-inkubatorov v usloviyakh postroyeniya rossijskoj innovatsionnoj ekonomiki [Development of business incubators in the conditions of creation of the Russian innovative economy]: avtoref. dis. … kand. ekon. nauk. M., 2013.

2. Tormysheva T. A. Rol' biznes-inkubatorov v innovatsionnom razvitii Rossii [Role of business incuba tors in innovative development of Russia]. URL: http//www.rair-info.ru PUBLIKATSII RAIR.

3. Ioda E. V., Ioda Yu. V. Formirovaniye innovatsionnoj infrastruktury v regione: podkhody k resheniyu «starykh» problem [Formation of innovative infrastructure in the region: approaches to the solution of «old» problems] // Vestnik Samarskogo munitsipal'nogo instituta upravleniya, 2015. № 2. S. 45-55.

4. Chep'yuk O. R. Studencheskij biznes-inkubator kak chast' innovatsionnoj sistemy universiteta [Student's business incubator as part of innovative system of the uni versity] // Innovatsii № 6 (188), 2014, S. 21-24.

5. Ioda E. V., Kuznetsova E. Yu. Malye innovatsionnye predpriyatiya na baze vuzov kak instrument razvitiya innovatsionnoj ekonomiki [The small innovative enterprises on the basis of higher education institutions as the instrument of development of innovative economy] // Sotsial'no-ekono-micheskiye yavleniya i protsessy. 2015. T. 10. № 11. S. 29-33.

6. O‘zME. Birinchi jild. Toshkent, 2000-yil

**Abduvohidova Gulshan Akmalovna** - SamISI,Menejment kafedrasi assistant stajyori

## XIZMAT KO‘RSATISH SOHASIDA INTELLEKTUAL RESURSLARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH

- Kholieva, A. (2024). The Role of Digital Marketing in Revolutionizing the Tourism Industry of Uzbekistan. *Innovative Development in Educational Activities*, 3, 51–56. Retrieved from dtai.tsue.uz

- Koutroumpis, P. (2009). The economic impact of broadband on growth: A simultaneous approach. *Telecommunications Policy*, 33(9), 471-485. DOI: 10.1016/j.telpol.2009.07.004

- Ogunmola, G. A. (2024). Exploring the Impact of Digital Transformation on Economic Sustainability in Uzbekistan: Opportunities and Implications. *Journal of Business and Econometrics Studies*, 1(5), 1–14. Retrieved from oaskpublishers.com

- Petreski, M., Tanevski, S., & Stojmenovska, I. (2024). Employment, Labor Productivity and Environmental Sustainability: Firm-Level Evidence from Transition Economies. *Business Strategy & Development*, 7, e347. DOI: 10.1002/bsd2.135

- Petticrew, M., & Roberts, H. (2006). *Systematic Reviews in the Social Sciences: A Practical Guide*. John Wiley & Sons. DOI: 10.1002/9780470754887

- Qiang, C. Z.-W., Rossotto, C. M., & Kimura, K. (2009). Economic impacts of broadband. *World Bank Group*. DOI: 10.1596/978-0-8213-8041-3

- Sayfulina, A. F. (2024). Assessment of the State of Development of Digital Infrastructure in the Regions of Uzbekistan. *International Finance and Accounting*, 8, 1–10. Retrieved from interfinance.tfi.uz

- scientists.uz. (2023). *Digital Tools and Agricultural Productivity in Uzbekistan*. Retrieved from https://scientists.uz

**Reports:**

- Asian Development Bank (ADB). (2023). *Disruptive Digital Technology and Economic Growth in Uzbekistan*. DOI: 10.22617/FMR220238-2

- DataReportal. (2024). *Digital 2024: Uzbekistan*. Retrieved from https://datareportal.com/reports/digital-2024-uzbekistan

- International Telecommunication Union (ITU). (2023). *Measuring Digital Development: Facts and Figures*. DOI: 10.18356/9789210047054

- Ookla. (2024). *How RTMC Used Ookla's Data Services to Empower Uzbekistan's Digital Transformation*. Retrieved from https://www.ookla.com/articles/rtmc-case-study-q3-2024

- United Nations. (2020). *E-Government Survey 2020: Digital Government in the Decade of Action for Sustainable Development*. United Nations Publications. DOI: 10.18356/9789210052880

- Uzbekistan Ministry of Digital Economy. (2022). *Digital Uzbekistan 2030*. Retrieved from https://minfin.uz

- Uzbekistan Ministry of Digital Economy. (2024). *Annual Report on Digital Transformation*. Retrieved from https://minfin.uz

- World Bank. (2023). *Uzbekistan Digital Inclusion Project (P179108)*. Retrieved from documents.worldbank.org



**Gapparov Bexzod Nematillaevich -** Jizzax politexnika instituti katta o'qituvchisi
Email: bexzodgapparov132@gmail.com, Tel: +998 (99) 556-06-50
**Narzullayev Dilshod Yusuf o'g'li -** Jizzax politexnika instituti 1-bosqich talabasi
Email: narzullayevdilshod06@gmail.com, Tel: +998 (93) 193-07-56


## JIZZAX VILOYATI MISOLIDA INNOVATSION RIVOJLANISH VA EKOLOGIK INNOVATSIYALARNING AHAMIYATI


**Annotatsiya:** *Ushbu maqola Jizzax viloyatida innovatsion rivojlanish va ekologik innovatsiyalarning ahamiyatini tahlil qiladi. Innovatsion texnologiyalarni joriy etish va ekologik masalalarga yechimlar topish orqali viloyatning iqtisodiy o'sishi, ijtimoiy barqarorligi va aholi farovonligini oshirish imkoniyatlari ko'rib chiqiladi. Maqolada texnologik innovatsiyalar, qayta tiklanadigan energiya manbalari, chiqindilarni qayta ishlash va ekologik ta'lim kabi asosiy yo'nalishlar tahlil qilinadi. Shuningdek, davlat siyosati va xususiy sektor o'rtasidagi hamkorlikning ahamiyati ta'kidlanadi.*



**Kalit so'zlar:** *innovatsion rivojlanish, ekologik innovatsiyalar, Jizzax viloyati, qayta tiklanadigan energiya, tadbirkorlik, ekologik ta'lim, ijtimoiy barqarorlik.*



**Аннотация:** *В данной статье анализируется значение инновационного развития и экологических инноваций в Джизакской области. Будут рассмотрены возможности повышения экономического роста, социальной стабильности и благосостояния населения региона за счет внедрения инновационных технологий и поиска решений экологических проблем. В статье анализируются такие ключевые области, как технологические инновации, возобновляемые источники энергии, переработка отходов и*

*экологическое образование. Также подчеркивается важность сотрудничества государственной политики и частного сектора.*

**Ключевые слова:** *инновационное развитие, экологические инновации, Джизакская область, возобновляемые источники энергии, предпринимательство, экологическое образование, социальная стабильность.*

**Abstract:** *This article analyzes the importance of innovative development and environmental innovation in Jizzakh region. Opportunities to increase the economic growth, social stability and well-being of the population of the region will be considered by introducing innovative technologies and finding solutions to environmental issues. The article analyzes key areas such as technological innovation, renewable energy sources, waste treatment and environmental education. The importance of cooperation between public policy and the private sector is also emphasized.*

**Keywords:** *innovative development, environmental innovation, Jizzakh region, renewable energy, entrepreneurship, environmental education, social stability.*

Jizzax viloyati misolida innovatsion rivojlanish va ekologik innovatsiyalar juda muhim ahamiyatga ega. Ushbu jarayonlar viloyatning iqtisodiy barqarorligini ta’minlash, ekologik muammolarni hal etish va aholi farovonligini oshirishda muhim rol o‘ynaydi.

Jizzax viloyati innovatsion rivojlanish va ekologik innovatsiyalarni amalga oshirish uchun ko‘plab imkoniyatlarga ega. Keling, har bir yo‘nalishni batafsilroq ko‘rib chiqamiz.

Birinchidan, innovatsion rivojlanish yo‘nalishida:

a) Texnologik innovatsiyalar: Viloyatda zamonaviy texnologiyalarni joriy etish, masalan, avtomatlashtirilgan ishlab chiqarish tizimlari, raqamli platformalar va IoT (Internet of Things) yechimlari orqali ishlab chiqarish jarayonlarini takomillashtirish mumkin. Bu, ishlab chiqarish samaradorligini oshiradi va xarajatlarni kamaytiradi.

b) Tadbirkorlikni rivojlantirish: Innovatsion startaplar va kichik bizneslarni qo‘llab-quvvatlash orqali yangi ish o‘rinlari yaratilishi mumkin. Jizzaxda innovatsion inkubatorlar va tadbirkorlik markazlari ochish, mahalliy tadbirkorlarga maslahat va resurslar taqdim etish muhim ahamiyatga ega.

c) Ta’lim va ilmiy tadqiqotlar: Oliy ta’lim muassasalari va ilmiy tadqiqot institutlarini rivojlantirish orqali yoshlar uchun innovatsion g‘oyalarni amalga oshirish imkoniyatlarini yaratish zarur. Jizzaxda texnologik va ilmiy tadqiqotlar olib borish uchun zarur infratuzilma yaratish muhimdir.

Ikkinchidan, ekologik innovatsiyalar yo‘nalishida:

a) Qayta tiklanadigan energiya manbalari: Jizzax viloyati quyosh va shamol energiyasi kabi qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanishni rivojlantirish imkoniyatiga ega. Bunday energiya manbalari chiqindilarni kamaytiradi va energiya xavfsizligini ta’minlaydi.

b) Qayta ishlash tizimlari: Chiqindilarni qayta ishlash va resurslardan samarali foydalanish uchun yangi texnologiyalar joriy etilishi lozim. Bu, atrof-

muhitni muhofaza qilish va tabiiy resurslardan foydalanishni optimallashtirishga yordam beradi.

c) Ekologik ta’lim: Aholini ekologik masalalar bo‘yicha xabardor qilish va ularni yashil iqtisodiyotga jalb qilish muhimdir. Ekologik ta’lim dasturlari va seminarlar orqali yoshlarni va umuman aholini ekologik innovatsiyalar haqida ma’lumot berish zarur.

Uchinchidan, ahli farovonligini oshirish yo‘nalishida:

a) Sog‘liqni saqlash: Ekologik innovatsiyalar orqali sog‘liqni saqlash tizimini yaxshilash mumkin. Masalan, toza havoni ta’minlash va chiqindilarni kamaytirish orqali aholining sog‘lig‘ini himoya qilish.

b) Ijtimoiy barqarorlik: Innovatsion rivojlanish va ekologik tadbirlar ijtimoiy muammolarni hal etishda yordam beradi. Masalan, yangi ish o‘rinlari yaratish orqali aholi bandligini oshirish va iqtisodiy farovonlikni ta’minlash.

To‘rtichidan, mahalliy va davlat siyosati yo‘nalishida:

a) Qo‘llab-quvvatlovchi siyosat: Davlat va mahalliy hokimiyat organlari innovatsion va ekologik rivojlanishni qo‘llab-quvvatlash uchun yondashuvlarni ishlab chiqishi lozim. Bu, moliyaviy yordamlar, subsidiyalar va investitsiyalar orqali amalga oshirilishi mumkin.

b) Hamkorlik: Xususiy sektor, davlat va jamoat tashkilotlari o‘rtasida hamkorlikni mustahkamlash, innovatsion loyihalarni amalga oshirishda muhimdir.

Umuman olganda, Jizzax viloyati innovatsion rivojlanish va ekologik innovatsiyalarni birlashtirish orqali iqtisodiy va ijtimoiy o‘sishni ta’minlash imkoniyatiga ega. Bularning barchasi viloyatning barqaror va rivojlangan kelajagini yaratishga xizmat qiladi.

Yakuniy xulosa qiladigan bo‘lsak, Jizzax viloyatida innovatsion rivojlanish va ekologik innovatsiyalarni joriy etish, viloyatning iqtisodiy va ijtimoiy barqarorligini ta’minlashda muhim ahamiyatga ega. Innovatsion texnologiyalarni qo‘llash, qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanish va chiqindilarni samarali qayta ishlash orqali tabiiy muhitni muhofaza qilish mumkin. Shuningdek, aholini ekologik masalalar bo‘yicha xabardor qilish va innovatsion loyihalarda ishtirokini oshirish ijtimoiy barqarorlikni ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Davlat va xususiy sektor o‘rtasidagi hamkorlik bu jarayonlarni tezlashtirishga yordam beradi, natijada Jizzax viloyatining barqaror va rivojlangan kelajagini ta’minlash mumkin bo‘ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. R.Xudoyberganov, "Jizzax viloyatida ta’lim tizimini rivojlantirish". Jizzax: Jizzax davlat pedagogika instituti. 2019 yil. 55-70 betlar.

2. S.Kamalov, "Innovatsion iqtisodiyot va uning asosiy tamoyillari". Tashkent: O‘zbekiston milliy universiteti. 2020 yil. 25-40 betilar.

3. U.Saidov, "O‘zbekistonda ekologik muammolar va ularning yechimi". Tashkent: Fan va texnologiya. 2021 yil. 120-130 betlar.

4. A.Aliyev, "Qayta tiklanadigan energiya manbalari: istiqbollar va imkoniyatlar". Jizzax: Jizzax viloyati ekologiya departamenti. 2022 yil. 80-95 betlar.

5. J.A.Qosimov, M.A.Aynaqulov, B.N.Gapparov, A.Ya.Xatamov, B.B.Xudoyberdiev Development of methods for improving the lessons of information technology on the basis of graphic programs //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing, 2022. – Т. 2432. – №. 1.

**Babaxanov Djamoliddin Yandirovich -** Namangan muhandislik-texnologiya instituti mustaqil tadqiqotchisi, Tel: 98 707 20 50

## INNOVATSION INFRATUZILMANI TAKOMILLASHTIRISH ORQALI KICHIK BIZNESNI RIVOJLANTIRISH

**Annotatsiya.** Maqola kichik biznesning iqtisodiyotdagi o‘rni va uning innovatsion rivojlanishdagi ahamiyatini tahlil etilgan. Unda kichik biznes nafaqat bandlik masalalarini hal qilishda muhim sub’ekt sifatida qaralgan, balki mamlakatning barqaror rivojlanishini ta’minlashga qaratilgan davlat iqtisodiy siyosatining asosiy qismi ekanligi ta’kidlangan. Shuningdek, maqola innovatsion infratuzilmaning muhim elementlari sifatida texnopark va biznes-inkubatorlarning ahamiyatiga e’tibor qaratilgan.

**Kalit so‘zlar:** kichik biznes, innovatsion rivojlanish, innovatsion infratuzilma, ilmiy-tadqiqot faoliyati, texnoparklar, biznes-inkubatorlar, startaplar

**Аннотация.** В статье анализируется роль малого бизнеса в экономике и его значение для инновационного развития. Малый бизнес рассматривается не только как важный субъект в решении вопросов занятости, но и как ключевая часть государственной экономической политики, направленной на обеспечение устойчивого развития страны. Кроме того, в статье подчеркивается важность таких элементов инновационной инфраструктуры, как технопарки и бизнес-инкубаторы.

**Ключевые слова:** малый бизнес, инновационное развитие, инновационная инфраструктура, научно-исследовательская деятельность, технопарки, бизнес-инкубаторы, стартапы.

**Annotation.** The article analyzes the role of small business in the economy and its importance for innovative development. Small business is considered not only as a key player in addressing employment issues but also as an essential part of government economic policy aimed at ensuring the sustainable development of the country. Additionally, the article highlights the significance of such elements of innovation infrastructure as technoparks and business incubators.

**Keywords:** small business, innovative development, innovation infrastructure, research activities, technoparks, business incubators, startups.

Kichik biznes nafaqat iqtisodiyotda muhim o‘rin tutishi shu bilan bir qatorda, o‘zini-o‘zi bandlik masalasini ta’minlovchi muhim sub’ekt hisoblanadi. Shu munosabat bilan ishlab chiqarish va tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash mamlakatning barqaror rivojlanishini ta’minlashga qaratilgan davlat iqtisodiy siyosatining belgilovchi vazifasidir [1].

Tadbirkorlik va uning rivojlanishi aholining iqtisodiy faolligini, shuningdek, mamlakat iqtisodiyotining innovatsion salohiyatini, milliy iqtisodiyotning alohida

tarmoqlarini va butun iqtisodiyotni modernizatsiya qilish istiqbollarini aks ettiradi. Tadbirkorlikning hal qiluvchi roli ishlab chiqarish-xo‘jalik faoliyatini rag‘batlantirish, tadbirkorlik sub’ektlarini, ayniqsa, yangi tashkil etilgan korxonalarni qo‘llab-quvvatlash choralarini ko‘rishga majbur qiladi [2].

AQShda kichik va biznes sub’ektlarini ilmiy-tadqiqot faoliyati, yangi ilmiy hajmdor mahsulot namunalarini ishlab chiqish va yaratishda faol ishtirok etmoqda [3]. Ixtiro va innovatsiyalarning asosiy qismi ham ta’lim muassasalari, ham yirik korporatsiyalar bilan hamkorlik qiluvchi kichik va biznesga to‘g‘ri keladi .

Kichik biznesni innovatsion rivojlantirish infratuzilmasining asosiy elementlaridan biri texnoparklar va biznes-inkubatorlar kabi qo‘llab-quvvatlash shakllari hisoblanadi. Texnopark - bu ilmiy-texnikaviy ishlanmalarni ishlab chiqish va tijoratlashtirish, ishlab chiqarishga joriy etish, kichik va o‘rta innovatsion firmalar uchun qulay muhit yaratishga qaratilgan ilmiy-ishlab chiqarish majmuasidir. Biznes-inkubator - bu biznes g‘oyani shakllantirishdan tortib uni amalga oshirish va amalga oshirishgacha bo‘lgan butun jarayonni o‘z ichiga olgan holda, intiluvchan tadbirkorlarning startaplarini qo‘llab-quvvatlash va qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan kompleks yoki tashkilot. Shimoli-g‘arbiy mintaqadagi eng yirik biznes inkubatorlardan biri Ingriada 38 ta kompaniya, 17 ta universitet va 21 ta texnoparklar bilan biznes aloqalarini o‘rnatgan.

Innovatsion faoliyat doirasida innovatsion g‘oyalarni yaratuvchidan ishlab chiquvchichiga o‘tkazish mexanizmi nazarda tutilishi kerak. Texnoparklar va biznes-inkubatorlarning asosiy afzalligi tadqiqot faoliyati va tadbirkorlikni birlashtirish imkoniyatlarini kengaytirish bilan birga innovatsion infratuzilma saradorligi oshiradi [4].




**1-rasm. Tadbirkorlikni qo‘llab-quvvatlash infratuzilmasi orqali biznes g‘oyani amalga oshirish sxemasi**[78]

Kichik biznesda innovatsion tadbirkorlik, ayniqsa ilmiy hajmdor mahsulot ishlab chiqarishni rivojlantirish jarayoni, tegishli qo‘llab-quvvatlash institutlari va dasturlari yordamida amalga oshiriladigan bir necha asosiy bosqichlarni o‘z ichiga oladi (1-rasm).

[78] Муаллиф ишланмаси

Ilmiy-texnika taraqqiyotining hozirgi bosqichidagi innovatsion faoliyat ilmiy-texnikaviy g‘oyalar, ixtirolar va ishlanmalarni ishlab chiqarishda amaliy foydalanishga yo‘naltirishga qaratilgan [5]. Eng yaxni innovatsion g‘oyalar, ixtirolar va innovatsiyalarga bo‘lgan talab mavjud va uni amalga oshirish uchun innovatsion infratuzilma imkoniyatlari kengaymoqda.

Har bir korxona u taqdim etgan imkoniyatdan turli ob’ektiv va sub’ektiv sabablarga ko‘ra amalga oshma qolish extimoli mavjud. Innovatsion g‘oya nafaqat ishlab chiqilishi va ishlab chiqarishga tadbiq etilishida loyihani tijoratlashtirish imkoniyatiga ega bo‘lishi kerak [6]. Bu esa raqobatdan holi bo‘lish imkoniyatlari keltirish chiqarish ehtimoli ham mavjud bo‘lishi mumkin.

Innovatsion faoliyat bir martalik hodisa emas. Takomillashtirish va rivojlantirish ayniqsa tijoratlashtirish jarayonlari yiklda bo‘lishi kerak. Shuning uchun innovatsion faoliyatni korxonaning dinamik iqtisodiy rivojlanishining asosi sifatida ko‘rib chiqish kerak. Bunday innovatsion faoliyatning asosini korxonaning ilg‘or innovatsion rivojlanish strategiyasi tashkil etadi. Shuning uchun korxonada innovatsion faoliyatni rejalashtirishda quyidagi omillarni hisobga olish kerak:

− taklif etilayotgan innovatsiyalarning asosiyligi;

− korxonaning innovatsiyalarni joriy etishga etishga tayyorligi;

− innovatsiyalarni joriy etishda yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan qiyinchiliklar;

− innovatsion jarayonning tabiati;

− innovatsion jarayonda mahalliy, shu jumladan o‘zimizning ilmiy-texnikaviy ishlanmalar va uskunalardan foydalanishning ustuvorlik berish darajasiga e’tibor qaratish;

− korxonaning yetakchi ilmiy-tadqiqot, konstruktorlik va loyihalash tashkilotlari bilan munosabatlarining tabiati va ularni ko‘p qirrali kengaytirish imkoniyati.

**Ilmiy-nazariy va amaliy ahamiyatga molik takliflar va tavsiyalar.**

Masalaning bir tomoni shundagi ko‘p hollarda korxona innovatsion mahsulot yaratishni yoki bo‘lmasam ilmiy faoliyat olib borayotgan jismoniy shaxs tomonidan taqdim etilayotgan innovatsion g‘oya iqtisodiy samara berishni kafolatlashda smeta xarajatlarini to‘g‘ri taqsimlay olmaslik natijasida loyihalar pasport tayyorlangan holda amaliyotga joriy etilmay va moliyalashtirishda asoslay olmaslik holatlari ko‘p uchrab turadi. Shu nuqtai nazardan ishlab chiqarish va ta’lim o‘rtasida kuchli integratsion jarayonni yo‘lga qo‘yish uchun xuquqiy asos hamda me’zon yaratish lozim.

Integratsion jarayonni mustaxkamlashda ishlab chiqarish va ta’lim o‘rtasida uzviylik aloqalarini o‘rnatishda biznes inkubator, tajoratlashtirish va texno parklarga asos solish tizimlar faoliyati ham yo‘lga qo‘yish zarur.

Yuqorida tavsiya etlayotgan takomillashtirish tizim umumiy holatda innovatsion infratuzilma imkonyaitlarinit kengaytirisha asos bo‘lib hizmat qiladi. Bu ayniqsa kichik biznes sub’ektlarini innovatsion inrftuzilma imkoniyatlaridan foydalanish ko‘proq samara beradi chunki kichik biznes sub’ektalari innovatsiya bozor infratuzilmaga tez moslashuvchan bo‘ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Aharoni Y. The role of small firms in an interdependent world. InStanding

on the Shoulders of International Business Giants 2024 (pp. 237-261).

2. Kraus S, Mahto RV, Walsh ST. The importance of literature reviews in small business and entrepreneurship research. Journal of small business management. 2023 May 4;61(3):1095-106.

3. Çetindamar D. Benchmarking the Turkish business incubators: supporting innovation through innovative infrastructures. InPICMET'07-2007 Portland International Conference on Management of Engineering & Technology 2007 Aug 5 (pp. 1328-1335). IEEE.

4. Cakula S, Jakobsone A, Motejlek J. Virtual business support infrastructure for entrepreneurs. Procedia Computer Science. 2013 Jan 1;25:281-8.

5. Savin I, Chukavina K, Pushkarev A. Topic-based classification and identification of global trends for startup companies. Small Business Economics. 2023 Feb;60(2):659-89.

6. Bessen JE, Impink SM, Reichensperger L, Seamans R. The business of AI startups. Boston Univ. School of Law, Law and Economics Research Paper. 2023 Jul 25(18-28).

**Fayzullayeva Zarnigor Ilxom qizi** - Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat universiteti Inson resurslari va mahalla taraqqiyotini boshqarish instituti 1-bosqich magistranti, Tel: +998949875222, e-mail: zarnigorfayzullayeva5222@gmail.com

## XIZMAT KO‘RSATISH KORXONALARINING IQTISODIY SALOHIYATINI OSHIRISHDA INNOVATSIYANING O‘RNI VA AHAMIYATI

**Annotatsiya:** Xizmat ko‘rsatish sohasining jadal rivojlanishi iqtisodiyotni zamonaviy qayta qurish ishlarini muvaffaqiyatli yakunlashning ajralmas qismidir. Ko‘pgina xizmat ko‘rsatish sohalari kelajakda iqtisodiyotning faoliyat yuritishi uchun muhim ahamiyatga ega bo‘lib, mamlakatning ilmiy-texnikaviy va ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishining harakatlantiruvchi kuchiga aylandi. Bu eng avvalo fan va ilmiy xizmatlar, ta’lim, sog‘liqni saqlash, madaniyat va san’at, axborot xizmatlari va boshqalarni rivojlantirishdir.

**Kalit so‘zlar:** Innovatsiya, resurs, potensial, Brundtland komissiyasi, rentabellik.

**Аннотация:** Бурное развитие сферы услуг является неотъемлемой частью успешного завершения современной реконструкции экономики. Многие сферы услуг имеют важное значение для функционирования экономики в будущем и стали движущей силой научно-технического и социально-экономического развития страны. Прежде всего, это развитие науки и научных услуг, образования, здравоохранения, культуры и искусства, информационных услуг и т.д.

**Ключевые слова:** Инновация, ресурс, потенциал, комиссия Брундтланд, рентабельность.

**Abstract:** The rapid development of the service sector is an integral part of the successful completion of the modern reconstruction of the economy. Many

service sectors are important for the functioning of the economy in the future and have become the driving force of the country's scientific-technical and socio-economic development. First of all, this is the development of science and scientific services, education, health care, culture and art, information services, etc.

**Key words:** Innovation, resource, potential, Brundtland Commission, profitability.

Bugungi kunda xizmatlar sektori ko‘plab mamlakatlarda iqtisodiyotning yetakchi tarmoqlaridan biriga aylangan bo‘lib, ushbu sohada innovatsiyalarni joriy etish uning rivojlanishini jadallashtirishda hal qiluvchi ahamiyat kasb etadi. Mamlakatimizda ham bu borada ko‘plab ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, “O‘zbekiston — 2030” strategiyasi Yangi O‘zbekistonni rivojlantirish yo‘lida qator vazifalarni belgilab berdi. “Hududlarda xizmat ko‘rsatish va servis sohalarini rivojlantirish orqali xizmat ko‘rsatish hajmini 3 baravarga oshirish. O‘rta va yirik shaharlar hamda aholisi 300 mingdan ko‘p bo‘lgan tumanlarda zamonaviy bozor xizmatlari, IT, ta’lim, tibbiyot, yuridik, san’at, turizm, mehmonxona va umumiy ovqatlanish hamda transport xizmatlarini rivojlantirish”[79].

"Innovatsiya" (ingliz tilidan innovation) atamasi iqtisodchilar tomonidan madaniyatshunos olimlardan olingan va XX asr boshlarida terminologik muomalaga kiritilgan. Innovatsiya — ilmiy va intellektual faoliyat natijasi bo‘lib, uni qo‘llash xizmat ko‘rsatishdagi tashkiliy, boshqaruv, xizmat ko‘rsatish va texnologik munosabatlarda sezilarli o‘zgarishlarga olib keladi.

Xizmat ko‘rsatish sohasi ko‘plab funksiyalarni bajaradi, ularning asosiylari iqtisodiy, ijtimoiy va reproduktivdir. So‘nggi o‘n yilliklarda rivojlangan mamlakatlarda xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalari ilmiy va texnologik rivojlanishning yangi bosqichiga o‘tdilar. Bu ularga tashkilotning hajmini oshirish va tuzilmasini tezroq va kamroq xarajatlar bilan o‘zgartirish, xizmat ko‘rsatish sifati standartlarini saqlab qolish imkoniyatini berdi va xizmatlarni aholining mahalliy ehtiyojlariga moslashtirdi.

Xizmat ko‘rsatish sohasini muvaffaqiyatli rivojlantirishga erishish zamonaviy iqtisodiyot qonunlari, xizmat ko‘rsatish bozori talablari, tarmoq va hududiy xususiyatlarni hisobga olgan holda innovatsion o‘zgarishlar asosida barcha darajadagi boshqaruvni takomillashtirish zaruratini oldindan belgilab beradi. Innovatsiyalar rolining barqaror o‘sishi xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalarini rivojlantirishda innovatsion boshqaruv usullari va texnologiyalarini izlash bilan bog‘liq ko‘plab muammolarni hal qilishni talab qiladi. Bu esa korxonalarning butun takror ishlab chiqarish sikli davomida fan va texnika yutuqlariga sezgirligini oshirishi mumkin.

Zamonaviy iqtisodiyotda xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalari rivojlanishining eng muhim ko‘rsatkichi xizmatlar va tovarlarning raqobatbardoshligi bo‘lib, bu o‘z navbatida ko‘rsatilayotgan xizmatlarning innovatsion rivojlanish darajasiga, ishlab chiqarish va korxona boshqaruviga

[79] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentyabrdagi “O‘zbekiston - 2030” strategiyasi to‘g‘risidagi PF-158-sonli farmoni.

bog‘liq. Biroq, innovatsiyalar innovatsion faoliyat va innovatsion rivojlanish kabi tushunchalar uchun ko‘zga ko‘rinadigan jarayon bo‘lishiga qaramay, hozirgi vaqtda innovatsion faoliyatni boshqarish va xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalarini innovatsion rivojlantirish uchun o‘ziga xos texnika va usullarning yetishmasligi mavjud.




1-rasm. Xizmat ko‘rsatish korxonalarida innovatsion rivojlanish tamoyillari.

Yuqoridagi 1-rasmda innovatsiyani rivojlantirishning bir nechta asosiy tamoyillari keltirilgan bo‘lib, xizmat ko‘rsatish korxonalarining iqtisodiy salohiyatini oshirishda dasturilamal bo‘lib xizmat qila oladi.

Xo‘jalik yurituvchi subyektlarning resurs salohiyatining tarkibiy qismlarini strategik yo‘nalishda yangilash va innovatsion rivojlantirishning iqtisodiy, ijtimoiy samaradorligini ta’minlash, ishlab chiqarishning texnologik darajalari, kadrlar va mehnat salohiyatini shakllantirishda maishiy xizmat ko‘rsatish sohasini dasturiy-maqsadli rivojlantirish, aholi bandligini rivojlantirishda katta yordam beradi. Samarali ishlaydigan korxona tizimning "o‘sishi" uchun adekvat mexanizmni shakllantiradi. Bu esa o‘z navbatida iqtisodiy tizimning barqarorlik maydonini kengaytiradi va uning o‘zini o‘zi tashkil qilish potensialini oshiradi. Savdo korxonasining barqaror rivojlanishi uchun nafaqat mezonlarning tabiati, balki

korxonaning barqaror rivojlanishini ta’minlaydigan vositalarning samarali kombinatsiyasi ham muhimdir. Korxonaning rivojlanish istiqbollari turli omillar bloklarining umumiy ta’siri va korxonaning ushbu ta’sirga munosabati natijasida tahlil qilinishi mumkin. Shuning uchun korxonani baholashda tizimli yondashuv zarur va bu tashkilot faoliyatiga ta’sir qiluvchi barcha omillarni hisobga olishi kerak. Omillar — moliyaviy, ijtimoiy-iqtisodiy va ishlab chiqarish jarayonlari sodir bo‘ladigan sharoitlarni, bu jarayonlar va ularning natijalari ta’sirida o‘zgarishining sabablarini tavsiflovchi o‘zgaruvchan miqdorlardir[80].

Ba’zi mualliflar[81] korxona barqarorligini uning innovatsion, ishlab chiqarish, moliyaviy-kredit, savdo, tashkiliy faoliyati, ularning o‘zaro ta’siri va taklif etilayotgan mahsulot assortimentining sifati va yangiligi xususiyatlarining yig‘indisi sifatida taqdim etadilar. Tovarlar, uning resurs ta’minoti barqarorligi, korxonaning moddiy-texnik va ilmiy bazasi darajasi, innovatsion boshqaruv xususiyatlari, intellektual va kadrlar salohiyatining holati. Iqtisodiy kibernetika nuqtai nazaridan iqtisodiy subyekt, agar u o‘z elementlari o‘rtasida hayotiy jarayonlarni imkon qadar uzoq vaqt davomida belgilangan darajada ushlab turishga, uning ta’siriga samarali qarshi turishga imkon beradigan shunday optimal munosabatlarni topa olsa, iqtisodiy jihatdan barqarordir[82] .

Tadbirkorlikning barqaror rivojlanishi — bu resurslardan foydalanish, investitsiya yo‘nalishi va texnologik yo‘nalishning uyg‘unlashuvi bilan joriy va istiqboldagi potensiallarning qiymatini oshiradigan jarayondir. “Brundtland komissiyasi” barqaror rivojlanish uchun quyidagi strategik maqsadlarni belgilab berdi[83]: “o‘sish jarayonlarini jonlantirish; o‘sish sifatining o‘zgarishi; odamlarning asosiy ehtiyojlarini qondirish; aholining barqaror darajasini ta’minlash; saqlash va mustahkamlash resurs bazasi; texnologiyani qayta yo‘naltirish va xavflarni nazorat qilish; qarorlar qabul qilish jarayonida ekologik va iqtisodiy jihatlarni integratsiyalashuvi”[84].

Butun xalq xo‘jaligi va uning alohida quyi tizimlarining ilmiy-texnik bilimlardan texnologik va tijorat maqsadlarida foydalanish qobiliyati uning innovatsion salohiyatiga xos xususiyatdir. Bozor ishlab chiqarishdagi innovatsion faollikni aniqlab, quyidagilarni belgilaydi:

- yangi innovatsion yechimlardan foydalanish zarurati;
- bir qancha muqobil variantlardan aniq innovatsion loyihani tanlash;
- bozorda loyihani amalga oshirish va amalga oshirish muddatlari;
- innovatsiyani bozorga joriy etish tartibi — yangilikni tarqatish ko‘lami;

---

[80] Комплексный экономический анализ предприятия/ Под ред. Н.В. Войтоловского, А.П. Калининой, И.И. Мазуровой. — СПб.: Питер, 2014.576с.:ил.

[81] Бородин А.И. Инструментарий стратегического управления устойчивым развитием промышленного предприятия / А. И. Бородин, Е. 33 Стрельцова // Ученые записки Петрозаводского государственного университета. Серия: Общественные и гуманитарные науки. − 2014. −№ 3(140). − С. 98-103.

[82] Аудит эффективности проектов, программ, изобретений и открытий. Новометрия, квалиметрия и сертификация продукции и производств/Б.А. Минин, В.Б. Радин, В.В. Серебрянников [и др.]; отв. ред. Б.А. Минин. — М.: ЗАО "Издательство "Экономика", 2013. — 366 с.

[83] Кутер М.И. Анализ моделей статического и динамического учета / М.И. Кутер, М.М. Гурская // Экономический анализ: теория и практика. – 2010. – №9. – С. 8-16.

[84] Кутер М.И. Анализ моделей статического и динамического учета / М.И. Кутер, М.М. Гурская // Экономический анализ: теория и практика. – 2010. – №9. – С. 8-16.

- yangilikdan foydalanish va uni yangisi bilan almashtirish muddati.

Xulosa qilib aytganda, innovatsiyalarni joriy qilish xizmat ko‘rsatish korxonalarining daromadlarini oshirish, xarajatlarini optimallashtirish va yangi xizmatlar ko‘rsatish imkoniyatlarini yaratish orqali ularning iqtisodiy barqarorligini mustahkamlaydi. Innovatsion yondashuvlar korxonalarning uzoq muddatli strategiyalarini shakllantiradi, kelajakdagi o‘zgarishlarga moslashish imkoniyatini yaratadi. Zamonaviy iqtisodiyotda innovatsionlarni ishlab chiqish va hayotga tatbiq etish bu nafaqat xizmat ko‘rsatish korxonalaring iqtisodiy salohiyatini oshirishda, balki ishlab chiqarish, qishloq xo‘jaligi va ko‘plab sohalarda o‘z samarasini beradi. Masalan, innovatsiya ishlab chiqarish korxonalarida mahsulot tan narxining tushishiga va olinadigan foydaning yuqori va rentabelligiga ham ta’sir ko‘rsatadi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Аудит эффективности проектов, программ, изобретений и открытий. Новометрия, квалиметрия и сертификация продукции и производств/Б.А. Минин, В.Б. Радин, В.В. Серебрянников [и др.]; отв. ред. Б.А. Минин. — М.: ЗАО "Издательство "Экономика", 2013

2. Бородин А.И. Инструментарий стратегического управления устойчивым развитием промышленного предприятия / А. И. Бородин, Е. 33 Стрельцова // Ученые записки Петрозаводского государственного университета. Серия: Общественные и гуманитарные науки. − 2014.

3. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под. ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. - Москва: МИЭМП, 2010.

4. Комплексный экономический анализ предприятия/ Под ред. Н.В. Войтоловского, А.П. Калининой, И.И. Мазуровой. — СПб.: Питер, 2014

5. Кутер М.И. Анализ моделей статического и динамического учета / М.И. Кутер, М.М. Гурская // Экономический анализ: теория и практика. – 2010.

**Ismatov Utkir Rustamovich** - SamISI “Oliy matematika” kafedrasi o‘qituvchisi
ismatovutkir89@gmail.com

## INNOVATSION RIVOJLANISH VA EKOLOGIK INNOVATSIYALARDA MATEMATIK MODELLARNING AHAMIYATI

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada matematik modellarning innovatsiyalarni rivojlantirish va ekologik muammolarni hal qilishdagi afzalliklarining asosiy jihatlari haqida so‘z boradi.

**Kalit so‘zlar:** Matematik model, innovatsion rivojlanish, ekologik innovatsiya, tahlil qilish, baholash.

**Аннотация:** В данной статье рассмотрены основные аспекты преимуществ математических моделей при разработке инноваций и решении экологических проблем.

**Ключевые слова:** Математическая модель, инновационное развитие,

экологическая инновация, анализ, оценка.

**Abstract:** This article examines the main aspects of the advantages of mathematical models in developing innovations and solving environmental problems.

**Key words:** Mathematical model, innovative development, environmental innovation, analysis, assessment.

“Innovatsion rivojlanish va ekologik innovatsiyalarda matematik modellarning ahamiyati” mavzusi juda muhim va zamonaviy masalalardan biridir. Matematik modellashtirish, innovatsiyalarni rivojlantirish va ekologik muammolarni hal qilishda bir qator afzalliklar taqdim etadi. Quyida bu mavzuning asosiy jihatlari keltirilgan:

**1. Matematik modellar va innovatsiyalar.** Matematik modellar, innovatsion jarayonlarni tahlil qilish va prognoz qilishda muhim vosita hisoblanadi. Ular quyidagi jihatlarni o‘z ichiga oladi:

- *Jarayonlarni tahlil qilish:* Innovatsion jarayonlarning har bir bosqichini matematik modellar yordamida tahlil qilish mumkin, bu esa resurslarni samarali taqsimlashga yordam beradi.
- *Risklarni baholash:* Innovatsion loyihalarning muvaffaqiyat ehtimolini baholash va risklarni minimallashtirish uchun matematik modellar qo‘llaniladi.

**2. Ekologik innovatsiyalar.** Ekologik innovatsiyalar, atrof-muhitni muhofaza qilish va barqaror rivojlanishni ta’minlashda muhim rol o‘ynaydi. Matematik modellar quyidagi sohalarda qo‘llaniladi:

- *Resurslarni boshqarish:* Suv, energiya va boshqa tabiiy resurslarni boshqarish uchun matematik modellar yordamida optimal yechimlar ishlab chiqiladi.
- *Ekologik ta’sirni baholash:* Ekologik innovatsiyalarning atrof-muhitga ta’sirini baholashda matematik modellar yordamida simulyatsiya va prognozlar amalga oshiriladi.

**3. O‘zaro aloqa va integratsiya.** Matematik modellar, innovatsion va ekologik jarayonlar o‘rtasidagi o‘zaro aloqani tushunishga yordam beradi. Ular:

- *Integratsiyalashgan yondashuv:* Innovatsiyalar va ekologik muammolarni birgalikda ko‘rib chiqish, ularning o‘zaro ta’sirini matematik modellar orqali tahlil qilish imkonini beradi.
- *Barqaror rivojlanish:* Matematik modellar yordamida barqaror rivojlanish strategiyalarini ishlab chiqish va amalga oshirish mumkin.

**4. Matematik modellarning qo‘llanilishi.** Matematik modellar innovatsion va ekologik jarayonlarda keng qo‘llaniladi. Ularning asosiy qo‘llanish sohalari quyidagilar:

- *Iqtisodiy modellar:* Innovatsion jarayonlarning iqtisodiy ta’sirini baholashda, masalan, yangi texnologiyalarni joriy etishning iqtisodiy samaradorligini tahlil qilishda matematik modellar yordamida iqtisodiy ko‘rsatkichlar prognoz qilinadi.
- *Ekologik modellar:* Atrof-muhitni muhofaza qilish va ekologik innovatsiyalarni baholashda, masalan, chiqindilarni kamaytirish yoki energiya

samaradorligini oshirish bo‘yicha strategiyalarni ishlab chiqishda matematik modellar qo‘llaniladi.

- *Simulyatsiya va prognozlash:* Matematik modellar yordamida turli senariylarni simulyatsiya qilish va kelajakdagi natijalarni prognoz qilish mumkin. Bu yangi innovatsion mahsulotlarning bozorga ta’sirini baholashda foydalidir.

**5. Innovatsion strategiyalarni rivojlantirish.** Matematik modellar innovatsion strategiyalarni ishlab chiqishda muhim rol o‘ynaydi. Ular:

- *Strategik rejalashtirish:* Innovatsion loyihalarni rejalashtirishda va ularning muvaffaqiyat ehtimolini baholashda matematik modellar yordamida strategiyalar ishlab chiqiladi.
- *Resurslarni samarali ta’minlash:* Innovatsion jarayonlarda resurslarni optimallashtirish va ularni samarali taqsimlash uchun matematik modellar qo‘llaniladi.

**6. Natijalar va foydalar.** Matematik modellar innovatsion rivojlanish va ekologik innovatsiyalarni amalga oshirishda bir qator foydalar taqdim etadi:

- *Qaror qabul qilish:* Matematik modellar yordamida olingan natijalar, qaror qabul qilish jarayonini yengillashtiradi va aniqroq qarorlar qabul qilish imkonini beradi.
- *Barqaror rivojlanish:* Ekologik innovatsiyalarni amalga oshirishda barqaror rivojlanish strategiyalarini ishlab chiqish va amalga oshirishda matematik modellar yordamida samarali yechimlar topish imkonini beradi.

**7. Tahlil va monitoring.** Matematik modellar, innovatsion va ekologik jarayonlarni tahlil qilish va monitoring qilishda ham muhim ahamiyatga ega. Ular:

- *Natijalarni tahlil qilish:* Innovatsion loyihalarning natijalarini baholash va tahlil qilishda matematik modellar yordamida olingan ma’lumotlar asosida xulosalar chiqarish mumkin.
- *Monitoring:* Ekologik innovatsiyalar va ularning ta’sirini kuzatish uchun matematik modellar yordamida monitoring tizimlari ishlab chiqiladi, bu esa atrof-muhit holatini doimiy ravishda nazorat qilish imkonini beradi.

**8. O‘qitish va ta’lim.** Matematik modellar, innovatsion va ekologik jarayonlarni o‘qitish va ta’lim berishda ham qo‘llaniladi. Ular:

- *Ta’lim dasturlari:* Matematik modellar yordamida o‘qitish dasturlarini ishlab chiqish va talabalarni innovatsion va ekologik masalalar bo‘yicha tayyorlashda foydalaniladi.
- *Simulyatsiya o‘yinlari:* O‘quv jarayonida simulyatsiya o‘yinlari orqali talabalar matematik modellarni qo‘llashni o‘rganadilar va real hayotdagi muammolarni hal qilishda tajriba orttiradilar.

**Xulosa.** Matematik modellar innovatsion rivojlanish va ekologik innovatsiyalarni amalga oshirishda muhim vosita hisoblanadi. Ular jarayonlarni tahlil qilish, risklarni baholash, resurslarni boshqarish va barqaror rivojlanish strategiyalarini ishlab chiqishda yordam beradi. Shuningdek, matematik modellar yordamida olingan natijalar, qaror qabul qilish jarayonini yengillashtiradi va aniqroq qarorlar qabul qilish imkonini beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

**1.** Clark, W. C., & Dickson, N. M. (2003). *Sustainability science: The emerging research program.* Proceedings of the National Academy of Sciences, 100(14), 8059-8061.

**2.** Romer, P. M. (1990). *Endogenous Technological Change*. Journal of Political Economy, 98(5), S71-S102.

**3.** Sterman, J. D. (2000). *Business Dynamics: Systems Thinking and Modeling for a Complex World*. Irwin/McGraw-Hill.

**4.** Ayres, R. U., & Warr, B. (2009). *The Economic Growth Engine: How Energy and Work Drive Material Prosperity*. Edward Elgar Publishing.

**Ismatov Utkir Rustamovich -** SamISI “Oliy matematika” kafedrasi o‘qituvchisi
ismatovutkir89@gmail.com

# INNOVATSION JARAYONLARDA YANGI MAHSULOT YARATISHDAGI TASODIFIY OMILLAR VA ULARNING TA’SIRINI MATEMATIK METODLAR ORQALI BAHOLASH

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada innovatsion jarayonlar va yangi mahsulot yaratishda tasodifiy omillarni baholash muammosi tahlil qilinadi va statistika, ehtimollar nazariyasi va simulyatsiya kabi matematik metodlar yordamida tasodifiy omillarning innovatsion jarayonlarga qanday ta’sir qilishini baholash yondashuvlari ko‘rib chiqiladi.

**Kalit so‘zlar:** Innovatsion jarayonlar, tasodifiy omillar, matematik metodlar, yangi mahsulot yaratish.

**Аннотация:** This article analyzes the problem of assessing random factors in innovation processes and the creation of new products, as well as approaches to assessing the impact of random factors on innovation processes using mathematical methods such as statistics, probability theory and modeling.

**Ключевые слова:** Инновационные процессы, случайные факторы, математические методы, создание новых продуктов.

**Abstract:** This article analyzes the problem of assessing random factors in innovation processes and the creation of new products, as well as approaches to assessing the impact of random factors on innovation processes using mathematical methods such as statistics, probability theory and modeling.

**Key words:** Innovative processes, random factors, mathematical methods, creation of new products.

Innovatsion jarayonlarda mahsulot yaratishning barcha bosqichlarida tasodifiy omillar mavjud bo‘lib, ular jarayonning tezligi, sifati, resurs sarfi va iqtisodiy natijalariga bevosita ta’sir qiladi. Ushbu omillarni to‘g‘ri baholash orqali mahsulotning muvaffaqiyatga erishish imkoniyatini oshirish mumkin. Matematik metodlar yordamida bu omillarni baholash esa innovatsion jarayonlarning aniq tahlili va oldindan bashorat qilish imkonini beradi.

**1. Innovatsion jarayonlarda tasodifiy omillar.**

Innovatsion jarayonlarda tasodifiy omillar quyidagi asosiy yo‘nalishlarda yuzaga keladi:

▪ **Bozor ehtiyojlari o‘zgarishi:** Bozor ehtiyojlari va mijozlarning afzalliklari tez-tez o‘zgarishi mumkin, bu esa yangi mahsulotning talabiga ta’sir qiladi.

▪ **Texnologik o‘zgarishlar:** Innovatsion jarayonlarda texnologik rivojlanishlarning kutilmagan o‘zgarishlari mahsulot dizayni, ishlab chiqarish texnologiyasi va narxga bevosita ta’sir ko‘rsatadi.

▪ **Moliyaviy omillar:** Xomashyo narxlari, ishlab chiqarish xarajatlari va boshqa moliyaviy omillarning tasodifiy o‘zgarishi mahsulotning umumiy samaradorligiga ta’sir qiladi.

▪ **Tashqi omillar:** Iqlim o‘zgarishi, siyosiy o‘zgarishlar va qonunchilikka oid o‘zgarishlar innovatsion jarayonlar va mahsulot yaratishda tasodifiy omil sifatida ishtirok etishi mumkin.

**2. Matematik metodlar va ularning qo‘llanilishi**

Tasodifiy omillarni baholash uchun qo‘llaniladigan matematik metodlar:

▪ **Statistik tahlil:** Innovatsion jarayonlarda statistik tahlil tasodifiy omillarni baholashda keng qo‘llaniladi. Masalan, regressiya tahlili, dispersiya tahlili kabi usullar yordamida omillar o‘rtasidagi bog‘liqlik aniqlanadi.

▪ **Regressiya tahlili** mahsulot yaratish jarayonida omillar o‘rtasidagi aloqalarni tahlil qilishda qo‘llaniladi, bu esa qaror qabul qilishda muhim hisoblanadi.

▪ **Dispersiya tahlili** yordamida turli tasodifiy omillarning natijalarga qanday ta’sir qilishini tahlil qilish imkonini beradi.

▪ **Ehtimollar nazariyasi:** Innovatsion jarayonlarda ehtimollar nazariyasi usullari mahsulot yaratishda sodir bo‘ladigan tasodifiy hodisalarni baholash uchun ishlatiladi. Bu yondashuv mahsulotning muvaffaqiyatga erishish ehtimolini hisoblashga yordam beradi.

▪ **Bayes tahlili:** Tasodifiy omillar sharoitida qaror qabul qilishda foydali hisoblanadi. Bayes yondashuvi orqali bozor talabidagi o‘zgarishlar va boshqa noaniq omillarni tahlil qilish mumkin.

▪ **Simulyatsiya modellari:** Simulyatsiya usuli mahsulot yaratish jarayonida tasodifiy omillarning turli stsenariylarga ta’sirini sinovdan o‘tkazish imkonini beradi.

▪ **Monte-Karlo simulyatsiyasi** jarayonidagi tasodifiy o‘zgarishlarni model qilishda keng qo‘llaniladi. Masalan, yangi mahsulotni ishlab chiqarishda xomashyo narxlaridagi o‘zgarishlarning umumiy natijalarga ta’sirini aniqlash uchun Monte-Karlo simulyatsiyasi samarali vosita bo‘lib xizmat qiladi.

**3. Yangi mahsulot yaratishda matematik metodlarning amaliy qo‘llanilishi**

Yangi mahsulot yaratish bosqichlarida matematik metodlar quyidagi maqsadlarda qo‘llanilishi mumkin:

▪ **Bozor talabi prognozlari:** Statistik va ehtimoliy metodlar yordamida bozor talabi va mahsulotga bo‘lgan ehtiyojni prognoz qilish imkonini beradi. Bu esa marketing strategiyasini ishlab chiqishda qo‘llaniladi.

▪ **Xatarlarni minimallashtirish:** Simulyatsiya modellaridan foydalanish orqali yangi mahsulot yaratish jarayonidagi xatarlarni kamaytirish mumkin. Bunda, turli stsenariylarni ko‘rib chiqish orqali qaror qabul qilishda xatolik ehtimolini kamaytirish mumkin.

▪ **Optimal resurs taqsimoti:** Ehtimollar nazariyasi va statistika usullari yordamida resurslarni optimal taqsimlashga erishish mumkin. Bu jarayon mahsulot narxini tushirish va foyda olish imkoniyatini oshiradi.

**4. Natijalar va tahlillar**

Matematik metodlarni qo‘llash natijasida innovatsion jarayonlarda tasodifiy omillarning ta’siri aniqroq baholanadi va samaradorlik oshadi. Misol uchun, Monte-Karlo simulyatsiyasi yordamida ishlab chiqarish jarayonida narx va resurs sarfi kabi omillarning o‘zgarishiga moslashuvchan strategiyalar ishlab chiqiladi. Bayes tahlili yordamida esa bozor o‘zgarishlarining yangi mahsulot talabi va xatarlar tahlili o‘tkaziladi, bu esa mahsulotni muvaffaqiyatli joriy qilish imkonini oshiradi.

**Xulosa.**

Innovatsion jarayonlar va yangi mahsulot yaratishda matematik metodlar tasodifiy omillarni baholash va xatarlarni minimallashtirishda muhim vosita hisoblanadi. Statistik, ehtimollar nazariyasi va simulyatsiya kabi usullar yangi mahsulot yaratish bosqichlarida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan noaniqliklarni aniqlashga yordam beradi. Shuningdek, ushbu yondashuvlar yordamida mahsulot yaratish jarayonida risklarni kamaytirish, bozor talabini to‘g‘ri prognoz qilish va resurslardan samarali foydalanish imkoniyatlari oshiriladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

**1.** Schilling, M. A., & Hill, C. W. (1998). "Managing the new product development process: Strategic imperatives." *Academy of Management Perspectives*, 12(3), 67-81.

**2.** Luenberger, D. G., & Ye, Y. (2016). *Linear and Nonlinear Programming*. Springer.

**3.** Rubinstein, R. Y., & Kroese, D. P. (2016). *Simulation and the Monte Carlo Method*. John Wiley & Sons.

**4.** Ulrich, K. T., & Eppinger, S. D. (2015). *Product Design and Development*. New York: McGraw-Hill.

**5.** Tidd, J., & Bessant, J. (2020). *Managing Innovation: Integrating Technological, Market, and Organizational Change*. John Wiley & Sons.

**Nasiba Akbarjonovna Usmanova** – SamISI, “Menejment” kafedrasi dotsent vazifasini bajaruvchisi., PhD
**Karimov O‘tkirbek O‘lmasbek o‘g‘li**- Samarqand iqtisodiyot va servis instituti MN-221 guruh talabasi

# TEXNOLOGIK VA INNOVATSION TUZILMALARNI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLINISHI

**Annotatsiya**: Zamonaviy sharoitlarda jahon fani va innovatsiya faoliyatining yutuqlaridan keng foydalanish jamiyat va davlat hayotining barcha sohalarini izchil va barqaror rivojlantirishning, mamlakatning munosib kelajagini barpo etishning muhim omili bo‘lib bormoqda. O‘tgan davrda fan va texnologiyalarni rivojlantirish sohasida zarur infratuzilma yaratildi, muayyan intellektual va texnologik salohiyat shakllantirildi.

**Kalit so‘zlar**: texnologiya, innovatsiya, texnologik tuzilma, innovatsion tuzilma, ishlab chikarish, innovatsion faoliyat.

**Аннотация:** В современных условиях широкое использование достижений мировой науки и инновационной деятельности становится важным фактором последовательного и устойчивого развития всех сфер жизни общества и государства, а также построения достойного будущего страны. В прошедший период была создана необходимая инфраструктура в области развития науки и технологий, сформирован определенный интеллектуальный и технологический потенциал.

**Ключевые слова:** технология, инновация, технологический уклад, инновационная структура, производство, инновационная деятельность.

**Annotation:** In modern conditions, extensive use of the achievements of global science and innovation activities is becoming an important factor in the consistent and sustainable development of all areas of society and state life, as well as in building a worthy future for the country. In the past period, the necessary infrastructure has been created in the field of science and technology development, and certain intellectual and technological potential has been formed.

**Key words:** technology, innovation, technological structure, innovative structure, production, innovative activity.

Milliy taraqqiyotimizning dastlabki bosqichidayok oqilona va samarali iqtisodiy siyosatning ishlab chiqilishi va hayotga izchil ravishda tatbiq etilishi, barqaror innovatsion rivojlanishning asosiy manbai hamda omillarining to‘g‘ri tanlanishi va ularga ustuvor ahamiyat qaratilishi keyingi yillarda yurtimizda iqtisodiy o‘sishning yuqori sur’atlari ta’minlanishiga imkoniyat yaratmoqda.

Ma’lumki, iqtisodiy islohotlar nafaqat innovatsion texnologiyalar, unga xizmat qiluvchi tarmoqlar, maxsulotni qayta ishlovchi sohalar, balki ishlab chiqarish va ijtimoiy infratuzilma bo‘g‘inlari va tashqi savdo sohalarini isloh qilishni ham o‘z ichiga oladi. Innovatsion rivojlanish mamlakatlarning jahondagi iqtisodiyot va sanoati rivojlangan davlatlar qatoriga kirib borishining zarur sharti va mustahkam

poydevori bo‘lib hisoblanadi. Kishilik jamiyatining taraqqiyoti insonning yaratuvchanlik roli ortib borishi, ishlab chiqaruvchi kuchlarning rivojlanishi hamda iqtisodiy munosabatlarning takomillashuvi orqali namoyon bo‘ladi.

Dunyoning barcha mamlakatlari uchun (ularning rivojlanishi darajasidan qat’iy nazar) resurslar bilan ta’minlanish, iqtisodiy rivojlanish holati va aholi turmush sifati, infrastrukturaning rivojlanish darajasi, atrof-muhitning holati, ijtimoiy vaziyatning bir xil emasligi xosdir. Ushbu muammolar har doim mamlakatda olib borilayotgan iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishning strategik va taktik maqsadlarning to‘g‘ri qo‘yish va amalga oshirish natijasida kamaytirish mumkin. Aksariyat hollarda mamlakatning iqtisodiy hayotidagi har qanday o‘zgarish iqtisodiy samaradorlikni oshirish, yoki bo‘lmasa ijtimoiy tenglikning oshishiga olib keladi. Agar maqsadlar to‘g‘ri qo‘yilsa-da, lekin to‘liq amalga oshirilmay qolsa, ziddiyatlar saqlanib qoladi, yoki kuchayib ham ketishi mumkin. Ma’lumki, bozor ayirboshlash jarayonlarini tabiiy tartibga soluvchi rolini bajaradi va bu bilan uning barqaror faoliyat ko‘rsatishini ta’minlaydi, kishilarning hayot faoliyati uchun zarur bo‘lgan barcha moddiy ne’matlar takror ishlab chiqarishini rag‘batlantiradi.

Texnologik va innovatsion tuzilmalarni davlat tomonidan tartibga solinishi, ayniqsa, iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solishning asosiy maqsadi iqtisodiy va ijtimoiy barqarorlikka erishish, mavjud tuzumni mustahkamlash va takomillashtirish, o‘zgarib boruvchi sharoitlarga moslashtirish hisoblanadi. Demak, mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish va iqtisodiyotni davlat tomonidan tartibga solish hozirgi zamon iqtisodiy tizimlarining asosiy xarakterli belgisi hisoblanadi.

Texnologik jihatdan tartibga solish sohasidagi davlat siyosatining asosiy yo‘nalishlari quyidagilardan iborat:

- texnologik jihatdan tartibga solishning iqtisodiyotni, moddiy-texnika bazasini rivojlantirish darajasiga, shuningdek ilmiy-texnik jihatdan rivojlantirish darajasiga muvofiqligini ta’minlash;
- mazkur sohani rivojlantirish dasturlarini ishlab chiqish va amalga oshirish;
- mazkur sohani xalqaro (mintaqaviy) standartlar bilan uyg‘unlashtirish;
- ilg‘or innovatsion va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy etish;
- kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va ularning malakasini oshirish tizimini takomillashtirish;
- xalqaro hamkorlikni rivojlantirish.

# RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA TEXNOLOGIYALAR VA INNOVATSIYALARNI QO‘LLASH

**Annotatsiya.** Ushbu tezisda raqamli iqtisodiyot sharoitida texnologiyalar va innovatsiyalarni qo'llashning ahamiyati tahlil qilinadi. Asosan, ma'lumotlarni tahlil qilish, sun'iy intellekt, blockchain, IoT va 5G texnologiyalarining iqtisodiyotga ta'siri va ularni turli sohalarda qo'llash imkoniyatlari muhokama qilinadi. Innovatsiyalar biznes jarayonlarini optimallashtirish, yangi mahsulotlar ishlab chiqish, marketing va mijozlarga xizmat ko'rsatish kabi sohalarda samaradorlikni oshirishga yordam beradi. Shuningdek, texnologiyalarni joriy etishda yuzaga keladigan muammolar, jumladan xavfsizlik, maxfiylik, raqobat va resurslar yetishmovchiligi ham o'rganiladi. Raqamli iqtisodiyotda texnologiyalar va innovatsiyalarni muvaffaqiyatli qo'llash uchun texnik infratuzilma, malakali kadrlar tayyorlash va investitsiyalar muhim omillar sifatida ko'rsatiladi.

**Kalit so‘zlar.**Raqamli iqtisodiyot, texnologiyalar, innovatsiyalar, sun'iy intellekt, blockchain, IoT, 5G, biznes jarayonlari, ma'lumotlarni tahlil qilish, xavfsizlik, maxfiylik, investitsiyalar, samaradorlik, marketing, raqobatbardoshlik

**Аннотация.**Данный тезис посвящён анализу применения технологий и инноваций в условиях цифровой экономики. Основное внимание уделено влиянию таких технологий, как анализ данных, искусственный интеллект, блокчейн, IoT и 5G на экономику, а также возможности их применения в различных отраслях. Инновации помогают улучшать бизнес-процессы, разрабатывать новые продукты, оптимизировать маркетинг и обслуживание клиентов, повышая общую эффективность. Также рассматриваются проблемы, возникающие при внедрении технологий, такие как безопасность, конфиденциальность, конкуренция и нехватка ресурсов. Успешное внедрение технологий и инноваций в цифровой экономике зависит от развития технической инфраструктуры, подготовки квалифицированных кадров и привлечения инвестиций.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, технологии, инновации, искусственный интеллект, блокчейн, IoT, 5G, бизнес-процессы, анализ данных, безопасность, конфиденциальность, инвестиции, эффективность, маркетинг, конкурентоспособность

**Abstract.** his thesis analyzes the application of technologies and innovations in the context of the digital economy. It focuses on the impact of technologies such as data analytics, artificial intelligence, blockchain, IoT, and 5G on the economy and explores their potential applications in various sectors. Innovations help optimize business processes, develop new products, and improve marketing and customer service, thereby enhancing overall efficiency. The thesis also discusses the challenges faced in implementing these technologies, including issues of security, privacy, competition, and resource scarcity. Successful application of technologies

and innovations in the digital economy requires strong technical infrastructure, qualified workforce, and investment.

**Key words**: digital economy, technologies, innovations, artificial intelligence, blockchain, IoT, 5G, business processes, data analytics, security, privacy, investments, efficiency, marketing, competitiveness.

Raqamli iqtisodiyot — bu axborot texnologiyalari, raqamli platformalar va innovatsiyalarni asosiy ish jarayonlariga integratsiya qilish orqali iqtisodiy faoliyatni rivojlantirishga yo'naltirilgan tizimdir. Ushbu iqtisodiy modelning muvaffaqiyati texnologiyalar va innovatsiyalarni to'g'ri qo'llashga bog'liq. Texnologik o'zgarishlar, ayniqsa, raqamli iqtisodiyot sharoitida, ishlab chiqarish jarayonlaridan tortib, xizmatlar ko'rsatish va savdo faoliyatlarigacha bo'lgan barcha sohalarda jiddiy ta'sir ko'rsatadi. Ushbu tezisda texnologiyalar va innovatsiyalarni raqamli iqtisodiyotda qanday qo'llash mumkinligi, shuningdek, bu jarayonda yuzaga keladigan imkoniyatlar va muammolar tahlil qilinadi.Raqamli iqtisodiyot sharoitida texnologiyalarni qo'llash iqtisodiyotning barcha sohalarida keng tarqalgan. Xususan, quyidagi sohalarda texnologiyalarning ta'siri sezilarli:

1. Ma'lumotlarni tahlil qilish va sun'iy intellekt.Ma'lumotlarni yig'ish, tahlil qilish va ulardan samarali foydalanish raqamli iqtisodiyotning asosiy komponentlaridan biridir. Sun'iy intellekt va mashinani o'rganish texnologiyalari biznes jarayonlarini avtomatlashtirish, iste'molchilarni tahlil qilish, shuningdek, mahsulot va xizmatlarni optimallashtirish imkonini beradi.

2. Blockchain texnologiyasi.Blockchain texnologiyasi xavfsiz va shaffof tranzaktsiyalarni amalga oshirishga imkon yaratadi. Bu raqamli iqtisodiyotda moliya, savdo, logistika va boshqa sohalarda ishonchli tizimlarni yaratishda muhim rol o'ynaydi.

3. IoT (Internet of Things).IoT texnologiyasi turli qurilmalarning bir-biriga ulanib, real vaqt rejimida ma'lumotlarni yig'ish va ulardan foydalanish imkonini beradi. Bu texnologiya ishlab chiqarish, sog'liqni saqlash, transport va boshqa ko'plab sohalarda samaradorlikni oshiradi.

4. 5G texnologiyasi.Yuqori tezlikda internet aloqasi ta'minlanadigan 5G tarmoqlari raqamli iqtisodiyotda tezkor va samarali ma'lumotlar almashinuvi, avtomatlashtirilgan tizimlar va masofaviy boshqaruvlarni amalga oshirish imkonini beradi.

Innovatsiyalarni raqamli iqtisodiyotda qo'llash, yangi biznes modellarini yaratish, samaradorlikni oshirish va raqobatbardoshlikni ta'minlashda muhim ahamiyatga ega. Innovatsiyalar quyidagi sohalarda qo'llanilishi mumkin:

-yangi mahsulotlar va xizmatlarni ishlab chiqish.Raqamli texnologiyalar yordamida yangi mahsulotlar va xizmatlar yaratish, iste'molchi ehtiyojlarini aniqlash va unga tezda javob berish mumkin bo'ladi. Bu raqamli iqtisodiyotda innovatsiyalarning eng asosiy shaklidir.

-biznes jarayonlarini optimallashtirish. Innovatsiyalarni joriy qilish orqali ishlab chiqarish va xizmat ko'rsatish jarayonlarining samaradorligi oshiriladi. Avtomatlashtirish, sun'iy intellekt va boshqa texnologiyalar yordamida resurslarni tejash, vaqtni qisqartirish va xarajatlarni kamaytirish mumkin.

-marketing va mijozlarga xizmat ko'rsatish.Raqamli texnologiyalarni qo'llash

orqali bizneslar mijozlarga yaxshiroq xizmat ko'rsatish va personalizatsiyalangan mahsulotlar yaratish imkoniyatiga ega bo'lishadi. Social media, big data va boshqa analitik vositalar yordamida mijozlarga qaratilgan marketing strategiyalari ishlab chiqiladi.

-yangi bozorlarga kirish. Innovatsiyalar orqali yangi bozorlarga kirish va global raqobatga tayyorlanish imkoniyati yaratiladi. Masalan, onlayn savdo platformalari va elektron tijorat orqali global miqyosda biznes yuritish osonlashadi.

Texnologiyalar va innovatsiyalarni muvaffaqiyatli joriy qilish uchun quyidagi omillarni hisobga olish zarur.Raqamli iqtisodiyotda muvaffaqiyatli ishlash uchun kuchli texnik infratuzilma kerak. Bu o'z ichiga internet aloqalarini, ma'lumotlar bazalarini, sun'iy intellekt tizimlarini va boshqa zamonaviy texnologiyalarni oladi.Raqamli iqtisodiyotda ishlash uchun malakali mutaxassislar zarur. Innovatsiyalarni amalga oshirish uchun texnologiyalarni tushunadigan va ularni amaliyotga joriy qila oladigan kadrlar tayyorlash bo'yicha ta'lim tizimiga katta e'tibor qaratilishi lozim.Innovatsion loyihalarni amalga oshirish uchun moliyaviy resurslar kerak. Davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash, investitsiyalar jalb qilish va xususiy sektorning ishtiroki raqamli iqtisodiyotning rivojlanishiga turtki beradi.Texnologiyalar va innovatsiyalarni raqamli iqtisodiyotda joriy etishda ba'zi muammolar yuzaga kelishi mumkin.Raqamli ma'lumotlar va onlayn tizimlar xavfsizlikka doir muammolarni keltirib chiqarishi mumkin. Ma'lumotlar uzatish va saqlash jarayonlarida shaxsiy va tijorat ma'lumotlarini himoya qilish muhim ahamiyatga ega.Innovatsiyalarni joriy etgan kompaniyalar raqobatbardoshlikni oshirishga harakat qiladi, bu esa kichik va o'rta biznesning raqobat qobiliyatiga ta'sir ko'rsatishi mumkin.Texnologiyalarning tez o'zgarishi va yangi innovatsiyalarni joriy etish uchun yetarli miqdorda malakali mutaxassislar va resurslar yetishmasligi muammo bo'lishi mumkin.

**Xulosa**

Raqamli iqtisodiyotda texnologiyalar va innovatsiyalarni muvaffaqiyatli qo'llash, iqtisodiyotni samarali rivojlantirish, yangi ish o'rinlari yaratish va global bozorlar bilan raqobatbardosh bo'lish imkoniyatlarini yaratadi. Biroq, bularning amalga oshirilishi uchun samarali infratuzilma, malakali kadrlar va investitsiyalar zarur. Innovatsiyalarni qo'llashning muvaffaqiyati shuningdek, xavfsizlik, maxfiylik va raqobat masalalarini ham yechishni talab qiladi.Shu boisdan, texnologiyalar va innovatsiyalarni raqamli iqtisodiyotda amalga oshirish bo'yicha izchil strategiyalar ishlab chiqish va amaliyotga tadbiq etish o'zgaruvchan iqtisodiy sharoitda o'zgarishlar yaratishda muhim ahamiyatga ega.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. *Raqamli iqtisodiyot va innovatsiyalar: Konseptsiyalar va amaliyot*. Tashkent: Fan va texnologiya nashriyoti. Davletov, I. 2020-yil

*2.Artificial Intelligence and Business Innovation*. Journal of Digital Economy, 15(3), 234-250. Kim, S., Lee, J. 2019-yil

*3.Texnologiyalar va raqamli iqtisodiyot.* Toshkent: Iqtisodiyot va biznes nashriyoti. Toshmatov, A.,Xudoyberdiyev, B. 2021-yil

*4.Blockchain texnologiyasi va uning iqtisodiyotdagi o'rni*. Innovatsiya va texnologiyalar, 3(2), 110-118. Nematov, R. 2022-yil

**Qilichov Bobir Xo‘jaqul o‘g‘li –** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti Menejment kafedrasi assistent-stajori

# SUG‘URTA BOZORINING RIVOJLANISH TENDENSIYALARI VA XUSUSIYATLARI

**Annotatsiya:** Sug‘urta bozori iqtisodiy rivojlanishning muhim sektorlaridan biri bo‘lib, uning tendensiyalari va xususiyatlari bozorning barqarorligi va samaradorligini belgilaydi. So‘nggi yillarda sug‘urta bozori global miqyosda texnologik inqiloblar, raqamli transformatsiya va yangi xizmatlar bilan o‘zgarishlarni boshdan kechirmoqda. O‘zbekiston sug‘urta bozorida ham turli tendensiyalar va xususiyatlar yuzaga kelmoqda, masalan, sug‘urta mahsulotlari diversifikatsiyasi, mijozlarga yo‘naltirilgan yondashuvlar, va raqamli texnologiyalarni joriy etish. Ushbu maqolada sug‘urta bozorining rivojlanish tendensiyalari, uning asosiy xususiyatlari va bozorni shakllantiruvchi omillar tahlil qilinadi. Tadqiqot sug‘urta bozorida raqobatni kuchaytirish va yangi imkoniyatlarni yaratish uchun zarur bo‘lgan strategiyalarni aniqlashga yordam beradi.

**Kalit so‘zlar:** Sug‘urta bozori, Rivojlanish tendensiyalari, Sug‘urta mahsulotlari, Raqamli transformatsiya, Texnologik inqilob, Diversifikatsiya, Mijozlar ehtiyojlari, Raqobatbardoshlik, Sug‘urta xizmatlari, Bozor omillari.

**Abstract:** The insurance market is one of the important sectors of economic development, and its trends and characteristics determine the stability and efficiency of the market. In recent years, the insurance market has been undergoing changes on a global scale with technological revolutions, digital transformation, and new services. Various trends and characteristics are also emerging in the insurance market of Uzbekistan, such as diversification of insurance products, customer-oriented approaches, and the introduction of digital technologies. This article analyzes the development trends of the insurance market, its main characteristics, and market-forming factors. The study helps to identify the strategies necessary to strengthen competition in the insurance market and create new opportunities.

**Keywords:** Insurance market, Development trends, Insurance products, Digital transformation, Technological revolution, Diversification, Customer needs, Competitiveness, Insurance services, Market factors.

**Аннотация:** Страховой рынок является одним из важных секторов экономического развития, а его тенденции и характеристики определяют стабильность и эффективность рынка. В последние годы страховой рынок претерпевает изменения глобального масштаба благодаря технологическим революциям, цифровой трансформации и появлению новых услуг. На страховом рынке Узбекистана также появляются различные тенденции и особенности, например, диверсификация страховых продуктов, клиентоориентированность, внедрение цифровых технологий. В данной статье анализируются тенденции развития страхового рынка, его основные особенности и рынкообразующие факторы. Исследование поможет определить стратегии, необходимые для повышения конкуренции и создания новых возможностей на страховом рынке.

**Ключевые слова:** Страховой рынок, Тенденции развития, Страховые продукты, Цифровая трансформация, Технологическая революция, Диверсификация, Потребности клиентов, Конкурентоспособность, Страховые услуги, Факторы рынка.

O‘zbekistonning sug‘urta xizmatlari bozori so‘nggi yillarda sezilarli darajada o‘sib bormoqda. Bu o‘sish bir qator iqtisodiy va ijtimoiy omillar bilan bog‘liq bo‘lib, raqamli texnologiyalarning rivojlanishi, aholining sug‘urtaga bo‘lgan ehtiyoji va davlat tomonidan amalga oshirilgan islohotlar bu sohaning rivojlanishiga turtki bermoqda. Sug‘urta bozorining rivojlanish tendensiyalari va xususiyatlari quyidagi asosiy yo‘nalishlarda namoyon bo‘ladi:

**Sug‘urta bozorining rivojlanish tendensiyalari**

**a) Raqamli texnologiyalarning joriy etilishi**

- **Onlayn sug‘urta xizmatlari**: Raqamli texnologiyalar, masalan, mobil ilovalar va internet-platformalar yordamida sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatishning ommalashishi. Mijozlar o‘z sug‘urta polislarini onlayn tarzda rasmiylashtirish, to‘lovlarni amalga oshirish va polislarni boshqarish imkoniyatiga ega bo‘lmoqda.
- **Sun’iy intellekt va ma’lumot tahlili**: Sug‘urta kompaniyalari ma’lumotlarni tahlil qilish uchun sun’iy intellektni qo‘llab-quvvatlashadi. Bu risklarni tahlil qilish, narxlarni belgilash va mijozlarga individual xizmatlarni taklif qilishda yordam beradi.

**b) Sug‘urta xizmatlarining diversifikatsiyasi**

- **Hayot va sog‘liqni sug‘urtalash**: Hayot va sog‘liqni sug‘urtalash xizmatlariga bo‘lgan talab ortmoqda. Bu soha kengayib, maxsus sug‘urta paketlari, sog‘liqni saqlash xarajatlarini kamaytirish va ta’minlash imkoniyatlarini taqdim etmoqda.
- **Mulkni va transportni sug‘urtalash**: Mulk va transport vositalarini sug‘urtalashda yanada kengroq xizmatlar taqdim etilmoqda. Xususan, yangi texnologiyalar va raqamli tizimlar orqali avtomobil sug‘urtasi, yo‘l harakati xatarlarini minimallashtirish kabi innovatsiyalar joriy qilinmoqda.

**c) Mikro sug‘urta mahsulotlarining rivojlanishi**

- Aholining past daromadli qatlamlari uchun mikro sug‘urta mahsulotlari joriy etilmoqda. Mikro sug‘urta xizmatlari kichik miqdordagi mablag‘ evaziga muhim himoya taklif qiladi, bu esa qishloq joylari va kam daromadli fuqarolarni qamrab olishga yordam beradi.
- Bu xizmatlar sodda va arzon bo‘lib, mijozlarga hayotini, sog‘ligini yoki boshqa ko‘plab xatarlarni himoya qilish imkonini yaratadi.

**d) Korporativ sug‘urta xizmatlarining o‘sishi**

- Korporativ sug‘urta xizmatlari, ayniqsa, katta ishlab chiqarish korxonalari, qurilish kompaniyalari va bizneslar uchun juda muhimdir. Ular xodimlarining sog‘liqni sug‘urtalashini, mehnat xavfsizligini, shuningdek, korxonaning mol-mulkini sug‘urtalashni tanlaydilar.
- Bunday sug‘urta kompaniyalariga xodimlar uchun sog‘liqni saqlash xizmatlari, pensiya jamg‘armalari va boshqa xavf-xatarlar bo‘yicha sug‘urtalash xizmatlari kiradi.

**e) Sug‘urta kompaniyalarining xalqaro hamkorliklari**

- Xalqaro sug‘urta kompaniyalarining O‘zbekistonga kirib kelishi bozorning global integratsiyasi va raqobatbardoshligini oshiradi. Yangi o‘zgarishlar va innovatsiyalarning olib kirilishi mahalliy sug‘urta kompaniyalariga xizmat sifatini yaxshilashga yordam beradi.
- Mahalliy va xalqaro sug‘urta kompaniyalarining o‘zaro hamkorligi bozorni yanada jozibador va yuqori sifatli xizmatlar bilan ta’minlamoqda.

**Sug‘urta bozorining xususiyatlari**

**a) Raqobat muhiti**

- O‘zbekiston sug‘urta bozorida raqobat kuchaymoqda. Xalqaro sug‘urta kompaniyalari va mahalliy kompaniyalar o‘rtasida raqobatning kuchayishi xizmat sifatini oshirish, yangi mahsulotlar yaratish va xizmat ko‘rsatish jarayonlarini tezlashtirishga undaydi.
- Raqobatning kuchayishi sug‘urta kompaniyalarini mijozlarga yanada yaxshiroq xizmat ko‘rsatish, ularning ehtiyojlariga mos ravishda mahsulotlar ishlab chiqishga majbur qiladi.

**b) Aholining sug‘urtaga bo‘lgan talabining oshishi**

- Aholining sug‘urtaga bo‘lgan talabining ortishi, ayniqsa, ijtimoiy xavfsizlikka qiziqishning ortishi va daromadlarining oshishi bilan bog‘liq. Fuqarolar o‘zlarining mol-mulkini, sog‘ligini va hayotini himoya qilish uchun sug‘urtani ko‘proq afzal ko‘rmoqda.
- O‘zbekiston aholisi orasida moliyaviy xavfsizlikka qaratilgan yondashuvlar ko‘proq rivojlanmoqda, bu esa sug‘urta xizmatlariga bo‘lgan qiziqishni oshiradi.

**c) Sug‘urtaning raqamli va onlayn xizmatlari**

- Sug‘urta kompaniyalari xizmatlarni raqamli platformalar orqali taqdim etishadi, bu esa mijozlarga qulaylik yaratadi va xizmatlar tezlashtiriladi.
- Mobil ilovalar va onlayn platformalar orqali polislar yaratish, o‘zgartirishlar kiritish, to‘lovlar amalga oshirish va zarar holatlarini xabar berish imkoniyatlari kengaymoqda.

**d) Qonunchilik va davlatning roli**

- Sug‘urta bozoridagi qonunchilik va reglamentlar yuksalmoqda, bu esa kompaniyalarga ishonch yaratadi. Davlat sug‘urta faoliyatini tartibga soladi va nazorat qiladi, shuningdek, ijtimoiy sug‘urta tizimini takomillashtiradi.
- Sug‘urta kompaniyalarining ish faoliyatini tartibga soluvchi normativ hujjatlar va yangi qonunlar bozordagi xizmatlar sifatini oshirishga yordam beradi.

**e) Risklarni boshqarish va tasniflash**

- Sug‘urta kompaniyalariga risklarni baholash va boshqarishning ilg‘or metodlari joriy etilmoqda. Bularning orasida katta ma’lumotlar (big data), analitika va sun’iy intellekt yordamida xizmatlarni takomillashtirish mavjud.
- Risklarni boshqarish orqali kompaniyalar samarali va xavfsiz xizmatlarni taqdim etishda muvaffaqiyat qozonmoqda.




Yuqoridagi grafikda O‘zbekiston sug‘urta xizmatlari bozorining rivojlanish tendensiyalari va xususiyatlari ko‘rsatilgan. Har bir kategoriya bo‘yicha bozorning rivojlanish darajasi tasvirlangan:

1. **Raqamli Texnologiyalar** – Raqamli texnologiyalar bozor rivojida eng yuqori ahamiyatga ega bo‘lib, 85% darajada rivojlanish ko‘rsatmoqda.
2. **Sug‘urta Mahsulotlarining Diversifikatsiyasi** – Sug‘urta mahsulotlarining turli xil variantlari va xususiyatlari (hayot, sog‘liq, mulk, va transport sug‘urtasi) bozorning 78% darajada o‘sishini ta’minlamoqda.
3. **Mikro Sug‘urta** – Kam daromadli qatlamlarga mo‘ljallangan mikro sug‘urta xizmatlarining rivojlanishi 65% darajaga yetmoqda.
4. **Korporativ Sug‘urta** – Katta korporatsiyalar va kompaniyalar uchun sug‘urta xizmatlari 60% darajada rivojlanmoqda.
5. **Xalqaro Hamkorlik** – Xalqaro sug‘urta kompaniyalarining O‘zbekistonga kirib kelishi va hamkorlik bo‘yicha xizmatlar o‘sishi 72% darajaga yetgan.
6. **Aholining Talabi** – Aholining sug‘urtaga bo‘lgan talabining ortishi 80% darajaga yetgan.
7. **Raqobat Muhiti** – Sug‘urta bozorida raqobatning kuchayishi 88% darajada sezilmoqda.
8. **Sug‘urta Onlayn Xizmatlari** – Sug‘urta xizmatlarining onlayn va raqamli shakllarining kengayishi 74% darajada rivojlanmoqda.

Sug‘urta bozorining rivojlanish tendensiyalari O‘zbekistonda ijtimoiy-iqtisodiy barqarorlikni ta’minlash, xalqaro bozor bilan integratsiyani chuqurlashtirish va aholining moliyaviy xavfsizligini oshirishga xizmat qiladi. Raqamli texnologiyalarning kengayishi, xizmatlarning diversifikatsiyasi va talabning oshishi sug‘urta bozorining jadal o‘sishiga olib kelmoqda. Shuningdek, raqobat muhiti, innovatsiyalar va davlat qo‘llab-quvvatlashi bu bozorda ijobiy o‘zgarishlarni yaratmoqda.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. **Mirzaeva, S., & Rakhimov, I.** (2020). *Insurance Market in Uzbekistan: Trends and Development Prospects*. *Journal of Economics and Management*.

2. **Abdullayeva, G.** (2018). *Economic and Legal Aspects of Insurance Market Development in Uzbekistan*. *International Journal of Economics and Finance*.

3. **Samadov, A.** (2021). *Innovation in Insurance Sector in Uzbekistan*. *Business and Economics Journal*.

4. **Djalilov, N., & Kurbanov, M.** (2019). *The Development of the Insurance Market in Uzbekistan: Challenges and Opportunities*. *Journal of Insurance and Risk Management*.

5. **Khamidov, F.** (2017). *Trends and Development of the Insurance Industry in Uzbekistan*. *Uzbekistan Financial Review*.

6. **Zoyirov, D., & Ahmedov, A.** (2016). *Insurance Marketing and Customer Behavior in Uzbekistan*. *International Journal of Marketing and Management*.

7. **Shukurov, B., & Abdurahmanov, M.** (2020). *Development of the Insurance Market in Emerging Economies: A Case Study of Uzbekistan*. *Global Economics and Business*.

8. **Kozimov, R.** (2015). *Problems of the Insurance Market and Ways to Improve It in Uzbekistan*. *Financial Management Review*.

9. **Kudratov, N. & Bakhtiyorov, J.** (2022). *Insurance Sector Trends in Central Asia with Special Reference to Uzbekistan*. *Asian Journal of Economics and Finance*.

**Abduraimov Abdulaziz Ulug‘bek o‘g‘li** - Tarmoq bozorlari va ishlab chiqarishda mehnat unumdorligi tadqiqotlari markazi
Tel.: +998945534488, e-mail: aabduraimov@gmail.com

# RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA MEHNAT UNUMDORLIGINI OSHIRISHGA INVESTITSIYA KIRITISHNING ZARURIYATI

**Annotatsiya:** Maqolada rivojlanib borayotgan raqamli iqtisodiyot sharoitida mehnat unumdorligini oshirish maqsadida tarmoqlarga yo‘naltirilgan investitsiyalar, ayniqsa global moliyaviy inqirozlardan keyin sohalarga investitsiyalar va raqamlashtirishning zaruriyati, ushbu yo‘nalishda ishlab chiqilgan qonunlar, ulardan amaliyotda foydalanish ko‘nikmalari, natijalari shuningdek raqamli texnologiyalardan keng foydalanish yuzasidan olib borilishi lozim bo‘lgan amaliy ishlar, ushbu yo‘nalishni jadal rivojlantirish maqsadida global miqyosda o‘rta va uzoq muddatli maqsadlar qo‘yilayotganligi yoritildi. Iqtisodiyotda mehnat unumdorligini oshirish yo‘nalishida tegishli takliflar berildi.

**Kalit so‘zlar:** moliyaviy inqiroz, raqamli iqtisodiyot, mehnat unumdorligi, kapital, investitsiya, darajaning oshishi, sanoat.

**Kirish.**

Raqamli iqtisodiyot doirasida mehnat unumdorligiga sarmoya kiritish tashkilotlar uchun ham, umuman iqtisodiyot uchun ham ijobiy natijalarga olib keladi. Bu innovatsiyalarni qabul qilishni tezlashtiradi, resurslarni optimallashtiradi, malakali ishchi kuchini yaratadi va barqaror iqtisodiy rivojlanish uchun mustahkam muhitni ta’minlaydi.

So‘ngi 25 yil ichida ishlab chiqarishning kuchli o‘sishi natijasida dunyo turmush darajasi keskin o‘zgardi. Bu davrda o‘rtacha iqtisodiyot unumdorligi olti baravarga oshdi. Shunga qaramay, unumdorlikning o‘sishi susaymoqda va dunyoning ko‘p joylarida unumdorlik umuman boshlana olmadi. Taxminan 2008 yildagi global moliyaviy inqiroz (GFC) dan buyon deyarli ommaviy sekinlashuv kuzatildi. Bularning barchasi iqtisodiyotda raqamlashtirishning va sohaga investitsiyaning kamayishi natijasida yuzaga kelmoqda

**Asosiy qism.**

Rivojlangan iqtisodiyotlarda unumdorlikning o‘sish sur’ati GFCga qadar pasayib ketgan edi. Besh yil ichida yiliga o‘rtacha 2,2 foizdan, 1,6 foizgacha - keyin esa 2012-22 o‘n yillikda 1 foizdan kamroqqa tushdi.

Rivojlanayotgan iqtisodiyotlarda unumdorlikning o‘sishi GFCdan oldin tezlashdi, 2002 yildan 2007 yilgacha besh yillik davrda 2,0 foizdan 5,9 foizgacha, keyin esa 2022 yilgacha bo‘lgan o‘n yil ichida raqamli iqtisodiyotni sohalarga jalb qilinmasligi va boshqa omillar natijasida 3,4 foizgacha pasaydi.

Unumdorlikning o‘sishi investitsiyalardan ko‘proq foyda olishni anglatadi. Bu, ayniqsa, dunyo yangi geoiqtisodiy davrning ko‘plab muammolariga duch kelayotgan bir paytda zarur.

Unumdorlikning o‘sishi so‘nggi yigirma yil ichida aktivlar narxining

inflyatsiyasiga qarshi eng yaxshi antidot *(qarshi dori)* bo‘lib, u taxminan 160 trln dollarlik "boylik" va undan ham kattaroq yangi qarzlarni yaratdi. Imkoniyatlarni kengaytirish va investitsiyalar bo‘yicha aniq nolga teng bo‘lgan farqni yopish uchun har yili global yalpi ichki mahsulotning 8 foizi ekvivalentini talab qiladi, bunda esa unumdorlikning tez o‘sishisiz erishish juda qiyin bo‘ladi.

Ushbu ma’lumot xususiy va davlat qarorlarini qabul qiluvchilar uchun mahsuldorlik o‘sishining eng muhim xususiyatlari, nima uchun u sekinlashgani va uni tezlashtirish nimaga olib kelishi haqida umumiy ma’lumot beradi. Shuningdek, rivojlangan mamlakatlardagi sekinlashuvga yangicha qarashni taklif qiladi va muhim bo‘lgan bir nechta omillarni aniqlaydi. Turli xil tezliklarda turli "bo‘laklar" bo‘ylab harakatlanayotgan rivojlanayotgan iqtisodiyotlarni tahlil qiladi va orqada qolgan iqtisodiyotni tez o‘sish chizig‘iga o‘tish uchun nima qilishlari kerakligini aniqlaydi. Barcha iqtisodiyotlar uchun bitta umumiy imperativni ta’kidlaydi: moddiy va nomoddiy kapitalga investitsiyalar.

Dunyoviy investitsiyalarning pasayishi ham mahsuldorlikning o‘sishini zaiflashtirdi. Bir ishchiga to‘g‘ri keladigan kapital o‘sishining sezilarli va doimiy pasayishi AQSH, Germaniya, Buyuk Britaniya va Yaponiyada GFCdan keyin kuzatildi. Kapital qo‘yilmalarning pasayishi Qo‘shma Shtatlarda ishlab chiqarishdan tashqari mahsuldorlikning o‘sishini 0,5 foiz punktga, G‘arbiy Yevropa namunaviy iqtisodlarimizda 0,3 punktga va Yaponiyada 0,2 punktga sekinlashtirdi, bu ularning umumiy sekinlashuvining taxminan 30-50 foizini tashkil etdi. Bu pasayish deyarli barcha sohalarni qamrab oldi: Qo‘shma Shtatlarda faqat tog‘-kon sanoati va qishloq xo‘jaligi bundan mustasno edi. Yevropada konchilik, qurilish va moliya va sug‘urta umuman barqaror bo‘lib qoldi, ko‘chmas mulk esa tezlashdi.

Aniqroq aytganda, moddiy kapitalning o‘sishining sekinlashishi (masalan, mashinalar, uskunalar va binolar) AQShda deyarli 90 foiz va Yevropada 100 foiz pasayish bilan izohlanadi. 1997 yildan 2019 yilgacha moddiy boyliklarda yalpi asosiy kapital shakllanishi Qo‘shma Shtatlarda yalpi qo‘shilgan qiymatning 22 foizidan 14 foizigacha, Yevropada esa 25 foizdan 17 foizgacha kamaydi. Nomoddiy kapitalning o‘sishi (masalan, ilmiy-tadqiqot va dasturiy ta’minot) barqaror edi. Nomoddiy kapitalning yalpi shakllanishi AQShda 12 foizdan 16 foizga, Yevropada esa 10 foizdan 12 foizga oshdi. Nomoddiy obyektlarga sarmoya kiritish korporativ samaradorlik va mehnat unumdorligini oshirish uchun zarur, biroq u to‘siqlarga duch kelishi hamda unumdorlik foydalari amalga oshishi uchun ko‘proq vaqt talab qilishi mumkin.

So‘ngi 25 yil ichida unumdorlik tez sur’atlarda o‘sib borayotgan rivojlanayotgan iqtisodlar ilg‘or iqtisodlarga yetib oldi, Xitoy va Hindiston birinchi o‘rinda.

Mehnat unumdorligini oshirishda investitsiyalar asosiy omilni egallaydi. YAIMning 20 dan 40 foizigacha bo‘lgan kapital qo‘yilmalar unumdorlikning tez o‘sishining asosiy omili bo‘lib, aksariyat hollarda uning kamida 70-80 foizini tashkil etadi.

Ushbu investitsiyalar quyidagilarga yo‘naltiriladi:

- yo‘l, shahar qurilishi hamda qishloq xo‘jaligini mexanizatsiyalash va xizmat ko‘rsatish sohalariga.

Bu kengayayotgan xizmat ko‘rsatish sohalarida mahsuldorlikning o‘ziga xos o‘sishiga erishish, bu erda kapitalni chuqurlashtirish rasmiy samarali ish o‘rinlarini yaratish uchun muhim ahamiyatga ega.

**Xulosa va takliflar.**

Raqamli iqtisodiyot sharoitida da mehnat unumdorligiga investitsiya qilish bir nechta asosiy sabablarga ko‘ra muhimligi ko‘rindi. Bular:

- **Raqobatbardoshlikni oshirish** : Global bozorlar raqobatbardoshligi oshgani sayin, raqamli texnologiyalar korxonalarga tovarlar va xizmatlarni tezroq, yuqori sifatda va ko‘pincha arzonroq narxlarda ishlab chiqarishga yordam beradi
- **Innovatsiyalarni qabul qilish** : raqamli vositalar va avtomatlashtirish ishlab chiqarish jarayonlarini soddalashtiradi va samaradorlikni oshiradi.
- **Ishchi kuchining malakasini oshirish** : Raqamli iqtisodiyot ishchilardan aniq raqamli ko‘nikmalarga ega bo‘lishni talab qiladi.
- **Samarali resurslarni boshqarish** : ma’lumotlar tahlili kabi raqamli vositalar resurslardan, jumladan vaqt va kapitaldan yanada samarali foydalanish imkonini beradi.
- **Barqaror o‘sishni qo‘llab-quvvatlash** : Uzoq muddatli o‘sish va barqarorlikni qo‘llab-quvvatlash uchun raqamli mahsuldorlikni oshirishga investitsiyalar juda muhimdir.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati.**

1. Ф.У.Тейлор Принципы научного менеджмента / пер. с англ. М.: Финансы и статистика, 1989. - 104 с.; А.Н.Сорочайкин, И.А.Сорочайкин Знания и рост производительности труда (концепция П.Друкера - Ф.Тейлора) // Журнал Самарского государственного университета. - 2011. - №10.

2. М.В.Тимошкова Рассмотрение экономического учения Дж.М.Кейнса // Modem science. - 2020. - №10-2. 1. Андрианова Н.В., Назмеева О.А. Планирование производительности труда // Молодой ученый. – 2018. – № 12 (92). – 480 с.

3. П.Е.Солопов Теории производительного и непроизводительного труда как отражение процесса развития социально-экономических отношений: дис. канд. экон. наук: 08.00.01/ Солопов Петр Евгеньевич. Москва.

4. https://www.mckinsey.com/mgi/our-research/investing-in-productivity-growth

5. https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1111/roiw.12690

**Abdurakhmonova Farzona -** Millat Umidi Universiteti 3-bosqich talabasi,
adhamovnafarzona@gmail.com

## O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOTIDA SUN'IY INTELLEKTNING O‘RNI

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada sun'iy intellekt texnologiyalarining O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotga ta’siri o‘rganiladi. Maqolada raqamli

iqtisodiyot va sun'iy intellekt tushunchalari, O‘zbekistonning ushbu sohada amalga oshirayotgan loyihalari va raqamlashtirish orqali iqtisodiyotda samaradorlikka erishish yo‘llari haqida batafsil ma’lumot berilgan. Sun'iy intellekt texnologiyalarining davlat boshqaruvi, moliya, qishloq xo‘jaligi va bank sohasidagi amaliy tatbiqlari va kelajak istiqbollari keltirilgan. Maqolaning oxirida ilmiy-nazariy va amaliy takliflar berilgan.

**Kalit so‘zlar:** Sun'iy intellekt, raqamli iqtisodiyot, O‘zbekiston, avtomatlashtirish, innovatsiya.

**Аннотация:** В данной статье рассматривается влияние технологий искусственного интеллекта на цифровую экономику Узбекистана. В статье представлена подробная информация о концепциях цифровой экономики и искусственного интеллекта, проектах, реализуемых Узбекистаном в этой сфере, а также путях достижения эффективности экономики посредством цифровизации. Представлены практическое применение и будущие перспективы технологий искусственного интеллекта в сфере государственного управления, финансов, сельского хозяйства и банковского дела. В конце статьи даны научно-теоретические и практические предложения.

**Ключевые слова:** Искусственный интеллект, цифровая экономика, Узбекистан, автоматизация, инновации.

**Abstract:** This article examines the impact of artificial intelligence technologies on the digital economy in Uzbekistan. The article provides detailed information about the concepts of digital economy and artificial intelligence, the projects implemented by Uzbekistan in this field, and ways to achieve efficiency in the economy through digitization. Practical applications and future prospects of artificial intelligence technologies in public administration, finance, agriculture and banking are presented. Scientific-theoretical and practical suggestions are given at the end of the article.

**Keywords:** Artificial intelligence, digital economy, Uzbekistan, automation, innovation.

**Kirish**

O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyot mamlakat iqtisodiyoti rivojlanishining muhim qismi sifatida e’tirof etilmoqda. "Raqamli O‘zbekiston – 2030" strategiyasi mamlakatning barcha sohalarini raqamlashtirish va avtomatlashtirishga qaratilgan. Sun'iy intellekt texnologiyalari esa ushbu jarayonning ajralmas qismi bo‘lib, ma’lumotlarni avtomatik qayta ishlash, tahlil qilish va xavfsizlikni ta’minlash kabi ko‘plab imkoniyatlarni yaratmoqda. Mazkur maqola sun'iy intellekt va raqamli iqtisodiyotning asosiy nazariy jihatlari, amaliy tatbiqlari va rivojlantirish istiqbollari haqida batafsil ma’lumot beradi.

**1. Sun'iy Intellekt va Raqamli Iqtisodiyotning Asoslari**

Raqamli iqtisodiyot raqamli texnologiyalarning joriy etilishi bilan iqtisodiy faoliyatni optimallashtiradi, iqtisodiy resurslar samaradorligini oshiradi va iqtisodiy jarayonlarni avtomatlashtiradi. Sun'iy intellekt katta hajmdagi ma’lumotlar asosida qaror qabul qilish imkoniyatini beruvchi algoritmlar va texnologiyalar yig‘indisini ifodalaydi. U iqtisodiy jarayonlarda tahlil qilish, oldindan bashorat qilish, xavfsizlikni ta’minlash va inson resurslaridan foydalanishni samarali boshqarish

imkonini beradi.

**Nazariy jihatlari**:

- **Avtomatlashtirish**: iqtisodiy jarayonlarni avtomatlashtirish va inson aralashuvini kamaytirish.
- **Ma’lumotlar tahlili**: iqtisodiy ma’lumotlarni real vaqtda qayta ishlash va samarador qarorlar qabul qilish.
- **Xavfsizlik**: iqtisodiy tizimlarda ma’lumotlarning xavfsizligini ta’minlash uchun sun'iy intellektdan foydalanish.

**2. O‘zbekistonda Sun'iy Intellekt Texnologiyalari Rivoji**

O‘zbekistonda sun'iy intellekt texnologiyalari davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlanmoqda. "Raqamli O‘zbekiston – 2030" strategiyasi orqali sun'iy intellektning turli sohalarda keng tatbiqi ko‘zda tutilgan. Davlat xizmatlarini avtomatlashtirish, qishloq xo‘jaligi, ta’lim va bank tizimi kabi sohalarda SI amaliy qo‘llanilmoqda.

**Amaliy loyihalar va yechimlar**:

- **Davlat xizmatlari**: Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali sun'iy intellekt texnologiyalaridan foydalangan holda, fuqarolarga xizmat ko‘rsatish tizimi soddalashtirildi.
- **Moliyaviy texnologiyalar**: banklarda kredit olish jarayonini avtomatlashtirish va mijozlar bilan aloqalarni kuchaytirish uchun SI qo‘llanilmoqda.
- **Qishloq xo‘jaligi**: dron va datchiklar yordamida ekinlarning rivojlanishi monitoring qilinmoqda.

**3. Sun'iy Intellekt va Raqamli Iqtisodiyotning Afzalliklari**

Sun'iy intellekt texnologiyalari iqtisodiy faoliyatni samaradorlikka erishish, xarajatlarni qisqartirish va ma’lumotlarni tahlil qilishda yangi imkoniyatlar yaratmoqda.

**Afzalliklari**:

- **Xarajatlarni qisqartirish**: raqamlashtirish orqali jarayonlarni optimallashtirish va resurslarni tejash.
- **Tezkor qaror qabul qilish**: katta hajmdagi ma’lumotlarni real vaqtda qayta ishlash va tezkor qarorlar qabul qilish imkoniyati.
- **Resurslardan samarali foydalanish**: inson va moliyaviy resurslardan samarali foydalanish.

**4. Ilmiy-nazariy va amaliy ahamiyatga ega tavsiyalar**

1. **Kadrlar tayyorlash**: O‘zbekistonning oliy ta’lim muassasalarida sun'iy intellekt va raqamli iqtisodiyot bo‘yicha kadrlar tayyorlash dasturlarini joriy qilish.
2. **Xususiy va davlat sektorlarida hamkorlikni kuchaytirish**: davlat va xususiy sektor o‘rtasida sun'iy intellektni rivojlantirishda hamkorlik qilish.
3. **Texnologiyani yanada rivojlantirish**: O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotda sun'iy intellektning yanada keng qo‘llanishini ta’minlash, tadbirkorlarni SI texnologiyalari bilan ta’minlash.

**Xulosa**

Sun'iy intellekt va raqamli iqtisodiyot O‘zbekiston iqtisodiyoti uchun muhim imkoniyatlar yaratmoqda. Ushbu texnologiyani iqtisodiyotning barcha sohalarida qo‘llash orqali raqamli xizmatlar sifati va iqtisodiy samaradorlik oshadi. Sun'iy

intellekt texnologiyalarining kelgusidagi rivojlanishi O‘zbekiston iqtisodiyotini raqobatbardosh va innovatsion qila oladi. Shu munosabat bilan, davlat va xususiy sektorlarning hamkorligini kuchaytirish, yuqori malakali kadrlarni tayyorlash va raqamli iqtisodiyot uchun zarur infratuzilmani shakllantirish zarur.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. **“Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasi.** O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni, 2020.
2. **“Sun'iy intellekt va raqamli iqtisodiyot”.** V. Ivanov, Moskva Davlat Texnika Universiteti, 2019.
3. **“Raqamli iqtisodiyotda sun'iy intellektning amaliy tatbiqlari”.** R. Smirnov, Yevropa Iqtisodiy Rivojlanish Jamg‘armasi, 2021.
4. **“Uzbekistan’s Digital Economy and Artificial Intelligence”**. Asian Development Bank, 2022.



**T.Ilyosov - “Alskom sug‘urta kompaniyasi” AJ Bosh direktori**
*tel.: +998 (99) 822-08-56, e-mail: t.ilyosov@alskom.uz*


## O‘ZBEKISTONDA SUG‘URTA XIZMATLARINI KO‘RSATISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNI TAKOMILLASHTIRISH


***Annotatsiya:*** *Mazkur maqolada sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatishda raqamli texnologiyalarning ahamiyati yoritilgan bo‘lib, iqtisodiy munosabat va jarayonlarni rivojlantirish davrida iqtisodiyotni bir qismi bo‘lgan sug‘urta tashkilotlari faoliyatida raqamli texnologiyalarni qo‘llashning ahamiyati, dolzarbligi, mavjud muammolar va ularga yechim va tavsiyalar berilgan.*



***Kalit so‘zlar:*** *raqamli texnologiya, mobil ilova, sun’iy intelekt, sug‘urta bozorining professional ishtirokchilari.*



***Abstract:*** *The article highlights the importance of digital technologies in the provision of insurance services as a part of the economy especially during the period of development of economic relations and processes, importance, relevance, existing problems, solutions and recommendations of the use of digital technologies in the activities of insurance organizations.*



***Key words:*** *digital technology, mobile application, artificial intelligence, professional participants of the insurance market.*



***Аннотация:*** *В данной статье освещено значение цифровых технологий в оказании страховых услуг, являющихся частью экономики в период развития экономических отношений и процессов, важность, актуальность, существующие проблемы, решения и рекомендации использования цифровых технологий в деятельности страховых организаций,*



***Ключевые слова:*** *цифровые технологии, мобильное приложение, искусственный интеллект, профессиональные участники страхового рынка.*

Jahon tajribasida aholiga sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatish tizimini rivojlantirish orqali ularning daromadlarini oshirish, hayot tarzini yaxshilash, ishsizlikni kamaytirish, chakana xizmatlar sifatini oshirishga alohida e’tibor qaratilmoqda, shuningdek raqamli iqtisodiyotga sarflanayotgan mablag‘lar-yil davomida oshib borayotganini kuzatish mumkin.

Jumladan, “Xitoy axborot-kommunikatsiya texnologiyalari akademiyasi tomonidan o‘tkazilgan tadqiqotga ko‘ra, Xitoyning raqamli iqtisodiyoti 2021-yilda 5,4 trln. AQSh dollariga teng bo‘lib, dunyoda AQShdan (13,6 trln. AQSh dollari) keyin 2-o‘rinni egallagan. 3-o‘rinni Germaniya (2,54 trln. AQSh dollari), Yaponiya (2,48 trln. AQSh dollari), Buyuk Britaniya (1,79 trln. AQSh dollari), Fransiya (1,19 trln. AQSh dollari), Janubiy Koreya (847,8 mlrd. AQSh dollari), Hindiston (514,9 mlrd. AQSh dollari), Kanada (434,5 mlrd. AQSh dollari) hamda Italiya (377, mlrd. AQSh dollari) egallagan. O‘rganilgan 47 mamlakat va mintaqadagi raqamli iqtisodiyot bozorining hajmi 2021-yilda-yiliga 3 foizga o‘sib, 32,6 trillion AQSh dollarini tashkil etgan”[92]

Bunga birgina misol sifatida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2024-yil 14-oktabrdagi PQ-358-sonli “Sun’iy intellekt texnologiyalarini 2030-yilga qadar rivojlantirish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorida bank-moliya sohasida – firibgarliklarning oldini olish, foydalanuvchilarning to‘lov qobiliyatini baholash, bozor tendensiyalarini prognoz qilish sun’iy intellekt texnologiyalarini joriy etishning ustuvor yo‘nalishlaridan biri etib belgilandi.[93]

Bank-moliya sohasining bir bo‘lagi sifatida sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatishda raqamli texnologiyalarni keng joriy etishga harakat qilinmoqda ammo bu harakatlar faqatgina davlat siyosati sifatida keng joriy etishga targ‘ib qilinayotgandek nazarimizda. Ammo bu harakatlar sug‘urta mahsulotlarini qamrovini ortishiga yetarli darajada ta’sirini ko‘rmayabmiz. Birgina xalqaro moliya institularining hisobotlariga nazar tashlasak.

Jahon bankining Global Findex Databaseda keltirilgan ma’lumotlariga asosan, bankda hisob raqamiga ega bo‘lgan va bank xizmatlaridan foydalanaytgan katta yoshdagi aholining soni 2011-yildagi 51 foizdan 2023-yilda 80 foizga, Yevropa va Markaziy Osiyoda bu ko‘rsatkich mutannosib ravishda 13 foizdan 78 foizga o‘sganini ko‘rish mumkin.

Bu ko‘rsatkich Qozog‘istonda – 81 foiz, Turkiyada — 74 foiz, Rossiyada - 90 foizni tashkil etadi. Banklarda hisob raqamiga ega bo‘lgan va bank xizmatlaridan foydalanuvchi aholi salmog‘i Niderlandiya, Daniya, Avstriya, Germaniya, Shvesiya, Islandiya, Irlandiya, Shveysariya, Fransiya, Angliya va Kanadada 97 – 100 foizni tashkil etadi.[94] Bundan shuni ko‘rishimiz mumkinki iqtisodiyotni qon tomiri bo‘lgan bank sohasidagi to‘siqlar asta-sekin bartaraf etilmoqda, bank xizmlatlari sifati oshmoqda, chakana xizmatlar soni ko‘paymoqda biroq sug‘urta sohasida nazarimizda bu tendensiya biroz pasaygandek. Bundan shuni xulosa qilish mumkinki, sug‘urta va bank xizmatlari o‘rtasidagi aloqadorligi, yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan shaxsiy, tadbirkorlik tavakkalchiliklarini raqamli iqtisodiyot

[92] https://rankingroyals.com/top-10-countries-in-digital-economy-2021/
[93] https://lex.uz/docs/-7158604
[94] https://www.worldbank.org/en/publication/globalfindex

sharoitida innovatsion sug‘urta turlarini kengaytirish, biznes jarayonlarida sun’iy intellektni joriy etishni taqozo etmoqda.

Shu o‘rinda raqamli sug‘urta deganda nima ko‘z oldimizga keladi?

Sug‘urta biznesini yuritishda raqamli texnologiyalar sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatish bilan bog‘liq jarayonlar, mijozlarga xizmat ko‘rsatishning asosiy elementiga aylanadi.

Tabiiy savol tug‘ilishi mumkin sug‘urta kompaniyalarida ma’lumotlar hujjat almashinuvi, ma’lumotlarni elektron bazaga to‘plash ma’lum bir dasturiy ta’minot orqali almashinuvi raqamli sug‘urta kompaniyasi deb e’tirof etishga asos bo‘ladimi? Albatta yo‘q! Raqamli sug‘urta xizmatlarini yo‘lga qo‘yishda nafaqat dasturiy ta’minotdan foydalanish balki kompaniya yillar davomida sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatish orqali orttirgan tajriba va ko‘nikmalarini mijozlarning talablarini inobatga olgan holda tubdan o‘zgartirishni talab qiladi.

Raqamli sug‘urtaning yana bir asosiy jihatlaridan mijozlarni jalb qilish, anderrayting siyosatni boshqarish va da’volarni qayta ishlashgacha bo‘lgan butun bir jarayon zanjirini raqamlashtirishdir. Hozirda faoliyat yuritayotgan sug‘urta kompaniyalari mijozlar bilan bog‘liq ma’lumotlarni boshqarish yoki da’volarni qayta ishlash kabi muayyan funktsiyalar uchun dasturiy ta’minotdan foydalanishlari mumkin, lekin ular ko‘pincha qo‘lda ishlov berishga tayanadilar.

An’anaviy sug‘urta xizmatlaridan raqamli sug‘urtaning yana bir muhim farqi - bu mijozlar bilan o‘zaro aloqadorlikda ko‘rinadi. Raqamli sug‘urta xizmatini ko‘rsatuvchilar veb-saytlar, mobil ilovalar va chatbotlar kabi onlayn kanallaridan foydalanishni keng yo‘lga qo‘yadilar. An’anaviy sug‘urta xizmatini ko‘rsatuvchilar ko‘pincha shaxsiy uchrashuvlar va telefon qo‘ng‘iroqlariga tayanadilar, ular faqat cheklangan onlayn xizmatlarni taklif qiladilar va raqamli sug‘urtada ko‘rinadigan keng qamrovli raqamli integratsiyaga ega emaslar *(1-jadval).*

**1-jadval. An’anaviy va raqamli sug‘urtaning asosiy farqli jihatlari[95]**

| Ta’sir etuvchi omillar | An’anaviy sug‘urta | Raqamli sug‘urta |
|---|---|---|
| Sug‘urta tariflarining shakllanishi | Alohida bo‘linmalarda ishni tashkil etish ish yuritish xarajatlari ortishiga olib keladi | Sug‘urta xizmatlari onlayn mexanizmlar tufayli ish yuritish xarajatlari kamayadi. |
| Sug‘urta maxsulotlarini sotish jarayonlari | Ko‘p bosqichli murakkab Jarayon hisoblanib, xizmatlarni ko‘rsatish uchun ortiqcha hujjatlar talab qilinadi | Raqamli texnologiyalar orqali qog‘ozsiz xizmatlar ko‘rsatiladi. Sug‘urta maxsulotini sotib olish katta qiyinchilik tug‘dirmaydi. |
| Munosabatlar | Xodimlarda kompetensiyaning yo‘qligi, murakkab shartlar | Veb-saytlar, elektron pochta xabarlari, matnlar va boshqalar kabi bir nechta vositalar orqali o‘qish va tushunish yengillik beradi. |

[95] Muallif tomonidan tayyorlangan

| | | |
|---|---|---|
| Sug‘urta da’volari | Yetkazilgan zarar miqdorini aniqlash uchun asos va dalillar hujjatlar talab qilinishi | Mijozlarga sug‘urta da’volarini yuborishda ortiqcha qiyinchilik tug‘dirmaydi. Vakolatli organlar axborot texnologiyalari bilan integratsiyasi qulaylik yaratadi. |

Bir holatga e’tibor qaratadigan bo‘lsak raqamlashtirish va avtomatlashtirish jarayonlarini regulyator tomonidan amalga oshirish lozimmi yoki sug‘urta tashkilotlarining o‘z vakolati doirasida amalga oshirishi kerakmi degan savolga regulyativ texnologiyalar va sug‘urta texnologiyalari bir-biriga chambarchas bog‘liq hisoblanadi. Sug‘urta bozorini raqamlashtirish faqatgina regulyator tomonidan amalga oshiriladigan bo‘lsa sug‘urta xizmatlarini rivojlanishini ma’lum darajada chegaralaydi.

Sug‘urta munosabatlarini yo‘lga qo‘yish va tartibga solishda sun’iy intellektni qo‘llash quyidagi jihatlari bilan ahamiyatli hisoblanadi:

– sug‘urta da’volarini ko‘rib chiqishda;

– sug‘urta tavakkalchiliklarini aniqlash va sug‘urta tariflarini ishlab chiqish, anderrayting siyosatida;

– sug‘urta sohasida yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan firibgarliklarni aniqlashda;

– sug‘urta xizmatlarini sotish jarayonlarida.

Yuqorida keltirilgan holatlardan shuni xulosa qilishimiz mumkinki, O‘zbekistonda sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatishda an’anaviy usullardan raqamli texnologiyalarga o‘tishida biznes jarayonlarni raqamlashtirish imkonini beruvchi me’yorlarni belgilash, bunda vakolatli davlat organlarning o‘rni muhim hisoblanadi. Ikkinchidan, sug‘urta xizmatlarini ko‘rsatishda raqamli texnologiyalarni faqatgina sug‘urta sohasini o‘zida qo‘llash yetarli emas, balki da’voni aniqlash, baholash metodologiyalari, tannarx va bozor qiymatlarini belgilashni avtomatlashtirilgan tizimlarini joriy etish, sug‘urta da’volarini asoslashda, ma’lumotnomalar olishda ham raqamli texnologiyalarni mutanosib ravishda rivojlantirish muhim hisoblanadi.

**Azizbek Abduraxmonov -** Samarqand iqtisodiot va servis instituti tayanch doktoranti, azizabdurahmonov65@gmail.com

## O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI IQTISODIYOTNING RIVOJLANISHI: MUAMMOLAR VA IMKONIYATLAR

**Annotatsiya:** Raqamli iqtisodiyot butun dunyoda tez sur’atlar bilan rivojlanib, davlatlar iqtisodiyotining muhim bir qismiga aylanmoqda. Raqamli texnologiyalar savdo, moliya, ishlab chiqarish va xizmat ko‘rsatish sohalariga chuqur ta’sir o‘tkazmoqda. O‘zbekiston ham ushbu global tendensiyadan chetda qolmagan va raqamli transformatsiya jarayonlarini jadal amalga oshirishga intilmoqda. Ushbu maqolada O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishiga to‘sqinlik qiluvchi muammolar va ushbu jarayonning imkoniyatlari tahlil qilinadi.

**Kalit so‘zlar:** Raqamlashtirish, innovatsiya, strategiya, infratuzilma, mobil texnologiya, raqamli to‘lov, elektron tijorat, fintech kompaniya, xoriiy investitsiya, kichik va o‘rta biznes korxona.

**Аннотация:** Цифровая экономика стремительно развивается во всем мире и становится важной частью экономики стран. Цифровые технологии оказывают глубокое влияние на торговлю, финансы, производство и сферу услуг. Узбекистан не остался в стороне от этой глобальной тенденции и стремится к ускоренной реализации процессов цифровой трансформации. В данной статье анализируются проблемы, которые препятствуют развитию цифровой экономики в Узбекистане и возможности этого процесса.

**Ключевые слова:** цифровизация, инновации, стратегия, инфраструктура, мобильные технологии, цифровые платежи, электронная коммерция, финтех-компания, иностранные инвестиции, малый и средний бизнес.

Oxirgi yillarda Mamlakatimiz hukumati raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish uchun qator say-harakatlarni amalga oshirdi. 2020-yil 5-oktabr kuni qabul qilingan “Raqamli O‘zbekiston 2030” strategiyasi[96] raqamli infratuzilmani rivojlantirish, raqamli texnologiyalarni joriy etish va iqtisodiyotni transformatsiya qilishni ko‘zda tutadi. Ushbu strategiyaning asosiy maqsadi davlat xizmatlari, bank sektori, ta’lim va sog‘liqni saqlash kabi sohalarda raqamli texnologiyalardan keng foydalanishni ta’minlashdir.

Mamlakatimizda barcha tarmoqlar, sohalar kundan kunga raqamlashib bormoqda. Ayniqsa, Covid-19 sababli joriy etilgan karantin rejimi onlayn Tovar va xizmatlarga bo‘lgan talabni oshirib yubordi. Bugungi kunda masofadan turib tovar savdosini amalga oshirish yoki uydan turib masofaviy ta’lim olish mumkin bo‘lib qoldi.

O‘zbekistonda internet va mobil texnologiyalarning keng tarqalishi raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi uchun muhim omil hisoblanadi. 2023-yilda mamlakatda internet foydalanuvchilarining soni 27 milliondan oshdi, bu esa raqamli xizmatlar uchun katta bozor mavjudligini ko‘rsatadi. Raqamli to‘lov tizimlari, elektron tijorat va fintech kompaniyalarining rivojlanishi O‘zbekiston raqamli iqtisodiyotining yuksalishiga turtki bo‘lmoqda.

***1-jadval***

| ***Ko‘rsatkich*** | ***2020*** | ***2021*** | ***2022*** | ***2023*** | ***Izoh*** |
|---|---|---|---|---|---|
| Internet foydalanuvchilari soni (million) | 22.0 | 24.5 | 27.3 | 29.8 | Internet foydalanuvchilari soni ortishi, ayniqsa mobil internetda |
| Mobil internet tezligi (Mbps) | 11.2 | 13.5 | 16.8 | 19.2 | Mobil internet tezligi o‘smoqda, lekin hali global o‘rtachadan past |

[96] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabr kuni “Raqamli O‘zbekiston - 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish hora-tadbirlari to‘g‘risidagi farmoni - https://lex.uz/ru/docs/-5030957

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Raqamli iqtisodiyot ulushi (YaIMga nisbatan, %) | 2.1 | 2.8 | 3.5 | 4.2 | Raqamli iqtisodiyotning iqtisodiyotdagi ulushi bosqichma-bosqich oshmoqda |
| IT xizmatlar eksporti (million $) | 46 | 84 | 140 | 220 | IT xizmatlari eksportida ijobiy o‘sish kuzatilmoqda |
| Elektron tijorat ulushi (umumiy savdoga nisbatan, %) | 1.5 | 2.1 | 3.0 | 4.2 | Elektron tijoratning ulushi o‘sayotgan bo‘lsa-da, hali ham past darajada |
| Raqamli xizmatlar iste’molchilari soni (million) | 15.0 | 18.0 | | | E-hukumat va elektron tijorat xizmatlarining rivojlanishi. Raqamli xizmatlarga talabning ortishi va raqamli savodxonlikning o‘sishi |

**O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotni rivojlanishi, ko‘rsatgichlarda.[97],[98]**

**Raqamli iqtisodiyotning imkoniyatlari.** O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi ko‘plab imkoniyatlarni yaratmoqda:

1. **Kichik va o‘rta biznesni rivojlantirish**. Raqamli texnologiyalar kichik va o‘rta biznes (KO‘B) uchun yangi imkoniyatlar yaratmoqda. Elektron tijorat, onlayn marketing va raqamli to‘lov tizimlari kichik va o‘rta biznes uchun keng bozor imkoniyatlari ochmoqda. Ayniqsa, raqamli platformalar yordamida eksport qilish imkoniyatlari ortib, o‘zbek tadbirkorlari jahon bozoriga chiqishlari osonlashmoqda.

2. **Davlat xizmatlarining raqamlashtirilishi**. Mamlakatimiz prezidenti Sh.M.Mirziyoyev 2020-yil 13-fevral kuni axborot texnologiyalarini rivojlantirish, buning uchun zamonaviy infratuzilma yaratish masalasi bo‘yicha o‘tkazilgan yig‘ilishida barcha sohalarda ochiqlik va samaradorlikni ta’minlash maqsadida “Elektron hukumat” tizimi keng joriy etilmoqda. Xususan yagona interaktiv davlat xizmatlari portal orqali 178 ta xizmat yo‘lga qo‘yilgan.[99] “Raqamli O‘zbekiston 2030” dasturi doirasida davlat xizmatlarining ko‘pi raqamlashtirilmoqda. Bu esa xizmatlarning samaradorligini oshiradi va fuqarolar uchun qulayliklar yaratadi. Masalan, davlat xizmatlarini onlayn olish imkoniyati, fuqarolar va davlat idoralari o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarni soddalashtiradi va korrupsiya darajasini pasaytirishga xizmat qiladi.

3. **Xorijiy investitsiyalarni jalb qilish**. Iqtisodiyot diversifikatsiyasi va dinamikasi qanchalik yuqori bo‘lsa, davlat ichida va tashqarisida noyob axborotlar aylanmasi shunchalik ko‘p, milliy iqtisodiyotlar ichida axborot trafigi esa shu qadar salmoqli bo‘ladi. Shu bois ishtirokchilar soni ko‘p va IT xizmatlar keng tarqalgan bozorlarda raqamli iqtisodiyot jadal sur’atlarda rivojlanadi. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi xorijiy investorlar ko‘z o‘ngida O‘zbekistonni yanada jozibador qilib

[97] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi hamda ilmiy internet qidiruvi materiallari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.
[98] Manba: O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Huzuridagi Statistika Agentligi (https://stat.uz/uz/)
[99] https://president.uz/uz/lists/view/3354 - Prezident matbuot xizmati

ko‘rsatadi. Raqamli infratuzilmaning rivojlanishi va hukumat tomonidan raqamli texnologiyalarni qo‘llab-quvvatlash mamlakatning xalqaro miqyosdagi reytingini oshirishga yordam beradi. O‘zbekistonga kirib kelayotgan xorijiy kompaniyalar, ayniqsa texnologiya sohasida, yangi ish o‘rinlari yaratish bilan birga iqtisodiy o‘sishga katta hissa qo‘shishi mumkin.

**Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishidagi muammolar.** Biroq, raqamli iqtisodiyotning rivojlanishiga to‘sqinlik qiluvchi bir qancha muammolar ham mavjud:

1. **Raqamli infratuzilmaning cheklanganligi**. O‘zbekistonda raqamli infratuzilmaning rivojlanishidagi cheklanishlariga bir nechta asosiy sabablar ta’sir ko‘rsatmoqda. Birinchidan, moliyaviy cheklovlarni sabab sifatida aytib o‘tishimiz muhim hisoblanadi. Ya’ni mamlakatda raqamli infratuzilma, xususan, keng polosali internet va mobil aloqa tarmoqlarini rivojlantirish uchun katta capital talab qilinadi. Bu borada bugungi kunga kelib davlat va xususiy sector investitsiyalari yetarli emas. Ikkinchidan, geografik cheklovlar ya’ni mamlakatda internet infratuzilmasining to‘liq rivojlanmaganligi, ayniqsa qishloq joylarda, raqamli iqtisodiyotning to‘laqonli rivojlanishiga xalaqit beradi. Internetning past tezligi va barqaror emasligi ko‘plab raqamli xizmatlar va texnologiyalardan foydalanishni cheklaydi. Uchinchidan, texnologik cheklovlarni infratuzilmani rivojlanishining barqaror kechmayotganligini yana bir faktori deb atasak bo‘ladi. O‘zbekistonda mavjud internet va telekommunikatsiya tarmoqlarining bir qismi eskirgan texnologiyalarga asoslangan. Yangi texnologiyalar, masalan, optik tolali aloqa va 5G kabi ilg‘or texnologiyalarga o‘tish sekin kechmoqda. Global reytinglarda O‘zbekiston internet tezligi past o‘rinlarda turibdi bu esa raqamli iqtisodiyotni jadal kechishida salbiy ta’sir ko‘rsatadi.
2. **Raqamli ko‘nikmalar yetishmasligi**. Avvalo, raqamli ko‘nikma shakllanishi dastlab maktabda va keyin oliy o‘quv yurtlarida olib borilishi zarurdir. O‘zbekistonda raqamli (IT, informatika) bilimlari exportiga yetarlicha e’tibor qaratilmayapti. Shu bilan birga, O‘zbekiston aholisi orasida raqamli texnologiyalardan samarali foydalanish ko‘nikmalari yetarli emas. Bu ayniqsa ta’lim tizimida raqamli ko‘nikmalarni rivojlantirishda jiddiy qiyinchiliklar tug‘diradi. Korxona va tashkilotlar uchun esa yuqori malakali IT mutaxassislarining yetishmasligi muammosi dolzarbligicha qolmoqda.
3. **Huquqiy muammolar va qonunchilikning yetarli emasligi**. Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi uchun huquqiy asoslar yaratish dolzarb masalalardan biridir. Ma’lumotlar xavfsizligi, elektron savdo va raqamli to‘lov tizimlariga oid qonunchilik hali to‘liq shakllanmagan. Bu esa investorlar va biznes uchun barqaror huquqiy muhit yaratishga to‘sqinlik qiladi.

***2-jadval***

| ***Muammo*** | ***Tavsif*** | ***Yechim taklifi*** |
|---|---|---|
| ***Infratuzilmaning rivojlanmaganligi*** | Internet tezligi, sifati va qamrovi past bo‘lib, raqamli xizmatlarga kirishni qiyinlashtiradi | Optik tolali internet tarmog‘ini kengaytirish. |
| ***Kadrlar yetishmovchiligi*** | IT sohasidagi malakali mutaxassislar yetishmovchiligi | IT sohasida ta’limni rivojlantirish, xorijiy tajribalarni jalb qilish |
| ***Raqamli savodxonlik pastligi*** | Aholi va tadbirkorlarning raqamli savodxonlik darajasi past | Ommaviy raqamli savodxonlik dasturlarini ishlab chiqish va targ‘ib qilish |
| ***Huquqiy tartibga solishning murakkabligi*** | Raqamli texnologiyalarni tartibga soluvchi qonunchilikning eskirganligi | Yangi qonun va nizomlarni ishlab chiqish va joriy etish |
| ***Moliyaviy resurslarning cheklanganligi*** | Startaplar va raqamli texnologiyalarni rivojlantirish uchun yetarli moliyaviy resurslar mavjud emas | Davlat va xususiy sektor investitsiyalarini rag‘batlantirish |

**O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishidagi muammolar. Xulosa**

Raqamli texnologiyalar nafaqat mahsulot va xizmatlar sifatini oshiradi, balki ortiqcha xarajatlarni kamaytiradi. O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi mamlakatning iqtisodiy o‘sishiga va global raqamli bozorlar bilan integratsiyalashuviga xizmat qilishi mumkin. Davlat siyosati va strategiyalarining to‘g‘ri yo‘naltirilishi natijasida raqamli infratuzilma, raqamli xizmatlar va texnologiyalarning keng joriy etilishi iqtisodiyotni samarali boshqarishga va raqobatbardoshligini oshirishga xizmat qiladi. Shuningdek, mavjud muammolarni hal qilish, xususan, raqamli infratuzilmani rivojlantirish, raqamli ko‘nikmalarni oshirish va huquqiy bazani mustahkamlash orqali raqamli iqtisodiyotning potensiali to‘liq ro‘yobga chiqishi mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 28-apreldagi “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori.

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 5-oktabr kuni “Raqamli O‘zbekiston - 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish hora-tadbirlari to‘g‘risidagi farmoni.

3. Raqamli iqtisodiyot stastistik ma’lumotlari, https://stat.uz/uz/rasmiystatistika/raqamli-iqtisodiyot

4. Digital 2019: global digital overview. Value creation and capture: implications for developing countries. UNCTAD, 2020.

5. S.S.Gulyamov va boshqalar.Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. T.: “Iqtisod Molia” nashriyoti, 2019. 396 bet.
6. Лапидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. –М.: ИНФРА-М, 2017. -281 с.

**Boykobilova Iroda Jontemir qizi -** Samarqand Iqtisodiyot va Servis instituti ’’
Boshqa tarmoqlarda “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrasi o‘qituvchisi

## BANKLAR MOLIYAVIY HISOBOTI TAHLILI

**Annotatsiya:** Zamonaviy bank ishi – dinamik rivojlanib borayotgan biznes sohasidir. Tarixan, iqtisodiy faoliyatning eng qattiq nazorat qilinib va tartibga solinib kelayotgan sohasi bo‘lgan bank ishi asta – sekinlik bilan butun jahonda erkinlashtirilib borilayotgan biznesga aylanib bormoqda.

**Аннотация**: Современный банковский бизнес представляет собой динамично развивающуюся отрасль бизнеса. Банковское дело, исторически наиболее строго контролируемая и регулируемая область экономической деятельности, постепенно становится либерализованным бизнесом во всем мире.

**Annotation**: Modern banking business is a dynamically developing business sector. Banking, historically the most tightly controlled and regulated area of economic activity, is gradually becoming a liberalized business throughout the world.

**Kalit so‘zlar:** Bank balansi daromadlar, xarajatlar foyda, aktivlar passivlar, aksionerlik jamiyati, kapitali, kimmatli kog‘ozlar.

**Ключевые слова**: Баланс банка, доходы, расходы, прибыль, активы, обязательства, акционерное общество, капитал, ценные бумаги.

**Key words**: Bank balance sheet, income, expenses, profit, assets, liabilities, joint-stock company, capital, securities.

Bank ishini tashkil qilishda eski uslublardan yangilariga o‘tish turli mamlakatlarda turlicha olib borilishi, bu mamlakatlar bank tizimining turlicha holatda bo‘lishiga olib keldi. **Birinchidan, avj olib borayotgan global moliyaviy inqiroz jahon moliya-bank tizimida jiddiy nuqsonlar mavjudligi va ushbu tizimni tubdan isloh qilish zarurligini ko‘rsatdi. Ayni vaqtda bu inqiroz asosan o‘z korporativ manfaatlarini ko‘zlab ish yuritib kelgan, kredit va qimmatbaho qog‘ozlar bozorlarida turli spekulyativ amaliyotlarga berilib ketgan banklar faoliyati ustidan yetarli darajada nazorat yo‘qligini ham tasdiqladi.**

**Shunday ekan banklarimiz faoliyatni doimiy ravishda nazorat qilib va tahlil qilib borishimiz lozim.**

Banklar tomonidan ko‘rsatiladigan xizmatlar ro‘yxati va bank muassasining hajmi to‘g‘risidagi ma’lumotlar moliyaviy hisobotda o‘z aksini topadi.

Bank boshqaruvi xodimlarini, mijozlarni hamda bank faoliyatini nazorat qilish va tartibga solish organlarini ayniqsa ikki asosiy moliyaviy hisobot shakli:

▲ Bank balansi;

▲ Moliyaviy natijalar (daromadlar, xarajatlar foyda va zararlar) to‘g‘risidagi hisobot ko‘prok qiziqtiradi.

Bank balansi

Balans yoki moliyaviy holat to‘g‘risidagi hisobot – bu istalgan sanaga bank ixtiyorida bo‘lgan aktivlar, passivlar va aksionerlik kapitalining ro‘yxatidir.

Bank o‘ziga xos bo‘lgan tovarni (xizmatni) iste’molchilarga taqdim qilishidan kelib chiqqan holda, balans tenglamasi qo‘yidagicha bo‘ladi:

**Aktivlar = Passivlar + Aksionerlik kapitali**

Bank ishida aktivlar jumlasiga:

▲ Bank kassalaridagi naqd pullar va boshqa banklardagi (jumladan HKKM(hisob – kitob kassa markazidagi) depozitlar sertifikatlari (S) ,

▲ ochiq bozorda sotib olinadigan davlat va boshqa emitentlarning qimmatli qog‘ozlari (S),

▲ mijozlarga beriladigan kreditlar va moliyaviy ijara (lizing) (L),

▲ ikkinchi darajali aktivlarni (A) kiritishimiz mumkin.

Bank passivlari 2 asosiy qismga bo‘linadi:

▲ turli mijozlarga tegishli depozitlar (D),

▲ pul va moliya bozoridan jalb qilingan nodepozit mablag‘lar (ND).

Nihoyat aksiyadorlik kapitali-

▲ mulkdorlar tomonidan bankga uzoq muddatga kiritilgan samoyasi (YeS)dir.

Demak balans formulasi qo‘yidagi ko‘rinishga ega bo‘ladi:

$$S + L + S + A = D + ND + EC$$

**Bankning foyda va zararlar to‘g‘risidagi hisoboti.**

Bankning daromadlari, xarajatlari va foydasi to‘g‘risidagi hisoboti ma’lum davr davomida (odatda 1 moliya yili ) olingan daromadlar va xarajatlarni aks ettiradi. Bank balansi va daromadlar, xarajatlar va foyda to‘g‘risidagi hisobotning asosiy moddalari o‘zaro bog‘liqdir. Chunki yakuniy natijada balans aktivlari operatsion daromadlarni ta’minlasa, passivlar operatsion xarajatlarni yuzaga keltiradi.

Bank daromadlarining asosiy manbasi “**ishlab topuvchi**” aktivlarlar hisoblanib, ko‘proq:

▲ kreditlar (L),

▲ qimmatli qog‘ozlar (S),

▲ boshqa banklarda joylashgan barcha depozitlar (S) va

▲ daromadni yig‘uvchi ikkinchi darajali aktivlar (MA) (jumladan qaram korxonalar tomonidan olingan barcha daromadlar va xk) dir.

Ushbu daromadlarni olish bilan bog‘liq asosiy xarajatlar:

▲ Omonatchilarga to‘lanadigan foizlar (D),

▲ nodepozit jalb qilingan mablag‘lar bo‘yicha to‘lovlar (ND),

▲ bank xodimlariga to‘langan ish xaqi (SV),

▲ bino va uskunalarni ekspluatatsiya qilish bilan bog‘liq qo‘shimcha xarajatlar (O),

▲ kreditlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlar rezerviga ajratmalar (RL),

▲ soliqlar (T)

▲ va ikkinchi darajali xarajatlar (ME).

Jami daromadlar va jami xarajatlar o‘rtasidagi farq sof foydani tashkil qiladi.

Shunday qilib:

**Sof foyda = Daromad moddalari – Xarajat moddalari**

Bu yerda

Daromad moddalari

-_____

(pul aktivlari x pul aktivlarini ishlatishdan olingan o‘rtacha daromad) + (qimmatli qog‘ozlarga investitsiyalar x

qimmatli qog‘ozlarga investitsiyalar bo‘yicha o‘rtacha daromad) + (berilgan kreditlar x kreditlar bo‘yicha o‘rtacha foizlar) + (ikkinchi darajali aktivlar x ikkinchi darajali aktivlarni ishlatishdan olingan o‘rtacha daromad)

Xarajat moddalari

---

(depozitlarning jami summasi x depozitlar bo‘yicha o‘rtacha foiz to‘lovlari) + (nodepozit jalb qilingan mablag‘lar x nodepozit mablag‘lar bo‘yicha o‘rtacha foiz to‘lovlari) + ish xaqi + ustama xarajatlar + kreditlar bo‘yicha ehtimoliy yo‘qotishlar zahiralari + ikkinchi darajali xarajatlar + tulash uchun soliqlar.

Yuqoridagidan kelib chiqqan holda banklar o‘z daromadlari miqdorini oshirishlari uchun bir qancha imkoniyatlarga egadirlar. Jumladan ular quyidagilardan iborat:

1) Aktivlarning har biri bo‘yicha o‘rtacha daromadni oshirish;

2) eng yuqori daromad keltiruvchi aktivlar miqdorini aktivlarni qayta taqsimlash yo‘li bilan ko‘paytirish;

3) foizli tulovlarni yoki nofoizli xarajatlarni kamaytirish.

4) depozit bazasini arzon depozitlar va nodepozit mablag‘larni jalb qilish bo‘yicha restruktrizatsiya qilish;

5) soliq to‘lovlarini soliqlarni boshqarishning yangicha usullarini qo‘llash bilan kamaytirish.

Xulosa sifatida shuni aytishimiz mumkinki, albatta bank rahbariyati sof foydani ko‘paytirishning barcha pozitsiyalarini o‘z qo‘lida ushlay olmaydi. Chunki turli aktivlarni ishlatishdan olinayotgan daromad, ko‘rsatilgan xizmatlar uchun tulovlar, depozitlar va nodepozit mablag‘lar bo‘yicha foiz tulovlari miqdori bozordagi talab va taklif o‘rtasidagi nisbatga hamda Markaziy bankning pul kredit siyosatiga va boshqa omillarga bog‘liqdir. Shunga qaramasdan ko‘p jihatdan bank rahbariyatining to‘g‘ri qaror qabul qilishi kredit, qimmatli qog‘ozlar, naqd pul va depozitlar portfeli holatini belgilab beradi.

**Adabiyotlar ro‘yxati:**

**1.** O‘zbekiston Respublikasi Markaziy bankining me’yoriy hujjatlari to‘plami.T.: 2017.

**2.** O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2015 yil 13 iyundagi 14/3 sonli qarori va O‘zbekiston Respublikasi Adliya Vazirligi tomonidan 2015 yil 6 iyulda 2693 sonli davlat ro‘yxatidan o‘tgan “Tijorat banklari kapitalining monandligiga qo‘yiladigan talablar to‘g‘risida” gi Nizom.

**3.** Pul, kredit va banklar: darslik. A.A.Omonov, T.M.Qoraliev.-T.: IqtisodMoliya, 2011.

**4.** Abdullaev Y., Qoraliev T., Toshmurodov Sh., Abdullaeva S. Bank ishi. o‘quv qo‘llanma-T.: IQTISOD-MOLIYa, 2009 yil.

**F. E. Jomonqulova -** Samarqand iqtisodiyot va servisi instituti “Axborot texnologiyalari” kafedirasi dotsenti. t.f.n. +998944999561,
e-mail: fazilat_72@mail.ru
**S. B. Salimova** – SamISI talabasi

## IQTISODIYOTDA FOYDALANILADIGAN DASTURIY MAHSULOTLAR

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada iqtisodiy biznesni boshqarishda, ma’lumotlarni tahlil qilishda, jarayonlarni avtomatlashtirishda va qaror qabul qilishda yordam beradigan turli xil dasturiy mahsulotlardan foydalanish haqida ma’lumot keltirilgan. Bundan tashqari, muallif tomonidan ilmiy qarashlar keltirilgan hamda taklif va tavsiyalar ishlab chiqilgan.

**Kalit so‘zlar:** Iqtisodiyot, bisnes, dasturiy ta’minot, amaliy dasturlar to‘plami (ADT).

**Abstract:** This article provides information on the use of various software products that help managing economics business, analyzing data, automating processes, and making decisions. In addition, the author presents scientific views and develops suggestions and recommendations.

**Key words:** Economics, business, software, a collection of practical tools (CPT).

**Аннотация:** В данной статье представлена информация об использовании различных программных продуктов, помогающих в экономическом управлении бизнесом, анализе данных, автоматизации процессов и принятии решений. Кроме того, автор излагает научные взгляды и разрабатывает предложения и рекомендации.

**Ключевые слова**: Экономика, бизнес, программное обеспечение, набор практических программ (НПП).

**Kirish:**

Dasturiy mahsulotlarni ishlab chiqish yangi elektron davlat va aholi uchun ijtimoiy ahamiyatga ega xizmatlarning rivojlanishiga yordam beradi, innovatsion

tadbirkorlik subyektlarining universitetlar, texnoparklar, biznes-inkubatorlar bilan hamkorligini rivojlantirish, bu mahsulot va xizmatlarning tubdan yangi turlarini yaratishga, elektron biznesni rivojlantirishga va elektron operatsiyalarning yangi qonunchilik va texnologik mexanizmlarini shakllantirishga, rivojlanishdagi xarajatlarni optimallashtirishga imkon beradi. Texnologiyalarning ko‘payishi, ma’lumotlar hajmining muttasil o‘sishi, arxitektura va hisoblash tizimlarini tashkil qilish usullarining sezilarli o‘zgarishi aksariyat sanoat tarmoqlarida biznes modeli va infratuzilma echimlarining o‘zgarishiga, rivojlanish jarayonida yangi innovatsiyalar paydo bo‘lishiga olib keladi. Bundan kelib chiqadiki, dastur kompyuterni xarakatga keltiruvchi kuchdir. Dasturiy ta’minotsiz kompyuter plastik yoki metalldan bo‘lagidan boshqa narsa emas. Texnik uskunalarni organlar deb tasavvur qilish mumkin va dastur bu organlar ichida xarakatlanadigan hayotdir. Ularning ikkalasi ham o‘z vazifalarini bir-birining ishtirokisiz bajara olmaydi. Dasturiy mahsulotlar foydalanuvchi tomonidan hal qilinadigan vazifalarni avtomatlashtirishning kuchli vositasi bo‘lib, uni deyarli kompyuterning qanday funksiyalarni bajarishi va ma’lumotlarni qayta ishlash protseduralarini bilish ehtiyojidan xalosa qiladi. Hozirgi vaqtda o‘zlarining funksional imkoniyatlari va amalga oshirish usullari bilan ajralib turadigan amaliy dasturlar to‘plamlarining keng ko‘lami mavjud.

**Asosiy qism:**

Dasturiy ta’minotning (DT) imkoniyatlaridan ko‘proq foydalanish maqsadida AIJ ( Artificial Intelligence Journalism} ishini tashkil qilishni takomillashtirish, foydalanuvchi ishining unumdorligi va sifatini oshirish, foydalanuvchining dasturlarini aniq muammoli sohaning resurslariga moslashtirishga imkon beradi. Umumiy DT – amaliy dasturlarni ishga tushirish va ularni bajarilish jarayonini boshqarishdir. Integratsiyalashgan paketlar esa foydalanuvchilar uchun qulaydir. Ular yagona interfeysga ega, ularga kiruvchi dasturiy vositalar ulanishini talab qiladi, vazifalarni yechishning yetarlicha yuqori tezligiga egadir.

**ADP**ning barchasi 3 guruhga bo‘linadi: operatsion tizimlar, imkoniyatni kengaytiruvchi paketlar, umumiy belgilanishdagi paketlar, ABTda ishlashga mo‘jallangan paketlar.

Mavjud ADP axborotlarni ishlab chiqarish bilan bog‘liq inson faoliyatining deyarli barcha sohalarini qamrab oladi. ADPni rivojlantirish va takomillashtirish ilgarilab boradigan jarayon, shu boisdan imkoniyatlari hozirgi paketlarning yutuqlaridan o‘tib ketuvchi yandi ADPlar paydo bo‘lishi ktilmoqda.

Muammoviy yo‘naltirilgan ADPlar – amalga oshirilayotgan xizmatlar jarayonida eng rivojlangan va miqdor bo‘yicha ADP yaratilgan paketlarning ko‘p sonili qismidir. U o‘z ichiga quyidagi dasturiy mahsulotlarni oladi:

- Matnli protsessorlar – foydalanuvchi tomonidan hujjat yaratishda matnni bir yerga yig‘ish, shakillantirish, tahrir qilishga imkon beruvchi hujjatlar bilan ishlash uchun mo‘ljallangan maxsus dasturlar.
- Jadvalli protsessorlar – tashkil qilingan ma’lumotlarni jadvalli tartibda ishlab chiqish uchun mo‘ljallangan dasturlar paketi.
- Stol ustidagi nashriyot tizimlari – kasbiy nashriyot faoliyati uchun mo‘ljallangan va hujjatlarning asosiy turlari, axborot byulletenlari, qisqa rangli

risolalar, hajmli kataloglar va savdo buyutmalari, ma’lumotlar ko‘rinishidagi keng va turli tumanligini elektron amaolga oshirishga imkon beruvchi dastur.

- Grafik muharrirlar – grafik axborotlarni ishlab chiqarish uchun mo‘ljallangan paketlardir va ular rastli va vektorli grafiklarni ishlab chiqaruvchi ADPga bo‘linadi.
- Ishlarni tashkil qiluvchilar – bu ham insonlar, ham butun firma yoki uning tarkibiy bo‘linmasini turli resurslardan foydalanishni rejalashtirish tadbirlarini avtomatlashtirish uchun mo‘ljallangan dasturlar paketlaridir.

***Tizimli dasturiy ta’minot (TDT)*** 1. Kompyuterning va kompyuterlar tarmog‘ning ishonchli va samarali ishlashini ta’monlash, 2. Kompyuter kompyuterlar tarmog‘i apparat qismining ishini tashkil qilish va profilaktika ishlarini bajarishga qaratilgan.

Tizimli tasturiy ta’minot ikki tarkibiy qismdan – asosiy ta’minot tizimi va yordamchi dasturiy ta’minotdan iborat. Asosiy dasturiy ta’monot komputer bilan birgalikda yetkazib berilsa, xizmat ko‘rsatuvchi dasturiy ta’minot alohida, qo‘shimcha tarzda olinishi mumkin. Asosiy ta’minot dasturi – kompyuter ishini ta’minlovchi dasturlarining minimal to‘plamidan iborat. Ularga operatsion tizm, tarmoq operatsion tizimi va yordamchi dasturiy ta’minot kiradi.

Shunday qilib, tizimli tasturiy ta’minot kompyuterda axborotlarni qayta ishlash jarayonini tashkil etadi va amaliy dasturlar uchun me’yordagi ish muhutini yaratadi. Tizimli dasturiy ta’minot apparat vositalari bilan shu qadar aloqadaki, uni ba’zida kompyuterning bir qismi deb hisoblaydi.

Hozirgi kunda yana bir tushuncha kiritilgan, bu ham bo‘lsa, dasturiy mahsulot – ma’lum bir ommaviy masalani hal qilishga mo‘ljallangan dasturlar to‘plami. Dasturiy mahsulot boshqa mahsulotlarga o‘xshagan holda sotuvga chiqariladi. Umuman olganda dasturiy ta’monot va dasturiy mahsulot tushunchalari sinonm hisoblanadi. Servis dasturiy ta’minoti – foydalanuvchiga kompyuter bilan ishlashda qo‘shimcha xizmatlar taqdim etuvchi va operatsion tizimlar imkoniyatlarini oshiruvchi dasturiy mahsulotlar jamg‘armasidan iborat.

***Servisli dasturiy ta’minot***

Dasturlarning turli xillari mavjud bo‘lib, ularning har biri ma’lum bir ishni bajarishga mo‘ljallangan. Lekin insonlarga o‘xshab, EHM lar ham qandaydir ko‘satmalarga yoki dasturiy ta’minotga muhtoj bo‘ladi, chunki busiz ularning ishini ichki va tashqi xotiralar bilan ishlashni, qo‘shimcha qurilmalarga murojaat qilishni, foydalanuvchilar bilan muloqotni va kompyuter tarkibiy qismlarining bir maromda ishlashini ta’minlash mumkin emas. Bu muammolarni xal qilish uchun qanday turdagi dasturlar ishlatilishi mumkin deb o‘ylaysiz? Kompyuter xotirasida juda katta juda katta miqdordagi qo‘shimcha joy egallaydigan ushbu dasturlarsiz u bilan samarador ishlashni amalga oshirish mumkinmi yoki yo‘qmi? Agar shunday turdagi dsturlar mavjud bo‘lmasa kompyuter bilan muloqot qanday tarzda o‘zgaradi? Bunday turdagi dasturlarni qanday asosiy guruhlarga ajratgan bo‘lar edingiz?

Kompyuterdan foydalanish samaradorligini oshirishga, uni ishlatishni yengillatishga va foydalanuvchilar dasturlarini tayyorlashni osonlashtirishga mo‘ljallangan dastur vositalari kompleksiga dastur ta;minot tizimi (PTS) deb yuritiladi. Kompyuterning PTS o‘z ichiga turli xil dasturlar to‘plamini oladi.

Dasturlarni avtomatlashtirish tizimi (PAS) foydalanuvchilar dasrturlarini yaratish jarayonini yengillashtirish va avtomatlashtirishga mo‘ljallangan bo‘lib PTSning bir qismi hisoblanadi. Rivojlangan PASlar dasturlashtirish tillari, translyatorlar va sozlash dasturlarini o‘z ichiga oladi. Sozlash dasturlari tuzilgan dasturlar ishining to‘g‘riligini tekshirish va xatolarni topish uchun ishlatiladi.

Xususiy kompyuterlar ham foydalanuvchi uchun qulay va samarador bo‘lishi unda qanday dasturiy ta’minot mavjudligi bilan aniqlanadi. Lakin dasturiy ta’minotning qanday turlari foydalanuvchi uchun zarur bo‘lishi uning qaysi sohada faoliyat ko‘rsatishi bilan aniqlanadi.

Kompyuterning dastur ta’minoti strukturasida dasturlashning modulli tamoyili amalga oshiriladi, bu tamoyil, odatda funksional bog‘liq bo‘lmagan dasturlar yoki ularning qismlari yoki ularning qismlari standart modullar ko‘rinishida shakllanadigan sozlanadigan bo;lishini talab qiladi. Bunday struktura yoki ularning o‘rnini almashtirish, yoxud qo‘shimcha modullar kiritish yo‘li bilan EHMning dastur ta’minotini nisbatan oddiy kengaytirish va takomillashtirish imkonini beradi.

Xullas, servis dasturiy ta’monoti foydalanuvchiga kompyuter bilan ishlashda qo‘shimcha xizmatlar taqdim etuvchi va operatsion tizimlar imkoniyatlarini oshiruvchi dasturiy majmuidan iborat.

***Operatsion tizim (OT)*** kompyuter bilan foydalanuvchi o‘rtasida muloqotni o‘rnatadi, kompyuter asosiy qurilma manbalarini, qo‘shimcha qurilmalarning ishini bajaradi. Operatsion tizim kompyuter ishga tushurilishi bilan yuklanuvchi dastur bo‘lib, bu dastur foydalanuvchiga shaxsiy kompyuter bilan muloqot qilish vositasi bo‘lib xizmat qiladi, uning barcha qurilmalari ishini boshqarish imkonini beradi. Operatsion sistema yordamida tezkor xotiradan foydalanish, disklardagi ma’lumotlarni o‘qish, yoki axborotlarni disklarga yozish, amaliy dasturlarni ishga tushurish va shu kabi turli ishlarni amalga oshiradi. Dunyoda juda ko‘p kompyuter modellari bo‘lib, ularning birontasi ham operatsion sistemasiz ishlamaydi. Operatsion tizim shunday dasturki, u kompyuter yoqilishi bilan foydalanuvchi bilan muloqotga keladi, kompyuterni boshqaradi, operativ xotira va magnitli disklardagi joylarni nazorat qiladi, lozim bo;lgan dastur va buyruqlarning bajarilishini ta’minlaydi.

***Operatsion tizimlar asosiy funksilari:***

- Foydalanuvchidan ma’lum tilda tuzilgan komanda yoki topshiriqlarni qabul qilish va ularga ishlov berish.
- Ilra qilinishi kerak bo‘lgan dasturlarni operativ xotiraga to‘plash.
- Xotirani boshqarish.
- Barcha dastur va ma’lumotlarni idenfikatsiya qilish.
- Dasturlarni ishga tushirish.
- Barcha kititish-chiqarish amallariga xizmat qilish.
- Ma’lumotlar bazasini bishqarish.
- Multidasturlash rejimi.
- Berilayotgan dasturlar orasida ma;lumotlar va ma’lumotlar almashish mexanizmini tashkil etish.

- Bitta dasturni boshqa dastur ta’siridan himoya qilish.
- Real vaqt tizmida javob berish
- Tizimni qisman ishdan chiqishi holatida xizmat ko‘rsatish.

**Adabiyotlar tahlili va tadqiqot usullari:**

1985-yili Stolmen loyiha mablag‘ini boshqarish uchun erkin dasturiy ta’minot ta’monot Fondini (Ree Software Foundation – FSF) tashkil qiladi. Bu jamg‘arma orqali yaratilagotgan dasturlar sotilib hayr-ehson qabul qilinadi va to‘plangan mablag‘lar loyihani qo‘llab quvvatlashda sarflanadi.

1987-yili Linuks tizimning yaratilishiga o‘ziga xos hissasini qo‘shgan, gollandiyalik professor Andryu Tanenbaum Yuniks o‘z tizimini yaratadi. Tizimga muallif Miniks nomini berib, uni shaxsiy kompyuterlarda o‘quv quroli sifatida ishlatishni favsiyz beadi. Albatta, Miniks mukammal va benuqson operatsion tizim bo‘lmagan, lekin uning dastlabki kodi ochiq bo‘lib, Tanenbaumning “Operatsion tizimlari” kitobida tizimning ishlashi batafsil yoritilgan.

Linus Benedikt Torvalds 1969-yilda tavallud topgan bo‘lib, Finlandiya poytaxti Xelsinki universititi kompyuter fanlari fakultetining talabasi bo‘lib, professor Tanenbaum kitobini sotib olgan. “ Tasodifiy inqilobchining hikoyasi” xotirnomasida Linus: “ Kirish qismini o‘qiganimdayoq, Unix mohiyatiga tushunib, uni qudratli, mustahkam va go‘zal operatsion tizim ekanligiga iqror bo‘lganman, hamda o‘sha zahotiyoq Unix ishlay oladigan kompyuter sotib olgan edim” - deb yozadi. 1991-yili Linus bo‘lib-bo‘lib to‘lash sharti bilan Intel 80386 protsessori asosida yangi kompyuter sotib oladi.

1991-yil 25-avgustida Torvalds o‘zining tajribalari haqida comp.os.minix konferensiyasiga xabar beradi. Xabarda Linus bepul operatsion tizimni yaratgani, qanday dasturlar tayyorlanganligi va yana qanday dasturlar kerak bo‘lishi haqida maslahat so‘rab yozadi. 17=sentabr kuni esa serverga erkin ko‘chirish uchun yangi tizimning 0.01 raqamli shaklini qo‘yadi. Linus operatsion tizimga FREAK nomini bermoqchi bo‘lganda, Ari Lemke ftp serverida boshqalar ko‘chirishlari uchun qo‘yilgan tizimning fayllar jildiga pub/OS/Linux deb nom beradi va keyinchalik bu tizimni Linux nomi bilan atashadi.

**Xulosa:**

Iqtisodiyotda dasturiy mahsulotlar jarayonlarni avtomatlashtirish, tahlil qilish va samaradorlikni oshirishda katta ahamiyatga ega. Iqtisodiyotni raqamli boshqarish davrida Excel, Stata va SPSS kabi tahliliy dasturlar muhim vositalardan bo‘lib, ma’lumotlarni chuqur tahlil qilish va statistik hisobotlarni yaratishda qo‘llaniladi. Power BI va Tableau kabi biznes-razvedka dasturlari esa ma’lumotlarni vizualizatsiya qilib, interaktiv hisobotlar tayyorlash orqali qaror qabul qilish jarayonini tezlashtiradi. Moliyaviy boshqaruv va buxgalteriya dasturlari, jumladan SAP, QuickBooks, va 1C Buxgalteriya, tashkilotlarda moliyaviy hisob-kitoblarni avtomatlashtiradi va aniqlikni ta’minlaydi. Shuningdek, MATLAB va EViews kabi modellashtirish dasturlari iqtisodiy prognozlash va strategik rejalashtirishda qo‘llanilib, natijalarning ilmiy asoslanganligini oshiradi. CRM tizimlari, masalan, Salesforce va Zoho CRM, mijozlar bilan barqaror munosabatlarni o‘rnatishga ko‘maklashadi va xizmat sifatini yaxshilashga hissa qo‘shadi. Dasturiy

mahsulotlarning keng qo‘llanilishi iqtisodiyotda samaradorlik, innovatsion yondashuv va raqobatbardoshlikni oshiradi, bu esa butun iqtisodiy tizimning yangi bosqichga chiqishiga xizmat qiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

**1.**Бражников А.М., Бражникова А.М. Использования автоматизированных систем управления на промышленных предприятиях и в производстве (рус.) // Самарский государственный технический университет. — 2018. — С. 29-33.

**2.** ЛЮТОВ А.Г., ЧУГУНОВА О.И. АВТОМАТИЗИРОВАННАЯ СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ КАЧЕСТВОМ ПРОМЫШЛЕННОГО ПРЕДПРИЯТИЯ // СТАНКОСТРОЕНИЕ И ИННОВАЦИОННОЕ МАШИНОСТРОЕНИЕ. ПРОБЛЕМЫ И ТОЧКИ РОСТА. — 2019. — № 621. — С. 119-126.

**3.** Ergashevich, E. A. (2023). Internet Tarmog‘i Xizmat Turlarining Zamonaviy Tahlili. Journal of Innovation in Education and Social Research, 1(3), 174-176.

**4.** INTERNET TARMOG‘I AXBOROT XURUJLARI. EA Ergashevich - ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ, 2023

**5.** Zamonaviy Logistikada Axborot-Kommunikatsiya Texnologiyalarining O‘Rni. EA Ergashevich, AS Dilmurodovna. Journal of Innovation in Education and Social Research 1 (3), 189-191

**6.** Ergashevich, E. A., & Bahronovna, C. G. (2023). INNOVATIVE TRAINING IN HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS MANAGEMENT FUNCTIONS. International Journal of Engineering Mathematics (Online), 5(2).

**7.** https://www.computer-museum.ru/books/lipaev/lipaev_2.htm

**Habibullo Hasanov -** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tayanch doktoranti
e-mail: khabibulloeco@gmail.com

## O‘ZBEKISTONDA RAQAMLI DAVLAT XIZMATLARINI RIVOJLANTIRISH ISTIQBOLLARI

**Annotatsiya.** Ushbu tadqiqotda O‘zbekistonda raqamli davlat xizmatlarini rivojlantirishning ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarga ta’siri o‘rganilgan. Raqamli texnologiyalar davlat boshqaruvi samaradorligini oshirish, fuqarolar va tadbirkorlik subyektlari uchun qulaylik yaratishda muhim rol o‘ynaydi. Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali (YIDXP) orqali ko‘plab xizmatlar taqdim etilib, murojaat qilish jarayonlarini soddalashtirish va xizmatlarning shaffofligini ta’minlashga erishilgan. Tahlil natijalari davlat xizmatlarining raqamlashtirilishi fuqarolarning turmush darajasini oshirish, iqtisodiyotni rivojlantirish va davlat boshqaruvi tizimining samaradorligini yuksaltirishga xizmat qilishini ko‘rsatadi.

**Kalit so‘zlar:** elektron hukumat, raqamli transformatsiya, iqtisodiy o‘sish, xizmatlar sifati.

**Abstract.** This study examines the impact of digital government services development on socio-economic processes in Uzbekistan. Digital technologies play a crucial role in enhancing government efficiency, creating convenience for citizens and businesses. Through the Unified Interactive Public Services Portal (YIDXP), numerous services have been provided, simplifying the application processes and ensuring service transparency. The analysis reveals that the digitization of public services contributes significantly to improving citizens' living standards, fostering economic growth, and enhancing the efficiency of the public administration system.

**Keywords:** e-government, digital transformation, economic growth, service quality.

**Аннотация.** В данном исследовании изучается влияние развития цифровых государственных услуг на социально-экономические процессы в Узбекистане. Цифровые технологии играют ключевую роль в повышении эффективности государственного управления, создании удобств для граждан и бизнеса. Через Единый интерактивный портал государственных услуг (ЕПГУ) предоставляется множество услуг, что упрощает процесс подачи заявлений и обеспечивает прозрачность обслуживания. Анализ показывает, что цифровизация государственных услуг значительно способствует повышению уровня жизни граждан, стимулированию экономического роста и повышению эффективности системы государственного управления.

**Ключевые слова:** электронное правительство, цифровая трансформация, экономический рост, качество услуг.

Bugungi kunda raqamli texnologiyalarning jadal rivojlanishi davlat boshqaruvi va ijtimoiy-iqtisodiy sohalarda tub o‘zgarishlarni keltirib chiqarmoqda. Xususan, raqamli davlat xizmatlarini rivojlantirish har bir davlat uchun dolzarb vazifa bo‘lib, bu fuqarolar va biznes subyektlari uchun qulayliklar yaratish, shaffoflikni ta’minlash va xizmat ko‘rsatish samaradorligini oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekistonda ham so‘nggi yillarda raqamli davlat xizmatlarini rivojlantirishga katta e’tibor qaratilmoqda. Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali (YIDXP) orqali fuqarolar va tadbirkorlik subyektlariga ko‘plab xizmatlar taqdim etilmoqda [1,2]. Ushbu xizmatlar davlat organlariga murojaat qilishda vaqt va resurslarni tejash imkonini bermoqda [3]. Bundan tashqari, raqamli xizmatlar orqali korrupsiyani kamaytirish, ma’lumotlarni tezkor qayta ishlash va tahlil qilish, shuningdek, davlat boshqaruvi samaradorligini oshirishga erishilmoqda [4,5,6].

Raqamli xizmatlarning dolzarbligi, shuningdek, iqtisodiy o‘sish va raqobatbardoshlikni ta’minlashda ham namoyon bo‘ladi. Elektron hukumatni rivojlantirish indeksi (EGDI) va aholi jon boshiga YaIM o‘rtasidagi ijobiy bog‘liqlik O‘zbekistonda raqamli xizmatlarning iqtisodiyotga ijobiy ta’sir ko‘rsatayotganini ko‘rsatmoqda.

Tahlillarimiz shuni ko‘rsatdiki, Mustaqil Davlatlar Hamdo‘stligi (MDH) va Shanxay Hamkorlik Tashkiloti (SHHT)ga a’zo mamlakatlar o‘rtasida 2022 yil uchun aholi jon boshiga YaIM va BMT tomonidan mamlakatlar uchun hisoblanadigan Elektron hukumatni rivojlantirish indeksi (EGDI) o‘rtasida ijobiy bog‘liqlik mavjud (1-rsam). Bu bog‘liqlik iqtisodiy rivojlanish darajasi yuqori

bo‘lgan mamlakatlarda raqamli davlat xizmatlari samaradorligining yuqori ekanligini tasdiqlaydi.




**1-rasm. MDH va SHHT ga a’zo davlatlarning aholi jon boshiga YaIM hajmi va Elektron hukumatni rivojlantirish indeksi (EGDI) ning o‘zaro bog‘liqligi[100]**

Tahlil natijalariga ko‘ra, aholi jon boshiga YaIM va Elektron Hukumatni Rivojlantirish Indeksi (EGDI) o‘rtasidagi korrelyatsiya koeffitsienti (corr) 0.586 bo‘lib, bu ikki ko‘rsatkich o‘rtasida o‘rtacha darajadagi ijobiy bog‘liqlik mavjudligini anglatadi. Tahlilda foydalanilgan t-statistika qiymati 2.61009 bo‘lib, bu qiymat 95% ishonch oralig‘ida statistik ahamiyatli ekanligini ko‘rsatadi. p-value = 0.0216 qiymati 0.05 darajadan kichik, ya’ni bog‘liqlik tasodifiy emasligini tasdiqlaydi.

O‘zbekistonda raqamli davlat xizmatlari so‘nggi yillarda sezilarli rivojlanish bosqichini bosib o‘tdi. Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali (YIDXP) orqali fuqarolar va tadbirkorlik subyektlariga ko‘plab xizmatlar taqdim etilmoqda. 2023-yil yanvar holatiga ko‘ra, davlat xizmatlarining 66,3 foizi YIDXP orqali taqdim etilgan bo‘lib, 2022 yil davomida elektron davlat xizmatlaridan jami 12,2 milliondan ortiq fuqaro foydalangan (2-rasm).

[100] Jahon banki va BMT ma'lumotlari asosida muallif tomonidan shakllantirildi




**2-rasm. O‘zbekistonda davlat xizmatlariga murojaat shakllarining o‘zgarish tendensiyalari (mln)[101]**

2024 yil 22 oktabr holatiga ko‘ra YIDXPda joriy etilgan raqamli davlat xizmatlari soni 680 taga yetgan bo‘lib, undan 494 tasi BPM xizmatlar 186 tasi esa avtomat xizmatlardir [7].

Ushbu sohadagi islohotlarning maqsadi nafaqat xizmatlar sonini oshirish, balki ularning sifatini yaxshilash, zamonaviy texnologiyalarni joriy etish va aholining barcha qatlamlarini raqamli xizmatlardan foydalanishga jalb etishdir. Shu orqali O‘zbekiston jamiyatida raqamli madaniyatni shakllantirish va davlat boshqaruvini ilg‘or standartlarga ko‘tarish rejalashtirilgan.

Bizning fikrimizcha, O‘zbekistonda raqamli davlat xizmatlariga ta’sir qiluvchi asosiy omillar quyidagilardan iborat: YIDXPda joriy etilgan xizmatlar soni murojaatlar ko‘lamiga bevosita ta’sir qiladi. Aholi jon boshiga real daromadlar hajmi fuqarolarning raqamli xizmatlardan foydalanish imkoniyatini oshiradi. Aloqa va axborotlashtirish xizmatlari hajmi va axborot sohasida faoliyat yurituvchi korxonalar soni infratuzilmaning rivojlanishini ta’minlaydi. Bundan tashqari, internet va mobil tarmoqlarga kirish imkoniyatlari hamda shaxsiy kompyuter va qurilmalar mavjudligi xizmatlardan foydalanishni kengaytiruvchi muhim omillardan sanaladi.

Raqamli davlat xizmatlari O‘zbekistonda davlat boshqaruvi samaradorligini oshirish va aholiga ko‘rsatilayotgan xizmatlar sifatini yaxshilashda muhim rol o‘ynamoqda. Tadqiqot natijalari shuni ko‘rsatadiki, YIDXP orqali taqdim etilayotgan xizmatlar sonining ortishi, aholining daromad darajasi va texnologik infratuzilmaning rivojlanishi raqamli xizmatlardan foydalanish darajasini oshiradi.

## Adabiyotlar ro‘yxati

1. Gulyamov, S., Karieva, G., & Rasulova, M. (2023). Experience of development of digital technologies in Uzbekistan. In E3S Web of Conferences (Vol. 389, p. 03040). EDP Sciences. https://doi.org/10.1051/e3sconf/202338903040

[101] Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalidagi ma'lumotlar asosida shakllantirildi

2. Hasanov, H., & Norbekov, F. (2023). O‘zbekistonda elektron davlat xizmatlaridan foydalanish istiqbollari. Iqtisodiyot va zamonaviy texnologiya jurnali | Journal of economy and modern technology, 2(4), 17-26.

3. Hasanov, H. (2021). Tadbirkorlik infratuzilmasini raqamlashtirishning iqtisodiy samaralari. Development issues of innovative economy in the agricultural sector, 257. https://www.researchgate.net/publication/351483446

4. Seiam, D. A., & Salman, D. (2024). Examining the global influence of e-governance on corruption: a panel data analysis. Future Business Journal, 10(1), 29. https://doi.org/10.1186/s43093-024-00319-3

5. Castro, C., & Lopes, I. C. (2023). E-government as a tool in controlling corruption. International Journal of Public Administration, 46(16), 1137-1150. https://doi.org/10.1080/01900692.2022.2076695

6. Adni, D. F., Rusadi, S., & Baharuddin, T. (2024). Adaptive Policy in Website-Based Digitization of Government Public Services: A Thematic Analysis. Journal of Local Government Issues, 7(1), 54-67. http://dx.doi.org/10.22219/logos.v7i1.29404

7. Raqamli hukumat loyihalarini boshqarish markazi, https://check.ijro.uz/d/MR18480433

**Ishkuvatov Elyor Eldarovich -** Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Samarqand filiali, bakalavr, e-mail: ishkuvatove9@gmail.com Tel: +998915585441

## KRIPTOVALYUTA MAYNINGI: TANGALAR YARATISH VA BLOKCHEYN HIMOYASI

**Annotatsiya:** Mayning – bu raqamli valyutalar, xususan, Bitcoin va boshqa kriptovalyutalarni ishlab chiqarish jarayonidir. Ushbu jarayon kriptografik muammolarni hal qilish uchun kompyuter quvvatidan foydalanishni talab qiladi. Maynerlar, ya’ni foydalanuvchilar, tranzaktsiyalarni tasdiqlab, bloklarni yaratadilar va shu bilan yangi kripto-tangalar ishlab chiqaradilar. Mayning faoliyatini muvaffaqiyatli amalga oshirganlar blok mukofotlari va tranzaktsiya komissiyalari orqali mukofotlanadilar. Mayning iqtisodiy jihatdan jozibador bo‘lsa-da, katta energiya sarfi va maxsus uskunalar talab qilishi sababli, ko‘p resurslarni talab qiluvchi jarayon hisoblanadi.

**Annotation:** Mining is the process of producing digital currencies, specifically Bitcoin and other cryptocurrencies. This process requires the use of computing power to solve cryptographic problems. Miners, i.e., users, validate transactions, create blocks, and thereby produce new crypto coins. Those who successfully engage in mining activities are rewarded with block rewards and transaction fees. Although mining is economically attractive, it is a resource-intensive process due to the high energy consumption and the need for specialized equipment.

**Аннотация:** Майнинг — это процесс производства цифровых валют, в частности, Bitcoin и других криптовалют. Этот процесс требует использования вычислительной мощности для решения криптографических задач. Майнеры,

то есть пользователи, подтверждают транзакции, создают блоки и таким образом производят новые криптомонеты. Те, кто успешно занимается майнингом, вознаграждаются блок-наградами и комиссионными за транзакции. Хотя майнинг экономически привлекателен, это ресурсозатратный процесс из-за высокого энергопотребления и необходимости специализированного оборудования.

**Kalit so‘zlar:** kriptovalyuta, mayning, tranzaktsiya, tanga, xesh, kriptografiya, virtual valyuta, pul(pool), platforma

**Key words:** cryptocurrency, mining, transaction, coin, hash, cryptography, virtual currency, pool, platform

**Ключевые слова:** криптовалюта, майнинг, транзакция, монета, хеш, криптография, виртуальная валюта, пул, платформа

Kripto-mayning – bu turli xil Bitcoin, Ethereum, Dodgecoin va shu kabi raqamli valyutalarni ishlab chiqarish hamda foydalanuvchilar o‘rtasidagi tranzaksiyalarni tasdiqlash jarayoni hisoblanadi, hamda unda kompyuterlar murakkab matematik masalalarni yechib, tranzaktsiyalarni bloklar zanjiriga qo‘shish oraqli yangi kriptovalyutalar yaratiladi. Buning evaziga maynerlar mukofot sifatida yangi tangalarni yoki tranzaktsiya komissiyalarini olishadi.

Mayning jarayoni ko‘plab foydalanuvchilarni qiziqtirayotganining asosiy sababi – bu jarayon orqali kriptovalyutalarni ishlab topish imkoniyatidir. Kriptovalyutalar bozori sezilarli daromad olib kelishi mumkin, bu esa ko‘p odamlarni bu sohaga jalb qilmoqda. Shuningdek, mayning jarayoni markazlashmagan moliyaviy tizimlarni qo‘llab-quvvatlashda muhim rol o‘ynaydi, chunki bu tizimlar hukumatlar yoki banklar tomonidan boshqarilmaydi va ular orqali xavfsiz, anonim moliyaviy operatsiyalar amalga oshiriladi. Shu boisdan, ko‘plab odamlar kripto-mayning orqali nafaqat moliyaviy erkinlikka erishishni, balki raqamli iqtisodiyotning bir qismiga aylanishni ham maqsad qiladilar.

Mayning jarayoni tayyorgarlikdan boshlanadi, bu yerda tarmoq foydalanuvchilari kriptovalyutalarni yuborish va qabul qilishar ekan, tranzaksiyalar bloklarga to‘planadi. Maynerlar belgilangan shartlarga javob beruvchi blokning "xesh"ini topish uchun murakkab matematika masalasini yechishlari kerak. Maynerlar to‘g‘ri xeshni topish uchun mumkin bo‘lgan kodlarni tekshirish uchun hisoblash quvvatini ishlatadilar. Bu jarayon "Proof of Work" deb ataladi. Maynerlar orasidagi raqobat, to‘g‘ri xeshni birinchi bo‘lib topgan mayner blokcheynga blok qo‘shishini ta’minlaydi. Xesh topilgandan so‘ng, mayner yangi blok haqida ma’lumotni tarmoqqa tarqatadi. Boshqa tugunlar uning validligini tekshiradi va agar blok valid deb tan olinsa, u blokcheynga qo‘shiladi va boshqa tugunlar o‘z zanjirlarining nusxalarini yangilaydi. Blok qo‘shilgandan so‘ng, mayner yangi Bitcoinlardan iborat mukofot oladi (hozirda har blok uchun 6.25 Bitcoin) va tranzaktsiya uchun to‘lovlar. Blok qo‘shilishiga beriladigan mukofot har to‘rt yilda yarimlanadi ya’ni yana 4 yildan so‘ng 6,25 emas 3,125 Bitcoinga to‘g‘ri keladi, bu jarayon "halving" deb ataladi va bu inflyatsiyani nazorat qiladi hamda 21 million Bitcoinning yakuniy soniga erishilishini ta’minlaydi. Mayning uchun vazifalar murakkabligi har 2016 blokda o‘zgartiriladi, bu esa 10 daqiqada bir blok qo‘shilishini ta’minlaydi.




Shunday qilib, mayning bitkoin tizimidagi kalit jarayon bo‘lib, yangi tokenlarning yaratilishi, tranzaktsiyalarni tasdiqlash va blokcheynning yaxlitligini saqlashni ta’minlaydi. Maynerlar markazlashmagan tarmoqni qo‘llab-quvvatlashda muhim rol o‘ynaydi va o‘z ishlarining mukofoti sifatida yangi tangalar va to‘lovlarni olishadi.

Blokcheyn — bu markazlashmagan va tarqatilgan ma’lumotlar bazasi bo‘lib, o‘zining arxitekturasi tufayli yuqori darajada xavfsizlikni ta’minlaydi. Blokcheyn xavfsizligining asosiy jihatlari markazlashmaganlik, kriptografiya va konsensus protokollari hisoblanadi.

Markazlashgan tizimlardan farqli o‘laroq, bu yerda nazorat bitta tomonga to‘plangan bo‘lsa, blokcheyn ma’lumotlarni ko‘plab tugunlarda saqlaydi. Bu tizimni buzishning muhim darajada qiyinlashishiga olib keladi, chunki xakerlarga 50% dan ortiq tugunlarni boshqarish kerak bo‘ladi.Yangi blokni zanjirga qo‘shish uchun ko‘pchilik tugunlar blokdagi tranzaksiyalar haqiqiyligini tasdiqlashlari kerak. Konsensus protokollari, masalan, Proof of Work va Proof of Stake, tarmoqning barcha ishtirokchilari ma’lumotlarning yagona versiyasiga rozi bo‘lishlarini ta’minlaydi, bu esa tizimning barqarorligi va xavfsizligini oshiradi.

Tranzaksiyalarni tasdiqlash esa tranzaksiyalarni blokcheynga tekshirish va yozish jarayoni juda muhimdir. Chunki tranzaksiyalarni tasdiqlash bir vaqtning o‘zida bir xil mablag‘ni bir necha marta sarflash imkoniyatini oldini oladi, shuning uchun moliyaviy operatsiyalarning yaxlitligini ta’minlaydi. Foydalanuvchilar tranzaksiyalar haqiqiy va xavfsiz ekanligiga ishonch hosil qiladilar, bu esa tizimga bo‘lgan umumiy ishonch darajasini oshiradi. Barcha tranzaksiyalar o‘zgarmas jurnalga yoziladi, bu esa audit va tekshirishni osonlashtiradi, shuningdek, operatsiyalarning shaffofligini oshiradi.

Mayning bu murakkab jarayon hisoblanadi, hamda uni amalga oshirishning bir nechta asosiy usullari mavjud. Birinchi usuli bu yakkaxon mayning. Uning xususiyati shundaki, boshqa ishtirokchilarni jalb qilmasdan bloklarni mustaqil ravishda yaratish. Mayning uchun yangi, qimmat va kuchli uskunalar kerak bo‘ladi. Kriptovalyutalar paydo bo‘lgandan keyingi dastlabki yillarda bu usul yuqori rentabellikka ega bo‘lib, xarajatlarning qaytarilishi 1-2 oyni tashkil etdi. Kriptovalyutani mayningi o‘sib borayotgan murakkabligi bilan boshqa usullarni

topish kerak. Ikkinchi usul “pool” mayning deb ataladi. Ushbu usul birgalikda kriptovalyuta mayning maqsadida odamlar guruhlarini birlashtiradi. Qabul qilingan mukofot pulning barcha ishtirokchilari o‘rtasida taqdim etilgan hisoblash quvvatiga mutanosib ravishda taqsimlanadi. Uskunaning kuchi qanchalik ko‘p bo‘lsa, daromad shunchalik yuqori bo‘ladi. Hamda uchinchi usul bulutli mayningdir. Bulutli mayning printsipi - ma’lum vaqt uchun maxsus xizmatlarda uskunalarni ijaraga olish (aslida, hisoblash quvvatini sotib olish). Ijaraga olingan uskunalar kriptovalyutani qazib olish uchun ishlatiladi va olingan mukofot foydalanuvchilar o‘rtasida taqsimlanadi.

Shu yerda savol tug‘iladi, bularning maynerlar uchun qanday ustunliklari mavjud? Mana masalan, maynerlar har bir muvaffaqiyatli qazilgan blok uchun mukofot oladilar, bu esa iqtisodiy motivatsiya yaratadi. Bu yoki ma’lum bir miqdordagi kriptovalyuta yoki blokda kiritilgan tranzaksiyalar uchun komissiyalar bo‘lishi mumkin. Bundan tashqari maynerlar yangi blok qo‘shish imkoniyati uchun raqobatlashganda, bu tarmoqni xavfsiz va adolatli saqlashga bo‘lgan rag‘batni yaratadi. Tarmoqda ishtirokchilarning ko‘pligi bilan tizimni manipulyatsiya qilish qiyinlashadi. Hamda tranzaksiyalarda qancha ko‘p tasdiqlanishi bor bo‘lsa, u shuncha xavfsiz hisoblanadi. Maynerlar o‘z ishlarining tarmoqning xavfsizligi va yaxlitligini saqlashga yordam berayotganiga ishonishlari mumkin.

O‘zbekiston Respublikasi hududida kripto mayningi bilan shug‘ullanishning bir muncha shartlari mavjud. O‘zbekiston Respublikasi Istiqbolli loyihalar agentligi tomonidan bir nechta qonuniy shartlar kiritilgan. Xususan, O‘zbekiston hududida mayning bilan shug‘ullanish huquqiga ega bo‘lgan shaxslar faqat ruxsat olgan yuridik shaxslar – rezidentlar hisoblanadi. Shu bilan birga, pool doirasidagi xorijiy mayner 18 yoshga to‘lgan jismoniy shaxs bo‘lishi mumkin. Barcha maynerlar poolga qo‘shilishdan oldin majburiy identifikatsiyadan o‘tadilar. Biroq, milliy maynerlar, boshqa narsalar qatorida, jinoyat faoliyatidan olingan daromadlarni legallashtirish va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurash sohasidagi qonunchilikda nazarda tutilgan ma’lumotlarni nazorat organiga taqdim etishga majbur bo‘ladi. Xorijiy maynerlarga – norezidentlarga bu talab qo‘llanilmaydi.

2024 yil yanvar oyida kripto-aktivlar bilan noqonuniy operatsiyalar, noqonuniy mayning va ushbu maqsadlarda provayderlar xizmatlari uchun jazolar kuchaytirildi. Qoidabuzarlarga nisbatan ma’muriy hibsga olish, katta jarimalar va server uskunalarini musodara qilish tahdid soladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

**1.** Садоян Д.С. Криптовалюты в развитии цифровой экономики //Актуальные вопросы устойчивого развития современного общества и экономики. – 2023. – С. 311-315.

**2.** Недобежкин М. И., Фионов А. Н. АНАЛИЗ КРИПТОВАЛЮТ И ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ БЛОКЧЕЙНА //Интерэкспо Гео-Сибирь. – 2021. – Т. 6. – С. 219-224.

**3.** Нетребенко О. С. КРИПТОВАЛЮТЫ И ИХ ВЛИЯНИЕ НА ЭКОНОМИКУ: АНАЛИЗ РИСКОВ И ПРЕИМУЩЕСТВ //Международная

научно-техническая конференция молодых ученых БГТУ им. ВГ Шухова, посвященная 170-летию со дня рождения ВГ Шухова. – 2023. – С. 712-715.

O‘zbekiston iqtisodiyotining turli sohalarida raqamlashtirish jarayonlari jadal rivojlanmoqda va bu jarayon baholash faoliyatini ham qamrab olmoqda. Bugungi kunda baholash sohasi iqtisodiy muomalada muhim rol o‘ynab, xususiy mulkning erkin muomalasi uchun obyektlarning real qiymatini aniqlash zaruriyatini yuzaga keltiradi. Raqamli texnologiyalar va blockchain tizimlarining joriy etilishi baholash jarayonini tezlashtirish, aniqroq qilish va samaradorligini oshirish imkonini beradi. Raqamlashtirish jarayoni orqali katta hajmdagi ma’lumotlar bilan ishlash osonlashib, baholash faoliyatida avtomatlashtirilgan tizimlar joriy etilishi kutilmoqda.

Zamonaviy iqtisodiy adabiyotlarda bu atamaning umumiy qabul qilingan kontseptsiyasi mavjud emas, ammo quyidagi umumiy ta’rifni berish mumkin:

“Raqamli moliyaviy aktivlar elektron shaklga va ma’lum bir iqtisodiy qiymatga ega bo‘lgan turli xil obyektlardir”.

Ushbu tizimning muvaffaqiyatli ishlashi blokcheyn texnologiyasi orqali ta’minlanadi. Bundan tashqari, raqamli moliyaviy aktivlar tokenlarni ham o‘z ichiga oladi, ularning ta’rifi quyidagicha ifodalanishi mumkin:

“Token - bu yuridik shaxs yoki yakka tartibdagi tadbirkor tomonidan moliyalashtirishni jalb qilish maqsadida chiqarilgan raqamli moliyaviy aktivning bir turi”.

O‘zbekistonda baholash faoliyatining shakllanishi xususiy mulk institutining rivojlanishi bilan parallel ravishda amalga oshirildi. Xususiy mulk - mulkning erkin muomalasini nazarda tutadi, ya’ni obyektni sotish, sotib olish, ijaraga berish, garovga qo‘yish va hokazolar uchun uning haqiqiy qiymatini aniqlash zarurati tug‘iladi.

Mamlakatimizda bugungi kunda 230 ta[102] baholash tashkilotlari, shu jumladan xalqaro kompaniyalar mavjud bo‘lib, ularda 1000 dan ortiq baholovchilar professional faoliyat yuritib kelmoqda.

Mamlakatimizda yoki umuman dunyoda bugungi kunda baholash faoliyati katta natijalarga erishganini ko‘rishimiz mumkin, ammo bu shunday davom etadi yoki sohani tubdan o‘zgartirish vaqti keldi. Shubhasiz, baholovchilar mijozlarning xohish va talablarini, shuningdek bozorlarga ta’sir etuvchi yangi va yanada murakkab omillarni hisobga olishlari va ularning dolzarbligini saqlab qolishlari kerak.

**1-jadval**.

**Kasblarning texnologiya ta’siriga tushish ehtimoli**[103]

| | 0.1 | 0.2 | 0.3 | 0.4 | 0.5 | 0.6 | 0.7 | 0.8 | 0.9 | 1.0 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Hakamlar va moderatorlar | | | | | | | | | | |
| Qurilish menejerlari | | | | | | | | | | |
| Shahar rejalashtiruvchilari | | | | | | | | | | |
| Kadastr hodimlari | | | | | | | | | | |
| Xarajat smetachilari | | | | | | | | | | |
| Qurilish inspektorlari | | | | | | | | | | |
| Ko‘chmas mulk menejerlari | | | | | | | | | | |
| Ko‘chmas mulkni baholivchilar va boshqalar | | | | | | | | | | |
| Geodiziya hodimlari | | | | | | | | | | |
| Ko‘chmas mulk agentlari | | | | | | | | | | |
| Brokerlar | | | | | | | | | | |

XXI asr - texnologiyalar asri. Tadqiqotlarga ko‘ra ushbu asrda ko‘plab kasblarga texnologiyalar, raqamlashtirish yoki robotlar kiritish orqali ularda inson omili ishtirok etishi keskin kamayadi yoki talab etilmaydi. Yuqoridagi diagramma “Dunyo o‘zgarishi”[104] nomli ilmiy-statistik ma’lumotlar to‘plami shuni ko‘rsatadiki hakamlar faoliyatining 1/10 qismiga so‘nggi texnologiyalar ta’sir eta olsa, baholash faoliyati bilan shug‘ullanuvchi baholovchilar kasbining 9/10 qismiga raqamli texnologiyalar kirib kelishi ushbu soha yaqin kelajakda keskin o‘zgarishi ehtimoli mavjud.

Yuqorida aytib o‘tilganidek baholovchi kasbiga texnologiyalarning ta’sir qilish ehtimoli yuqori, lekin bu ta’sir baholovchiga aniqroq va samaraliroq qiymat berishiga yordam beradi yoki muqobil ravishda baholovchi rolini qisman yoki to‘liq almashtira oladi.

Baholovchi so‘nggi ishlanmalar orqali baholash jarayonida ortiqcha vaqt sarfini yengib o‘tishi va quyidagilar uchun kamroq vaqt sarflashlari mumkin:

- katta hajmli ma’lumotlar orqali ma’lumotlarning to‘xtovsiz almashinish va tahlil qilishda;

[102] https://data.gov.uz/uz O’zbekiston Respublikasi ochiq ma’lumotlar portali 01.02.2023 yil holatiga
[103] “Our Changing World: Let’s be ready”, paragraph 4.3, page 39. 2022 (Carl Benedikt Frey & Michael A. Osborne)
[104] “Our Changing World: Let’s be ready”, paragraph 4.3, page 39. 2022 (Carl Benedikt Frey & Michael A. Osborne)

•katta hajmli ma’lumotlar orqali kelayotgan ma’lumotlar ishonchliligi, aniqliligi va shaffofligini blockchain texnologiyalarini qo‘llash orqali ma’lumotlarning aniqligi va shaffofligi ustida tadqiqot olib bormasligi;

•baholash faoliyatini raqamlashtirish orqali elektron hisobot almashinuvi yo‘lga qo‘yilishi orqali baholovchilar va mijozlar o‘rtasida vaqt sarfini oldini olish;

•avtomatlashtirilgan baholash modellari asosida baholovchilar matematik modellashtirish yoki ma’lumotlar hisob-kitobida vaqt sarflamaslik;

•blockchain bloklari orqali ko‘chmas mulkka oid ma’lumotlar shaffofligi, aniqligi, ishonchliligi va tezligi baholovchilar uchun ayni qo‘l kelishi;

Xulosa o‘rnida shuni ta’kidlash lozimki, baholash faoliyatini raqamlashtirish, katta hajmli ma’lumotlar va blockchain texnologiyalariga asoslangan baholash jarayonini hisobga olsak, yangi asr yuqori texnologik ishlanmalar baholash jarayonining bir qismiga, ehtimol, baholovchining o‘z kasbiy roliga ta’sir qilishi o‘z-o‘zidan ayondir. Ishda keltirilgan takliflar va tavsiyalarni amaliyotda qo‘llash, shuningdek O‘zbekistonning baholash sohasida raqamlashtirish jarayoniga o‘tishi milliy va xalqaro standartlarga mos keladigan yuqori samarali va aniqlikda asoslangan baholash tizimini yaratishga imkon beradi. Undan tashqari baholovchilarning baholash obyektiga individual sarflayotgani vaqti keskin kamayishi mumkin.

**Adabiyotlar**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli O‘zbekiston — 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risidagi farmoni, 05.10.2020 yildagi PF-6079-son.

2. Shoha’zamiy Sh.Sh. Mulk, qiymat va narxning nazariy asoslari. Darslik. - T.: “Iqtisod-moliya”, 2018. - 490 b.

3. Davenport, T.H. From Analytics to Artificial Intelligence. J. Bus. Anal. 2018, 1, 73–80. [Google Scholar] www.rics.org -Royal Institution of Chartered Surveyors

4. Artificial intelligence and machine learning in financial services. Market developments and financial stability implications, 1 November 2017, Financial Stability Board https://www.fsb.org: site of Financial Stability Board.

5. Benbya, H.; Pachidi, S.; Jarvenpaa, S. Special Issue Editorial: Artificial Intelligence in Organizations: Implications for Information Systems Research. J. Assoc. Inf. Syst. 2021, 22, 281–303.

6. ―Our Changing World: Let‘s be ready‖, paragraph 4.3, page 39. 2022 (Carl Benedikt Frey & Michael A. Osborne).

7. https://data.gov.uz/uz O‘zbekiston Respublikasi ochiq ma’lumotlar portali

**Ravshanbekova Madina Davlatboy qizi -** Ma’mun universiteti talabasi

# SUN’IY INTELLEKTNI LOGISTIKA SOHASIDA QO‘LLASH ISTIQBOLLARI

**Annotatsiya:** Mazkur maqola sun'iy intellekt (SI) texnologiyalarining logistika sohasida qo‘llanish istiqbollari haqida. Logistika jarayonlarini avtomatlashtirish va optimallashtirishda SI imkoniyatlaridan foydalanish yangi yondashuvlarni taqdim etmoqda. Bu jarayonda transport va yetkazib berishni boshqarish, omborxona menejmenti, mijozlarga xizmat ko‘rsatish va operatsiyalarni rejalashtirish kabi asosiy yo‘nalishlar tahlil qilingan.

**Аннотация:** Данная статья посвящена перспективам использования технологий искусственного интеллекта (ИИ) в сфере логистики. Использование возможностей СИ при автоматизации и оптимизации логистических процессов открывает новые подходы. В этом процессе были проанализированы такие ключевые области, как управление транспортировкой и доставкой, управление складом, обслуживание клиентов и планирование операций.

**Abstract:** This article is about the prospects of using artificial intelligence (AI) technologies in the field of logistics. The use of SI capabilities in the automation and optimization of logistics processes provides new approaches. In this process, key areas such as transportation and delivery management, warehouse management, customer service and operations planning were analyzed.

**Kalit so‘zlar:** sun’iy intellekt, logistika, avtomatlashtirish, transport optimallashtirish, katta ma’lumotlar tahlili, neyron tarmoqlar.

**Ключевые слова:** искусственный интеллект, логистика, автоматизация, оптимизация транспорта, анализ больших данных, нейронные сети.

**Keywords:** artificial intelligence, logistics, automation, transport optimization, big data analysis, neural networks.

## Kirish (Introduction)

Sun'iy intellekt (SI) bugungi kunda iqtisodiy va texnologik rivojlanishning eng ilg‘or vositalaridan biriga aylangan. Bu texnologiya logistika kabi murakkab sohalarda ham keng qo‘llanilmoqda. Logistika sohasi zamonaviy iqtisodiyotda transport, omborxona menejmenti, inventar nazorati va mijozlarga xizmat ko‘rsatish kabi ko‘plab asosiy vazifalarni o‘z ichiga oladi. Har bir jarayonda samaradorlikni oshirish va xarajatlarni kamaytirish maqsadida SI texnologiyalari yordamida rejalashtirish va operatsiyalarni optimallashtirish imkoniyati kengaymoqda.

## Metodologiya (Methods)

Maqolada tadqiqot sifatli va miqdoriy tahlil usullari asosida olib borildi. Sun'iy intellekt (SI) texnologiyalarining logistika sohasida qo‘llanish faoliyatini raqamlashtirishda foydalanilayotgan zamonaviy texnologiyalar haqida ma’lumot to‘plandi, jumladan:

1. Sun'iy intellekt (AI) – jarayonlarni avtomatlashtirish va tahlil qilishda qo‘llanilib, operatsion jarayonlarni tezkor va samarali qilishga yordam beradi.

2. Katta hajmdagi ma’lumotlarni tahlil qilish (Big Data Analytics) –

ma’lumotlar asosida muhim qarorlar qabul qilish uchun foydalaniladi.

Logistika sohasidagi operatsiyalarni avtomatlashtirish orqali tezkor yetkazib berish, yo‘l-yo‘riqlarni optimallashtirish, omborxona menejmentini yaxshilash va resurslarni samarali boshqarish kabi natijalarga erishish mumkin. Ushbu maqolada logistika sohasida SI texnologiyalaridan foydalanishning amaliy yondashuvlari va istiqbollari batafsil yoritiladi.[1]

**Natijalar (Results)**

**Transport va yetkazib berishni optimallashtirish.**Transport va yetkazib berish jarayonlarini samarali boshqarish logistika tizimlarining muvaffaqiyati uchun muhim omildir. Sun'iy intellekt algoritmlari orqali yo‘l-yo‘riqlarni bashorat qilish, transport vositalarini boshqarish va tashish jarayonlarini optimallashtirishda katta yutuqlarga erishilmoqda. Masalan, real vaqtda yo‘l harakatini kuzatish va yo‘nalishlarni o‘zgartirish orqali yoqilg‘i xarajatlarini kamaytirish va vaqtni tejash imkoniyati mavjud.

Mashina o‘rganish va katta ma’lumotlar tahlili yordamida yetkazib berish vaqtlarini oldindan bashorat qilish va talabga qarab transport vositalarini to‘g‘ri taqsimlash ham osonlashmoqda. Natijada logistika xizmatlarining umumiy samaradorligi oshadi.

**Omborxona boshqaruvi va inventar nazorati.** Omborxona menejmenti SI texnologiyalari yordamida yanada tezkor va aniq boshqarilishi mumkin. Omborxonada mahsulot joylashuvi, inventar darajasini nazorat qilish, mahsulotlarning iste'mol darajasini kuzatish va ularni o‘z vaqtida yangilash SI texnologiyalari orqali amalga oshirilmoqda.

Katta ma’lumotlarni tahlil qilish orqali sezilarli darajada aniq bashoratlar qilish, ya’ni qaysi mahsulotlar omborxonalarda qancha muddatda kerak bo‘lishi haqida o‘z vaqtida ma’lumot olish va shunga mos rejalashtirish imkonini beradi. Bu esa ortiqcha inventarni kamaytirib, ombor joyini tejash va xarajatlarni kamaytirishga olib keladi.

**Mijozlarga xizmat ko‘rsatish va mijoz ehtiyojlarini bashorat qilish.** Mijozlarga xizmat ko‘rsatishda SI texnologiyalari, xususan, chatbot va ovozli yordamchilar kabi tabiiy tilni qayta ishlash texnologiyalari xizmat sifatini oshirishda muhim rol o‘ynaydi. Ushbu texnologiyalar mijozlarning savollariga tezkor javob berish, ularning ehtiyojlarini oldindan aniqlash va shaxsiylashtirilgan xizmat ko‘rsatishda qo‘llaniladi.

SI algoritmlari yordamida mijozlarning xarid qilish xatti-harakatlarini kuzatish va kelajakdagi ehtiyojlarini bashorat qilish orqali xizmatni yanada rivojlantirish imkoniyati mavjud. Natijada mijozlar uchun yanada qoniqarli va sifatli xizmat ko‘rsatish mumkin bo‘ladi.[2]

**Xarajatlarni kamaytirish va samaradorlikni oshirish**.SI logistika jarayonlarini avtomatlashtirish va resurslardan samarali foydalanishni yo‘lga qo‘yish orqali xarajatlarni sezilarli darajada kamaytirishga imkon beradi. Transport va ombor xarajatlarini minimallashtirish, real vaqt tahlillari va avtomatlashtirilgan jarayonlar orqali operatsion xarajatlarni kamaytirish imkoniyatlari kengaymoqda.

Ekologik ta’sir va barqaror rivojlanish. Transport yo‘nalishlarini optimallashtirish va yoqilg‘i iste'molini kamaytirish SI yordamida amalga oshiriladi,

bu esa ekologik muammolarni hal qilishda qo‘shimcha afzalliklarni keltiradi. Logistika jarayonlarida sun'iy intellekt texnologiyalari qo‘llanilishi energiya samaradorligini oshirish va zararli chiqindilarni kamaytirish orqali atrof-muhitga ijobiy ta’sir ko‘rsatadi.

**Tahlil (Analysis)**

**Inson resurslarining rivojlanishi.** Sun'iy intellektning joriy etilishi bilan logistika sohasidagi xodimlarning yangi texnologiyalarga moslashishi va malakalarini oshirish zarurati paydo bo‘ladi. Yangi texnologiyalarga moslashgan kadrlar SI tizimlarini boshqarish va ularni samarali qo‘llashda muhim ahamiyatga ega.[3]

**Texnik to‘siqlar va moslashuv muammolari.** SI texnologiyalarini joriy qilishda katta hajmdagi ma’lumotlarni qayta ishlash va mos texnik infrastrukturani yaratish zarurati mavjud. Bu jarayonda yuqori darajadagi texnik va dasturiy ta’minot talab etiladi.

**Xavfsizlik va maxfiylik masalalari.** Logistika jarayonlari uchun katta ma’lumotlar yig‘ilib borayotgan bir paytda, ma’lumotlarning xavfsizligi va maxfiyligini ta’minlash juda muhim. Sun'iy intellekt tizimlarining ma’lumot xavfsizligi talablariga mosligini kafolatlash va maxfiylikni saqlash bugungi kunda dolzarb vazifa bo‘lib qolmoqda.

**O‘zlashtirish xarajatlari**. Korxonalar uchun sun'iy intellekt texnologiyalarini o‘zlashtirish jarayonida yuqori xarajatlar talab etilishi mumkin. Dasturiy ta’minot va texnik infratuzilma xarajatlari tufayli SI ning joriy etilishi qiyinchilik tug‘dirishi mumkin.[4]

**Xulosa (Discussion)**

Sun'iy intellektning logistika sohasida qo‘llanilishi natijasida korxonalar o‘z faoliyatlarini yanada samarali tashkil qilish imkoniyatiga ega bo‘ladilar. Ushbu texnologiyalar transport va ombor xarajatlarini kamaytirib, operatsiyalarni optimallashtirish orqali samaradorlikni oshirishga yordam beradi. Shu bilan birga, ekologik barqarorlikka hissa qo‘shib, xodimlarning texnologiyalarga moslashishini rag‘batlantiradi. Aynan bu borada ham raqamlashtirish asosida xodimlarni malakasini oshirish tizimini yo‘lga qo‘yish lozim. Natijada xodimlar ham zamonaviy raqamli dunyo bilan teng rivojlanib boradilar. Buning uchun mobil ilovalar, SI dasturlarni ishlab chiqish va amalga tadbir qilish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. Ivanov, D., Tsipoulanidis, A., & Schönberger, J. (2019). *Global Supply Chain and Operations Management*. Springer.

2. Huber, F. (2021). "Artificial Intelligence in Logistics: Revolutionizing Inventory Management and Predictive Analysis," *Journal of Logistics and Transportation*, 15(2), 45-60.

3. Zhong, R. Y., Xu, X., & Wang, L. (2017). "IoT-enabled Smart Factory for Real-Time Operations and Logistics Optimization," *Annual Review of Control*, 44, 201-217.

4. McKinsey & Company. (2020). "AI in Logistics: Unlocking Potential and

Navigating Barriers."

5. Wang, G., Gunasekaran, A., Ngai, E. W. T., & Papadopoulos, T. (2016). "Big Data Analytics in Logistics and Supply Chain Management: Certain Investigations for Research and Applications," *International Journal of Production Economics*, 176, 98-110.

**Raximov Akmal Anvar o‘g‘li -** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti mustaqil izlanuvchisi

## SAVDO XIZMATLARI SOHASIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARINI QO‘LLASH

**Annotatsiya:** Maqolada raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida savdo xizmatlari ko‘rsatishning barcha biznes jarayonlarini raqamlashtirish, mijozlarning yangicha iste’mol xulq-atvori va taomillarini shakllantirishda bozor sub’ektlarining yangi formatiga asoslangan raqamli o‘zaro munosabatlar muhitini shakllantirish, an’anaviy biznes modelini omnikanalli shaklga o‘zgartirish va yangi raqamli vositalar, texnologiyalar, bilim, malaka va o‘quvlar, resurslar hamda infratuzilmani shakllantirish imkonini beruvchi savdo xizmatlari raqobatbardoshligini oshirishning raqamli biznes-modelini ishlab chiqish taklif qilingan.

***Kalit so‘zlar:*** *savdo xizmatlari, raqobatbardoshlik, omnikanalli tizim, raqamli iste’molchi, raqamli haridor, raqamli malaka va o‘quvlar.*

**Акмал Анвар угли Рахимов -** Соискатель Самаркандского института экономики и сервиса

## ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ БИЗНЕС-МОДЕЛЕЙ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ТОРГОВЫХ УСЛУГ

**Аннотация:** В статье рассматривается цифровизация бизнес-процессов торговых услуг в условиях развития цифровой экономики, формирование цифровой бизнес-среды на основе нового формата взаимодействия субъектов рынка в формировании нового потребительского поведения и трансформация традиционной бизнес-модели в омниканальной формат развития. предложены разработки цифровую бизнес-модель повышения конкурентоспособности торговых услуг позволяющее формировать цифровые ресурсы и инфраструктуру организации торговых услуг.

***Ключевые слова:*** *торговые услуги, конкурентоспособность, омниканалность, цифровой потребитель, цифровой покупатель, цифровые навыки и умение*

**Akmal Anvar ugli Rakhimov -** Applicant at the Samarkand Institute of Economics and Service

## THE POSSIBILITIES OF USING DIGITAL BUSINESS MODELS FOR THE COMPETITIVENESS OF TRADE SERVICES

**Annotatsiya:** The article examines the digitalization of business processes of trade services in the context of the development of the digital economy, the

formation of a digital business environment based on a new format of interaction between market subjects in the formation of new consumer behavior and the transformation of the traditional business model into an omnichannel development format. The development of a digital business model for increasing the competitiveness of trade services has been proposed, allowing for the formation of digital resources and infrastructure for organizing trade services.

***Key words:*** *trade services, competitiveness, omnichannel, digital consumer, digital buyer, digital skills and abilities*

Bugungi iqtisodiy muhitdagi tub o‘zgarishlar savdo xizmatlari sohasida ham o‘ziga xos yondashuvlardan foydalanishni, an’anaviy biznes-modellarini qayta ko‘rib chiqishni taqozo etgan holda multikanalli va omnikanalli shaklga o‘tishga olib kelmoqda. Shu sababli ham omnikanalli savdo xizmatlari ko‘rsatish mahalliy savdoni rivojlantirishning istiqbolli yo‘nalishi sifatida olib qaralmoqda. Bu o‘z navbatida savdo xizmatlari raqobatbardoshligini oshirishda bozor ishtirokchilari o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarning onlayn formatida taqdim etilishini ko‘zda tutuvchi raqamli biznes-modelini ishlab chiqishni taqozo etadi.

An’anaviy savdo xizmatlari ko‘rsatish shaklining tarkibiy elementlariga o‘zgartirish va amalga oshirish asosida savdo xizmatlari raqobatbardoshligini oshirish mexanizmini raqamlashtirish lozim. Bunda avvalo:

– qo‘shimcha savdo xizmatlari ko‘rsatish asosida bozorni kengroq qamrab olish va raqamli muhitda iste’molchilar xulq-atvori o‘zgarishini o‘rganish;

– raqamli texnologiyalar yordamida iste’molchilarning raqamli huquq va vakolatlarini belgilash, raqamli resurslar va raqamli savdo infratuzilmasini shakllantirish asosida an’anaviy savdo modelini transformatsiyalashuvini ta’minlash;

– savd xizmatlarning raqamli rivojlanish darajasiga baho berish.

Savdo xizmatlari raqobatbardoshligini oshirish mexanizmini raqamlashtirish jarayoni raqamlashuv salohiyatini oshirish asosida korxona faoliyatiga raqamli biznes modelini qo‘llashdan iborat bo‘ladi (1-rasm).




**1-rasm. Savdo xizmatlari raqobatbardoshligini oshirish mexanizmini raqamlashtirish jarayoni**

Savdo sohasi sub’ektlari chakana sotuvchilar tovarlarni taqsimlash tizimining yakuniy bo‘g‘ini hisoblanadi, ammo raqamli muhitining shakllanishi bilan chakana sotuvchilarga iste’molchilar bilan yanada samarali muloqot qilish imkonini beruvchi onlayn havolalar yoki onlayn vositachilar paydo bo‘ldi. Ushbu vositachilar raqamli platformalar va xizmatlar, shuningdek supermarketlar, tovarlarni yetkazib berish markazlari, iste’molchilar va sotuvchilar bilan bevosita muloqotsiz ham harid qilishi imkonini yaratadi.

Bugungi iqtisodiy sharoitlarda savdo xizmatlarining jadal suratlar bilan rivojlanishi va raqobatbardoshligi iqtisodiy munosabatlarning raqamlashib borishi, “...raqamli o‘zaro munosabatlarining rivojlanishi tufayli ro‘y berayotgan o‘zgarishlar asosida mazkur xizmatlarning yangicha iste’mol taomillari asosida iste’mol qimmatdorligining shakllanishi bilan ham tavsiflanadi”[1]. Bugungi kunda raqamli texnologiyalar yordamida savdo xizmatlari samaradorligi va raqobatbardoshligini oshirishning zamonaviy mexanizmlari tobora ommalashib, foydani oshirish, savdo xizmatlari ko‘rsatuvchi sub’ektlarning ijobiy imijini shakllantirish, mavjud raqobat ustunliklarini rivojlantirish asosida bozorni keng miqyosda qamrab olishda biznesning raqamli texnologiyalarini qo‘llash imkoniyatlarini yanada kengaytirish zarurati paydo bo‘ldi. Shunga ko‘ra Biznes jarayonlarining omnikanalli sotish tizimlariga o‘tib borishi tufayli savdo xizmatlarini an’anaviy va onlayn formatlarda rivojlantirishda savdo xizmati ko‘rsatish samaradorligini baholashga nisbatan yangicha yondashuvlarni qo‘llash lozim.

Tahlillar shuni ko‘rsatadiki, “...savdo xizmatlari raqobatbardoshligini bir vaqtning o‘zida an’anaviy va raqamli savdo kanallaridan foydalangan holda baholash uning alohida jabhalarini qamrab oladi”[2]. Mazkur jarayonda bozor ishtirokchilarining o‘zaro munosabatlarini, savdo xodimlarining raqamli muhitdagi kasbiy bilim, malaka va ko‘nikmalarini, raqamli savdo xizmatlari ko‘rsatishning resurs bazasini ham hisobga olgan holda raqobat ustunligiga erishish yo‘llarini ham hisobga olish lozim bo‘ladi.

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish sharoitida savdo xizmatlari ko‘rsatishning umumiy xususiyatini savdo biznesi va uning ishtirokchilari uchun tegishli bo‘lgan barcha biznes jarayonlarini raqamlashtirish zarurligini keltirib chiqaradi. Shunga asoslanib mijozlarning yangicha iste’mol xulq-atvori va taomillarini shakllantirishda bozor sub’ektlarining yangi formati, ya’ni raqamli haridorlar mavjudligiga asoslangan raqamli o‘zaro munosabatar muhitini shakllantirish, savdo xizmatlari ko‘rsatuvchi iqtisodiy sub’ektlarning an’anaviy biznes modelini “...omnikanalli shaklga o‘zgartirish va yangi raqamli vositalar, texnologiyalar, bilim, malaka va o‘quvlar, resurslar hamda infratuzilmani shakllantirish imkonini beruvchi savdo xizmatlari raqobatbardoshligini oshirishning raqamli biznes-modeli”[3]ni qo‘llash lozim.

Savdo xizmatlari ko‘rsatishda raqamli biznes-modeli iste’molchilarning harid jarayonga ta’sir ko‘rsatgan holda ularningxulq-atvori va hatti-harakatlarining o‘zgarishiga olib keladi, bu esa o‘z navbatida iste’mol tovarlari savdosini rag‘batlantiradi. Natijada savdo xizmatlari ko‘rsatish strategiyasining o‘zgarishiga va asosiy urg‘u biznesning raqamli shakllariga yo‘naltirishga imkon beradi.

Savdo xizmatlari ko‘rsatishning raqamli biznes-modeli savdo xizmatlari bevosita savdo do‘konlari, maxsus brend do‘konlari, chegirmali do‘konlar, minimarketlar, supermarketlar orqali amalga oshiriladi. Savdo xizmatlari ko‘rsatishning barcha jabhalarida raqamli texnologiyalarning joriy etilishi, turli raqamli reglamentlar “...iste’molchilar xulq-atvorining o‘zgarishiga va individual xohish istaklari negizida haridlarni amalga oshirish jarayonini kuchaytiradi[4]”. Bu o‘z navbatida mamlakatimizda ham savdo xizmatlari ko‘rsatishning raqamli modeliga o‘tishni yanada jadallashtiradi. Harid va iste’mol jarayonining zamonaviy xususiyatlari va iste’mol bozorida savdo xizmatlari ko‘rsatishda raqamli biznes - modeli iste’molchilar bilan o‘zaro munosabatlar yo‘nalishida ham, ichki biznes muhitning barcha elementlari sifatida ham savdo xizmatlari ko‘rsatish raqobatbardoshligini oshirish mexanizmini mukammallashtirishga imkon beradi.

Bizning fikrimizcha, mazkur mexanizm elementlarini ishlab chiqishda ta’minot zanjiridagi hamorlar va iste’molchilar bilan o‘zaro munosabatlarni, shuningdek, savdo jarayonlarini raqamlashtirish orqali o‘zaro munosabatlarni ta’minlash uchun savdo korxonalarining ichki biznes muhiti raqamli transformatsiyalashtirish zarur (2-rasm).




**2-rasm. Savdo xizmatlari ko‘rsatishda an’anaviy biznes-modelidan raqamli muhitga transformatsiyalashuv jarayoni**

Savdo xizmatlari ko‘rsatuvchi korxonalarning savdo va taqsimot sohasidagi hamkorligida hal etilishi lozim bo‘lgan vazifalar quyidagilardan iborat deb hisoblaymiz:

– bozor ishtirokchilari o‘rtasidagi bilan o‘zaro iqtisodiy munosabatlarni omnikanalli yondashuvga ko‘ra tashkil qilish, ya’ni bunda iste’mol tovarlarini taqsimlash tizimida ishtirokchilar o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarni bir nechta raqamli kanallaridan foydalanish asosida yo‘lga qo‘yish;

– raqamli texnologiyalarni joriy etish va qo‘llash, savdo munosabatlarining raqamli formatiga o‘tishida raqamli resurslardan foydalanishing texnik ta’minotini ham yangilash;

- savdo xizmatlari ko‘rsatishda oflayn va onlayn xizmatlarni taqdim etish doirasida tovarlarni yetkazib berish, qabul qilishning uzluksizligini ta’minlash.

Ushbu vazifalarni samarali hal etish maqsadida quyidagi taklif va tavsiyalarni qo‘llash lozim:

– bunda tovar taqsimoti zanjirining barcha ishtirokchilarini iste’molchilarning savdo xizmatlariga bo‘lgan ehtiyojlarini yuqori darajada qondirish uchun eng maqbul bo‘lgan shart-sharoitlarni ta’minlash imkoniga ega raqamli tizimga birlashtirish;

– savdo xizmatlari ko‘rsatuvchi sub’ektlarning tovarlarni taqsimlash jarayonida barcha majburiyatlarini bajarish uchun javobgarligini oshirish, shartnoma shartlari buzilgan taqdirda savdo korxonasi ijobiy nufuzi va obro‘sini saqlab qolish maqsadida ularni bartaraf etish uchun eng maqbul yechimlarni qo‘llash;

– tovar taqsimoti yoki ta’minot zanjirida o‘zaro hamorlikda raqamli sotuvchi va raqamli haridor xususiyatlarini aks ettiruvchi biznes yondashuvlarni takomillashtirish;

– savdo xizmatlari ko‘rsatishda blokcheyn, Big Data, smart-kelishuvlar, CRM-texnologiyalari va boshqalardan keng foydalanish va shu kabilar.

**Manba va foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. Шуйский Вячеслав Павлович. Международная торговля в условиях цифровизации мировой экономики // Российский внешнеэкономический вестник. 2019. №7. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/mezhdunarodnaya-torgovlya-v-usloviyah-tsifrovizatsii-mirovoy-ekonomiki

2. Ш.У.Ташматов. Интернет-савдо хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-бошқарув механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати, СамИСИ. Самарқанд, 2023 й.–53 б.

3. K.M.Ibodov. Marketing tadqiqotlari. O‘quv qo‘llanma. T:, “IQTISOD-MOLIYA” nashriyoti, 2022 y. 260 b. 172 bet.

4. Ибодов, К. (2023). Истеъмол таомиллари ўзгариши муҳитида ресторан хизматлари истеъмол қимматдорлигини тадқиқ этиш. Economics and Innovative Technologis, 11(4), 407–414.

5. https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a42.
https://iqtisodiyot.tsue.uz/journal/index.php/iit/article/view/366

**Usmanov Ilxom Achilovich** - prof.i.b., t.f.n., SamDAQU “Biznesni boshqarish” kafedrasi, +998 915482644, ilxomusmanov1955@gmail.com
**Raximova Nilufar Azizovna** - doktorant, SamDAQU “Biznesni boshqarish” kafedrasi, +998 937270435, raximovanilufar396@gmail.com

# QURILISh KORXONALARIDA BOShQARUVNING TAShKILIY TUZILMALARNI O‘RGANISh TARTIBI XAQIDA

**Annotasiya.** Tashkilotning boshqaruv tuzilmasi ichki muhitning eng muhim elementlaridan biri hamda tashkilot a’zolarining funksional aloqalari ko‘rsatkichi hisoblanadi. Tajriba shuni ko‘rsatadiki, yangi tashkil etilgan korxonalarning ko‘pchiligi asoslangan maqsadli tashkiliy tuzilmaga ega emas. Mazkur maqola tuzilmani taxlil qilishning tartibini yaratish kabi tashkiliy tuzilmani takomillashtirishning vazifalaridan biriga bag‘ishlangan.

**Kalitli so‘zlar:** tashkiliy tuzilma, takomillashtirish, tuzilma taxlili, taxlil jarayoni.

**Ключевые слова**: организационная структура, совершенствование, анализ структуры, процесс анализа.

**Keywords**: organizational structure, improvement, structure analysis, process of analysis

**Kirish.** Korxonalar boshqaruv tizimini ifodalovchi eng muhim elementi bo‘lib tashkiliy tuzilma xizmat qiladi. Menejmentda tashkilotning ichki muhit elementlari bo‘lmish maqsad, vazifa, strategiya, texnologiya va insonlardan farqli o‘laroq boshqaruvning tashkiliy tuzilmasi barcha manfaatli tomonlar uchun tashkiliy munosabatlarning mazmun-mohiyati va hususiyatlari to‘g‘risida axborot berishga mo‘ljallangan. Tashkily tuzilma ho‘jalik faoliyatini korxonalaning strategik maqasadalariga mos kelishini ta’minlashga qaratilgan bo‘ladi. Yangi tashkil etilgan har qanday korxona faoliyatni boshlashdan oldin boshqaruv tizimini yo‘lga qo‘yishi, hususan tashkiliy tuzilmani shakllantirishi zarur. O‘zbekiston Respublikasida qurilish soxasining jadal rivojlanishi ko‘plab korxonalar va tashkilotlarning yaratilishiga va boshqa soxalardan kirib kelishiga sabab bo‘lmoqda. 2015-2023 yillarda qurilish soxasidagi korxonalar sonini taxlil qiladigan bo‘lsak, ushbu davr ichida korxonalar soni barqaror o‘sib borganini ta’kidlashimiz mumkin. Bu soxaning biznes uchun qulay bo‘lganidan dalolat beradi (1-jadval).

Bundan tashqari, ushbu jadvaldan ko‘rinib turibdiki, respublika qurilish sanoatiga har yili minglab yangi korxona va tashkilotlar kirib kelmoqda. Masalan, 2022 yilda yangi tashkilotlarning faoliyat ko‘rsatayotgan korxonalar soniga nisbati 10,2 5ga teng bo‘lsa, 2023 yil davomida ochilganlarning nisbati 14% ni tashkil qilgan.

Ushbu raqamlarga asoslanib ilmiy-uslubiy savol tug‘iladi: ushbu yangi tashkilotlarda boshqaruv tizim, hususan tashkiliy tuzilma qanday mezon yoki yondashuv asosida shakllantiriladi? Qurilish tashkilotlarning boshqaruvning tashkiliy tuzilmasini qanday takomillashtirish mumkin?

1-jadval

O‘zbekiston Respublikasida 2015-2023 yillarda yangi tashkil etilgan qurilish korxonalar sonining o‘zgarishi [1]

| **T/p** | **Номланиши** | **Йиллар** | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **2015** | **2016** | **2017** | **2018** | **2019** | **2020** | **2021** | **2022** | **2023** |
| 1. | Қурилиш корхоналарининг умумий сони, бирлик | 21174 | 22089 | 24118 | 29112 | 36199 | 40950 | 43695 | 46971 | 34749 |
| 2 | Янги ташкил этилган корхоналар сони, бирлик | 3148 | 3044 | 3800 | 6370 | 2799 | 1844 | 1851 | 4798 | 4859 |
| 3 | Жами ташкилотлар сонида янги ташкил этилганларнинг улуши, фоизда | 14,9 | 13,8 | 15,7 | 21,9 | 7,7 | 4,5 | 4,2 | 10,2 | 14,0 |

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Qurilish soxasidagi korxonalar sonini hamda yangi tashkil etilgan korxonalarning qo‘shilishini taxlil qiladigan bo‘lsak, faoliyatni tugallayotgan korxonalar soni ham talaygina bo‘lishi to‘g‘risida xulosaga kelishimiz mumkin. Buning sabablari albatta turlicha bo‘lishi mumkin, ammo aynan boshqaruv tizimining samarasizligi bunga sabab bo‘lishini taxmin qilish tabiiydir. Demak, qurilish sanoati sohasida tashkiliy tuzilmalarni shakllantirish va ularning hayotiyligini ta’minlash bugungi kun dolzarb muammosi hisoblanadi.

**Asosiy qism.** Boshqaruv tashkiliy tuzilmasining asosiy maqsadi korxonaning boshqaruv samaradorligini oshirishdan iborat bo‘lishini hisobga olsak, uni takomillashtirish bugungi kun fan va amaliyotning dolzarb masalasiga aylanganini tasdiqlashimiz mumkin.

Shu bilan birga kamdan-kam korxonalarda tashkiliy tuzilmani tubdan o‘zgartirish imkoniyati bo‘ladi. Bunday harakatlarning jarayonlarining murakkabligi hamda oqibatlarining yirikligi masalaga ilmiy yondashishni talab qiladi.

Boshqaruvning tashkiliy tuzilmalarini tadqiq qilishga Beloborodov R.S. [2], Litkina Yu.A. [3], Xalilov Sh.R. [4], Muxametzyanov Z.R. [5], Randolph Thomas,M, John M. Keating and Allen C. Bluedom J. [6], Kazieva J.N., Maxmudov M.K. [7], Lixuan JIANG, Pingping ZHONG and Hu CHENG. [8], Zhelikhovskiy D. O., Beliakov S. I. [9], Damilola Ekundayo, Carol Jewell, Oluwaseyi A. Awodele [10] kabi olimlarning ilmiy izlanishlari bag‘ishlangan. Ushbu ishlanmalarda

samarali tuzilmalarni tashkil qilishning turli jabhalari o‘rganilgan bo‘lib ularning mazmuni, tashkiliy munosabatlar va funksiyalarga bog‘lanishi, samaradorligini baholash kabi masalalarga e'tibor qaratilgan. Shu bilan birga, mazkur tadqiqotlar taxlili qurilish tashkilotlarida tashkiliy tuzilmalarni shakllantirish va takomillashtirish uslubiyati oxirigacha o‘z echimini topmaganligi hamda bugungi kunda dolzarb muammo bo‘lib qolganligini yana bir bor tasdiqlaydi.

Olib borilgan izlanishlar boshqaruvning tashkiliy tuzilmalarini strategik maqsadlarning rivojlanishiga mos bo‘lishini ta’minlash zarurligini isbotlab berdi, buning uchun esa ularni takomillashtirish bo‘yicha doimiy harakatlar amalga oshirilshi lozim. Tashkiliy tuzilmani qotib qolgan va o‘zgarmas kichik tizim sifatida qabul qilish rahbarning xatolaridan biridir. Qurilish korxonalarining rahbarlarining kasbiy malakasiga tashkiliy tuzilmaning muhimligini va uni doimo kuzatib borish kerakligini kiritish maqsadga muvofiq. Rahbar kadrlarni tayyorlash dasturida boshqaruvning tashkiliy tuzilmasini taxlil qilish uslubiyatini o‘rgatish salmoqli joy egallashi to‘g‘risida xulosaga keldik.

Bizning fikrimizcha, tashkiliy tuzilmani takomillashtirish puxta ishlangan bir necha bosqichli jarayon sifatida qaralishi lozim. Mazkur maqolada bizlar ushbu jarayonning dastlabki bosqichi, ya’ni boshqaruvning tashkiliy tuzilmasini taxlil qilish tartibi to‘g‘risida fikr yuritganmiz. Quyidagi jadvalda tadqiqotlar natijasi sifatida bizlar qurilishda boshqaruvning tashkiliy tuzilmalarini taxlil qilish bosqichlarini taklif qilamiz (2-jadval)

2-jadval.

**Boshqaruvni tashkiliy tuzilmasini taxlil qilish tartibi**

| т/р | Taxlil bosqichi | Qo‘yiladigan vazifa | Mazmuni va vositalari |
|---|---|---|---|
| 1 | tuzilmani takomillashtirish zaruratini anglash | korxona rahbariyatining mavjud tashkiliy tuzilma o‘z vazifalarini etarlicha bajarmayotganligini asosli ravishda aniqlash | boshqaruv tizimini baholash ko‘rsatkichlari; boshqaruv qarorlarni qabul qilish tezkorligi; bo‘linmalar o‘rtasida aloqalar ko‘rsatkichlari. |
| 2 | tuzilmani takomillashtirish darajasini aniqlashtirish | tashkiliy tuzilmalardagi o‘zgarishlar har xil darajada bo‘lishini hisobga olish | vazifalarni qayta ko‘rib chiqish; elementlarni optimallashtirish; funksional aloqalarni o‘zgartirish; tuzilmani qayta qurish. |
| 3 | tuzilmaning qaysi shaklga keltirilishini aniqlashtirish | korxona rahbariyati aynan qaysi tuzilma bugungi kun strategik maqsadlariga javob berishini tanlash | tuzilmaviy sxemalardan birini tanlash; namunaviy tashkiliy tuzilmani moslashtirish; individual aloqalarni qo‘shish. |
| 4 | korxonada tashkiliy tuzilmani takomillashtirish | tashkiliy-iqtisodiy va moddiy resurslarning mavjudligi va ularning | strategik taxlil; iqtisodiy taxlil; boshqaruv taxlili; |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | imkoniyatlarini baholash | tegishli ravishda yo‘naltirish mumkinligi aniqlash | moliyaviy taxlil;<br>inson resrularining taxlili. |
| 5 | tashkiliy tuzilmani takomillashtirishning ijtimoiy oqibatlarini baholash | tashkiliy tuzilmani optimallashtirish boshqaruv tizimidagi barqarorlikka ta’sirini baholash | ijtimoiy rivojlanish strategiyasi;<br>jamoada ijtimoiy aloqalarning taxlili;<br>ijtimoiy muhit taxlili;<br>adaptasiya va qayta o‘qitish taxlili. |

Mualliflar tomonidan taklif qilinadi.

Amaliyotda taklif qilinayotgan tartibni qo‘llash maxsus dastur yoki rejani talab qilmaydi. Masalan, jarayonning birinchi bosqichi korxona rahbariyati tomonidan doimiy ravishda amalga oshirilishi lozim, chunki boshqaruv samaradorligining pasayishini qancha tez aniqlansa, tartibga solish choralari shunchalik samarali bo‘ladi. Tashkiliy tartibni takomillashtirish reaktiv jarayon bo‘lganligi sababli keyingi mexanizmlar faqat zarurat namoyon bo‘lgandagina ishga tushiriladi. Bunda ham taxliliy ma’lumotlar va olingan natijalar rahbar uchun qaror qabul qilish asos vazifasini bajaradi. Ushbu tartib qurilish korxonasida boshqaruvning tashkiliy tuzilmasini o‘zgartirish, takomillashtirish yoki rivojlantirishning maqsadga muvofiqligi to‘g‘risidagi choralarning samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi ma’lumotlari.www.stat.uz.
2. Белобородов Р.С. Формирование эффективной структуры управления строительной организацией. Автореферат дисс. к.э.н. Нижний Новгород – 2011г.
3. Лыткина Ю.А. Формирование и развитие организационных структур управления в процессе реструктуризации строительных предприятий. Автореферат дисс. к.э.н. Пенза – 2007г.
4. Халилов Ш.Р. Формирование организационной структуры управления промышленным предприятием на основе создания бизнес-единиц. Автореферат дисс. к.э.н. Пенза – 2003г.
5. Мухаметзянов З.Р. Построение адаптивных структур управления строительными предприятиями. Автореферат дисс. к.т.н. Уфа – 2002.
6. Randolph Thomas,M, John M. Keating and Allen C. Bluedom J.Authority structures for construction project management. Constr. Eng. Manage. 1983.109: 406-422.
7. Казиева Ж.Н., Махмудов М.К. Совершенствование организационной структуры строительного предприятия на основе сетевых технологий. Региональные проблемы преобразования экономики, №8, 2014

8. Lixuan JIANG, Pingping ZHONG and Hu CHENG. Study on the Organization Structure Innovation of Knowledge Management in Construction Enterprise. ICCREM 2014: Smart Construction and Management in the Context of New Technology.

9. Zhelikhovskiy D. O., Beliakov S. I. Methodological approaches to the formation of flexible structures for managing construction groups. Real estate: economics, management. 2023; 1: 39-43.

10. Damilola Ekundayo, Carol Jewell, Oluwaseyi A. Awodele. Executive Project Management Structure and the Challenges Facing its Adoption in the Nigerian Construction Industry International Journal of Architecture, Engineering and Construction Vol 2, No 2, June 2013, 1-12

**Shahlo Saidqulova Shodiyor qizi -** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti "Servis" fakulteti, Turizm (faoliyat turlari bo'yicha) ta'lim yo'nalishining III-bosqich talabalasi, +998-88-892-39-31, shahlosaidqulova037@gmail.com

## TURIZM TARMOQLARINI RIVOJLANTIRISHDA RAQAMLI IQTISODIYOTDAN SAMARALI FOYDALANISH

**Anotatsiya:** Ushbu maqolada turizm tarmog'ida raqamli texnologiyalarni joriy etish, raqamli iqtisodiyot yordamida turizm tarmog'ida nafaqat xizmatlarning sifatini oshirish, balki yangi biznes modellari, marketing strategiyalari va mijozlar bilan aloqalarni yaxshilash hamda innovatsion texnologiyalardan turizmda samarali foydalanishga bag'ishlangan.

**Kalit so'zlar:** Raqamli texnologiyalar,turizm, sun'iy intellekt, onlayn platformalar, big-data, blokcheyn, virtual sayohat.

**Аннотация:** Данная статья посвящена внедрению цифровых технологий в туристическую отрасль, не только повышению качества услуг в туристической отрасли с помощью цифровой экономики, но и новым бизнес-моделям, маркетинговым стратегиям и улучшению отношений с клиентами, а также а также эффективное использование инновационных технологий в туризме.

**Ключевые слова:** Цифровые технологии, туризм, искусственный интеллект, онлайн-платформы, большие данные, блокчейн, виртуальные путешествия.

**Abstract:** This article is devoted to the introduction of digital technologies in the tourism industry, not only improving the quality of services in the tourism industry with the help of the digital economy, but also new business models, marketing strategies and improving customer relations, as well as the effective use of innovative technologies in tourism.

**Keywords:** Digital technologies, tourism, artificial intelligence, online platforms, big data, blockchain, virtual travel.

## Kirish

Mamlakatimizda turizm sohasini strategik tarmoqlardan biri sifatida rivojlantirish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda. Shuningdek, hududlarni barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning eng muhim omillaridan biri sifatida ichki turizmni jadal rivojlantirish, sayyohlarni mamlakatimizning madaniy-tarixiy merosi hamda tabiiy boyliklari, sayyohlarni o‘z jozibasi bilan o‘ziga chorlovchi hududiy brendlar bilan tanishtirish, uning asosi sifatida viza rejimining liberallashtirilishi, chet el fuqarolarini ro‘yxatga olish tartibining soddalashtirilishi, turizm tarmog‘ini rivojlantirish uchun imtiyoz va preferensiyalar berilishi milliy turizm salohiyatini ichki va tashqi bozorlarda samarali targ‘ib qilish imkonini beradi. Ammo, o‘tkazilgan dastlabki tahlillar turizm tarmog‘ini tartibga soluvchi normativ-huquqiy asosning mukammal emasligini, alohida turizm xizmatlarini ko‘rsatish qoidalarining, shuningdek, rivojlangan dunyo ahlining mamlakatimiz tabiatining o‘ziga xosligi, ko‘plab hududlarda bahavo turistik ob’yektlar mavjudligi to‘g‘risida, qolaversa, o‘z jozibasi bilan o‘ziga chorlovchi hududiy brendlar to‘g‘risida ma’lumotlar mavjud emasligini ko‘rsatmoqda.

So‘nggi yillarda raqamli iqtisodiyot butun dunyo bo‘ylab har qanday soha va tarmoqda jadal rivojlanib, ko‘plab yangiliklar va o‘zgarishlarga sabab bo‘ldi. Ayniqsa, turizm sektori raqamli texnologiyalarni joriy etish orqali o‘z faoliyatini yanada samarali va innovatsion qilishga intilmoqda. Raqamli iqtisodiyot turizm tarmog‘ida nafaqat xizmatlarning sifatini oshirish, balki yangi biznes modellari, marketing strategiyalari va mijozlar bilan aloqalarni yaxshilash imkoniyatlarini ham yaratmoqda.[105]

Turizm tarmog‘ida raqamli texnologiyalarni joriy etish orqali bir qator asosiy o‘zgarishlar yuz bermoqda. Internet, mobil ilovalar, sun’iy intellekt (AI), katta ma’lumotlar (big data), blokcheyn va boshqa innovatsion texnologiyalar turizm sanoatining barcha jabhalarida — sayohatlarni rejalashtirishdan tortib, joylashuv va transport xizmatlarini taqdim etishgacha bo‘lgan jarayonlarni transformatsiya qilmoqda.[106]

Sayohatni rejalashtirish va bronlash jarayonida onlayn platformalar asosiy rol o‘ynaydi. Bu platformalar nafaqat xizmatlarni taqdim etishda, balki foydalanuvchilarga kerakli ma’lumotlarni tez va oson olish imkoniyatini beradi. Booking.com, Expedia, Airbnb kabi kompaniyalar onlayn bronlash tizimlarini yaratib, mijozlarga mehmonxonalar, aviabiletlar, turistik xizmatlar va boshqa resurslarni bir joyda topish imkonini beradi.[107]

Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi bilan turizm sohasida yangi xizmat turlari va mahsulotlar, masalan, “onlayn turizm”, virtual va kengaytirilgan reallik

---

[105] Tuxliev I.S. Turizm asoslari: Uslubiy qo‘llanma – Samarkand: SamISI, 2008

[106] Zahro B., Sabrina B. . Raqamli iqtisodiyot davrida turizm sohasi istiqbollari//World scientific research journal. – 2024

[107] Abdulxakimov Z. T. Raqamli iqtisodiyot sharoitida turizm industriyasining rivojlanishi va istiqboli Toshkent-2023.

(VR/AR) asosidagi sayohatlar va boshqa innovatsion imkoniyatlar yuzaga kelmoqda. Bu texnologiyalar mijozlarga yangi tajribalar taklif qilishga, shu bilan birga turizm sanoatini diversifikatsiya qilishga yordam bermoqda.

Sun'iy intellekt va katta ma'lumotlar (big data) turizm sohasida muhim rol o'ynaydi. Sayohatlarni rejalashtirishda sun'iy intellekt mijozlarning ehtiyojlarini prognoz qilish, shaxsiy tavsiyalar berish va xizmatlarni taklif etishda yordam bermoqda. Masalan, AI algoritmlari mijozning oldingi xatti-harakatlarini tahlil qilib, unga eng mos sayohatlarni yoki mehmonxonalarni taklif qilmoqda.[108]

Katta ma'lumotlar esa sayohat va turizm sohasidagi trendlarni tahlil qilish imkonini beradi. Ushbu texnologiyalar yordamida turizm kompaniyalari mijozlar haqida ko'proq ma'lumot to'plashadi va shunga ko'ra, ular uchun yanada maqbul xizmatlar yaratishmoqda. Shuningdek, bu texnologiyalar transport, transport tarmoqlari va xavfsizlik kabi sohalarda ham muhim o'zgarishlarni amalga oshirishga yordam bermoqda.[109]

Blokcheyn texnologiyasi turizm sanoatida yangi imkoniyatlar yaratmoqda, ayniqsa, to'lovlar va tranzaksiyalar xavfsizligini ta'minlash borasida. Raqamli valyutalar (masalan, Bitcoin va boshqa kripto-valyutalar) va blokcheyn asosidagi tizimlar orqali sayohat va turizm xarajatlarini kamaytirish mumkin. Blokcheyn tizimi orqali mehmonxonalar va transport kompaniyalari o'rtasidagi kelishuvlar yanada ochiq va shaffof bo'lib, mijozlar uchun tranzaksiyalarni xavfsiz va samarali qilish imkonini beradi. Yana shuni ta'kidlash joizki raqamli marketing texnologiyalari turizm sohasida eng muhim elementlardan biriga aylandi. Onlayn reklama, SEO (qidiruv tizimini optimallashtirish), ijtimoiy tarmoqlar orqali marketingni olib borish sayohat kompaniyalariga keng auditoriyaga erishish imkonini bermoqda.[110] Shuningdek, raqamli tizimlar yordamida mijozlar bilan aloqalar yanada samarali bo'lmoqda. Mobil ilovalar va chat-botlar orqali sayohat kompaniyalari mijozlarga 24/7 xizmat ko'rsatish, so'rovlar va shikoyatlarga tezda javob berish imkoniyatiga ega. Mijozlarga shaxsiylashtirilgan xizmatlar taqdim etish orqali kompaniyalar ularning ehtiyojlarini to'liq qondirishga harakat qilishadi. Virtual va kengaytirilgan reallik texnologiyalari orqali mijozlar sayohat qilishdan oldin turistik joylarning virtual ko'rinishini ko'rishlari mumkin. Misol uchun, biror muzeyni yoki tarixiy joyni virtual tarzda tomosha qilish mumkin.

**Xulosa**

Hozirgi vaqtda nafaqat mamlakatimizda, balki butun dunyo bo'yicha turizm sohasining katta mehnat sarfini talab etmaydigan, ammo serdaromad soha hisoblanadi. Mazkur soha o'ziga yarasha madaniyatni, etika, estetikani talab qilgan holda birmuncha jozibadorlikning tarafdori sanaladi. Turizm sohasining iqtisodiy jihatidan tashqari uning ham ijtimoiy ham ma'naviy jihatlarini alohida ta'kidlab

[108] Rustamovna X.Z. Zamonaviy davrda raqamli iqtisodiyotning imkoniyatlari va istiqbollari. Toshkent-2022

[109] Ollaberganova M., Rustamov R., Saidmuratov S. Raqamli iqtisodiyot va uning zamonaviy hayotdagi tutgan o'rni. Toshkent– 2024.

[110] K Sh Shodiyev A. B. Turizm sohasi yuksalishida internet va axborot–kommunikatsiya texnologiyalarning o 'rni //Toshkent-2021

o‘tish darkor. Ya’ni iqtisodiy jihatdan mehnatning 1 so‘miga to‘g‘ri keladigan ko‘p mehnat sarfi talab etadigan ba’zi, masalan qurilish tarmog‘i kabilarga nisbatan kam mehnat evaziga daromad topish imkoniyati mavjud. Ijtimoiy jihatdan esa mazkur sohada faoliyat yurituvchi xizmat ko‘rsatish xodimlari bir vaqtning o‘zida sayyohlarga xizmat ko‘rsatish bilan birgalikda mazkur soha mahsulotidan o‘zlari ham bahramand bo‘lishadi, bu esa o‘z navbatida inson umrining uzayishiga sabab bo‘ladi. Ma’naviy jihatdan turizm sohasini rivojlantirish orqali ajdodlarimizdan meros bo‘lgan milliy qadriyatlarimiz timsoli sanalgan me’moriy yodgorliklarimizni, bahavo tabiatimizni butun dunyoga ko‘z-ko‘z qilish yo‘li bilan mamlakatimizni dunyo xaritasidagi o‘rnini mustahkamlash, butun dunyoga tanitish imkoniyati yuzaga keladi.

Raqamli iqtisodiyotning turizm tarmog‘ida rivojlanishi sayohat sanoatini yanada global, shaffof va samarali qilishga yordam bermoqda. Onlayn platformalar, sun’iy intellekt, blokcheyn, virtual va kengaytirilgan reallik kabi texnologiyalar orqali turizm kompaniyalari mijozlarga yanada yuqori sifatli xizmatlar taqdim etish imkoniyatiga ega. Shuningdek, bu texnologiyalar turizm sohasida yangi imkoniyatlar va biznes modellari yaratishga yordam beradi.

Biroq, raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi bilan birga, turizm kompaniyalari texnologiyalarni to‘g‘ri va xavfsiz tarzda joriy etishga, ma’lumotlar xavfsizligini ta’minlashga va mijozlar bilan yanada samarali aloqalar o‘rnatishga e’tibor qaratishlari zarur. Yangi texnologiyalarni qo‘llashda samarali strategiyalarni ishlab chiqish va ularni amaliyotga tadbiq etish turizm tarmog‘ining kelajagini shakllantiradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. Tuxliev I.S. Turizm asoslari: Uslubiy qo‘llanma – Samarkand: SamISI, 2008
2. Zahro B., Sabrina B. . Raqamli iqtisodiyot davrida turizm sohasi istiqbollari//World scientific research journal. – 2024
3. Abdulxakimov Z. T. Raqamli iqtisodiyot sharoitida turizm industriyasining rivojlanishi va istiqboli Toshkent-2023.
4. Rustamovna X.Z. Zamonaviy davrda raqamli iqtisodiyotning imkoniyatlari va istiqbollari. Toshkent-2022
5. Ollaberganova M., Rustamov R., Saidmuratov S. Raqamli iqtisodiyot va uning zamonaviy hayotdagi tutgan o‘rni. Toshkent– 2024.
6. K Sh Shodiyev A. B. Turizm sohasi yuksalishida internet va axborot–kommunikatsiya texnologiyalarning o ‘rni //Toshkent-2021

**Uktamjonova Zulayxo Anvarjon qizi -** Ishlab chiqarishda boshqaruv fakulteti, Menejment kafedrasi asisstenti, e-mail:zulayxoaminjonova@gmail.com
Tel:905639593

# MILLIY IQTISODIYOTNI RAQAMLI IQTISODIYOTGA O‘TISH SHAROITIDA BOSHQARUVDAGI MUAMMOLAR VA YECHIMLARI

**Annotatsiya**: Bozor iqtisodiyotining rivojlanishini samarali boshqaruv tizimisiz amalga oshirib bo‘lmaydi. Bozor iqtisodiyotini boshqarish tizimi ayrim hollarda bozor va davlat tomonidan tartibga solishni o‘zida uyg‘unlashtiradi. Ma’lumki, bozor butun jamiyat ehtiyojlari, mamlakat ijtimoiy birligi, fundamental ilmiy tadqiqotlar o‘tkazish, uzoq muddatli dasturlar va boshqalar bilan bog‘liq ko‘plab muammolarni hal eta olmaydi. Shuning uchun, har bir jamiyatda mazkur jamiyatga xos bo‘lgan zamonaviy boshqaruvni olib borish kerak bo‘ladi.

Nevertheless, regional players such as Wildberries and Ozon, Russia’s leading online platforms, will also be included in the study as both are capable to make multimillion assortment of goods available to the local market and can really challenge Uzum Market’s growth and leadership position. AliExpress will also be considered in this study as it also sells goods to regular consumers in Uzbekistan, even though it reported to be a logistics partner of Uzum Market.

Uzbekistan’s online retail marketplace has not been consolidated yet and continues to see huge competition from national, regional and global competitors.

Hence, researcher will also look into globalization as a key determinant in shaping the e-commerce landscape of Uzbekistan and attempts to provide some insights into future growth and performance of Uzum Market amid fierce and growing competition, even though the emergence of e-commerce platforms and adoption of digital payment possibilities took a firm ground in 2019.

The paper will made up of four sections, that is, literature review, research method, discussion and conclusion. The literature review will provide the general situation of e-commerce in Uzbekistan. What economic policies have been implemented not just facilitate, but to build e-commerce infrastructure in Uzbekistan from scratch. Among them are at least two milestones: first, the integration of local payment systems with International Networks; second, emergence of the first national online trading platforms such as Unisavdo.uz and Trade.uz. The second section will be devoted to covering a large body of literature on three sets of retail platforms. The first set is global (Amazon and Alibaba); the second is regional (Wildberries and Ozon); the third set is national retail stores. AliExpress will be included in the second set among its Russian counterparts since it focuses on regular customers, not to business-to-business model. It should be noted that AliExpress is

owned by the Alibaba Group and Alibaba itself is used here only to provide some historical perspectives in comparative to Amazon. The third section is research methodology and will have a nature of mixed research methodologies as qualitative and quantitative. It will clarify the research significance from business and academic perspectives. The fourth section made up of discussion and conclusion will formulate further research directions.

*1. Introduction*

*The digital economy in Uzbekistan has seen a tremendous transformation for the past several years with passing a number of laws and regulations in e-commerce activities. Particularly, the law on "On e-commerce" signed by President Shavkat Mirziyoyev in September 2022 paved and consolidated a clear procedure in concluding electronic contracts between entities and facilitated payment mechanisms [1]. If in 2021 the overall turnover of e-commerce was $201 million, it reached $543 million in 2023. And by 2027 experts believe e-commerce market will surge to $1 billion [2]. "Digital Uzbekistan – 2030" strategy is also believed to boost the digitalization process across Uzbekistan cutting the digital gap between cities and villages with providing high-quality and inexpensive Internet and mobile communications [3]. The scope of digitalization itself has become so multi-dimensional in nature today in a global scale that services we receive and goods we consume that were once traditionally regarded as part of a modern economy now belongs to "digital economy." But how is it different from a traditional economy? One of the main characteristics is its total dependence on digital technology to run transactions, connectivities among individuals and businesses in their economic activities with the use of online connections, mobile technology and big data [4].*

*Amid this digitally fertile so, so to say, the appearance of Uzum Market has significantly shaped and boosted the e-commerce industry in Uzbekistan. Some believe that it has played a key role in recent years [2]. But will it surpass old and new players in the market. To see it coming, it is imperative to see the developmental path of Amazon and Alibaba in comparative perspectives and apply that historical framework to find similar patterns of Uzum Market's growth and popularity among buyers across Uzbekistan. It should be noted that these two leading e-commerce companies, Amazon and Alibaba, have taken a long journey to becoming the gigantic online retailers worldwide. But what this paper emphasizes is their development and growth in their own home countries. In doing so, the researcher will heavily rely on previous similar studies and aims to find the similarities and differences of the of business models between Amazon and Alibaba based on a SWOT framework, which is applied to analyze a company from four-dimensional paradigm, that is, its strength, weakness, opportunity and threat.*

**References:**

**[1]** President signs law "On e-commerce." (2022, September 29). *Kun.uz* https://kun.uz/en/news/2022/09/30/president-signs-law-on-e-commerce

**[2]** Uzbekistan's e-commerce market expected to surge to $1 billion by 2027. (2024, May 3). *Kun.uz*. https://kun.uz/en/news/2024/05/03/uzbekistans-e-commerce-market-expected-to-surge-to-1-billion-by-2027

**[3]** Khakimov, F. (2022, April 20). Issues of Digitalization in the New Development Strategy of Uzbekistan. *Development Strategy Center*. Retrieved from https://strategy.uz/index.php?news=1518&lang=en

**[4]** Yasar, K., & Pratt, M. (October 2023). What is the digital economy? Techtarget.com https://www.techtarget.com/searchcio/definition/digital-economy

QUESTIONNAIRE OF THE CONFERENCE PARTICIPANT

| | |
|---|---|
| **Participant's full name** | **Khasan Khankeldiyev** |
| **Section** | **Digital Economy** |
| **Title of the article** | ***Uzum Market: Becoming the Biggest Online Retailer Store in Uzbekistan similar to Amazon?*** |
| **Workplace and position** | **Turin Polytechnic University in Tashkent** |
| **Degree and title** | **MA** |
| **Phone number:** | **(998 94 612 5824)** |
| **e-mail:** | khankeldy@polito.uz |

**Rajabov Orzujon Mamasoliyevich –** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti mustaqil izlanuvchisi, +998 97 920 64 66

## LOGISTIKA XIZMAT KO‘RSATISH TIZIMINI RAQAMLASHTIRISHNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI

**Annotasiya:** Mazkur maqolada logistika xizmat ko‘rsatish tizimi, uning asosiy tarkibiy qismlari, logistika xizmat ko‘rsatish tizimining “ta’minot-ishlab chiqarish” zanjiridagi moddiy oqim, axborot oqim va moliyaviy oqim jarayonlari va ushbu jarayonlarni raqamlashtirish masalalari nazariy jihatdan yoritib berilgan.

**Kalit so‘z:** logistika xizmati, logistika xizmat ko‘rsatish tizimi, moddiy oqim, axborot oqimi, moliyaviy oqim, buyurtmalarni boshqarish, yuk ekspeditsiyasi, ta’minot.

**Аннотация:** В данной статье теоретически объяснены система логистического обслуживания, ее основные компоненты, процессы материального потока, информационного потока и финансовых потоков в цепочке «снабжение-производство» системы логистического обслуживания и цифровизация этих процессов.

**Ключевые слова:** логистический сервис, система логистического

обслуживания, материальный поток, информационный поток, финансовый поток, управление заказами, экспедирование, снабжение.

**Abstract:** This article theoretically covers the logistics service system, its main components, the material flow, information flow, and financial flow processes in the "supply-production" chain of the logistics service system, and the issues of digitizing these processes.

**Keywords:** logistics service, logistics service system, material flow, information flow, financial flow, order management, freight forwarding, supply.

Logistika xizmati ilmiy tadqiqot sohasi sifatida yangi yo‘nalish hisoblanadi. Chunki, ilmiy tadqiqotlar asosan logistika va ta’minot zanjirlarini boshqarish doirasi olib borilgan. XX asrning oxiriga kelib “logistika xizmati” tushunchasi ishlatila boshladi. Bu esa logistika xizmatlari bo‘yicha ilmiy tadqiqotlar yo‘nalishini ham boshlab berdi. Ilmiy adabiyotlarda “logistika xizmati” tushunchasi keng talqinga ega. Yondashuvlardan eng maqbullaridan biri sifatida “logistika xizmati – moddiy va axborot oqimlarini eng maqbul tarzda boshqarish jarayonida iste’molchilar talabini maksimal darajada qondirishni ta’minlaydigan nomoddiy logistika operatsiyalari majmui” ekanligiga e’tibor qaratadigan bo‘lsak, logistika xizmati logistika operatsiyalari majmuidan iborat.

A.M.Gadjinskiyning fikricha, logistika xizmati “taqsimot jarayoni bilan uzviy bog‘liq bo‘lib, tovarlarni etkazib berish jarayonida ko‘rsatiladigan xizmatlar majmuasini ifodalaydi”[123]. A.I.Drojjin ham shunga o‘xshash fikrga ega bo‘lib, logistika xizmatlar doirasi nafaqat etkazib berish jarayonida, balki mahsulotlarga buyurtma berish, sotib olish va undan keyingi xizmat ko‘rsatish jarayonida ham taqdim etiladi deb hisoblaydi[124].

V.I.Sergeev logistika xizmati “har bir mahsulotning vaqt va joyning foydaliligi nuqtai nazaridan uning samaradorligini aks ettiruvchi logistika tizimining faoliyati natijasidir” deb ta’kidlaydi[125].

Biz logistika xizmatini bozor talablariga muvofiq etkazib beriladigan mahsulot sifati, miqdori, narxi, joyi va vaqti bo‘yicha moddiy, moliyaviy va axborot oqimi jarayonida korxona va iste’molchi o‘rtasidagi aloqani ta’minlaydigan logistika operatsiyalari majmui sifatida talqin qilish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz.

Logistika xizmat ko‘rsatish tizimi – bu tashqi muhit talablariga muvofiq miqdoriy va sifat ko‘rsatkichlarini bajarish uchun xizmat oqimlarini boshqarish tizimi hisoblanadi. Logistika tizimining har bir bo‘g‘inini alohida ko‘rib chiqsak, bajariladigan logistika operatsiyalari va funksiyalari yanada aniqlashadi. Dastavval, “ta’minot-ishlab chiqarish” zanjiridagi oqim jarayonlarni ko‘rib chiqamiz (1-rasm).

[123] Гаджинский, А.М. Логистика [Текст] : учебник для высших и средних специальных учебных заведений / А.М. Гаджинский. – М.: Дашков и Ко, 2010. – 484 с. (216 с.).
[124] Дрожжин, А.И. Логистика [Текст] : учеб. курс (учебно-методический комплекс) / А.И. Дрожжин. – М.: Маркетинг, 2008. – 256 с. (56 с.).
[125] Сергеев, В.И. Управление качеством логистического сервиса [Текст] / В.И. Сергеев // Логистика сегодня. – 2008. – № 5. – С. 270




**1-rasm. “Ta’minot-ishlab chiqarish” zanjirida” moddiy, axborot va moliyaviy oqimlar bo‘yicha logistika xizmati[126].**

Bu yerda:

➡ moddiy oqim (xom ashyo, yarim tayyor mahsulotlar, ehtiyot qismlar, ishlab chiqarish vositalari);

–·–·→ axborot oqimi;

- - - - - → moliyaviy oqim;

$LTB_1$, $LTB_2$ , $LTB_3$, $LTB_4$, $LTB_5$, $LTB_6$ – logistika zanjiri bo‘g‘inlari;

$a_1$, $a_2$, $a_3$, $a_4$, $a_5$, $a_6$, $a_7$, $a_8$ – axborot oqimlari;

$m_1$, $m_2$ , $m_3$ , $m_4$ , $m_5$ – moliyaviy oqimlar.

Mazkur, “ta’minot-ishlab chiqarish” zanjirida ko‘rsatiladigan logistika xizmatlarida jarayonlar va axborotlarni boshqarishni raqamlashtirish muhim ahamiyatga ega. “Ta’minot-ishlab chiqarish” zanjirida bajariladigan logistika xizmati tizimi va uning elementlarini raqamlashtirish jarayoni 1-jadvalda keltirilgan.

[126] Muallif ishlanmasi.

**1-jadval**

**“Ta’minot-ishlab chiqarish” zanjirida bajariladigan logistika xizmati tizimi va uning elementlarini raqamlashtirish jarayoni**[127]

| Logistika zanjiri | Kompleks logistika funksiyalari | Raqamlashtirish jarayoni |
|---|---|---|
| $LTB_4$ $a_1$ $LTB_5$ $a_2$ $LTB_1$ | Buyurtmalarni boshqarish | Buyurtmalarni berish, buyurtmalarga ishlov berish va buyurtmalarni o‘z vaqtida bajarish |
| $LTB_1$ $a_5$ $LTB_2$ $a_6$ $LTB_4$ | Yuk ekspeditsiyasi | Yuklash, tashish bilan bog‘liq hujjatlarni rasmiylashtirish |
| $LTB_1$ $a_7$ $LTB_3$ $a_8$ $LTB_4$ | Yuklarni saqlash | Omborxonada bajariladigan operatsiyalar, zaxiralarni hisoblash, ombor operatsiyalarini avtomatlashtirish |
| $LTB_4$ $m_1$ $LTB_6$ $m_2$ $LTB_1$ | Xaridlar uchun to‘lovni amalga oshirish | Ta’minotchi bilan ishlab chiqaruvchi o‘rtasidagi xaridlar uchun to‘lovni amalga oshirish |
| LTB2 $m_4$ $LTB_5$ $m_5$ $LTB_4$ | Saqlash va tashish xizmatlari uchun to‘lovni amalga oshirish | Saqlash va tashish xizmatlari uchun ishlab chiqaruvchi tomonidan to‘lovni amalga oshirish |
| $LTB_4$ $m_1$ $LTB_3$ $m_6$ $LTB_6$ | Taqsimot markazidagi vositachilar xizmati uchun to‘lovni amalga oshirish | Vositachilik xizmati uchun to‘lovning ishlab chiqaruvchi tomonidan amalga oshirilishi. |
| $LTB_1$ $^{TM}$ $LTB_3$ $^{TM}$ $LTB_4$ | Moddiy oqimni yetkazib berish | Moddiy oqim harakati haqidagi axborotlar analitikasi |

Biz tadqiqotimizda “ta’minot-ishlab chiqarish” va “ishlab chiqarish-iste’molchi” zanjirlarida bajariladigan logistika xizmatlarini alohida-alohida tizim sifatida tadqiq etib, ular bilan bog‘liq logistika operatsiyalari va funksiyalarini raqamlashtirishni ko‘rib chiqdik. Hozirgi zamon ishlab chiqarishida tovarlar assortimenti va ular uchun ishlatiladigan xom-ashyo va material resurslar nomenklaturasini turli tumanligi, ta’minot, ishlab chiqarish va taqsimot jarayonlarining tarmoqlanganligi, hamda servis jarayonlariga ko‘plab logistika vositachilarining qatnashishi hisobga olinsa, bunday tizimlar o‘ta murakkab tashkiliy tuzilmali bo‘lishini tushunish qiyin emas. Bunday logistika xizmat

[127] Muallif ishlanmasi.

ko‘rsatish tizimlari tashkiliy tuzilmasi va ular uchun qilinadigan xarajatlarni optimallashtirish logistika xizmatining asosiy masalasi hisoblanadi.

Logistika operatsiya va funksiyalari mos LTBlari tomonidan bajariladi va ular uchun xarajatlar qilinadi. Ba’zi bo‘g‘inlar logistik tizimdan foydalanayotgan biznes sub’ekti yoki boshqaruv sub’ekti tarkibiga kirmasligi mumkin. Bu holda ushbu vositachi bo‘g‘inlar xizmatiga ularning tariflari asosida haq to‘lanadi.

Logistika xizmat ko‘rsatish tizimi yetkazib berish xarajatlarini umumlashgan holda quyidagicha aniqlash mumkin:

1. Harid-ta’minot bo‘limidagi logistik funksiyalarni bajarish uchun qilinadigan xarajatlar, ya’ni: $MR_1$, $MR_2$, $MR_3$ larni harid qilish, tashish, yuklarni ishlash bilan bog‘liq ortish-tushirish, tagdonlarga qo‘yish, komplektlash, qadoqlash xarajatlari;
2. Ishlab chiqarish jarayonidagi logistik funksiyalarni bajarish uchun qilinadigan xarajatlar;
3. Taqsimot jarayonidagi logistik funksiyalarni bajarish uchun qilinadigan xarajatlar, ya’ni $TM_1$, $TM_2$ ni tashish tayyor mahsulot omborlarida saqlash buyurtmalar va zahiralarni boshqarish xarajatlari va boshqalar;
4. Axborotlarni yig‘ish qayta ishlash va jo‘natish bilan bog‘liq bo‘lgan aloqa va axborot kompyuter texnologiyalari hamda moliya-bank operatsiyalari uchun qilinadigan xarajatlar.

Xarajatlar va logistik menejment xarajatlari summasi qaralayotgan mikrologistik tizim yetkazib berish xarajatlarini tashkil qiladi.

Keyingi davrlarda logistika tizimi tuzilmasida optimallashtirish masalalarini hal qiluvchi bo‘g‘inlarning paydo bo‘lishi bilan umumiy logistika xarajatlari tarkibida material resurslar, tugallanmagan ishlab chiqarish va tayyor mahsulotning me’yordan ortiq darajada muzlatilishi (immobilizatsiya) natijasida foydaning yo‘qotilishi hamda ta’minot tizimi, ishlab chiqarish va tayyor mahsulot distribyutsiyasi jarayonlari hamda logistik servisning yetarli darajada rivojlanmaganligidan ko‘riladigan zararlar miqdorini ham hisobga olish imkoniyatlari paydo bo‘ldi. Demak, logistika menejmentiga oid umumiy xarajatlar tarkibi quyidagi uchta guruh xarajatlarning yig‘indisidan iborat bo‘lar ekan:

1. Jami logistik operatsiyalar va funksiyalarni bajarish uchun qilinadigan xarajatlar;
2. Resurslarning zahirada bo‘lishidan ko‘riladigan zararlar, bunday zararlar immobilizatsiya yo‘qotishlari ham deyiladi;
3. Logistika menejmenti va servis sifatining yetarli darajada emasligidan ko‘riladigan zararlar (yo‘qotishlar).

Yuqorida keltirilgan xarajatlarni minimallashtirish, logistika xizmati darajasini oshirish, logistika zanjiri ishtirokchilari o‘rtasidagi uzoq muddatli hamkorlikni saqlab qolish, jarayonlar tezkorligi va shaffofligini ta’minlashning yagona yo‘li bu logistika xizmat ko‘rsatish tizimi va tarkibiy elementlarining o‘zaro aloqadorligini raqamlashtirish hisoblanadi. Bugungi raqamli iqtisodiyot sharoitida faqatgina logistika xizmatlari samaradorligini oshirish raqamli texnologiyalar asosida amalga oshiriladi.

**Саттарова Наргиз Тохировна** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Менежмент” кафедраси в.б.доцент,PhD

# РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИ ЎСИШИНИНГ ОМИЛИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

**Аннотация.** Ушбу мақолада жаҳон меҳнат тақсимотида мамлакатимиз ўрнини оширишда рақамли иқтисодиётнинг устунликлари кўрсатиб берилди. Шу билан биргаликда Ўзбекистонда бандликни таъминлаш ва меҳнат бозорини бошқаришнинг асосий устувор йўналишларига алоҳига урғу бериб, қўшимча таклифлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, коррупция, янги иш ўринлари, иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги, аҳоли даромадлари, турмуш даражаси

**Аннотация.** В данной статье показаны преимущества цифровой экономики в повышении позиции нашей страны в мировом разделении труда. В то же время были внесены дополнительные предложения, подчеркивающие основные приоритеты занятости и управления рынком труда в Узбекистане.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, коррупция, новые рабочие места, экономический рост, занятость, доход, уровень жизни.

**Annotation.** This article shows the advantages of the digital economy in increasing the position of our country in the global division of labor. At the same time, additional proposals were made highlighting the main priorities for employment and labor market governance in Uzbekistan.

**Keywords:** digital economy, corruption, new jobs, economic growth, employment, income, living standards

Рақамли иқтисодиёт шароитида бандлик ва меҳнат бозори масалалари, айниқса демографик омилларни ҳисобга олганда, бутун дунёда ҳам, алоҳида мамлакатларда ҳам биринчи даражали ижтимоий, иқтисодий, сиёсий аҳамиятга эга устувор масалалар қаторига чиқиб олди. Ушбу муаммолар давом этаётган дунё иқтисодий ва молиявий инқирози туфайли янада кўпроқ долзарбликка эга бўлиб, у Халқаро меҳнат ташкилотининг баҳоланишига кўра, ишсизликнинг 27 млн. кишига ошишига олиб келади.

Жаҳон меҳнат тақсимотида мамлакатимиз ўрнини оширишда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳондаги деярли барча ривожланган давлатлар иқтисодиёти рақамли технология асосида ривожланишга йуналтирилган. Бу борада Президентимиз Ш.М. Мирзиёев Олий Мажлисга мурожатномасида шундай деган эди: - “мамлакатимизда рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалардан бири бўлади. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни

камайтиради. Шу билан бирга энг оғир иллат – коррупция балосини йўқотишда ҳам самарали воситалардан бири бўлади[128].

Жаҳон иқтисодиётда глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши ва рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши шароитида аҳоли турмуш даражаси ва иш билан бандлик даражасини ошириш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бу шароитда меҳнат фаолияти ва шахсий ҳаёт ўртасидаги оптимал мувозанатга эришиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Статистик маълумотларга кўра, жаҳонда 2 миллиарддан кўпроқ ишчилар (иш билан банд бўлганларнинг 62 фоизи) норасмий иш билан бандлар ҳисобланади ва шунинг учун улар меҳнат ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий ҳимояга эга эмаслар[129] . Бундай шароитда меҳнат бозори трансформациялашуви натижасида иш билан бандликнинг замонавий шаклларини амалда жорий этиш ва расмийлаштириш алоҳида аҳамиятга касб этмоқда.

Ушбу соҳадаги миллий стратегиялар иш кучига талаб ўсишини ва бандлик кенгайтирилишини, меҳнат бозори бошқарувининг фаол чора-тадбирлари амалга оширилишини, ёшлар, аёллар, норасмий секторда ишловчиларнинг ишга жойлаштирилишини, касб малакалари ривожлантирилишини таъминлайдиган макроиқтисодий сиёсатни татбиқ қилишга йўналтирилган бўлиши керак.

Ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришнинг миллий моделида аҳолининг бандлиги аста-секин бозор муносабатлари тизимига кириб бормоқда. У кўп жиҳатдан иш кучига талаб ва таклифнинг ўзгариш принциплари асосида шакллана бошлади. Меҳнатни татбиқ қилиш соҳаси ва имкониятлари кенгайтирилди, ўзини - ўзи иш билан таъминлаш кўламлари оширилди. Меҳнат фаолиятининг шакллари ва турлари хилма-хил кўринишга эга бўлди, мулкчилик ва тармоқ шакллари бўйича ишловчилар таркиби ўзгарди, янги, аҳоли учун янада қулай бандлик шакллари пайдо бўлди, унинг илгари норасмий фаолият юритган муайян турлари (касаначилик, ҳунармандлик, оилавий тадбиркорлик) қонунийлаштирилди, ихтиёрий иш билан банд бўлмаслик ҳуқуқи расмий эътироф қилинди. Меҳнат бозорининг ҳуқуқий ва институционал инфратузилмаси яратилди.

Янги иш ўринларини яратиш билан бирга кечаётган барқарор иқтисодий ўсиш анъанаси Ўзбекистон аҳолисининг бандлиги ўсишига объектив шарт-шароитлар яратилиши ва ривожлантирилишини таъминлади. Сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ҳар йили энг камида 8 фоизга ўсиш суръатларида бандлик ўсиши ўртача 2,5 фоизни ташкил қилди, бу барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишга эга мамлакатларда мавжуд анъаналарга мос келади ва иш ўринларини яратиш дастурларини татбиқ қилиш орқали таъминланади.

Сўнгги йилларда ишсизлик масаласи геосиёсий вазиятга бевосита боғлиқлигини исботламоқда. Дунёда рўй берган иқтисодий инқирозлар таъсири ҳар бир мамлакат иқтисодиётига, шу ўринда, меҳнат бозори ҳолатига

[128] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил, 25 январь.
[129] World Employment and Social Outlook: Trends 2020. International Labour Office – Geneva: ILO, 2020. – P. 20

ҳам бевосита таъсир этди. Бундай вазиятда мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитига мос иш билан бандликнинг эгилувчан шаклларини жорий этиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Иш билан бандликнинг мослашувчан, эгилувчан шаклларини кенгайтириш иш билан бандлик муаммосини янада юмшатиш, аҳолининг ижтимоий-ҳимояга муҳтож қатламларини иш ўринлари билан таъминлаш, уларга даромад манбаини яратиш ва малакасини ошириб боришга имконият яратади. Иқтисодий субъектлар учун эса, иш билан бандликнинг эгилувчан шаклларини ташкил этиш ва уларга хизмат кўрсатиш, корхона харажатларини оптималлаштириш имконини беради.

Меҳнат бозори эгилувчанлиги – иш кучига бўлган талаб ва таклиф таркиби ҳамда ҳажмини ташқи муҳит ўзгаришларига мослаштириш қобилияти бўлиб, пировардида корхона (фирма) ишчи-ходимларининг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда унинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш имкониятини юзага келтирувчи мослашувчан меҳнат бозори ҳисобланади. Меҳнат бозори эгилувчанлигининг қуйидаги таркибий элементларини ажратиш мумкин: иш билан бандлик эгилувчанлиги, иш вақти эгилувчанлиги, иш ҳақи эгилувчанлиги, иш кучи эгилувчанлиги ва меҳнат бозори институтлари эгилувчанлиги.

Меҳнат бозоридаги ушбу ва бошқа ўзига хос хусусиятлар, анъаналар ва муаммолар аҳоли бандлигини ривожлантириш истиқболларини белгилашда эътиборга олиниши керак.

Бандлик ва меҳнат бозори масалалари, ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш ва ҳуқуқларига риоя қилиш билан бир қаторда, иқтисодиётни рағбатлантириш, иш кучига талаб ва бошқа тегишли миллий тангликка қарши чора-тадбирлар асосига киритилган барча мамлакатларда энг муҳим фаолият соҳалари, Глобал бандлик дастури ва Глобал иш ўринлари тўғрисидаги битим компонентлари қуйидагилардан иборат:

- бандлик ўсишини таъминлайдиган инфратузилмага, шунингдек озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришга инвестицияларни ошириш;
- биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларида кредит оқимларини таъминлаш;
- касб малакалари оширилиши ва ходимларни ишдан фойдасиз бўшатишлар қисқартирилиши билан ўзаро мувофиқликда, мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш;
- давлат бандлик хизматини мустаҳкамлаш, меҳнат бозоридаги фаол дастурларни ва бандлик кафолатларини кенгайтириш;
- иш излаётган шахсларни ишсизлик бўйича оқилона нафақалар ҳисобига қўллаб-қувватлаш;
- меҳнат бозорига биринчи марта кираётган ёшларни ҳимоялаш учун махсус чора-тадбирлар кўриш.

Ўзбекистонда бандликни таъминлаш ва меҳнат бозорини бошқаришнинг юқорида қайд этилган асосий устувор йўналишлари амалга оширилса уйлаймизки кутилган натижага эришиш мумкин:

- биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермер хўжаликлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси соҳаларида янги юқори иш ҳақи тўланадиган иш ўринларида ишлаётганлар сонини ошириш ҳисобига аҳолининг унумли, фойдали бандлик соҳаларини кенгайтириш;

- иккинчидан, аҳолининг иқтисодий фаоллигини ва бандлик даражасини ошириш, меҳнат бозорига биринчи марта кираётган ёшларни, шунингдек ишдан бўшатиладиган ходимларни ва аҳолининг иш билан банд бўлмаган, ишга жойлаштиришга эҳтиёжманд қисмини меҳнат фаолияти соҳасига жалб қилиш;

- учинчидан, иқтисодиётнинг реал секторида бандликни ошириш ва уни норасмий секторда камайтириш, саноат тармоқларида, қурилиш, хизмат кўрсатиш, коммуникация соҳаларида ишлаётганлар сонини ошириш ҳисобига аҳолининг бандлиги оқилона тузилишини шакллантириш;

- тўртинчидан, аҳолини ишга жойлаштириш бўйича махсус чора-тадбирлар қабул қилиниши ва татбиқ этилиши оқибатида меҳнат бозорининг юқори бандсизлик ва ишсизлик даражасига эга айрим маҳаллий ҳудудларида кескинликни бартараф қилиш;

- бешинчидан, иш берувчилар эҳтиёжлари ҳамда тармоқлар ва ҳудудлар талаби ҳисобга олиниб, малакали мутахассислар тайёрланиши туфайли меҳнат бозорида иш кучига талаб ва таклифни ўзаро мувофиқлаштириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратади.

Охир-оқибатда, меҳнат ресурсларининг бандлик соҳаларини кенгайтиришга ва оширишга йўналтирилган таклиф қилинаётган чора-тадбирлар аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси ўсишининг омили бўлиб хизмат қилади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил, 25 январь.

2. “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” давлат дастури. **“Тараққиёт стратегияси” маркази Ахборот хизмати маълумотлари**

3. Рақамли иқтисодиёт тараққиёт сари қисқа йўл.С.Жуманова. Янги Ўзбекистон газетаси. 4 бет

4. World Employment and Social Outlook: Trends 2020. International Labour Office – Geneva: ILO, 2020. – P. 20

**Gulshan Akmalovna Abduvohidova** - Samarqand iqtisodiyot va servis instituti “Menejment” kafedrasi asistenti

# RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XORIJIY TILLARNI BILISHNING BOSHQARUVDAGI ROLI

**Annotatsiya:** Raqamli iqtisodiyot sharoitida xorijiy tillarni bilish va boshqarish, global biznes muhitida muvaffaqiyatli faoliyat yuritish uchun zaruriy omillardan biridir. Globalizatsiya jarayonlari, xalqaro hamkorlik va raqobatbardoshlikni ta'minlash uchun xorijiy tillarni bilish, kompaniyalar uchun yangi imkoniyatlar yaratadi. Ushbu maqolada xorijiy tillarning raqamli iqtisodiyotdagi roli, xususan, ma'lumot tahlili, mijozlar bilan samarali aloqa, innovatsiyalarni joriy etish va madaniy o‘zaro ta'sir kabi jihatlar ko‘rib chiqiladi.

Ushbu tadqiqot xorijiy tillarning raqamli iqtisodiyotda qanday ahamiyatga ega ekanligini va ularni boshqarishning zamonaviy usullarini o‘rganishga qaratilgan.

**Kalit so`zlar:** globalizatsiya, xalqaro hamkorlik, ma'lumot tahlili, xodimlarni rivojlantirish, mijozlar bilan aloqa, innovatsiyalar, madaniy o‘zaro ta'sir, raqobatbardoshlik, loyihalarni boshqarish, tashqi bozorlar, samaradorlik, til bilish, axborot almashinuvi, samarali kommunikatsiya, strategik rejalashtirish.

**Abstract:** Knowing and managing foreign languages in the digital economy is one of the necessary factors for successful operation in the global business environment. Globalization processes, knowledge of foreign languages to ensure international cooperation and competitiveness create new opportunities for companies. This article examines the role of foreign languages in the digital economy, in particular aspects such as information analysis, effective communication with customers, introduction of innovations and cultural interaction.

This study aims to study the importance of foreign languages in the digital economy and modern methods of their management.

**Keywords:** globalization, international cooperation, data analysis, employee development, customer relations, innovation, cultural interaction, competitiveness, project management, foreign markets, productivity, language skills, information exchange, effective communication, strategic planning.

**Аннотация**: Знание и владение иностранными языками в условиях цифровой экономики является одним из необходимых факторов успешной деятельности в глобальной бизнес-среде. Процессы глобализации, знание иностранных языков для обеспечения международного сотрудничества и конкурентоспособности создают новые возможности для компаний. В данной статье рассматривается роль иностранных языков в цифровой экономике, в частности такие аспекты, как анализ информации, эффективное общение с клиентами, внедрение инноваций и культурное взаимодействие.

Данное исследование направлено на изучение значения иностранных языков в цифровой экономике и современных методов управления ими.

**Ключевые слова:** глобализация, международное сотрудничество, анализ данных, развитие сотрудников, отношения с клиентами, инновации, культурное взаимодействие, конкурентоспособность, управление проектами,

зарубежные рынки, эффективность, языковые навыки, обмен информацией, эффективная коммуникация, стратегическое планирование.

Ilmiy-texnika taraqqiyoti sivilizatsiyamizga ko‘plab foydali ixtirolar, buyuk kashfiyotlar va ajoyib yutuqlarni berdi, ular inson hayotida yordam berishi kerak. Raqamli innovatsiyalar bizning mavjudligimizni tubdan o‘zgartirib, bizni rivojlanishning yangi bosqichiga qo‘ygan eng ulug‘vor texnologiyalardan biridir. Internetning paydo bo‘lishi bilan inson uchun yangi imkoniyatlar ochilib, uning o‘zini o‘zi amalga oshirishi va intellektual rivojlanishiga yordam beradi. Shunday qilib, sayyoramizning eng chekka burchaklarida bo‘lgan odamlar nufuzli kasbni topishlari, eng jiddiy universitetlarda o‘qishlari, yangi narsalarni o‘rganishlari mumkin. Firmalar faoliyatida zamonaviy raqamli texnologiyalardan foydalanish uchun salmoqli salohiyat mavjud. Bunda zamonaviy kompyuter texnologiyalari, dasturiy ta’minotlardan foydalanish, malakali mutaxassislar bilan ta’minlash kabi jihatlarga e’tibor qaratish zarur. Shuni hisobga olish kerakki, raqamli texnologiyalar innovatsion jarayonlarni jadallashtirish uchun katta salohiyatga ega, shuning uchun kompaniyaning raqamli salohiyatini rivojlantirishdagi investitsiya ko‘rsatkichlari uning zamonaviy sharoitlarda raqobatbardoshligining muhim omili hisoblanadi.

Eng muhimi, mening fikrimcha, raqamli texnologiyalarning rivojlanishini qo‘ldan boy bermaslik va kelajakda inson mashina aqlining quliga aylanib qolmasligi uchun ularni nazorat qilishdir.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida xorijiy tillarni boshqaruvdagi roli haqida bir qancha olimlar turli nuqtai nazarlarga ega. Thomas Friedman, globalizatsiya jarayonlari xorijiy tillarni bilishni zaruriyatga aylantiradi. Ularning fikricha, xorijiy tillarni bilish kompaniyalar uchun yangi bozorlarga kirish va raqobatbardoshlikni oshirish imkonini beradi.[130]

Xorijiy tillarni bilish, xodimlarning kreativligini oshirishga yordam beradi. Shu nuqtai nazardan, Edward de Bono va boshqa olimlar, turli madaniyatlar va tillar o‘rtasidagi o‘zaro ta'sir innovatsion g‘oyalarni yaratishga turtki berishini ta'kidlaydilar. Raqamli iqtisodiyotda axborot almashinuvi juda muhimdir.

Xorijiy tillarni bilish, xodimlarga global tarmoqdan foydalanish va ma'lumotlarni tez va samarali almashish imkonini beradi. Bu haqida Manuel Castells o‘z asarlarida ko‘plab misollar keltiradi.

Xorijiy tillarni boshqarish madaniy o‘zaro ta'sirni kuchaytiradi. Geert Hofstede va boshqa madaniyatshunoslar, madaniyatlararo farqlarni tushunish va ularga moslashish, raqamli iqtisodiyotda muvaffaqiyatli faoliyat yuritish uchun zarur ekanligini ta'kidlaydilar. Umuman olganda, raqamli iqtisodiyot sharoitida xorijiy tillarni boshqarish nafaqat kompaniyaning muvaffaqiyatiga, balki global miqyosda raqobatbardoshligini ta'minlashga ham katta ta'sir ko‘rsatadi.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida xorijiy tillarni boshqaruvdagi roli juda muhimdir. Bugungi kunda globalizatsiya va raqamli texnologiyalarning rivojlanishi tufayli xorijiy tillarni bilish va ulardan samarali foydalanish tashkilotlar va

[130] https://www.weforum.org/stories/2022/06/thomas-friedman-is-globalization-dead-davos-2022-agenda-dialogues/

boshqaruv tizimlari uchun quyidagi jihatlarda ahamiyatga ega:

**1. Global aloqalar va hamkorlik:** raqamli iqtisodiyotda kompaniyalar ko‘plab mamlakatlar bilan hamkorlik qilishadi. Xorijiy tillarni bilish, masalan, ingliz, fransuz yoki nemis tillarini, xalqaro hamkorlikni osonlashtiradi. Bu esa kompaniyalar o‘rtasida muvofiqlikni va samarali aloqalarni ta’minlaydi.

**2. Ma'lumotlarni tahlil qilish:** raqamli iqtisodiyotda ma'lumotlar katta rol o‘ynaydi. Xorijiy tillarni bilish orqali menejerlar va mutaxassislar xalqaro tadqiqotlar, maqolalar va boshqa resurslardan foydalana olishadi. Bu esa raqobatbardosh afzalliklarni olishda yordam beradi.

**3. Xodimlarni jalb qilish va rivojlantirish:** xorijiy tillarni biladigan xodimlar tashkilotga jalb qilish va ularni rivojlantirishda muhim rol o‘ynaydi. Bunday xodimlar xalqaro loyihalarda ishlashga tayyor, bu esa tashkilotning global bozorlar bilan integratsiyasini osonlashtiradi.

**4. Mijozlar bilan aloqa:** xorijiy tillarni bilish mijozlar bilan samarali aloqa o‘rnatishga yordam beradi. Tashkilotlar o‘z mahsulotlarini yoki xizmatlarini xalqaro bozorlar uchun moslashtira olishadi va mijozlarning ehtiyojlarini yaxshiroq tushunishadi.

**5. Innovatsiyalarni joriy etish:** raqamli iqtisodiyot innovatsiyalarni tezda joriy etishni talab qiladi. Xorijiy tillarni bilish orqali menejerlar boshqa mamlakatlardagi yangi tendentsiyalar va texnologiyalar haqida ma'lumot olishlari mumkin, bu esa innovatsion jarayonlarni tezlashtirishga yordam beradi.

**6. Madaniy o`zaro ta'sir:** xorijiy tillarni bilish madaniy o‘zaro ta'sirni kuchaytiradi. Bu esa tashkilot ichidagi ijtimoiy muhitni yaxshilaydi va xodimlar o‘rtasida ko‘proq hamjihatlikni ta'minlaydi.

Xorijiy tillarni bilish xodimlarning malakasini oshirishga, axborot almashinuvi samaradorligini yaxshilashga va strategik rejalashtirish jarayonlarini qo‘llab-quvvatlashga yordam beradi. Shuningdek, xorijiy tillarni boshqarish orqali kompaniyalar tashqi bozorlar bilan muvaffaqiyatli aloqalar o‘rnatish va yangi bozorlarga kirish imkoniyatini oshiradi. Raqamli iqtisodiyot sharoitida bu jarayonlar raqamli texnologiyalar bilan birgalikda rivojlanib, tashkilotlarning umumiy samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

**Xulosa va takliflar.**

Raqamli iqtisodiyot sharoitida xorijiy tillarni boshqaruvdagi roli juda muhim ahamiyatga ega. Bugungi kunda globalizatsiya va raqamli texnologiyalar rivojlanishi natijasida, xorijiy tillarni bilish va ulardan samarali foydalanish tashkilotlar va kompaniyalar uchun muhim ustunlik hisoblanadi va bu borada o‘zimning quyidagi takliflarimni berishim mumkin.

1.Kadrlarni tayyorlashda xorijiy tillar, xususan ingliz tili, jarayonida muhim rol o'ynaydi. Bu, xodimlarning professional rivojlanishiga va raqobatbardoshligini oshirishga yordam beradi

2.Maqsadli marketingni rivojlantirishda xorijiy tillarni bilish, marketing strategiyalarini yanada samarali amalga oshirish imkonini beradi, chunki bu mintaqaviy ehtiyojlarni va madaniy farqlarni hisobga olishga yordam beradi.

3. Oliy ta'lim muassasalarida xorijiy tillarni o'qitish sifatini oshirish va amaliy darslarni ko'paytirish lozim.

4.Kompaniyalarda treninglar o‘tkazish tashkilotlar ichida xorijiy tillarni o'rganish uchun treninglar va seminarlar o'tkazish, xodimlarning malakasini oshirishga yordam beradi.

5.Raqamli platformalardan foydalanish online kurslar va raqamli resurslardan foydalanish orqali xorijiy tillarni o'rganishni yanada qulaylashtirish.

5.Xalqaro almashinuv dasturlari orqali talabalar va mutaxassislar uchun xorijiy mamlakatlarda tajriba almashish imkoniyatlarini yaratish.

6.Xorijiy tillar bilan birga, ularning madaniyatini o'rganish ham muhimdir, chunki bu muloqotni yanada samarali qiladi.

Raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi muloqot, fikr va tajriba almashish imkoniyatini beradi. Internet-platformalar sizga biznes yaratish, sarmoya kiritish, xodimlar, sheriklar, resurslar va bozorlarni qidirish uchun kuchlarni birlashtirish imkonini beradi. Raqamli texnologiyalar xodimlarni o‘qitish, bilim almashish, innovatsion g‘oyalarni amalga oshirishda, jumladan, ijtimoiy sohada ham muhim rol o‘ynashi mumkin.

Iqtisodiyotning davlat sektorida raqamli texnologiyalarni rivojlantirish katta ahamiyatga ega. Raqamli hukumat va davlat xizmatlarini ko‘rsatish tobora ko‘proq xarajatlarni kamaytirish, shu bilan birga fuqarolar va biznesga yanada yaxshi xizmatlar ko‘rsatish va hukumatning atrof-muhitni saqlash bo‘yicha sa’y-harakatlarining bir qismi sifatida qaralmoqda. Raqamli hukumat va innovatsion texnologiyalar barqaror rivojlanishni shakllantirishda davlat boshqaruvining samarali ishtirokini ta’minlashi mumkin. Raqamli hukumat davlat idoralariga yaxshiroq xizmatlar ko‘rsatish va jamoatchilik uchun ochiqroq bo‘lish imkonini beradi. Bu hukumatlarga atrof-muhitga etkazilgan zararni kamaytirishga, tabiiy resurslarni samarali boshqarishga yordam berishi va iqtisodiy o‘sishni va davlat sektorini rivojlantirishga yordam berishi mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**


1. "2012: The Year of eSports"“. https://www.forbes.com.

2. "Field of Streams: How Twitch Made Video Games a Spectator Sport"“. https://www.theverge.com.

3. Xalqaro Olimpiya Qo‘mitasi Kibersportni bo‘lajak Olimpiya tadbirlariga kiritish masalasini muhokama qilgan. “ https://en.wikipedia.org.

4. "Newzoo: Global esports will top $1 billion in 2020, with China as the top market"“. https://venturebeat.com.

5. "Global esports revenues to top $1 billion in 2019: report"“. https://www.reuters.com.

6. "Field of Streams: How Twitch Made Video Games a Spectator Sport"“. https://www.theverge.com.

7. "Edward de Bono obituary". *the Guardian* (bl-Ingliż). 2021-06-10. Miġbur 2022-09-02

8. "When anyone can be a money issuer". Arkivjat mill-oriġinal fl-2014-05-30

9. *"Rhodes Scholar Database - Rhodes Trust". Rhodes House - Home of The Rhodes Scholarships (bl-Ingliż). Miġbur 2022-09-02.*

10. *"Honorary Degrees". University of Dundee (bl-Ingliż). Miġbur 2022-09*

**Qilichov Bobir Xo‘jaqul o‘g‘li –** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti
Menejment kafedrasi assistent-stajori

# XIZMATLARNING MOHIYATI, AHAMIYATI VA KLASSIFIKATSIYASI

**Annotatsiya:** Xizmatlar - iqtisodiy faoliyatning o'ziga xos turi bo'lib, moddiy mahsulot ishlab chiqarishdan farqli o'laroq, iste'molchilarga intangib tarzda, ya'ni bevosita yoki bilvosita foyda yetkazishni nazarda tutadi. Xizmatlarning mohiyati ularning mijozlar ehtiyojlarini qondirishga qaratilganligi va bevosita foyda ta'minlashda namoyon bo'ladi. Xizmatlar ijtimoiy va iqtisodiy hayotda muhim o'rin tutadi, chunki ular aholi farovonligini oshirish, iqtisodiy o'sishga hissa qo'shish va yangi ish o'rinlari yaratish imkoniyatini beradi. Xizmatlar turli xil ko'rinishlarga ega bo'lib, ularni shaxsiy xizmatlar, professional xizmatlar, va raqamli xizmatlarga ajratish mumkin.

**Kalit so'zlar:** xizmatlar, iqtisodiy faoliyat, xizmatlarning mohiyati, xizmatlarning ahamiyati, xizmatlarning klassifikatsiyasi, mijoz ehtiyojlari, ijtimoiy ta'sir, iqtisodiy o'sish, shaxsiy xizmatlar, professional xizmatlar, raqamli xizmatlar, intangib foyda.

**Abstract:** Services are a specific type of economic activity that, unlike the production of material goods, involves the provision of tangible benefits to consumers, that is, directly or indirectly. The essence of services is their focus on meeting customer needs and providing direct benefits. Services play an important role in social and economic life, as they provide the opportunity to increase the well-being of the population, contribute to economic growth and create new jobs. Services have various forms and can be divided into personal services, professional services, and digital services.

**Keywords:** services, economic activity, the essence of services, the importance of services, classification of services, customer needs, social impact, economic growth, personal services, professional services, digital services, tangible benefits.

**Аннотация:** Услуги представляют собой специфический вид экономической деятельности, в отличие от производства материальной продукции, приносящий потребителям прямую или косвенную выгоду. Сущность услуг состоит в том, что они направлены на удовлетворение потребностей клиентов и проявляются в предоставлении прямой выгоды. Услуги играют важную роль в социальной и экономической жизни, поскольку дают возможность повысить благосостояние населения, способствуют экономическому росту и создают новые рабочие места. Услуги существуют во многих формах и могут быть разделены на персональные услуги, профессиональные услуги и цифровые услуги.

**Ключевые слова:** услуги, экономическая деятельность, характер услуг,

важность услуг, классификация услуг, потребности клиентов, социальное воздействие, экономический рост, персональные услуги, профессиональные услуги, цифровые услуги, нематериальные выгоды.

Xizmatlar — bu iqtisodiy faoliyatning maxsus turi bo‘lib, unda moddiy mahsulotlar yaratishdan ko‘ra, asosan, bevosita iste’molchiga foyda keltirishga yo‘naltirilgan harakatlar va jarayonlar ustun turadi. Xizmatlarda moddiy mahsulotdan farqli ravishda, ishlab chiqarish va iste’mol bir paytda ro‘y beradi va ko‘pincha xizmatlarning natijalari darhol seziladi. Xizmatlar moddiy mahsulotlar kabi saqlab qo‘yilmaydi va ularning qiymati iste’mol jarayonida hosil bo‘ladi.




**Xizmatlarning iqtisodiyotdagi ahamiyati**

Zamonaviy iqtisodiyotda xizmatlar quyidagi jihatlar orqali muhim ahamiyatga ega:

- Iqtisodiy o‘sish va taraqqiyot: Xizmatlar sektori jadal rivojlanib, ko‘plab yangi ish o‘rinlari yaratadi, bu esa iqtisodiyot o‘sishiga turtki beradi.
- Inson kapitali rivoji: Ta'lim, sog‘liqni saqlash, professional tayyorgarlik kabi xizmatlar inson kapitalini rivojlantirishga xizmat qiladi.
- Texnologik rivojlanish: Axborot texnologiyalari, telekommunikatsiya kabi xizmatlar yuqori texnologiyalarni iqtisodiyotning boshqa sohalariga integratsiya qilishga yordam beradi.
- Savdo va eksportni rag‘batlantirish: Xizmatlar eksporti ko‘plab mamlakatlar uchun muhim valyuta manbai hisoblanadi.
- Globalizatsiya jarayonlari: Xizmatlar sektori global o‘zaro bog‘liqlikni oshiradi, ayniqsa, moliya, transport va axborot texnologiyalari kabi xizmatlar xalqaro hamkorlikni rivojlantiradi.

**Xizmatlarning klassifikatsiyasi**

Xizmatlar turli omillarga koʻra bir nechta turga ajratilishi mumkin:

**a) Iqtisodiyotdagi funksional yoʻnalishi boʻyicha**

1. Ijtimoiy xizmatlar: Ta'lim, sogʻliqni saqlash, madaniyat, sport va ijtimoiy xizmatlar. Ular insonning turmush darajasini oshirish va ijtimoiy himoya ta'minlashda katta ahamiyatga ega.

2. Ishlab chiqarish xizmatlari: Transport, logistika, axborot texnologiyalari, moliya, konsalting va professional xizmatlar. Ular ishlab chiqarish jarayonlarini samarali boshqarishda yordam beradi.

3. Shaxsiy xizmatlar: Goʻzallik salonlari, xususiy oʻquv kurslari, maishiy xizmatlar va boshqalar. Ular inson ehtiyojlariga bevosita xizmat koʻrsatish uchun yaratilgan.

**b) Ijro etish shakli va iste'mol usuli boʻyicha**

1. Moddiy xizmatlar: Bu xizmatlar moddiy jarayonlar bilan bogʻliq, masalan, transport va logistika xizmatlari, savdo va ta'mirlash xizmatlari.

2. Nomoddiy xizmatlar: Bu xizmatlar intellektual, madaniy yoki psixologik ehtiyojlarni qondirishga qaratilgan, masalan, ta'lim, sogʻliqni saqlash, moliyaviy maslahat va axborot xizmatlari.

**c) Xizmatlarning koʻrsatish usuli boʻyicha**

1. An'anaviy xizmatlar: Bu xizmatlar bevosita mijoz bilan oʻzaro aloqada amalga oshiriladi, masalan, goʻzallik salonlari va mehmonxona xizmatlari.

2. Raqamli xizmatlar: Bular, asosan, onlayn platformalar orqali koʻrsatiladi, masalan, internet banking, onlayn ta'lim va elektron tijorat.

**d) Xizmatlarning iqtisodiy ahamiyati boʻyicha**

1. Fundamental xizmatlar: Ular iqtisodiy infrastrukturani rivojlantirishda muhim rol oʻynaydi, masalan, transport, energetika va axborot texnologiyalari xizmatlari.

2. Qoʻshimcha xizmatlar: Bular iqtisodiyotning asosiy jarayonlariga xizmat qiladi, masalan, reklama, marketing, dizayn va turizm xizmatlari.

**Xizmatlar sektorining rivojlanish omillari**

Xizmatlar sektorining rivojlanishi koʻplab omillarga bogʻliq:

- Texnologik taraqqiyot: Axborot texnologiyalari va sun'iy intellekt xizmatlar sohasini yangicha rivojlantirishga katta imkoniyatlar yaratmoqda.
- Globalizatsiya va xalqaro integratsiya: Xalqaro savdo va aloqalar kengayishi xizmatlarning eksport va import hajmini oshirmoqda.
- Ijtimoiy ehtiyojlarning oʻsishi: Aholining daromadlari oʻsishi va turmush tarzining oʻzgarishi yangi xizmatlar koʻrsatishni talab qilmoqda.
- Mehnat bozorining oʻzgarishi: Ishchi kuchi tuzilmasidagi oʻzgarishlar yangi xizmat turlarining paydo boʻlishiga sabab boʻlmoqda.

*"Intangib foyda"* deganda, moddiy jihatdan qo'l bilan ushlab bo'lmaydigan, lekin iste'molchilarga bevosita yoki bilvosita qoniqish va foyda yetkazadigan xizmatlar nazarda tutiladi. Bu turdagi foydalar moddiy mahsulotlar kabi aniq ko'rinishga ega emas, lekin ular insonlar va tashkilotlar uchun katta ahamiyatga ega bo'lishi mumkin.

1. **Yaxshi xizmat ko'rsatish tajribasi** — mijozning qoniqishi va brendga sadoqati oshadi.
2. **Maslahatlar va bilimlar** — maslahat beruvchi xizmatlar orqali kompaniyalar samaradorlikni oshirishi mumkin.
3. **Tibbiy xizmatlar** — bemorning sog'lig'ini yaxshilash, bu esa to'g'ridan-to'g'ri moddiy foyda emas, balki intangib sog'liq yutug'i hisoblanadi.
4. **Ta'lim xizmatlari** — bilim va ko'nikmalar ortishi, bu esa keyinchalik ish faoliyatida foyda beradi.
5. **Raqamli xizmatlar** — onlayn qo'llab-quvvatlash, texnik yordam, yoki kontent yetkazib berish orqali mijozlar qulaylikka ega bo'lishadi.

Xizmatlarning intangib foydasi ularni moddiy mahsulotlardan ajratib turadi, chunki ular mijozlarning hayot sifatini, bilim darajasini va umumiy qoniqishini oshirishga qaratilgan bo'ladi.

Zamonaviy iqtisodiyotda xizmatlar sektori nafaqat iqtisodiy o‘sish va barqarorlikni ta'minlaydi, balki jamiyatning turli sohalarini rivojlantirishda ham muhim rol o‘ynaydi. Xizmatlar iqtisodiy, ijtimoiy va texnologik jihatdan rivojlanishni ta'minlaydigan asosiy omil sifatida tobora ko‘proq ahamiyat kasb etmoqda.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**


1. **Kotler, Philip**, *Marketing Management* (16th edition)
2. **Zeithaml, Valarie A., Bitner, Mary Jo, Gremler, Dwayne D.**, *Services Marketing: Integrating Customer Focus Across the Firm*
3. **Grönroos, Christian**, *Service Management and Marketing: Managing the Service Profit Logic*



**Qilichov Bobir Xo‘jaqul o‘g‘li –** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti Menejment kafedrasi assistent-stajori


## XIZMAT KO‘RSATISH SOHASI SAMARADORLIGINI BAHOLASH USLUBIY ASOSLARI


**Annotatsiya:** Xizmat ko‘rsatish sohasining samaradorligini baholash uslubi, zamonaviy iqtisodiyotda muhim o‘rin tutadi. Ushbu uslub yordamida xizmatlar sifatini o‘lchash, mijozlarning ehtiyojlarini qondirish darajasi va xizmat ko‘rsatish jarayonidagi samaradorlikni aniqlash mumkin. Samaradorlikni baholash uslubi iqtisodiy resurslarni to‘g‘ri va samarali taqsimlashga yordam beradi, natijada tashkilotlarning bozor raqobatbardoshligini oshiradi. Xizmat ko‘rsatish sohasida samaradorlikni baholash uchun bir qator analitik usullar, metodlar va ko‘rsatkichlar mavjud bo‘lib, ularning har biri o‘ziga xos afzalliklarga ega. Ushbu maqolada samaradorlikni baholashning asosiy metodologik yondashuvlari va ularning amaliyotdagi qo‘llanilishi ko‘rib chiqiladi.



**Kalit so‘zlar:** Xizmat ko‘rsatish sohasi, Samaradorlikni baholash, Tahlil usullari, Iqtisodiy samaradorlik, Resurslarni taqsimlash, Raqobatbardoshlik,

Ko‘rsatkichlar, Metodologiya.

**Abstract**: The method of assessing the effectiveness of the service sector plays an important role in the modern economy. With the help of this method, it is possible to measure the quality of services, the level of satisfaction of customer needs and determine the efficiency of the service process. The method of assessing effectiveness helps to correctly and efficiently allocate economic resources, which, as a result, increases the market competitiveness of organizations. There are a number of analytical methods, techniques and indicators for assessing effectiveness in the service sector, each of which has its own advantages. This article considers the main methodological approaches to assessing effectiveness and their application in practice.

**Keywords:** Service sector, Effectiveness assessment, Analytical methods, Economic efficiency, Resource allocation, Competitiveness, Indicators, Methodology.

**Аннотация:** Методика оценки эффективности сферы услуг занимает важное место в современной экономике. С помощью этого метода можно измерить качество услуг, уровень удовлетворения потребностей клиентов и эффективность процесса обслуживания. Метод оценки эффективности помогает правильно и эффективно распределять экономические ресурсы, как следствие, повышает рыночную конкурентоспособность организаций. Существует ряд аналитических методов, приемов и показателей оценки эффективности в сфере услуг, каждый из которых имеет свои преимущества. В данной статье рассматриваются основные методические подходы к оценке эффективности и их практическое применение.

**Ключевые слова:** Сфера услуг, Оценка эффективности, Аналитические методы, Экономическая эффективность, Распределение ресурсов, Конкурентоспособность, Показатели, Методология.

Xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini baholash korxonaning xizmat sifatini, mijoz qoniqishini, moliyaviy ko‘rsatkichlarni va raqobatbardoshlik darajasini aniqlashda muhim rol o‘ynaydi. Quyida xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini baholash uslubiy asoslari, ko‘rsatkichlari va asosiy baholash usullari haqida batafsil ma’lumot keltiriladi.

**1. Xizmat ko‘rsatish samaradorligini baholashning mohiyati**

Xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini baholash korxonaning faoliyati natijalari va qo‘yilgan maqsadlar orasidagi moslikni aniqlashga yordam beradi. Samaradorlikni baholash orqali korxona mijozlarning qoniqish darajasini, xizmat sifatini, iqtisodiy samaradorlikni va boshqaruvning muvaffaqiyat darajasini aniqlaydi. Bu jarayon orqali korxona o‘z faoliyatini yanada samaraliroq yo‘lga qo‘yishi, xizmat sifatini oshirishi va moliyaviy natijalarni yaxshilashi mumkin.

**2. Xizmat ko‘rsatish samaradorligini baholash ko‘rsatkichlari**

Xizmat ko‘rsatish samaradorligini baholashda bir necha asosiy ko‘rsatkichlar qo‘llaniladi. Ular korxonaning har xil jihatlarini qamrab oladi va quyidagi asosiy toifalarga bo‘linadi:

**a) Moliyaviy ko‘rsatkichlar**

1. **Daromad va foyda koʻrsatkichlari**: Korxonaning umumiy daromadi, sof foydasi, operatsion foydasi, rentabellik va foyda marjasi.

2. **Xarajatlar**: Xizmat koʻrsatish jarayonidagi xarajatlar, ular samaradorlikni oshirish uchun optimallashtirilishi kerak.

3. **Rentabellik**: Moliyaviy natijalar orqali xizmat koʻrsatishning iqtisodiy foydasini baholaydi.

**b) Sifat koʻrsatkichlari**

1. **Xizmat sifati**: Mijozlarning xizmat sifatiga boʻlgan qoniqishi, xizmatning toʻgʻri va tez bajarilishi.

2. **Mijoz qoniqishi**: Mijozlardan olingan soʻrov natijalari, ularning taklif va mulohazalari asosida aniqlanadi.

3. **Xizmatni takroran sotish darajasi**: Doimiy mijozlar soni va ularga koʻrsatilayotgan xizmatlar sifati koʻrsatkichi.

**c) Ishlab chiqarish va operatsion samaradorlik koʻrsatkichlari**

1. **Xizmat koʻrsatish jarayoni tezligi**: Xizmat koʻrsatish jarayonining davomiyligi va mijozlar xizmatdan qancha tez foydalanishi.

2. **Ish hajmi**: Xizmat koʻrsatish korxonasi bajaradigan xizmat hajmi, xizmatlar soni.

3. **Avtomatlashtirish va raqamlashtirish darajasi**: Xizmat koʻrsatishda qoʻllaniladigan texnologiyalar va avtomatlashtirish jarayonlari samaradorlikni oshirishga yordam beradi.

**d) Xodimlar samaradorligi koʻrsatkichlari**

1. **Xodimlarning ish unumdorligi**: Xodimlarning xizmat koʻrsatishdagi samaradorligi, ishlab chiqarish unumdorligi.

2. **Xodimlar qoniqishi va motivatsiya**: Xodimlar uchun yaratilgan sharoitlar, ularning ishga boʻlgan qiziqishi va motivatsiyasi.

3. **Malaka va bilim darajasi**: Xodimlarning bilim va tajriba darajasi, malaka oshirish kurslaridan oʻtishi.

**e) Mijoz bilan aloqalar va xizmatning barqarorligi koʻrsatkichlari**

1. **Mijozlarni jalb qilish va ushlab turish**: Yangi mijozlarni jalb qilish darajasi va mavjud mijozlarni saqlab qolish koʻrsatkichi.

2. **Mijozga xizmat koʻrsatish vaqtida kechikishlar**: Xizmat koʻrsatishda yuzaga kelishi mumkin boʻlgan kechikishlar darajasi.

3. **Shikoyatlar va muammolar**: Mijozlar tomonidan bildirgan shikoyatlar soni va ularning hal etilishi.

**3. Xizmat koʻrsatish samaradorligini baholash usullari**

**a) Moliyaviy tahlil** Moliyaviy tahlil orqali korxonaning iqtisodiy samaradorligi baholanadi. Bu usul orqali daromad va xarajatlarni tahlil qilish, foyda va rentabellik koʻrsatkichlarini baholash mumkin. Moliyaviy tahlil xizmat koʻrsatish korxonalarining umumiy moliyaviy holatini aniqlashga yordam beradi va kelgusida qanday choralar koʻrish kerakligini belgilashda muhim oʻrin tutadi.

**b) Soʻrovnoma va mijoz mulohazalari tahlili** Mijozlar qoniqishini baholashda soʻrovnomalar va mulohazalar tahlili asosiy oʻrin tutadi. Ushbu usul mijozlarning xizmat sifatiga nisbatan fikrlarini toʻplash va ularning talab va ehtiyojlarini yaxshiroq tushunishga yordam beradi. Bu sohada **NPS (Net Promoter**

**Score)** va **CSI (Customer Satisfaction Index)** kabi indekslar keng qo‘llaniladi.

**c) KPI (Kalit ko‘rsatkichlar) tahlili** Xizmat ko‘rsatish samaradorligini baholashda asosiy ko‘rsatkichlar tahlili (KPI) qo‘llaniladi. KPI orqali xodimlarning va xizmat ko‘rsatish jarayonining samaradorligi, mijozlarga xizmat ko‘rsatish tezligi va sifat ko‘rsatkichlari baholanadi. KPI tahlili xizmat ko‘rsatish sohasidagi samaradorlikni baholashda korxona strategik maqsadlariga erishish jarayonini kuzatish imkonini beradi.

**d) Benchmarking (mezonlash)** Benchmarking usuli orqali xizmat ko‘rsatish korxonasi o‘z ko‘rsatkichlarini boshqa korxonalarning o‘xshash ko‘rsatkichlari bilan taqqoslaydi. Bu usul yordamida raqobatbardoshlik darajasi aniqlanadi va eng yaxshi tajribalarni o‘rganib, ularni joriy qilish imkoniyati yaratiladi.

**e) Operatsion tahlil** Operatsion tahlil xizmat ko‘rsatish jarayonlari samaradorligini baholash uchun qo‘llaniladi. Bunda xizmat ko‘rsatish jarayonining davomiyligi, xizmat hajmi va kechikishlar tahlil qilinadi. Bu usul xizmat ko‘rsatish jarayonlarini optimallashtirish va vaqt va resurslarni tejash imkonini beradi.

**f) Xodimlar samaradorligi tahlili** Xodimlar samaradorligini baholash uchun xodimlar ish unumdorligi va motivatsiyasini aniqlash mumkin. Xodimlarning malaka darajasi, xizmat ko‘rsatish madaniyati va mijozlarga ko‘rsatgan e’tibori ularning samaradorligini baholashda muhim rol o‘ynaydi.

**4. Xizmat ko‘rsatish samaradorligini oshirish uchun tavsiyalar**

Xizmat ko‘rsatish samaradorligini oshirish uchun quyidagi tavsiyalar beriladi:

- **Mijoz qoniqishini doimiy ravishda o‘rganish va kuzatish**: Mijozlar ehtiyojlarini chuqurroq o‘rganish va ularning takliflarini hisobga olish.
- **Raqamli texnologiyalar va avtomatlashtirish imkoniyatlaridan foydalanish**: Bu xizmat ko‘rsatish jarayonini tezlashtirish va xarajatlarni kamaytirishga yordam beradi.
- **Xodimlar malakasini oshirish**: Xodimlarni muntazam ravishda o‘qitish va motivatsiya berish, ularni xizmat ko‘rsatish sifatini oshirish uchun tayyorlash.
- **Sifat nazoratini joriy etish**: ISO sertifikatsiyalari kabi sifat standartlariga rioya qilish xizmat sifatini nazorat qilish imkoniyatini beradi.
- **Xizmat jarayonini doimiy optimallashtirish**: Operatsion jarayonlarni tahlil qilib, ulardagi kamchiliklarni bartaraf etish va samaradorlikni oshirish.

Xizmat ko‘rsatish sohasi samaradorligini baholash xizmatlar sifatini oshirish, mijozlarning qoniqishini ta’minlash va moliyaviy natijalarni yaxshilashda muhim ahamiyatga ega. Bunda turli baholash usullaridan foydalanish korxonaga o‘z samaradorligini real baholash va uni oshirish uchun muhim ma’lumotlarni beradi.

**Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. **Keller, K. L. & Kotler, P.** (2016). *Marketing Management*. Pearson Education.

2. **Parasuraman, A., Zeithaml, V. A., & Berry, L. L.** (1985). *A Conceptual Model of Service Quality and Its Implications for Future Research*. *Journal of Marketing*, 49(4), 41-50.

3. **Grönroos, C.** (1984). *A Service Quality Model and Its Marketing Implications*. *European Journal of Marketing*, 18(4), 36-44.

4. **Zeithaml, V. A., Bitner, M. J., & Gremler, D. D.** (2009). *Services Marketing: Integrating Customer Focus Across the Firm*. McGraw-Hill.
5. **Lovelock, C. H., & Wirtz, J.** (2011). *Services Marketing: People, Technology, Strategy*. Pearson Education.
6. **Kotler, P., & Keller, K. L.** (2015). *Marketing Management*. 15th ed., Pearson.
7. **Bateson, J. E. G., & Hoffman, K. D.** (2011). *Services Marketing: Concepts, Strategies, & Cases*. Cengage Learning.
8. **Sampson, S. E., & Froehle, C. M.** (2006). *Foundations and Implications of Service Factories*. *Production and Operations Management*, 15(2), 266-282.

**Qilichov Bobir Xo‘jaqul o‘g‘li –** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti Menejment kafedrasi assistent-stajori
**Xoldarova Sadoqat Farkhadovna-** Samarqand Iqtisodiyot va serves instituti talabasi

## RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA XIZMAT KO‘RSATISH KORXONALARNING BOSHQARUV SAMARADORLIGINI OSHIRISH

**Anatatsiya:** Mazkur maqolada hozirgi vaqtda iqtisodiyotning transformatsiyalashuvi sharoitida xizmat ko‘rsatish korxonalarini doimiy tarzda barqaror rivojlanish hamda xizmat ko‘rsatish intensivligi ta’minlashda samaradorlikni oshirishning ijtimoiy – iqtisodiy mexanizimni takomillashtrish alohida dolrzab masala hisoblanadi.
**Kalit so‘zlar:** xizmat, Xizmat ko‘rsatish, raqamli iqtisodiyot, samaradorlik.
**Abstract:** In this article, in the context of the transformation of the economy, the improvement of the socio-economic mechanism for increasing efficiency in ensuring the continuous sustainable development of service enterprises and the intensity of service provision is a particularly urgent issue.
**Keywords:** service, Service provision, digital economy, efficiency
**Аннотация:** В данной статье в условиях трансформации экономики особое значение приобретает непрерывное развитие предприятий сферы услуг и совершенствование социально-экономического механизма повышения эффективности обеспечения интенсивности услуг.
**Ключевые слова:** сервис, предоставление услуг, цифровая экономика, эффективность.

**Kirish.** Xizmat ko‘rsatish sohasining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi o‘z mazmuniga ko‘ra turmush farovonligi va uning sifatini oshirish,zamonaviy tarmoqlarning shakillanishi bilan bog‘liq bo‘lgan inson kapitalini rivojlantrish uchun maqbul shart-sharoitlarni yaratish, mexnat taqsimotining nisbatan yuqori darajasini ta’minlash bo‘yicha xo‘jalik faoliyatning turli yo‘nalishlarini qamram oladi.

Shunga ko‘ra, xizmati ko‘rsatish korxonalari faoliyatining samaradorligini

oshirish hamda ular faoliyatining ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirishda mehnat jarayonlari intensivligi va mehnat unumdorligi oshirish, resuslardan samarali foydalanish, mehnat salohiyatini samaradorligini ta’minlash, ko‘rsatilayotgan xizmatlar sifati va natijadorligini oshirish, iste’molchilarning talab va ehtiyojlarini to‘liqroq qondirish bilan bog‘liq masalalar soha rivojlanishining muhim muammolari hisoblanadi.

Shuningdek, soha korxonalarining xalqaro bozorlardagi xizmatlar sifati va raqobatbardoshliligini oshirish hamda xizmatlar eksporti hajmini ko‘paytirish respublikamizda iqtisodiy o‘sishga erishishda muxim axamiyatga ega.

**Mavzuga doir adabiyotlar sharxi.** Q.X.Abdurahmonov, SH.R.Xolmo‘minov, A.B.Hayitov,A.M Akbarov. Xodimlarni boshqarish nomli o‘quv qo‘llanmasidan korxona va tashkilotlarni shakillantirish inson omili, xodimlarni va inson resuslarni boshqarish strategiyasi, xodimlar bilan ishlashni boshqarish, xodimlarning xizmat-kasb jihatidan o‘sib borishni boshqarish, kadrlar tizimidagi yangiliklarni boshqarish, xodimlar xafsizligini boshqarish, xizmat martabasini boshqarish, boshqaruv xodimlari mehnatini tashkil etish kabi bir qator muomolar yoritib berilgan.

**Asosiy qism.** Iqtisodiy o‘sish, servis iqtisodiyoti rivojlanishi, xizmat ko‘rsatish sohasining ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini,xizmatlar sifati va raqobatbardoshligini oshirishi omillari, zamonaviy xizmat ko‘rsatish jarayonlarini takomillashtirish, ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlarni tartibga solish, iqtisodiy samaradorlikni oshirish omillari,zamonaviy xizmat ko‘rsatish tarmoqlarini rivojlantirish,mexnat unimdorligini o‘sishi, personalning innavatsion rivojlanishi bilan bog‘liq.

”Xizmat” tushunchasining aniqroq ta’rifini keltiradigan bo‘lsak, bizningcha, **“xizmat** uni bajaruvchi va iste’molchi o‘rtasidagi bevosita o‘zaro aloqalrning natijasi bo‘lib iste’molchining talabini qondirish bo‘yicha bajaruvchining foydali faoliyatida yuzaga keladigan iqtisodiy munosabatlardir “ ta’kidlash kerakki, xizmat tushunchasini ko‘rib chiqishda xizmatlar bozorini davlat tomonidan tartibga solishning muhim vositalaridan biri sifatida xizmatlarni standartlashtirishga alohida e’tibor qaratadi. Xizmat ko‘rsatishda standartlar kimyoviy tozalash, kir yuvish, mexmoxona biznesi,aloqa,sug‘urta, bank, savdo, transport xizmatlari, avtomobillarga xizmat ko‘rsatish kabi sohalarda qo‘llanishi mumkin.

**Natija va tahlil:** Xizmatlar bozorida talabning barqarorligi sharoitida xizmatlarni saqlash muhim hisoblanmaydi. Biroq talabning o‘zgarib borishi natijasida korxonaning xizmat ko‘rsatishi va faoliyatining rentebelligi bilan bog‘liq qiyinchiliklar va muomolar yuzaga keladi. Xizmatlar bozorini rivojlantrishning **transversallik** tamoyili. Ushbu tamoyil xizmat ko‘rsatish sohasida infratuzilmaviy va institutsional cheklovlarni bartaraf etish, hududiy iqtisodiy munosabatlarni rivojlantrish bo’yich maqsadli dasturlarni ishlab chiqarish hamda realizatsiy qilish, xizmat ko‘rsatish sohasini rivojlantrishda an’analar va innovatsiyalarnini gintegratsiyasini ta’minlash kabilarini o‘z ichiga oladi.




Yuqorida ko'rsatilgan grafikda raqamli iqtisodiyot sharoitida xizmat ko'rsatish korxonalarining boshqaruv samaradorligini oshirish yo‘llari aks ettirilgan. Grafikda turli yo'nalishlarda amalga oshirilgan o'zgarishlarning samaradorlik o'sishi foizlarda ifodalangan:

- Texnologiyalarni joriy etish: 80%
- Ma'lumot analitikasi va sun'iy intellekt (AI): 85%
- Ish jarayonlarini avtomatlashtirish: 75%
- Mijozlar bilan raqamli aloqalar: 90%
- Xodimlarni rivojlantirish: 70%
- Xizmatlar sifatini oshirish: 95%

Ushbu yo‘nalishlarda amalga oshiriladigan chora-tadbirlar korxonalarning samaradorligini sezilarli darajada oshirishga yordam beradi. Ayniqsa, mijozlar bilan raqamli aloqalar va xizmatlar sifatini oshirish kabi yo‘nalishlar yuqori samaradorlikka erishishda muhim ahamiyatga ega

**Xulosa va takliflar.** Xizmat ko‘rsatish sohasi korxonalarining menejerlari uchun muhim muammo – bu samaradorlik hisoblanadi. Shunga ko‘ra, mehnat unumdorligini oshirish – bu ham davlat darajasida, ham korxona darajasida belgilanadigan muhim maqsaddir. Ta’kidlash mumkinki, mehnat unumdorligini oshirmasdan samaradorlikni oshirish bu qoniqarsiz natijalarga erishishning ancha oson yo‘llarini topishning o‘zginasidir. Xizmat ko‘rsatish sohasida mehnat unumdorligini oshirish vazifasi nafaqat uning oshishi, balki ko‘p jihatdan rahbariyatning harakatlari natijasi bo‘lib hisoblanadigan baholash bilan ham bog‘liq bo‘ladigan o‘ziga xos murakkabliklarni namoyon qiladi.

Xizmat ko‘rsatish sohasidagi yana bir muhim o‘ziga xos xususiyatlardan biri shundan iboratki, bunda ko‘plab xizmatlarni ko‘rsatish mulkchilik huquqlarining o‘rin almashuvisiz va xizmatlarning iste’molchilari hamda ishlab chiqaruvchilari o‘rtasidagi munosabatlarning o‘zgarishisiz amalga oshirilishidir.

Ko‘plab xizmatlar moddiylashgan bo‘lmagani va nomoddiy qiymatliklar bilan munosabatlarga egaligi sababli buyumlarga bo‘lgan mutlaq huquq kabi mulkchilik

huquqi ham an’anaviy, tipik xizmatlarning nomoddiy, ko‘zga ko‘rinmaydigan tabiati bilan bog‘liq bir qancha murakkabliklarga duch keladi. Xizmat ko‘rsatish sohasida ko‘pchilik vaziyatlarda nisbiy huquq, ya’ni bir tomondan, ishlab chiqaruvchining iste’molchiga talablari huquqi va ishlab chiqaruvchiga nisbatan iste’molchilarning majburiyatlari, ikkinchi tomondan esa iste’molchining ishlab chiqaruvchiga nisbatan talablari huquqi va ishlab chiqaruvchining iste’molchiga nisbatan majburiyatlari amal qiladi. Xizmatlarni ishlab chiqarishning moddiy shart-sharoitlariga mulk huquqi muayyan darajada iste’molchining huquqlari bilan cheklanadi va bu yerda nozik huquqiy munosabatlar rivojlanadi. Ular iste’molchiga yetkazilgan ziyon o‘rnini qoplash majburiyati xizmatlarni ko‘rsatuvchining yoki mulk egasining zimmasiga yuklatilishini ko‘zda tutib, bunda xavfsizlik talablariga yetarlicha darajada rioya qilmaslik anchagina zarar keltirishi mumkin bo‘ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1.Баринов Н.А. Указ. Соч. – С. 17.

2.Бурменко Т.Д. Сфера услуг: экономика: учебное пособие / Т.Д. Бурменко, З.Н.Н. Даниленко, Т. А. Туренко; под ред. Т.Д. Бурменко. – Москва: КНОРУС, 2007. – 328 с.

3.Веснин В.Р. Управление персоналом. Теория и практика. – Москва: Проспект, 2011. – 688 с.

4.Q.X.Abdurahmonov,SH.R.Xolmo‘minov, A.B.Hayitov,A.M Akbarov. Xodimlarni boshqarish.Darslik.T.O‘zbekiston yozuvchilar uyishmasi Adabiyot jamg‘armasi nashiryoti,2005,240 b,

5.Кастельс М. Информационная эпоха: Экономика, общество и культура: Пер. с англ. Под. ред. О.И. Шкаратана. – Москва : ГУВШЭ, 2000.

## VII YO‘NALISH. “YASHIL” IQTISODIYOT

**I.f.d. prof. Mahmudov N.M.** - TDIU, Makroiqtisodiy tahlil va prognozlashtirish kafedrasi professori
**Shomirzayev A.A.** - TerDU, Iqtisodiyot kafedrasi tayanch doktoranti
**L.Azimova** - TTYSI, ilmiy tadqiqotchisi
Tel:+998907492142. E-mail: shomirzaevabdugaffor@gmail.com

# SANOAT TARMOQLARINI “YASHIL” IQTISODIYOT ASOSIDA RIVOJLANTIRISH YO‘LLARI (Surxondaryo viloyati misolida)

**Annotatsiya:** Ushbu tezisda “yashil” iqtisodiyot va sanoat ishlab chiqarish tarmoqlarini rivojlantirishda “yashil” iqtisodiyotning ahamiyati va Surxondaryo viloyatining sanoat ishlab chiqarish salohiyati va imkoniyatlari xususida fikrlar bildirilgan.

**Kalit so‘zlar:** “yashil” iqtisodiyot, “yashil” ishlab chiqarish, ishlab chiqarish salohiyati.

**Аннотация:** В данной диссертации выражено значение «зеленой» экономики в развитии «зеленой» экономики и отраслей промышленного производства, а также потенциал и возможности промышленного производства Сурхандарьинской области.

**Ключевые слова:** «зеленая» экономика, «зеленое» производство, производственный потенциал.

**Abstract:** In this thesis, the importance of the "green" economy in the development of the "green" economy and industrial production sectors and the industrial production potential and opportunities of the Surkhandarya region are expressed.

**Key words:** "green" economy, "green" production, production potential.

“Yashil” iqtisodiyot atrof-muhit iqtisodiyoti yoki ekologik iqtisodiyotdan farqli ravishda ko‘proq amaliy xususiyatga ega. “Yashil” iqtisodiyot ilm-fan sohasi emas, balki ustun darajada real iqtisodiy siyosat, aniq iqtisodiy faoliyat sohalari (energetika, innovatsia, qishloq xo‘jaligi va b.)ga aloqador hamda u nazariy jihatdan xo‘jalik yuritish tizimini “yashillashtirish”ning umumiy strategiyasini ishlab chiqish va ustuvor yo‘nalishlarini belgilab berish bilan shug‘ullanadi[131].

Sanoat tarmoqlarini “yashil” iqtisodiyot asosida shakllantirish hamda rivojlantirish barqaror rivojlanish va ekologik muammolarni hal qilishda muhim ahamiyatga ega. “Yashil” qitisodiyot atrof muhitni himoya qilish, energiya samaradorligini oshirish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanishni nazarda tutadi. Sanoat tarmoqlari esa iqtisodiy o‘sish va ish o‘rinlari yaratishda asosiy ro‘l o‘ynaydi. “Yashil” iqtisodiyotning asosiy maqsadi sanoat tarmoqlarining atrof muhitga salbiy ta’sirini kamaytirishga e’tibor qaratishdir. Misol tariqasida, qayta tiklanadigan energiya manbalaridan foydalanish sanoat mahsulotlari ishlab chiqarish

[131] Vahobov A.V. Xajibakiyev Sh.X. “Yashil” iqtisodiyot. Darslik. Toshkent. Universitet. 2020. 12 b

jarayonlarida energiya sarfini sezilarli darajada kamaytiradi. Bu nafaqat xarajatlarni, balki, atrof-muhitga bo‘lgan salbiy ta’sirni ham minimallashtiradi. Shuningdek, “yashil” iqtisodiyot, chiqindilarni qayta ishlash va resurslardan samarali foydalanish orqali sanoat tarmoqlarida innovatsiyalarni rag‘batlantiradi. Mahsulotlarni ishlab chiqarishda ekologik toza texnologiyalarni joriy etish, ishlab chiqarish jarayonlarini optimallashtirish va chiqindilarni kamaytirish orqali sanoatning raqobatbardoshligini oshiradi.

Surxondaryo viloyati sanoat tarmoqlarini “yashil” iqtisodiyot asosida rivojlantirish va viloyat sanoat ishlab chiqarish hajmini oshirish uchun viloyatning hali ishga solinmagan ulkan salohiyati mavjud.

**1-jadval**

**Surxondaryo viloyati sanoatining asosiy ko‘rsatkichlari**[132]

| № | | **2020- y.** | **2021- y.** | **2022- y.** | **2023- y.** | **2024- yil yanvar-sentabr*** |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Sanoat mahsuloti hajmi, mlrd. so‘m | 5322,7 | 6675,3 | 7229,8 | 8848,6 | 9809,3 |
| 2 | Sanoat mahsuloti ishlab chiqarishning o‘sish sur`ati, o‘tgan yilga nisbatan foizda | 106,7 | 109,7 | 104,2 | 106,3 | 108,8 |
| | **Shu jumladan:** | | | | | |
| 3 | Qazib oluvchi sanoat, mlrd. so‘m | 212,5 | 245,9 | 222,0 | 246,2 | 282,0 |
| 4 | Qayta ishlovchi sanoat, mlrd. so‘m | 4747,0 | 5967,1 | 6382,3 | 7832,4 | 8828,7 |

* yashirin iqtisodiyotni hisodga olgan holda

Yuqoridagi jadvaldan shuni anglash mumkinki, sanoat mahsulotlari hajmi pandemiyadan keyingi davrda ba’zi yillarda o‘sish suratining sekinlashishi kuzatilgan bo‘lsada, o‘sishda davom etayotganini ko‘rish mumkin. Shuningdek, viloyatning qazib olish hamda qayta ishlash sanoatlari asosiy sanoat ishlab chiqarish

[132] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi Surxondaryo viloyati statistika boshqarmasi ma’lumotlariga asosan muallif ishlanmasi

tarmoqlari sirasiga kirishi bilan birga, pandemiyadan keying davrda muntazam o‘sish suratiga ega bo‘lgan, so‘ngi yillarda ushbu tarmoqlar mos ravishda 14,5 % va 12.7% o‘sish suratiga ega bo‘lgan.

Shuningdek, Surxondaryo viloyatini sanoat sohasini yanada rivojlantirish uchun keng imkoniyatlar va ulkan salohiyat borligini alohida qayd etib o‘tish lozim. Sherobod tumanida Xo‘jaikon tuz konidagi mavjud mineral tuzlarni qayta ishlab oliy navli osh tuzi, texnik tuz, NaCl-eritmalari ishlab chiqarish mumkin. Bugungi kunda Davlat Geologiya qo‘mitasi tasarrufidagi 38,6 mln tonna mineral tuz zaxirasiga ega kon mavjud. Mazkur hududda faoliyat yuritayotgan tadbirkorlar kondan deyarli foydalanmay kelmoqda. Muammo: “Xo‘jaikon-Tuz” MCHJ kondan foydalanish uchun litsenziya olgan bo‘lib, ostki qismidan foydalanish imkoniyati berilmagan. Berilgan litsenziyaga tegishli tartibda o‘zgartirish kiritish maqsadga muvofiq ish bo‘ladi[133].

Bundan tashqari, Surxondaryo viloyatida yiliga 8,5 tonnagacha yod va 180 tonnagacha brom olish imkoni mavjudligi aniqlangan. Ammo, yod va bromni qayta ishlab kristall yod, kaliy yodit va kimyo va farmakalogiya uchun brom ishlab chiqarish bugungi kungacha yo‘lga qo‘yilmagan[134].

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Vahobov A.V. Xajibakiyev Sh.X. “Yashil” iqtisodiyot. Darslik. Toshkent. Universitet. 2020.
2. surxondaryo.uz - Surxondaryo viloyati hokimligi ochiq ma’lumotlar partali.
3. surxonstat.uz - O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi Surxondaryo viloyati statistika boshqarmasi.

**Avezov Humoyun Ilxomovich –** Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti Samarqand filiali tayanch doktoranti

## QISHLOQ XO‘JALIGIDA YONG‘OQ ISHLAB CHIQARISH TUSHUNCHASINING MAZMUNI, TARKIBI VA UNI IFODALOVCHI MUHIM JIHATLARI

***Annotatsiya.*** *Hozirgi kunga qadar o‘quv adabiyotlari va ilmiy nashrlarda qishloq xo‘jaligida yong‘oq yetishtirish va yong‘oq ishlab chiqarish tushunchalariga aniq ta’rif keltirilmagan bo‘lib bu esa ko‘p hollarda bu ikki terminlarni sinonnim sifatida ishlatilishi ommalashgan. Ushbu maqolada qishloq xo‘jaligida yong‘oq ishlab chiqarishining umumiy xususiyatlari va farqli jihatlari nazariy tahlil qilingan. Qishloq xo‘jaligida meva o‘stirish, yetishtirish, ishlab chiqarish, qayta ishlash kabi bosqichlar umumiyligi va farqlari keltirilgan.*

***Kalit so‘zlar:*** *Yong‘oq yetishtirish,, yong‘oq ishlab chiqarish, qayta ishlash, yetkazib berish zanjiri, qiymat zanjiri, eksport.*

[133] Surxondaryo viloyati hokimligi ochiq ma’lumotlar partali
[134] Surxondaryo viloyati hokimligi ochiq ma’lumotlar partali

***Авезов Хумоюн Ильхомович*** *-Ташкентский государственный экономический университет, Самаркандский филиал, докторант*

# СОДЕРЖАНИЕ, СТРУКТУРА И КЛЮЧЕВЫЕ АСПЕКТЫ ПОНЯТИЯ ПРОИЗВОДСТВА ГРЕЦКОГО ОРЕХА В СЕЛЬСКОМ ХОЗЯЙСТВЕ

***Аннотация.*** *До сих пор в учебной литературе и научных публикациях не дано четкого определения понятий выращивание грецкого ореха и производство ореха в сельском хозяйстве, поэтому эти два термина часто используются как синонимы. В данной статье теоретически анализируются общие черты и различные аспекты концепции производства грецкого ореха в сельском хозяйстве. Приведены общие черты и различия таких этапов, как выращивание, выращивание, производство, переработка фруктов в сельском хозяйстве.*

***Ключевые слова:****. Выращивание грецкого ореха, производство грецкого ореха, переработка, цепочка поставок, цепочка создания стоимости, экспорт.*

***Avezov Humoyun Ilhomovich*** *- Samarkand branch Tashkent State University of Economics, PhD student*

# CONTENT, STRUCTURE, AND KEY ASPECTS OF THE CONCEPT OF WALNUT PRODUCTION IN AGRICULTURE

***Annotation.*** *Until now, educational literature and scientific publications have not provided a clear definition of the concepts of walnut cultivation and walnut production in agriculture, which is why these two terms are often used as synonyms. In this article, the common features and different aspects of the concept of walnut production in agriculture are theoretically analyzed. Commonalities and differences of stages such as fruit growing, cultivation, production, processing in agriculture is given.*

***Key words:*** *Walnut cultivation, walnut production, processing, supply chain, value chain, export.*

**Kirish.**

Qishloq xo‘jaligi boshqa tarmoqlardan farqli ravishda, o‘ziga xos xususiyatlari mavjud . Bunda texnik- texnologik, ijtimoiy-iqtisodiy va tabiiy biologik jarayonlarning chambarchas bog‘liqligini kuzatish mumkin. Qishloq xo‘jaligining o‘ziga xos xususiyati yerdan asosiy ishlab chiqarish vositasi sifatida foydalanishdir. Yer boshqa ishlab chiqarish vositalaridan sezilarli farq qiladi. Bu farqlarni quyidagicha tasniflash maqsadga muvofiq:

Birinchidan, yer tabiat mahsulidir. Bundan farqli o‘laroq, boshqa ishlab chiqarish vositalari inson faoliyati natijasi hisoblanadi. Hozirgi kunda insoniyat allaqachon tuproq o‘rnini bosuvchi o‘simliklarning ildizlari ozuqaviy eritma berish orqali yetishtirish gidroponika usulini yaratishgan, Biroq, gidroponika yordamida yetishtirilgan qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining ulushi juda kam.

Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining yana bir o‘ziga xos xususiyati shundaki, unda xalq xo‘jaligining boshqa tarmoqlariga qaraganda, mahsulotlarning tovarlilik darajasi nisbatan kamroq hisoblanadi. Ishlab chiqarilgan mahsulotlarning katta qismi qishloq xo‘jaligi korxonalarida qoladi, bozorga kirmagan holda ishlab chiqarish vositasi sifatida ishlatiladi.

Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishining yana bir xususiyati-ishlatiladigan mehnat vositalarining sekin aylanishi. Gap shundaki, qishloq xo‘jaligida mehnat vositalarining ko‘p turlari faqat ma’lum bir vaqt ichida qo‘llaniladi.

**Adabiyotlar tahlili.**

Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarish masalasi bo‘yicha jahon va yurtimiz olimlari tomonidan tadqiqotlar olib borilmoqda. Bular jumlasiga O. Murtazayev, Ergashev R.X., Shakirov F.K., Z. A. Artukmetov, Mustafakulov, SH. I., Korolev Yu.B., Pastuxov, A. Madvaliyev A.K., Ванькевич А. И, Я. В. Воронина, И. П. Чупина, Barrick, R. K. Harmon, H. L. kabilarni misol keltirish mumkin. Mualliflarning tegishli ilmiy ishlarida Ishlab chiqarishning mohiyati, mazmuni, shakllanish bosqichlari, uni takomillashtirish bo‘yicha tegishli omilllar qarab chiqilgan. Ammo ishlab chiqarishning tarkibiy tuzilishi, ularning bir-biri bilan o‘zaro bog‘liq jihatlari yetarli darajada yoritib berilmagan. Shu sababli mazkur ishning mavzusi hozirgi kunda dolzarb hisoblanadi.

**Tadqiqot metodologiyasi.**

Tadqiqotni amalga oshirish jarayonida iqtisodiy-statistik tahlil, abstrakt fikrlash, monografik kuzatish usullaridan keng foydalanilgan.

**Tahlil va natijalar.**

Har qanday kategoriyaning mazmun va mohiyatini nazariy va amaliy jihatdan yoritib berish uchun uning ta’rifini aniqlab olish muhim hisoblanadi. Bu masalada olimlar va sohaga aloqador mutaxassislarning fikr va qarashlari, shuningdek belgilangan qonun va qonun osti hujjatlarda ta’riflar turlicha. (1-jadvalga qarang).

**1-jadval**

**Ishlab chiqarishning ta’rifi va tushunchalari bo‘yicha turli olimlar fikrlari**

| | Berilgan ta’riflar | Manba |
|---|---|---|
| . | **Ishlab chiqarish** — jamiyatning yashashi va taraqqiy etishi uchun zarur bo‘lgan moddiy boyliklar (turli iqtisodiy mahsulotlar) ni yaratish jarayoni; ishlab chiqarish omillarini iste’mol va investitsiyalar uchun mo‘ljallangan tovarlar va xizmatlarga aylantirish. Ishlab chiqarish inson hayotining tabiiy sharoiti va boshqa faoliyat turlarining moddiy asosidan iborat. Ishlab chiqarish faqat mahsulot Ishlab chiqarishdan iborat bo‘lmay, balki taqsimot, ayirboshlash va iste’molni ham o‘z ichiga oladi | O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. Beshinchi jild. Toshkent, 2002-yil |

| | | |
|---|---|---|
| . | **ISHLAB CHIQARUVCHI** Iste’molchilarga yetkazib berish, sotish uchun tovar ishlab chiqaradigan korxona, tashkilot, muassasa yoki yakka tartibda faoliyat ko‘rsatuvchi tadbirkor | Ijtimoiy-siyosiy terminlarning qisqacha izohli lug‘ati.<br>A. Madvaliyev [va boshq.] I 26 Ijtimoiy-siyosiy terminlarning qisqacha izohli lug‘ati– Toshkent: “SAHHOF” nashriyoti, 2021. 109-b |
| . | **Ishlab chiqarish** - bu asosiy (mehnat va kapital) va oraliq ishlab chiqarish omillari (xom ashyo, materiallar va boshqalar) yordamida har qanday mahsulotni yaratish jarayoni. | Производство // Малый энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона. — 2-е изд., вновь перераб. и значит. доп. — Т. 1—2. — СПб., 1907—1909. |
| . | Ishlab chiqarish - bu inson va tabiat o‘rtasidagi almashishning o‘ziga xos turi bo‘lib, aniqroq aytganda, odamlar tomonidan tabiiy resurslarni har qanday mahsulotga faol aylantirish jarayoni hisoblanadi | Производство. Национальная экономическая энциклопедия. Дата обращения: 15 мая 2020. Архивировано 25 ноября 2015 года. |
| . | Qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishi deganda tegishli xizmatlar ko‘rsatishni o‘z ichiga olgan qishloq xo‘jaligi mahsulotlari, xom ashyo va oziq-ovqat mahsulotlarini etishtirish, ishlab chiqarish va qayta ishlash bo‘yicha iqtisodiy faoliyat turlari majmui tushuniladi. | Федеральный закон от 29.12.2006 N 264-ФЗ (ред. от 25.12.2023) "О развитии сельского хозяйства" |
| . | **Ishlab chiqaruvchi** — iste’molchiga realizatsiya qilish uchun tovar ishlab chiqaradigan korxona, tashkilot, muassasa yoki yakka tartibda faoliyat ko‘rsatuvchi tadbirkor. | O‘zbeksiton Respublikasining 26.04.1996 yildagi 221-I-sonli “Iste’molchilarning huquqlarini himoya qilish to‘g‘risida” gi Qonuni 1-modda |
| . | Dehqon xo‘jaligi qishloq xo‘jaligi ekinlarini yetishtirish va qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarish uchun zarur bo‘lgan urug‘lik, mineral o‘g‘itlar hamda yoqilg‘i-moylash materiallarini sotib olishda, shuningdek boshqa moddiy resurslar hamda xizmatlardan foydalanishda boshqa qishloq xo‘jaligi tovar ishlab chiqaruvchilari bilan teng huquqlarga egadir. | O‘zbekiston Respublikasining 2021-yil1-apreldagi O‘RQ-680-sonli “Dehqon xo‘jaligi to‘g‘risida” gi Qonuni 12-moddasi. |
| . | Ishlab chiqarish - barcha tarmoqlar moddiy ishlab chiqarishining umumlashgan shakli bo‘lib, ishlab chiqarish uchun shart-sharoit - ishlab chiqarish vositalari va iste’mol buyumlarini ishlab chiqaradi. Ishlab chiqarish sohasiga sanoat, qishloq va o‘rmon xo‘jaligi, transport, aloqa, energetika, savdo, umumiy ovqatlanish, xo‘jalik omborxonalari va xizmat ko‘rsatish tarmoqlari, ilmfan (innovatsion) yutuqlari kiradi. | Mustafakulov, SH. I. Iqtisodiy atamalarning izohli lug‘ati [Matn] : lug‘at / SH.I. Mustafakulov, O.A. Raximberdiyev, M.SH. Egamberdiyeva - Toshkent: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2019 188-b. https://genderi.org/download/sh-i-mustafakulov-o-a-raximberdiyev-m-sh-egamberdiyeva-iqtisod.doc |

| | | |
|---|---|---|
| . | Ishlab chiqarish jamiyatning mavjudligi va rivojlanishi uchun zarur bo‘lgan moddiy ne'matlarni yaratish jarayonidir. | Маркс К., Капитал, Соч., 2 изд., т. 12, с. 713) |
| 0. | **Ishlab chiqarish** - Muayyan ijtimoiy munosabatlar sharoitida kishi mehnati tufayli jamiyatning yashashi va taraqqiy etishi uchun zarur bo‘lgan moddiy boyliklar yaratish.<br>Ratsionalizatorlar tomonidan yaratilgan yangiliklar ishlab chiqarishda keng qo‘llanmoqda. *Gazetadan*<br>**Ishlab chiqarmoq**<br>Mahsulot tayyorlamoq.<br>- Stendlarga talabalar o‘ylab topgan, yasagan, ijod qilgan va ishlab chiqargan turli buyumlar tartibi bilan qo‘yilgan. *Gazetadan* | Ijtimoiy-siyosiy terminlarning qisqacha izohli lug‘ati.<br>A. Madvaliyev [va boshq.] I 26<br>Ijtimoiy-siyosiy terminlarning qisqacha izohli lug‘ati– Toshkent: “SAHHOF” nashriyoti, 2021. 109-b. |
| 1. | Qishloq xo‘jaligi moddiy ishlab chiqarish sohalaridan biri bo‘lib, u dehqonchilik va chorvachilik mahsulotlarini yetishtirish bilan shug‘ullanadi - aholini oziq-ovqat mahsulotlari va xalq xo‘jaligining bir necha tarmoqlarini xomashyo bilan ta’minlaydi**.** | Z. A. Artukmetov. Qishloq xo‘ jaligi asoslari. «o‘zbeklston faylasuflar milliy jamlyati» nashriyoti toshkent – 2012. 3-b. |
| 2. | Dehqonchilik-o‘simlik mahsulotlari ishlab chiqarish uchun madaniy o‘simliklar (qishloq xo‘jaligi ekinlari)ni yetishtirish; qishloq xo‘jaligining asosiy tarmoqlaridan biri. | Ermatov A., Dehqonchilik. Toshkent., 1990. 25-bet. |
| 3. | **REALIZATSIYA** [lot. realis – moddiy, haqiqiy] 1 Ma’lum bir reja, loyiha, dastur, maqsadni amalga oshirish, turmushga tatbiq etish. 2 iqt. Tovar va molmulk sotish, mol-mulk yoki qimmatbaho qog‘ozlarni pulga aylantirish. | IJTIMOIY-SIYOSIY TERMINLARNING QISQACHA IZOHLI LUG‘ATI.<br>A. Madvaliyev [va boshq.] I 26<br>Ijtimoiy-siyosiy terminlarning qisqacha izohli lug‘ati– Toshkent: “SAHHOF” nashriyoti, 2021. 109-b. |

Ishlab chiqarish odamlarning mavjud ehtiyojlarini qondirish uchun iqtisodiy tovarlar (tovar va xizmatlar) yaratish faoliyatini anglatadi. Ishlab chiqarish jarayonida har bir ishlab chiqarish ishtirokchisi o‘rtasida uzviy bog‘liqlik mavjud bo‘lib, shaxs jamiyatdan ajratilgan holda amalda mahsulot ishlab chiqara olmaydi. Ko‘pgina tovarlarni ishlab chiqarish uchun insonning jismoniy imkoniyatlaridan tashqari, materiallar va texnologiyalar ham zarur hisoblanadi. Ba’zi odamlar ishlab chiqarish uchun shart - sharoit yaratsalar, boshqalar to‘g‘ridan-to‘g‘ri mahsulot ishlab chiqarish va xizmatlar ko‘rsatish bilan shug‘ullanadi. Oddiy qilib aytganda, ishlab chiqarish jarayoni sotish uchun mo‘ljallangan mahsulotni yaratish nuqtasidir. Iqtisodiyot nazariyasida bu jarayon mahsulot yaratish deb ataladi.

Ishlab chiqarish jarayonini tadqiq etishda quyidagilarni yodda tutish zarur hisoblanadi:

- ishlab chiqarish jarayoni nafaqat mahsulot ishlab chiqarishni o‘z ichiga oladi;

- ishlab chiqarish har doim iste'molchilarni nafaqat mahsulot, balki xizmatlar bilan ham ta’minlaydi;

- qayta ishlash jarayoni qayta ishlanadigan mahsulotga qo‘shimcha qiymat yoki foyda qo‘shishni anglatadi;

- odamlar, texnika va mehnat vositalari qayta ishlash jarayonining manbai va asosidir.

Ishlab chiqarish iqtisodiy jarayon bo‘lib, unda ishlab chiqaruvchi iste'mol uchun tovarlar yaratadi. Tovar ham moddiy, ham nomoddiy xususiyatga ega bo‘lishi mumkin. Chunki xizmat xizmat ko‘rsatishning o‘zi ham ishlab chiqarish obyekti sifatida bo‘lishi mumkin. Bunga parallel ravishda, infratuzilma ham keng ma’noda, foydalanuvchiga ega bo‘lmasada lekin u ham ishlab chiqariladi.

Iqtisodiy faoliyatning barcha turlari ikki guruhga birlashtirilgan: moddiy ishlab chiqarish sohasi va ijtimoiy-madaniy soha.







**1-rasm. Moddiy ishlab chiqarish sohasi. 2-rasm. Ijtimoiy-madaniy soha.**

Jadval va rasmlardan ko‘rinib turibdiki, ishlab chiqarish va uning mazmunini ifodalash bo‘yicha turli xil yondashuvlar mavjud ekan. Ushbu ta’riflarda bir qancha umumiylikka ega. Bular: Avvalo, ishlab chiqarish bir necha bosqichli jarayon, shuningdek, har qanday ishlab chiqarish moddiy va nomoddiy shakldaligi. Yana bir umumiylik esa barchasida inson omili ishtiroki asosida ishlab chiqarish amalga oshirilishi takidlangan. Bunday qarashlar o‘z-o‘zidan shakllanib qolmagan. Iqtisodiyotning har qanday tarmog‘i vujudga kelishi va rivojlanishing asosi qaysidir ko‘rinishdagi ishlab chiqarish bilan bog‘liq bo‘lib, shu qatorda qishloq xo‘jaligida ham asosiy o‘rinni egallaydi. Bulardan kelib chiqqan holda qishloq xo‘jaligida yong‘oq ishlab chiqarish bo‘yicha o‘z ta’rifimizni shakllantirishga harakat qilamiz. Yong‘oq (*Juglans regia L.*) — yong‘oqdoshlar oilasiga mansub daraxt turi, yong‘oqmevali daraxt [1].

**Yong‘oq ishlab chiqarish deganda, yong‘oq yetishtirish, qayta ishlash, saqlash va uni realizatsiya qilishdan iborat jarayonlar majmui tushuniladi**. Ushbu ta’rifning mohiyatini quyidagicha izohlash mumkin.

Birinchidan, yong‘oq yetishtirishning o‘ziga ishlab chiqarish sifatida qarash va bu tushunchalarni sinonim sifatida ishlatish noo‘rin hisoblanadi. Sabab: Yong‘oq deyarli barcha mintaqalarning tabiiy o‘rmonlarida insoniyat tomonidan iste’molga kiritilguniga qadar bir necha ming yillar davomida yetilib kelgan va davom etmoqda. Faqatgina o‘z iste’moli va daromad olish maqsadida ehtiyojidan ko‘proq

miqdorda yetishtirilgan va hosili ma’lum qismi sotuvga yo‘naltirilgandagina bu to‘laqonli yong‘oq ishlab chiqarish jaryoni sifatida e’tirof etilishi mumkin bo‘ladi.

Ikkinchidan, yong‘oq yetishtirishning o‘zi bir necha bosqichni qamrab olgan faoliyat hisoblanadi. Bular : Yong‘oqzorlar tashkil qilish uchun joy tanlash; ko‘chat yetishtirish; ko‘chatni payvandlash; payvand qilingan ko‘chatni ko‘chirib o‘tkazish va boshqalar. Umuman olganda hozirda ilmiy adabiyotlarda yong‘oq yetishtirish va yong‘oq o‘stirish tushunchalari keng miqyosda sinonim sifatida qo‘llanilib kelinmoqda [2] va bu nisbatan to‘g‘ri deyishimiz mumkin.

**Yong‘oq ishlab chiqarish tarkibi nimalardan iborat?**

“Resurs-Mahsulot” modelidan foydalanib, yong‘oq ishlab chiqarishni qayta ishlash jarayoni sifatida ko‘rsatish mumkin. Bunda iste'molchilar uchun mo‘ljallangan kerakli mahsulotni kerakli shakl va ko‘rinishda ishlab chiqarishda resursga qiymati qo‘shiladi. Ehtimol, bu eng soddalashtirilgan ta’rif, ammo u ishlab chiqarishning mohiyati to‘g‘risida amaliy tushuncha beradi va yong‘oq ishlab chiqarishning iqtisodiy modeli uchun asos bo‘lib xizmat qiladi. Yong‘oq ishlab chiqarishning asosiy jihatlaridan biri bu xo‘jalik sotib olgan yoki mavjud resurs (yong‘oq)larni keyinchalik iste'molchilarga muvaffaqiyatli sotiladigan mahsulotga aylantirishdir. Bu sizning mijozlaringiz mahsulotingizni raqobatdosh mahsulotlarga nisbatan qimmatroq deb bilishini anglatadi. Shuning uchun ishlab chiqarishga qo‘shimcha qiymat qo‘shadigan qayta ishlash jarayoni sifatida qarash mumkin.

*Ushbu jarayonni sxematik ravishda quyidagicha ifodalash mumkin:*




Korxona, xo‘jalik yurituvchi subyektlarning vazifasi ishlab chiqarish omillarini (xarajatlarini) kirim sifatida qabul qilish, ularni qayta ishlash va tayyor mahsulotni (natijani) ishlab chiqarishdan iborat. Bu esa umumiy ***ishlab chiqarish*** faoliyati deb ataladi.

1. **Resurslar** ishlab chiqarish jarayoni yo‘lga qo‘yilishi uchun resurslar mavjud yoki sotib olingan bo‘lishi kerak. Ular turli xil shaklda bo‘lishi mumkin: ba’zilari ishlab chiqarish jarayonida to‘laligicha ishlatiladi, boshqalari esa uzoq muddat davomida foydalaniladi. Bular qatoriga yer, ishchi kuchi, materiallar, uskunalar, yetishtirilgan chaqilmagan yong‘oq, mehnat vositalari va shu kabilarni kiritish mumkin.

**2. Ishlab chiqarish jarayonida** boshlang‘ich resurslar tayyor mahsulotga aylanadi. Bu bosqichda qayta ishlash usullari va asosiy operatsiyalar faol tarzda ishlaydi. U kundalik va uzoq muddatli qarorlar qabul qilishni, kata hajmdagi

faoliyatni, ishchi kuchlari va ularning vaqtini va turli faoliyatlarni tashkil etish, rejalashtirish va boshqarishni raqazo etadi. Shu o‘rinda ishlab chiqarish jarayonidagi har bir faoliyat alohida mustaqil amalga oshirilmasligini takidlash lozim. Ishlab chiqarish jaroyonidagi elementlar uzviy bog‘liq bo‘lishiga qaramasdan malakali boshqaruvni talab etadi.

3. **Tayyor mahsulot** ishlab chiqarishning oxirgi bosqichlaridan biri hisoblanadi. Xo‘jalik ishlab chiqargan tayyor mahsulot har doim o‘ziga xos mahsulot bo‘lsada, lekin xizmat ko‘rsatish iste’molchi nazarida mahsulotga qiymat qo‘shadigan element hisoblanadi. Ishlab chiqarishning asosiy vazifasi resurslarni raqobatchilaringizga qaraganda iste'molchilar uchun ko‘proq qiymatga ega tayyor mahsulotga aylantirishdir.

Yuqoridagi mulohazalardan kelib chiqib bizning fikrimizcha yong‘oq ishlab chiqarish va yong‘oq yetishtirish o‘rtasidagi asosiy farq quyidagicha:

1. **Yong‘oq yetishtirish** – bu yong‘oq daraxtlarini parvarishlash va meva olish jarayonidir. Bu jarayon yong‘oq urug‘larini ekish, daraxtlarni parvarish etish, sug‘orish va hosilni yig‘ib olish kabi ishlarni o‘z ichiga oladi. Yong‘oq yetishtiruvchilar o‘z bog‘larida hosil olish uchun turli agronomik texnikalarni qo‘llaydi.

2. **Yong‘oq ishlab chiqarish** – bu yetishtirilgan yong‘oqlarni qayta ishlash, tozalash, qadoqlash va bozorga chiqarish jarayonidir. Bu jarayonda yong‘oqlar iste’molchilarga yetkazib berish uchun tayyorlanadi. Yong‘oq ishlab chiqaruvchilar mahsulotni tozalash, quritish, maydalash yoki qadoqlash bilan shug‘ullanadi va uni ommaviy yoki chakana bozorlar uchun tayyorlaydi.

Shunday qilib, yong‘oq yetishtirish o‘simlikni parvarishlash va meva olishga qaratilgan bo‘lsa, yong‘oq ishlab chiqarish tayyor mahsulotni bozorlarga chiqarish uchun tayyorlashga qaratilgan.

**Xulosa va takliflar**

Yong‘oq ishlab chiqarish tushunchasining mazmun - mohiyati, tarkib - tuzulishi va uni ifodalovchi ko‘rsatkichni aniqlash yo‘llarini tadqiq qilish natijasida bir qancha xulosalarga kelindi va ilmiy-amaliy tavsiyalar ishlab chiqildi.

Mamlakatlarning iqtisodiy-ijtimoiy hayotini, aholisining farovonligini ta’minlashda, uning raqobatbardoshligini oshirishda qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishi muhim rol o‘ynamoqda. Bulardan kelib chiqib, Yong‘oq ishlab chiqarish bo‘yicha ta’rif shakllantirildi.

Jamiyat taraqqiyoti uchun muhim omillardan biri bo‘lgan inson kapitalining tarkibi haqida turli qarashlar mavjud. Shulardan kelib chiqqan holda, inson kapitalining tarkibi, ularning bog‘liqligi o‘rganib chiqildi.

Yong‘oq ishlab chiqarish tashkil etishda ekish va yoki yetishtirishdan tashqari qayta ishlash saralash qadoqlash, mahsulotni saqlash va realizatsiya jarayonlari ham mujassam bo‘lish kerakligi asoslandi. Tadqiqotlar davomida yong‘oq yetishtirish va ishlab chiqarishning farqli jihatlarini asoslashda qo‘shimcha yana bir yondashuv shakllantirildi. Bu yondashuvda asosan ishlab chiqarish bir necha bosqichli murakkab jarayon ekanligi va yetishtirish esa bu jarayonning bir qismi sifatida qarash zarurligiga ahamiyat berildi.

Dunyo aholisining ortib borishi, ularning ehtiyojlarining ham ortib borishiga

asos bo‘ladi. Bu tabiiy ekologik muhitning ham o‘zgarishiga olib keladi. Shu sababli insonlarning bilim, saviya, tajribasi resurslardan samarali foydalanish lozimligini belgilaydi. Bu esa ishlab chiqarishning barcha bosqichlarini to‘g‘ri tashkil etish va boshqarish qishloq xo‘jaligidagi subyektlar rivojlanishining asosidir. Demak yong‘oq ishlab chiqarishning mohiyatini anglash, to‘g‘ri tashkil etish va boshqarish dolzarb masalalardan biridir.

***Manba va foydalanilgan adabiyotlar:***

**1.** O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. Uchinchi jild. Toshkent, 2002-yil.

**2.** Umurzakov E.U., Po‘latov O.A., Abdulloyev K.T. Grek yong‘og‘i (Juglans regia L.). Monografiya. – Samarqand: “Samarqand davlat chet tillar instituti” nashriyoti, 2023. – 224 b.

**3.** Производство // Малый энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона. — 2-е изд., вновь перераб. и значит. доп. — Т. 1—2. — СПб., 1907—1909.

**4.** Производство. Национальная экономическая энциклопедия. Дата обращения: 15 мая 2020. Архивировано 25 ноября 2015 года.

**5.** Avezov, H. (2023). SAMARQAND VILOYATIDA YONG‘OQ ISHLAB CHIQARISH VA UNING SAMARADORLIGI MASALALARI. Iqtisodiyot Va ta’lim, 24(1), 452–456. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a70

**6.** Avezov Kh. (2023). ANALYSIS OF VALUE CHAIN OF WALNUT IN MOUNTAIN AND SUB-MOUNTAIN AREAS OF UZBEKISTAN. POLISH JOURNAL OF SCIENCE, 68, 22–29. https://doi.org/10.5281/zenodo.10132212

**7.** Khumoyun Avezov, Theoretical and methodological aspects of formation of walnut value chain development, August 24 Special Issue SJIF 8.001 & GIF 0.626 ISSN-2249-9512 Journal of Management Value & Ethics

**Djumaboyeva Nodira Yuldashevna -** Toshkent amaliy fanlar universiteti Tarmoqlar iqtisodiyoti kafedrasi Assistant o‘qituvchi, *Tel:90-123-44-27*
E-mail: yuldashevna1310@gmail.com

## «YASHIL» IQTISODIYOT. O‘RTA OSIYO MINTAQASIDAGI MUAMMO VA YECHIMLAR

**Annotatsiya**: Ushbu maqolada yashil iqtisodiyotning O‘zbekiston va Markaziy Osiyo mintaqasidagi ahamiyati va unga o‘tishning dolzarb muammolari tahlil qilinadi. Mintaqaning qazib olinadigan yoqilg‘i resurslariga qaramligi, suv resurslarining cheklanganligi, ekologik zararlar hamda yashil texnologiyalarning yetishmovchiligi asosiy muammolar sifatida ko‘rsatib o‘tiladi.

Bu muammolarni hal qilish yo‘lida qayta tiklanadigan energiya manbalarini keng joriy etish, suv resurslarini samarali boshqarish va ekologik me’yorlarni kuchaytirish kabi yechimlar taklif qilinadi. Yashil iqtisodiyotning rivoji mintaqaning barqaror va ekologik xavfsiz kelajagini ta’minlashda muhim omil sifatida tavsiflanadi.

**Kalit so‘zlar:** Yashil iqtisodiyot, O‘zbekiston, Markaziy Osiyo, qayta tiklanadigan energiya, suv resurslari, ekologik muammolar, yashil texnologiyalar, barqaror rivojlanish.

**Аннотация:** В данной статье анализируется важность зелёной экономики и актуальные проблемы её внедрения в Узбекистане и Центральной Азии. Основные вызовы включают зависимость региона от ископаемых видов топлива, нехватку водных ресурсов, экологический ущерб и недостаток зелёных технологий. В качестве решений предлагается использование возобновляемых источников энергии, эффективное управление водными ресурсами и усиление экологических норм. Развитие зелёной экономики рассматривается как ключевой фактор для обеспечения устойчивого и экологически безопасного будущего региона.

**Ключевые слова:** зелёная экономика, Узбекистан, Центральная Азия, возобновляемая энергия, водные ресурсы, экологические проблемы, зелёные технологии, устойчивое развитие.

**Abstract:** This book in detail examines the role of the green economy and urgent questions of its transition in the Republic of Uzbekistan and Central Asia. Main challenges facing the region involve dependence on fossil fuels, scarce water resources, environmental degradation, and lack of green technologies. Correspondingly, possible solutions include transfer to renewable sources of energy, efficient water management, and reinforcement of environmental regulations. It is maintained that the green economy's development is just that very factor which will guarantee a sustainable, ecologically safe future of the region.

**Keywords:** Green economy, Uzbekistan, Central Asia, renewable energy, water resources, environmental issues, green technologies, sustainable development.

**Kirish.**

Global iqlim o‘zgarishi va ekologik muammolar dunyo bo‘ylab yashil iqtisodiyotga o‘tish zaruratini oshirmoqda. Yashil iqtisodiyot, ya’ni barqaror va ekologik toza iqtisodiy model, resurslardan samarali foydalanish va atrof-muhitga zarar yetkazmaslik tamoyillariga asoslanadi.

O‘zbekiston va Markaziy Osiyo davlatlari tabiiy resurslarga nisbatan boy bo‘lishiga qaramay, ekologik xavfsizlik va iqtisodiy barqarorlikni ta’minlashda qator qiyinchiliklarga duch kelmoqda. Suv resurslarining cheklanganligi, qazib olinadigan yoqilg‘ilarga qaramlik va ekologik holatlardan kelib chiqayotgan zararlar bu hududda yashil iqtisodiyotga o‘tishni dolzarb masalaga aylantirmoqda.

Mazkur maqolada O‘zbekiston va Markaziy Osiyoda yashil iqtisodiyotga o‘tishning muhimligi, mavjud muammolar va ularning yechimlari tahlil qilinadi. Bu jarayonda qayta tiklanadigan energiya manbalarini joriy etish, suv resurslaridan samarali foydalanish va yashil texnologiyalarga investitsiya kiritish muhim omillar sifatida qaraladi.

Yashil iqtisodiyot-bu mavjud resurslardan oqilona foydalanish, ekologik zararlarni minimallashtirish va barqaror rivojlanishga intilish tamoyiliga asoslangan iqtisodiy modeldir. Markaziy Osiyo, jumladan O‘zbekiston, katta tabiiy resurslarga ega bo‘lsada, bu resurslardan uzoq muddatli foydalanuvchi barqaror iqtisodiyotni

shakllantirishda bir qator qiyinchiliklarga duch kelmoqda.

**Muammolar.**

***Energiya resurslariga qaramlik***. O‘zbekiston va qo‘shni davlatlar ko‘proq qazib olinadigan yoqilg‘i resurslariga, xususan gaz va neftga tayanadi. Bu iqtisodiy model atrof-muhitga katta zarar yetkazadi. Sanoat va energetika sohalaridagi texnologiyalar eskirgan bo‘lilb, ular ko‘p miqdorda zararli gazlar va boshqa chiqindilar ajratadilar.

***Suv resurslarining yetishmovchiligi***. Markaziy Osiyo mintaqasi qurg‘oqchil hududlar hisoblanib, suv yetishmovchiligi katta muammolardan biri. Orol dengizining qurishi va boshqa suv xavzalaridagi suv zahiralarining keskin kamayib borishi mintaqada ekologik falokatlarga olib kelmoqda. Bu muammolar dehqonchilik va suvga bog‘liq boshqa sohalarni barqaror rivojlanishini xavf ostiga qo‘ydi.

***Atrof-muhit ifloslanishi***. O‘zbekiston va qo‘shni davlatlarda sanoat rivojlanishi bilan bog‘liq ekologik zararlar, jumladan havo, tuproq va suv havzalarining ifloslanishi va chiqindi boshqaruvi muammolari mavjud. Sanoat chiqindilari, kimyoviy moddalar va qishloq xo‘jaligida pestitsidlarning keng qo‘llanishi tuproq va suv manbalarining zaharlanishiga olib kelmoqda.

***Yashil texnologiyalar yetishmasligi***. Ko‘plab davlatlar yashil iqtisodiyotni shakllantirish uchun yangi energiya manbalarini tadbiq etishmoqda. Ammo O‘zbekiston va Markaziy Osiyo mamlakatlari bunday texnologiyalarni keng joriy etishda qiyinchiliklarga duch kelmoqda. Ushbu sohadagi qoidalar va tashabbuslar yetarli darajada shakllanmagan.

***Yashil texnologiyalarni joriy etish va undan keng ko‘lamda foydalanishni ta’minlashda malakali kadrlar yetishmovchiligi.*** Mamlakatga zamonaviy yashil texnologiyalarga asoslangan texnologik uskunalarni olib kirish hamda ulardan oqilona foydalanish nafaqat katta miqdordagi moliyaviy investitsiyalar kiritish, balki bunday tenologiyalardan maksimal ravishda unimli foydalanishni ta’minlab beruvchi yetuk kadrrlarni voyaga yetkazishni taqozo etadi.

**Yechimlar.**

***Yangilangan energiya manbalariga o‘tish***. Quyosh, shamol va suv energetikasi Markaziy Osiyoda yashil iqtisodiyotni rivojlantirishda muhim ahamiyat kasb etadi. Masalan, O‘zbekiston quyosh energiyasidan foydalanishda ijobiy qadamlar tashlamoqda. Bu yo‘nalishda ko‘proq investitsiyalarni jalb qilish va innovatsiyalarni joriy qilish zarur.

Quyosh energiyasidan foydalanishni moliyalashtirishning O‘zbekistondagi holatiga e'tibor beradigan bo‘lsak, joriy yilda banklar 116 MVtlik quyosh panellarini sotib olish uchun jami 1 trln 52 mlrd so‘m, shu jumladan, tadbirkorlik subyektlariga 740,8 mlrd so‘m (86 MVt) va aholiga 311,7 mlrd so‘m (30 MVt) kreditlar ajratdi.

Shuningdek, mintaqada shamol energiyasidan foydalanish miqyosini yanada kengaytirish juda ahamiyatlidir. Birgina O‘zbekistonda shamol energiyasidan foydalanishning texnik potensiali 100-500 milliard kVt./soatgacha yetadi. Lekin shamol energiyasi quyoshga nisbatan doimiy mavjud bo‘lishi undan foydalanishda afzallikni oshiradi.

2024-yilda Qoraqalpog‘iston Respublikasining Qorao‘zak tumanida quvvati

100 megavatt, Buxoro viloyatining Peshku va G‘ijduvon tumanlarida har birining quvvati 500 megavattdan bo‘lgan 2 ta (jami 1 000 MVt) va Navoiy viloyatining Tomdi tumanida quvvati 500 megavatt bo‘lgan sanoat miqyosidagi jami 4 ta shamol elektr stansiyalari ishga tushirilishi rejalashtirilgan.

***Suv resurslarini samarali boshqarish***. Suvdan oqilona foydalanish Markaziy Osiyoning barqaror rivojlanishi uchun muhim. Tomchilab sugorish, suvni qayta ishlash texnologiyalarini joriy qilish orqali suv resurslari yetishmovchiligi muammosini kamaytirish mumkin. Orol dengizi hududida ekologik tiklanish loyihalari mintaqaning ekologik barqarorligini oshirishga xizmat qilmoqda.

Suv tanqisligi tobora kuchayayotgan bugungi zamonda mamlakatimizda uni qadrlash, tejab foydalanishga alohida e'tibor qaratilmoqda. So‘nggi yillarda 472 ming gektar yer tomchilatib va 48 ming gektari yomg‘irlatib sug‘orishga o‘tkazildi, 97 ming gektarda boshqa suv tejovchi texnologiyalar joriy qilindi. 649 ming gektar yer lazerli tekislandi.

Shunday chora-tadbirlar natijasida birgina 2023 yilda 2 milliard kub metr suv tejalgan.

**Qayta tiklanadigan energiya manbalarini joriy etish:**

**Nazariy ahamiyat:** Qayta tiklanadigan energiya manbalarining (quyosh, shamol, gidroenergetika) iqtisodiy va ekologik ta’sirlarini chuqur tahlil qilish yashil iqtisodiyot nazariyasini boyitadi. Ushbu manbalardan foydalangan holda energiya ishlab chiqarish usullarini optimallashtirish yangi ilmiy ishlanmalarni talab qiladi.

**Amaliy tavsiyalar:** Ishlab chiqarish istiqbollari O‘zbekiston va Markaziy Osiyo mamlakatlarida quyosh energiyasidan keng foydalanish uchun imkoniyatlar mavjud. Investitsiyalarni jalb qilish va energetika infratuzilmasini rivojlantirish orqali qayta tiklanadigan energiya ulushini oshirish zarur. Bu jarayonda xalqaro tajriba va ilg‘or texnologiyalarni joriy etish amaliy yechimlar sifatida xizmat qiladi.

**Suv resurslaridan samarali foydalanish va boshqarish:**

**Nazariy ahamiyat:** Ilmiy tadqiqotlar olib borish, suv yetishmovchiligi va qurg‘oqchilik muammolarini yechishda innovatsion texnologiyalarni ishlab chiqish suv resurslaridan foydalanishni samarali tashkil etish imkonini beradi.

**Amaliy tavsiyalar:** Suv tejovchi texnologiyalarning keng qo‘llanilishi, masalan, Markaziy Osiyoda tomchilatib sug‘orish tizimlaridan qo‘llanilishi, suvni qayta ishlash va saqlash infratuzilmasini yanada rivojlantirish uchun zarurat mavjud.

Mintaqaviy hamkorlikning transchegaraviy suv resurslari boshqaruvi bo‘yicha kuchaytirilishi ushbu masalani hal etish muhimdir.

**Ekologik standartlar va huquqiy me'yorlarni kuchaytirish:**

**Nazariy ahamiyat:** Huquqiy va iqtisodiy mexanizmlar tahlili, barqaror rivojlanish va ekologik tozalikni ta’minlash uchun, ekologik qonunchilikni takomillashtirish bo‘yicha ilmiy tadqiqotlar olib borilishi kerak. Yashil iqtisodiyotga o‘tishda atrof-muhitni muhofaza qilish qoidalarini iqtisodiyotning barcha sohalariga tadbiq qilish uchun ilmiy asos yaratiladi.

**Amaliy tavsiyalar:** Sanoat va qishloq xo‘jaligidagi ekologik xavfsizlikka doir qat'iy qoidalari joriy etish zarur. Chiqarilayotgan chiqindilar va ularning atrof-muhitga ta’sirini nazorat qilish bo‘yicha davlat va xalqaro tashkilotlar o‘rtasida hamkorlikni kuchaytirish zarur. Ecologik standartlarga rioya qilmagan korxonalarga

moliyaviy jazolarni oshirish ham muhim yechim bo‘lisi mumkin.

**Yashil texnologiyalarni keng joriy etish:**

**Nazariy ahamiyat:** Ilmiy tadqiqotlar yashil texnologiyalarni rivojlantirish va ularning iqtisodiy samaradorligini oshirish yo‘lida yangi yondashuvlarni taklif qilishi lozim. Ayniqsa, chiqindisiz texnologiyalar, energiya samarador texnologiyalari bo‘yicha innovatsion g‘oyalar yashil iqtisodiyotni rivojlantirish nazariyasini yanada boyitadi.

**Amaliy tavsiyalar:** Yashil texnologiyalarni joriy etish uchun davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlash dasturlarini kengaytirish zarur. Innovatsion yechimlar, masalan, chiqindilarni qayta ishlash va energiya samarador texnologiyalarni ishlab chiqish va tatbiq qilish iqtisodiyotning turli sohalarida ekologik xavfsizlikni ta’minlaydi.

**Ixtisoslashgan xalqaro tajriba va hamkorlikni kengaytirish:**

**Nazariy ahamiyat:** Markaziy Osiyoda yashil iqtisodiyot nazariyasini rivojlantirishda xalqaro tajriba va muvaffaqiyatli yashil iqtisodiy modelni o‘rganish katta ahamiyat kasb etadi.

**Amaliy tavsiyalar:** Xalqaro moliyaviy tashkilotlar, jumladan, Jahon banki va BMTning Barqaror rivojlanish dasturlari bilan hamkorlikni kuchaytirish, yashil iqtisodiyotga oid texnologiyalar va texnikaviy yordamni jalb qilish kerak. Shu bilan birga, xalqaro ilmiy markazlar bilan hamkorlikni rivojlantirish, yashil iqtisodiyot bo‘yicha ilmiy-tadqiqot faoliyatini kengaytirish mintaqa uchun foydali bo‘ladi.

Mazkur taklif va tavsiyalar O‘zbekiston va Markaziy Osiyoda yashil iqtisodiyotga o‘tish jarayonini jadallashtirish, iqtisodiy rivojlanish va ekologik barqarorlikni ta’minlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

**Yashil texnologiyalarga asoslangan iqtisodiyot nazariyasi va amaliyoti yo‘nalishida milliy kadrlarni o‘qitish:**

**Amaliy tavsiyalr:** Markaziy Osiyo mintaqasidagi muammolarning uzviy bog‘liqligini inobatga olib, yashil texnologiyarni chuqur o‘rganuvchi yagona ilmiy markaz yaratish; ilg‘or chet el davlatlari tajribalarini tahlil qilgan holda va mintaqadagi ekologik holatdan kelib chiqqan mavjud muammolarni xal etishga qaratilgan yo‘nalishlarda kadrlar tayyorlash kelgusida mintaqada joriy etilayotgan yangi texnologiyalarga o‘tish, ushbu texnologiyalardan maksimal oqilona foydalanish uchun o‘ta foydali omil hisoblanadi.

**Xulosa.**

Yashil iqtisodiyot O‘zbekiston va Markaziy Osiyo davlatlari uchun nafaqat ekologik barqarorlikni ta’minlash, balki iqtisodiy rivojlanishning yangi bosqichini boshlashda ham muhim rol o‘ynaydi. Mintaqaning qazib olinadigan yoqilg‘ilarga qaramligi, suv resurslarining yetishmovchiligi va atrof-muhit ifloslanishi yashil iqtisodiyotga o‘tishni kechiktirib bo‘lmas muammoga aylantirmoqda. Ushbu muammolarni hal qilish uchun qayta tiklanadigan energiya manbalarini rivojlantirish, suv resurslarini samarali boshqarish, ekologik me'yarlarni kuchaytirish va yashil texnologiyalarni joriy etish muhim ahamiyat kasb etadi.

Mintaqada yashil iqtisodiyotga o‘tish jarayonida xalqaro tajriba va hamkorlikning ahamiyati katta. Xalqaro moliyaviy institutlar va ilmiy markazlar bilan yaqin hamkorlik qilib, innovatsion texnologiyalar va barqaror rivojlanish

dasturlarini keng joriy etish orqali mintaqaning kelajagi ekologik xavfsiz va iqtisodiy jihatdan barqaror bo‘lishi mumkin.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

Мирзиёев, Ш.М. О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах. — Т.: УзА, 2017. — 48 с.

Корженевский, А.В. Основы зеленой экономики. — М.: Экономика, 2018. — 256 с.

O‘zbekiston Respublikasi Davlat Statistika agentligining rasmiy sayti ma’lumotlari 2023-2024 yillar.

Программа Организации Объединённых Наций по окружающей среде (ЮНЕП). Зеленая экономика в Центральной Азии. — Женева: ООН, 2020. — 112 с.

**Ibragimov I.H. -** Marketing kafedrasi dotsenti i.f.n. SamISI
**Musabaeva L.A.** – Iqtisodyi tahlil va statistika kafedrasi katta o‘qituvchi SamISI

## “YASHIL” IQTISODIYOT: KONSEPSIYA, ASOSIY TAMOYILLAR VA RIVOJLANISH YOLLARI

**Annotatsya:** Maqolada yashil iqtisodiyotning asosiy tamoyillari va maqsadlari, uning barqaror rivojlanish uchun ahamiyati, qayta tiklanadigan energiya va yashil texnologiyalarning roli ko‘rib chiqiladi. Yashil iqtisodiyotga o‘tish hayot sifatini yaxshilash, yangi ish o‘rinlari yaratish va uzoq muddatli ekologik barqarorlikni ta’minlash bo‘yicha strategik echimlar muhokama qilingan.

**Kalit so‘zlar:** yashil iqtisodiyot, barqaror rivojlanish, qayta tiklanadigan energiya, ekologik texnologiyalar, energiya tejash, qayta ishlash, iqlim o‘zgarishi.

## "ЗЕЛЕНАЯ" ЭКОНОМИКА: ПОНЯТИЕ, ОСНОВНЫЕ ПРИНЦИПЫ И ПУТИ РАЗВИТИЯ

**Аннотация:** В статье рассматриваются основные принципы и цели зеленой экономики, ее значение для устойчивого развития, а также роль возобновляемых источников энергии и зеленых технологий. Обсуждались стратегические решения для улучшения качества жизни, создания новых рабочих мест и обеспечения долгосрочной экологической устойчивости с переходом к зеленой экономике.

**Ключевые слова:** зеленая экономика, устойчивое развитие, возобновляемые источники энергии, экологические технологии, энергосбережение, переработка отходов, климатические изменения.

## "GREEN" ECONOMY: CONCEPT, BASIC PRINCIPLES AND DEVELOPMENT PATHS

**Abstract**: The article discusses the basic principles and goals of the green economy, its importance for sustainable development, as well as the role of renewable energy sources and green technologies. Strategic solutions were

discussed to improve the quality of life, create new jobs and ensure long-term environmental sustainability with the transition to a green economy.

**Keywords**: green economy, sustainable development, renewable energy sources, environmental technologies, energy efficiency, waste recycling, climate change.

**Kirish.** Bugungi kunda dunyo miqyosida ekologik muammolarni hal qilishga qaratilgan yangi yondashuvlar tobora ahamiyat kasb etmoqda. Bu sohada **"yashil iqtisodiyot"** (green economy) tushunchasi keng tarqalmoqda. "Yashil iqtisodiyot" atamasi, atrof-muhitga zarar yetkazmasdan, ijtimoiy va iqtisodiy rivojlanishning barqaror shaklini ta’minlashga qaratilgan iqtisodiy tizimni ifodalaydi. Yashil iqtisodiyot global issiqlikni kamaytirish, tabiiy resurslarni samarali boshqarish, chiqindilarni kamaytirish va barqaror rivojlanishga erishish maqsadlarini o‘z ichiga oladi.

**Material va metod. Yashil iqtisodiyot kontsyasi.** Yashil iqtisodiyot – bu ijtimoiy, iqtisodiy va ekologik manfaatlarni uyg‘unlashtirgan iqtisodiy modeldir. U insoniyatning barqaror va ekologik xavfsiz rivojlanishini ta’minlash uchun ishlab chiqilgan. Yashil iqtisodiyotning asosiy maqsadi atrof-muhitni himoya qilish, tabiiy resurslarni tejash va energiya samaradorligini oshirishdir. Bu iqtisodiyot modeli iqtisodiy o‘sish va rivojlanishning yangi yo‘nalishlarini taqdim etadi.

**Yashil iqtisodiyotning asosiy maqsadlari:**

- **Atrof-muhitni muhofaza qilish:** Atrof-muhitga zarar yetkazmasdan iqtisodiy o‘sishni ta’minlash.
- **Resurslarni samarali boshqarish:** Tabiiy resurslarni uzluksiz ravishda foydalanishni ta’minlash, masalan, qayta tiklanadigan energiyalardan foydalanish.
- **Ijtimoiy barqarorlik:** Yashil iqtisodiyot jamiyatda tenglikni, barqaror ish o‘rinlarini yaratishni va iqtisodiy imkoniyatlarni oshirishni maqsad qiladi.

**Yashil iqtisodiyotning asosiy tamoyillari**

Yashil iqtisodiyotda bir qator tamoyillar mavjud bo‘lib, ular jamiyatning ekologik, iqtisodiy va ijtimoiy sohalarda barqaror rivojlanishini ta’minlashga qaratilgan.

**Yashil iqtisodiyot barqaror rivojlanish asosidir.** Barqaror rivojlanish — bu hozirgi avlodning ehtiyojlarini qondirish bilan birga, kelajak avlodlarning ehtiyojlarini ham inobatga olish tamoyilidir. Yashil iqtisodiyotda iqtisodiy o‘sish atrof-muhitga zarar yetkazmasdan amalga oshiriladi, ya’ni resurslardan samarali foydalanish va chiqindilarni kamaytirish ta’minlanadi.

**Energiyani samarali boshqarish.** Yashil iqtisodiyotda energiya samaradorligi muhim o‘rin tutadi. Bu energiya tejash va qayta tiklanadigan energiya manbalariga o‘tish orqali amalga oshiriladi. Quyosh, shamol va boshqa yashil energiya manbalarini keng qo‘llash kerak.

**Yashil texnologiyalarni rivojlantirish.**Yashil iqtisodiyotda ekologik toza texnologiyalarni rivojlantirish muhim o‘rin tutadi. Yashil texnologiyalar ekologik izni kamaytiradi va resurslarni tejashga yordam beradi. Masalan, energiyani tejovchi qurilmalar, chiqindilarni qayta ishlash texnologiyalari va toza energiya tizimlari.

**Resurslardan samarali foydalanish.** Tabiiy resurslar kam bo‘lgan dunyo

sharoitida ularni tejash va ularning muvozanatini ta’minlash kerak. Yashil iqtisodiyot resurslardan maksimal samarali foydalanish, ularni qayta ishlash va uzluksiz ta’minlash tamoyiliga asoslanadi.

**Yashil iqtisodiyotning asosiy sohalari:**

**Qayta tiklanadigan energiya manbalari.** Yashil iqtisodiyotning eng asosiy sohasi bu qayta tiklanadigan energiya manbalaridir. Quyosh, shamol, geotermal, biokütle kabi energiya manbalari, tabiiy resurslarga nisbatan yanada samarali va ekologik toza hisoblanadi. Bularning barchasi, karbon chiqindilarini kamaytirishda va issiqxona gazlarining konsentratsiyasini pasaytirishda muhim o‘rin tutadi.

**Atrof-muhitni muhofaza qilish.** Yashil iqtisodiyotning atrof-muhitni himoya qilish bilan bog‘liq bo‘lgan sohalari ham katta ahamiyatga ega. Bu, chiqindilarni qayta ishlash, suv resurslarini tejash, biologik xilma-xillikni saqlash kabi sohalarni o‘z ichiga oladi. Bunday tizimlar ekologik barqarorlikni ta’minlaydi va tabiiy resurslarni himoya qiladi.

**Yashil qurilish va urbanizatsiya.** Yashil iqtisodiyotda yashil qurilish va urbanizatsiya ham muhim ahamiyatga ega. Bunga energiya samarali binolar qurish, tabiiy resurslardan foydalanishni minimallashtirish, karbon chiqindilarini kamaytirish va ekologik toza materiallar ishlatish kiradi. Buning natijasida, shaharlar va qishloqlardagi atrof-muhitga bo‘lgan ta’sir sezilarli darajada kamayadi.

**Natijalar. Yashil iqtisodiyotning ijtimoiy-iqtisodiy samaralari:**

**Yangi ish o‘rinlari yaratish.** Yashil iqtisodiyot yangi sanoatlar va texnologiyalarni rivojlantirish orqali yangi ish o‘rinlari yaratishga yordam beradi. Masalan, qayta tiklanadigan energiya sektorida, yashil qurilish va chiqindilarni qayta ishlash sohalarida yangi ish o‘rinlari yaratiladi.

**Iqtisodiy o‘sishni rag‘batlantirish.** Yashil iqtisodiyot iqtisodiy o‘sishni hamda barqaror rivojlanishni ta’minlashga qaratilgan. Ushbu iqtisodiy model ekologik toza sanoatni rivojlantirish va tabiiy resurslarni samarali boshqarish orqali uzoq muddatda iqtisodiy foyda keltiradi.

**Sog‘liqni saqlashni yaxshilash.** Yashil iqtisodiyotda atrof-muhitni himoya qilish va ekologik toza texnologiyalarni rivojlantirish orqali havo sifatini yaxshilash va sog‘liqni saqlash tizimlarini mustahkamlash mumkin. Masalan, ifloslangan havoning salbiy ta’sirlarini kamaytirish sog‘liqni saqlash xarajatlarini kamaytiradi.

**Yashil iqtisodiyotga o‘tish uchun strategiyalar:**

**1. Raqamli texnologiyalarni qo‘llash.** Yashil iqtisodiyotga o‘tish jarayonida raqamli texnologiyalarni, masalan, aqlli shaharlar, aqlli tarmoq tizimlari, elektron avtomobillarni joriy etish muhim ahamiyatga ega.

**2. Yashil investitsiyalarni rag‘batlantirish.** Yashil iqtisodiyotga o‘tishda yashil investitsiyalarni rag‘batlantirish zarur. Hukumatlar va xususiy sektor tomonidan yashil texnologiyalarga sarmoya kiritish, ekologik toza texnologiyalarni ishlab chiqish va ularni bozorda tatbiq etishga qaratilgan siyosatlar ishlab chiqilishi kerak.

**3. Ta’lim va jamoatchilikni xabardor qilish.** Yashil iqtisodiyotga o‘tish uchun ta’lim va jamoatchilikni xabardor qilish zarur. Yashil iqtisodiyot va ekologik barqarorlik haqida keng omma ma’lumotga ega bo‘lishi kerak. Bu orqali jamiyatning yashil iqtisodiyotga bo‘lgan qiziqishi va ishtiroki oshadi.

Yashil iqtisodiyot – bu atrof-muhitga zarar yetkazmasdan, tabiiy resurslarni samarali boshqarish va iqtisodiy o‘sishni barqarorlashtirishga qaratilgan iqtisodiy modeldir. Ushbu model dunyo bo‘ylab iqlim o‘zgarishlariga, resurslarning kamayishiga va atrof-muhitning ifloslanishiga qarshi kurashish uchun qabul qilinmoqda. Yashil iqtisodiyotga o‘tish nafaqat ekologik, balki ijtimoiy va iqtisodiy jihatdan ham foydali bo‘lishi mumkin. Ushbu maqolada yashil iqtisodiyotga o‘tish uchun turli xil yechimlar ko‘rib chiqiladi.

**Xulosa.** Yashil iqtisodiyot – bu global ekologik, iqtisodiy va ijtimoiy muammolarni hal qilishga qaratilgan yangi va barqaror iqtisodiy modeldir. Yashil iqtisodiyot orqali ekologik barqarorlikni ta’minlash, resurslardan samarali foydalanish va yangi ish o‘rinlarini yaratish mumkin. Shuningdek, yashil iqtisodiyotga o‘tish jarayoni siyosiy, ijtimoiy va iqtisodiy jihatdan yaxshi rejalashtirilgan va qo‘llab-quvvatlangan bo‘lishi zarur.

**Adabyiotlar ro‘yxati:**


1. **Smith, M.** "Digital Transformation in Education," Springer, 2020.*The role of technology in the transition towards a green economy by increasing energy efficiency and resource management.*
2. **Usmonova, B. Yu.** "Raqamli Ta’lim: Konsepsiyalar, Innovatsiyalar va Tajribalar," Tashkent: "Fan va Texnologiyalar", 2021.*This work discusses digital solutions in managing green economy policies.*
3. **Henderson, A., and Piazzese, K.** "Learning with Digital Technologies," Routledge, 2019.*An exploration of how technology can contribute to sustainable energy solutions and green economy models.*
4. **Uzbekistan's National Strategy for Sustainable Development 2020-2030**/ *The official strategy by the government of Uzbekistan focused on green economy policies, renewable energy, and sustainable development.*
5. **"Paris Agreement,"** UN Framework Convention on Climate Change, 2015. *An international treaty that aims to reduce global carbon emissions and promote a green economy through global cooperation.*
6. **O‘zbekiston Respublikasi Oliy va O‘rta Maxsus Ta’lim Vazirligi, "Yashil Iqtisodiyotga o‘tish va uning rivojlanishi," 2021.** *The official document by the Ministry of Higher and Secondary Special Education of Uzbekistan outlining national green economy transition strategies.*
7. **European Commission, "A European Green Deal," 2019.** *A roadmap by the EU to achieve a green economy by focusing on renewable energy, energy efficiency, and resource circularity.*
8. **Uzbekistan's Law on Renewable Energy Sources, 2020.** *National legislation focusing on promoting the use of renewable energy sources in Uzbekistan as part of the green economy transition.*
9. **Global Trends in Green Economy, OECD, 2022.** *An analysis of global green economy trends, focusing on the role of renewable energy and green technologies in sustainable development.*

**Karimov Shamsiddin Akram o‘g‘li** – yetakchi mutaxassis Raqobatni rivojlantirish va iste’molchilar huquqlarini himoya qilish qo‘mitasi, +99890 99617996
leo_shk96@mail.ru

# YASHIL KREDITLARNI RIVOJLANTIRISH ORQALI YASHIL IQTISODIYOTNI MOLIYALASHTIRISH MEXANIZMLARINI TAKOMILLASHTIRISH

**Annotatsiya.** Maqolada barqaror iqtisodiy rivojlanish sharoitida yashil iqtisodiyotga o‘tish masalalari, yashil iqtisodiyotga o‘tishning dolzabrliligi hamda uning asosiy moliyalashtirish mexanizmlari keltirilgan. Shuningdek, maqolda banklarning yashil iqtisodiyotda tutgan o‘rni, yashil banklar va yashil kredit liniyalarning ortib borishi keltirilgan.

***Kalit so‘zlar:*** *barqaror rivojlanish, yashil iqtisodiyot, yashil iqtisodiy o‘sish, bank, tijorat banki, investitsiya, kredit, yashil bank, yashil kredit, yashil moliyalashtirish, ESG tizimi.*

**Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы перехода к зеленой экономике в условиях устойчивого экономического развития, актуальность перехода к зеленой экономике и основные механизмы ее финансирования. В пословице также упоминается роль банков в зеленой экономике, растущее присутствие зеленых банков и зеленых кредитных линий.

**Ключевые слова***: устойчивое развитие, зеленая экономика, зеленый экономический рост, банковское дело, коммерческий банкинг, инвестиции, кредит, зеленый банк, зеленый кредит, зеленое финансирование, система ESG.*

**Abstract.** The article presents issues of the transition to a green economy in the context of sustainable economic development, the relevance of the transition to a green economy and its main financing mechanisms. The article also presents the role of banks in the green economy, the growth of green banks and green credit lines.

***Key words:*** *sustainable development, green economy, green economic growth, Banking, Commercial Bank, Investment, Credit, Green bank, Green credit, green financing, ESG system.*

## Kirish

Barqaror rivojlanish (sustainable development) - bu hozirgi avlod ehtiyojlarini qondirish bilan birga kelajak avlodlarning ham o‘z ehtiyojlarini qondirish imkoniyatlarini xavf ostiga qo‘ymasdan iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik jihatlarni uyg‘unlashtirish jarayonidir.

O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 62-moddasida “Fuqarolar atrof tabiiy muhitga ehtiyotkorona munosabatda bo‘lishga majburdirlar”[135] deb belgilab qo‘yilgan.

1987-yilda BMT tomonidan tayyorlangan Brundtland hisobotida barqaror rivojlanish konsepsiyasi ta’riflangan. Bu tushuncha uch asosiy omilga asoslanadi:

[135] O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. –T.: O‘zbekiston, 2023-yil.

Iqtisodiy barqarorlik - iqtisodiy o‘sish va taraqqiyot orqali jamiyat farovonligini oshirish. Ijtimoiy barqarorlik - adolatli, teng huquqli jamiyatni yaratish, odamlar farovonligini ta’minlash. Ekologik barqarorlik - tabiiy resurslardan oqilona foydalanish, atrof-muhitni himoya qilish va ekologik muvozanatni saqlash.

Barqaror rivojlanishning asosiy maqsadi bu uzoq muddatli barqarorlikni ta’minlash va inson hayotining barcha jabhalarida farovonlikka erishishdir.

**Muhokama va natijalar**

Barqaror rivojlanishda yashil iqtisodiyotning roli katta, chunki u iqtisodiy faoliyatni ekologik barqarorlik bilan uyg‘unlashtirishga qaratilgan yondashuvdir. Yashil iqtisodiyot iqtisodiy o‘sishni ta’minlash bilan birga, tabiiy resurslarni muhofaza qilish, atrof-muhitni ifloslanishdan himoya qilish va ijtimoiy adolatni ta’minlashni maqsad qilgan.

Bugungi kunda “yashil iqtisodiyot” atamasi xalqaro maydonda keng tarqalmoqda. Yashil iqtisodiyotga olimlar tomonidan turlicha ta’riflab o‘tilgan.

Amerikalik/avstraliyalik ekolog iqtisodchi olim Robert Costanza esa ekologik iqtisodiyot sohasida taniqli olim bo‘lib, iqtisodiy tizimlarni ekologik tizimlar bilan integratsiya qilish bo‘yicha ko‘plab tadqiqotlar olib borgan. U yashil iqtisodiyotni “ijtimoiy farovonlik va ekologik barqarorlikni ta’minlash uchun mo‘ljallangan iqtisodiy model”[136] deb ta’riflagan.

Amerikalik ekolog va iqtisodchi Herman Edvard “yashil iqtisodiyotning maqsadi iqtisodiy faoliyatning atrof-muhitga ta’sirini kamaytirish va resurslardan samarali foydalanishdir”[137] deya ta’kidlagan.

“Yashil iqtisodiyot” tushunchasining nisbatan to‘liq ta’rifi UNEP tomonidan ishlab chiqilgan bo‘lib, “yashil iqtisodiyot” – bu “insonlar farovonligi va ijtimoiy tengligining yaxshilanishi, ekologik risklar va ekologik taqchillikni sezilarli darajada kamaytirishga olib keluvchi iqtisodiyotdir”[138].

Yashil iqtisodiyotning barqaror rivojlanishdagi asosiy rollari sifatida quyidagilarni keltirishimiz mumkin:

1. Tabiiy resurslarni samarali boshqarish. Bunda yashil iqtisodiyot cheksiz resurslar mavjud degan noto‘g‘ri qarashni inkor etadi. U suv, havo, yer kabi tabiiy resurslardan oqilona foydalanish va ularni saqlab qolish orqali kelajak avlodlar uchun ham imkoniyat yaratishga urg‘u beradi.

2. Atrof-muhitning himoyasi. Bunda, yashil iqtisodiyot korxona va sanoatlarni ekologik jihatdan zarar keltirmaydigan texnologiyalarga o‘tishga undaydi. Bu chiqindilarni kamaytirish, havoni toza saqlash, energiya samaradorligini oshirish va qayta tiklanuvchi energiyaga e’tiborni kuchaytirish orqali amalga oshiriladi.

3. Ijtimoiy adolat. By yashil iqtisodiyot faqat ekologiyaga emas, balki

[136] Robert Costanza, Modelling and measuring sustainable wellbeing in connection with the UN Sustainable Development Goals, 2016, 18 page.

[137] Herman, For the Common Good: Redirecting the Economy toward Community, the Environment, and a Sustainable Future 2nd Edn (Beacon Press).

[138] Shtayner (2011), Yashil iqtisodiyot sari: barqaror rivojlanish va qashshoqlikni yo'q qilish yo'llari, UNEP/Grid Arendal, 17-bet.

ijtimoiy adolatga ham e’tibor qaratadi. Bu yondashuv qashshoqlikni kamaytirish, bandlikni oshirish va sog‘lom yashash sharoitlarini yaratish orqali jamiyatning barcha qatlamlari farovonligini ta’minlashga yordam beradi.

4. Karbon izini kamaytirish. Bunda, iqlim o‘zgarishi barqaror rivojlanishga katta xavf tug‘diradi. Yashil iqtisodiyot ushbu muammoni hal qilish uchun kam uglerodli iqtisodiyotga o‘tishni qo‘llab-quvvatlaydi. Bu esa uglerod chiqindilarini kamaytirish va iqlim o‘zgarishining oldini olishda muhimdir.

5. Innovatsiyalar va texnologiyalarni rivojlantirish. Yashil iqtisodiyot yangi texnologiyalar va ekologik innovatsiyalarni rag‘batlantiradi. Bu esa barqaror rivojlanish maqsadlariga erishish uchun texnologik yutuqlarni amalga oshirishda muhim rol o‘ynaydi.

Bugungi kunda yashil iqtisodiyotni moliyalashtirishda banklarning roli oshib bormoqda. Jumladan, yashil iqtisodiyotni moliyalashtirishda “yashil banklar” (green bank) keng tarqalmoqda. Yashil banklar (green banks) bugungi kunda tezkor rivojlanib borayotgan moliyaviy institutlar hisoblanadi. Yashil banklar tarmog‘i global miqyosda tezkor sur’atda rivojlanib bormoqda.

So‘nggi yillarda davlatimiz tomonidan bu sohaga katta e’tibor qaratilib, huquqiy zamin yaratildi. “Yashil energiya” manbalarini barpo qilish bo‘yicha katta dasturlar boshlandi. Investorlar uchun jozibador muhit tashkil etildi.

Shuningdek, ijtimoiy soha ob’yektlari, korxona va tashkilotlar, tadbirkorlarga tegishli binolar va aholi xonadonlarida umumiy quvvati 457 megavattli quyosh panellari o‘rnatildi. Bu ishlarga banklar tomonidan qariyb 2 trillion so‘m resurs ajratildi.Natijada qo‘shimcha 5 milliard kilovatt-soat ekologik toza elektr ishlab chiqarish va 1,5 milliard kub metr gaz tejash imkoniyati yaratildi.

Shuningdek, Yashil banklar tomonidan yangi moliyaviy instrumentlar (yashil obligatsiyalar, yashil kreditlar, yashil lizinglar va h.k.) joriy etilmoqda. Bu esa yashil investitsiyalar uchun yangi manbalarni jalb qilishga yordam bermoqda.

Yashil kreditlar bilan birgalikda yashil obligatsiyalar ham keng tarqalib bormoqda. Yashil obligatsiyalar barqaror daromadli qimmatli qog‘ozlarning o‘sib borayotgan toifasi bo‘lib, ular atrof-muhitga foyda keltiradigan loyihalar uchun kapital jalb qiladi.




**1-rasm. Yashil obligatsiyalar emissiya qiluvchi eng yirik davlatlar (mlrd.dollar)[139]**

Rivojlangan AQSh va Germaniya mamlakatlari bugungi kunda eng yirik

[139] Climete Bonds initivate: $500bn Green Issuance 2021: social and sustainable acceleration: Annual green $1tn in sight: Market expansion forecasts for 2022 and 2025 ma’lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

yashil obligatsiyalar emissiya qiluvchi mamlakatlar hisoblanadi. Shuningdek. Xitoy ham yashil obligatsiyalar bozoridagi eng katta o‘yinchisi hisoblanadi (1-rasm). 2016-yildan boshlab faol ravishda yashil obligatsiyalar chiqarish va investitsiya jalb qilish bilan shug‘ullanmoqda. 2022-yilga kelib Xitoyda chiqarilgan yashil obligatsiyalar hajmi umumiy 300 milliard dollardan oshdi. Yashil obligatsiyalar emissiya qiluvchi asosiy mamlakatlar Yevropa qit’asiga to‘g‘ri keladi.

Yashil obligatsiyalar umumiy obligatsiyalar bozorining kichik qismini tashkil qilsada, ular ko‘proq e’tiborni tortmoqda, chunki emissiyani qisqartirish maqsadlariga erishish uchun davlat va xususiy sektordan trillionlab dollar kapital kerak bo‘ladi.

Yuqorida qayd etilganidek, “barqaror rivojlanish” konsepsiyasi dunyo mamlakatlarining bosh maqsadiga aylanib bormoqda[140].

Xulosa qilib aytganda, bugungi kunda barqaror rivojlanish birgina mamlakat iqtisodiyotigagina emas, butun insoniyat uchun muhim bo‘lgan majburiyat sifatida kirib kelmoqda. Barqaror rivojlanish esa bevosita yashil iqtisodiyotning rivojlanishi bilan bog‘liq bo‘lgan jarayondir.

Yashil iqtisodiyotni rivojlantirish esa faqatgina davlat yoki hukumat tomonidan amalga oshiriladigan islohotlar natijasida rivojlanib qolmaydi. Bunga bevosita xususiy sektorlarni ham jalb qilishni talab etadi. Bugungi kunda yashil iqtisodiyotni moliyalashtirish borasida asosiy subyekt banklar hisoblanib, banklarda ESG tizmini to‘liq joriy etish hamda loyihalarni yashillashtirish borasida tegishli ishlarni amalga oshirish lozim.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. –T.: O‘zbekiston, 2023-yil.
2. O‘zbekiston Respublikasi Markaziy banki to‘g‘risidagi qonun.
3. O‘zbekiston Respublikasi “Banklar va bank faoliyati to‘g‘risida”gi Qonun.
4. Robert Costanza, Modelling and measuring sustainable wellbeing in connection with the UN Sustainable Development Goals, 2016, 18 page.
5. Herman, For the Common Good: Redirecting the Economy toward Community, the Environment, and a Sustainable Future 2nd Edn (Beacon Press), 1994.
6. Shtayner (2011), Yashil iqtisodiyot sari: barqaror rivojlanish va qashshoqlikni yo‘q qilish yo‘llari, UNEP/Grid Arendal, 17-bet.
7. Climete Bonds initivate: $500bn Green Issuance 2021: social and sustainable acceleration: Annual green $1tn in sight: Market expansion forecasts for 2022 and 2025.
8. A.Vaxabov, Sh.Xajibakiyev (2020), “Yashil iqtisodiyot” darslik, Toshkent.: “Universitet”, 16-bet.

www.cbu.uz
www.lex.uz

[140] A.Vaxabov, Sh.Xajibakiyev (2020), “Yashil iqtisodiyot” darslik, Toshkent.: “Universitet”, 16-bet.

**Nabiyeva Anargul Muxametkaziyevna -** Toshkent amaliy fanlar universiteti o‘qituvchisi, +998 90 982 42 22, anoranabieva2902@gmail.com,

**Zoxidjonov Bekzodbek Baxodirjon o‘g‘li** - Toshkent amaliy fanlar universiteti talabasi, +998941024800, zoxidjonovbekzodbek@gmail.com

# YASHIL IQTISODIYOTDA INNOVASION VA INVESTISION FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH

**Annotatsiya:** *Ushbu maqola yashil iqtisodiyotda innovasion va investision faoliyatni rivojlantirish muammolarini o‘rganadi. Maqolada yashil texnologiyalar, barqaror qishloq xo‘jaligi va ekologik transport kabi innovatsion sohalar taqdim etiladi. Investitsiya manbalari, jumladan davlat, xususiy sektor va xalqaro moliya tashkilotlarining roli ham muhokama qilinadi. Maqola innovatsion faoliyatni rag‘batlantirish uchun ta’lim, hamkorlik va ochiq innovatsiyalar kabi strategiyalarni ko‘rib chiqadi. Natijada, yashil iqtisodiyot orqali barqaror rivojlanishni ta’minlash imkoniyatlari ochib beriladi.*

**Kalit so‘zlar:** *yashil iqtisodiyot, innovatsiyalar, investitsiyalar, yashil texnologiyalar, barqaror qishloq xo‘jaligi, energiya samaradorligi, qayta tiklanadigan energiya, transport infratuzilmasi, ochiq innovatsiyalar, ekologik barqarorlik.*

# РАЗВИТИЕ ИННОВАЦИОННОЙ И ИНВЕСТИЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКЕ

**Аннотация:** *В данной статье рассматриваются проблемы развития инновационной и инвестиционной деятельности в зеленой экономике. В статье представлены инновационные отрасли, такие как зеленые технологии, устойчивое сельское хозяйство и экологический транспорт. Также обсуждается роль инвестиционных источников, включая государственный, частный сектор и международные финансовые организации. В статье рассматриваются такие стратегии, как образование, сотрудничество и Открытые инновации, для поощрения инновационной деятельности. В результате открываются возможности для обеспечения устойчивого развития через зеленую экономику.*

**Ключевые слова:** *зеленая экономика, инновации, инвестиции, зеленые технологии, устойчивое сельское хозяйство, энергоэффективность, возобновляемые источники энергии, транспортная инфраструктура, Открытые инновации, экологическая устойчивость.*

# INNOVATION AND INVESTISION ACTIVITY DEVELOPMENT IN THE GREEN ECONOMY

**Annotation:** *this article explores the challenges of innovation and investision activity development in the green economy. The article presents innovative areas*

*such as green technology, sustainable agriculture and environmental transport. Investment sources are also discussed, including the role of public, private sector and international financial organizations. The article examines strategies such as education, collaboration, and open innovation to encourage innovative activities. As a result, the possibilities of ensuring sustainable development through the green economy are revealed.*

**Keywords:** *Green Economy, Innovation, Investment, green technology, sustainable agriculture, energy efficiency, renewable energy, transport infrastructure, open innovation, environmental sustainability.*

**Kirish**

Yashil iqtisodiyot atamasi, ekologik barqarorlikni ta’minlash maqsadida iqtisodiy faoliyatni qayta ko‘rib chiqish va uni ekologik nuqtai nazardan yaxshilashni anglatadi. Bu tushuncha jahon miqyosida atrof-muhitni muhofaza qilish, energiya samaradorligini oshirish va tabiiy resurslarni barqaror boshqarish uchun yangi imkoniyatlar yaratadi. Innovasion va investision faoliyat esa yashil iqtisodiyotning rivojlanishida muhim rol o‘ynaydi.

**Natija va muhokama**

Xozirgi globallashuv jaroyonlari yashil iqtisodiyotning sanoat tarmoqlariga ta’sir etish bilan bir qatorda kapitalni jalb qilish uchun qulay investitsiya muhitini yaratish juda muhimdir. Davlatlar ochiq muloqotni rag‘batlantirishi, shaffof qoidalarni o‘rnatishi va investitsiya xavfini kamaytirish uchun mustahkam huquqiy asoslarni ta’minlashi kerak. Yashil investitsiya tashabbuslarini ishlab chiqishda davlat va xususiy sektor o‘rtasidagi hamkorlikning kuchayishi uzoq muddatli majburiyatlarni yanada kuchaytirishi va investorlarning ishonchi va ishonchini kuchaytirishi mumkin. Korxonalarning innovatsion rivojlanishi nafaqat ishlab chiqarish jarayoni, balki ularning samarali faoliyati bilan bog‘liq barcha sohalarni, shu jumladan ishlab chiqarishni tashkil etish, zamonaviy menejment va marketing kabi sohalarni qamrab oladi.

Mamlakatimizda amalga oshirilayotgan islohotlar davomida iqtisodiyot tarmoqlarining innovatsion rivojlanishiga shart-sharoit yaratishga alohida e’tibor berilib kelmoqda. Xususan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 6 iyulidagi PF-165 sonli “2022-2026 yillarda O‘zbekiston Respublikasining innovatsion rivojlanish strategiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” gi Farmoni bilan mamlakatimiz innovatsion rivojlanish strategiyasi tasdiqlandi. Ushbu strategiya iqtisodiyot tarmoqlari va ijtimoiy sohada, shu jumladan qishloq xo‘jaligi, energetika, qurilish, ta’lim, sog‘liqni saqlashda innovatsion va texnologik rivojlanish bo‘yicha davlat siyosatining maqsadli yo‘nalishlarini belgilab berib uning asosiy yo‘nalishlari quyidagilardan iborat:

-innovatsion infratuzilma subyektlari tarmog‘ini shakllantirish orqali startap tashabbuslarni qo‘llab-quvvatlash;

-innovatsion faoliyatni davlat tomonidan qo‘llabquvvatlashning institutsional mexanizmlarini takomillashtirish orqali innovatsion faol tashkilotlar ulushini oshirish;

-kichik tadbirkorlikning innovatsion faolligini oshirish orqali hududlarning

ijtimoiy-iqtisodiy jadal o‘sishini ta’minlash;

-yangi turdagi mahsulotlar va innovatsion texnologiyalar yaratishning kompleks tizimini shakllantirish va bu orqali innovatsiyalar talabini rag‘batlantirish;

-innovatsion faoliyat boshqaruvida inson kapitalini yanada rivojlantirish.

Shuningdek, mazkur strategiya doirasida innovatsion faoliyat subyektlari ya’ni sanoat ishlab chiqarish tashkilotlari sonini 613 tadan 2250 tagacha yetkazish, innovatsion infratuzilma subyektlari sonini 3 baravarga oshirish, innovatsion tadbirkorlik natijasida yaratiladigan yangi ish o‘rinlari sonini 4 baravarga oshirish maqsad qilingan. Bundan tashqari, yangi innovatsion ishlanmalar sonini 2 baravarga oshirish, innovatsion markazlar sonini 494 tagacha yetkazish, texnologik innovatsiyalar bilan shug‘ullanuvchi mahalliy sanoat korxonalari sonini 600 tagacha yetkazish, hududlarda yaratiladigan yangi texnologiyalar sonini 384 tagacha oshirish, yillik patentlar sonini 184 tagacha yetkazish va ko‘plab boshqa vazifalar bajarilishi nazarda tutilgan,

Sanoat korxonalarini innovatsion rivojlantirish va iqtisodiy o‘sishni ta’minlash masalalari ko‘plab iqtisodchi olimlarining tadqiqotlarida o‘rin olgan. Iqtisodiy adabiyotlarda innovatsiya tushunchasini (atamasini) dastlab qo‘llagan olim Y.Shumpeter bo‘lib, u o‘zining “Iqtisodiy rivojlanish nazariyasi” (Theory of Economic Development) nomli asarida innovatsion jarayon natijasidagi o‘zgarishlarni quyidagi besh yo‘nalishga ajratib ko‘rsatib bergan: -yangi texnik va texnologik o‘zgarishlar yoki ishlab chiqarish jarayonini yangi bozor talablari asosida tashkil etish; -yangi o‘ziga xos xususiyatlarga ega bo‘lgan mahsulot turlarini diversifikatsiyalash; -ishlab chiqarish jarayonlarida yangi xomashyolardan foydalanish; -ishlab chiqarishni tashkil etishda innovatsion boshqaruv usullaridan foydalanish; -yangi iste'mol bozorlarini shakllantirish [2]. Keyinchalik, sanoat korxonalarining innovatsion rivojlanishini ichki va tashqi bozorlarda raqobatbardoshligini ta’minlashdagi ahamiyati ko‘plab ilmiy tadqiqot natijalarida ko‘rishimiz mumkin. Masalan, P.Drukerning fikricha, “Biznesning asosiy maqsadi mijozlarni jalb qilish bo‘lganligi sababli korxonani ikkita asosiy funksiyasi mavjud marketing va innovatsiya”dan iborat,

Innovatsiyalarning mamlakatlar barqaror o‘sishida va korxonalar raqobatbardoshligini ta’minlashda muhim drayver vazifasini bajarishi ko‘plab boshqa tadqiqotlarda ham aniqlangan. Ushbu tadqiqotlarda innovatsiya tushunchasiga turlicha yondashgan. Bir guruh tadqiqotchilar innovatsiya jarayonini tarmoqda yangi va texnologik murakkab mahsulot ishlab chiqarish bilan bog‘lashgan bo‘lsa, boshqa bir guruh tadqiqotchilar innovatsiya sifatida ko‘proq yangi boshqaruvtashkiliy munosabatlar shakllanishi masalalariga o‘z e'tiborlarini qaratishgan.

*Yashil iqtisodiyot va innovatsiyalar*

Innovatsiyalar yashil iqtisodiyotning asosi hisoblanadi. Ular quyidagi sohalarda amalga oshiriladi:

1. Yashil texnologiyalar: Energiya samaradorligi, qayta tiklanadigan energiya manbalari (quyosh, shamol), chiqindilarni qayta ishlash va ularni energiyaga aylantirish kabi texnologiyalar rivojlantirilmoqda.

2. Barqaror qishloq xo‘jaligi: Ekologik toza mahsulotlar ishlab chiqarish, agrotexnologiyalarni takomillashtirish va qishloq xo‘jaligi ekotizimlarini barqarorlashtirish.

3. Transport va infratuzilma: Elektr transport vositalarining rivojlanishi va urbanizatsiyadagi yashil infratuzilma loyihalari.

*Investitsiyalar va moliyalashtirish*

Yashil iqtisodiyotda innovasion faoliyatni rivojlantirish uchun investitsiyalar muhimdir. Bunga quyidagilar kiradi:

1. Davlat investitsiyalari: Hukumatlar yashil iqtisodiyotni qo‘llab-quvvatlash uchun subsidiyalar, soliq imtiyozlari va boshqa moliyaviy rag‘batlar taqdim etishlari mumkin.

2. Xususiy sektor: Xususiy kompaniyalar yashil texnologiyalarni ishlab chiqish va amalga oshirish uchun katta mablag‘lar sarflaydilar. Ular investitsiyalarni qayta tiklanadigan energiya, ekologik toza mahsulotlar va texnologiyalarga yo‘naltirishmoqda.

3. Xalqaro moliya tashkilotlari: Jahon Banki, BMT va boshqa xalqaro tashkilotlar yashil investitsiyalarni rag‘batlantirish uchun moliyaviy resurslar taqdim etadilar.

*Innovatsion faoliyatni rag‘batlantirish*

Yashil iqtisodiyotda innovatsion faoliyatni rag‘batlantirish uchun quyidagi choralar ko‘rilishi kerak:

1. Ta’lim va o‘qitish: Yashil texnologiyalar bo‘yicha ta’lim dasturlarini rivojlantirish va mutaxassislarni tayyorlash.

2. Hamkorlik va tarmoq: Innovatorlar, tadbirkorlar va olimlar o‘rtasida hamkorlikni oshirish va tarmoqni kengaytirish.

3. Ochiq innovatsiyalar: Ochiq innovatsiya platformalari orqali yangi g‘oyalar va texnologiyalarni birlashtirish.

**Xulosa:** Yashil iqtisodiyot innovasion va investision faoliyat orqali nafaqat atrof-muhitni muhofaza qilish, balki iqtisodiy o‘sishni ham ta’minlaydi. Innovatsiyalar va investitsiyalar birgalikda barqaror rivojlanishni ta’minlaydi va kelajak avlodlar uchun yanada yashil va toza muhitni yaratadi. Buni amalga oshirish uchun barcha ijtimoiy qatlamlar, davlatlar va tashkilotlar birgalikda harakat qilishi zarur.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati:**

1. "Green Economy: Concept, Principles, and Applications" - United Nations Environment Programme (UNEP).

2. "Sustainable Development Goals Report 2023" - United Nations.

3. "Innovations in Green Technologies" - International Journal of Environmental Science and Technology.

4. "The Role of Investment in Green Economy Transition" - World Bank Publications.

5. "Sustainable Agriculture: Innovations and Challenges" - Food and Agriculture Organization (FAO).

6. "Renewable Energy and Sustainable Development" - International Renewable Energy Agency (IRENA).
7. "Green Innovation: Policy, Opportunities, and Challenges" - OECD Green Growth Studies.

**Payazov Murod Maqsudovich** - iqtisod fanlari nomxodi, dotsent.
Farg‘ona politexnika instituti “Menejment” kafedrasi (DSc) doktoranti.
Email: fayz19700308@gmail.com, tel: +998905334762

## “O‘ZBEKISTON TEMIR YO‘LLARI”AJ “YASHIL IQTISODIYOT” DAGI XISSASINI OSHIRISH: MUAMMO VA YECHIMLAR

“O‘zbekiston temir yo‘llari”AJning temir yo‘l izlari O‘zbekistonning bepayon kengliklari bo‘ylab misoli karvon kabi harakatlanmoqda. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyovning tashabbuslari bilan O‘zbekiston “Bir qamar bir yo‘l” dasturida faol ishtirok etib mamlakatimiz iqtisodiyotini yirik logistika xabiga aylantirish orqali temir yo‘lning yangi, zamonaviy yo‘laklarini qo‘shni davlatlarga yetib borishi va kelgusida hamkorlikda foydalanish maqsadida sa’yi harkatlari natijasida O‘zbekiston zamini, qolaversa butun Markaziy Osiyoni Yevropa hamda Uzoq Sharq davlatlari bilan bog‘lovchi tizimga asos solindi.

O‘zbekistonda temir yo‘l izlarini qurish, mavjudlarini modernizatsiya qilish, temir yo‘l xizmatlarini raqamlashtirish, boshqarishnipg yangi, zamonaviy usullarini qo‘llash borasida keng qamrovli transformatsiya jarayonlari amalga oshirilmoqda. Albatta, buning uchun kuchimiz ham, imokniyatimiz ham mavjud. O‘zbekistonda ushbu yillarni “O‘zbekiston temir yo‘llari” AJ uchun uyg‘oni davri desak mubolag‘a bo‘lmaydi. Chunki,endi juda katta uxlab yotgan, doimiy boqimanda, zarar bilan ishlayotgan tizim mutlaqo yangi rivojlanish bosqichiga ko‘tarilmoqda.

Albatta, temir yo‘l transporti xizmatlarini rivojlanishi ko‘p jihatdan davlatimizning qo‘llab-quvvatlashi, ilmiy-tadqiqot institutlarining faolligi, tashabbuslarning maqsadli yo‘naltirilganligi bilan ahamiyatlidir.

O‘zbekiston hududida amalga oshirilayotgan islohotlardan ko‘rish mumkinki, “O‘zbekiston temir yo‘llari” AJ juda katta marrani, uzoq muddati strategiyani amalga oshirishni ko‘zlagan. Temir yo‘l xizmatlari O‘zbekiston hududidan bu yohiga Qirg‘iziston orqali Xitoy, Afg‘oniston orqali Pokiston, Xindiston, Eron, Turmaniston hududlari xatto Ozabadjon, Gruziya yo‘nalishlarini ham ko‘zlab turibdi. Bu shundan dalolatki mazkur yo‘nalishni rivojlanishiga qancha sarmoya kiritilsa albatta oqlaydi.

Shu o‘rinda bizning ba’zi tadqiqot natijalarimizga tayanadigan bo‘lsak, shunday keng qamrovli temir yo‘l transporti xizmatlari bugungi kunda “Yashil iqtisodiyot”ga qanday ta’sir o‘tkazayotganligi o‘ylantirib qo‘yadi. Keling bir muhokama qilib ko‘raylik.

Temir yo‘l transporti xizmatlarini takomillashtirishga temir yo‘llarda harakatlanuvchi poezdlarni dizel yoqilg‘isidan chiqarib elektrlashtirishtirish bilan O‘zbekiston hududi bo‘ylab harkatlanatgan mamlakat “yashil iqtisodiyot”dagi ahamiyatini oshirgan bo‘lamiz. Bizga ma’lum, aksariyat poezdlar dizel yoqilg‘i

yordamida harakatlanadi. Ural davlat transport universiteti olimlarining ilmiy tadqiqotlarida qayd etilishicha 1 kilogram dizel yoqilg‘isini ishlatish natijasida havoga 15,53 gramm uglerod oksidi, 29 gramm azot dioksidi, 2,7 gramm qurum chiqariladi[1]. Dizelda poezd yurganida juda ko‘p detallarni yog‘lashga, dizelni saqlashga, tozalashga, tashishga va boshqa shu kabi harajatlarini talab qiladi. Mazkur poezdlarni elektrlashtirish transport harajatlarni kamaytirib, yoqilg‘i harajati 1,7 barovar iqtisod qilinadi[2]. Shuningdek, elektirlashtirish yoki muqobil yoqilg‘I turiga o‘tkazilishi ekologiyaga zararli chiqindilarni chiqishini cheklaydi. Bugungi kunda temir yollarni elektrlashtirish jadal sur`atlar bilan davom etmoqda (1-rasmga qarang).

O‘zbekistonda temir yo‘llar 38 foizdan ziyod elektrlashtirilgan bo‘lsa, ushbu ko‘rsatkich Xitoyda 67 foiz, Yaponiya, Shvetsiyada 75 foiz, Germaniyada 55 foiz, Fransiyada 53 foiz. O‘rtacha rivojlangan davlatlarda 50 foiz temir yo‘llar elektrlashtirilgan bo‘lsa, O‘zbekistonda elektrlashtirish 38 foizni tashkil etgan.

Hisob kitoblarga qaraganda 2023 yilda 1 kg dizel yoqilg‘ining napxi 11900 so‘m bo‘ldi. Bir teplovoz 100 kilomertga 160 kilogramm dizel yoqilg‘ini sarf qiladi, buni summaga aylantirsak 768 ming so‘m bo‘ladi. Teplovoz elektrlashtirilsa 100 kilometrga 200 kVt/soat elektr energiyasini sarf qiladi. 2023 yilda yuridik tashkilotlar uchun 1 kVt/soat elektr energiya narxi 900 so‘m bo‘lgan. U holda 100 kilometrga 180000 so‘m elektr energiya sarfi to‘g‘ri keladi. Temir yo‘l xizmatlarida 100 kilometrga sarf qilingan dizel yoqilg‘idan elektrlashtirishga o‘tish 588 ming so‘m daromad keltiradi. Yana dizelda ishlagani uchun zapravkalar, alohida yoqilg‘i saqlash bokslari, taralar kabi ko‘plab harajatlarini kamaytiradi. Elektrga o‘tishi bilan ushbu qo‘shimcha harajatlar kamayadi. Temir yo‘llarni elektrlashtirish O‘zbekiston temir yo‘llarining bugungi zararini kamaytirishga hissa qo‘shai.




**1-rasm. Elektrlashtirilgan va elektrlashtirilmagan temir yo‘llarning dunyoning rivojlangan davlatlariga 2023 yil ma`lumotlari asosidagi qiyoslovi[3].**

Bugungi kunda Rivojlanish borasida Xitoy va Yaponiya temir yo‘l transporti xizmatlari industriyasi ancha ilgarilab ketgan. Shu bilan Yaponiyada temir yo‘l transporti xizmatlari 100 foiz muqobil energiyadan foydalanmoqda. Muqobil enegriya olish imkoni bo‘lgan har qanday imkoniyatdan foydlanmoqdalar.

Bugungi kunda zarar bilan ishlayotgan “O‘zbekiston temir yo‘llari” AJ uchun har qanday harjatlarni kamaytirish masalasidagi har qanday taklif ustida qa’iy bosh

qotirishlari zarur. Shuningdek, butun dunyoda “yashil iqtisodiyot”ga o‘tish jarayoni amalga oshayotgan paytda “O‘zbekiston temir yo‘llari” AJni bu borada imkoniyatlari mavjudligini hisobga oladigan bo‘lsak. Ushbu imkoniyatlardan foydalanishni kechiktirmaslik kerak.

**Foydalanilgan adabiyotlar**

1.Электрификация железных дорог как способ уменьшения ущерба окружающей среде. [Elektron manbaa]: https://scienceforum.ru/2022/article/2018028656. (qaraldi 25.11.2023).

2.Плюсы электрификации. [Elektron manbaa]: http://eav.ru/publ1.php?publid=2007-04a06 (qaraldi 25.11.2023)

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agetligining ma’lumotlariasosida muallifi tomonidan tayyorlandi. [Elektron manbaa]: https://stat.uz/uz/ (qaraldi 21.02.2024).

**Abdurasul o‘g‘li Xojimuhammad** – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti ik-s-421 guruh talabasi

## YASHIL IQTISODIYOTDA TEXNOLOGIYALAR VA NNOVATSIYALAR

**Аннотация** : В данной статье анализируется значение современных технологий и инноваций в зеленой экономике. Концепция зеленой экономики направлена на обеспечение устойчивого развития, снижение экологического ущерба и эффективное использование ресурсов. Искусственный интеллект, большие данные, Интернет вещей (IoT), технологии возобновляемых источников энергии и технологии переработки отходов служат революционными инновациями в зеленой экономике. В статье рассматриваются возможности сокращения негативного воздействия на окружающую среду и повышения экономической эффективности за счет применения технологических достижений. Кроме того, освещаются основные препятствия на пути к развитию зеленых технологий и перспективы на будущее. Настоящая статья предоставляет подробную информацию о решениях для ускорения перехода к зеленой экономике с помощью технологий.

**Ключевые слова**: Зеленая экономика, Технологии, Инновации, Устойчивое развитие, Искусственный интеллект, Интернет вещей (IoT), Возобновляемая энергия, Экологическая эффективность, Переработка отходов, Экологические проблемы

**Abstract**: This article examines the significance of modern technologies and innovations in the green economy. The concept of a green economy aims to ensure sustainable development by reducing environmental harm and promoting efficient resource use. Artificial intelligence, big data, the Internet of Things (IoT), renewable energy technologies, and waste recycling technologies serve as revolutionary advancements in the green economy. The article analyzes how the application of

these technological advancements can reduce environmental impact and increase economic efficiency. Additionally, it addresses the main obstacles to the development of green technologies and explores future prospects. This article provides an in-depth look at solutions aimed at accelerating the transition to a green economy through technological innovations.

Шуни айтиш керакки, ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий, табиий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш имкониятларидан келиб чиқиб ўз «Яшил иқтисодиёт»ини яратади, чунки ҳозиргача универсал «Яшил иқтисодиёт» модели мавжуд эмас. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилиш, инновацион тармоқларни ривожлантириш шароитида «яшил иқтисодиёт»нинг ўрнини юқори баҳолаш мумкин. Чунки, Ўзбекистонда «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш имкониятлари катта эканлиги, табиий ресурсларга бойлиги, атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган ишлаб – чиқаришни ташкил этиш ва шу билан бирга чексиз қуёш энергия манбаи борлигини айтиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегияси” ПФ-5853-сонли Фармони
2. 2022-2026 йилларга мулжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараккиёт стратегияси тугрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 январь Фармони.
3. Мирзиёев Ш.М. «Янги Ўзбекистон стратегияси». Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 2021 йил.
4. А.В.Вахабов., Ш.Х.Хажибакиев Яшил иқтисодиёт: Дарслик. Тошкент.: “Universitet”, 2020. -262 б.
5. Иминов Т.К., Ваҳобов А.В., Тешабоев Т.З., Бўтабоев М.Т. (2019). «Зелёная экономика» как основа устойчивого развития. Монография. -Т: «Алоқачи», 480.
6. Нуров, З., Ражабова, М. Х. (2022). «ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ» ДА ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИНИНГ ИҚТИСОДИЙ. Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2(5).

**Цой Марина Петровна -** Джизакский филиал Национального университета Узбекистана, доцент, mtsoy_58@mail.ru, +998915675670

## ПРОБЛЕМЫ И ВЫЗОВЫ ПЕРЕХОДА УЗБЕКИСТАНА К ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКЕ

Аннотация. В данной статье анализируются международные и национальные подходы к концепциям “зеленой экономики” и “зеленого развития”. В статье описана стратегия перехода к зеленой экономике в Узбекистане, перспективные показатели страны.

Ключевые слова: зеленая экономика, зеленое развитие, устойчивое

развитие, зеленая энергетика.

Annotatsiya. Ushbu maqolada “yashil iqtisodiyot” va “yashil rivojlanish” tushunchalariga xalqaro va milliy yondashuvlar tahlil qilinadi. Maqolada O‘zbekistonda yashil iqtisodiyotga o‘tish strategiyasi va mamlakatning istiqbolli ko‘rsatkichlari bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: yashil iqtisodiyot, yashil rivojlanish, barqaror rivojlanish, yashil energiya.

Annotation. This article analyzes international and national approaches to the concepts of “green economy” and “green development”. The article describes the strategy for the transition to a green economy in Uzbekistan and the country's promising indicators.

Key words: green economy, green development, sustainable development, green energy.

Разнообразные кризисы последнего времени показывают неустойчивость сложившейся модели экономического развития во всем мире. Важный недостаток этой модели - абсолютизация экономического роста в ущерб решению социальных и экологических проблем. Человечество пытается найти новые пути развития экономики. Еще в середине 1980-х - начале 1990-х гг. в рамках структур ООН сформировались новые концептуальные подходы к развитию общества и экономики, в частности, две новые теории, оказавшие огромное влияние на обсуждение новых моделей: устойчивое развитие (sustainable development) и развитие человеческого потенциала (human development). Несмотря на различие теоретических подходов, в центре данных концепций стоит человек. К сожалению, хотя эти концепции и стали общепринятыми, но прогресс по их практической реализации в мире незначителен.[146]

Устойчивое развитие включает три измерения - экономическое, социальное и экологическое. Только при соблюдении требований устойчивости в отношении каждого из этих измерений может быть достигнуто устойчивое развитие в целом.

Сегодня становится всё более очевидно, что главной концепцией будущего в 21 веке является именно устойчивое развитие. Приоритеты устойчивого развития и зелёной экономики в мире отражены в стратегических документах ООН, принятых за последнее время. Здесь можно выделить три документа:

• «Будущее, которого мы хотим» (2012) определяет перспективы человечества в 21 веке на основе концепции устойчивого развития, базой которого должна стать зеленая экономика[147];

[146] Зелёная экономика и цели устойчивого развития для России: коллективная монография / Под науч. ред. С. Н. Бобылёва, П. А. Кирюшина, О. В. Кудрявцевой. — М.: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2019. - 284 с. ISBN 978-5-906932-32-7, с.5

[147] Будущее, которого мы хотим. Итоговый документ Конференции ООН по устойчивому развитию. Рио-де-Жанейро, Бразилия. 20–22 июня 2012 года. ООН, 2012.

• «Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года» (2015)[148] включает Цели устойчивого развития ООН на период 2015–2030 гг.;

• Парижское климатическое соглашение (2015)[149], определяющее приоритеты борьбы с климатической угрозой в мире и всех странах до 2030–2050 гг., что важно для перехода к устойчивому развитию.

В данных документах ООН удачно сочетаются как концептуальные приоритеты, так и конкретные цели, стоящие перед странами и народами. Документы снабжены количественными индикаторами и наборами мероприятий, позволяющими соответствующим правительствам планировать свои действия, направленные на выполнение выработанных решений. Таким образом, в целом можно говорить о достигнутом в мире консенсусе на развитие в 21 веке, которое связано с переходом к устойчивому развитию. Необходимость перехода к устойчивому развитию в мире во многом связана с осознанием критического обострения диспропорции между экономическим развитием и экологической деградацией.

За прошедшие 30 лет наблюдался значительный рост мирового ВВП - свыше четырех раз, что повысило уровень жизни сотен миллионов человек. Однако такой рост в мировой экономике во многом был достигнут благодаря глобальному истощению природного капитала и деградации экосистем.

В 2000-е гг. в мире быстро нарастали экологические проблемы: растущий дефицит пресной воды и продовольствия, изменение климата, сокращение биоразнообразия и лесов, опустынивание и многие другие. Вот только основные из этих проблем[150] :

- В мире 40% земли деградирует из-за снижения плодородия почвы, ее эрозии и истощения. Продуктивность земли уменьшается, что при пессимистических сценариях может привести к потере 50% потенциального урожая.

- Почти 1 млрд. человек испытывают нехватку чистой питьевой воды; 2,6 миллиарда людей не имеют доступа к адекватным санитарным услугам; 1,4 млн. детей младше пяти лет ежегодно умирают из-за нехватки чистой воды и отсутствия доступа к необходимым санитарным услугам. В будущем нехватка воды будет лишь усиливаться, и через 20 лет ее запасы будут удовлетворять лишь 60% мировых потребностей.

- До 20% мировых производителей зерна использует воду неустойчиво, подрывая будущий рост сельского хозяйства и увеличивая водный дефицит.

• Продолжается исчезновение лесов на планете. В 2000-2010 гг. площадь лесов ежегодно уменьшалась на 5,2 млн. га.

---

[148] Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. ООН, Нью-Йорк, сентябрь 2015 г.

[149] Принятие Парижского соглашения. Конференция Сторон. Двадцать первая сессия. Париж, 30 ноября — 11 декабря 2015 года. Рамочная конвенция Организации Объединенных Наций об изменении климата. ООН, 2015.

[150] Human Development Report. UNDP, 2011

• Засушливым землям, на которых проживает треть населения мира, угрожает опустынивание.

• В результате изменения климата могут пострадать около 2 млрд. людей, живущих на прибрежных территориях и т.д.

Узбекистан добивается значительных успехов во внедрении устойчивых методов в свое общее экономическое планирование. Страна начала переход от плановой экономики к рыночной в 2016 году. Правительство признало необходимость усиления экономических преобразований с помощью "зеленого" подхода. Правительство взяло на себя обязательство построить более устойчивую экономическую модель.[151]

Во исполнение вышеперечисленных вопросов, в декабре 2022 года подписано Постановление Президента с изложением реформ, которые властям необходимо будет реализовать в этой области.[152] Был принят План действий по переходу к зеленой экономике и обеспечению зеленого роста до 2030 года, который включает меры по решению текущих экологических и экономических проблем для достижения зеленого, устойчивого и инклюзивного развития.

Узбекистану необходимо улучшить управление ресурсами. При сравнении эффективность использования ресурсов в стране намного ниже, чем в Европейском союзе и других странах с доходом выше среднего. Водопользование в Узбекистане особенно неэффективно, в то время как потребление энергии страной на единицу ВВП примерно в три раза выше, чем в среднем по региону Европы и Центральной Азии, и в два раза выше, чем в соседнем Казахстане.

Для реализации своих зеленых амбиций Узбекистану уже сейчас необходимо решать эти и другие задачи, которые подразделяются на три временных периода: срочный, краткосрочный и долгосрочный. Учитывая, что экономика страны ориентирована на сельское хозяйство, и постепенное ухудшение состояния воздуха в районах с высокой плотностью населения, ее наиболее неотложными экологическими приоритетами будут улучшение качества воздуха и устойчивое использование земли и воды. Этого можно достичь с помощью восстановления ландшафта, эффективного управления водными ресурсами и мер по снижению загрязнения воздуха.

Устойчивое землепользование - важнейшая практика, которую необходимо расширять в Узбекистане. Методы ведения сельского хозяйства с учетом климатических факторов будут способствовать дальнейшему повышению устойчивости землепользования. В долгосрочной перспективе

---

[151] Паола Агостини , Вейен Леоу и Марко Мантованелли : Переход Узбекистана к зеленой экономике: вызовы и возможности /Uzbekistan's Transition to a Green Economy: Challenges and Opportunities – The Diplomat, 23 февраля 2023 г.

[152] Постановление Президента Республики Узбекистан «О МЕРАХ ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭФФЕКТИВНОСТИ РЕФОРМ, НАПРАВЛЕННЫХ НА ПЕРЕХОД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА «ЗЕЛЕНУЮ» ЭКОНОМИКУ ДО 2030 ГОДА" г. Ташкент, 2 декабря 2022 г., № ПП-436

стране было бы неплохо обеспечить переход от сельского хозяйства к секторам с более высокой добавленной стоимостью и более высокооплачиваемым трудом. Для этого потребуется переподготовка части сельскохозяйственной рабочей силы, в частности, наиболее уязвимых женщин и молодежи. При этом необходимо использовать наработанный опыт стран, имеющих большие, чем Узбекистан, проблемы с орошением сельскохозяйственных земель. Израиль считается пионером в области капельного орошения. Поскольку воды здесь не хватает, такая система позволяет наиболее эффективно использовать драгоценную влагу, к тому же добавлять удобрения, получая высокие урожаи.[153]

Повышение эффективности водопользования за счет ценообразования на воду и инвестиций в ирригацию должно быть самым большим приоритетом, при этом определенные ограничения на водопользование являются частью этих новых приоритетов. Продуманная низкоуглеродная политика обеспечит необходимые стимулы для перехода к низкоуглеродной энергетике и энергоэффективности в Узбекистане.

51-я цель стратегии «Узбекистан – 2030» – переход к «зеленой экономике» и резкое увеличение показателей использования возобновляемых источников энергии, составляющих ее основу. Данная цель включает в себя следующие задачи:

1. Доведение возобновляемых источников энергии до 25 тысяч мегаватт и доли в общем потреблении - до 40 процентов.

2. Развитие рынка «зеленых сертификатов» в промышленности и внедрение практики «экологической маркировки».

3. Снижение расхода природного газа путем модернизации 3 тепловых электростанций мощностью 3 ГВт.

4. Внедрение системы оценки энергоэффективности (энергоаудита) квартир в многоэтажных домах.

5. Перевод городского общественного транспорта полностью на экологически чистое топливо.

6. Создание системы мониторинга, охватывающей все парниковые газы, в сфере изменения климата (MRV).

7. Сокращение парниковых газов относительно единицы ВВП на 30 процентов по сравнению с их уровнем в 2010 году.[154]

Устойчивое развитие экономики Узбекистана, разработка долгосрочной стратегии структурных изменений требуют учета внутренних и глобальных процессов и проблем. По мере того, как мир движется к более устойчивому будущему, Узбекистан сталкивается со значительными трудностями в достижении глобальных энергетических показателей, особенно с точки зрения высокой энергоемкости и углеродоемкости. Эти условия делают страну уязвимой перед внешнеторговой политикой и налогами на ограничение выбросов углерода. Однако Узбекистан может превратить этот вызов в

[153] https://arktal.livejournal.com/ Капельное орошение. Как это делается в Израиле (livejournal.com)
[154] Указ Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 года №ПФ-158

возможность, приняв глобальный переход к "зеленой" экономике и укрепив экологическую и климатическую политику.

Узбекистан должен немедленно начать процесс экологизации своей экономики. Определение приоритетов "зеленых" целей должно быть неотъемлемой частью текущих усилий по более масштабному переходу к рыночной экономике. Другие "зеленые" меры, такие как повышение эффективности использования ресурсов и развитие "зеленой" занятости и финансирования, также могут принести Узбекистану краткосрочные выгоды.

Однако страна также должна учитывать влияние "зеленого" перехода на общество. Поддержка "зеленых" секторов и отказ от углеродоемкой и ресурсоемкой деятельности изменят структуру инвестиций и создания рабочих мест, создав победителей и проигравших. Важно оказывать поддержку сообществам, которые пострадали больше всего. Эти ценности лежат в основе усилий по обеспечению справедливого перехода.

**Список использованной литературы**

1. Указ Президента Республики Узбекистан от 11 сентября 2023 года №ПФ-158

2. Постановление Президента Республики Узбекистан «О МЕРАХ ПО ПОВЫШЕНИЮ ЭФФЕКТИВНОСТИ РЕФОРМ, НАПРАВЛЕННЫХ НА ПЕРЕХОД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН НА «ЗЕЛЕНУЮ» ЭКОНОМИКУ ДО 2030 ГОДА” г. Ташкент, 2 декабря 2022 г., № ПП-436

3. Зелёная экономика и цели устойчивого развития для России: коллективная монография / Под науч. ред. С. Н. Бобылёва, П. А. Кирюшина, О. В. Кудрявцевой. — М.: Экономический факультет МГУ имени М. В. Ломоносова, 2019. - 284 с. ISBN 978-5-906932-32-7, с.5

4. Преобразование нашего мира: Повестка дня в области устойчивого развития на период до 2030 года. ООН, Нью-Йорк, сентябрь 2015 г.

5. Tsoy Marina Petrovna, Li Marina RudolfovnaRomashkin, Roman Anatolyevich ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СФЕРЫ УСЛУГ В УЗБЕКИСТАНЕ 2024-yil, yanvar. № 1-son. YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT Elektron nashr. 788 sahifa. E’lon qilishga 2024-yil 7-fevralda ruxsat etildi, ““Yashil” iqtisodiyot va taraqqiyot” jurnali 03.11.2022-yildan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi

6. Цой Марина Петровна ВЫЗОВЫ И ВОЗМОЖНОСТИ ПЕРЕХОДА УЗБЕКИСТАНА К ЗЕЛЕНОЙ ЭКОНОМИКЕ: O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI TOSHKENT DAVLAT IQTISODIYOT UNIVERSITETI “Yashil iqtisodiyot sari: nazariy va amaliy yondashuvlar tahlili” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami. – T., 2024. – 178-182 b

**F.U.Tursunov** – SamISI, “Menejment” kafedrasi mudiri, i.f.n., dotsent

# XIZMAT KO‘RSATISH SOHASINI RIVOJLANTIRISHDA STARTAPLARNING O‘RNI

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada moliyaviy beqarorlik sharoitida hozirgi bosqichda startaplarni rivojlantirish zarurati muhokama qilinadi.

**Kalit so'zlar:** startaplar, moliyalashtirish, turizm, investitsiyalar, globallashuv, investitsion jozibadorlik.

**Аннотация:** В данной статье рассмотрены необходимость развития стартапов на современном этапе в условиях финансовой нестабильности.

**Ключевые слова:** стартапы, финансирование, туризм, инвестиции, глоболизация, инвестиционная привлекательность.

**Annotation:** This article discusses the need for the development of startups at the present stage in the conditions of financial instability.

**Key words:** startups, financing, tourism, investments, globalization, investment attractiveness.

O‘zbekiston Respublikasida 2021-2023 yillarda xizmatlar sohasini rivojlantirish dasturini amalga oshirish natijasida 2021 yilda xizmatlar ko‘rsatish hajmi qariyb 20 foizga o‘sgan. Shu bilan birga, o‘tkazilgan tahlillar natijasida xizmatlar sohasini rivojlantirishga yangicha yondashuvlarni joriy etish orqali bozor xizmatlari hajmini 2022 yilda 1,5 baravarga oshirish hamda qo‘shimcha 1,5 million yangi ish o‘rinlarini yaratish imkoniyatlari mavjudligi aniqlangan.

“Startap loyihalar va venchur moliyalashtirish ekotizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori (PQ-357-son, 14.10.2024 yil) qabul qilindi. Qarorga ko‘ra, raqamli texnologiyalar sohasidagi startap loyihalarni har tomonlama qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan Raqamli startaplar dasturi amalga oshiriladi. Dasturda quyidagi rezident yuridik shaxslar ishtirok etishi mumkin:

1) quyidagi talablarga mos keluvchi startap loyihalar:

- faoliyat davomiyligi – 6 oydan 7 yilgacha;
- kalendar yilida jami daromadi – 10 milliard so‘mdan oshmagan;
- inkubatsiya yoki akseleratsiya dasturini muvaffaqiyatli yakunlaganligini tasdiqlovchi hujjatga ega;
- raqamli texnologiyalarga asoslangan, yuqori o‘sish va xorijiy bozorlarga chiqish salohiyati bo‘lgan biznes modelga ega;
- startap loyihalar ekotizimi platformasida ro‘yxatdan o‘tgan;

2) startap ekotizimi ishtirokchilari – venchur jamg‘armalar va xususiy investorlar hamda startap loyihalar uchun akseleratsiya va inkubatsiya dasturlarini tashkillashtirish xizmatlarini ko‘rsatuvchi tadbirkorlar.

Bugungi kunda yosh tadbirkorlar va izlanuvchilar orasida startaplar biznesni boshlashning eng mashhur variantlaridan biriga aylandi. Globallashuv sharoitida hududlarda ishbilarmonlik doirasini rivojlanish darajasini, o‘z faoliyatini noldan

boshlab muvaffaqiyaga erishgan kompaniyalar soniga qarab baholanmoqda. Bunday yutuqlarga asosan korxonani tashkil etish, ko‘plab qiziqarli fikrlar va istiqbolli g‘oyalar to‘g‘risida o‘z qarashlariga ega, biznesning yangi to‘lqini vakillari deb atalayotgan 25-30 yoshdagi ishbilarmonlar izlanuvchilar egallamoqda.

Yoshlarning axborot texnologiyalariga bo‘lgan qiziqishi, bu sohada va iste’mol bozorida innovatsion qarorlarni qabul qilinishini va yangi mahsulot turlarini kirib kelishini tezlashtirmoqda. Xalqaro tajribalar shuni ko‘rsatmoqdaki, bu tarmoqlarga kiritilgan investitsiyalar katta foyda keltirmoqda.

Startap konsepsiyasining mohiyati ma’lum bir nostandart va asl g‘oyada bo‘lib, haddan tashqari noaniqlik sharoitida biznes modelni tuzish hisoblanadi va u internetda yoki texnologiya sohasida hali mavjud bo‘lmagan o‘xshash loyihani amalga oshirishga qaratilgandir.

Yevropa va AQSH startap sektoriga sarmoya kiritadigan asosiy sarmoyador mamlakatlar bo‘lib hisoblanmoqda. So‘ngi yillarda startaplarga katta mablag‘ sarflaydigan davlatlar ro‘yxatiga Hindiston, Avstraliya, Isroil, Xitoy, Singapur va Braziliya kirmoqda.

Startaplar moliyaviy xizmatlar, iste’mol tovarlari va xizmatlar biznesi, tibbiyot, logistika, transport va qurilish kabi yo‘nalishlarda tezlik bilan rivojlanmoqda. An’anaviy turistik startap deganda transport chiptalarini, turlarni, sayohat tashkil etishni va mehmonxona nomerlarini sotish bo‘yicha loyihalarni keltirish mumkin, jumladan sayohat va turizm yo‘nalishida o‘sib borayotgan startaplarga Timeshifter (parvozdagi qiyinchiliklarni kamaytirish), Airbuy (tovarlarni sotib olish), Heycars (aeroportdagi transfer xizmatlari) va My cash online (sovg‘a va mablag‘larni yetkazib berish) kiritish mumkin.

Bunday loyihalar turizm sohasida startaplar ishining o‘ziga xos xususiyatlarini aks ettiruvchi bir necha muhim xususiyatlarni birlashtiradi:

- harid qilingan xizmatlarni to‘lash usullari (bronlash, reyslar, turar joy, pul o‘tkazmalari va boshqalar) asosan elektron to‘lovlarga qaratilgan bo‘ladi;
- xizmat ko‘rsatuvchi provayder bilan aloqalar (mehmonxonalar, aviakompaniyalar, turfirmalar, sayyohlik agentliklari va boshqalar) daromadlar taqsimotiga qarab emas, balki komission daromadlar miqdoriga qarab (4–20%) shartnoma asosida quriladi;
- barcha turistik startaplar marketingga jiddiy investitsiyalarni talab qiladi (asosan internetda to‘g‘ridan-to‘g‘ri reklama) va ko‘pincha texnologik platformalarni joriy qilishdan voz kechadi;
- muayyan mahsulotni sotadigan an’anaviy onlayn-do‘konlardan farqli o‘laroq, harajatlarni qoplash uchun sotilishi mumkin bo‘lgan omborxonalarda qoldiq tovarlar mavjud bo‘lmaydi, bu esa moliyaviy sabablarga ko‘ra loyiha yopilgan taqdirda investitsiya qilingan mablag‘larning bir qismini qoplashga imkon bermaydi.

Albatta, o‘z vaqtida moliyalashtirish startaplarni rivojlantirishda muhim rol o‘ynaydi. O‘z vaqtida va to‘liq moliyalashtirilmagan startaplar sinadi, bundan tashqari, ideal holda, startap bir moliyalash to‘lqinidan boshqasiga o‘tishi kerak. Bu

yo‘nalishdagi eng muhim narsa, startaplarni moliyalashtirishga tayyor bo‘lgan investorlarni topish va ularni qiziqtirishdir.

Boshlang‘ich moliyalashtirish manbalari ikki turga bo‘linadi:

- ichki (shaxsiy sarmoya, oilaviy yoki do‘stlar tomonidan ajratiladigan sarmoyalar);
- tashqi (venchur kapitali fondi, kreditlar, davlat tomonidan ajratilgan mablag‘lar, kraudfanding).

Rivojlanayotgan mamlakatlarda moliya bozorining hozirgi holatini, xizmatlar sohasi uchun infratuzilma loyihalarining xususiyatlarini, ularning kapitalga bo‘lgan yuqori talabchanligini va noma’lum natijaga ega bo‘lgan uzoq muddatli to‘lovlarni hisobga olgan holda xulosa qilinganda, sohasda amalga oshiriladigan startap loyihalarini yuqori darajadagi xavfga ega ekanligini ko‘rish mumkin. Shu sababli, tavakkalchilikka asoslangan bunday loyihalarni amalga oshirishda mahalliy hokimiyat organlari va hududlarda faoliyat yurituvchi korxona va tashkilotlarning ishtirok etishi muhim ahamiyatga ega.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:**

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoevning “Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi” To‘ldirilgan ikkinchi nashri. –Toshkent: “O‘zbekiston nashriyoti”, 2022. -416 bet.

2. Zaynutdinov Sh.N. Innovatsion salohiyatni oshirish strategiyasi. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnal №1 2011.

3. Просветов Г.И. “Экономика предприятия: задачи и решения”. Учеб. практическое пособ. – М.: Альфа-Пресс, 2009.

4. Yo‘ldoshev N.Q., Mirsaidova Sh.A., Goldman Ye.D. Innovatsion menejment. Darslik. – T.; 2011.

**Po‘latova Shahnoza Abdirashitovna –** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti mustaqil izlanuvchisi

## OZIQ-OVQAT MAHSULOTLARINI QAYTA ISHLASH SANOATIDA YASHIL MARKETING KONSEPSIYASIDAN FOYDALANISHDA ISO STANDATRLARINING O‘RNI

**Annotatsiya:** Mazkur maqolada yashil marketing konsepsiyasining shakllanish shart-sharoitlari, yashil marketingning mazmuni, oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash sanoatida yashil marketing konsepsiyasidan foydalanishning dolzarbligi va oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash sanoatida yashil marketing konsepsiyasidan foydalanishda ISO standartlarining o‘rni yoritilgan.

**Kalit so‘zlar:** yashil marketing, yashil marketing konsepsiyasi, ekologik xavfsiz mahsulotlar, ekologik mas’uliyat, oziq-ovqat xavfsizligi, ekologik barqarorlikni oshirish, ISO standartlari.

**Аннотация:** В данной статье описаны условия формирования концепции зеленого маркетинга, содержание зеленого маркетинга, актуальность использования концепции зеленого маркетинга в пищевой перерабатывающей промышленности, а также роль стандартов ISO в использовании концепции зеленого маркетинга в пищевой перерабатывающей промышленности.
**Ключевые слова:** зеленый маркетинг, концепция зеленого маркетинга, экологически безопасная продукция, экологическая ответственность, безопасность пищевых продуктов, повышение экологической устойчивости, стандарты ISO.
**Abstract:** This article discusses the conditions for the formation of the green marketing concept, the content of green marketing, the relevance of using the green marketing concept in the food processing industry, and the role of ISO standards in using the green marketing concept in the food processing industry.
**Keywords:** green marketing, green marketing concept, environmentally friendly products, environmental responsibility, food safety, improving environmental sustainability, ISO standards.

XX asrning ikkinchi yarmidan boshlab marketing konsepsiyalarida jiddiy o‘zgarishlar ro‘y bera boshladi. Ijtimoiy, texnologik va iqtisodiy rivojlanish bilan birga, bozor talablari ham jiddiy o‘zgarib, marketing yondashuvlari ham yangi bosqichga ko‘tarildi. 1970-yillarga kelib, marketing yondashuvlariga ijtimoiy omillar ham qo‘shildi. Bu davrda jamiyatning ekologik va ijtimoiy mas’uliyatiga bo‘lgan e’tibori kuchaygan. Iste’molchilarning faqat mahsulot yoki xizmat sifati emas, balki kompaniyalarning jamiyatga qanday ta’sir ko‘rsatishi ham muhim bo‘lib qolgan. Natijada marketingning ijtimoiy-axloqiy marketing konsepsiyasi paydo bo‘ldi. Ushbu konsepsiyaning paydo bo‘lishi marketing jarayonlarida ijtimoiy mas’uliyatli marketing, ya’ni kompaniyalar jamiyat farovonligini oshirishga ham o‘z hissalarini qo‘shadigan bo‘ldi. Shuning bilan birga atrof-muhitni himoya qilishga qaratilgan strategiyalar ishlab chiqildi. Kompaniyalar nafaqat mijozlar ehtiyojlarini, balki ijtimoiy manfaatlarni ham hisobga olishga majbur bo‘ldi.

XX asrning oxiri va XXI asrning boshlarida global ekologik muammolar jiddiy tus oldi. Iqlim o‘zgarishlari, ekologik inqirozlar va resurslarning kamayishi kompaniyalarni atrof-muhitga nisbatan mas’uliyatli yondashuvlarni amalga oshirishga majbur qildi. Natijada marketing ilmida yangi yondashuv “yashil marketing” konsepsiyasi vujudga keldi. Ushbu tushuncha dastlab, “ekologik marketing”, keyinchalik “yashil marketing” deb nomlandi.

AQShlik olimlar Ken Hennison va Thomas Kinnear yashil marketing konsepsiyasi rivojlanishiga katta hissa qo‘shgan. Thomas Kinnear yashil marketing sohasidagi eng muhim ilmiy tadqiqot ishlarini 1970-yillarda olib borgan. U yashil marketing (green marketing) va ekologik iste’molchilar xatti-harakatlarini o‘rganish orqali yashil marketing konsepsiyasining rivojlanishiga katta hissa qo‘shgan. Kinnearning ilmiy tadqiqotlari ekologik muammolarni hisobga olib, mahsulotlar va xizmatlar ishlab chiqarishda kompaniyalar uchun yashil strategiyalarni ishlab chiqishga qaratilgan.

Ken Hennison va Thomas Kinnearlar yashil marketinga quyidagicha ta’rif berishgan “yashil marketing – bu ekologik xavfsiz mahsulotlarni ishlab chiqarish va sotish strategiyasi bo‘lib, jamiyatni ekologik mas’uliyatga chaqiradi va kompaniyalarga ijobiy ekologik ta’sir ko‘rsatish imkonini beradi”[155].

Bugungi kunda yashil marketing konsepsiyasidan oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashda ham keng foydalanilmoqda. Ayniqsa, oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida yashil sertifikatlar, eko-brendlar muhim ahamiyatga ega bo‘lib bormoqda. Bunda yashil marketingning umumiy qoidalarini ishlab chiqish, ekologik tamoyillarni o‘rnatishda xalqaro standartlarning o‘rni beqiyosdir.

Oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash sanoatida yashil marketing konsepsiyasini rivojlantirishda ISO standartlari muhim o‘rin tutadi. ISO (International Organization for Standardization) tomonidan ishlab chiqilgan standartlar oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash sanoatida faoliyat yuritayotgan korxonalarga ekologik barqarorlikni oshirish va yashil marketing tamoyillariga rioya qilishda asosiy qoidalarni o‘rnatadi. Bu esa, o‘z navbatida, iste’molchilarning ekologik toza va xavfsiz oziq-ovqat mahsulotlariga bo‘lgan talabini qondirishda yordam beradi.

Oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash sanoatida yashil marketingdan foydalanish, yashil marketing talablariga javob berish va yashil marketingni tartibga soluvchi muhim ISO standartlari mavjud. Ekologik boshqaruv tizimiga qo‘yiladigan talablarni o‘z ichiga olgan ISO 14000 standartlari ishlab chiqildi. Mazkur seriyadagi standartlar orasida yashil marketing konsepsiyasiga mos keladigan standartlar ham bor. Bundan tashqari oziq-ovqat xavfsizligi sohasidagi boshqaruv tizimlari uchun ISO 22000 xalqaro standartlar mavjud. Oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash sanoatida yashil marketingdan foydalanishda aynan ISO 14000 va ISO 22000 standartlari talablariga rioya qilinadi (1-jadval).

**1-jadval**

**Atrof-muhitni etiketlash bayonotlari uchun ISO standartlarining xususiyatlari**

| Standart belgisi | Asosiy me’yorlar | Mazmuni |
|---|---|---|
| ISO 14020:2000 | Ekologik yorliqlar (etiketka) va deklaratsiyalar: asosiy tamoyillar | Ekologik yorliqlar va deklaratsiyalar yoki bayonotlar mahsulot haqida uning umumiy ekologik tavsifi yoki o‘ziga xos ekologik jihatlari nuqtai nazaridan ma’lumot beradi. Xaridorlar mahsulot tanlashda ushbu ma’lumotlardan foydalanishlari mumkin. |
| ISO 14024:2018 | Ekologik yorliqlar va deklaratsiyalar. I toifagi ekologik markirofka | Eko-yorliqlar muayyan talablarga javob beradigan mahsulotlarga beriladi. Ushbu eko-yorliqlash dasturi ixtiyoriydir va davlat yoki xususiy muassasalar |

[155] Hennis ISO22000 oziq-ovqat xavfsizligi sohasidagi boshqaruv tizimlari uchun xalqaro standartlar qatoridir.on K., Kinnear T. Ecological Marketing, Prentice-Hall, Englewood Cliffs. NJ. 1976. P. 836.

| | | |
|---|---|---|
| | (qadoqlash): printsiplar va protseduralar | tomonidan amalga oshirilishi va milliy, mintaqaviy yoki xalqaro tavsifga ega bo‘lishi mumkin. |
| ISO 22000:2005 | “Oziq-ovqat va oziq-ovqat xavfsizligini boshqarish tizimlari – Ta’minot zanjiridagi har qanday tashkilotga qo‘yiladigan talablar” | ISO 22000 oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash sanoati uchun juda muhim bo‘lib, mahsulotning xavfsizligini ta’minlashda qo‘llaniladi. Ushbu standart:<br>– oziq-ovqat xavfsizligi bo‘yicha global talablarni belgilaydi va xavfsizlikka doir barcha jarayonlar, jumladan, ekologik xavfsizlikni ham nazorat qiladi.<br>– yashil marketing konsepsiyasining bir qismi sifatida korxonalarni xavfsiz va ekologik toza oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarishga yo‘naltiradi. |

ISO standartlari asosida ishlaydigan korxonalar iste’molchilar uchun ekologik toza va xavfsiz oziq-ovqat mahsulotlarini yetkazib berish orqali o‘z brendining yashil marketing tamoyillariga rioya qilishini namoyish etadi. Shu bilan birga, bu ISO standartlari ekologik barqarorlik, energiya samaradorligi, va chiqindilarni kamaytirish orqali oziq-ovqat sanoatining umumiy ekologik samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

O‘zbekistonda oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash sanoatida yashil marketing konsepsiyasini rivojlantirishda ISO standartlarini qo‘llash bo‘yicha quyidagi ilmiy tavsiyalarni ishlab chiqdik:

– O‘zbekiston qonunchiligida oziq-ovqat xavfsizligi va ekologik barqarorlik masalalarini rivojlantirishda ISO 14001, ISO 22000, va ISO 9001 standartlariga mos keluvchi maxsus me’yoriy hujjatlar ishlab chiqilishi maqsadga muvofiq;

– “O‘zstandart” agentligi ISO sertifikatlashtirish tizimiga muvofiq holda milliy standartlarni takomillashtirib, ekologik xavfsizlik talablarini, eko-yorliqlar, ekologik toza mahsulotlar bo‘yicha talablar, asosiy tushunchalar borasida milliy standartlarni ishlab chiqish;

– Oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish jarayonlarida ekologik xavfsizlikni boshqarish tizimlarini joriy etish majburiy talab sifatida ko‘rilishi lozim;

– Chiqindilarni qayta ishlash va resurslardan samarali foydalanishning zamonaviy texnologiyalarini joriy qilishda davlat va xalqaro tashkilotlarning texnik yordamidan foydalanish kerak;

– Oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish jarayonlarida xavfsizlik standartlarini saqlash uchun ISO 22000 talablariga mos keluvchi ichki monitoring tizimlarini joriy qilish kerak.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1.Baker J. Michel. The marketing book (fifth edition). 2003. P. 726 – 755.

2. Donald A.Fuller. Sustainable Marketing: Managerial-Ecological Inssues. SAGE, 1999. 45-48 pp.

3. Hennison K., Kinnear T. Ecological Marketing, Prentice-Hall, Englewood Cliffs. NJ. 1976. P. 836

4. Ken Peattie. Green Marketing. Pitman, 1992. 344-pp. ISBN 9780712108430

5. Jacquelyn Ottman. Green Marketing: Opportunity for Innovation. The Journal of Sustainable Product Design. 1998. 1 (10):60 DOI:10.5070/G311010346

6. Martin Charter, Michael Jay Polonsky. Greener Marketing A Global Perspective on Greening Marketing Practice. Hardback. 2002. 432-pp.

7. John Grant. Green marketing. Strategic Direction. 2008. 24 (6). 25-27 pp. DOI:10.1108/02580540810868041

**Po‘latova Shahnoza Abdirashitovna –** Samarqand iqtisodiyot va servis instituti mustaqil izlanuvchisi

## BARQAROR RIVOJLANISH VA YASHIL MARKETING KONSEPSIYASINING O‘ZARO BOG‘LIQLIGI

**Annotasiya:** mazkur maqolada barqaror rivojlanish masalalarining yashil marketing konsepsiyasi bilan o‘zaro bog‘liqligi, yashil marketing konsepsiyasining mazmuni, yashil marketing va barqarorlik masalalari bo‘yicha tadqiqotlar olib borgan xorijiy tadqiqotchilarning ilmiy qarashlari bayon qilingan.

**Kalit so‘zlar:** barqaror rivojlanish, yashil marketing, oziq-ovqat xavfsizligi, ekologik mas’uliyat, barqaror ishlab chiqarish, korxona raqobatbardoshligi, ekologik xavfsizlik va ijtimoiy farovonlik.

**Аннотация:** в данной статье описывается взаимосвязь вопросов устойчивого развития с концепцией зеленого маркетинга, содержание концепции зеленого маркетинга, научные взгляды зарубежных исследователей, проводивших исследования по вопросам зеленого маркетинга и устойчивости.

**Ключевые слова:** устойчивое развитие, зеленый маркетинг, безопасность пищевых продуктов, экологическая ответственность, устойчивое производство, конкурентоспособность предприятий, экологическая безопасность и социальное благополучие.

**Abstract:** This article describes the relationship between sustainable development issues and the concept of green marketing, the content of the concept of green marketing, and the scientific views of foreign researchers who have conducted research on green marketing and sustainability issues.

**Keywords:** sustainable development, green marketing, food safety, environmental responsibility, sustainable production, enterprise competitiveness, environmental safety, and social well-being.

Zamonaviy dunyoda barqaror rivojlanish masalalari global muammo darajasiga ko‘tarilgan bo‘lib, iqtisodiy o‘sish va ekologik xavfsizlikni birlashtirishga bo‘lgan ehtiyoj ortib bormoqda. Bugungi kunda tabiat resurslarining cheklanganligi va iqlim o‘zgarishlarining kuchayib borishi, oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlash, ko‘plab mamlakatlarni ekologik xavfsizlikka asoslangan yangi iqtisodiy yondashuvlarni izlashga undamoqda. Shu nuqtai nazardan, yashil marketing konsepsiyasi barqaror rivojlanish tamoyillarini amalga oshirishda samarali vosita sifatida e’tiborni jalb qilmoqda.Yashil marketing, o‘z mohiyatiga ko‘ra, mahsulotlarni ishlab chiqarish, qadoqlash va targ‘ib qilish jarayonlarida ekologik tamoyillarga rioya qilishni anglatadi. Bu yondashuv nafaqat korxonalar uchun yangi bozorlarni ochadi, balki atrof-muhitni asrash va iste’molchilarning ekologik xabardorligini oshirishga xizmat qiladi.

Serbiyalik tadqiqotchilar Ivan Kontić va Jasmin Bilješković yashil marketing va barqarorlik masalalari bo‘yicha tadqiqotlar olib borganlar. Ular yashil marketing konsepsiyasini kengroq ko‘rib chiqib, ekologik mas’uliyatli biznes amaliyotlarining muhimligini o‘rganganlar. Ular tadqiqotlarida yashil marketing konsepsiyasining turli yo‘nalishlariga e’tibor qaratishgan. Tadqiqotlari davomida Ivan Kontić va Jasmin Bilješković kompaniyalar va iste’molchilar o‘rtasida yashil marketing orqali qanday o‘zaro aloqalar shakllanishini tahlil qilib, ushbu jarayonni ekologik, iqtisodiy va ijtimoiy jihatdan baholaganlar[156].

Kontić va Bilješković yashil marketingni kompaniyalar uchun raqobat ustunligi sifatida tadqiq qilishgan. Ularning fikriga ko‘ra, yashil marketing strategiyasini qabul qilgan kompaniyalar bozorda ekologik jihatdan xabardor iste’molchilarni jalb qilish orqali uzoq muddatli muvaffaqiyatga erishadilar.

Tadqiqotlarida Kontić va Bilješković yashil marketingni barqaror biznesning asosiy elementi deb ta’kidlab, kompaniyalar yashil marketingga e’tibor qaratgan holda ekologik innovatsiyalarni ham rivojlantirishlari kerakligini urg’ulaganlar. Ularning tadqiqotlari ekologik toza texnologiyalarni va mahsulotlarni ishlab chiqish va joriy etish orqali barqaror rivojlanishning muhimligini ta’kidlagan.

Barqaror marketing va ekologik mas’uliyatli biznes amaliyotlari sohasida ko‘plab ilmiy ishlari bilan tanilgan avstraliyalik Michael J. Polonsky va Philip J. Rosenberger yashil marketing konsepsiyasi bo‘yicha muhim tadqiqotlar olib borganlar. Polonsky va Rosenberger yashil marketingni barqaror rivojlanishning bir qismi sifatida o‘rganishgan. Ular kompaniyalar ekologik xavfsiz mahsulotlarni bozorga chiqarishda qanday marketing strategiyalaridan foydalanishlari mumkinligini o‘rganganlar. Tadqiqotlari ko‘pincha yashil marketingni amalga oshirishning qiyinchiliklarini va ushbu jarayonning iqtisodiy samaradorligini tahlil qilishga qaratilgan[157].

Yashil marketing konsepsiyasi (green marketing) zamonaviy marketingning muhim yo‘nalishlaridan biri bo‘lib, u ekologik barqarorlikni va atrof-muhitga salbiy

---

[156] Ivan Kontic, Jasmin Biljeskovic. Greening the marketing mix. 2010. P. 62. Режим доступа: http://www.divaportal.org/smash/get/diva2:329044/fulltext01.pdf (дата обращения: 28.02.2016).

[157] Polonsky M. J., Rosenberger P. J. Reevaluating Green Marketing: A Strategic Approach. Business Horizons. 2001. Vol. 44. № 5. P. 21 – 30.

ta’sirni kamaytirishga qaratilgan. Marketingning 1990-yildan boshlab shakllangan va amaliyotda keng qo‘llanib kelinayotgan konsepsiyalari zamonaviy konsepsiyalar hisoblanadi. Yashil marketing konsepsiyasining mazmuni yoritishda yashil marketingning asosiy elementlari, amaliy yondashuvlarga e’tibor qaratish maqsadga muvofiqdir (1-jadval).

**1-jadval**

**Yashil marketing konsepsiyasining mazmuni**

| Asosiy element | Mazmun | Amaliy yondashuvlar |
|---|---|---|
| Ekologik toza mahsulotlar | Yashil marketing ekologik xavfsizlik va tabiiy resurslardan oqilona foydalanishga qaratilgan mahsulotlar ishlab chiqarishni nazarda tutadi. | – qayta ishlangan materiallardan foydalanish;<br>– biodegradatsiya qiluvchi qadoqlash;<br>– kam uglerodli mahsulotlar yaratish. |
| Barqaror ishlab chiqarish | Mahsulotlarni ishlab chiqarish jarayonida atrof-muhitga minimal zarar yetkazish va tabiiy resurslardan oqilona foydalanish. | – energiya samaradorligini oshirish;<br>– suv resurslarini tejash;<br>– qayta tiklanuvchi energiya manbalaridan foydalanish. |
| Ijtimoiy mas’uliyat | Korxonalar atrof-muhitni muhofaza qilish va jamiyat farovonligini oshirish uchun mas’uliyatni o‘z zimmalariga olishlari kerak. | – korporativ ijtimoiy mas’uliyat (KIM) strategiyalari;<br>– mahalliy jamoalar bilan hamkorlikda ekologik loyihalarni amalga oshirish. |
| Yashil kommunikatsiya | Iste’molchilarni korxona mahsulotlari va xizmatlarining ekologik afzalliklari haqida ma’lumotlar bilan ta’minlash. | – ekologik yorliqlar (eco-labels) qo‘llash;<br>– mahsulotlarning ekologik ta’sirini oshkor qilish;<br>– reklamada ekologik qadriyatlarni aks ettirish. |
| Innovatsion yondashuvlar | Yashil marketing korxonalarni ekologik samaradorlikni oshiruvchi innovatsiyalarni tadbiq etishga undaydi. | – ekologik toza texnologiyalarni joriy qilish;<br>– mahsulotlar hayotiy siklini uzaytirish uchun qayta ishlash tizimlari yaratish. |
| Yashil iste’molchi segmenti | Yashil marketingda ekologik mas’uliyatli iste’molchilarning afzalliklari va xatti-harakatlari tahlil qilinadi. | – iste’molchilarning ekologik qadriyatlari va ehtiyojlarini o‘rganish;<br>– ekologik mahsulotlarni qidirayotgan segmentlarni aniqlash. |
| Barqaror qiymat zanjiri | Yashil marketingda ishlab chiqarishdan tortib | – ta’minot zanjirini ekologik tozalikka moslashtirish; |

| | | |
|---|---|---|
| | iste’molchiga yetib borishgacha bo‘lgan barcha jarayonlar ekologik tamoyillarga asoslanadi. | – resurslarni samarali boshqarish orqali chiqindilarni kamaytirish. |
| Raqobat ustunligi | Yashil marketing orqali korxonalar ekologik jihatdan mas’uliyatli bo‘lishi bilan raqobat ustunligi qo‘lga kiritishadi. | – yashil brend yaratish;<br>– ekologik jihatdan ilg’or mahsulotlarni bozorga olib chiqish orqali raqobatbardosh bo‘lish |
| Yashil sertifikatsiyalar | Mahsulotlar ekologik standartlarga mos kelishini tasdiqlovchi sertifikatsiyalar orqali ishonch yaratish. | – ISO 14001 sertifikatsiyasi;<br>– Energy Star;<br>– Fair Trade sertifikatsiyalari. |

Barqaror rivojlanish va yashil marketing konsepsiyalari o‘zaro bog‘liqdir. Barqaror rivojlanish va yashil marketing konsepsiyalarining o‘zaro bog‘liqligi – bu iqtisodiy o‘sish, ekologik xavfsizlik va ijtimoiy farovonlikni ta’minlash maqsadida korxona faoliyatida ekologik tamoyillarni integratsiya qilishdir. Yashil marketing ekologik xavfsiz mahsulotlar ishlab chiqarishni rag‘batlantiradi, bu esa korxonalarga raqobatbardoshlikni oshirish va yangi bozorlarga kirish imkonini beradi. Shu bilan birga, resurslardan tejamkor foydalanish orqali iqtisodiy samaradorlik ta’minlanadi. Barqaror rivojlanish texnologik innovatsiyalarni talab qiladi, yashil marketing esa ushbu innovatsiyalarni ishlab chiqish va bozorga olib chiqishda muhim rol o‘ynaydi. Barqaror rivojlanish va yashil marketing konsepsiyalarining o‘zaro bog‘liqligi iqtisodiy barqarorlik, ekologik xavfsizlik, ijtimoiy farovonlik, innovatsiyalar va texnologiyalar bo‘yicha yanada yaqqol namoyon bo‘ladi (2-jadval).

**2-jadval**

**Barqaror rivojlanish va yashil marketing konsepsiyalarining o‘zaro bog‘liqligi**

| Asosiy tamoyil | Barqaror rivojlanish | Yashil marketing | O‘zaro bog‘liqlik |
|---|---|---|---|
| Iqtisodiy barqarorlik | Resurslarni samarali boshqarish va iqtisodiy o‘sish. | Tabiiy resurslardan tejamkor foydalanish, ekologik mahsulotlarni ishlab chiqarish orqali iqtisodiy foyda. | Iqtisodiy barqarorlikka erishishda yashil marketing yangi daromad manbalarini shakllantiradi va eksport salohiyatini oshiradi. |
| Ekologik xavfsizlik | Tabiatni muhofaza qilish, chiqindilarni kamaytirish, | Qayta ishlanadigan materiallardan foydalanish, ekologik | Yashil marketing atrof-muhitni asrash tamoyillarini amalga oshiradi va |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | atmosfera ifloslanishini oldini olish. | sertifikatlash va atrof-muhitni muhofaza qilish. | korxonalarni ekologik mas’uliyatga undaydi. |
| Ijtimoiy farovonlik | Aholi sog‘lig‘ini saqlash va hayot sifatini yaxshilash. | Ekologik xavfsiz mahsulotlarni ishlab chiqarish va iste’molchilarning ekologik xabardorligini oshirish. | Yashil marketing sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qiladi, bu esa barqaror rivojlanishning ijtimoiy tamoyillarini kuchaytiradi. |
| Innovatsiyalar va texnologiyalar | Yashil texnologiyalarni joriy qilish orqali innovatsion rivojlanishni rag‘batlantirish. | Energiya tejamkor ishlab chiqarish usullari va qayta tiklanuvchi manbalardan foydalanish. | Yashil marketing texnologik taraqqiyotni tezlashtiradi va barqaror rivojlanishga xizmat qiluvchi yangi ishlanmalarni rag‘batlantiradi. |
| Davlar darajasida qabul qilingan strategiyalar | Ekologik siyosatni shakllantirish va xalqaro standartlarga rioya qilish. | ISO ekologik standartlarini qo‘llash orqali korxonalarni ekologik tamoyillarga moslashtirish. | Yashil marketing davlatning ekologik siyosatiga muvofiq rivojlanadi va barqaror rivojlanish dasturlarini muvaffaqiyatli amalga oshirishga ko‘maklashadi. |

Barqaror rivojlanish va yashil marketing konsepsiyalarining o‘zaro bog‘liqligidan unumli foydalanish uchun quyidagilarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir:

– korxona faoliyatida yashil marketing tamoyillarini asos qilib olish va barqaror rivojlanish maqsadlariga mos strategiyalarni ishlab chiqish;

– atrof-muhitga zarar yetkazmaydigan mahsulot ishlab chiqarish va qayta ishlash jarayonlariga e’tibor qaratish;

– yashil mahsulotlarga ustuvorlik beruvchi iste’molchilar uchun maxsus chegirma va aksiyalarni tashkil qilish;

– davlat organlari, nohukumat tashkilotlar va xalqaro institutlar bilan hamkorlikda yashil rivojlanish loyihalarini amalga oshirish;

– ekologik tadbirlar, forumlar va seminarlar orqali turli soha vakillari o‘rtasida tajriba almashish;

– yashil marketing bo‘yicha etakchi davlatlar, masalan, Skandinaviya davlatlar, AQSh, Yangi Zelandiya kabi davlatlarning tajribasini o‘rganish va ularni mahalliy sharoitda qo‘llash imkoniyatlari bo‘yicha loyihalar ishlab chiqish maqsadga muvofiq bo‘ladi.

**Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati**

1. Baker J. Michel. The marketing book (fifth edition). 2003. P. 726 – 755.
2. Donald A.Fuller. Sustainable Marketing: Managerial-Ecological Inssues. SAGE, 1999. 45-48 pp.
3. Ivan Kontic, Jasmin Biljeskovic. Greening the marketing mix. 2010. P. 62. Режим доступа: http://www.divaportal.org/smash/get/diva2:329044/fulltext01.pdf (дата обращения: 28.02.2016).
4. Hennison K., Kinnear T. Ecological Marketing, Prentice-Hall, Englewood Cliffs. NJ. 1976. P. 836
5. Ken Peattie. Green Marketing. Pitman, 1992. 344-pp. ISBN 9780712108430
6. Jacquelyn Ottman. Green Marketing: Opportunity for Innovation. The Journal of Sustainable Product Design. 1998. 1 (10):60 DOI:10.5070/G311010346
7. Martin Charter, Michael Jay Polonsky. Greener Marketing A Global Perspective on Greening Marketing Practice. Hardback. 2002. 432-pp.
8. John Grant. Green marketing. Strategic Direction. 2008. 24 (6). 25-27 pp. DOI:10.1108/02580540810868041
9. Polonsky M. J., Rosenberger P. J. Reevaluating Green Marketing: A Strategic Approach. Business Horizons. 2001. Vol. 44. № 5. P. 21 – 30.

**Ахтамова Мохигул Эркиновна** – PhD., и.о. доцент., кафедры «Менежмент» СамИЭС
**Асель Арамановна Сулейманова** - студентка группы mn-222, СамИЭС

## УПРАВЛЕНИЕ УСТОЙЧИВЫМ ТУРИЗМОМ КАК ФАКТОР ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА: ПОТЕНЦИАЛЬНЫЕ ВЫГОДЫ И РИСКИ

**Аннотация.** В данной работе рассматривается управление устойчивым туризмом в Узбекистане как ключевой фактор экономического развития. Анализируются потенциальные выгоды, включая создание рабочих мест, привлечение инвестиций и улучшение инфраструктуры. Также обсуждаются риски, связанные с экологическими и социальными последствиями, которые могут возникнуть при неэффективном управлении туристическими потоками. Исследование подчеркивает необходимость сбалансированного подхода к развитию туристической отрасли, чтобы максимизировать экономические преимущества и минимизировать негативное воздействие на окружающую среду и местные сообщества.

**Ключевые слова:** устойчивый туризм, экономическое развитие, экологические выгоды, социальные аспекты, экономические риски, устойчивое управление.

**Annotatsiya.** Mazkur ishda O‘zbekistonda barqaror turizmni boshqarish iqtisodiy rivojlanishning asosiy omili sifatida ko‘rib chiqilmoqda. Salohiyatli manfaatlar, jumladan, ish o‘rinlari yaratish, investitsiyalarni jalb etish va infratuzilmani yaxshilash tahlil qilinmoqda. Shuningdek, sayyohlik oqimlarini samarasiz boshqarishda yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan ekologik va ijtimoiy oqibatlar bilan bog‘liq xavflar muhokama qilinmoqda. Tadqiqot iqtisodiy afzalliklarni yuksaltirish va atrof-muhit va mahalliy hamjamiyatlarga salbiy ta’sirni kamaytirish uchun sayyohlik sohasini rivojlantirishga muvofiqlashtirilgan yondashuv zarurl

**Asosiy so‘zlar:** barqaror turizm, iqtisodiy rivojlanish, ekologik manfaatlar, ijtimoiy jihatlar, iqtisodiy xavflar, barqaror boshqaruv.

**Annotation.** This paper examines the management of sustainable tourism in Uzbekistan as a key factor in economic development. Potential benefits including job creation, investment attraction and infrastructure improvement are analyzed. It also discusses the risks associated with environmental and social impacts that may arise if tourism flows are not managed effectively. The study highlights the need for a balanced approach to tourism industry development in order to maximize economic benefits and minimize negative impacts on the environment and local communities.

**Keywords:** sustainable tourism, economic development, environmental benefits, social aspects, economic risks, sustainable management.

Устойчивый туризм представляет собой концепцию, направленную на минимизацию негативного воздействия туристической деятельности на окружающую среду, общество и экономику, одновременно способствуя сохранению культурного наследия и природных ресурсов для будущих поколений. Этот подход основывается на принципах устойчивого развития, которые предполагают гармоничное сосуществование экономических, социальных и экологических факторов.

